

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАҲРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ:**

**Бош муҳаррир:**

проф. НабиевД.Х.

**Бош муҳаррир ўринбосари**

доц. Холмирзаев Н.С.

**Масъул котиб**

ф.ф.д. Жумаев Т.Ж.

**Тахририят ҳайъати аъзолари:**

проф. Бахриддинова Б.М.

проф. Бўриев О.Б.

проф. Ёзиев Л.Ё.

проф. ЖабборовА.М.

ф.-м.ф.д. Имомов А.

проф. Кучбоев А.Э.

проф. Менглиев Б.Р.

т.ф.д. Мўминова Г.

проф. Нормуродов. М.Т.

проф. Нурманов С.Э.

проф. Очилов А.О.

п.ф.д. Расулов М.И.

ф.ф.д. Тожиева Г.Н.

проф. Тўраев Д.Т.

проф. Умирзаков Б.Е.

проф. Хайдиддинов Б.Х.

ф.-м.ф.д. Холмуродов А.Э.

проф. Чориев С.А.

проф. Шодиев Р.Д.

ф.ф.д. Шодмонов Н.Н.

проф. Эркаев А.П.

ф.ф.д. Эрназарова Г.Х.

проф. Эшов Б.Ж.

проф. Эшқобилов Ю.Х.

проф. Курбонов Ш.К.

проф. Қўйлиев Б.

проф. Ҳакимов Н.Х.

к.ф.д. Камолов Л.С.

доц. Орирова Н.Х.

доц. Рўзиев Б.Х.

доц. Эшқораева Н.

доц. Курбонов П.К.

доц. Ҳамраева Ё.Н.

2023 2/2(58)  
[ Март–апрель ]

**ҚарДУ ҲАБАРЛАРИ**

Илмий-назарий, услубий журнал

**Муассис: Қарши давлат университети**

**Журнал Қашқадарё вилояти**

**Матбуот ва ахборот бошқармаси**

**томонидан 17.09.2010 йилда**

**№ 14–061 рақамли гувоҳнома**

**билиан қайта рўйхатдан ўтган.**

**Мусаҳихлар:**

М.Набиева

З. Қенжаева

Ж. Буранова

Б.Турсунбоев

**Саҳифаловчи**

Я.Жумаев

**Навбатчи**

Т.Жумаев

**Техник муҳаррир**

М.Раҳматов

Журнал Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги  
Олий аттестация комиссияси  
Раёсатининг қарорлари билан  
**физика-математика, кимё,  
биология, тарих, фалсафа,  
сиёсатиунослик, филология,  
педагогика** фанлари бўйича докторлик  
диссертациялари асосий илмий  
натижаларини чоп этиш тавсия  
етилган илмий нашрлар рўйхатига  
киритилган

**Журнал 2009 йилда  
ташкил этилган**

Манзилимиз:

180003, Қарши, Кўчабог, 17.

Қарши давлат университети,

Бош бино.

Тел.: (97) 385-33-73, (99) 056-33-14,  
web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz

E-mail: [garduxj@umail.uz](mailto:garduxj@umail.uz)

Telegram: t.me/Qardu\_xabarlar

**Ижтимоий-  
гуманитар фанлар**

**Йилига 6 марта  
чоп этилади**

Журналдан олинган материалларга  
“ҚарДУ ҳабарлари” журналидан  
олинди”, деган ҳавола берилиши шарт.

Муаллифлардан келган қўлёзма  
материаллар эгаларига қайтарилемайди.

## МУНДАРИЖА

### ТАРИХ

Эшов Б.Ж. Антик ва илк ўрта асрлар даври Фаргона водийсининг трансмінтақавий иқтисодий алоқалардаги ўрни.....	4
Ражабова З.С. Хоразм археологик ёдгорликларнинг ўрганилиш тарихидан.....	8
Латипов Ж.Л. Елюй Абаоцзининг “Дашт кампанияси” ва унинг натижалари.....	11
Раджабов О. Марказий Осиё темир йўл коридорлари.....	15
Суюнов С. Аму – Қарши каналининг қурилиш тарихи тўғрисида.....	18
Berdiyev J. Qashqadaryo vohasidagi etnotoponimlar va ularning shakllanish bosqichlari (XIX asr oxiri – XX asr boshlari).....	22
Омонова С. Ўзбекистонда “кураш” миллий спорт турини янада ривожлантиришда хотин-қизларнинг ўрни.....	25
Ширинов С. А. Аштархонийлар даврида давлат бошқарувининг хуқуқий асослари.....	27
Mallayeva F. Qashqadaryo viloyati neft-gaz sanoatining rivojlanishi (1960 – 1980-yillar)....	31
Ҳамраев М.М. Қизилтепа битими.....	37
Яркулов А. Археология музейлари ва уларнинг аҳамияти.....	41
Шукурова А. Средняя Азия и Россия: дипломатия и послы.....	45
Имамов Б.Х. Ўзбекистон ва Туркия Республикалари ҳамкорлигини йўлга қўйилиши ва ривожланиш жараёнлари тарихи.....	48
Очилова Х. Ўзбек ҳалқи маросимларида ақиқанинг тутган ўрни (Қарши воҳаси мисолида).....	55
Тўхтаева Р. Туркистанда молия кадрларини тайёрлаш ҳолати.....	59
Зокиров Б.Ч. БХСР назорат органларининг совет тузумини мустаҳкамлаши ҳамда мухолиф кучларга қарши кураши.....	62

### ФАЛСАФА

Бахронова Д. Олам манзараси шаклланишида миллий тафakkur, мөъёр ва стереотиплар.....	67
Курбанова С.А. Учебники и учебно-методические пособия джадидов для новометодных школ.....	70
Амридинова Д.Т. Жадид Абдуқодир Шакурийнинг замонавий таълимга оид ижтимоий-фалсафий қарашлари.....	77
Адашова М.М. Имом абу Мансур Мотуридий – калом илмининг етук мутакаллими.....	82
Рузиев А. Жинсий тарбия: мазмуни ва хусусиятлари.....	87
Боратов Э. Шарқ мутафаккирлари адолатли бошқарув тўғрисида.....	90
Зойиров Э. Х. Яъқуби Чархий таълимотининг хориж тадқиқотчилари томонидан ўрганилиши.....	95
Музаффаров Ф.Д. Имом Газзолийнинг саодат фалсафаси.....	98
Хайтов Л.А. Ҳаким Термизий меросида илм масаласи.....	102
Xoliqov Y.O. Yangi O'zbekiston yoshlarida bag'rikenglik madaniyatini rivojlantirish masalalari.....	105
Кудайбергенова Да. Қорақалпок заргарлик буюмларини номлашда семантик ёндашув.....	109
Эшпулатов И. С. Шарқ фалсафасида “устоз-шогирд” муносабатлари орқали комилликка эришиш масаласи.....	112
Мелибоев А. Н. Камбагалликни қисқартириш орқали янги Ўзбекистонда фаровон жамият қуриш истиқболлари ва йўналишлари.....	117

## СИЁСАТШУНОСЛИК

<b>Файзиев З.Б.</b> Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг хуқукий-меъёрий асослари.....	123
<b>Мамадов Н.Ш.</b> Глобаллашув даврида миллий ғоянинг ёшлар онгида таъсирининг айrim масалалари.....	126
<b>Аметов А.Қ.</b> Инсон ҳуқуqlари тушунчасининг маъно ва мазмуни.....	131
<b>Алишерхўжаева М.А.</b> ЮНЕСКО ва ТУРКСОЙ – муштарак мақсадлар ва яқин ҳамкорлик истиқболлари.....	134

## ФИЛОЛОГИЯ

<b>Жабборова X.А.</b> Радиомулоқотда нутқий одоб-ахлоқнинг миллий ўзига хос хусусиятлари.....	139
<b>Ёдгорова З.Ғ.</b> Босма медиаматнда модаллик категорияси: аксиологик тадқиқ.....	143
<b>Shamsiyeva Z.</b> Reklama matnlari lingvistik taddiqot obyekti sifatida.....	147
<b>Kamilova D.K.</b> Defining the differentiation system of the terms of "business and entrepreneurship" fields in english and uzbek.....	151
<b>Hasanova Kh.B.</b> linguistic analysis of Khudoyberdi Tukhtaboyev's works.....	157
<b>Менглиева М. Б.</b> Ўзбек ва инглиз тилларида феъл аспектининг лисоний ифодаланиши: замон категорияси мисолида.....	163
<b>Juraqabilova H.</b> Reflection of viewing the world in colors in phraseological units.....	167
<b>Lutfullayeva D., Narxodjayeva X.</b> Rasmiy nutqiy muloqot va uning turlari.....	172
<b>Жуманова З.С.</b> Ўзбек тили топонимларида сўз ясалишининг бинар аспекти.....	176
<b>Карамова Ш.</b> Шоир Ҳол Мухаммад Ҳасаннинг сўз қўллаш маҳорати.....	179
<b>Абдуллаева У.А.</b> Ижровий лирика ва ижодий хотира синтези.....	183
<b>Каримов Б.П.</b> Своеобразие творчества В.М. Шукшина.....	187
<b>Тўраев Д., Рўзиева Ф.</b> Глобаллашув ва ҳозирги адабий жараён.....	190
<b>Эрназарова Г. Х.</b> Лириканинг умрбоқийлик табиати.....	193
<b>Ризаев Б.Х.</b> Неъмат Аминов ҳажвиётининг шакл жиҳатдан ранг-баранглиги.....	196

## АНТИК ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ФАРГОНА ВОДИЙСИННИГ ТРАНСМИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРДАГИ ЎРНИ

Эшов Б.Ж. (ҚарДУ)

**Аннотация.** Ушбу мақолада антик давр, илк ўрта асрлар даври Фаргона водийсинг трансмінтақавиј алоқалардаги ўрни манбалар асосида таҳлил этилиб, илмий тадқиқот доирасига тортилган.

**Таянч сўзлар:** Амударё ва Сирдарё оралиги, тарихий-маданий жараёнлар, Фаргона иқтисодий зонаси, антик давр анъаналари.

**Аннотация.** В данной статье роль Ферганской долины в межрегиональных связях древности и периода раннего средневековья проанализирована на основе источников и введена в сферу научного исследования.

**Ключевые слова:** Амударьинско-Сырдарьинский разрыв, историко-культурные процессы, Ферганская экономическая зона, традиции древности.

**Annotation.** In this article, the role of Fergana Valley in transregional relations in antiquity and the early medieval period is analyzed based on sources and brought into the scope of scientific research.

**Key words:** Amudarya and Syrdarya gap, historical-cultural processes, Fergana economic zone, ancient traditions.

Ўрта Осиё минтақаси ўзининг географик жойлашувидан келиб чиқиб қадимданоқ сұғорма деҳқончиликка мос иқтисоди билан атрофдаги Тибет, Евроосиё даштларидан бирмунча ажralиб турган. Минтақа жануби-ғарбдан шимоли-шарққа қараб чўзилган кенгликларда Тежен ва Мурғоб, Амударё, Зарафшон ва Сирдарё, Талас ва Чу дарёлари ҳавзаларидаги алоҳида-алоҳида иқтисодий зоналардан иборат бўлиб, улар орасида айримлари нисбатан кенг, айримлари эса бирмунча кичик иқтисодий марказлар сифатида кузатилади. Минтақадаги бундай иқтисодий зоналар орасида Амударё – Сирдарё оралиги бир неча воҳаларни ўз ичига олган йирик иқтисодий худуд сифатида бўлиб, атрофдаги иқтисодий зоналар учун марказ вазифасини бажариб келган.

Бу масалага Фаргона мисолида тўхталадиган бўлсак, Ўрта Осиё иқтисодий зоналари ичida энг йирик ва табиий ресурсларга бой бўлган Фаргона водийси асосан Тяншан ва Олой каби тоғлар орқали минтақанинг бошқа иқтисодий марказларидан бирмунча ажralиб турар эди. Фаргона водийсинг деярли тўртта томони баланд тоғлар билан қуршалган бўлиб, фақатгина Хўжанд томонидан Ўрта Осиёning марказий ва жануби-ғарбий худудларига бирмунча очиқ эди. Ўша даврлардаёқ йирик иқтисодий марказлардан бири сифатида шаклланган, Фарғонанинг кунботар томонида жойлашган Чоч (Тошкент) воҳасига олиб борадиган йўл тоғ йўли [2; 77-79] – Кандирдовон орқали ўтиб, нисбатан қулай бўлса, водийсинг шимолидаги Талас водийси баланд тоғ дараларидан иборат бўлиб, бу ердан ўтадиган тоғ йўллари анчагина машаққатли эди.

Шу боис, Фарғонанинг шимолида жойлашган Исфижоб (Сайрам) вилояти ва Тароз, Мерке, Чу каби Еттисув иқтисодий зонаси [3; 20,37] билан йўлга қўйилган алоқалар анчагина қийинчилик туғдирар эди. Фарғона ва Еттисув орасидаги иқтисодий муносабатлар мавсумий бўлиб, йилнинг куз, қиш ва эрта баҳор ойларида савдо йўллари сустлашиб қолар, ёз ва бошқа фаслларнинг нисбатан қулай паллаларида улар орасидаги ўзаро борди-келдилар фаоллашарди. Шу билан бирга, Фарғонадан Еттисув ўлкасига элтувчи савдо йўллари водийсинг шарқий қисмидаги Ўш ва Ўзганд вилоятлари орқали нисбатан қулай тоғ йўли – бугунги Сусамир довони ва Норин тоғидаги катта-кичик тоғ йўллари воситасида амалга оширилар эди [4; 23].

Фарғона водийсига жанубдан қўшни бўлган тарихий-географик ўлкалар ва уларнинг минтақа иқтисодий ҳаётида тутган ўрни борасида муайян бир фикр айтиш бошқаларига нисбатан бирмунча қийинроқ. Сабаби, Фарғона Олой ва Қоратегин тоғлари орқали Тоҳаристон ўлкаси билан чегарадош бўлиб, улар орасида жойлашган йирик иқтисодий марказлар бир-биридан анча узоқда ва тор тоғ дараларида ўрин олган эди. Кумед

(Қоратегин), Вашгирд (Душанбе), Хутгал (Хатлон), Бадахшон каби ҳар бири Тохаристоннинг шимолий ва шимоли-шарқий қисмларида жойлашган тарихий-географик вилоятлар маълум хукмдорликлар сифатида бўлиб, уларнинг Фарғона водийси билан кўшничилиги ва иқтисодий алоқалари нисбатан заиф эди. Бу ерларда ҳам иқтисодий алоқалар мавсумга қараб ўзгариб турарди. Улар орасида фақатгина Қоратегин билан Фарғона орасида иқтисодий алоқалар нисбатан тифизроқ эди. Бу ер ахолиси кўп ҳолларда Фарғонада етиширилган маҳсулотларга муҳтож эди. Шу билан бирга, фарғоналиклар тоғда етишириладиган хомашё ва тоғ-кон саноати молларига бўлган эҳтиёжини Олой ва Қоратегин ахолиси орқали таъминлашга ҳаракат қиласа эди.

Фарғона трансмintaқавий алоқалари асосан юқорида айтиб ўтилган 5 та йирик иқтисодий зона Чоч, Еттисув, Кошгар, Кумед (Қоратегин) – Суғд (Хужанд) орқали амалга оширилиб, бу борада ёзма манбаларда бирмунча маълумотлар ўрин олган. Улар орасида Хитой манбаларида учрайдиган маълумотлар алоҳида ажралиб туради. Мил.авв. II-I асрлардан бошлаб Хитой манбаларида Фарғона ҳақидаги аниқ маълумотлар пайдо бўла бошлаб, Хитойнинг Хан сулоласидаги У-Ди хукмронлиги даврида (мил.авв. 140-87 йй.) “Фарбий ўлкалар” билан алоқалар ўрнатишга катта эътибор қаратилди. Мил.авв. 138 йилда машхур Хитой дипломати Чжанг Сян (Чжань Цзянь) “Фарбий” ўлкаларга саёҳат қилиб, 13 йил давомида Марказий Осиё давлатларига, жумладан, Фарғона водийсига ҳам келади ва манбада бу ҳақда шундай дейилади: “*ўтрок аҳоли ер ҳайдайди, галла ва шоли экади, уларда мусаллас навли узум, жуда кўплаб яхши отлар бор...*”[5; 192].

Ушбу маълумотдан милоддан аввалги бир мингийилликнинг сўнгги асрларида водийда аҳолининг асосий қисми дехқончилик билан шуғулланиши ва мамлакат ахолисининг иқтисодий-маиший ҳаётида буғдой ва гуруч асосий ўрин тутгани англашилади. Шунингдек, узум ва узум маҳсулотлари, айниқса, узумдан шароб тайёрлаш водий ахолисининг асосий машғуоти бўлгани, шу билан бирга, уларнинг иқтисодиётида зотли отлар етишириш ҳам устувор йўналиш бўлгани кўзга ташланади.

Хитойликлар томонидан Фарғона водийсига берилган таърифларда водий ахолисининг асосан қуйидаги хусусиятларига урғу берилгани кўзга ташланади: Булар:

- 1) буғдой ва шоли етишириши
- 2) шароб тайёрлаши
- 3) йилқиичилиги
- 4) ҳарбий тайёргарлиги

Хитойлик муаллифларнинг дикқатини водийнинг айнан шу томонлари ўзига тортиши дикқатга сазовор бўлиб, Хитой салтанати қадим ва илк ўрта асрларда бир томондан асосан денгиз ва тоғлар орқали жанубда Ҳиндиҳитой ва Вьетнам, шимоли-шарқда Корея ва Япония мамлакатлари билан чегарадош бўлса, иккинчи томондан эса шимол ва шимоли-гарбда Ордос ўлкаси (Хуанхе дарёсининг юқори ҳавзаси), Узок Шарқ, Мўғулистан, Олтой ва Шарқий Туркистон ўлкалари билан тоғ, чўл ва даштлар орқали ҳамхудуд эди. Биринчи йўналишдаги мамлакатлар ахолиси асосан шоли етиширишга ихтисослашган дехқончилик ва денгиз маҳсулотлари билан кун кечирадиган ўтрок аҳолидан ташкил топган бўлса, шимол ва шимоли-гарбий йўналишдаги аҳолининг катта бир қисми чорвачиликка ихтисослашган кўчманчи ҳаёт тарзига эга элатлар, шу билан бирга, Шарқий Туркистонда суформа дехқончилик устуворлик қилувчи иқтисодий турмуш тарзи етакчилик қиласа эди[1; 56]. Хитойнинг жануби-гарбидаги ўрин олган Тибет ўлкаси эса иқтисодий томондан анча машаққатли ҳаёт кечиравчи, тик ва тор тоғ дараларида яшовчи аҳолидан иборат эди [6; 17-20].

Фарғонанинг машхур отлари мавзуси хитой манбаларида кўп бор тилга олиниб, буни Хан салтанати даврида ёзилган йилномалардаги маълумотлар тасдиқлайди. “Шижи”дан кейин ёзилган сулола тарихи “Ханшу” (“Хан сулоласи тарихи”) сарой тарихчиларидан иборат катта гуруҳ томонидан ёзилиб, уни охирига етказган Бан Гу асарда қуйидагича маълумотлар келтиради: “*Фарғона давлатининг хукмдори Кивэйша (Косон) шаҳрида туради... Аҳолиси 60 минг оила, 300 минг кишидан иборат. [Шулардан] аскарликка яроқлиси 60 минг нафар. [Хукмдор қўл остида] бир вазир ва бир вазир ёрдамчиси бор...*

[Фаргона давлатининг] ери, иқлими, бойлиги, аҳолининг урф-одатлари Да-юечжи ва Парфия (Анси) билан бир хил, Фаргона атрофида узумдан мусаллас қилинади. [Бу ердаги] бойлар 10 минг пуддан зиёд мусаллас сақлайди. [Бу] мусаллас бир неча ўн йил турса ҳам, бузилмас [маҳалий аҳоли] уни ишини хуш кўрар экан. [Бу ердаги] отлар беда билан боқилар экан”. Шунингдек манбада, отларни қўпайтириш, сиёсий воқеалар, Фарғонанинг чегаралари, хунлар билан муносабатлар ҳақида маълумотлар ҳам мавжуд [7; 70-74].

Фарғона водийси билан деярли бир хил табиий иқлим ва хўжалик ҳаётига эга иқтисодий марказлар ҳақида сўз борганда хитойликлар асосан Суғд ва Парфия ўлкаларига тўхталиб, улар орасида иқтисодий ва маданий жиҳатдан умумийлик борлигига урғу берилади [5; 153], бу ҳам бежиз эмас эди. Ўша кезларда атроф ўлкалар орасида ушбу иккала ўлка нисбатан йирик иқтисодий марказлар бўлиб, милоддан олдинги сўнгги бир мингйилликнинг охиrlари ва милоднинг бошларида Чоч, Уструшона, Тоҳаристонга қараганда анча ривожланган эди. Айниқса, шаҳарсозлик соҳасида Суғд ва Парфия анча илгарилаб кетган бўлиб, ўнлаб шаҳар ва шунга ўхшаш аҳоли маскани қад кўтарган эди. Бу масалада Фарғона, Суғд ва Чоч воҳаси солиштирилганда, илк иккитасида “шаҳарлашув”нинг Чочга нисбатан анча юқори бўлгани, фақатгина илк ўрта асрларга келиб, вазият ўзгаргани, Чоч воҳасида ҳам ўнлаб шаҳарлар пайдо бўлгани [8; 178] ва минтақанинг йирик иқтисодий марказига айлангани кўзга ташланади [9; 3-13].

330-340 йилларда Ванг Ин томонидан ёзилган “Жиншу” (“Жин - [сулоласи] тарихи”)да Фарғонага оид маълумотлар берилди, унинг чегаралари, шаҳарлари, аҳолининг машғулоти, узум мусалласи, зотдор отлар, йигитларнинг уйланиш урф-одатлари, хукукий муносабатлар, ҳақида, жумладан “[маҳалий ҳалқ] савдо шиларига пухта, ўз ҳаққини қўлдан бой бермайди”. Хитойнинг олтинларидан буюмлар ясайди, [уларни] тул сифатида шилатишмайди” каби маълумотлар бор [10; 128-132].

Юқоридаги асарлардан ташқари Фарғона водийсининг антик ва илк ўрта асрлар даврига оид яна кўплаб манбалар мавжуд. “Вейшу”, “Суйшу”, “Бэйши”, “Шин Тангшу” [11; 24-31] кабилар шулар жумласидандир. Уларнинг кўпчилиги айрим маълумотлarda (самовий отлар, чегаралар, аҳоли машғулотлари, узумчилик, беда экилиши ва ҳок.) бир-бирини тақрорлайди. Шунингдек шаҳарлар, уларнинг номланиши, аҳоли манзилгоҳлари каби масалаларда баҳсли муаммолар ҳам бор.

Деярли минг йил оралиғида ёзилган хитой манбаларида бир-бирига ўхшаш маълумотларнинг учраши ва уларнинг барчасида Фарғона ахолисининг хўжалик турмуш тарзи, умуман олганда, иқтисодий ҳаётига доир бири иккинчисини такрорловчи маълумотларнинг ўрин олиши реал тарихий воқеаликлар билан боғлиқ бўлиб, водий иқтисодиётида азалдан ўтрок ҳаёт устуворлик қилиб келганидан дарак беради.

Илк ўрта асрларда водийнинг иқтисодий ҳаёти қандай бўлганини ёритувчи хитой манбаларидан ташқари араб-форс географлари асарларида қайд этилган маълумотларга асосланиб бу ҳақда муайян тасаввурларга эга бўлиш мумкин. Чунки қадимдан иқтисодий ва майший ҳаётда давом этиб келаётган анъаналарнинг бирданига ўзгариб қолиши ёки хўжалик тарзининг бутунлай бошқа бир турига айланиб қолиши камдан кам учрайди. Араб-форс географларидан анча олдин VIII аср бошларида Фарғонага келган араб ҳарбийлари ҳам бу ернинг иқтисодий жиҳатдан фаровонлиги ва боғ-роғлари мўл эканига эътибор қаратишган бўлса [12; 31-32], IX-XI асрларда минтақада бўлган саёҳатчилар ҳам шунга ўхшаш манзарага гувоҳ бўлишган. Ал-Истаҳрийнинг (IX асрнинг иккинчи ярми – X асрнинг биринчи ярми) ўзининг “Масолик ал-мамолик” асарида “Сүғдда, Уструшонада, Фарғонада ва Шоида шу даражсада серобгарчилекки, улар (вилоят аҳолиси) ҳайвонларини мева бериб боқадилар”, деб ёзган бўлиб [13; 191], ушбу маълумот хитойликлар берган маълумотлар билан ўзаро уйғун келади.

Амударё ва Сирдарё оралиғидаги тарихий географик вилоятларнинг ичida энг кўп аҳолили худуд Фарғона водийси бўлганини пайқаш мумкин. Буни юқорида хитой йилномалари асосида келтирилган араб-форс тилли манбаларда қайд этилган маълумотлардан ўша даврлардаги Фарғона водийси иқтисодий жиҳатдан асосан 3 та

кисмга бўлиниб, улар – Косон, Жидгил ва Миёнруд (“Иккисув ораси” - Қорадарё ва Норин дарёлари оралиғи) каби, биринчиси – Косон водийнинг нисбатан марказида, иккинчиси – Жидгил (аслида Чотқол) водийнинг ғарбида, Чочга туташ ҳудудларида, учинчиси - Миёнруд эса водийнинг шимоли-шарқий кисмида жойлашган эди [12; 24-25]. Бу ҳудудларда бир неча йирик шаҳарлар билан бирга юзлаб қишлоқлар бор эди. Уларнинг қўпчилиги Ахсикент, Бискет (Избоскан), Селат (Кўкон атрофи), Миёнруд ва бошқа мавзеларда жойлашган эди. Фақатгина Исфара туманинг ўзида 60 та қишлоқ бўлиб, бу ер Фарғонанинг жанубий кисмида, нисбатан тоғлик ҳудудда жойлашган эди. Шунга қарамай биргина Исфара туманида бунчалик қўп қишлоқлар учраши бу ернинг иқлим шароити ва сув манбаи бўлмиш сойларнинг қўплиги билан изоҳланади.

Фарғона водийсида қишлоқларнинг бу қадар қўпчилиги ва катталигидан ҳайратда қолган араб географлари “қишлоқларнинг қўплиги жиҳозатидан Мовароунаҳрда Фарғонага тенг келадигани йўқ. Аҳолисининг қўплигидан қишлоқларнинг баъзилари ниҳоятда катта. Уни (шуандоқ қишлоқни) ўтиши учун бир кун йўл юриши керак бўлади” деб ёзишган [13; 192-193]. Ушбу маълумотлар гарчи хоқонлик давридан бир-икки аср кейинги даврга тегишли бўлса-да, Фарғонанинг исломдан олдинги даври хўжалик тарзи ва иқтисодий ҳаёти шунга яқин бўлганидан дарак беради. Хитой йилномалари, ҳам араб ёзма манбаларида Фарғона тўғрисида сўз юритилганда, асосий ургу бу ерда шаҳар ва қишлоқларнинг қўплигига ургу берилиши[14:488-489], албатта, бу ернинг унумдор тупроқларга эга ҳудуд бўлгани ва иқтисодий ресурсларнинг қўплигига боғлиқ эди.

Трансмintaқавий алоқаларда Фарғона водийсининг қадим ва илк ўрта асрларда ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлиши унинг нафақат минтақа ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, балки сиёсий ва этномаданий жараёнларда фаол иштирок этишини таъминлади. Милоддан олдинги сўнгги бир мингийллик ва милодий мингийлликнинг илк ярмида Фарғона ўз даврида Ўрта Осиёдаги йирик сиёсий кучлар бўлмиш Хун, Юечжи, Усун, Қанғ каби кўчманчи ёки ярим кўчманчи давлат уюшмалари билан бир қатордан жой олиб, минтақада юз берган сиёсий ва миграция жараёнларида фаол иштирок этди [15; 488-489].

Араб манбаларида эса Фарғона водийсида жойлашган Хўжанднинг айрим ўринларда Фарғонадаги шаҳарлардан бири сифатида эслатиб ўтилгани кўзга ташланади [16; 269]. Бу ҳолат Хўжанднинг географик жойлашувига кўра Фарғона водийсига яқин жойлашгани билан очиқланиши мумкин, бошқа томондан эса ушбу вилоят қадимдан Фарғона хукмдорлиги таркибида бўлган даврлар, эҳтимол, милоддан олдинги сўнгги асрлар ва милод бошларида бу Хўжанднинг Уструшона билан биргаликда “Эрши”га бўйсунган даврлар хотираси сифатида баҳоласа ҳам бўлади. Бундан ташқари, илк ўрта асрларда Фарғона хукмдорлиги кучга тўлган ва атроф ўлкаларда ўз мавқеига эга бўлган йилларда бу ер Фарғона қўл остига ўтган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Араб манбаларида Хўжанд, гоҳ алоҳида хукмдорлик, гоҳ Фарғонадаги шаҳарлардан бири сифатида тилга олинишини шу тариқа изоҳлаш мумкин.

Илк ўрта асрларда Фарғона водийсининг сиёсий мавқеи ортиб, атроф ўлкалардаги сиёсий жараёнларга фаол аралаша бошлагани кузатилади. Жумладан, VII-VIII асрларда Фарбий Турк хоқонлиги қўл остидаги вассал хукмдорликлар орасида Чоч, Тоҳаристон ва Фарғонада келиб чиқиши хоқонликка бориб тақалувчи Ашина сулоласи водийнинг етакчи сулоласига айланади. VIII асрнинг бошларида Фарғона хукмдорлари Турк хоқонлиги, Хитой, Тибет каби ўз даврининг йирик салтанатлари билан биргаликда Ўрта Осиёда юз берган сиёсий воқеликларга аралаша бошлайди.

Хулоса қилиб айтганда, қадим ва илк ўрта асрларда Ўрта Осиёда юз берган трансмintaқавий иқтисодий алоқаларда Фарғона водийси ўзига хос ўрин тутиб, бу соҳада етакчи географик обьектлардан бири бўлгани кўзга ташланади. Ўзининг қулай иқлим шароити, табиий ресурслари, ўтрок дехқончилик ва ҳунармандчиликка мос хўжалик тарзи, ҳалқаро савдо йўлида жойлашган йирик иқтисодий марказларга эгалиги, аҳоли сонининг қўплиги, ўнлаб шаҳарларининг мавжуд бўлганлиги ва шу каби жиҳатлари билан атроф ўлкалар учун муайян бир иқтисодий марказ вазифасини ўтагани билан характерланади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Малявкин А. Г. Историческая география Центральной Азии (Материалы и исследования). – Новосибирск: Наука, 1981. – С. 5-6.
2. Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Т., 2008. – Б. 77-79.
3. Бобоёров Ф. Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми: Тарих фанлари док. дисс. авторефери. – Т., 2012. – Б. 20, 37.
4. Мавланов У Коммуникации и торговые пути в средней азии: формирование и этапы развития. Автореф. дисс. и на соискание ученой степени доктора исторических наук. – Т., 2009. – С. 23.
5. Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 274
6. Малявкин А.Г. Борьба Тибета с Танским государством за Кашгарию. – Новосибирск: Наука, Сибирское отделение, 1992. – С. 17-20.
7. Хўжаев А. Фаргона тарихига оид маълумотлар (Қадимий ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шархлар). – Фаргона. 2013. – Б. 4-6, 20-21.
8. Бобоёров Ф. Ғарбий Турк хоқонлиги даврида Чоч воҳасида шаҳарсозлик ривожланишининг омилларига доир // Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта аср шаҳар маданияти анъаналари. Илмий конференция материаллари. – Т., 2010. – Б. 178.
9. Хатамова М. Турк хоқонларининг Чочдаги қароргоҳлари: Жабгуват ва Хотункат // O’zbekiston tarixi, №1, 2009. – Б. 3-13.
10. Кюнер Н.В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. – М., 1961. – С. 128-132.
11. Хўжаев А. Қадимги Паркона (Юан-ченг) шаҳри ҳакида Хитой манбалари // Фаргона водийси тарихи янги тадқиқотларда. – Фаргона. 2010. – Б. 24-31.
12. «Материалы по истории киргизов и Киргизии». Вып. 1. – М.: Наука, 1973. – С. 24-32.
13. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жарабёни. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 191.
14. Хўжаев А. Фаргона тарихига оид маълумотлар ... – Б. 77-84.
15. Анарбаев А. Ахсикент – столица древней Ферганы. – Т., 2013. – С. 488-489.
16. История ат-Табари. Избранные отрывки (Перевод с арабского В. И. Беляева. Дополнения к переводу О. Г. Большакова и А.Б.Халидова). – Т.: Фан, 1987. – С. С. 143-144, 185, 269.

**ХОРАЗМ АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН**

**Ражабова З.С. (ТАТУ Урганч филиали)**

**Аннотация.** Хоразм воҳаси қадимий бой тарих ва маънавий меросга эга. Энг қадимий ёзма манба “Авесто”да, Бехистун, Персополь ёдгорликларида, қадимги юонон, рим, хитой ёзма манбаларида қадимги Хоразм тарихи ҳақидаги маълумотлар сақланиб қолган. Ёзма манбалардаги маълумотлар Хоразм худудида олиб борилган археологик тадқиқот ишлари натижасида янада бойитилган. Мазкур маколада Хоразм худудида олиб борилган археологик тадқиқотлар ёритилади.

**Таянч сўзлар:** Хоразм, Авесто, археологик-этнографик экспедиция, Катта Ойбуйирқалъа, Девкескан, Бутентовқалъа, Кўргонқалъа, Аёзқалъа, Бурликалъа, Чилтиқ.

**Аннотация.** Хорезмский оазис имеет богатую древнюю историю и духовное наследие. Сведения об истории древнего Хорезма сохранились в древнейшем письменном источнике «Авесте», памятниках Бехистуна, Персеполя, древнегреческих, римских, китайских письменных источниках. Сведения в письменных источниках еще больше обогатились в результате археологических исследований, проведенных в Хорезмской области. В данной статье освещаются археологические исследования, проведенные в Хорезмской области.

**Ключевые слова:** Хоразм, Авеста, археологик-этнографическая экспедиция, Катта Ойбуиркала, Девкескан, Бутентовкала, Кургандакала, Аёзкала, Бурликала, Чилтиқ.

**Annotation.** Khorezm oasis has a rich ancient history and spiritual heritage. Information about the history of ancient Khorezm is preserved in the oldest written source "Avesta", monuments of Behistun, Persepolis, ancient Greek, Roman, and Chinese written sources. The information in the written sources was further enriched as a result of the archaeological research conducted in the Khorezm region. This article covers the archaeological research conducted in Khorezm region.

**Key words:** Khorezm, Avesta, archaeological-ethnographic expedition, Katta Oibuyirkala, Devkeskan, Butentovkala, Kurgankala, Ayozkala, Burlikala, Chilpiq.

Қадимги Хоразм давлати милоддан аввалги IV асрдан милодий III асрғача энг қудратли давлатлардан бири бўлган. Географик жиҳатдан Хоразм воҳаси, Қорақалпоғистон ва Туркманистоннинг бир қисмини эгаллаган. Чегара худудлар бўйлаб мустаҳкам қалъалар бунёд килинган. Беруний маълумотига кўра, шу даврда Хоразм худудида 300 дан ортиқ шаҳарлар бўлган [1; 231]. Уларнинг харобалари бугунги кунгача сақланиб қолган. Бу маълумотлар археологик тадқиқотлар натижасида ҳам исботланган. XX асрнинг 70-йиллар охирига келиб 300 дан ортиқ ёдгорликлар топилган бўлса, 90-йилларнинг охирида уларнинг сони 400 га етган [2; 32].

Қадимги Хоразм ёдгорликларини ўрганишда ЎзФА Қорақалпоғистон филиалининг Археология бўлими олимлари томонидан кенг кўламда тадқиқот ишлари олиб борилган. 1959-1962 йилларда Тўққалъя шаҳристони, 1962-1966 йилларда Миздаҳқон шаҳристони, 1964 йилдан бошлаб Устюртнинг жанубий-шарқий томонидаги худудларда Катта Ойбуйирқалъя, Девкескан, Бутентовқалъя 1, 2, Кўрғонқалъя, ўнг соҳил Хоразмда эса Аёзқалъя 1, Бурлиқалъя, Чилпиқ ёдгорликларида кенг кўламдаги археологик тадқиқотлар ўтказилди [3; 72].

1973-1976 йилларда ЎзФА Қорақалпоғистон филиали ходимлари томонидан Хоразм вилоятидаги археологик ёдгорликларнинг харитаси тузилди. Бу жараёнда Жанубий Хоразм худудларида қадимги даврга оид шу пайтгача номаълум бўлган қатор ёдгорликлар Хумбузтепа, Қоратош, Султон Санжар, Яккачиқир, Садвар, Жигарбанд, Капарас, Элхарос ва бошқалар топилди [4; 33].

Хива шаҳрида археологик тадқиқот ишлари XX асрнинг ўрталарида С.П.Толстов, Я.Ғ.Ғуломовлар томонидан олиб борилган. 1984-1993 йилларда Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон бўлими археологлари ва хоразмлик археологлар ҳамкорлигида олиб борилган археологик тадқиқот ишлари натижасида Хива шаҳрининг энг қадимий маданий қатлами очиб ўрганилди. Иchan қалъанинг 1200 м<sup>2</sup> худудида тадқиқот олиб борилди, унинг 7 м. чукурлигидан мил.ав. V асрга оид пахса девор қолдиқлари, чархда ишланган сопол идишларнинг бўлаклари топилди. Археологик тадқиқотлар шаҳарга мил.ав. V асрда асос солинганлигини кўрсатди [5; 12]. Шаҳарнинг 2500 йиллиги 1997 йилда кенг миқёсда тантанали нишонланди.

Қадимги Хоразм давлати кўчманчи қабилалар билан қизгин савдо алоқаларини олиб борганлиги ҳам археологик тадқиқотлар натижасида аниқланган. Қадимги Хоразм давлати чегаралари бўйлаб кўплаб чегара қалъалари бунёд этилган. Ўнг қирғоқ Хоразмда Бурли қалъя, Аязқалъя, кичик Қирққизкалъя, Кўрғошинқалъя, Жонбоқалъя, чап қирғоқда –Ақча гелин, Гаурқалъя, Кангақирқалъя ва бошқа қалъалар бунёд қилинган. Ҳар бир бундай қалъалар атрофида қишлоқлар топилган. Қишлоқларда қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштиришлари билан бирга, кўплаб миқдорда савдо учун сопол буюмлар, узумдан мусаллас ва бошқа хунармандчиллик буюмларини ишлаб чиқарганлар. Бундай ишлаб чиқариш марказларининг чегара худудларда жойлашганилиги ва давлат чегараси якинида кўплаб кўчманчиларнинг мозор кўргонлари топилиши кўчманчи қабилалар билан дўстона муносабат ўрнатилганлигининг исботидир [6; 70].

Бугунги кунда воҳа ҳудудида жойлашган ҳар бир қалъани тўлиқ ўрганиш, тадқиқот натижаларини жамлаш, солиштириш, таққослаш ва келажак авлодларга етказиши долзарб масалалардан бирига айланган. Шунингдек, мазкур тадқиқот натижаларини ёзма манбалардаги маълумотлар билан солиштириш қадимги хоразмликларнинг ўтмиши тўғрисидаги маълумотларни янада тўлдиришга имкон беради.

Кўйқирилганқалъя ёдгорлиги ўзининг қурилиш услуги жиҳатдан бошқа ёдгорликлардан бутунлай фарқ қиласди. У қадимги хоразмликларнинг йирик ибодатхонаси ва астрономик кузатишлар олиб бориладиган қадимий маданий марказлардан бири бўлган. Ёдгорлик милоддан аввалги IV-милодий IV асрларга оид бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл шаҳридан 22 км. шимоли-шарқида жойлашган. Қалъада мил. авв. IV-II асрларга оид сопол устурлоб парчалари топилган. Устурлобда ўзига хос чизиқча

белгилари бор. Бу қадимдан Хоразмда астрономик кузатишлиар олиб борилганлигини ва унинг асосида тақвим юритилганлигини кўрсатади [7; 140].

Кўйқирилган қалъадан турли хил тарзда ишланган ҳайкалтарошилик намуналари топилган. Бир қўлида узум, иккинчи қўлида боғбон пичоги тутган эркак, хосилдорлик худоси Ноҳиднинг байрам либосидаги ҳайкали, от ҳайкаллари топилган. Бу топилмаларни таҳлил қилган тадқиқотчилар, қадимги Хоразмнинг маданияти юксак даражада ривожланганлигини таъкидлашган [8; 123].

Кўйқирилган қалъадан қадимги Хоразм ёзуви намуналари топилган. Улар оромий ёзув асосида шаклланган. Сопол идишлар сиртига тирнаб ёки бўёқлар билан ёзилган. Сопол идишнинг бирига тирналган ҳолда қисқа-SPBR/DK тарзда берилган. Тадқиқотчилар уни “аспабарақ” ёки “аспабадак” (“отда кетаётган”, ёки “от миниб турган”), яъни чавандоз деб ўқишган.

Қадимги Хоразм худудидан Ўрта Осиёдаги энг қадимги ёзув намунаси топилган. Энг қадимги Хоразм ёзуви мил.авв. V-IV асрларга оид Қорақалпоғистон худудида жойлашган Ойбуйирқалья ёдгорлигидан топилган. Ёзув хум сиртига ёзилган. Бу ёзувни М.М.Мамбетуллаев ва В.А.Лившицлар ўрганганлар ва уни оромий ёзувига асосланган хоразм ёзуви эканлигини аниқлаганлар. Ёзув лотин ёзувида қўйидаги қўринишга эга бўлган: **mrys (mry) XI h III III III**, яъни 11 мари 9-х. Бу хумнинг сигимини билдириган [9; 110]. Бу топилма Хоразмда қўлланилган ҳажм ўлчови ҳақида маълумот беради.

Кейинги йилларда қадимги тарихни ўрганиш бўйича кўпгина ютуқлар қўлга киритилмоқда. Қорақалпоғистоннинг Беруний тумани худудидан топилган Оқчаҳонқалья ёдгорлиги Қадимги Хоразм тарихини янада бойитди. 2000 йилларда Оқчаҳонқальядада олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида қадимги Хоразмнинг марказий шаҳри Оқчаҳонқалья бўлганлиги исботланмоқда [10; 175].

Оқчаҳонқалья ёдгорлигининг умумий майдони 47 гектарни ташкил этиб, ички ва ташки қалъадан иборат, тўғри тўртбурчак шаклда қурилган. Ички ва ташки қалъанинг ҳар бири алоҳида мудофаа деворлари билан мустаҳкамланган бўлиб, улар орасида дарвозалар бор. Қалъа ҳандак билан ҳам ҳимояланган. Ички қалъанинг марказида сарой-ибодатхона жойлашган. У ерда оташкада жуда баланд тепалик устига қурилган бўлиб, унга пандус орқали чиқилган. Унда кўёш худосига бағишланган мангуб олов ёниб турган.Ибодатхона атрофида икки қатор йўлаклар бор. 2005-2008 йиллардаги археологик тадқиқотлар натижасида, бу йўлаклардан ҳайвонлар, одамларнинг деворга ишланган тасвиirlари топилган [11; 112]. Ҳозирда бу тасвиirlар қайта тиклаш устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Деворда бошида ҳумо қуши тасвиридаги тож кийган одам тасвири яхшироқ сақланиб қолган. Қолганлари девордан сидириб ташланган ва ҳозирда уюм тарзида сақланган. Бу деворий тасвиirlарнинг қайта тикланиши тарихимизни кенг ёритишида муҳим тарихий манба бўлиб хизмат қиласи.

Қадимги Хоразм худудидан топилган тангалар ҳам ўтмиш тарихимизни ёритишида муҳим манба бўлиб хизмат қиласи. Қадимги Хоразм тангалари мил.авв. II асрдан – милодий VIII асргача деярли бир хил тарзда зарб қилинган. Олди томонида хукмдор ва орқа томонида чавандоз тасвири бўлган.

Тангаларга қадимги Хоразм ёзувида ёзилган. Уларда Артав шоҳ ва Артармуш номлари ўқилган. Бу сулола милодий II аср охири ва III аср бошларида ҳукмронлик қилган.

Хоразм аҳамонийлар ҳукмронлигидан озод бўлгач, қадимги давр давомида унда 3 та сулола ҳукмрон бўлганлиги мавжуд ёзма манбалар ва тангаларни ўрганиш асосида аниқланган [12; 280].

1 сулола- Фарасман (Фратраферн) бошчилигидаги сулола. У мил.авв. IV асрда Қадимги Хоразм давлатини бошқарган.

2- сулола келиб чиқиши юечжи бўлган сулола вакиллари. Улар мил.авв. II аср охирларида Евратид тетрадарахмасига ўхшаш ўзига хос тамға билан тангаларни зарб қилганлар. Унда “rtw” – “подшо” сўзи грекча сўз билан ёзилган.

3-сулола даврида, мил. I асрдан ижтимоий-сиёсий ҳаёт тубдан ўзгарган. Тангалар сулоловий тамға “S” шаклига келган. Қадимги Хоразм ёзуви асосида ёзилган. Тангаларда

подшо сўзи оромийларга хос “MLK” тарзда ифодаланган. Лекин анъанавий тангалардаги суворий тасвири ўзгармаган. Подшолар суратида ўзгаришлар бўлган.

Қадимги Хоразм давлати ўз тараққиёти жараёнида мураккаб тарихий даврни бошдан кечирган бўлсада, авлодларга бой маънавий мерос қолдирган. Унинг тарихини кенг, чукур ўрганиш, таҳлил этиш ва келажак авлодга қолдириш буғунги кунда бизнинг асосий вазифамиз бўлиб қолмоқда. Ўтмиш тарихимизни чукур ўрганиш ва тарғиб қилиши авлодларимизнинг маънавий дунёкарашини янада бойитади, ўзлигини чукур англайди ва ўзининг келажаги учун мустаҳкам замин яратади [4; 344].

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Беруний Абу Райхон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Т., 1968. – 231 б.
2. Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории древнего Хорезма древности // Приаралье в древности и средневековье. – М., 1998. – С. 31–32.
3. Манылов Ю.П. Археологические памятники Султан-Уиздага эпохи античности и средневековья // АКД. – Т., 1972.
4. Итина М.А. Археологические памятники на древних торговых путях вдоль берегов Амударъи // Древности Южного Хорезма // ТХАЭ. Т. XVI. – М.: Наука, 1991. – С.11-33.
5. Мамбетуллаев М.М., Ягодин В.Н. К оценки хронологии и исторической динамики культурного слоя древней Хивы. // ОНУз, – №8, 1986. – С.12.
6. Хорезм – в истории государственности Узбекистана. – Т., 2013. – С. 70.
7. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. – М.: Наука, 1962. – С. 140.
8. Кой-Крылган-кала — памятник культуры древнего Хорезма IV в. до н.э. – IV в.н.э. –М., 1967. – С. 123.
9. Мамбетуллаев М.М. Хум из городища Большая Айбутиркала с древнейшей надписью в Средней Азии // “Вестник” ККО АН УзССР, 1979, № 1, с. 47; Его же. Городища Большая Айбутиркала. – С. 99-100.
10. Ходжаниязов Г.Х., Ягодин В.Н., Хелмс С.У., Макларен Б.К. Раскопки на Акшаханкале // Археологические исследования в Узбекистане 2000 г. – Самарканд, 2001. – С. 175.
11. Эгамбердиева Н. Археология. – Т., 2011. – Б. 112.
12. Хорезм в истории государственности Узбекистана. – Т., 2013. – С. 280.

*Нашрга проф. Б.Эшов тавсия этган*

### **ЕЛЮЙ АБАОЦЗИНИНГ “ДАШТ КАМПАНИЯСИ” ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ**

**Латипов Ж.Л. (ТДШУ)**

**Аннотация.** Мазкур мақола Шимолий Хитой ва Манжурия худудларида X асрнинг бошларида ташкил топган Хитан (Ляо) империясининг шимолдаги турк-мўгул қабилалари яшаган худудларни бўйсундириш жараёнлари тарихига бағишланган. Мақолада хокон Елюй Абаоцзининг Мўғулистон ва атроф худудларга қилган хужумлари ва ушбу хужумларнинг минтақа геосиёсий ҳолатига кўрсатган таъсири таҳлилига алоҳида эътибор қаратилган.

**Таянч сўзлар:** Хитой, Хитан хоқонлиги (Ляо империяси), Елюй Абаоцзи, консерватив аристократия, “буюк қирғиз державаси”, ҳарбий кампания, Елюй Дэгуган, Ганъчжоу.

**Аннотация.** Данная статья посвящена истории покорения территорий, населенных тюрко-монгольскими племенами на севере киданьской империи (Ляо), сложившейся в начале X века в районах Северного Китая и Маньчжурии. Статья посвящена анализу нападений кагана Елюй Абаоцзи на Монголию и прилегающие регионы и влияние этих нападений на geopolитическую ситуацию в регионе.

**Ключевые слова:** Китай, Киданьский каганат (империя Ляо), Елюй Абаоцзи, консервативная аристократия, «кыргызское великодержавие», военный поход, Елюй Дэгуган, Ганъчжоу.

**Annotation.** This article is devoted to the history of the subjugation of the territories, which lived Turko-Mongol tribes, in the north of the Khitan (Liao) empire, which was established in the beginning of the 10<sup>th</sup> century in the territories of North China and Manchuria. The article focuses on the analysis of Khagan Yelu Abaoji's attacks on Mongolia and the surrounding territories and the impact of these attacks on the geopolitical situation of the region.

**Keywords:** *China, Khitan Khaganate (Liao Empire), Yelu Abaoji, conservative aristocracy, “Kyrgyz great power”, military campaign, Yelu Deguang, Ganzhou.*

Тарихдан маълумки, шимоллик турк-мўғул қабилалари қадим даврларданоқ Хитойдаги ички ва ташқи сиёсий вазиятга доимо таъсир ўtkазиб келганлар. Хитой худудида “ажнабийлар” дея таърифланган ушбу халқларнинг баъзилари, ҳаттоқи, хитойча бошқарув тартибларини қабул қилиб, мамлакат устидан олий расмий ҳокимиятга ҳам даъво қила олганлар. Мамлакатга кейинчалик ўз номини беришга муваффақ бўлган хитан халқи Шимолий Хитойда бўлгани каби шимолий даштлардаги турк-мўғул халқлари устидан ҳам сиёсий гегемонлик ўrnatiшга эришганлар. Хитойдаги Тан сулоласи (618-907 йй)нинг тутатилиши билан бир вақтда шимолий чегараларда ташкил топган Хитан хоқонлиги (Ляо империяси, 907-1125 йй) ҳарбий-сиёсий қудратининг ошиб бориши X асрдан бошлаб Хитой ҳамда унга кўшни миңтақаларда сиёсий мувозанат қайта қурилишига далолат қиласди. Узоқ асрлар давомида туркий, хитой, корея халқлари томонидан ташкил этилган империяларга бўлган қарамлик ортидан хитан қабилаларининг ўз мустақил империяларига асос солиши шимолий даштларда Уйғур хоқонлиги (744-840 йй) парчаланиши оқибатида юзага келган сиёсий бўшлиқнинг қайта тўлдирилишига имкон яратган.

916 йилда империя асосчиси Елюй Абаоцзи (907-926 йй)нинг хитойча ҳокимият унвони ҳамда бошқарув эрасини қабул қилиши ханъ аҳолиси вакилларининг хитанлар хизматига ўтишига ҳамда давлатнинг Марказий Хитойдаги Кечки Лян давлати (907-923 йй) билан тенг мақомда бўла олишига хизмат қилган. Аммо, Хитой бошқарув анъаналарининг жорий этилиши кўчманчи хитан зодагонларининг норозилигини кучайтирган. 907 йилда саккиз қабила оқсоқолларининг бирварақайига кириб юборилиши Абаоцзининг ҳокимиятда қолишини вақтинча таъминлаган бўлса, 911-913 йилги исёнларда мухолифат ҳукмдорга қарши курашда унинг ўз укаларидан фойдалана олган [12; 62].

Хитан империясининг обрўйининг халқаро майдонда ошиб бориши унинг йирик худудга ва кучли қўшинга эга эканлиги билан асосланади. Айтиш жоизки, 918 йилда хитан саройига Кечки Лян, Хитой шимолидаги Эски Цзинь (907-923 йй), Шарқий Хитойдаги Уюэ давлати (907-978 йй), Манжурия ва Шимолий Кореядаги Бохай (ёки Пархэ, 698-926 йй) ҳамда Корё (918-1392 йй) давлатлари, уйғурлар, Цзубу (татар қабила иттифоки), Дансян конфедерациялари ҳамда Хитойнинг баъзи йирик шаҳарларидан кўплаб элчилар ташриф буюрганлар [13; 347]. Кейинги йилларда ҳам хитан қўшинлари бир қанча ҳарбий юришлар амалга оширади. Жумладан, хитанлар Хитойнинг шимолий худудларига бир неча маротаба ҳужум қиласди. Бироқ, Шимолий Хитойдаги урушларда узил-кесил ғалабага эришилмаганлиги шимоллик қабилалар устидан сиёсий устунликни истовчи консерватив хитан кўчманчи элитасининг норозилигини кучайтириши табиий эди.

Бу вақтда шимолий даштларда Уйғур хоқонлиги қулагандан сўнг, шаклланган сиёсий бўшлиқ ҳали мавжуд бўлиб, шимоллик аҳоли гурухларига нисбатан кучлироқ бўлган қирғизлар сиёсий гегемонликни тўла қўлга кирита олмаган. Шунингдек, даштларда яшаган бошқа кўчманчи турк-мўғул элатлари хитанларнинг сиёсий босимига қарши турса олмас эди. Бундан ташқари, хитанлар ҳам шимолнинг кўчманчи халқларидан бири бўлиб, улар ўзлари учун шимолда тинчлик ўrnatmagунларига қадар Хитойни эгаллашлари деярли имконсиз эди. Айни пайтда, хитан олий аристократияси шимолдаги даштларда яшовчи халқларни ўзларига бўйсундиришни ҳамда у ерларда кенг яйловларга эга бўлишни истар эдилар. Абаоцзи ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларида си, шивэй, журчен каби қўшни қабилаларга ҳужумлар уюштирган бўлса-да, бу кенг миқёсдаги истилочилик ҳаракатларини англатмас эди. Зоро, бу ҳаракатларнинг аксарияти талончилик юришлари бўлиб, кўпгина шимоллик халқлар Хитан давлатига тобеликни расман тан олмаганлар.

Шу каби омиллар охир-оқибатда дашт ҳарбий кампаниясининг бошланишига олиб келади. Хитанларнинг шахсан Абаоцзи бошчилигига шимолга ва гарбга томон қилинган катта ҳарбий юриши 924 йилда бошланган [8; 173]. Ҳукмдор ўз қўшинлари билан дастлаб Мўғалистоннинг шарқий даштлари ва жанубий Манжурияга ҳужум бошлайди. Тарихий адабиётларда келтирилишича, Абаоцзи ўшандада Ўрхун водийсига бостириб кириб, Қораболғасун (ёки Хара-балғас, Уйғур хоқонлигининг собиқ пойтахти – Ўрду-балиқ

харобалари ўрнида вужудга келган) шаҳрини забт этган ҳамда у ерда 840 йилдан бошлаб ўрнашиб олган қирғизларни Энасой бўйларига чекинишга мажбур қилган [4; 157]. У Ўрхун водийсидаги уйғур ҳукмдори Билга ҳоқон (ушбу исм деярли барча ҳукмдорларда унвон сифатида фойдаланилганлиги учун, фикримизча, айнан қайси ҳукмдор хусусида сўз юритилаётганлиги номаълум)нинг тошга ўйилган битикларини буздириб ташлаган ва қирғизлар устидан қозонилган ғалаба шарафига хитан, турк ва хитой тилларида ёзилган, замонамизга қадар сақланмаган ўз битигини ўрнатган [6; 279].

Аммо, шимол уруши масаласининг баъзи ноаниқ томонлари мавжуд. Аввало, хитанлар ва қирғизларнинг ўзаро ҳарбий тўқнашуви хусусида тарихий манбаларда бирор сўз келтирилмаган. Бу борада тарихчи олимларнинг илмий таҳлилларига асосланган фаразлар мавжуд, холос. Лекин, кўпгина олимлар томонидан қирғизларнинг 924 йилдан сўнг заифлашганлиги тарихий ҳақиқат сифатида қабул қилиниб, бу В.Бартольд томонидан илгари сурилган “буюк қирғиз державаси” ҳақидаги назарияга асосланган [1; 489-500]. Баъзи Гарб олимлари томонидан бу фикр кескин танқид остига олинади ва қирғиз сиёсий қудратининг Мўғулистанда узоқ вақт сақланмаганлиги ва Энасой, Иртиш бўйлари билан чекланганлигини қайд этадилар. Тарихчи олим М.Дромп эса Қирғиз империяси ҳақидаги фикрларни “фантазия”дан бошқа нарса эмас, дея таъкидлаган [10; 483]. Аммо, Н.Бичурин томонидан хитанлар ҳужумидан сўнг ҳам Энасойнинг юқори оқимида ўрнашган қирғизлар Жанубий Сибирда ҳукмрон бўлганликлари ҳақида фикр билдирилган [2; 667]. Шунингдек, қирғизларнинг 924 йилдан 970 йилга қадар Мўғулистанда ўз таъсиrlарини қисман сақлаганликлари тўғрисидаги илмий таҳминлар мавжуд [1; 499]. Биз эса Уйғур ҳоқонлиги қулагандан сўнг минтақада Қирғиз кучининг сақланмаганлигини асословчи далил йўқлиги ҳамда бир қанча эҳтимолий мулоҳазаларни (уйғурларнинг эски ҳудудларига қайта ўрнашмаганлиги ва х.) инобатга олган ҳолда кенг илмий жамоатчилик томонидан қабул қилинган Қирғиз ҳоқонлиги (840-924 йй)нинг ҳудудда ўз таъсирига эга бўлганлигини эътироф этмоқчимиз. Умуман олганда, IX аср охири – X аср бошларида Қирғиз ҳоқонлигининг заифлашувига сабаб бўлиши мумкин бўлган ягона жуда йирик сиёсий-ҳарбий воқелик, албатта, хитанлар ҳужуми ҳисобланади. Икки ўртада йирик қуролли тўқнашувларнинг юз бермаганлигининг сабаби эса қирғизларнинг, асосан, Энасой бўйларида ҳаёт кечирганликлариdir. Ушбу таҳминимизга кўра, қирғиз-хитан томонлари ўртасидаги кураш Мўғулистан даштларида яшаган турк-мўғул қабилалари устидан расмий ҳукмронликка асосланган гегемонлик учун курашни англалади.

Тарихий адабиётларда ёзилишича, хитанлар ҳужуми натижасида қирғизлар икки қисмга бўлинib кетган ҳамда уларнинг бир қисми Олтой-Саян тог тизмалари ҳудудига ўрнашиб, “Хягасы” номи билан атала бошлайдилар. Иккинчи гуруҳ қирғизлар эса Шарқий Туркистон ҳудудларига бориб ўрнашганлар [3; 82]. Тарихчи Лин фон Паль фикрича, IX асрда гуллаб-яшнаган ва Чингизхон босқинига қадар яшаган Хакасия давлати чегаралари Селенга бўйларидан Буюк Хитой девори ва Шарқий Туркистонгача, Амур бўйларидан Иртиш дарёсига қадар чўзилган [7; 46]. Бу ерда назарда тутилган давлат айнан Қирғиз ҳоқонлиги ҳамда унинг давомчиси бўлган Энасой Қирғиз давлати (924-1207 йй)dir.

М.Биран фикрича, хитанларнинг Мўғулистанга юришлари у ердаги бир қанча туркий элатларнинг гарбга, бир вақтлар Чингизхоннинг аждодлари яшаган ҳудуднинг шарқий ва жанубий томонларига кўчишига сабаб бўлган [9; 88]. Ўша вақтларда хитан босқини натижасида шимоли-шарқий Қозогистон ҳудудларига туркий қабилаларнинг ўрнашиши кузатилади. Қирғизларнинг Олтой, Иртиш юқори оқимларига кўчиши натижасида эса Кимаклар иттифоқи заифлашган ва парчаланиб кетган, деган мулоҳазалар ҳам мавжуд [11; 61]. Бизнинг фикримизга кўра, Мўғулистан ҳудудидаги Чингизхон даврига оид қабилалар географиясининг шаклланиши ҳам айнан шу ҳужум натижаси ўлароқ бошланган. Бу даврда хитанларнинг Мўғулистан билан чегараларида яшаган яна бир нисбатан кучлироқ сиёсий тузилма Цзубу қабила иттифоқи бўлиб, “Ляо ши” йилномасида 924 йили жануби-гарбий йўналишда уларни бўйсундириш учун кўшин жўнатилганлиги ҳақида ёзилган [5; 54].

Ушбу ҳарбий кампания жараёнида хитанлар томонидан қўплаб жанубий қабилалар бўйсундирилган. 924-925 йилларда Абаоцзи бошчилигидаги қўшинлардан бошқа яна икки мустақил қўшин ҳаракатланган бўлиб, уларнинг бири Ганьсу йўлагининг гарбидаги уйғурларни тобе қилиш учун жўнатилади. Елой Дэгуан бошчилигидаги иккинчи қўшин эса Гоби саҳросини жанубга томон кесиб ўтиб, Инъшань тоғларида қабилалар ҳамда Ордоснинг шимоли-шарқидаги туюйхунъ ва тангут аҳоли гурухларини ўзига бўйсундириган [12; 65-66]. Ўша вақтда Абаоцзи томонидан Ганъчжоу (мусулмон манбаларида Сандабил) шаҳридаги уйғурларга ўзларининг собиқ ватанларига қайтиш таклиф қилинган. Аммо, улар шу вақтга қадар 10 авлод (аслида 85 йилда факатгина 3-4 авлод алмашиши мумкин) давридан бери янги ерларда яшаётганларни туфайли ўз жойларини ўзгартириш хошишлари йўқлигини билдирадилар. В.Бартольд фикрича, улар бу вақтда шаҳар ҳаёти ва дехқончиликка ўтганларни туфайли ушбу таклифни рад этганлар [1; 498-499].

Хуллас, Абаоцзи хоқоннинг Мўғалистонга ва Ғарбий Хитойга қилинган ҳарбий юриши шимолдаги халқаро сиёсий вазиятни тамомила ўзгартириб юборади. Эндилиқда сиёсий гегемонлик хитанлар кўлига ўтиб, кўргина шимол халқлари уларни дашт минтақаларининг турклар ва уйғурлардан кейинги ҳақиқий эгаси сифатида тан олганлар. Абаоцзининг хитойча расмий бошқарув тартибларини аллақачон жорий этганлиги унинг ҳокимияти қонунийлигини янада мустаҳкамларди. Бундан ташқари, шимол ва ғарбий худудларнинг хавфсизлиги таъминланиб, Абаоцзи ўз эътиборини жанубдаги Хитой ерларига ва шарққа қаратиш имкониятига эга бўлган. Фикримизча, ушбу йирик истилоларнинг таъсири кейинги йилларда шарқдаги Боҳай подшолигининг хитанлар томонидан эгалланишига ўз таъсирини ўтказмай қолмаган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Бартольд В.В. Киргизы (исторический очерк) // Сочинения. Т.2, ч.1. (Общие работы по истории Средней Азии; Работы по истории Кавказа и Восточной Европы). – М.: Издательство Восточной Литературы, 1963. – С. 471-543.
2. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений по исторической географии Восточной и Срединной Азии / Вступ. стат. и посл. Л.Н. Гумилева, словарь кит. геогр. терминов М.Ф. Хвана. – Чебоксары: Чувашское Государственное Издательство, 1960. – 760 с.
3. Бутанаев В.Я., Худяков Ю.С. История енисейских кыргызов. – Абакан: Издательство Хакасского государственного университета им. Н.Ф. Катанова, 2000. – 272 с.
4. Груссэ Р. Империя степей. Атилла, Чингиз-хан, Тамерлан. / пер. Х.Хамраева. – Алматы, 2006. – 592 с.
5. История великой железной империи (Дайляо гуруни судури) / пер. с маньчжурского и комм. Л.В. Тюрюминой // История Железной империи. – Новосибирск: Издательство Института археологии и этнографии СО РАН, 2007. – С.41-176.
6. Кляшторный С.Г. История Центральной Азии и памятники рунического письма. – СПб.: Филологический факультет СПбГУ, 2003. – 560 с.
7. Паль, Лин фон. История империи монголов: До и после Чингисхана. – М.: АСТ; СПб.: Астрель – СПб, 2010. – 541 с.
8. Beckwith C.I. Empires of Silk Road: a history of Central Eurasia from the Bronze Age to the present. – Princeton – Oxford: Princeton University Press, 2009. – 472 p.
9. Biran M. Kitan Migrations in Eurasia (10<sup>th</sup>-14<sup>th</sup> Centuries) // Journal of Central Eurasian Studies. Vol.3 (Oct. 2012). – P.85-108.
10. Drompp M.R. The Yenisei Kyrgyz from early times to the Mongol conquest // The Turks. Vol.1, Early ages. – Ankara: Yeni Türkiye Publications, 2002. – P.480-488.
11. İsakov A. Kırgız-Moğol ilişkileri (IX.-XV. yüzyıl) / Doktora Tezi. – Ankara, 2014. – 443 s.
12. Twitchett D., Tietze K.-P. The Liao // The Cambridge History of China. Vol.6, Alien regimes and border states, 907-1368. – Cambridge: Cambridge University Press, 1994. – P.43-153.
13. Wittfogel K.A., Feng Ch.-Sh. History of Chinese Society Liao (907-1125). // Transactions of the American Philosophical Society. New Series, Vol.36 (1946). – Philadelphia: American Philosophical Society, 1949. – 752 p.

**Наширга проф. Б.Эшов тавсия этган**

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛ КОРИДОРЛАРИ

Раджабов О. (ЎзМУ)

**Аннотация.** XX асрнинг 90 йиллари бошларида Марказий Осиё давлатларининг мустақилликка эришиши билан минтақанинг геосиёсий ўрнини ҳамда унинг ички ва ташки алоқаларини қайта таҳлил қилиш имконияти пайдо бўлди ва жараён бошланди. Юқори ижтимоий-сиёсий кескинликдаги ўтиш даврига кўшимча равишда соя солган қўшни Афғонистонда вужудга келган бекарор вазият минтақанинг ҳаддан ташқари хавфли худудга айланишига олиб келди. Шундай шароитда минтақани ривожлантиришнинг янги парадигмасини қабул қилиш, унинг табиий хусусиятларидан минтақалараро ўсиш омиллари сифатида фойдаланиш зарурияти юзага келган эди. Мавжуд сиёсий ва иқтисодий чегараланиш нокулайликларидан қочиши учун минтақа тараққиётини Марказий Осиё давлатларининг ўзлари белгилаши зарур эди.

**Таянч сўзлар:** *Марказий Осиё, транспорт-транзит салоҳияти, “Буюк Ипак йўли”, Қозогистон, Ўзбекистон, Хитой.*

**Аннотация.** В начале 90-х годов XX века, с обретением странами Центральной Азии независимости, появилась возможность заново проанализировать геополитическое положение региона, его внутренние и внешние связи, и процесс пошел. Помимо переходного периода высокой социально-политической напряженности, омрачившая его нестабильная ситуация в соседнем Афганистане сделала регион крайне опасным районом. В таких условиях возникла необходимость принятия новой парадигмы регионального развития, использования ее природных особенностей как факторов межрегионального роста. Во избежание неудобств существующих политических и экономических ограничений необходимо было определять развитие региона самими странами Центральной Азии.

**Ключевые слова:** Центральная Азия, транспортно-транзитный потенциал, «Великий шелковый путь», Казахстан, Узбекистан, Китай.

**Annotation:** At the beginning of the 90s of the 20th century, with the independence of the Central Asian countries, there was an opportunity to re-analyze the geopolitical position of the region and its internal and external relations, and the process began. In addition to a transition period of high socio-political tension, the unstable situation in neighboring Afghanistan, which has overshadowed it, has made the region an extremely dangerous area. In such conditions, it became necessary to adopt a new paradigm of regional development, to use its natural features as factors of interregional growth. In order to avoid the inconveniences of existing political and economic limitations, it was necessary to determine the development of the region by the Central Asian countries themselves.

**Key words:** Central Asia, transport-transit potential, "Great Silk Road", Kazakhstan, Uzbekistan, China.

Минтақанинг транспорт-транзит салоҳияти унинг геостратегик ўрни – “Буюк Ипак йўли” нинг маркази ва йирик ҳалқаро бозорларни боғловчи энг қисқа йўл сифатида белгиланиши зарур эди. Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш гоясини ХХР раиси Си Сзинпин 2013 йил сентябрь ойида Қозогистонга ташрифи чоғида тилга олиб, минтақанинг Хитой билан муносабатларида янги саҳифа очгани бежиз эмас. 2019 йил апрель ойида Пекинда бўлиб ўтган “Бир камар, бир йўл” ҳалқаро ҳамкорлик форумида Президент Си Сзинпин таъкидлаганидек, инфратузилма алоқанинг таянчи бўлиб, унинг етишмаслиги кўпчилик мамлакатларнинг ривожланишига тўсқинлик қўлмоқда. Юқори сифатли, барқарор, ишончли, арzon инфратузилма лойиҳалари мамлакатларга ўз ресурсларидан тўлиқ фойдаланишга, глобал қиймат занжирларига яхшироқ интеграциялашишга ва ўзаро боғлиқ ривожланишни амалга оширишга ёрдам беради. Хитой раҳбарининг ушбу ёндашуви трансмintaқавий ва минтақа ичидаги транспорт-логистика тармоқларини ривожлантириш жиҳатларига тўла даражада мос келади.

Марказий Осиё давлатлари “Бир камар, бир йўл” концепциясини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Қозогистон, Қирғизистон ва Ўзбекистонда миллий ривожланиш стратегияларининг такомиллашув жараёни кузатилмоқда. Шу билан бирга, 2017 йилдан бошлаб транспорт алоқаларини мустаҳкамлаш ва минтақанинг транзит салоҳиятини кўрсатишда минтақавий ёндашувни ривожлантиришнинг ижобий тенденсияси кузатилмоқда. 2018 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан Нурсултон шаҳрида минтақавий муаммоларни биргалиқда ҳал этиш йўлларини ишлаб чикиш мақсадида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди. Кейинроқ, 2018 йил сентябрь ойида Тошкент шаҳрида “Марказий

Осиё халқаро транспорт йўлаклари тизимида: стратегик истиқболлар ва амалга оширилмаган имкониятлар” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди ва унинг якунида транспорт ва транзитни ривожлантириш бўйича Коммюнике қабул қилинди.

“Марказий Осиё халқаро транспорт йўлаклари тизимида: стратегик истиқболлар ва амалга оширилмаган имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференцияда билдирилган бир қатор ташаббуслар 2019 йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи маслаҳат учрашувида ҳам Президент томонидан таклиф этилган эди [1; 7].

Бундан ташкири, Туркманистон Президенти Бердимухамедовнинг сўзларига кўра, “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев расмий Тошкент раҳнамолигида таҳлил маркази функцияларини ўз зиммасига олиши мумкин бўлган беш томонлама Ишбилармонлар кенгашини ташкил этиш ҳакида ўйлашга таклиф қилган эди” [2; 1].

Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари минтақа учун масъулиятни ўз зиммаларига олиб, Афғонистон Ислом Республикаси билан яқин ҳамкорлик қилиш зарурлигини таъкидламоқдалар, чунки бу давлат трансафон коридорини ривожлантиришнинг ажралмас ва тўлдирувчи қисми ҳисобланади. Афғонистон Марказий Осиё мамлакатларига Ҳинд океани ва Форс қўрфази портларига чиқишининг энг қисқа йўлини таъминлади, Жанубий ва Жануби шарқий Осиёни Европа ва Хитой бозорлари билан боғлайди. Шу билан бирга, тинчлик ўрнатиш жараёнида транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг барқарорлаштирувчи ролини алоҳида таъкидлаш лозим. Туркманистон Президенти бу ҳакида 2019 йил ноябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган иккинчи маслаҳат учрашувида гапириб, “Афғонистонни сиёсий барқарорлаштириш, иқтисодий ва ижтимоий қайта қуриш, унинг минтақавий ва жаҳон иқтисодий жараёнларига муваффақиятли интеграциялашувининг асосий шарти – бу борадаги кенг кўламли лойиҳаларни амалга оширишдан иборат эканлигини таъкидлаган эди.

Ушбу қадамлар шуни қўрсатади, Марказий Осиё мамлакатлари ўзларининг миллий манфаатларини сақлаб қолган ҳолда, “бир камар ва бир йўл” ташабbusi билан боғлиқ бўлган умумий муаммоларни ҳал қилиш ва мавжуд имкониятлардан конструктив фойдаланишга минтақавий ёндашувни ишлаб чиқишига кодир. Афғонистонни ўз ичига олган Марказий Осиё раҳбарларининг кенг қамровли ёндашуви Си Сзинпиннинг 2017 йилда “бир камар, бир йўл” доирасидаги биринчи халқаро ҳамкорлик форуми доирасида қадимий Ипак йўли худудларини барқарорлаштириш ва уларнинг замонавий дунёдаги ролини тиклаш зарурлиги ҳақидаги сўзларига мос келади [3; 2].

Транспорт мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида муҳим ўрин тутади, ташки савдо алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашади, ишлаб чиқариш эҳтиёжларини кондиришда иштирок этади, миллий иқтисодиётнинг ракобатбардошлиги ва аҳоли турмуш сифати, иқтисодий ўсиш учун шароит яратади. Бинобарин, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш орқали аҳоли турмуш сифатини яхшилашга эришиш мумкин.

2014 йил ноябрь ойида Қозогистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Н. Назарбоев ўз Мурожаатномасида “Нурли йўл – келажакка йўл” [4; 14] дастурини белгилаб берди, бунда Евроосиё минтақасининг Қозогистон худуди орқали ўтувчи транзит салоҳиятини максимал даражада оширишга катта аҳамият берилади. Қозогистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 апрелдаги 1030-сон қарори билан 2015–2019 йилларга мўлжалланган “Нурли йўл” инфратузилмасини ривожлантиришнинг тегишли Давлат дастури тасдиқланди [5; 173].

2015 йил сентябрь ойида Қозогистон, Россия ва Хитой раҳбарлари “Нурли йўл” ва “Ипак йўли иқтисодий камари” ташабbusларини биргаликда амалга ошириш бўйича хужжатларни имзолаган эди. Бундан олдинроқ Қозогистон ва Хитой ўртасида Хоргос – Ақтау порти мултимодал теззорар автомобил йўлини қуриш бўйича келишувни ҳамда Қозогистон, Россия ва Хитой ўртасида Пекин – Урумчи – Остона Евроосиё- Қозон – Москва – Берлин – Лондон трансконтинентал коридорини қуриш бўйича уч томонлама келишув имзоланган эди. 2016 йил кузида Қозогистон ва Хитой “Нурли-Жол” ва “Ипак йўли иқтисодий камари”ни боғлаш бўйича ҳамкорлик режасини имзолади, бу эса

Қозогистонда умумий қиймати 24–26 миллиард долларлик 51 та қүшма лойиха рўйхатини шакллантириди. Ушбу келишувлар Қозогистон томонидан ижро учун қабул қилинган ва “Беш институционал ислохотни амалга ошириш бўйича 100 аниқ қадам” Миллат режасида амалга оширилиши назарда тутилган [6; 2].

Жумладан, мазкур дастурий хужжатнинг 65-режасида Қозогистоннинг ҳалқаро транспорт-коммуникация оқимларига интеграциялашуви ва “Евроосиё трансконтинентал коридори” мултимодал транспорт йўлагини яратиш лойиҳасини ишга туширишни назарда тутади. Шундай қилиб, Қозогистон, Россия ва Хитой томонининг юкларини Қозогистон худуди орқали транзит катновига сиёсий тайёрлигини тасдиқлади.

Қозогистон Евроосиё трансконтинентал коридорининг учта йўналишида бевосита иштирок этади. Булар: Хитой – Қозогистон – Россия – Европа йўналишида Болтиқ денгизига чиқиши имконияти; ҳалқаро ТРАСЕКА дастури доирасидаги Хитой – Қозогистон – Озарбайжон – Грузия – Туркия – Европа йўналиши орқали Қора ва Ўрта денгизга чиқиши имконияти; Хитой – Қозогистон – Туркманистон – Эрон – Покистон йўналиши орқали Форс кўрфази ва Ҳинд океанига чиқиши имконияти мавжуд. Ушбу йўналишларда олтита йўналиш бўйича ҳаракат ташкил этилиши кутилмоқда ва Қозогистон улардан бештасида аниқ иштирок этади. Мазкур лойиҳаларни улардан Қозогистонда қатор йирик инфратузилма лойиҳалари фойдаланишга топширилди: Лянюнган порти, Хитой билан чегарадаги Хорғос қуруқ порти, Каспий денгизидаги Актау порти, “Қозогистон – Туркманистон – Эрон” янги темир йўл коридори (умумий узунлиги - тахминан 900 км) шулар жумласидандир [7; 33]. Самрук-Казина маълумотларига кўра, инфратузилмага инвестициялар келгуси ўн йил ичida Қозогистоннинг иқтисодий ривожланишига ҳар йили 0,1 фоиз – 0,2 фоиз ҳисса кўшади [8; 2].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, “Бир камар ва йўл” ташаббуси Қозогистонга яна жаҳон савдосини боғловчи асосий минтақага айланиш имкониятини беради. Бу Қозогистон мустақилликка эришгандан бери ўсиш учун энг катта имкониятдир. Мамлакатдаги энг йирик манфаатдор томонлар миллий компаниялар бўлиб, улар келгуси йилларда мамлакат орқали катта ҳажмдаги транзитни қўллаб-қувватлашга тайёрлигини таъминлаши керак.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Бердымухамедов предложил главам стран Центральной Азии подумать над созданием пятистороннего делового совета, ИА Ca-news.org, 29/11/2019, доступно на: [ca-news.org/news:1582053?f=cp](http://ca-news.org/news:1582053?f=cp).
2. Встреча глав государств в Центральной Азии в Ташкенте. С какими инициативами выступил Шавкат Мирзиев?, ИА Ca-news.org, 29/11/2019, доступно на: <http://ca-news.org/news:1582003>.
3. Full text of President Xi's speech at opening of Belt and Road forum, ИА Xinhuanet, 14/05/2017, доступно на: [http://www.xinhuanet.com/english/2017-05/14/c\\_136282982.htm](http://www.xinhuanet.com/english/2017-05/14/c_136282982.htm).
4. Послание Президента Республики Казахстан Н.Назарбаева народу Казахстана. 11 ноября 2014 г., Официальный сайт Президента Республики Казахстан, 11/11/2014, доступно на: <https://www.akorda.kz/ru/addresses/poslanie-prezidenta-respublikii-kazakhstan-nnazarbaeva-narodu-kazakhstan-11-noyabrya-2014-g>.
5. Указ Президента Республики Казахстан Об утверждении Государственной программы инфраструктурного развития «Нұрлы жол» на 2015 - 2019 годы и внесении дополнения в Указ Президента Республики Казахстан от 19 марта 2010 года № 957 «Об утверждении Перечня государственных программ», доступно на: <https://online.zakon.kz/Document/?docid=34808012#pos=1:-173>.
6. Постановление Правительства Республики Казахстан от 31 августа 2016 года № 518 «О подписании Плана сотрудничества по сопряжению Новой экономической политики «Нұрлы Жол» и строительства «Экономического пояса Шелкового пути» между Правительством Республики Казахстан и Правительством Китайской Народной Республики», 31/08/2016, доступно на: [https://tengrinews.kz/zakon/pravitelstvo\\_respublikii\\_kazakhstan\\_premier\\_ministr\\_rk/mejdunapodnyie\\_otnosheniya\\_respublikii\\_kazakhstan/id-P1600000518](https://tengrinews.kz/zakon/pravitelstvo_respublikii_kazakhstan_premier_ministr_rk/mejdunapodnyie_otnosheniya_respublikii_kazakhstan/id-P1600000518).
7. КТЖ переориентируют глобальные логистические цепочки на трансказахстанские маршруты, ИА TASS.ru, 28/06/2017, доступно на: <https://tass.ru/transport/4371833ю>

## АМУ – ҚАРШИ КАНАЛИНИНГ ҚУРИЛИШ ТАРИХИ ТҮГРИСИДА

Суюнов С. (Самарқанд археология институти)

**Аннотация.** Мақола, Қарши воҳасининг сўнгги ўрта асрлар даври сугорилиш тарихи билан боғлиқ муаммоларни ўрганишга бағишиланган. Унда Аму-Қарши сугориш каналининг қачон бунёд қилинганилиги ва унинг хисобидан Қарши воҳасида қанча ер майдонлари ўзлаштирилганлиги түгрисида маълумотлар очиб берилган.

**Таянч сўзлар:** Насаф, Келиф, Қоракамар, Мангит, Аму-Қарши, Туркестон, сулола, канал, лалмикор, вақф, тариқ, жўхори, иноқ, қир, чақирим, десятина, лойиҳа, гектар, насос, агрегат.

**Аннотация.** Статья посвящена изучению проблем, связанных с историей ирригации Каршинского оазиса в период позднего средневековья. В статье приводятся сведения о том, когда был построен Аму-Каршинский оросительный канал и объем земели было приобретено благодаря данному каналу в Каршинском оазисе.

**Ключевые слова:** Несеф, Келиф, Каракамар, Мангит, Аму-Карши, Туркестан, династия, канал, ляльмикар, вакф, просо, кукуруза, инак, возвышенность, десятина, проект, гектар, насос, агрегат.

**Annotation.** The article is devoted to the study of problems related to the history of irrigation of the Karshi oasis in the late Middle Ages. The article provides information about when the Amu-Karshi irrigation canal was built and the amount of land was acquired thanks to this canal in the Karshi oasis.

**Key words:** Nesef, Kelif, Karakamar, Mangit, Amu-Karshi, Turkestan, dynasty, canal, lalmikar, waqf, millet, corn, inak, hill, tithe, project, hectare, pump, unit.

Қашқадарё воҳасида барча ҳосилдор ерлар асосан сугориладиган ва лалмикор ерларга бўлинади. Сугорилиб экин экиладиган худудлар текисликдаги ер майдонларининг кўпроқ қисмини ташкил этади. Воҳанинг тоғ ва тоғ олди худудларида сув танқис бўлганлиги сабабли у ерларда кўпроқ лалмикор дехқончилик қилинган. Қашқадарё текислик ер майдонларининг асосини ташкил қиласган Қарши воҳасида кўпроқ шоли ва пахта экинлари қилинган. Полиз ва ғалла экинлари сугориладиган ер майдонлари билан бир қаторда лалмикор ерларда ҳам ўзлаштириб қелинган. Воҳада ғаллачилик ўзининг аҳоли кундалик ҳаётида тутган ўрнига қараб барча дехқончилик турлари орасида етакчи ўринга эга бўлган. Шу сабабли бу соҳага эътибор қадимдан бошланган. Чунки ғаллачилик турар жой аҳолисининг кундалик эҳтиёжи учун жуда зарур хисобланган.

Тарихчи ва географ Маҳмуд ибн Вали (XVII аср) асарида келтирилган маълумотларга кўра Шахрисабз ва унинг атрофида экиладиган ер майдонларида асосан ғалладан яхши ҳосил олганлиги айтилади [1; 48].

Яна бир ёзма манба маълумотларида, Шахрисабз атрофида жойлашган бир неча қишлоқлар ва дарё бўйларида кенг далалар девор билан ўраб олинганлиги, у ерда асосан буғдой, тариқ, арпа, ва жўхори каби экинлар этиштирилганлиги қайд этилади. Бундан ташқари воҳада куз ва баҳор ойларида, асосан ёгингарчилик кўп бўлган пайтларда буғдой ва арпадан текислик ер майдонларига қараганда тоғ ва тоғ олди худудларидағи ерлардан юқори ҳосил олинганлиги айтилади.

Қашқадарёда хонликлар даврида ер эгалигининг бир неча шакли мавжуд бўлган. Ерлар асосан давлатга, йирик феодал эгаларига, диний муассаса ва дехқонларга қарашли бўлган. Воҳанинг сув заҳиралари дастлаб давлат тасарруфидаги ерларга, йирик ер эгаларига, вақф (диний муассаса) ерларига сўнгра дехқонларга бўлиб берилган.

XIX асрнинг охириларида Ўрта Осиёда юзага келган феодал тарқоқлик, турли вилоятларнинг бир-бирлари билан ўзаро алоқаларини сусайиб кетишига олиб келган. Натижада ҳар бир вилоят ўзича иш тута бошлаган. Вилоятларда тарқоқликнинг бир қадар тутатилиши ҳамда барчаларини йирик хонликлар таркибида бирлашиши эса ўз мустақиллигини маълум даражада сақлаб қолганлигини кўрсатади.

Ҳудди шундай вилоятлардан бири Қашқадарё хисобланади. Бу эса юкорида келтирилган маълумотларнинг натижаси ўлароқ Қашқадарё воҳасининг Бухоро амирлигига ҳар томонлама ривожланган маънавий-маърифий марказларидан бири бўлганлигини кўрсатади. Туркестон маъмурияти маълумотларида қайд этилишича бу вақтда мустақил бўлиб олган Қашқадарёдаги Қарши, Китоб ва Шахрисабз бекликларида

амирга қарши кўтарилиган кўзголонлар генерал К. П. Кауфман учун жуда кўл келган. Унинг кўрсатмасига кўра, А. К. Абрамов бошчилигида юборилган ҳарбий қўшин 1868 йил 27 октябрда Қарши шахрини тўлиқ кўлга киритади. Шундан сўнг К. П. Кауфман баъзи ишларни режа килиб шаҳарни амирга қайтариб беради. Бухоро амирлигига кўрсатилган бундай илтифот орқали, Туркистон маъмурияти мутасаддилари Зарафшон водийсининг юқори қисмини кўшиб олиш учун ўзига замин яратади.

Шундан сўнг 1870 йилнинг ёз ойларида амир Музффархон, Жўрабек ва Бобобек кўзғолонларини бостириш ҳамда мустақил Шахрисабз ва Китоб бекликларини бўйсундириш мақсадида ёрдам сўраб, Туркистон маъмуриятига мурожаат қиласди [2; 61]. Амирнинг бу мурожаати Қарши воҳасидаги ташабbusнинг навбатдагиси бўлиб, у рус қўшинларининг ёрдами билан Шахрисабз бекликлари устидан қозониладиган ғалаба туфайли Шахрисабздаги хонликнинг ҳукмонлик доираси қанчалик мустаҳкамланса, унинг шунчалик подшо Россиясига тобелигини кучайтирап эди. Шунинг учун ҳам К. П. Кауфман амирнинг илтимосини ҳеч қандай муҳокамасиз қабул қиласди. Зарафшон округининг бошлиғи генерал лейтенант А. К. Абрамов Шахрисабз ва Китоб бекликларига қарши ҳарбий отряд жўнатилаётганлиги тўғрисида Бухорога ҳабар бериб, Шахрисабз беклигини идора этиш учун амалдорлар юборилишини амир Музффардан сўрайди [3; 285].

Тарихчи ва шоир Сомийнинг ёзишича, “Жаноби олий бир неча саркарда ва лашкар билан Тўхтамишибий инокни юборади” Генерал Абрамов бошлиқ рус қўшинлари билан Шахрисабз кучлари ўртасидаги ҳарбий тўқнашувда Бухоронинг қўшинлари мутлақ иштирок этмайди. Ҳаттоқи Амирнинг одамлари рус қўшинлари Шахрисабз бекликларини енгиб шаҳарни кўлга олгунгача Шахрисабзга яқин келмайди ҳам. Масалан рус қўшинлари биринчи бор Китобга юриш қиласди ва уни уч соатда забт этади. Сўнгра қисман куч сарфлаб Шахрисабзни ҳам эгаллайди ва аҳоли мол-мулкини талон-тарож қиласди. Бор (Шахрисабз) мулкни унга топшириб, Самарқандга қайтдилар дейди [2; 62].

Шахрисабзнинг хонликка топширилиши К. П. Кауфманнинг Музффарга юборган маҳсус мактуби орқали расмийлаштирилади. Шундай килиб Шахрисабз ва Китоб бекликларига берилиган зарба уларни Бухорога топширилиши, бир томондан, Россиянинг хонлик устидан ўрнатиладиган сиёсий ҳукмонлигидан мутлақо норози бўлган ва сулҳ шартномасига асосан, ўзаро келишиб олган Бухоро хонлиги ва Туркистон генерал-губернаторлигига қарши курашаётган мустақил бекликлар тутатилади.

Иккинчи томондан бундай илтифотдан сўнг Бухоронинг, Россияга нисбатан миннатдорлиги ва ишончи ошиб ўзаро алоқаси мустаҳкамланади. Шахрисабзга қарши ҳарбий юриш марказий ҳокимиятнинг руҳсатисиз амалга оширилади. Улар бу воқеадан мутлақо беҳабар қолган бўлсада, аммо унинг муваффақияти Ўрта Осиёда Туркистон маъмуриятининг сиёсий мавқенин анча-мунча кучайтиради. Чунки Бухоро ҳукмон доираларининг Самарқандни қайтариб олиши учун қилган ҳаракатининг натижасиз тугаши билан бир вақтда Туркистон маъмуриятининг ҳарбий кучлари билан Шахрисабз ва Китоб бекликларининг кўзғолони бостирилиб, бутун Қашқадарё водийсини хонликнинг кўл остига қайтарилиб берилиши шубҳасиз амир Музффарнинг Самарқанд учун даво қилишга мутлақо ўрин қолдирмайди. Бу эса тўғридан тўғри Зарафшон округи устидан ўрнатилган ҳукмонлик эди. Туркистон генерал губернаторининг қонун чиқариш йўли билан расмийлаштириб “Самарқанд масаласи” га хотима бериш ва унга киришини енгиллаштирап эди. Ҳаттоқи бу саъи ҳаракатлар замирида Қашқадарё водийсининг нафақат кўлга киритиш қолаверса воҳа дехқончилигининг ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга ҳам аралашибдан иборат эди. Ҳудди шу вақтдан бошлаб, Қарши чўлинни ўзлаштириш ва Амударё сувидан фойдаланиш масаласи кўтарилиган эди. Қарши чўлинни ўзлаштириш ва Амударё сувидан фойдаланиш масаласига доир ҳужжатларда қайд этилишича, бу масала даставвал XIX асрнинг 80 йилларида Россиянинг, Бухородаги сиёсий агенти бўлган инженер Лессар томонидан кўтарилиганилиги айтилади [4; 91].

Бироқ тарихий манбалар Амударёдан Қарши ва Бухорога сув чиқариш ғоясини бир мунча олдинроқ келиб чиққанлиги тўғрисида маълумот беради. Масалан XVI асрнинг иккинчи ярмига оид тарихий ҳужжатлардан бирида келтирилган маълумотларга кўра

Бухоро хонлигиде хукмронлик қилган Абдуллахон (1556-1598) даврида Амударёдан, Қарши вилоятига канал қазиб сув чиқарилғанлиги айтилади [5; 36].

Бу тұғрисида тарихчи-шарқшунос олим В.В.Бартольд үзининг “Туркистаннинг сұғорилиш тарихига доир” номли асарида Ҳиндистонда хукмронлик қилған Бобурийлар давлатининг подшоси Ақбаршох (1556-1604) нинг Абдуллахонга ёзған мактубида илова қилингандың маълумоти көрсетілген. Маълумотта баъён этилишича, Абдуллахон даврида Насаф, яъни Қарши вилоятини сұғориб обод этиш учун Келиф яқинида, Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашған Қоракамар деган жойдан Қаршига канал қаздирилиб сув чиқарилғанлигини айтади. Абдуллахон сув чиқарилған янги ерларға бошқа ердан турар жой аҳолисини күчиріп келғанлигини, уларни 5 йил давомида умумий солиқлардан озод қилғанлигини ёздади [6; 218].

XVII аср бошларыда Бокий Мұхаммадхон даврида (1605-1611), Насаф аҳолисидан иборат янги сулола –Аштархонийларға қарши құзғалон күтартғани учун хон уларға жазо бериш мақсадыда Амударёдан сув чиқарилған сұнъий сұғориши каналини күмдириб юборған. XIX асрнинг бошларыда Бухоро хони амир Ҳайдар, Абдуллахон даврида Амударёдан чиқарилған канални қайта тикламоқчи бўлған. Аммо хоннинг вазирлари канал тиклангудек бўлса, Насаф аҳолиси мағрутланиб хонлиқдан ажралиб чиқиб кетиши мумкин деган баҳона билан хонни бу фикридан қайтарған. Бу ерда шуни қайд этиш лозимки, келтирилған маълумотлар Амударёдан Бухорога эмас, балки фақатгина Қарши вилоятини сұғориши учун чиқарилған канал тұғрисида бўлиб, Бухоронинг сув таъминоти масаласига мутлақо алоқаси йўқлиги айтади. Шу билан бирга уларнинг қанчалик ҳақиқатга яқин эканлиги ҳам бироз фанга номаълум бўлиб келған. Шунинг учун ҳам В.В.Бартольд буни Абдуллахон томонидан қурилған иншоотлар ҳақидаги афсоналардан яна бири бўлиши мумкин деб тахмин айтади. Абу-Насаф канали тұғрисидаги ҳикоя “XVI ёки XVIII асрлар” тарихий манбаларнинг бирортасида ҳам қайд этилмаган бўлсада бир оз ҳақиқатга яқин. Чунки Абдуллахон томонидан қурилған сув иншоотлари қаторида, Абу-Насаф канали тұғрисида ҳам маълумотлар берилған.

“Мангитлар сулоласи хукмронлигининг қисқача тарихи” асаридаги маълумотларга қараганда Ахмад Доңиш, Музafferдан рад жавобини олса ҳам ўз гоясидан қайтмаган. Аксинча у Амударёдан сув чиқариш масаласини шархлаб амирға қуйидаги жавобда хат юборған. “Бундай ҳафсираш бутунлай асоссиз... Сув тошқини бўлди деб ҳам фараз қилайлик, агар каналимизнинг боши Керки Қаршисида бўлса, сув Қаршининг гарбидаги Қоравул қири ва Мамажуғротнинг жанубидан дашт ва қумликлар ичидан оқиб ўтиб Нарзам, Чоржўй яқинида яна Амударёга келиб қўйилади. Ундан ҳеч жой зарар кўрмайди. Агар Келиф Қаршисидан бош олса, у вақтда Фузор дарёси ўз оқимини ўзгартириб, икки дарё оралиги (Қашқадарё ва Амударё) бўйлаб оқади. Биз яна сув бошига тош ва қир (маҳсус қоришиш) дан тұғон ўрнатишимиз ва қоравуллар тайин қилишимиз ҳамда истехком қуришимиз мумкин дейди. Ҳаттоқи у ерда доимий назоратчилар сувдан боҳабар бўлиб туришини ҳам айтади [7; 63].

1911 йилнинг май ойида Петербургда Туркистан генерал губернатори А. В. Самсонов, Амир Олимхон билан учрашади. Бу учрашувдан кўзланған асосий мақсад Бухоро хонлиги худудида (Қарши воҳаси тўлиқ Бухоро амирлигига қарап эди) олиб бориладиган илмий техник тадқиқотларнинг амалий натижалари, хонликнинг иқтисодий тараққиётida нақадар мұхим аҳамият касб этишини тушунтириш билан бирга, Бухоро амирини ўтказиладиган текширувларнинг мақсади ва характеристи билан таништириш ҳамда ҳаражатларнинг маълум қисмини күтаришга уни даъват этишдан иборат бўлған. Масалан, Бухоро хонлиги худудида олиб бориладиган гидротехник текширув ишлари учун юқорида белгиланған 750 минг сўм ҳаражатдан, 250 минг сўмини Бухоро амирлиги ўз бўйнига олади. Шундан сўнг Бухоро хонлиги Россия ерларини яхшилаш бўлимига 1912 йилда 69 минг сўм, 1913 йилда 91 минг сўм, 1914 йилда эса 90 минг сўм ажратади [8; 8].

Бухоро хонлиги томонидан ажратилған маблағлар хисобидан 1912 йилда инженер Е.Н.Булумберг бошчилигида 14 кишидан иборат маҳсус Бухоро қидириув экспедицияси ташкил этилади. Экспедициянинг ҳайъат аъзолари меъмор В.Н.Васильев (бошлиқ

ёрдамчысы), геолог Я. П. Пепицин, гидрогеолог Г.А.Липоин, мұхандис техниклар В.А.Шведов, В.К.Ланге ва бошқалардан иборат бўлган.

1912-1913 йиллар оралиғида Е. Н. Блумберг бошлиқ экспедиция шимолда Бухоро воҳаси ва Карнаб чўли, шимоли-шарқда Зирабулоқ тоғлари, шарқда Жом воҳаси, жануби-шарқ ва жанубда Қарши ҳамда Керки шаҳарлари, гарбда Амударё оралиғидаги 2,5 млн десятинага тенг бўлган худудда текшириш ишлари олиб боради. Амударёдан сув чиқариш имкониятини аниқлаш мақсадида 154 чақирим масофада Қарши-Бурдалик оралиғи ва Мукри қишлоғидан Сурхондарёнинг қуйилиш жойигача 194 чақирим (1 чақирим -1006м га тенг) масофада, Амударё бўйлаб, невилировка ўтказилади. Қашқадарёнинг юкори оқимида сув омборларини барпо этиш имкониятларини аниқлаш учун Қашқадарё ва унинг ирмоқлари – Жиннидарё, Оқсувдарё, Танҳоздарё ва Қорасувдарёлар бўйлаб геологик ҳамда геометрик текширувлар ҳам ўтказилади. Майдони 750 минг десятинага тенг бўлган Қарши даштининг шимоли-шарқий қисмидаги тупроқнинг қишлоқ хўжалиги учун қанчалик яроқли эканлигини аниқлаш мақсадида Н.А.Димо бошлиқ отряд тузилган ва воҳа тупргининг таркиби ўрганилган. Шундан сўнг Бухоро хонлиги территориясида янги ерларни суғориш ва Қарши дашти ҳамда Бухоро воҳасига Амударёдан сув чиқариш масаласи бўйича XIX асрнинг 80-90 йилларида тўпланган маълумотларга нисбатан бир қанча аниқ ва тўла маълумотлар қўлга киритилган. Шу билан бирга 1912-1916 йилларда ОЗУ томонидан ўтказилган экспедиция материаллари асосида инженер А. В. Чаплигин, Зарафшон водийсининг сув хўжалигини тартибга солиш тўғрисида ўзининг йирик лойиҳаларини ишлаб чиккан. Бу лойиҳалар бўйича, Амударёдан насослар орқали сув чиқарилиб, Қарши воҳасини сув билан таъминлаш ҳамда унга ташланадиган Зарафшон дарёси сувининг бир қисмини янги ерларни ўзлаштириш ҳам кўзда тутилади [9; 119].

Демак, XIX асрнинг охирларига оид ёзма манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, Амударёдан Қарши воҳасига сув чиқариш гояси ўтган асрнинг 70-йилларида хонлик учун сув боши ҳисобланган Самарқанд, Туркистон маъмурияти қўл остига ўтиши биланоқ вужудга келган. Масалан, Туркистон генерал губернатори К. П. Кауфман Қашқадарёдаги мавжуд сиёсий парокондалиқка барҳам бериш ва Бухоро амирлигининг ишончига кириш мақсадида А. К. Абрамов бошлиқ рус ҳарбий қисми орқали Қашқадарёдаги мавжуд қўзғолонларни бостириш нафакат аҳоли тинчлигини сақлаш, қолаверса, Амир Олимхоннинг илтифотини қозониши бўлган. К. П. Кауфманнинг Амударёдан канал қаздириб Қарши воҳасига сув олиб келиш масаласи ва унга молиявий кўмак бериш ишлари, биринчидан воҳада суғориладиган экин майдонларини кенгайтириш, пахта ва ғаллачиликдан кўпроқ ҳосил олиш бўлса, иккинчидан, амир Олимхоннинг ишончига кириб хонликни тўлиқ ўз томонига оғдириш бўлган. Умуман олганда, Туркистон генерал губернатори К. П. Кауфман Қашқадарё бўйича мавжуд сиёсий парокондалиқни тугатиб у ердаги мухитни яхшилай олган.

Шундан сўнг хонликлар батамом тутатилган. Орадан бир неча йиллар ўтиб 1962 йилда “Средазгипроводхлопок” лойиҳа институти Қарши воҳасидаги суғориш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш мақсадида, Қарши чўлидаги кўриқ ерларни ўзлаштириш учун суғоришнинг янги бош схемасини ишлаб чиккан. Шу асосида 1963 йилда Қарши магистрал каналининг бош каналида ковлаш ишларини амалга оширган. Курилиш ишлари этапма-этап амалга оширилиб, ҚМК 1973 йилда тўлиқ қуриб битказилган ва фойдаланишга топширилган.

Ҳозирда Қашқадарё вилоятининг 400 минг гектарга яқин ер майдонларини сув билан таъминлай оладиган Қарши магистрал канали, қўшни Туркманистон давлати худудидан оқиб ўтувчи Амударёдан сув олади. Мавжуд 6 та кўтарма насослар секундига  $210 \text{ m}^3$  сувни чиқариш 132 метр баландликка узатиш кувватига эга. Қарши магистрал каналидан қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун секундига  $295 \text{ m}^3$  гача сув берилади. Шундан 165  $\text{m}^3/\text{сек}$  сувни чиқариш насос агрегатлари ҳиссасига тўғри келади. Бундан ташқари  $130 \text{ m}^3/\text{сек}$  сув қиши ойларида заҳира қилинган Талимаржон сув омборидан берилади.

Йиллар давомида бунёд этилган Қарши сув чиқариш насос станциялари Қашқадарё вилоятини сув билан таъминлабгина қолмай, Туркманистон давлатининг 50 минг гектарга яқин ер майдонларини ҳам сув билан таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Аму-Қарши каналининг курилиши тўғрисида илк маълумотлар XVII асрнинг бошларида қайд этилган. Масалан, XVI асрнинг иккинчи ярмида Абдуллахон томонидан Қарши вилоятини сугориб обод этиш учун Келиф яқинида, Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Қоракамар деган жойдан Қарши воҳасига канал қаздириб сув чиқарганлиги айтилади. Бунинг ҳисобидан воҳада сугориладиган ер майдонларининг ортганлиги сугориш ишлари билан боғлик муаммолар ўз ечимини топганлиги қайд этилади.

XIX аср охирларига оид ёзма манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, Амударёдан, Қарши воҳасига сув чиқариш масаласи ўтган асрнинг 70-йилларида хонлик учун сув боши ҳисобланган Самарқанд яъни Туркистон маъмурияти қўл остига ўтиши биланоқ кўтарилиган. Лекин Амударёдан, Қарши воҳасига сув олиб келиш масаласи (ложиха, таклиф ва мулоҳазалар) бир ярим асрдан ортиқ вақт давомида ҳар хил тортишув ва келишмовчиликлар сабаб қолиб кетаверган.

Воҳага сув олиб келиш ва канал қазиш ишлари билан боғлик янги лойиҳалар XX асрнинг иккинчи ярмида амалга оширилган. Режага кўра Қарши магистрал каналини куриш ишлари ўн йил давом этган. 1973 йилнинг ёз ойларида Қарши Магистрал Канали тўлиқ қуриб битказилган ва фойдаланишга топширилган. Қуриб битказилган Қарши Магистрал Канали орқали Қашқадарё вилоятида тахминан 400 минг гектарга яқин ер майдонлари ўзлаштирилган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Сагдуллаев А. С. Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 1998.
2. Мирза Абдулазиз Сами. Тарихи салатини мангития. История Манғытских Государей. – М. 1962.
3. ЦГА.УзССР, Ф, И-715, д-41-285 хужжат.
4. Дунин-Барковский Л. В. Древний канал Иски-Ангор и его современное использование. – Ташкент, 1950.
5. Муҳаммаджонов А. Р. Қуйи Зарабшон водийсининг сугорилиш тарихи (Қадимги даврдан то XX аср бошларигача). – Тошкент: ФАН. 1972.
6. Бартольд В. В. Сочинения, Т. III. – М.: Наука, 1965.
7. Аҳмад Маҳдуми Дониш. Наводир ул-вокое (“Нодир воқеалар”). – Тошкент, 1964.
8. ЦГА, Ф, И-126, оп. 2.д. 1400, л. 8. ”Туркестанские ведомости “ газетаси, 1914, 94-сон.
9. Дунин-Барковский Л. В. Развитие Орошения в Узбекистане водами Амударъи. – Т., 1946.

***Наирга проф. Б.Эшов тавсия этган***

## **QASHQADARYO VOHASIDAGI ETNOTOPONIMLAR VA ULARNING SHAKLLANISH BOSQICHLARI XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHЛАRIDA**

**Berdiyev J. (QarDU)**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada XIX asr oxiri – XX asr boshlarida Qashqadaryo vohasidagi etnotoponimlar va ularning shakllanish bosqichlari tahlil qilib berilgan.

**Tayanch so‘zlar.** Mo‘g‘uliston, Janubiy Sibir, Oltoy, Sharqiy Turkiston, Yettisuv, Qang‘, Kushon, Turk xoqonligi, Eftaliylar, etnografik, lingvistik, toponimik, antropologik.

**Аннотация.** В данной статье анализируются этнотопонимы Кашкадарьинского оазиса в конце 19 - начале 20 века и этапы их формирования.

**Ключевые слова.** Монголия, Южная Сибирь, Алтай, Восточный Туркестан, Еттисув, Кань, Кушаны, Эфталийцы, Туркский каганат, этнографический, лингвистический, топонимический, антропологический.

**Annotation.** This article analyzes ethnotoponyms in the Kashkadarya oasis at the end of the 19th - beginning of the 20th century and the stages of their formation.

**Key words.** Mongolia, Southern Siberia, Altai, Eastern Turkestan, Ettisuv, Kang‘, Kushan, Ephthalians, Turkic khaganate, ethnographic, linguistic, toponymic, anthropological.

O'rta Osiyo xalqlari tarixini o'rganishda turli tillardagi yozma manbalar va arxeologik materiallar bilan bir qatorda bugungi kungacha mavjud bo'lgan etnografik, lingvistik, toponimik, antropologik va hokazo ma'lumotlarning o'rni katta. Ayniqsa, mintaqasi tarixini yoritishda toponimika fanining, xususan, uning yirik bir tarmog'i bo'lgan etnotoponimika materiallari asqotishini aytib o'tish zarur. O'rta Osiyo etnotoponimlariga mavjud 5 ta respublika misolida ko'z tashlansa, ular orasida ayniqsa, O'zbekistondagi etnik atamalar bilan bog'liq joy nomlari ancha katta miqdorni tashkil etishi bo'yicha ko'plab ma'lumotlar bor.

Tarixiy voqeliklarning negizida birinchidan, bu hududning nisbatan aholisi tig'iz joylashganligi, shu bilan bog'liq ravishda aholi maskanlarining soni ko'pligi yotsa, ikkinchidan, mamlakatimizning o'ziga xos tabiiy iqlimi va geografik joylashuvi muhim o'rinni tutadi. Uchinchidan, bu yer qadimdan o'troq turmush tarziga ega shaharlar va yirik aholi maskanlarida yashagan hunarmand va ziroatchi (dehqon, bog'bon va h.k.) jamoalar uchun makon vazifasini bajarib kelgan. O'rta Osiyoda ko'p asrlar davomida yuz bergen migratsiya jarayonlarining negizida ham shu kabi omillar yotadi. Bunga Qashqadaryo vohasi etnotoponimlarini tadqiq etish orqali ham guvoh bo'lish mumkin.

Qashqadaryo vohasi etnotoponimlarining o'rganilishi masalasiga Rossiya imperiyasi, sovet va mustaqillik yillarda o'rganilishi bilan qisqacha tanishib chiqish shundan darak beradiki, bu sohada bir qator ilmiy ishlar amalga oshirilgan va muayyan yutuqlar qo'lga kiritilgan.

Ayniqsa, Qashqadaryo vohasi joy nomlarining tarixiy ahamiyati, qariyb ikki ming yil davomida vohada kechgan ijtimoiy-siyosiy va etnomadaniy jarayonlar yoritilib, bugungi kunda vohada yashovchi aholining shakllanishida asosiy rol o'ynagan omillar ko'rsatib berilgan. Bu masalada ushbu vohadan yetishib chiqqan T. Nafasov, K. Shoniyofov, P. Ravshanov, O. Bo'riyev, T. Enazarov kabi filolog, tarixchi va etnograf olimlarning hissasi katta.

Qashqadaryo vohasi aholisining etnogenezi va asosiy etnik jarayonlarni Rossiya imperiyasi, sobiq sovet va xorij tadqiqotlari asosida yaxlitlaydigan bo'lsak, ularning ko'pchiligi Qashqadaryo vohasining eng qadimgi aholisini sharqiy eroniylar tilli sug'diyilar deb hisoblashlariga guvoh bo'lamiz. Ko'plab tadqiqotlarga ko'ra, vohada turkiy aholining paydo bo'lishi asosan Turk xoqonligi (552-744) va undan ancha keyingi Qoraxoniylar (960-1212), Xorazmshohlar (1070-1223) va Saljuqiylar (1040-1141) davriga to'g'ri keladi. Vohada turkiy aholining ko'pchilikni tashkil qila boshlashi esa o'rta asrlarga, xususan, vohada Chig'atoj sulolasiga, Temuriylar, Shayboniylar, Ashtarxoniyalar va Buxoro amirligi (mang'itlar) hukmronligi davri bilan bog'liqidir. Qashqadaryo vohasida turkiy asosli joy nomlari, xususan, etnotoponimlarning uchray boshlashi ham asosan aytib o'tilgan turkiy sulolalar hukmronligi davri bilan xarakterlanadi.

Birinchidan, miloddan oldingi bir mingyillikning so'nggi asrlaridan boshlab voha bir muddat Qang' davlati va Kushon sultanati qo'l ostida bo'lgan [11;15-26]. Shu o'rinda aytib o'tish kerak, garchi mintaqaning markaziy va shimoliy hududlariga nisbatan Qashqadaryo vohasida Qang' davri bilan bog'liq yozma materiallar birmuncha kam bo'lishiga qaramay, vohaning Kushon sultanating markaziy hududi – Baqtriya-Toxaristoniga yaqin joylashuvi bu yerda ko'chmanchi aholi ta'sirini ancha kuchaytirib yuborganligi ma'lum. Ikkinchidan, Turk xoqonligidan birmuncha oldin mintaqasi etnosiyosiy hayotiga kirib kelgan Xioniyalar, Kidariylar va Eftaliylar kabi siyosiy uyushmalar Qashqadaryo vohasida ham o'zlaridan birmuncha iz qoldirgan edi. Hozirgi kunda ushbu sulolalar orasida kamida Xioniyalar va Eftaliylar boshqaruvchi toifasining turkiy tilli bo'lganligi masalasi anchagina o'z tasdig'iga ega [8;119-132]. Kezi kelganda aytib o'tish kerak, mamlakatimizning boshqa vohalariga nisbatan Baqtriya-Toxaristonoda nufuzi yuqori bo'lgan ushbu sulolalarning boshqaruv markazlari Qashqadaryoga qo'shni hudud – Surxon vohasida joylashib, ayrim vaqtarda Naxshab shahri ularning tayanch shaharlaridan biri bo'lganligini ko'zda tutish kerak bo'ladi [2; 315-317].

Qashqadaryo vohasidagi eng qadimiy etnotoponimlar tarkibiga nazar tashlaydigan bo'lsak, tabiiy ravishda miloddan oldingi va milodiy ilk mingyilliklarga tegishli bugungi kungacha yetib kelgan etnik atamalar miqdorining ancha kamligi ko'zga tashlanadi. Eftaliylar, Turk xoqonligi va Qoraxoniylar davriga kelgach esa etnotoponimlar soni orta boshlagani kuzatilib, Turk, Qarluq, Qoraxitoy, Qipchoq kabi joy nomlarini qadimgi turkiy etnotoponimlar sirasiga kiritish mumkin. Ular qatoriga Saljuqiylar, Xorazmshohlar va Qoraxitoylar davri mahsuli bo'lmish o'g'uz

turkiychasiga xos etnotoponimlar (Chavundur – Chandir, Sariq, Qaraman va h.k.)larni ham kiritish ehtimoli bor.

Qashqadaryo vohasida etnotoponimlar paydo bo‘lishi birmuncha keyingi davrlarga – Temuriylar va o‘zbek xonliklari davriga to‘g’ri kelishi ham mumkin. Ayniqsa, Qipchoq, Chandir, Sariq kabi etnotoponimlar. Biroq Qarluq, Turk kabi etnonimlar bilan nomlangan qishloqlarda aholining birmuncha qadimiyligi shevada so‘zlashishlari va nisbatan qadimda o‘troqlashgan xususiyatlarga egaligi ularning nisbatan ancha oldingi asrlarda o‘z qishloqlariga ega bo‘lganligini ko‘rsatadi.[3;92-95.] Turk xoqonligi davrida Amudaryo – Sirdaryo oralig‘iga, shu jumladan, Qashqadaryo vohasiga Mo‘g‘uliston, Janubiy Sibir, Oltoy, Sharqiy Turkiston va Yettisuv o‘lkalaridan, Qoraxoniylar davrida esa Sharqiy Turkiston va Yettisuvdan sezilarli miqdorda turkiy urug‘larning kirib kelishi kuzatiladi.

Shahrisabz bekligida qadimiyligi turkiy vasfli bir qator etnotoponimlar uchrab, ular orasida Xalach (Xalaj) nomli qishloq nomi diqqatga sazovordir [6;269]. Ushbu etnonim Eftaliylar davri bilan bog‘lanib, O‘rta Osiyorning bir qator hududlarida bugungi kungacha etnotoponim sifatida saqlanib qolgan.

Qashqadaryo vohasidagi joy nomlarining sezilarli bir qismi Chig‘atoyp ulusi (XIII – XIV asrlar) va Temuriylar (1365-1405) davri bilan bog‘lanadi. Ayniqsa, Chingiziy sulolalardan bo‘lmish Chig‘atoyp ulusi davrida mintaqaga Mo‘g‘uliston, Oltoy, Sharqiy Turkiston va Yettisuvdan arlot, arg‘un, barlos, jaloyir, mang‘it, sulduz, xitoy, qataq‘on, qovchin, qo‘ng‘iroq, qiyot va hokazo kabi bir necha o‘nlab yirik turk-mo‘g‘ul urug‘lari ko‘chib kelishadi [1;4-20]. E’tiborni tortadigan tomoni shundaki, ularning sezilarli bir bo‘lagi Qashqadaryo vohasiga kelib joylashgan.

Markazi bir muddat Qarshi shahri bo‘lgan Chig‘atoyp ulusi bilan bog‘liq etnotoponimlar O‘rta Osiyoda, xususan, O‘zbekiston va Tojikistonda uchrab, mamlakatimizda bunga birgina “Chig‘atoyp” etnotoponimi misol bo‘la oladi. Mamlakatimizda Surxondaryo, Qashqadaryo, Samarqand, Buxoro, Xorazm, Toshkent viloyatlarda bir qator qishloqlar ushbu etnotoponim bilan bog‘lanadi.

Chig‘atoyp ulusi va Temuriylar davrida Qashqadaryo vohasida paydo bo‘la boshlagan etnotoponimlar sirasidan joy olgan Arlot, Barlos, Mo‘g‘ul, Kerayit, Makrit etnik atamalar bilan bog‘liq bir qator o‘ziga xosliklar ko‘zga tashlanadi. Ya’ni, ular asos solgan qishloqlar o‘zar o‘shni ekanligi, aholi shevalarida va urf-odatlarida umumiylilik kuzatiladi. Qashqadaryo vohasining muayyan hududlarini o‘ziga suyurg‘ol sifatida olgan ushbu qabila va urug‘lar o‘troqlashuv jarayonida vohaning nisbatan serunum qismlarida – daryoning yuqori va quiyi havzalarida, tog‘ etaklarida, yaylovga boy yerlarda o‘rinlashgani ko‘zga tashlanadi. Fikrimiz isboti sifatida Kerayit etnonimiga aloqador toponimlarning Qarshi, G‘uzor, Shahrisabz, Kitobbekliklarida uchrashi, Arlot etnotoponimining Qarshi bekligiga qarashli bo‘lgan Kasbi amloki va Kitob bekligida saqlanganligini keltirishimiz mumkin.

Shayboniylar – Ashtarxoniyalar davri va Mang‘itlar sulolasasi hukmronlik qilgan davr, ya’ni XVI–XX asrlar oralig‘ida Qashqadaryo vohasida yangi etnotoponimlar paydo bo‘lishiga zamin yaratiladi. Xususan, Qashqadaryo vohasidagi etnotoponimlarning katta qismi bu davrga to‘g’ri kelib, Shayboniylar sulolasining ko‘chmanchi o‘zbek urug‘larini mintaqaning unumdon va yaylovlarga boy hududlariga joylashtirish siyosati bilan bog‘liq edi.

XX asr boshlarida Qashqadaryo vohasida faqatgina Mang‘it etnonimi bilan bog‘liq 8 ta aholi maskani Qarshi, Qamashi, Chiroqchi, Dehqonobod, Nishon, G‘uzor, Yakkabog‘ tumanlarida qayd qilingan [4;163].

Aslida ko‘chmanchi o‘zbeklarning tarkibiy bir qismi bo‘lgan qo‘ng‘irotlar bundan ancha oldin, Shayboniylar, hatto Chig‘atoyp ulusi va Temuriylar davrida ham Amudaryo – Sirdaryo oralig‘ida salmoqli o‘rin egallagan bo‘lsalar-da [9;36-34], ularning Zarafshon, Qashqadaryo va Surxondaryo vohalarida keng tarqalishi – bu XVII asrga to‘g’ri keladi. Ayniqsa, “j”lovchi shevada so‘zlashishlari kabi boshqa ko‘chmanchi o‘zbek urug‘lari bilan umumiylilikka ega bo‘lsalar-da [10;86-94], qo‘ng‘irotlarning nayman, mang‘it, saroy, ming, qirq, yuz va yana o‘nlab “qipchoq o‘zbeklari”dan farqli holda “etnografik xususiyatlari”ni nisbatan ko‘proq saqlab qolishlari negizida ularning mana shu nisbatan “kech migratsiyasi” hamda tog‘oldi va tog‘li joylarni maskan tutib, kompakt holatda yashashlari omili yotsa kerak [7;16].

Shu o'rinda aytib o'tish kerak, vohadagi mavjud etnik atamalar bilan bog'liq aholi maskanlarida XIX asr oxiri – XX asr boshlarida o'zlarining urug' mansubligini yaxshi saqlab qolgan, faqatgina ayrim hududlardagina bu holat farqli tus olgan. Qarshi, Shahrисабз, G'uzor kabi nisbatan qadimiy shaharlar va ularga yaqin qishloqlar aholisi etnotoponimlarning asl ma'nosini deyarli unutganliklari va ular bo'yicha turlicha xalqona ta'riflar berganliklari ko'zga tashlanadi. Vohaning tog', tog'oldi va dasht hududlaridagi etnotoponimlar bo'yicha aksincha holat uchrab, mahalliy aholi o'zları yashayotgan qishloq nomini muayyan qabila-urug'lar bilan bog'lab tushuntirishlari kuzatilgan.

Xullas, XIX asr oxiri – XX asr boshlarida Qashqadaryo vohasidagi etnotoponimlar va ularning shakllanish bosqichlari qisqacha tahlil qilinganda, ularning bir qismi ancha qadimgi davrlar va ilk o'rta asrlarga borib taqalsa, sezilarli bir qismi esa o'rta asrlarga, katta qismi esa so'nggi o'rta asrlar mahsuli ekanligi tarixiy manbalar va ma'lumotlar asosida aniqlangan.

#### **Foydalanimigan adabiyotlar**

- 1.Ахмедов Б. Государство кочевых узбеков. – М.: Наука, 1965. – С. 4-20.
- 2.Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах. ... – С. 271-272.
- 3.Jo'rayev B. Yuqori Qashqadaryo o'zbek shevalari. – Toshkent: Fan, 1969.
- 4.Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX - начало XX в.) / Материалы к исторической географии Средней Азии. Под. Ред. А.Р. 5.Muxammedjanova. – Т.: Universitet, 2001. – S. 163.
- 5.Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. – Қарши: Насаф, – Б. 269.
- 7.Usmonov M. Janubiy O'zbekiston qo'ng'irotlari (XIX asr oxiri – XX asrning birinchi yarmi, tarixiy-etnologik tahlil). Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. – Toshkent, 2018. – В. 16.
- 8.Vaissière E. de la. Is There a «Nationality of the Hepthalites»? // Bulletin of the Asia Institute. New Series. – London, 2003. – Vol. 17. – P. 119–132.
- 9.Дониёров Х. Эски ўзбек адабий тили ва қипчоқ диалекти. – Т., 1976. – Б. 36-44.
- 10.Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976. – С. 86-94.
- 11.Filanovich M. Qang'uy davlati // O'zbekiston davlatchiligi tarixi ocherklari. – Т.: Sharq, 2001. – В. 15–26.

*Nashrga prof. B.Eshov tavsiya etgan*

### **ЎЗБЕКИСТОНДА “КУРАШ” МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ**

**Омонова С. (КарДУ)**

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистонда жисмоний тарбия соҳасининг турли йўналишларида турли тарихий даврларда кўлга киритилган ютуқларни ёритиб беришга ҳаракат килинган. “Кураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш ўқувчи, талаба қизлар ўртасида “Кураш” миллий спорт турини янада оммалаштириш, ўқувчи, талаба-ёшларда кураш машғулотлари ва мусобақалари орқали соғлом авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

**Таянч сўзлар:** спорт тадбирлари, кураш, мусобақа, аёл мураббийлар, оммавий спорт, соғлом авлод.

**Аннотация.** В данной статье он попытался осветить достижения, достигнутые в разные исторические периоды в разных областях области физического воспитания в Узбекистане. Важное значение в воспитании здорового поколения приобрело дальнейшее развитие национального вида спорта «Кураш» среди юношей и девушек, популяризация национального вида спорта «Кураш» через борцовские упражнения и соревнования среди юношей и девушек.

**Ключевые слова:** спортивные мероприятия, борьба, соревнование, женщины-тренеры, массовый спорт, здоровое поколение.

**Annotation:** In this article, he tried to highlight the achievements made in different historical periods in different areas of the field of physical education in Uzbekistan. Further development of the national sport "Kurash" among male and female students, popularization of the national sport "Kurash" through wrestling exercises and competitions among male and female students has become important in raising a healthy generation.

**Keywords:** sports events, wrestling, competition, female coaches, mass sports, healthy generation.

Мустақиллик даврида аста-секинлик билан спорт тадбирлари оммалашып, халқаро спорт тадбирларида муайян натижаларга эришилди.

Республикада ўкувчи ёшларнинг ёзги таътил кунларини яхши ўтказиш, болаларни соғломлаштириш ва спорт машғулотларига узлуксиз камраб олишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда 2007 йил 15 майда “Умумтаълим мактаблари ўкувчилари ўртасида “Ёз – 2007” спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисида”ги низом ишлаб чиқилди ва шу асосда тадбирлар ташкил этилди.

Жумладан, Бойсун туман болалар ва ўсмиirlар спорт мактаби вакиллари 2008 йили Туркияда ўтказилган ёшлар ўртасида кураш мусобақасида 1-ўринни қўлга киритди. Шунингдек, 2010 йилда туманнинг “Барчиной” қизлар жамоаси спорт клублари ўртасида ўтказилган мусобақада қатнашиб, 1-ўринни эгаллади. Халқаро хотин-қизлар куни 8 март байрамига бағишилаб 2010 йилда вилоятда ўтказилган спортнинг енгил атлетика мусобақасида тумандаги 4, 33-мактаблар жамоаси 1-2-3-ўринларни эгаллаб, вилоятда мазкур тур бўйича умумжамоа хисобида 2-ўринни қўлга киритди [1].

2009 йил 28 – 30 май кунлари Андикон шаҳрида ўтказилган “Универсиада – 2010” мусобақаларининг финал боскичида Фар ДУнинг спортчи қизлари ҳам фаол иштирок этди. Вилоят терма жамоаси спортнинг енгил атлетика, шахмат, стол тениси, тенис, сузиш, белбоғли кураш, миллий кураш турлари бўйича иштирок этиб, 12 та медални қўлга киритди. Екатерина Тунгусковая (енгил атлетика) 1 та олтин, 1 та кумуш, 1 та бронза, Марина Хмеловская (енгил атлетика) 3 та кумуш Гулёра Мақсудова (енгил атлетика) 1 та кумуш, Гулхумор Тожибоева (енгил атлетика) 1 та кумуш медаллари билан тақдирланди [2].

2014 – 2015 ўкув йилида умумтаълим мактабларида 25169 нафар жисмоний тарбия ўқитувчилари, шундан 6763 нафари аёл, болалар ва ўсмиirlар спорт мактабларида эса жами 9983 нафар мураббийлар, шундан 2536 нафари аёл мураббийлар фаолият кўрсатди. 2015 йилда болалар спорти объектларидағи мураббий-ўқитувчилар сони 10612 нафар, жумладан аёллар 2809 нафарни (26,5 фоиз) ташкил этди. 2006 – 2017 йилларда ЎзДЖТИга хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўналиши бўйича қарийб 3000 га яқин талаба қизлар ўқишига кирди. Шунингдек, улардан 1687 нафари бакалавр дипломини қўлига олди. Демак, аёл мураббийлар сони йилдан-йилга ортиб борди. 1999 йили аёл мураббийлар сони 2845 нафарни ташкил этган бўлса, 2016 – 2017 ўкув йилида бу кўрсаткич 17435 нафарга етди [3].

Демак, таълим муассасаларида аёл мураббийлар сонининг йилдан-йилга ортиб бориши ўз ўрнида хотин-қизлар ўртасида спортнинг оммалашып боришига хизмат қилди. Масалан, бу даврда биргина Қарши давлат университетида Спорт устаси унвонига сазовор бўлганларнинг сони 10 тадан ошиб кетди. Жисмоний тарбия ва спорт факультетининг талабаси София Каспулатова спортнинг карате-до (якка кураш) тури бўйича 1999 йилда Осиё чемпиони ва 2003 йилда жаҳон биринчилиги мусобақаларида кумуш медал совриндори бўлди [4]. Каратэ бўйича жаҳон чемпионлари Ноил Каспулатов ва София Каспулатова, Луция Байбулатова, миллий кураш бўйича Осиё чемпиони Мохир Нуралиева, жаҳон биринчилиги иштирокчилари Дилфуз Абдураҳмонова, Динара Абдураҳмонова, Динара Донаева, Соҳиба Эштемирова ҳам Қарши давлат университетида таълим олди. Университетдаги жисмоний тарбия кафедраси ўқитувчилари универсиада спорт мусобақалари дастуридан ўрин олган волейбол (ўғил-қиз), футбол, шахмат-шашка (ўғил-қиз), стол тениси (ўғил-қиз), шунингдек, дзю-до, миллий кураш спорт турларидан машғулотларни мунтазам олиб борди. Ушбу спорт тўгаракларида шуғулланган талабалар университет шарафини шаҳар, вилоят ва республика миқёсида ҳимоя қилди [5].

Термиз давлат университетида спорт-соғломлаштириш ишлари яхшилаш ва талабаларнинг оммавий спорт турлари билан шуғулланишлари учун яратилган шароитлардан унумли фойдаланиш мақсадида бир қатор спорт тўгараклари фаолият юритди. 2008 йил 10 – 22 январь кунлари “Спорт – хотин-қизлар ҳаётида соғлом турмуш манбай” шиори остида спортнинг баскетбол, шахмат ва стол тениси турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. 2014 йил “Соғлом бола йили” давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида факультетларо бир қатор спорт мусобақалари ташкил этилиб, мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорлари бош ҳакамлар томонидан аниқланди. Бел олиш

кураши бўйича 2015 йил май ойида ўтказилган Республика чемпионатида Термиз давлат университети жисмоний маданият факультети 1-курс 103-гурух талабаси Дилноза Раҳмонова голиб бўлиб, Польшада ўтказиладиган жаҳон чемпионатига йўлланма олган бўлса, 66 кг вазн тоифасида эса филология факультети 1-курс, 104-гурух талабаси Мафтуна Ҳайдарова 2-ўринни қўлга киритиб, Республика чемпионатида 2- ўрин соҳибаси бўлиб, диплом билан тақдирланди [6].

Қизлар ўртасида спортнинг турли йўналишлари бўйича мусобақалар ўтказиш анъянага айланиб борди. 2017 йилнинг 22 – 25 ноябрда Фарғона вилоятида спортчи қизлар ўртасида кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 2 октябрдаги ПҚ-3606-сонли Қарорининг қабул қилиниши ўқувчи, талаба қизлар ўртасида “Кураш” миллий спорт турини янада оммалаштириш, ўқувчи, талаба-ёшларда кураш машғулотлари ва мусобақалари орқали соғлом авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлди [7]. Ўзбекистонда ҳар йили спорт бўйича ўтказиладиган мусобақаларда 1,2 миллион нафардан ортиқ хотин-қиз қатнашди [8].

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. – Тошкент: 1989. – Б. 505 – 517.
2. Фарғона давлат университети. 1-китоб. Тарих ва юксалиш йиллари. (Масъул муҳаррир X.Ш.Ташматов). – Фарғона, 2015. – Б. 90 – 98.
3. Фазилов Б. Хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўналиши // Хотин-қизлар спорти: имкониятлар ва истиқболлар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари, 4 – 5 май 2018 йил. – Бухоро: Durdona, 2018. – Б. 218 – 219.
4. Содиқов Т., Расулов Т., Бегматова Н. Университет тарихидан лавҳалар (I қисм ). – Қарши, 2013. – Б. 35 – 45.
5. Эгамов Н. Жануб жавоҳири. – Қарши, 2017. – 160 б.
6. Ҳайдаров М.Э., Турсунов С.Н. Термиз давлат университетининг шонли тарихий йўли: юксалиши ва салоҳияти. Иккинчи қисм –Термиз, 2016. – Б.145-158.
7. “Кураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3606-сон Қарори. 02.10.2017
8. Файзиев Я. Олий таълим муассасаларида талаба-қизлар спортини ривожлантириш истиқболлари // Хотин-қизлар спорти: имкониятлар ва истиқболлар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари, 4-5 май 2018 йил. – Бухоро: Durdona, 2018. – Б.196 – 197.

*Наширга проф. Б.Эшов тавсия этган*

### **АШТАРХОНИЙЛАР ДАВРИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

**Ширинов С. А. (ҚарДУ)**

**Аннотация.** Маколада XVII аср бошларида Бухоро хонлиги таҳтига келган янги сулола Аштархонийлар даврида мавжуд бошқарув тизими, унинг хуқуқий асослари ҳакида сўз боради. Аштархонийлар сулоласи даврида хокимият бошқарув тизими Шайбонийлар давридаги вазият билан бир хилда олиб борилгани, икки сулола давридаги бошқарувда асосий фарқли жиҳатлари ҳакида маълумотлар келтириб ўтилган. Бухоро, Самарқанд, Ўратепа, Гузор, Шахрисабз ҳудудлардаги ахвол асосан тилга олинади.

**Калит сўзлар:** Аштархонийлар, Имомқулихон, давлат бошқаруви, Шайбонийлар, мансаблар, Убайдулланома, Бухоро, Абулфайзхон.

**Аннотация.** В данной статье рассказывается о существовавшей системе управления и ее правовых основах при Аштарханидах, новой династии, вступившей на престол Бухарского ханства в начале XVII века. При династии Аштарханидов система управления государством осуществлялась так же, как и при династии Шайбани, и были отмечены основные различия в управлении при двух династиях. В основном упоминается ситуация в Бухарской, Самаркандинской, Оратепинской, Гузорской, Шахрисабзской областях.

**Ключевые слова:** Аштарханы, Имамкули-хан, государственное управление, Шайбани, должности, Убайдулланама, Бухара, Абульфаиз-хан.

**Annotation.** This article describes the existing system of government and its legal foundations under the Ashtarkhanids, a new dynasty that ascended the throne of the Bukhara Khanate at the beginning of the 17th century. Under the Ashtarkhanid dynasty, the system of state administration was carried out in the same way as under the Shaybani dynasty, and the main differences in administration under the two dynasties were noted. The situation in Bukhara, Samarkand, Oratapa, Guzor, Shakhrisabz regions is mainly mentioned.

**Keywords:** Ashtarkhany, Imamkulikhan, public administration, Shaibani, job title, Ubaidullanama, Bukhara, Abulfaizkhan.

Аштархонийларнинг давлат тизими ва маъмурий бошқаруви ўз тузилиши ҳамда мазмун-моҳиятига кўра, шайбонийлар даври давлатчилигидан деярли фарқ қилмас эди. Манбаларнинг маълумот беришича, XVII – XVIII асрнинг биринчи ярми давлат бошқаруvida ҳокимият марказда ҳам, вилоятларда ҳам асосан бир идора – даргоҳда мужассамлашиб борган. Шунингдек, шайбонийлар даврида бўлгани каби аштархонийлар даврида ҳам давлат тизимида ўтрок турмуш тарзи анъаналари билан бирга айрим ярим кўчманчиларга хос удумлар ҳам сақланиб қолган [1; 202]. Аштархонийлар даврида Бухоро ҳонлиги ҳудуди жуда қисқариб кетди. XVII аср бошларида ҳонликка бўйсунувчи олтита вилоят – Бухоро, Самарқанд, Сагарож, Ўратепа, Шахрисабз ва Фузор вилоятлари тилга олинади холос. Кейинчалик Имомқулихон томонидан Хисор, Тошкент, Туркистон, Фарғона, Балх вилоятлари қайта бўйсундирилган бўлсада, Хуросондаги бир неча йирик вилоятлар ва Хоразм бутунлай Бухоро ҳонлиги таркибидан чиқди.

Бу даврда ҳам хон расман олий ҳокимият бошлиги бўлиб, давлатдаги ички ва ташкисиётатга боғлиқ барча масалалар унинг ихтиёри билан ҳал этилган. Барча олий фармонлар ҳон томонидан жорий этилиб, унинг номидан танглалар зарб қилинар, ҳоннинг номи хутбага кўшиб ўқиларди. Аммо, амалдаги бошқарувда кўпгина аштархоний ҳукмдорлар саройдаги катта мавқега эга бўлган амалдорлар ҳамда йирик уламолар қўлида қўғирчоқ эдилар. Нодирмуҳаммад, Субҳонқулихон, Убайдуллахон каби ҳонлар марказий ҳокимият обрўсини кўтаришга, бебош амирлар мавқенини чеклашга ҳаракат қилган бўлсалар-да, уларнинг бу ҳаракатлари деярли самара бермади. Бу даврда марказий давлат бошқаруви сарой амалдорлари қўлида тўпланган бўлса, жойлардаги маҳаллий ҳокимият вилоят ҳокимлари ихтиёрида бўлган.

Ҳожи тархонлик ўзбек қабилаларига мансуб бу ҳукмдорлар Бухородаги ўзбек қабила бошликлари кучига таянмай, уларнинг кўллаб-куватлашларисиз давлатни бошқара олмас эдилар. Шунинг учун кўплаб ерларни шаҳзодалар, уламо ва саййидлар, фуқаролик ва ҳарбий соҳа маъмурларига хизмат эвазига суюргол қилиб бериш билан бирга, ҳарбий бошликларга ҳам ер мулкларини шу тарзда инъом қилиш янада авж олади. Сиёсий муҳим ўзгариш шу билан ҳаракетланадики, марказий ҳокимиятнинг заифлашуви ниҳоятда кучайиб, сиёсий тарқоқлик ўз чўққисига етади [2; 180].

Сиёсий тарқоқликдан мамлакатга бўйсунувчи айрим ҳудудлар унумли фойдаланиб мустақиллик учун ҳаракатлар бошланиб кетади. Ҳусусан, Хоразм яна тўлиқ мустақил давлатга айланиб, XVII аср бошларида Фарғонада Кўкон ҳонлиги ташкил топади. Ёрбек сулоласи Бадаҳшонда мустаҳкамланиб олди. Шайбонийлар ва Аштархонийлар даврида Балх Бухоро ҳони таҳт вориси тайинланадиган ҳудуд хисобланган. Навваб деб аталувчи ўринбосар ёки кичик хон Балхдан туриб бевосита ҳонлиқда ўз мавқейига эга эди. Марказий маъмурият девонига эга бўлган Балх ҳам тез орада Бадаҳшон сингари Бухоро ҳонлигидан ажралиб кетади.

Шунингдек, бу даврда Жўйбор хўжаларининг авлодлари мавқеи жуда юқорига чиқади. Асосий солиқ тўловчи фуқаро - раиятнинг аҳволи янада ёмонлашди. Аштархонийлар даврида ўзаро ички урушлар авж олиб, ҳарбий соҳада жиддий ўзгаришлар, ислоҳотлар қилинмади. Кўшин тузилиши ва жанг олиб бориш усули аштархонийлар давридагидек бўлиб, ушбу усул бу даврга келганда ўз аҳамиятини йўқота бошлаган эди. Мамлакатда ташки ва ички душманларга тўсиқ бўла оладиган қудратли ҳарбий қўшиннинг барпо этилмаганлиги, уюшган марказий қўмондонликнинг йўқлиги сабабли

Аштархонийлар даврида Бухоро хонлиги ҳарбий жиҳатдан ўта заифлашиб кетди. Натижада хонлик худуди қисқариб борди [3; 412].

Аштархонийлар ҳукмронлиги йилларида ҳам Шайбонийлар давридаги барча давлат мансаблари, молия-солик тизими, иш юритиш деярли ўзгаришсиз сақланиб қолди. Хусусан, нақиб, оталиқ, парвоначи, додхоҳ, девонбеги, құшбеги, чуҳрабоши, ясовул, инок, курчи, ҳарбий қози, ҳарбий муфти, эшикогабоши, мирзабоши, сарой кутубхонаси бошлиғи, дастурхончи каби лавозимлар мавжуд бўлгани маълум. Шу билан бирга уларнинг айримларида сифатий ўзгаришлар юз берганини ҳам таъкидлаш лозимdir [4; 62].

Айрим олимларнинг тадқиқотларига кўра, оталиқнинг вазифаси XVI асрда асосан жойлардаги бошқарув тизими билан боғлиқ бўлса, аштархонийлар даврида, (хондан кейинги ўринда оталиқ мансаби турган) айниқса Абдулазизхондан бошлаб, оталиқнинг марказдаги мавқеи кучая бошлади. Масалан, Абдулазизхон Бухоро тахтига чиққач, пойтахтдаги оталиқ вазифасини ўша пайтда энг кучли мавқега эга бўлган Ялангтўшибийга таклиф қилган. Оталиқнинг мавқеи Субхонқулихон даврида ҳам баланд бўлиб, энг муҳим ҳарбий ишлар (масалан, хиваликларнинг Бухорога таҳдидини қайтариш, Хуросон юриши) оталиқка юклатилиган. „Убайдулланома“ асарида оталиққа “умдат ал-умаро”, яъни “бутун амирлар табакасининг таянчи” деган таъриф берилган. Абулфайзхон давридаги оталиқ мансабида бўлган Ҳакимбий ва унинг ўғли Раҳимбийлар жуда катта мавқеига эга бўлиб, улар охир-оқибат суолола вакилларидан ҳокимиятни бутунлай тортиб олишга муваффақ бўлдилар.

Аштархонийларда оталиқ хондан кейинги ўринда турувчи мансаб сифатида қайд этилар экан, у хоннинг мураббийси, ҳомийси, маслаҳатчиси бўлиш билан биринчи вазирлик лавозимини ҳам бажарган. Кейинчалик эса унга Зарафшон дарёси сувини бошқариш ваколати ҳам юкландган.

Оталиқдан кейинги турадиган девонбеги мансабидаги киши молия ва солик ишларини юритиш, унга раҳбарлик қилиш, ташқи алоқалар масалаларини юритиш билан шугулланган. Бундан ташқари, парвоначи, додхоҳ қўкалдош, катта инок, құшбеги каби мансаблар ҳам бўлиб, уларнинг вазифалари бошқа хонликлардаги шу мансабларнига ўхшаш бўлган.

Аштархонийлар, хусусан, Убайдуллахон ва Абулфайзхон даврларида қўшбеги лавозимида амалдорларнинг ҳам мавқеи ўсан. Аниқроғи, шу мансабдаги шахснинг мавқеи қўтарилиши билан у эгаллаб турган лавозимнинг ҳам аҳамияти юксалган. Мисол учун, „Убайдулланома“да маълумот берилишича, Тўракўли қўшбегибоши мансабга тайинлаш ва унвон бериш, хон ёрлиғисиз шахсан ёзма қўрсатмалар тарқатиш, олий қабулларда ўз хоҳиши билан иштирок этиш каби имтиёзларга эга бўлган. Ўша манба тили билан айтганда, бу даврда қўшбегибоши “амирларнинг энг улуғи ” эди [5; 181].

Бу даврда Бухородан кейинги энг нуғузли шаҳар бўлиб турган Балхни таҳт ворислари бошқарар эди. Расмий даражадаги давлат бошқаруви икки босқичли бўлиб - марказий ва маҳаллий бошқарув тизимиға эга эди. Вилоят ҳокимларининг марказий ҳокимиятга бўйсуниши белгиланган йиллик солиқларни тўплаб хон хазинасига юбориб туриши, хон фармонига кўра, ҳарбий юришларда ўз қўшинлари билан қатнашишдан иборат бўлган холос. Кўп ҳолларда ўзларини марказий ҳокимиятдан мустақил деб хисоблаган вилоят амирлари ва ҳокимлари ҳам ўз бошқарув тизимиға ва ҳарбий кучларига эга бўлган.

Бу даврда амалдорлар тоифасига кирган шахслар ўз эгаллаб турган лавозимларидаги масъулиятли вазифаларидан ташқари сиёсий жараёнлар ва ҳарбий юришларда ҳам иштирок этганлар. Мисол учун, манбаларга кўра, 1722 йилда Вобкент остонасидаги Мұхаммад Ҳакимбий оталиқ бошчилик қилган Абулфайзхон ва Самарқанд ҳокими Ражаб Султон қўшинлари билан бўлган тўқнашувда девонбеги, қўшбеги, парвоначи, додхоҳ, мироҳур, эшикогабоши, тўксабо, дастурхончи каби мансабдорлар ҳам иштирок этганлар [6; 58].

Аштархонийлар даврига келиб Бухоро хонлиги ҳудудлари кескин қисқариб кетди. XVIII аср бошларига оид манбаларда хонликка бўйсунувчи олтига вилоят: Бухоро, Самарқанд, Сагараж, Ўратепа, Шахрисабз ва Фузор тилга олинади. Имомқулихон ҳукмронлиги даврида Ҳисор, Туркистон, Фарғона ва Балх вилоятлари вақтинчалик қайта бирлаштирилган бўлса-да, Абулфайзхон даврига келиб Хива (вилояти) ва Кўкон хонликлари алоҳида давлат эди.

XVII-XVIII асрнинг биринчи ярми аштархонийлар давлат бошқарувида қўйидаги ҳолатни қузатиш мумкин: ҳокимият марказда ҳам, вилоятларда ҳам асосан бир идора - даргоҳда мужассамлашиб борган. Давлат бошқарувининг аниқ равишдаги даргоҳ ва ижроия (девонлар) тақсомоти сезиларли даражада эмас. Аштархонийлар ҳукмронлик йилларида ҳам нақиб, оталиқ, парвоначи, доддоҳ, девонбеги, қушбеги, чухрабоши, мироҳур, ясовул, иноқ, курчи, ҳарбий қози, бош қози, шайхулислом, аълам, раис, бош муфтий, ҳарбий муфтий, эшикогобоши, мирзабоши, мунший, сарой кутубхонаси бошлиғи, дастурхончи каби лавозимлар мавжуд бўлганни маълум.

Бухоро қозикалони Садри Зиё – Муҳаммад Шарифжон ибн қози Абд уш-Шакур ўзининг эсадилкларида Бухородаги амал ва унвонлар ва улар эгаларининг вазифалари ҳақида қўйидаги маълумотларни беради: “Аниқ бир тоифага мансуб бўлмаган яна тўртга амал мавжуд бўлган. Уларни подшолар ўзбекларнинг уламо ва сайидларига ўз хоҳишларига қараб берардилар. Булар мир асадлик, файзилик, садр ва судурлик. Бироқ файзи олим ёки сайид бўлса, унда шаҳар ташқарисидаги бир фарсах масофадаги сайидлар ва хўжаларнинг муҳтасиблиги унинг зиммасида бўлган. Садр эса шаҳар ичкарисида бир фарсах масофадаги вақфлар мулкини бошқарган. Судур эса шаҳар ташқарисидаги вақфларни идора этган”.

Қалам аҳлининг (олимлар – яъни адиллар, тарихнавислар) амаллари ҳам тўртта бўлган. Биринчиси девони калон (катта девон). Танҳоҳ, хирож ва шунга ўхшаш амир[лик] дафтарларининг аминлиги унинг қўлида эди. Иккincinnisi мушриф. Султоннинг инъом ва ҳадиялари, яъни байроқ, жибба, совут, от, яроғ ва шунга ўхшаш нарсаларни рўйхатга олиш учун мутасадди бўлган шахс. Учинчиси дафтардор. Бу амалдорнинг вазифаси саройдаги барча маросимларнинг сарф ва харажотларини катта дафтартага ёзиб борищдан иборат бўлган. Тўртинчиси девони танобона. Бу амалдор вазифаҳўрлар хирожи ва султоний ерларнинг маҳсулотларига жавобгар эди.

Ахли қаламнинг яна тўрт амаллари бордир. Биринчиси мунший. У муборакномалар ва маншур (фармонлар)ни ёзишга масъул бўлган. Иккincinnisi девони арбоби даруни шаҳр (шаҳар ичкарисидаги арбобнинг девони) дир. Ариқ ва заҳкашларнинг ҳашар ишлари ва жиноятчиларнинг султон фармонига биноан жазоланиши унга юкландган. Учинчиси девони арабхона. Араблар жамоасидан навкар (сарбоз) олишни назорат қиласар ва қалбакилаштириш, товламачиликка қарши ишларни олиб бораради. Тўртинчи девони тавжих. У девони дафтардор ва девони танобонадек кирим ишларини назорат қилган.

Юқоридагилардан пастроқ даражадаги яна тўрт амал бўлиб, булар мушрифи хурд, пойгирнавис, девони маҳрам, девони ясовул. Бу даражалар ҳақида аниқ маълумотлар баён этилмаган [7].

Манбаларда таъкидланишича, қўйидаги амаллар ҳам ҳукмдорнинг яқинларига берилади ва улар баъзан олий ҳукмдорнинг амрига биноан саройга отга миниб келишлари мумкин бўлган. Бу тўрт амал кўкалдош, қўшбеги ва сарой хожайи калонидан кейин туради ва даражаси улардан пастроқдир. Улардан биринчиси иноқи хурд (кичик инок), иккincinnisi меҳтари калон (катта меҳтар). Бирор ариза ёки элчи (нинг хати) саройга келса аввал иноқи хурдга берилади ва у хатни очиб, подшохнинг розилиги билан муншийга баланд овоз чиқариб ўқиш учун беради. Меҳтари калоннинг вазифаси закот, мўминларнинг ушри (даҳяк солиги) дан тўртини, зимиийлар ушрининг ярмини, ҳарбийларнинг ушрини, мол ва накд пуллар, чорва ва галла луқтаси (топиб олинган эгасиз нарсалар) ни ўз эгаларига топширишдан иборат бўлган. Учинчиси девони саркор бўлиб, Султон ерлари, тегирмон, подшолик дўқонларини фойдаланишга ва изараага беради, кирим-чиқими ҳақида хос саркорга ҳисобот беради. Султон ҳарами, хазинаси, қўруниш вақтидаги таом ва шунга ўхшаш харажоти унга тегишли. Тўртинчи дастурхончи. Унинг хизмати подшоҳ дастурхонини тўشاҳ ва уни тартибга солишдан иборат [8; 310].

Бухоро хонлигидаги ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда муфтининг ўрни алоҳида бўлган. Муфти фиқҳ (ҳуқуқ) ва ҳадисни жуда яхши биладиган қонуншунос бўлиши лозим бўлган. XVII асрнинг охири – XVIII аср бошларида давлат ҳокимиятининг заифлашуви оқибатида дарвиш гурухларининг ҳам роли ортиб борган.

Хулоса қилиб айтганда, шароит ва вазиятга қараб у ёки бу давлат лавозимининг эътибори ўзгариб бораверган. Аниқки, бу ҳолат асосан олий ҳукмдорнинг у ёки бу шахсга, унинг ҳокимият учун тегадиган нафига, жамиятда тутган ўрнига қараб муносабатда бўлиши билан боғлиқ эди. Хусусан, аввал бошда Убайдуллахон саройида Мухаммад Раҳим оталиқ мавқеи баланд бўлса, 1707 йили хон уни Қарши вилояти бошқарувига тайинлади. 1710 йили эса Тўрақули кўшбегибошига юкорида кўрсатилган катта имтиёзларни беради. Натижада кўшбеги унвони мавқеи ўз-ўзидан юксалади. Хуллас, унвон эгаларининг ижтимоий мавқеи ҳал қилувчи рол ўйнаган. Шунинг учун ҳам вилоят ҳокимлигига парвоначи, оталиқ қаби лавозимдагиларнинг тайинланиши табиийликка айланиб борган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Сагдуллаев А. ва б. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т.: Академия, 2000.
2. Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Т.: Адолат, 2003.
3. Toshmurodova Q. va boshqalar. Ashtarkoniylar davrida Buxoro Xonligining davlat tizimi, saroy va harbiy boshqaruvi// «Science and Education» Scientific Journal, June 2021 / Volume 2 Issue 6.
4. Худойқулов Т. Марказий Осиё давлатларининг бошқарув тарихи (марказий, маҳаллий, ҳарбий, диний ҳокимият (XVIII – XIX аср бошлари): Тарих фанлари док. дисс. – Қарши, 2022.
5. Ахмедов Б. История Балха (XVI в. – первая половина XVIII в.). – Т.: Фан, 1982.
6. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди. II. 2019.
7. Садри Зиё. Мажмуя // Қўллўзма. Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти – № 2193.

**Наирга проф. Б.Эшов тавсия этган**

### **QASHQADARYO VILOYATI NEFT-GAZ SANOATINING RIVOJLANISHI (1960-1980-yillar)**

**Mallayeva F. (QarDU)**

**Annotatsiya.** Maqolada Qashqadaryo viloyati neft-gaz sanoatining rivojlanishi 1960-1980 yillar, Muborak neft va gaz qazib chiqarish boshqarmasining tashkil topish tarixi, ishlab chiqarish quvvati va mamlakatimiz sanoat salohiyatini rivojlantirishga qo'shayotgan hissasi xususida mulohaza yuritilgan.

**Tayanch so'zlar:** yer osti boyliklari, Shimoliy Muborak, Janubiy Muborak, Qora Xitoy, Qarshineftegazrazvedka, Neftyanik, Muborak neft va gaz qazib chiqarish boshqarmasi, Karim, Soyuz, Soyuzzbekgazprom, Mubarakgazpromstroy, Buxaragazpromstroy, Naipgazstroy, O'zbekgidroenergostry

**Аннотация.** В статье рассматривается развитие нефтегазовой промышленности Кашкадарьинской области в 1960-1980 гг., история создания Мубаракского нефтегазодобывающего управления, производственные мощности, его вклад в развитие промышленного потенциала нашей страны.

**Ключевые слова:** подземные ресурсы, Северный Мубарак, Южный Мубарак, Черный Китай, Каршинефтегазразведка, Нефтяник, Мубаракское НГДУ, Карим, Союз, Союзузбекгазпром, Мубаракгазпромстрой, Бухарагазпромстрой, Наипгазстрой, Узбекгидроэнергострой.

**Annotation:** The article discusses the development of the oil and gas industry of the Kashkadarya region in 1960-1980, the history of the creation of the Mubarak oil and gas production department, production capacities, and its contribution to the development of the industrial potential of our country.

**Keywords:** Underground resources, North Mubarak, South Mubarak, Black China, Karshineftegazrazvedka, Oilman, Mubarak OGPD, Karim, Soyuz, Soyuzbekgazprom, Mubarakgazpromstroy, Bukharagazpromstroy, Naipgazstroy, Uzbekhydroenergostroy.

Qashqadaryo viloyati hududida 1953-yilda Muborakdan ellik kilometr masofada joylashgan Setalontega maydonida parmalangan 1-quduqdan ilk marotaba gaz olindi. Qashqadaryoda geologik-qidiruv ishlari hajmi yildan-yilga kengayib bordi. Bunday qidiruv ishlari Koson va Muborak hududida amalga oshirildi. Bu ishlarda kosonlik Xayrullo Temirov sohaning vohalik ilk mutaxassislaridan biri bo'ldi. 1954 – 1955-yillarda Shimoliy Muborak, Janubiy Muborak, Qora Xitoy hududlarida neft-gaz boyliklari borligi aniqlandi. [1]

1963 yilda yer qa'rini qidirish va qazib oluvchilar jamoasi oldiga yangi katta vazifalar qo'yildi. O'z zimmalariga olgan majburiyatlarni bajargan holda, "Qarshineftegazrazvedka" tresti jamoasi yil davomida 26 ta maydon va istiqbolli inshootlarda konstruktiv-qidiruv va qidiruv ishlarini olib bordi. [2]

"Qarshineftegazrazvedka" trestini tashkil etishda jonbozlik ko`rsatib mehnat qilgan, viloyatda obro' va e'tiborga ega bo`lgan jamoani oyoqqa qo'yishda o'zining kuch va qobiliyatlarini ayamagan inson V. I. Kushnirov 1963-yilda xizmat vazifasini bajarayotgan bir vaqtda vafot etdi. S. M. Gamzatov trestning boshlig'i lavozimiga tayinlandi. [3]

1964-yilda O'zbekiston SSR va Respublika Kompartiyasining 40 yilligi munosabati bilan umumxalq sotsialistik musobaqasi boshlandi. "Qarshineftegazrazvedka" trestida o'tkazilgan sotsialistik musobaqa natijasida gaz zaxiralarining o'sishi 208447 million metr kubni tashkil etdi. Sanoatni rivojlantirish va foydalanish uchun trest Janubiy Muborak va Sho'rtepa konlarini "Buxoroneftgaz" uyushmasiga o'tkazdi. Yangi qo'rg'on ekspeditsiyasining skautlari ikkita yangi gaz konlari Qulbeshkak va Qumariqni kashf etdilar. [4]

1962-yilda "Qarshineftegazrazvedka" tresti tashkil topgan vaqtida 15.836 kvadrat metr turar joy bor edi. 1968 yilda uning hajmi 29 033 kvadrat metrga yetdi. Shu davrda yotoqxonalar 2620 kvadrat metrdan 5724 kvadrat metrga, bolalar bog'chalari 190 o'rindan 755 o'ringa, pioner lagerlari 46 o'rindan 547 o'ringa ko'paydi. [5]

1965 yilda "Qarshineftegazrazvedka" tresti jamoasi katta yutuqlarga erishdi. Chuqur burg'ulash rejasiga 101,8 foizga bajarildi, Shimoliy Muborak koni ishga tushirildi, bundan tashqari ikkita yangi gaz konlari – Pomuq va Karim ochildi.

Razvedkachilar va konchilar hayotida partiya, kasaba uyushma va komsomol tashkilotlari rahbarligida faoliyat yurituvchi ta'lim muassasalari muhim o'rinni tutadi. Mehnatkashlar – neft va gazchilarining ma'nnaviy va ijtimoiy hayotining chinakam markazlari madaniyat saroylari, klublardir. Madaniyat va klublar saroylarida, qizil burchak va kutubxonalarda kinofilmlar namoyish etilib, turli ma'ruzalar, suhabatlar, dam olish kechalari, kitobxonlar anjumanlari va boshqa turdag'i ommaviy madaniy-ma'rifiy ishlar o'tkazilmoqda.

1966-1970-yillarda Qarshi geologlarining yashash sharoitlari yaxshilandi. 15 ming kvadrat metr turar joy, 330 kishiga mo'ljallangan 3 ta yotoqxona, 460 o'rinni 2 ta bolalar bog'chasi, 3 ta qizilburchak, pionerlar lageri, 2 ta sabzavot ombori va boshka binolar qurib foydalanishiga topshirildi. [6]

1968-yilda "Qarshineftegazrazvedka" tresti komsomolchilari Lenin komsomolining 50 yilligiga bag'ishlab G'uzor va Koson neft qidiruvchilarining badiiy havaskorlik faoliyatini ishtirokida kechalar o'tkazdilar. Trest uch avlod uchun qiziqarli tadbir o'tkazdi.

Koson va G'uzor shaharlari taraqqiyoti bevosita gaz konlarini qidirish ishlari bilan bog'liqdir. 1966 – 1970 yillarda G'uzor va Kosonda neftchilar uchun 140 o'rinni bolalar bog'chasi, G'uzorda 400 o'rinni yozgi klub binolari qurildi. Yo'llar asfaltlandi. Muborak, G'uzor, Koson va Qarshida 18 ming tup mevali va manzarali daraxtlar o'tqazildi. Qarshi shahrida geologlar uchun "Neftyanik" mikrorayoni qurildi. [7]

1975 yilga borib Qashqadaryo viloyatida gaz qazib olish 1,6 barobar ortadi va yiliga 5 milliard metr kubni tashkil etadi, neft qazib olish 400 ming tonnaga yetkaziladi, ya'ni 1,5 barobar ortadi. Yangi sanoat markazlari, zavod va fabrikalar, qurilish materiallari ishlab chiqaruvchi korxonalar barpo etilmoqda.

Muborak gazni qayta ishslash zavodi. 1965-yil 23-avgustda sobiq sho'ro Ittifoqi hukumati tarkibida gaz-oltingugurt zavodi bo'ladigan Muborak gaz-kimyo majmuasini barpo etish haqida 51-sonli qarorini e'lon qildi. 1965-yili 10-sentabrda sobiq Ittifoq Gaz sanoati vazirligining shu mazmundagi buyrug'i chiqarildi. 1966-yil oktabrda sobiq Ittifoq Gaz sanoati vazirligi "VNIPiGazdobicha" ilmiy-tadqiqot va loyihalash instituti tayyorlagan loyihami tasdiqlash haqida qaror chiqardi. Shuningdek, loyihalash ishlarida "Giprogazoochistka", "Teploproyekt", "Gosgorximproyekt" singari loyihami tashkilotlar ham ishtirok etdi. 1967-yil avgustda O'zbekiston hukumatiga Muborak gaz-kimyo majmuasi qurilishi uchun Respublika Qishloq

xo‘jaligi vazirligi va Qashqadaryo viloyati rahbariyatining joy ajratib berish haqidagi taklifini qabul qilish bo‘yicha farmoyish berildi. [8]

1968-yilda Muborakda gazni qayta ishslash zavodi qurilishi boshlandi. Muborak tuzilmasida joylashgan yirik gaz kondensati konlarining o‘zlashtirilishi va zavod qurilishining boshlanishi Muborak posyolkasining yanada kengayishiga xizmat qildi. Butunittifoq ahamiyatiga ega qudratli markazlarning barpo etilishi, shaharlar qurilishi Kommunistik partiya va Sovet hukumatining kundalik rahbarligi tufayli mumkin bo‘ldi.[9]

1972-yil yanvar oyidan e’tiboran sobiq Ittifoq Gaz sanoati vazirligi buyrug‘iga ko‘ra Muborak gaz-oltingugurt zavodi Muborak gazni qayta ishslash zavodi deb yuritiladigan bo‘ldi. 1971 – 1973-yillarda korxonaning yiliga 5 milliard kubometr tabiiy gazni qayta ishslash quvvatiga ega 1-navbatli to‘liq foydalanishga tushirildi. 1973-yilda 3-sonli sex-gaz tarkibidan oltingugurt ajratib olish sexi ishga tushirildi. O‘sha yili korxonada 76 ming tonna qimmatbaho kimyo sanoati xomashyosi ishlab chiqarildi.[10]

Qashqadaryo viloyati hududida topilgan neft va gaz konlari ularga yaqin joylarda ham yashash punktlari bunyod etilishini taqozo etdi. Qumlik joyda qad ko‘targan Muborak shahri ana shulardan biridir. 1966 – 1970-yillarda Muborakda 40 ming kvadrat metr uy-joy qurildi. 250 o‘rinli klub mehnatkashlarga madaniy xizmat ko‘rsata boshladi. Muborak shahrini qurishda rus va o‘zbek, ukrain va qozoq, tojik va turkman, tatar va arman xalqlarining vakillari faol ishtirok etdi. Bolgariyadan kelgan quruvchilar ham ular bilan bir qatorda mehnat qildi. [11]

Muborak posyolkasida qurilish-montaj ishlari olib borayotgan bolgariyalik quruvchilarga injener Kolva Kolev boshchilik qildi. 1973-yilgacha bolgar quruvchilari uchta 40 kvartirali, beshta 12 kvartirali turar joy binosini foydalanishga topshirdi. 1972-yili bolgar quruvchilari rejadagi 840 ming so‘mlik qurilish-montaj ishlari o‘rniga 1320 ming so‘mlik ish bajarib, vazifalarini 157 foiz qilib bajardi. Shuningdek, bolgariyalik quruvchilarning badiiy havaskorlik ansambl qatnashchilari ijro etgan qo‘shiq va raqlar muborak posyolkasi aholisi orasida tezda ommalashib ketdi. [12]

1974-yilda muborakliklar hayotida katta voqeа yuz berdi. Muborak posyolkasi shahar deb e’lon qilindi. Bu yerdagi har bir bino cho‘lning og‘ir ob-havo sharoitlari hisobga olingan holda maxsus loyiha asosida qurildi. Turar joylar, madaniy-maishiy obyektlar, tashkilot va muassasalar tabiiy gaz va Yakkabog‘ tog‘ suvi bilan ta’minlandi. 1976-yilda shahar aholisining soni o‘sib, ancha ko‘paydi. Ko‘p millatli Muborak shahrining korxona va muassasalarida ruslar, o‘zbeklar, bolgarlar, turkmanlar, qozoqlar, tatarlar va boshqa millat vakillari qo‘lni qo‘lga berib mehnat qildi. Shahar kun sayin kengayib, chiroy ochib bordi. 1976-yilda u 51 ming kvadrat metr turar joy fondiga ega bo‘ldi. Shaharda madaniy-maishiy obyektlar, sog‘liqni saqlash va savdo shaxobchalari binolari qurilishiga biringchi darajali ish deb qaraldi. Jumladan, 1976-yilda Muborakda 50 o‘rinli shifobaxsh mineral suv bilan davolaydigan kasalxona ishga tushirildi.[13]

1978-yil 13-sentabrda Muborak rayoni tashkil etildi. 1971 – 1980-yillarda bolgariyalik quruvchilar O‘zbekistonda 67 million so‘mlik qurilish-montaj ishlarini bajardi. 105 ming kvadrat metr uy-joy binolarini qurdi. Bu uylarning ko‘pchiligi Gazli, Buxoro va Muborakda bunyod etildi. Buxorodagi gaz sanoati texnikuming o‘quv korpuslari kompleksi, Muborakdagi shinam mifik binolari, ko‘plab ko‘rkam uylar bolgariyalik quruvchilarning mehnati samarasini bo‘ldi.[14]

1979 – 1980 o‘quv-yilida Muborak shahridagi 2 ta zamонавиy o‘rta maktabda 2200 o‘quvchi ta’lim oldi. 1980-yilda shaharda industrial texnikum ochildi. Texnikum neft va gaz geologiyasi, neft va gaz ximiysi bo‘yicha o‘rta ma’lumotli mutaxassislar tayyorladi. Musiqa maktabi iqtidorli yoshlarni o‘z atrofiga uyuشتirdi. 1980-yili Nebitdog‘da 20ta o‘rta maktab, 3 ta professional texnika bilim yurti, 2ta musiqa maktabi yosh avlodni yetuk kadrlar qilib tarbiyalash ishida faol qatnashdi. Kunduzgi umumiyyat ta’lim maktablarida 21 ming o‘quvchi bilim oldi. Zamонавиy tipda qurilgan bolalar bog‘chalarining tarbiyaviy faoliyatini ham yaxshilanib bordi. 1980-yilda “O‘zbekneftegazgeologiya” birlashmasiga qarashli 1100 o‘rinli bolalar bog‘chasida gazchilarning farzandlari parvarish qilindi. Nebitdog‘ va Muborakdagi kutubxona, klub va madaniyat saroylari neftchi va gazchilarning madaniy hayotida muhim o‘rin tutdi.

1978 – 1980-yillar ichida yiliga 5 milliard kubometr tabiiy gazni qayta ishslash Muborak gazni qayta ishslash zavodining ikkinchi navbat qurilishi tezkorlik bilan olib borildi. Mamlakatdagi mashinasozlik zavodlarida tayyorlangan hamda Fransiya va Yaponiyadan buyurtma asosida tayyorlab keltirilgan texnologik uskunalar, avtomatika va nazorat-o‘lchov asboblari montaj qilindi. O‘irligi 240 tonnalik kolonna o‘rnatildi. Zavodda 1972-yildan boshlab O‘rtabuloq gazidan oltingugurt ajratib olina boshlandi. Shundan keyin qisqa davr ichida ishlab chiqarish hajmi 3,2 baravar ortdi. Zavodda ishlab chiqarilayotgan oltingugurt mahsulotiga davlat sifat belgisi berildi. [14]

1979-yilda Muborak gazni qayta ishslash zavodining uch blokdan iborat ikkinchi navbat mahsulot bera boshladi. Zavod mamlakatning magistral gaz quvurlariga yiliga 10 milliard kubometr tozalangan gaz berish quvvatiga ega bo‘ldi. Yangi konlarni o‘zlashtirish hajmining kengayishi qurilish tashkilotlarini ham ko‘paytirishni talab etdi. 1979-yilda Muborakda “Buxoragazpromstroy” trestining 6-qurilish boshqarmasi negizida mustaqil Yangi “Muborakgazpromstroy” tresti tashkil etilib, ushbu trest Sho‘rtan va boshqa konlar, Sho‘rtan – Sirdaryo GRESi gaz quvuri qurilishda faol qatnashdi.

Muborak gazni qayta ishslash zavodining yiliga 5 milliard kubometr tabiiy gazni qayta ishslash quvvatiga ega III navbat 1980-1981-yillarda ishga tushirildi. Qurilish ishlari jadal olib borilib, 1980-yilda 870 nafr kishi qurilish ishlari faol qatnashdi. 202 nafr quruvchi kommunistik mehnat zarbdori bo‘ldi. Qurilish ishlari ishtirot etgan 9 brigadaga kommunistik mehnat brigadasi nomi berildi. Zavodda bebaho xomashyo ishlab chiqarish yildan yilga ortib bordi. 1980-yilda oltingugurt ishlab chiqarish 1979-yilga nisbatan 5 foizga ko‘paydi va 159,7 ming tonnani tashkil etdi.

1981-yil mart oyida O‘zbekiston Kompartiyasi Markaziy Komiteti “Soyuzzbekgazprom” (Butunittifoq ishlab chiqarish birlashmasi), “Muborakgazpromstroy”, “Buxoragazpromstroy”, “Naipgazstroy”, “O‘zbekgidroenergostroy” trestlari jamoalarining Muborak gazni qayta ishslash zavodining uchinchi navbatini muddatidan ilgari ishga tushirish va o‘zlashtirish borasidagi qaror qabul qildi.

Muborak gazni qayta ishslash zavodi uchinchi navbatini qurishda qatnashayotgan tashkilotlar uchun O‘zbekiston Kompartiyasi Markaziy Komiteti, O‘zbekiston SSR Ministrler Soveti, O‘zbekiston kasaba uyushmalari Respublika Soveti hamda O‘zbekiston komsomoli Markaziy Komitetining ko‘chma Qizil bayrog‘i va pul mukofoti ta’sis etildi. Qurilish jarayoni natijalarini 1981-yil mart oyidan boshlab e’lon qilib borish belgilandi. O‘zbekiston SSR televideniye va radio eshittirish Davlat komitetiga quruvchilar va montajchilarining ilg‘or ish tajribalarini, topshiriqlar qanday bajarilayotganligini muttasil yoritib turish vazifasi topshirildi. [15]

Shu tariqa mamlakatning gazdan oltingugurt ajratib oladigan yangi bir tarmog‘i vujudga keldi. Vohadan topilgan oltingugurtli gaz konlarining ko‘pligi xalq xo‘jaligi uchun zarur bo‘lgan xomashyonini uzlusiz ko‘paytirib borishning moddiy asosini tashkil etdi. Qisqa muddatda osmonga bo‘y cho‘zgan noyob korxonani bunyod etishda qo‘lga kiritilgan bebaho tajribalar shu yo‘nalishdagi zavodlarni qurishda namuna sifatida xizmat qildi. Zavod qurilishida 27 millat vakillari mehnat qildi. Muborak gaz-oltingugurt zavodi qurilishida to‘plangan tajriba keyinchalik “Soyuz” gazoprovodi yo‘lida joylashgan Orenburg gazni qayta ishslash zavodi qurilishida qo‘l keldi.

1980-yilda Muborakda qurilish hajmining keskin o‘sishi munosabati bilan turar joy va madaniy-maishiy “O‘zbekgazstroy” – binolar qurish bilan shug‘ullanadigan tresti tuzildi. Trest quruvchilar soni 1980-yildayok 1100 kishiga yetdi. Muborak shahri aholisi har yili o‘rtacha 3 – 5 mingga ko‘payib bordi. Shu boisdan ham turar joy binolari qurish, yangi yerlarni o‘zlashtiruvchilarga qulay sharoit yaratish masalalariga alohida e’tibor berildi. 1980-yilda qurilgan birinchi mikrorayonda hozir 6 ming kishi istiqomat qildi.

1981-yil mart oyida bo‘lib o‘tgan KPSS 26-Syezdi O‘zbekiston yoqilgi sanoatini yanada rivojlantirish masalasiga alohida ahamiyat berdi. Gaz qazib olishni ko‘paytirishni mo‘ljalladi. Shu davrdan boshlab Qashqadaryo viloyati respublika gaz sanoatining asosiy markaziga aylanib bordi. Bu mintaqada gaz qazib olishning ko‘payishi va undan samarali foydalanish gazni qayta ishlaydigan katta korxonalar barpo etilishi bilan bog‘liqdir.

1981 – 1985-yillarda Muborak gazni qayta ishlash zavodida mahsulot ishlab chiqarish ikki baravar ko‘paytirildi va Sho‘rtan konida yangi zavod qurish ishi boshlandi. Bu korxonalar kimyo sanoati uchun kerakli qimmatbaho xomashyo – gazga qo‘shilib chiqadigan 400 ming tonna oltingugurt bera boshladi. Bu tadbirlar xalq xo‘jaligining barcha tarmoqlarini gaz bilan keng miqqyosda ta‘minlash va gazdan sanoat xomashyosi sifatida ham samarali foydalanish imkonini berdi. [15]

O‘n birinchi besh-yillik (1981 – 1985-yillar)da “O‘zbekneftegazgeologiya” birlashmasi jamoasi oldida ulkan vazifalar qo‘yildi. Tabiiy gaz zaxiralarini birlashmada 310 milliard kubometrga, neft va gaz kondensatini anchagina o‘stirish, 800 ming metr chuqur parmalash ishlarini amalga oshirish, jami 48,5 million so‘mlik ish bajarilishi ko‘zda tutildi.

Qarshi dashtida topilgan boy gaz konlari quvvati 3,2 million kilovatt bo‘lgan va O‘rtal Osiyodagi eng katta elektrostansiya hisoblangan Tolimarjon GRESini qurish imkoniyatini yaratdi. Bu gigant korxona qurilishi o‘n birinchi besh yillikda boshlanadi. 1981-yilda Nebitdog‘da 12 qavatli uylar qurilishi boshlandi. O‘n birinchi besh yillikda bu ishlar jadal olib borildi. 320 o‘rinli bolalar kombinati, 2000 o‘quvchiga mo‘ljallangan maktablar va boshqa dam olish inshootlari qurildi.

O‘n birinchi besh yillikda respublikada 115 ming kvartira gazlashtirildi. Shundan 17 mingi qishloq joylarida amalga oshirildi. 132 kilometr posyolkalararo gaz taqsimlash tarmog‘i qurildi. Respublikada gazlashtirish maqsadlari uchun 135 million so‘m mablag‘ ajratildi. Besh yillikning oxiriga borib aholining tabiiy gaz bilan ta‘minlanish darajasi 50 foizga yetdi. O‘n birinchi besh yillikda gazchilarining turmushini yaxshilash maqsadida ham bir qancha samarali ishlar amalga oshirildi. Muborak shahrida 3 – 5-mikrorayonlar qurildi. 600 o‘rinli klub, 1076 o‘quvchiga mo‘ljallangan maktab binosi foydalanishga topshirildi.

Muborak gazni qayta ishlash zavodida yiliga 5,25 milliard kubometr tabiiy gazni qayta ishlash quvvatiga ega IV navbatni 1983-1986-yillarda qurib bitqazildi. Uning yillik ishlab chiqarish quvvati 183 ming tonna oltingugurt tozalovchi 6 ta blok va oltingugurt ishlab chiqaruvchi 2 ta blokdan tashkari 4-navbat majmuiga suyultirilgan gaz olish va bir yo‘la gaz kondensatini barqarorlashtirish qurilmasi ham kiradi.

Muborak gazni qayta ishlash zavodi IV navbatni A.A.Sunsov boshliq 9-soni ixtisoslashtirilgan boshqarma montajchilari, E.A.Kalesher, M.Abbosov boshliq 6 – 7-soni qurilish boshqarmalari bonyodkorlari va bu ishga jalb etilgan boshqa barcha quruvchilar, mutaxassislar qiyinchiliklarni mardonaya yengib, g‘ayrat-shijoat bilan mehnat qilishdi. Shuningdek, “Spets. Montaj” trestining D.B.Kevesh boshlik 9-soni qurilish-montaj boshqarmasi, 8-trestning V.I.Rilenko rahbarligidagi 5-montaj boshqarmasi, “Sredazteplomontaj”, “Gazmontajavtomatika” korxonalari mutaxassislari ham zavod qurilishida faol qatnashdi.

1985-yilda Qashqadaryo oblastidagi gaz konlaridan 30 milliard kubometr gaz, 750 ming tonna neft gaz kondensati qazib olindi. Sho‘rtan kombinati qurilgach, uning yer osti durdonasidan oltingugurt, benzin, chorva mollari uchun zarur bo‘lgan oqsil moddasi ishlab chiqarish keng yo‘lga qo‘yildi. Muborak gazni qayta ishlash zavodining uchinchi navbatni ishga tushgach, zavod bir yilda 15 milliard kubometr gazni qayta ishlaydi va 314 ming tonna oltingugurt hosil qildi.

Xullas, Muborak gazni qayta ishlash zavodi hudud iqtisodiyoti va aholini gaz bilan ta‘minlashning o‘sishiga olib keldi.

**Sho‘rtanneftgaz.** 1966-yilda “Qashqadaryogaz” gaz konlari boshqarmasi tashkil etilishi mazkur hududdan gaz qazib olish imkoniyatlarini kengaytirdi. “Sho‘rtan” konidan tajriba sinov sifatida foydalanish loyihasi, Sobiq ittifoq “Gaz sanoati markaziy byurosi”ning gaz va gaz-kondensat konlarini ishlatish bo‘yicha 1975-yil 16-senyabrda qaror qildi. Loyiha “SredAzNIIgaz” ilmiy tadqiqot instituti tomonidan ishlab chiqilgan bo‘lib, bu loyiha asosan konning boshlang‘ich zaxirasi 38,03 mlrd. m<sup>3</sup> deb tasdiqlangan va 21 ta quduqni qazish ishlari “Sho‘rtan gaz-kondensat” konining qidiruv qismini 3yil muddat bilan yiliga 1,5 mlrd. m<sup>3</sup>dan gaz qazib olish bilan ishlatish ko‘zda tutilgan edi.

1976-yil 28-aprelda sobiq Ittifoq Gaz sanoati markaziy byurosining gaz va gaz kondensat konlarni ishlatish bo‘yicha qarori asosida 1979-yilda “Buxorogazpromstroy” trestining

quruvchilari Sho‘rtan koni yonida gazchilar posyolkasini buniyod etishga jadal kirishdi. Natijada bir yilda 2100 kvadrat metr turar joy foydalanishga topshirildi.

1976-yil 28-aprelda sobiq Ittifoq “Gaz sanoati markaziy byurosi”ning gaz va gaz kondensat konlarni ishlatish bo‘yicha umumiyligi yig‘ilishining 11/76-sonli majlis bayoni tasdiqlandi va bu hujjatga asosan, endi konning umumiyligi boshlang‘ich zaxirasi 173,2 milliard m<sup>3</sup> deb tasdiqlandi va ushbu qarorga asosan “Sho‘rtan” gaz-kondensat konida 114 ta gaz qudug‘i qazilib yiliga 8,0 mlrd. m<sup>3</sup> gaz qazib olish bilan foydalanish ko‘zda tutildi. “Sho‘rtan gaz-kondensat” konini xalq farovonligi yo‘lida ishlatish maqsadida sobiq Ittifoqning Gaz sanoati vazirligi tomonidan 1980-yil 21-sentabrda tasdiqlangan majlis bayonini qaroriga asosan “Sho‘rtan” koni guruhiya kiruvchi konlarni ishlatishga qaror qilindi. “Sho‘rtangaz” gaz konlari boshqarmasi Ittifoq Gaz sanoati vazirligining 1980-yil 30-sentabrdagi buyrug‘iga asosan “Yangi konlarni o‘zlashtirish Direksiyasi”ni qaytadan tashkil etish asosida tashkil etildi. [16]

1979-yili “Sho‘rtangaz” kaz konlari boshqarmasi tashkil etildi. Ushbu boshqarmaga Muborak gaz boshqarmasida katta tajribaga ega bo‘lgan mutaxassis Irek Suleymanov rahbar etib tayinlandi. Irek Suleymanov yerda mahalliy kadrlardan o‘ziga shogirdlar yetishtirib, mahalliy xalq bilan yaqinlashishga harakat qildi. “Sho‘rtangaz” gaz konlari boshqarmasi tashkil etilgan paytda bosh hisobchi Axmedgali Seroziddinovich Mavletshin, bosh geolog Lev Izidorovich Gnatov, bosh energetik Rafail Talipovich Mniyarov, bosh muhandis o‘rnibosari Eduard Mixaylovich, bosh mexanik Vitaliy Yevgenovich Trotsyuk, mehnatga haq to‘lash va kadrlar masalalari bilan Trotsyuk Yekaterina Vladimirovna kabilar faoliyat olib bordi.

“Sho‘rtanneftgaz” korxonasi 1980-yil 1-noyabrda tashkil etildi. Korxona tashkil etilgandan ikki oy o‘tib 493,3 million metr kub gaz va 27,872 ming tonna gaz kondensati yetkazib berdi. 1981-yilda esa bu ko‘rsatkich 3 milliard 337,8 million kub metrni tashkil etdi. Korxona ishga tushirilib shakllanishi, oyoqqa turishi davom etgan dastlabki yillarda uning tarkibida gazni dastlabki tayyorlash qurilmasi 1-navbatli va gazni past haroratda ajratish qurilmasi 1-2-navbatlari faoliyat yuritdi.

1980-yil noyabr – dekabr oylarida “Sho‘rtan – Sirdaryo” GRESi gaz quvuri ishga tushirilib, shu yilning o‘zida GRESga kam oltingugurtli gaz uzatildi. Yangi qurilgan gazni kompleks tayyorlash qurilmasida ajralgan gaz kondensati esa, Qoratoy neft quyish estakadasiga uzatildi.

1985 – 1986-yillarga kelib gazni dastlabki tayyorlash qurilmasining 2-navbatli va gazni past haroratda ajratish qurilmasi 3 – 4-navbatlari, gazni oltingugurtdan tozalash sexi, ACO – 1 qurilmasi, kondensatni barqarorlashtirish sexi foydalanishga topshirildi.

1981 – 1985-yillarda Sho‘rtan posyolkasida zamonaviy turar joylar buniyod etildi. Qarshi shahrida geologlar uchun yangi mikrorayon qad ko‘tardi. G‘uzor shahrining qiyofasi muhtasham binolar hisobiga o‘zgardi.

1985-yilda “Sho‘rtangaz” gaz konlari boshqarmasiga mahalliy aholi vakili bo‘lgan To‘lqin Omonov rahbar etib tayinlanadi. To‘lqin Omonov davrida boshqarma faoliyati anchayin yaxshilandi. Boshqarma tasarrufidagi hududlarda yangi konlar faoliyati yo‘lga qo‘yilib ishlab chiqarish suratlari jadallahdi. Rahbar sifatida ham, olim sifatidan ham birdek faoliyat olib bordi. U 1991-yilning 20-noyabrida sobiq butunittifoq Geologiya qidiruv va mineral xomashyo iqtisod oliygohining ilmiy kengashida “iqtisod fanlari nomzodi” degan ilmiy unvonga musharraf bo‘ldi.

Boshqarma tasarrufidagi korxonada gazni kondensatdan va mexanik birikmalardan tozalab, quritilgandan so‘ng, gaz oltingugurtdan tozalash qurilmasiga uzatildi. Gaz tozalash quvvati-yiliga 4 milliard m<sup>3</sup>ni tashkil etdi. 5 ta blokdan iborat qurilma 1985 – 1997-yillarda ishga tushirildi. Bu qurilmada gazdan oltingugurt ajratilib, tozalangan gaz “Muborak – 1” asosiy gaz quvuri orqali iste’molchilarga uzatiladi. [17]

Qurilmaning me’yorida ishlab turishini ta’minlaydigan seolit reagent xorijiy mamlakatlardan keltiriladi va har 3 yilda yangilab turiladi. Qurilmadagi gazni tozalash uchun qo‘yilgan seolitni tozalashda ishlatilgan regeneratsiya gazi esa aminli eritma yordamida gazni oltingugurtdan tozalash qurilmasiga uzatiladi. Aminli eritma yordamida gazni iste’molchilarga uzatish qurilmasining birinchi navbat 1985-yilda ishga tushirildi. Ushbu birinchi navbatning

yiliga loyihaviy ishlab chiqarish quvvati 0,8 milliard m<sup>3</sup>ni tashkil etdi. Bu qurilmalarda oltingugurtdan tozalangan tabiiy gaz “Sho‘rtan – Kelef” asosiy gaz quvuri orqali iste’molchilarga yetkazib berildi.

Xullas, “Sho‘rtanneftgaz” korxonasi faoliyatining tashkil etilishi viloyat iqtisodiyotining ko‘tarilishiga sabab bo‘ldi. Korxona faoliyati va homiyligida G‘uzor tumani aholisining kundalik turmushi farovonlashib, yashash sharoitlari yaxshilandi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Жўрақулов О., Эргашева Ж. Қашқадарё саноати тарихи. – Қарши: Насаф, 1996. – Б. 78 – 7
2. Жўрақулов О. Қаршида газ саноати // Қашқадарё ҳақиқати, 1971 йил 30 июль.
3. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги архиви, 1-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 371-варап.
4. Джуракулов А. Развитие газовой промышленности Узбекистана. – Т., 1976. – С. 47.
5. Жўрақулов О. Кудратли энергия манбаи. – Т., 1982. – Б. 186
6. ҚВДА, 27-фонд, 39-рўйхат, 15-иш, 94-варап.
7. Сунатов Ҳ. Йил гиганти // Қашқадарё ҳақиқати, 1970 йил 17 январь.
8. Чарiev A., Achilov M. Кашкарынская область. – Т.: Узбекистан, 1974. – С. 126.
9. Хусанов Ж. Қашқадарё хазинаси // Қашқадарё ҳақиқати, 1969 йил 6 сентябрь.
10. “Қашқадарьинская правда”, 1980 год 12 январь
11. Омонов О. Муборак газни қайта ишлаш заводи 35 ёшда. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – Б. 6.
12. “Совет Ўзбекистони”, 1979 йил 11 октябрь.
13. “Қашқадарё ҳақиқати”, 1981 йил 6 февраль.

*Nashrga prof. B.Eshov tavsiya etgan*

### ҚИЗИЛТЕПА БИТИМИ

**Ҳамраев М.М.** (Навоий давлат педагогика институти)

**Аннотация.** Бухоро амирилиги ва Россия ўртасида имзоланган шартнома ҳақида маълумот берилади. Бу шартнома тарихда “Қизилтепа битими” сифатида машхур бўлиб, у 9 банддан иборат. Бу битимни икки асосий ҳужжат яъни 9 банддан иборат ушбу битимнинг матни ва амир ҳайъатига бошчилик қилган бош закотчи ва айни пайтда тарихчи олим Мирза Салимнинг “Тарихи Салимий” асари асосида ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: *Қизилтепа битими, мунтазам армия, Бухоро фуқаролари, милтиқлар, Мирза Салим, Xalқ Комиссарлари Совети, Тарихи Салимий.*

**Аннотация.** Приведена информация о договоре, подписанном между Бухарским Эмиратом и Россией. Это соглашение известно в истории как «Кизилтепинское соглашение» и состоит из 9 пунктов. Это соглашение объясняется на основе двух основных документов, а именно текста этого соглашения, состоящего из 9 пунктов, и труда «История Салими» Мирзы Салима, главного сборщика закята и историка.

**Ключевые слова:** *Кизилтепинская сделка, регулярная армия, Жители Бухары, винтовки, Мирза Салим, Совет народных комиссаров, Тарих-и Салимий.*

**Annotation.** There is an information provided about the agreement signed between the Emirate of Bukhara and Russia. This agreement is known in history as "Kiziltepa Agreement" and it consists of 9 clauses. This agreement is explained on the basis of two main documents, namely the text of this agreement consisting of 9 clauses and the work of "History of Salimiy" by Mirza Salim, the chief zakat collector who headed the board of emirs and at the same time, a historian.

**Keywords:** *Kiziltepa agreement, constant army, citizens of Bukhara, guns, Mirza Salim Parvonachi, Soviet of Nation's Commissars, History of Salimiy.*

Туркистанда мустабит совет тузуми ўрнатилгач, қизил армия томонидан Бухоро амирилигига қарши ҳарбий ҳаракатлар олиб боришга тайёргарлик кўрилди. Октябрь тўнтаришидан сўнг совет Россияси билан Бухоро амирилиги ўртасидаги муносабатлар кескин ёмонлашди. Бу ҳолат большевиклар томонидан Бухоро давлатининг ички ишларига аралashiша ва қуролли тажовуз қилишида намоён бўлди.

1917 йил февраль ва октябрьда Россия хамда Туркистанда рўй берган тарихий воқеалар Бухоро амирлигининг кейинги тақдирига катта таъсир кўрсатди. Россиядаги инқилобий воқеалар таъсирида Бухородаги жадидчилик ҳаракати, яъни Ёш буxorоликлар партияси сафларида ажralиш руй берди. 1917 йил 2 декабрьда Янги Бухоро (хозирги Когон) шаҳрида бўлиб ўтган амирлик ҳудудидаги рус манзилгоҳлари Советларнинг 2 вилоят съездига амир тузумини ағдариб ташлаб, ҳокимиятни Ёш бу xorоликларга беришга қарор қилинди<sup>1</sup>.

Ёш бу xorолик жадидларнинг Файзула Хўжаев раҳбарлигидаги сўл қисми амир ҳокимиятини ағдаришда инқилобий кураш йўлини танлаб Туркистандаги совет ҳукуматидан ёрдам сўрашди. Бироқ бу пайтда Туркистан Мухторияти ҳукуматини тутатиш йўлларини излаётган Туркистан ўлкаси Xалқ Комиссарлари Совети (ХКС) раиси Ф.И. Колесов Бухоро амирлигига ҳужум қилишга дастлаб шошилмади.Faқат 1918 йил февраль ойида Туркистан Мухторияти ҳукумати қизил аскарлар томонидан тор-мор қилиниб, Кўқон шаҳри қонга ботирилгач, Колесов бутун дикқатини амирликни тутатишга қаратди<sup>2</sup>.

1918 йил 1 марта Янги Бухорога Ф. Колесов бошчилигидаги 3500 қишилик қизил аскарлар отряди замбарак ва пулемётлар билан қуролланган ҳолатда етиб келди. Файзула Хўжаев раислигига Ёш бу xorоликларнинг 7 қишидан иборат инқилобий қўмитаси тузилиб, унинг таркибига Фитрат, Отаулла Хўжаев, Абдулвоҳид Бурхонов, Исҳоқ Ағдаров, Қори Йўлдош Пўлатов, Фазлиддин Махсум киритилди. Ҳарбий ҳаракатларни бошқаришга Туркистан ўлкасидаги совет ҳукуматининг раҳбари Ф. Колесов масъул бўлди<sup>3</sup>.

Ёш бу xorоликлар билан Колесов ўзаро маслаҳатлашиб, Бухоро амири Сайд Олимхон (1881-1944) номига талабнома матни тайёрлашди. Ф. Колесов ва Файзула Хўжаев имзолари билан Сайд Олимхонга жўнатилган талабномада Бухорода сўз, матбуот ва бошқа демократик эркинликлар жорий қилиниши, амир ҳузуридаги ҳукумат тарқатиб юборилиб, унинг ўrniga Ёш бу xorоликлар Ижроия Қўмитасидан иборат янги ҳукумат тузилиши, амирликдаги кўшин қуролсизлантирилиши таъкидланган эди. Амир Олимхон 24 соат ичидаги ушбу талабларга рози эканлигини маълум қилса, у ўз ўrнида қоладиган бўлди. Агар, Сайд Олимхон рад жавобини берадиган бўлса, қурол кучи билан амирлик тутатилиши пўписа қилинди<sup>4</sup>.

Амир Сайд Олимхон ўз навбатида вақтдан ютиш учун музокаралар бошлади. У ўз жавоб мактубида ислоҳотларни секин-аста амалга ошириши мумкинлигини баён қилди. Бу жавобдан қаноатланмаган Ф. Колесов ҳарбий ҳаракатларни бошлашга буйруқ берди. Шундай қилиб 2 марта Янги Бухорога ҳужум бошланди. Уларга ҳар бири 200 қишидан иборат Ёш бу xorоликлар ва Янги Бухоро ишчиларининг отрядлари кўмак бериб турди. Бухоро яқинидаги Фатҳободда бўлган дастлабки тўқнашувда амир Сайд Олимхон кўшинлари мағлубиятга учраб, шаҳарга чекиндилар. Вазият бундай тус олишини кутмаган Сайд Олимхон Ф. Колесовга ўзининг махсус фармони олийини юбориб, унда барча талабларга рози бўлиш билан бир қаторда мамлакатда солиқлар камайтирилиши, тан ва ўлим жазоси бекор қилинишини айтди. Натижада, икки ўртада ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилиб, музокаралар қайтадан бошланди. Бухоро давлати мустақиллиги ва дахлсизлигини сақлаб қолиш учун интилган Сайд Олимхон бу фурсатдан унумли фойдаланиб, айрим манбаларда келтирилишича, 35000 қишилик лашкар тўплади. Бу xorоликлар муқаддас шаҳарлари ҳимоясига қўзғалди. Карманадан Қоракўлгача бўлган 170 км масофадаги темир йўл излари амир сарбозлари ва маҳаллий ахоли томонидан бузиб ташланди. Уруш ҳаракатлари бошланиб, Ф. Колесов отряди қуршовда қолди<sup>5</sup>. Ф. Колесов қўшинининг ўқ-дориси тугади ва аҳволи оғирлашди. Тошкент, Самарканд, Чоржўй, Ашҳобод, Марв, Карки, Янги Термиз гарнizonларидаги қизил аскар отрядлари Ф. Колесовга ёрдамга жўнатилди. Бироқ

<sup>1</sup> Бухоро Шарқ дурдонаси. Масъул мухаррир А. Азизхужаев. – Т: Шарқ, 1997.

<sup>2</sup> Каримов Р., Ражабов Қ. Колесов воқеаси. //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 4. – Т: “УзМЭ”, 2002.

<sup>3</sup> Колесов Ф., Бобунов А. Восстание в Бухаре. //Война в песках. Материалы по истории гражданской войны к 12 тому. – М.: “ОГИЗ”, 1935.

<sup>4</sup> Файзула Хўжаев. Бухоро инқилобининг тарихига оид материаллар (Қайта нашр). – Т: Фан, 1997.

<sup>5</sup> Р. Мақсудов, Қ. Ражабов. Қизилтепа тумани кечаси ва бугун. – Т.: Саҳроф, 2021. – 117 б.

Бухорони босиб олиш режаси амалга ошмаслигига кўзи етган Ф. Колесов 5 март куни кечкурун Тошкент томонга чекинишга буйруқ беради.

Тошкентдан зудлик билан Ф. Колесовга ёрдамга юборилган қизил гвардиячилар 11 марта Кармана шаҳрини эгалладилар. Улар амирнинг ёзги саройига жойлашдилар ва майшат билан шуғулландилар. Шундан сўнг босқинчиларни бухороликлар Карманадан қувиб чиқаришди. Большевикларнинг Тошкентдаги сиёсий мухолифлари улар тутган босқинчилик йўлини маъқуллашмади. Шунинг учун Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети амир Сайд Олимхон билан музокарага кўнди<sup>1</sup>.

Аслида Тошкентдан ёрдамга юборилган Г. Колузаев отряди бу пайтда Қизилтепада Ф. Колесов қўшини билан бирлашган эди. Ф. Колесов Қизилтепага келгач, сулҳ музокаралари олиб бориш учун амир Сайд Олимхонга вакиллар жўнатди. Сайд Олимхон, ўз навбатида, Ф. Колесов билан сулҳ музокаралари олиб боришга тайёр эканлигини билдириди. 17 марта Ф. Колесов ўз отряди билан Самарқандга етиб келди. Бу пайтда қизил аскарлар Хатирчи, Зиёвуддин, Мир, Кармана, Қизилтепа, Қоракўл ва Чоржўйни босиб олган эди. Ўша давр воқеаларининг бевосита шоҳиди маҳаллий тарихчи Муҳаммад Али Балжувоний ўзининг “Тарихи нофей” (“Фойдали тарих”) асарида ёзишича, қизил гвардиячилар билан курашда Музаффархон (1819-1885)нинг ўғилларидан бири Мир Мансурхоннинг ўртанча ўғли ҳалок бўлган. У амир Сайд Олимхоннинг амакиси бўлган. Ф. Колесов воқеасида у қатл этилиб, молу мулки таланди ва аҳли аёли асир олинди. Кармана ҳокими эса Сайд Олимхоннинг тогаси Сайдбек бўлиб, у қизил гвардиячилар томонидан асир олинган. Кейинчалик қизил аскарлар Сайдбекни Бухоро ҳукуматига топширганлар<sup>2</sup>.

Амир Сайд Олимхон кейинчалик ёзган “Бухоро халқининг ҳасрати тарихи” номли хотираларида Ф. Колесовнинг Бухорога босқини оқибатларини сал бошқача оҳангда ўзининг ғалабаси сифатида қуидагича тасвирлайди: “Аллохнинг инояти, пайгамбар шариатининг мадади билан ҳарбий қуролларнинг камлигига қарамай, Бухоро ислом аҳлига зафар кулиб бўқди, бу банда ғалабага эришди. Большевиклар ўз мақсадларига эришолмай сулҳ тузишга розилик билдиришди. Бу банда сулҳ тузишни яхшироқ деб билиб, аҳволни тузатиш мақсадида аҳд тузишга рози бўлди”<sup>3</sup>.

Холбуки, бу пайтда воқеалар ривожи бошқача кечган эди. Большевиклар Кармана ва Хатирчи вилоятларини эгаллагач, амир ҳам сулҳ тузиш учун вакиллар юборди. Совет Россияси томонидан: отряд комиссари В.Я.Шмидт, ҳарбий командирлар: Г.А.Колузаев, Степанов, В.В.Копилов, Туркистон ўлкаси темир йўллар комиссари А.Ф.Солькин, Янги Бухоро шаҳри бошлиғи А.Я.Галъперин, Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Советининг маҳсус вакиллари П.П.Введенский ва Х.К.Мирбадалов; Бухоро амирлиги томонидан: бош закотчи Мирза Салим Парвоначи, Абдурауф Карвонбоши Азизов, Мир Мироҳур каби маҳсус вакиллар сулҳ музокараларида қатнашган. Совет Россияси томонидан вакилларга В. Шмидт, Бухоро ҳайъатига Мирза Салимбек бошчилик қилган<sup>4</sup>.

Шундай қилиб тарихга кейинчалик Қизилтепа битими сифатида кирган сулҳ шартномасини тайёрлаш ва имзолаш жараёни ана шундай бошланган эди. 1918 йил 25 марта Қизилтепада Россия ва Бухоро вакиллари томонидан шартнома имзоланди. Бу шартнома тарихда Қизилтепа битими сифатида машҳур бўлиб, 9 банддан иборат. Бу битимни икки асосий ҳужжат яъни 9 банддан иборат ушбу битимнинг матни ва амир ҳайъатига бошчилик қилган бош закотчи ва айни пайтда тарихчи олим Мирза Салим Парвоначининг “Тарихи Салимий” асари асосида ёритиб берилган.

Ушбу битимнинг 1-бандига кўра, “биргаликда кўрилган чора-тадбирлар асосида Бухоро фуқароларини қуролсизлантириш керак”. Бухоро вакиллари бу бандга қуидаги сўзлар қўшилишини таклиф қилишган: “Узок даштларда чорва молларини қўриқлаш учун

<sup>1</sup> Ражабов Қ. Бухорога кизил армия боскини ва унга карши кураш: тарих ҳақиқати (1920- 1924). – Т: Маънавият, 2002.

<sup>2</sup> Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофей (Фойдали тарих). Тожик тилидан Ш.Воҳидов, З.Чориев таржимаси. – Т: Академия, 2001.

<sup>3</sup> Амир Сайдбек Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Форсчадан А. Ирисов таржимаси. – Т.: Фан, 1991.

<sup>4</sup> Мирза Салимбек. Тарихи Салими (Источник по истории Бухарского эмирата). Перевод с персидского Н.К.Норқулов. – Т.: Akademiya, 2009. – С. 169-206.

курол-яргни қолдириш лозим, фактат бу қурол-яргни тенг ярмига қисқартириш ва ўқ отар милтиқларни сочма ўқ отадиган милтиқлар билан алмаштириш керак”<sup>1</sup>.

2-банд. Даастлаб қуйидагича бўлган: “Мунтазам армияни сўнгги воқеалар содир бўлган пайтдаги миқдорда қолдириш керак. Ҳар қандай жанговар ўт отувчи қурол-ярглар сотувини тақиқлаш лозим”. Бу банд қуйидаги қўшимча билан қабул қилинган: “Бухоро армияси миқдори 12 ҳарбий қўмондан бошчилигидаги 12 минг сарбоздан ошмаслиги керак. Барча эски мис тўплар Бухоро хукуматида қолдирилади. Барча янги тўплар ва пулемётлар, агар улар мавжуд бўлса, Россияга топширилади”.

3-банд. Қуйидаги шаклда ҳеч қандай ўзгаришсиз қабул қилинган: “Бухоро амирлигига яшириниб юрган рус армиясининг барча офицерлари ва рус аксилинқилобчилари топширилиши керак”.

4-банд битимнинг энг асосий ва катта банди бўлиб, у даастлаб қуйидагича бўлган: “Бухоро хукумати зиммасига темир йўлни тиклаш, ҳарбий харажатлар натижасида вайрон бўлган барча давлат корхоналарига келтирилган ҳамма зарарни тўлаш, маҳсус сайланган комиссия томонидан Бухоро фронтида ҳалок бўлган ва ярадор қилинган солдатлар оиласи ва ўлдирилган тинч аҳолига товон тўлаш кераклиги юклатилган. Бухоро хукумати зиммасига Халқ Комиссарлари Совети ихтиёрига 100 вагон буғдой жўнатиш юклатилди”. Мирза Салим Парвоначининг сўзига қараганда, Бухоро ҳайъати бу бандга кескин эътиroz билдиргач, у қуйидаги таҳрирда қабул қилинган: “Ўлдирилган тинч аҳоли ҳамда ҳалок бўлган ва ярадор қилинганлар оиласига товон тўлашни ҳар икки томон ҳам ўз зиммасига олади. Бухоро хукумати Халқ Комиссарлари Совети ихтиёрига турли пайтларда 100 вагон буғдой жўнатишни таъминлайди ва биринчи ўринда Тошкентга 20 вагон ғалла юборади”.

“5-банд. Темир йўл, телеграфнинг дахлсизлиги ва темир йўлда хизмат қилувчилар ҳаётини сақлаш. Музокара юритаётган икки хукумат тарафидан Бухоро амирлиги худудидан ўтувчи темир йўл дахлсизлигини таъминлаш керак.

6-банд. Бухоро ва Ўрта Осиё темир йўлида қўшин олиб ўтилишига ҳеч қандай қаршилик кўрсатилмаслиги лозим.

7-банд. Ҳарбий асиirlарни ҳеч қандай тўловларсиз ўзаро алмаштириш лозим.

8-банд. Бухоро хукумати Бухородаги Совет комиссарини ҳеч қандай эътиrozсиз тан олиши лозим.

9-банд. Бухоро хукумати зиммасига 4-бандда кўрсатилган ҳарбий ҳаракатлар натижасида келтирилган зарарни қоплаш учун тўланадиган товон пулини амирликнинг nochor ахолиси гарданига юкламаслик лозимлиги талаб қилинади”<sup>2</sup>.

Шу тарзда 9 банддан иборат Қизилтепа битимининг шартларига кўра, озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилган Бухоро амирлиги ўз худудидаги ҳарбий ҳаракатлар учун жавобгар хисобланиб, товон тўлаши лозимлиги белгиланди. Амир ўз сарбозлари миқдорини 12000 кишидан оширмаслик мажбуриятини олди. Шу аснода қизил аскарлар амирлик худудидан чақириб олинди<sup>3</sup>.

Колесов босқини ҳар икки томон учун ҳам жуда катта талофат келтирди. Бу Туркистон совет хукуматининг маҳаллий мусулмонларга нисбатан Қўқон фожеасидан кейинги иккинчи босқинчилик уруши бўлди. Ҳозирча ҳар икки томондан курбонлар сони тўла аникланган эмас. Энг сўнгти маълумотларга кўра, улар 1,5 мингдан 5 мингтагача бўлган<sup>4</sup>.

Шу урушда Ф.Хўжаевнинг ёзишича, жами 3000 киши ҳалок бўлган. Буни у Бухоронинг сўнгти 6000 йиллик тарихидаги “жуда ҳам кўзга ташланувчи қонли доғ”, “амир ва унинг хукумати йўл қўйган буюк жиноятдир” деб баҳолайди<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Максудов Р., Ражабов К. Қизилтепа тумани кечва бугун. – Т.: Саҳҳоф, 2021. – Б. 121.

<sup>1</sup> Мирза Салимбек. Тарихи Салимий. – Т.: Академия, 2009. – С. 198-205; Уминяков И., Кисторин Н. Новометодной школы в Бухаре (Преложения) // Бюллетень САГУ. Выпуск 16. – Т., 1927. – С. 96-98.

<sup>3</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2- китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 116-117; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р.Я. Раджапова. – Т.: Шарқ. 2000. – С. 294-295.

<sup>4</sup> Мамедов В. Нечаянная революция. – М.: Дружба народов, 1992. – №2, – С.150.

<sup>5</sup> Ходжаев Ф. Избранные труды. Том 1.

Бу албатта, Совет мустамлакачилиги ва Компартия мафқурасини қабул қилган ва унга алданган Ф.Хўжаевнинг хуносасидир. Бу тўкилган қонларда Амир Олимхонга қараганда кўпроқ унинг ўзи айборд эди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Бухоро – Шарқ дурдонаси. Масъул муҳаррир А.Азизхужаев. – Т: Шарқ, 1997.
2. Каримов Р., Ражабов Қ. Колесов вокеаси // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 4. – Т: “ЎзМЭ”, 2002.
3. Колесов Ф., Бобунов А. Восстание в Бухаре // Война в песках. Материалы по истории гражданской войны к 12 тому. – М.: “ОГИЗ”, 1935.
4. Файзула Хўжаев. Бухоро инқиёбининг тарихига оид материаллар (Қайта нашр). – Т: Фан, 1997.
5. Мақсадов Р., Ражабов Қ. Қизилтепа тумани кечава бугун. – Т.: Саҳифа, 2021. – 117 б.
6. Ражабов Қ. Бухорога қизил армия боскими ва унга карши кураш: тарих ҳақиқати (1920–1924). – Т: Маънавият, 2002.
7. Мухаммад Али Балжувоний. Тарихи нофей (Фойдали тарих). Тожик тилидан Ш.Воҳидов, З.Чориев таржимаси. – Т: Академия, 2001.
8. Амир Сайид Олимхон. Бухоро ҳалқининг ҳасрати тарихи. Форсчадан А. Ирисов таржимаси. – Т.: Фан, 1991.
9. Мирза Салимбек. Тарихи Салими (Источник по истории Бухарского эмирата). Перевод с персидского Н.К.Норкулов. – Т.: Академия, 2009. – С. 169–206.
10. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 116–117.

*Наширга т.ф.д. Г. Мўминова тавсия этган*

### **АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Яркулов А.** (Археология тадқиқларини мувофиқлаштириш ва археология ашёлари давлат каталогини юритиш Бошқармаси)

**Аннотация.** Мақолада археология мероси объектларини музейлаштириш, турли мамлакатлардаги музейлар, музейлаштириш тажрибалари ва музейларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва аҳамияти ҳакида сўз юритилади. Музейларнинг жамиятдаги аҳамияти ва археология объектларини музейлаштиришнинг турлари: археология музейи, археология парки, музей-қўриқхоналар хамда уларнинг ўзига хосликлари баён этилади.

**Таянч сўзлар:** музейлаштириши, археология музейи, археология парки, музей-қўриқхоналар, очиқ осмон остидаги музей, экспозиция, ЮНЕСКО, археология ёдгорлиги, туризм.

**Аннотация.** В статье рассказывается о музеефикации объектов археологического наследия, музеях разных стран, опыте музеефикации, роли и значении музеев в общественной жизни. Описано значение музеев в жизни общества и виды музеефикации археологических объектов: археологический музей, археологический парк, музеи-заповедники и их особенности.

**Ключевые слова:** музеефикация, археологический музей, археологический парк, музеи-заповедники, музей под открытым небом, экспозиция, ЮНЕСКО, археологический памятник, туризм.

**Annotation.** The article talks about the museumization of archaeological heritage objects, museums in different countries, museumization experiences, and the role and importance of museums in social life. The importance of museums in society and the types of museumization of archeological objects: archeology museum, archeology park, museum-reserves and their peculiarities are described.

**Key words:** museumification, archaeological museum, archaeological park, museum-reserves, open-air museum, exposition, UNESCO, archaeological monument, tourism.

Археология мероси объектлари ўтмиш ҳалқларининг бизгача моддий ҳолатда етиб келган намуналаридан иборат бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир археология мероси обьекти алоҳида ўзига хос, бошқаларини тақрорламайдиган жиҳатлари билан эътиборга лойиқдир.

Музейлаштириш инсон фаолиятида ҳам, табиий жойнинг ҳам муҳим лаҳзаси бўлиши мумкин бўлган ҳаётнинг муҳим қисмларини музейга жойлаштириш ёки (умумийроқ айтганда) ўзига хос музейга айлантиришни англаради [1; 45].

Хитой пойтахти марказидан шимолгага қадар чўзилган Пекин тақиқланган шаҳар саройларини кўплаб меҳмонлар ва сайёҳлар тўлдиради. Бу кўп километрлик ансамбл кучли деворлар билан ўралган ва ҳозирда Пекин Император музейига айлантирилган.

Хитойдаги ушбу энг йирик музейнинг тарихи кўп босқичли. Дастреб ансамблнинг жанубий қисмида қадими ашёлар музей ташкил этилган, тақиқланган шаҳарнинг шимолий қисми эса 1924 йилгача таҳтдан воз кечган охириги Хитой императори Сюантунга (Пу И) тегишили эди. 1924 йилда император мамлакатдан чиқариб юборилгандан сўнг, унинг хоналари Қадимги музей билан параллел равишда мавжуд бўлган Сарой музейига айлантирилди. Хитой япон босқинчиларидан озод қилингандан сўнг, Тақиқланган шаҳарнинг бутун худуди Миллий музей юрисдикциясига ўтди [2; 15].

**Афинадаги Миллий археология музейи.** Музей биноси 1880 йилларда меъмор Ланге томонидан неоклассик услубда курилган. У кенг яшил майдоннинг тубида жойлашган бўлиб, унинг маркази ион тартибидаги тўртта устунли портико билан таъкидланган. Музейнинг чодири (бинони корнис устидаги паст текис девор) дунёга машхур юонон ҳайкаллари билан безатилган.

Музей экспозициясининг энг қимматли қисми, кўплаб мутахассисларнинг фикрига кўра, Микена Грециясининг (милоддан аввалги II минг йиллик) ноёб санъат асрлари тўпламидир. Катта зални тўлдирадиган нарсаларнинг аксарияти 1876 йилда Микенада Гейнрих Шлиман томонидан топилган.

Афина археология музейида милоддан аввалги VII-VI асрларга оид ажойиб ҳайкалтарошлиқ коллекцияси ҳам бор. Фақат бу ерда бутун дунёдан келган кўплаб сайёҳлар қадимги юонон санъати ривожланишининг ушбу ўзига хос даври билан танишишлари мумкин. Ёш спортчиларнинг кўплаб ҳайкаллари (курос) архаик ҳайкалтарошлиқнинг энг кенг тарқалган тури ҳақида фикр беради. Бунга Кейп-Сунионда топилган улкан курс мисол бўла олади.

Архаик давр қувилган контурларнинг нозик ва аниқ ритми билан ажралиб турадиган турли хил рельефларни ҳам ўз ичига олади. Аристионнинг катта қабр стеласида (ҳайкалтарош Аристоклнинг иши) юонон жангчиси зирх, зарб, дубулға ва қўлида найза билан тасвирланган. 1922 йилда Дирилон дарвозаси яқинидаги девордан топилган ҳайкалнинг тетраедрал пойдевори енгил ҳазил билан безатилган палестрадаги ўйинлар саҳналари билан безатилган.

Археология музейида бронза юонон ҳайкалларининг қизиқарли коллекцияси ҳам мавжуд. Маълумки, бронза тупроқ остида яхши сақланмайди, шунинг учун ўша даврдаги бронза санъат асрлари сони кам. Ва қанчалик ғалати туюлмасин, уларнинг аксарияти денгизда топилган: денгиз суви, маълум бўлишича, металлни ердан кўра яхшироқ сақлайди [3].

Музейлаштириш учун обьектни танлашда бир қатор тамойилларга амал қилиш керак:

- тарихий аҳамияти;
- ёдгорликни сақлаш;
- информативлик;
- мавжудлиги;
- замонавий аҳамияти [4; 168–176].

Архитектура ёдгорликлари энг кўп музей ашёларини ташкил киласди. Йигирманчи асрнинг сўнгги ўн йилларнида археология, фан ва техника, табиат ёдгорликлари музейлаштириш доирасига тобора кўпроқ киритилмоқда. Замонавий музей дунёси ривожланишининг муҳим тенденцияси музейлаштирилган ёдгорликлар негизида ташкил этилган ансамбл ва экологик музейлар салмоғининг тобора ортиб бораётгани, музейларнинг умумий сонида кўпайиб бораётган ва ташриф буорадиганлар сони ортиб бормоқда [5; 132].

Хар қандай музейнинг вазифаси тарихий ва маданий қадриятларни асрраб-авайлаш ва намойиш этишдан иборат бўлса, очик осмон остидаги музейда замонавий шаҳар шароитида ўтмиш ва бугунги уйғун маҳаллада ватанпарварлик тарбиясини олиб борадиган яна бир муҳим вазифа бор.

Тарих ва маданият ёдгорликлари тарихий ва маданий мероснинг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Ёдгорликлар ижтимоий ҳодиса сифатида нафакат илмий ва маданий аҳамиятга эга, балки бир қатор ижтимоий функцияларни ҳам бажаради:

1. Эшиттириш ёки олдинги тарихий ижтимоий тажрибанинг узлуксизлиги функцияси.
2. Мағкуравий функция.
3. Тарбиявий функция.
4. Маълумот бериш функцияси.
5. Коммуникатив функция.
6. Қулайлик функцияси.
7. Ёдгорликнинг компенсацион вазифаси.
8. Тарбиявий функция.
9. Тартибга солиш функцияси [6; 3].

Очиқ осмон остидаги музей – бу биноларни аввалги, тарихий жойларида сақлайдиган музей. Кўпроқ умумий маънода, экспозицияси очиқ ҳавода намойиш этиладиган ҳар қандай музейни очиқ осмон остидаги музей деб аташ мумкин.

Ушбу классик таъриф музейлаштириш бўйича замонавий тадқиқотларда қўлланилади.

Тадқиқотчилар Е.В. Чекмарева, Т.В. Чекмаревалар томонидан Россиядаги музейлар турлари қўйидаги таснифланган:

Музей-кўриқхоналар обьектларнинг асосий йўналиши ва таркибига кўра таснифланади:

1. Ҳарбий-тарихий (Бородино ҳарбий-тарихий музей-кўриқхонаси).
2. Тарихий-археологик («Танаис»).
3. Тарихий-меморий (Нижний Новгород тарихий-архитектура музейи қўриқхонаси).
4. Тарихий-маданий ("Москва Кремли" тарихий-маданий музей-кўриқхонаси).
5. Тарихий-бадиий (Сергиев Посад давлат тарихи ва санъати музей-кўриқхона).
6. Комплекс (Вологда давлат тарихий-архитектура ва санъат музей-кўриқхонаси).
7. Адабий-мемориал (А.П. Чеховнинг адабий-мемориал музей-кўриқхонаси).
8. Илмий-техник ва ишлаб чиқариш (Нижний Тагил музей-кўриқхонаси Ўрта Уралдаги кончилик).

Замонавий музей-кўриқхоналарнинг аксарияти мажмуавий кўринишда бўлади [6; 4].

Очиқ осмон остидаги музейнинг бир тури - музей-кўриқхона бўлиб, у мамлакат ёки минтақанинг тарихий, маданий ва табиий меросини саклаш учун муҳим бўлган меъморий, тарихий ва табиий ёдгорликларни ўз ичига олиши мумкин. Давлат бундай музейларга қўриқхона хуқуқий мақомини беради, бу эса ушбу ёдгорликларни қўшимча муҳофаза қилишни, унга киритилган худудлар ва обьектларнинг максимал хавфсизлигини таъминлайдиган махсус фойдаланиш усувларини жорий этиш орқали беради [6; 4].

Мамлакат тарихий-маданий меросининг кўчмас обьектлари орасида археологик ёдгорликлар қўпчиликни ташкил қиласди. Археологик меросни саклаш ва ундан фойдаланишининг замонавий вазифалари БМТ ва ЮНЕСКОнинг маданий меросга оид халқаро ҳужжатларида жуда аниқ белгиланган.

ЮНЕСКОнинг "Археология ва худудни тартибга солиш" халқаро коллоквиуми материаллари (Франция, 1987); "Европа шаҳарлари археологияси: саклаш ва тартибга солиш" (Португалия, 1990); "Маданий мерос бўйича Krakow симпозиумининг низомлари" (1991); "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маданий ва тарихий меросни саклаш дастури" [7; 27-37].

Ушбу халқаро ҳужжатларда маълум бир давлат худудида жойлашган археологик мерос обьектларини аниқлаш, ўрганиш, саклаш ва улардан фойдаланиш мажбурияти кўрсатилган. Қўпчилик МДХ мамлакатлари сингари Ўзбекистонда ҳам асосий эътибор ҳар доим археологик ёдгорликларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва саклаш бўлиб келган ва улардан факат илмий мақсадларда фойдаланишга рухсат берилган, музейлаштириш умуман таъминланмаган.

Юқорида қайд этилган халқаро ҳужжатларда археологик меросга замонавий муносабат концепцияси белгилаб берилган. Унинг қоидалари қўйидагилардан иборат:

- археологик мерос бутун инсониятга тегишли;
- археологик мерос мұрт ва уни қайта тиклаш мүмкін эмас;
- археология ёдгорлікларидан факт үларни илмий тадқиқ қилиш мақсадида фойдаланылмаслиги, қазишишлари объекти бўлиши;
- замонавий жамиятнинг вазифаси археологик мерос объектларидан таълим, фан, маданият ва туризмни ривожлантириш мақсадларида янада кенгрок фойдаланишидир [8; 40].

Музей ашёларини танлашда ва археологик музей-қўриқхонани ташкил этишда табиий мухитни ҳисобга олиш керак, чунки у археологик ашёларни жойлаштиришда ҳал қўлувчи аҳамиятга эга бўлади.

Музейлаштириш учун ёдгорликни танлашда келажакдаги музей-қўриқхона турини аниқлаш ва ушбу ёдгорлик ва унинг атрофидаги худудни музейлаштириш концепсиясини ишлаб чиқиши зарур. Жаҳон амалиёти археологик объектларни музейлаштиришнинг жуда кўп турли шаклларини таклиф этади – энг оддий музей-қўриқхоналардан тортиб, археологик ёдгорлик асосий намойиш объекти ҳисобланади.

Археологик меросни музейлаштириш кўп ҳолларда туризм бизнесини ривожлантириш учун худуд ва умуман мамлакатда замин яратиш, минтақанинг бизнес тузилмасини ўзгартириш ва шу билан бирга минтақанинг жозибали қиёфасини яратиш учун кучли таълим ва маданий воситадир.

Музейлаштириш учун ёдгорликни танлашда келажакдаги музей-қўриқхона турини аниқлаш ва ушбу ёдгорлик ва унинг атрофидаги худудни музейлаштириш концепсиясини ишлаб чиқиши зарур. Жаҳон амалиёти археологик объектларни музейлаштиришнинг жуда кўп турли шаклларини таклиф этади – энг оддий музей-қўриқхоналардан тортиб, археологик ёдгорлик асосий намойиш объекти ҳисобланади.

Археологик меросни музейлаштириш кўп ҳолларда туризм бизнесини ривожлантириш учун худуд ва умуман мамлакатда замин яратиш, минтақанинг бизнес тузилмасини ўзгартириш ва шу билан бирга минтақанинг жозибали қиёфасини яратиш учун кучли таълим ва маданий воситадир.

Музейлаштиришнинг энг оддий шакли бу музейлаштирилган худуд (у ерда объектлар жойлашган қўриқланадиган худуд – қўргон гурухи, қоятош санъати ёдгорликлари ва бошқалар). Бундай музейлаштириш минимал қурилиш ишлари ва ободонлаштиришни талаб қиласи: ёдгорликка олиб борадиган йўл, йўл тармоғи, ёдгорлик ҳақидаги маълумотларга эга пойdevорлар, дам олиш жойлари, эҳтимол панжара [8; 42].

Музейлаштиришнинг янада мураккаб шакли археологик паркдир. Қоида тариқасида, у турли хил археологик ва табиий объектлар билан маданий археологик ландшафтнинг мухим майдонини эгаллайди. Бунга Олтой Республикасидаги "Уч-Энмек" Қоракўл водийсининг табиий ва археологик муҳофаза қилинадиган худуди мисол бўла олади [8; 43].

Боғда тарихий ва этнографик мажмуалар, турли хил музей тадбирлари учун жойлар бўлиши мүмкін.

Сўнгги ўн йилликларда, "Томск Писаница" музей-қўриқхонаси тажрибаси шуни кўрсатди, аҳоли орасида энг машҳурлари машҳур археологик ёдгорлик ёки үларнинг бир гурухи билан маданий археологик ландшафт асосида яратилган комплекс музей-қўриқхоналардир.

Бундай мураккаб музей-қўриқхона, қоида тариқасида, музей маконини ташкил этувчи асосий элемент сифатида, археологик ёдгорлик ва музей мажмуалари жойлашган мухим худудга эга бўлиши керак [8; 43].

"Дунёлар чорраҳаси" археологик бодини яратиш натижасида қўйидагиларни бирлаштирган комплекс ёндашув амалга оширилмоқда:

- 1) очиқ осмон остидаги музейларга айлантирилган объектлар;
- 2) "янги" - экспериментал археология маҳсулотлар;
- 3) Тоғли Олтойнинг қадимги ва ўрта асрлар тарихига оид музей экспозицияси;
- 4) қазишмалар олиб бориладиган сайёхлик намойиши учун тайёрланган археологик объектлар [9; 141].

Археология мероси объектларини музейлаштиришнинг биринчи ўриндаги мақсади уларни сақлаб қолиш бўлса, кейингилари ёш авлодни тарбиялашда кўргазма сифатида, намойиш ва ниҳоят туристларни жалб қилувчи, иқтисодий фойда келтирувчи обьект бўлиши керак.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ключевые понятия музеологии. Составители: André Desvallées и François Mairesse. ИКОМ, “Armand Colin, 2012”, – С. 45.
2. Ионина Н.А. 50 великих музеев. «ВЕЧЕ», 2008, – С. 15.
3. Ионина Н. 100 великих музеев мира. «ВЕЧЕ» 2009.
4. Тулуш Д.К. Перспективы использования археологических памятников фортификационного типа в качестве музеев под открытым небом (на примере Республики Тыва) // Вестник Бурятского научного центра Сибирского отделения Российской академии наук, 2019. – № 2 (34). – С. 168–176.
5. Варламова Т.Н. Культурное наследие как объект социальной защиты. – М., 2009, – С. 132.
6. Чекмарева Е.В., Чекмарева Т.В. Музеи под открытым небом. Проект музеефикации фрагментов острога Омской крепости. Строительство: наука и образование, том. 9., выпуск 4 (34), 2019. – С. 3.
7. Мартынов А.И. Проблема сохранения и использования археологического наследия России // Роль научных учреждений и музеев в деле сохранения, популяризации и использования культурного наследия народов Сибири: материалы Научного совета музеев Сибири. – Омск, 2001. – С. 27–37.
8. Мартынов А.И. Особенности и проблемы музеефикации культурно-исторического наследия России. Музеи-заповедники – музеи будущего: Международная научно-практическая конференция. Елабуга, 18–22 ноября 2014 г.: материалы и доклады / отв. ред. М.Е. Каulen, Г.Р. Руденко, И.В. Чувилова. – Елабуга: ООО «ЕлТИК», 2015. – С. 40.

*Наширга т.ф.д. Г.Мўминова тавсия этган*

## **СРЕДНЯЯ АЗИЯ И РОССИЯ: ДИПЛОМАТИЯ И ПОСЛЫ**

**Шукурова А. (СамГУ)**

**Аннотация.** Статья посвящена истории среднеазиатских ханств основанной на записках европейских путешественников. Автор, используя достоверные местные и зарубежные источники, проводит сравнительный анализ. Главными источниками являются дневник Антони Джэнкинса и информации оставленная итальянцем Флорио Беневени. В статье затрагивается история развития и становления дипломатических и торговых связей России со среднеазиатскими ханствами.

**Ключевые слова:** *Бухара, Ургенч, Иван VI, Петра I, торговля, посольские связи, путь в Индию, путь в Китай.*

**Аннотация.** Мазкур мақола европалик саёҳатчиларнинг эсдаликларида Ўрта Осиё хонликлари тарихининг ёритилишига бағишинланган. Мақолада муаллиф томонидан ишончли маҳаллий ва хорижий манбалардан фойдаланган ҳолда қиёсий таҳлил этилади. Антони Женкинсоннинг кундалиги ва италиялик Флорио Беневенининг эсдаликлари асосий манба бўлиб хизмат қилди. Мақолада Россиянинг Ўрта Осиё хонликлари билан дипломатик ва савдо алоқаларининг ривожланиши ва шаклланиши тарихи муҳокама қилинади.

**Таянч сўзлар:** *Бухоро, Урганч, Иван VI, Пётр I, савдо, элчихона алоқалари, Хиндистонга йўл, Хитойга йўл.*

**Annotation.** The article is devoted to the history of the Central Asian khanates based on the notes of European travelers. The author, using reliable local and foreign sources, conducts a comparative analysis. The main sources are the diary of Anthony Jenkins and information left by the Italian Florio Beneveni. The article touches upon the history of the development and formation of diplomatic and trade relations between Russia and the Central Asian khanates.

**Key words:** *Bukhara, Urgench, Ivan VI, Peter I, trade, embassy relations, the way to India, the way to China.*

Одной из приоритетных задач данной статьи является раскрыть общие черты местных источников и источников европейских, описать их отличия. Узнать взгляды европейских послов и путешественников на государства Средней Азии, взглянуть на историю среднеазиатских ханств другими глазами. Путешествия Антония Джленкинсона начиналось еще далеко за пределами Средней Азии. Антоний Джленкинсон был главным участником английской компании. Созданной в 1551 году в Лондоне. Он предложил царю русскому Ивану IV найти торговый путь через Каспийское море в Поднебесье. Главной целью британских торговых агентов было найти путь в Китай через Среднюю Азию и налаживание торговых связей. Но в дальнейшем будучи в самой Бухаре, Джленкинсон понял, что известные ему сведения давно устарели. Получив от русского царя разрешения и грамоты к различным царям и правителям в апреле 1558 года, он выезжает из Москвы и направляется в сторону Нижнего Новгорода. Добравшись до Астрахани, оттуда уже спускается к Каспийскому морю и высаживается на полуострове Мангышлак. По описанию и по карте, составленной Антоний Джленкинсон, он имел бедное представление о географии Средней Азии. Озеро Барса-Кельмес или же южный залив Аральского моря он называет заливом Каспийского моря. [2 Аленицин, 1879, с.14] Там путешественник встречает таможенников правителя туркмен и платит им пошлины. Про туркмен Антоний Джленкинсон даёт отдельные сведения. Он в своём дневнике описывает первую встречу с ними. Он даёт информацию, что вся территория от Каспийского моря до города Ургенча именуется землей туркмен и подчиняется Хаджим-Хану и его пятерым братьям, а всё государство живет без городов и постоянного жилья в диких полях, перемещаясь с места на место большими группами со своим скотом. Туркмен Джленкинсон называет «полевыми людьми», очень жестокими и злобными, потому что они не перестают ежедневно приставать к членам миссии, сражаясь, воруя или попрошайничая. Это описание стало стереотипным в описании туркмен в последующие триста лет. Далее через Хорезм он направляется в Бухару. В русской и советской историографии бытует мнение о том, что миссия англичанина Джленкинсона является первым официальным посольством России в Среднюю Азию. В советской и русской литературе встречается большое количество информации о том, что путешествия Джленкинсона первое официальное представительство России в Среднюю Азию. Основоположником официальных отношений между Средней Азией и Россией Принято считать посольство Джленкинсона. Безусловно это утверждение может быть оспорено так как сам Джленкинсон является представителем чужой страны. Профессор В. В. Бартольд говорил: начало торговых отношений между Россией и среднеазиатскими ханствами положил именно Антони Джленкинс [4 Бартольд, 1911, с.154]. Заслуги Антони Джленкинса велики, как и во внешней политики Англии, так и Российской. Ю. А. Соколов в своем труде писал следующее: «Основоположником проникновения англичан в Индию через Россию, был один из самых активных представителей компании, Антоний Джленкинсон» [7 Соколов, 1995 с.17]. Именно после его путешествия оживилось посольство между государствами Средней Азии и Россией. Любопытно то что последнюю четверть XVI и до начала 80-х годов XVII вв., примерно за 100 лет, Россию посетили 8 официальных представителей из Бухарского Ханства, а в Бухару прибыли представители русских правитеle 7 раз. По имеющимся документально подтверждённым данным, со второй половины XVI и до начала XVIII вв., примерно за 150 лет, Россию посетили 60 официальных представителей (преимущественно с посольской миссией и редко гонцы) из среднеазиатских ханств, так что в среднем приходится по одному посольству на каждые 2,5 года. Что касается русских представителей или послов, то за это же время они посетили Среднюю Азию 11 раз, что в среднем составляет одно посольство в 13 лет [6 Пирумшоев, 2009, с. 400-414]. Конечно приведенные данные и статистика не утешительна. Недостаточно официальных посольств для нормальных и стабильны торговых взаимоотношений. Но также стоит учесть и то что было множество не официальных поездок торговцев, путешественников и были постоянные хотя и не глобальные торговые взаимоотношения. Таким образом, между государствами Средней Азии и Россией существовали торговые связи. Но официальных взаимоотношений между этими двумя

странами было крайне мало. Путешествие Дженкинсона даёт нам не только сведение о внутреннем положении страны, но и описывает взаимоотношения среднеазиатских государств с Россией. Его миссия в Среднюю Азию была направлена именно для налаживания торговых отношений между двумя странами и поэтому этот вопрос рассмотрен мной в данной статье.

Антоний Дженкинсон посетил, величественный город Средней Азии, Бухару и Ургенч. Последний, по его словам, находился в полном упадке. Про Бухару Дженкинс даёт много ценных сведений. Хотя имя Абдуллахан II правителя Бухары он не упоминает, но он пишет про него следующее: «23 декабря мы прибыли в город Бухару (Boghar) в Бактрийской земле. Эта Бухара расположена в самой низменной части страны; она окружена высокой земляной стеной с различными воротами и разделена на три части; две из них принадлежат королю, а третья отведена купцам и рынкам, каждое ремесло имеет здесь особое место и свой особый рынок. Город очень велик.» [З Готье, 1937, с.162]. Бухара впечатлила Антония Дженкинсона своим величием. Но больше всего ему понравились бани Бухара. Таких бань он не встречал еще ни в одной стране. В целом данные Дженкинсоном сведение совпадают с другими источниками. Он говорит о том, что в Бухаре говорят на персидском, деньги у них только серебряные и бронзовые, а вот золотых монет вовсе в нет обращении. Но последнее утверждение нельзя назвать достоверным. Золотые монеты чеканились в Бухарском эмирата. Эти монеты использовались во внешней торговле с Россией, Персией и Китаем. Они назывались ашрафи. Возле Лаби Хавуз, который Дженкинсон посещал совместно с товарищами, близь с медресе Нодир Девонбеги, был построен великолепный храм. Дженкинсона поразило то, что граным центром строительство в городе служили водоемы, тогда как в Европе центром подобных построений служили площади. В древнем городе Бухаре люди осознавали важность науки, образования и культурного просвещения. Ханы, эмиры, сановники, чиновники, торговцы строили большое количество медресе, мечетей и другие духовные центры. Они желали запечатлеть свое имя в истории нашей страны. Поражала зарубежных послов и путешественников, что в Бухарском ханстве архитектура и культура развивалась быстрыми темпами. Таким образом, опираясь на данные сведения Дженкинсона можно утверждать то что в первой половине XVI века в городах ханства Средней Азии было большое количество школ, медресе где изучали как религию, так и светские науки. Культура среднеазиатских ханств XVI века была на высоком уровне.

Вторым по грандиозности было путешествия итальянца Флорио Беневени, который был нанят Петром I на службу и стал посланником в Среднюю Азию. Как и при путешествии Дженкинса, так и у Флорио Беневени целью было найти путь в Китай. Но помимо Поднебесной Петра Великого также интересовала Индия и её богатства. Петр I ещё с молода понимал значения Востока, для развития страны. Главной целью для государства российского стать посредником в торговые отношения между Европой и Азией. «Страны Востока, от Китая до Турции, одинаково обращали на себя внимание Петра» [8 Соловьев, 1963, т. 18, с. 345]. По мнению Е.В. Бунакова, П.П. Иванова И Д.М. Лебедева если даже попытки найти путь в Индию через Среднюю Азию не дали бы положительных результатов, но это бы позволило найти пути сближение с ханствами [4 Лебедев, 1949, с.106]. После завоевания Казанского и Астраханского ханств в XVI в., Российской империей последняя стала еще ближе к Среднеазиатским границам. Петра I привлекала возможность расширения торговли и через Среднюю Азию. В Российской империи ходили слухи о том, что есть старое направление Амударью, согласно которым она впадала раньше непосредственно в Каспийское море, однако жители Хивинского ханства совсем «недавно» отвели эту реку в Аральское море, установив там плотину. Они сделали это, чтобы «обезопасить собственные владения». Восстановив прежнее течение Амударью правительство России собиралось из Волги через Каспийское море попасть в Амударью и по ее течению доплыть до Индии. Эти идеи будоражили правительство. Ведь через Среднюю Азию можно было беспрепятственно ввозить свои товары в Индию и вывозить, всеми востребованные, пряности, шелк, металлы, алмазы и т.д. было решено

что, слухи о старом и новом русле надо проверить. Таким образом, посольство Флорио Беневени было организованно и отправлено в октябре 1717 году. Посланник Петра пробыл в Бухаре более трех лет. И охватывает время с 6 ноября 1721 г. По 8 апрель 1725г. Во время своего визита он собрал огромное количество информации о политической и экономической информации. В отличие от сведений, полученных из дневника Антони Дженкинса «Реляции из Бухары» Флорио Беневени является более достоверной и в ней меньше спорных моментов. В указании Петра I от 13 июля 1718 года поручалось «на пути, и особенно во владении Бухарского хана, замечать все места, пристани, города и укрепления, также какие воды впадают в Каспийское море». Главной задачей Флорио Беневени было попробовать заключить с Бухарским ханом военный союз. Кроме того, представительству нужно было выяснить, какие взаимоотношения Бухары с Хивой, Персией, турками, какова политическая ситуация в приграничных районах, уточнить военный потенциал этих государств, в конце предложить хану военную помощь, т.е. предоставить русскую гвардию. В задачу посольства также входило выяснить состояние внешней и внутренней торговли и перспективу торговых отношений с Россией [1 Абдураимов, 1958, с.57-62]. Посольство Флорио Беневени в Бухару способствовало расширению сведений о социально – экономическом и политическом положении ханства в XVIII в.

#### **Литература**

1. Абдураимов М. А. «Тарих-и Абулфайз-хан» Абдуррахмана Даулата и реляции Флорио Беневени как источники по истории Бухарского ханства в первой половине XVIII в. // Известия АН УзССР, СОН. – 1958. – №6. – С. 57 – 62.
2. Аленицин В.Д. Несколько замечаний о путешествии Дженкинсона в Хиву в 1559 год. – СПб., 1879 год.
3. Английские путешественники в Московском государстве в XVI веке: пер. Ю.В. Готье. – М.; -Л., 1937.
4. Бартольд В.В. История изучения востока в Европе и в России. – Спб., 1911. – С. 154.
5. Лебедев Д.М., География в России XVII века: (Допетровский период). – М.; -Л.; Изд-во АН СССР. 1949. – С. 10.
6. Пирумшоев Х. Маликов М. Россия-Таджикистан: история взаимоотношений. Г. – Душанбе, 2009 г. – С. 400-414.
7. Соколов Ю.А. К вопросу о причинах провала английских устремлений в Восточную Европу, Среднюю Азию и Персию (XVI-XVII вв.) // Труды САГУ. История стран Востока. – Т., 1955. – С. 17.
8. Соловьев С. М. История России с древнейших времен. Кн. VIII (т. 15- 16); кн. IX (т. 17-18). М., 1963.

*Рекомендовано к печати проф. О.Буриевым*

## **ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ТАРИХИ**

**Имамов Б.Х. (ҚарМИИ)**

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик асосларининг шаклланиши, сиёсий, савдо-иктисодий, туризм, транспорт, логистика, маданий-гуманитар ва бошقا соҳалардаги алоқаларнинг тарихий босқичлари, сиёсий мулоқотларнинг фаоллашуви муносабатларнинг иктисолий таркиби кенгайиб боришига таъсири каби масалалар таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** Ўзбекистон, Туркия, ҳамкорлик, сиёсий ва савдо-иктисодий алоқалар, туризм, транспорт, логистика, маданий-гуманитар соҳа.

**Аннотация.** В статье анализируются вопросы формирования основ взаимосотрудничества Узбекистана и Турции, исторические этапы политических, торгово-экономических, культурно-гуманитарных связей, взаимодействия в сфере туризма, транспорта, логистики, а также расширения экономического направления взаимоотношений под влиянием роста активности политического диалога.

**Ключевые слова:** Узбекистан, Турция, сотрудничество, политические и торгово-экономические связи, туризм, транспорт, логистика, культурно-гуманитарная сфера.

**Annotation.** The article analyzes the issues of forming the foundations of mutual cooperation between Uzbekistan and Turkey, the historical stages of political, trade, economic, cultural and humanitarian ties, interaction in tourism, transport, logistics, as well as the expansion of the economic direction of relations under the influence of the increased activity of political dialogue.

**Key words:** *Uzbekistan, Turkey, cooperation, political, trade and economic ties, tourism, transport, logistics, cultural and humanitarian sphere.*

Бугун дунёдаги ривожланаётган давлатлар бир ҳақиқатни яхши англайдики, тарихда ўтган ҳеч бир давлат хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликсиз тараққиётга эриша олмаган. Хусусан, Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида улкан ютуқларни қўлга киритди. Мазкур жараёнларнинг энг муҳим таркибий қисми сифатида Европа ва Осиё минтақасидаги ривожланган давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатганлиги ҳамда улар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириб ўзаро “стратегик ҳамкорлик” даражасига кўтаришдек долзарб масалалардан бирига айланди. Зеро, Ўзбекистон ўз ташки сиёсатини олиб борища асосан барқарор тинчликни таъминлаш, мустақил давлатлар ўртасидаги низо ва зиддиятларни ҳал этишда таъсири ўтказишга ҳамда ҳарбий куч ишлатишга йўл қўймаслик, инсониятнинг глобал муаммоларини ҳал этишда давлатлар ҳамкорлиги ва халқлар бирдамлигини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, барча ҳамкор давлатлар билан бевосита тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли битимлар ҳамда шартномалар тузиш учун ўзини очиқ ташки сиёсатини олиб бориши стратегиясини белгилади.

Туркия ҳам дунё ҳамжамиятида ўз тараққиёт йўлига эга бўлган, XX аср сўнгти чорагида демократия, ижтимоий адолат каби тамойиллар асосида ўзининг ташки сиёсий фаолиятини йўлга қўйган давлатдир. Туркия ўзининг “Турк модели”ни бозор иқтисодиёти шароитида мохирона қўллаб, ўзига хос тараққиёт йўлини ишлаб чиқди. [1] Натижада Туркияда иқтисодий ислоҳотлар ўз самарасини бериб, дунёдаги ривожланган давлатлар каторидан жой олди.

Ўзбек ва турк халқларининг ўзаро алоқалари кўп асрлик тарихга эга. XIII аср ўрталарида мўғуллар истилоси натижасида салжуқий турклар Моварооннахр ҳудудларидан Кичик Осиё ерларига кўчиб боришлиари натижасида 1299 йилда Усмон беклигига асос солди. [2] Амир Темурнинг сulton Боязид I Йилдирим устидан галабаси натижасида кўплаб моҳир уста-хунармандлар, тўкувчилар Самарқандга олиб келиниб, улар мамлакат ободончилиги ва иқтисодий тараққиёти учун хизмат қилди. Шунингдек, икки халқ ўртасидаги алоқалар Шайбонийлар ва Аштархонийлар даврида ҳам давом эттирилди. Абдуллахон II (1557–1598) ва Субҳонқулихон (1680–1702) даврида турк сultonлари билан қизгин алоқалар ўрнатилди. [3] Бу даврда асосан элчилик алоқалари ҳамда икки томон бир-бирларига ҳадялар берилганлиги билан чекланди.

Россия империясининг Ўтра Осиё ҳонликларига ҳарбий ҳаракатлари даврида Бухоро амири Музаффар ўз элчиларини 1868 йилда Истанбулга юборган эди. [4] Бироқ, ўша даврдаги сultonлиқдаги сиёсий ва ҳарбий вазият ҳамда орадаги масофанинг узоқлиги сабабли ҳарбий ёрдам кўрсатилмади.

Совет даврида Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан бевосита алоқалар олиб боришига имкон берилмади. Хусусан, Ўзбекистоннинг Туркия билан муносабатлари чекланганлиги сабабли, ушбу алоқалар Россия ва Туркия иқтисодий алоқалари доирасида олиб борилди.

XX асрнинг 90-йиллар бошида дунё ҳамжамиятидаги сиёсий ўзгаришлар натижасида Марказий Осиё минтақасида бир қатор мустақил давлатлар ташкил топди. Мазкур жараёнларда халқаро майдонда Ўзбекистон ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилишда, хусусан, дунёдаги ривожланган давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатишни тақозо этди.

Туркия Ўзбекистоннинг нафақат ташки сиёсатида балки, иқтисодий, маданий ва туризм соҳаларида ҳам алоҳида ахамиятга эга бўлган ҳамкор давлатлардан биридир. Икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик асосларининг шаклланиши, муносабатлар тизимининг биродарлик ва кардошлиқ руҳидаги ҳамда ўзаро иқтисодий манфаатлар устуворлиги ҳарактерига мустаҳкам тамал тоши, Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритган

дастлабки даврдаёқ кўйилган эди. Туркия дунёдаги БМТ ташкилотига аъзо бўлган 200га якин мамлакатлар ичидаги Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини биринчи бўлиб тан олиб, унинг дунё сиёсий харитасида янги давлат сифатида эътироф этилиш жараёнини бошлаб берган мамлакат бўлди. Икки мамлакатнинг ҳамкорлик муносабатларини шаклланиш йўлида давлат раҳбарларининг олий даражадаги расмий учрашувлари жараёнидаги имзоланган шартномалар, қабул қилинган битимлар, сиёсий, савдо-иктисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликка оид 200 дан ортиқ ҳужжатлар икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлик алоқалари мустақиллик йилларида турлича ҳолатда ривожланди. Икки давлат алоқаларида Марказий Осиёда кенг доирадаги трансчегаравий таҳдидлар – терроризм, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик ва наркотрафикка қарши кураш тадбирларига ҳам кучли аҳамият қаратилди. Ўзбекистон ва Туркия ташқи сиёсатидаги ёндашувларнинг ўхшашлиги мамлакатлар ўртасида манфаатли ҳамкорликнинг йўлга кўйилишида ва ривожланишида муҳим асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон ва Туркия Президентларининг давлатлараро расмий учрашувлари, давлат ташрифлари ва юкори даражадаги сиёсий мулоқотлари 1991 йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. Каримовнинг Туркияга расмий ташрифи билан бошланди. 1992 йил 28 апрелда Тошкент шаҳрида Туркия элчинонаси очилди. [5] Ўзбекистон раҳбари 1992 йил 29 июнь – 1 юль, 1994 йил июнь ва 1997 йил ноябрь ойларида ҳам Туркияга расмий ташриф буюрди. Ўз навбатида Туркия Бош вазири Т. Чиллер 1995 йил июнида, Президент С. Демирэл 1996 йил 7 майда ҳамда 1999 йил 15 марта Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди. [6]

Икки давлат ўртасидағи муносабатларнинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон ва Туркия ўртасида 1996 йилда тузиленган “Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида”ти шартнома ҳамда сиёсий, савдо-иктисодий, илмий-техникавий, терроризмга ва гиёхванд моддалар билан ноқонуний савдо қилишга қарши кураш, соғлиқни сақлаш, транспорт, туризм, маданият ва бошқа соҳаларда имзоланган 70 дан ортиқ ҳужжатлар ташкил этди. [7]

Ўзбекистон ва Туркия муносабатлари 2000-2014 йил давомида ўзининг энг қуий нуктасида бўлиб келди. Гарчи савдо, транзит ва бошқа иктисодий муносабатлар баркарор турган бўлса-да, дипломатик алоқалар, сиёсий маслаҳатлашувлар қарийб музлаб қолган эди. Бунга объектив ва субъектив сабаблар бор эди.

Ўзбекистон-Туркия муносабатларида дастлаб иктисодий ҳамкорлик муҳим йўналиш сифатида эътироф этилди. Давлатлар савдо-сотик, воситачилик қилиш, ҳамкорликда банклар ташкил этиш ва кредитлар ажратиш, қўшма корхоналар тузиш, уларни технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш тадбирларини олиб борди. Айниқса, асосий эътибор енгил саноат, хусусан, тўқимачилик, тикувчилик, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга қаратилди. Республиkaning деярли ҳар бир вилоятида Ўзбекистон-Туркия қўшма корхоналари фаолият кўрсатди. Икки давлат ўртасида ташкил этилган илк қўшма корхоналаридан бири бу – “Интернаф” эди. Бу қўшма корхона Туркияning ”Интернаф” фирмаси билан ҳамкорликда тузилиб, унга Японияning техник ускуналари олиб келиб ўрнатилди. Шунингдек, 1992 йил Урганч шаҳрида Туркия билан ҳамкорликда “Хоразм-Нуртон” қўшма корхонаси ҳам иш бошлади. [8]

Ўзбекистон-Туркия қўшма корхоналар сони 1993 йили 34 та бўлган бўлса, 1995 йили улар сони 129 тага етди. Ўзбекистон ва Туркия ишбилармонларининг уюшмаси (УТИД) 1995 йил августда ўз фаолиятини бошлади. Унга 75 та ўзбек ва турк корхона ва фирмаларидан 3,5 минг киши аъзо эди. 1998 йил уюшмага аъзо фирма ва корхоналар сони 90 тага етди. [9]

Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлигига қатор тўқимачилик корхоналар ташкил этилди. 1993 йил Қорақалпоғистонда “Катекс” АЖ ва Қарши шаҳрида “Каштекс” тўқимачилик комплекси, 1995 йилда Андижонда “Анконтекс”, 1996 йилда “Турон Текстиль”, “Чиноз тўқимачи ЛТД” ўзбек-турк қўшма корхонаси, 1999 йилда “Косонсой – Текмен”, 2002 йилда Шахрисабзда “Оқсарой тўқимачилик ЛТД”, 2004 йил Гулистонда “Лола Модель”, 2006 йилда Тошкент “БФ Текстайл Продакшин”, 2007 йилда “Седат Трико Ташкент” корхонаси,

2008 йил Янгийўлда “Ана текстил” ва Хоразмда “COTTONTEX” ўзбек-турк қўшма корхоналари фаолият кўрсатди. Бугунги кунда эса туркиялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган Кўқон шаҳрида “Айлин текстил”, Марғилон шаҳридаги “Тўёна”, Риштон туманидаги “Файз акро текс” каби корхоналар самарали фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасида Туркия инвесторлари иштирокида 1999 йилга келиб, 244 та корхона иш юритди, улардан 53 таси 100 фоиз Туркия сармоясига тузилди. Туркия ушбу даврда Ўзбекистоннинг ташки савдо бўйича энг йирик беш ҳамкоридан бири бўлиб келди. 2013 йилда мамлакатлар ўртасида товар айланмаси 1 миллиард 347 миллион АҚШ долларини ташкил этди ва бу 2012 йилга нисбатан 10,5 фоиз кўпdir. 2017 йилга келиб, Ўзбекистонда Туркия сармояси иштирокида 485 корхона фаолият юритди. [10]

Бугунги кунда ўзаро ҳамкорлик ривожига асосий туртки бераётган муҳим омил сифатида икки мамлакат етакчилари - Шавкат Мирзиёев ва Режеп Тайип Эрдўғон ўртасидаги дўстона алоқалар, мунтазамлик касб этаётган учрашувлар, самимий мулоқотларни зътироф этиш лозим. Туркия Президенти 2016 йилдан бери мамлакатимизга икки марта ташриф буюргани, шу тарихан қисқа давр мобайнида давлатимиз раҳбарининг ҳам Туркияга уч бора ташрифи бўлиб ўтгани ва ушбу учрашувларнинг сермазмун якунлари бунга ёрқин мисол бўлиши мумкин.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Туркия раҳбарларининг сиёсий иродаси, қатъияти ҳамда улар ўртасида ўрнатилган ўзаро ишонч ва дўстлик ришталари ўзаро муносабатлар тарихида мутлақо янги сахифа очилишига имкон яратиб берди. Натижада алоқалар истиқболларини тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида муҳим келишувларга эришилиб, ушбу битимлар бўйича амалий ҳаракатлар бошланди. Жумладан, икки давлат муносабатлари тизимида янги мулоқот формати – олий даражадаги Ўзбекистон-Туркия стратегик ҳамкорлик кенгаши тузилди. Ушбу кенгашнинг биринчи йиғилиши икки давлат раҳбарлари ҳамраислигига 2020 йил 19 февраль куни Анқара шаҳрида бўлиб ўтди. [11]

Туркия дунёнинг йирик иқтисодий ривожланган давлатлардан бири сифатида Ўзбекистон учун муҳим ҳисобланган туризм, тўқимачилик, автомобилсозлик, қурилиш, озиқ-овқат саноати соҳаларида юқори натижаларни қўлга киритган. Хусусан, Туркия тўқимачилик ва заргарлик буюмлари саноати дунёдаги кучли бешталикка киради. Турк қурилиш ширкатларидан 44 таси жаҳон миқёсидаги етакчи 250 та қурилиш компаниялари рўйхатидан ўрин эгаллаган. Бу кўрсаткич бўйича Туркия Хитой давлатидан кейинги иккинчи ўринда туради.

Туркия Ўзбекистоннинг муҳим ва йирик савдо ҳамкорларидан бири ҳисобланади. 2016 йил якунлари бўйича Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги савдо айланмаси 1,2 миллиард долларни ташкил этди. 2017 йилда Ўзбекистонда турк капитали иштирокида 441 та, жумладан, 100 фоиз турк капитали асосида 94 та қўшма корхона фаолият олиб борди. Ўзбекистонда Туркия маблағи асосида 2018 йилга келиб, 479 та компания, жумладан, 199 та қўшма корхоналар фаолият юритди. Биргина 2016 йилнинг ўзида Ўзбекистонда Туркия сармояси билан 20 дан зиёд корхона ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги хузурида 53 та турк компанияси аккредитациядан ўтказилган. [12] Истанбулда ташкил этилган Ўзбекистон-Туркия савдо уйининг самарали фаолият кўрсатиши икки томонлама товар айланмаси ҳажмини янада оширишга имкон бермоқда.

Сиёсий мулоқотларнинг фаоллашуви бевосита икки давлат муносабатларининг иқтисодий таркиби кенгайиб боришига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳолат икки томонлама савдо кўлламининг ўсиш динамикасида якъол кўзга ташланади. Жумладан, Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги маҳсулот айирбошлиш ҳажми 2020 йил якунларига кўра 2016 йилга нисбатан икки баробар ўсида ва 2 миллиард АҚШ долларидан ошди. Яқин истиқболдаги режада эса бу кўрсаткичларни 5 миллиард АҚШ долларига кўтариш белгиланган. Ҳозирги кунда Туркия савдо ҳажми бўйича Ўзбекистоннинг тўртингчи ҳамкори саналади. Қолаверса, сўнгги йиллар ичida турк сармоядорлари иштирокида Ўзбекистонда фаолият юритаётган корхоналар сони 1,5 мингтадан ошди. Бунинг натижасида мамлакатимиздаги

турк капитали иштирокидаги корхоналар сони хорижий капитал иштирокидаги фаолият юритаётган корхоналар умумий сонининг 12 фоизини ташкил этмоқда.

Иқтисодий алоқаларнинг ривожи икки мамлакат учун стратегик ҳисобланган туризм соҳасида ҳам кўзга ташланмоқда. Агар Туркия бу йўналиш бўйича дунёning етакчи мамлакатлари қаторига кирса, Ўзбекистон ҳақли равишда улкан салоҳиятга эга ва шиддат билан ривожланаётган сайёхлик хизматлари бозори саналади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, Туркияда сайёхлик тармогига “Мўрисиз саноат”<sup>1</sup> деб қараб, бу соҳада жаҳонда бўйинни эгаллайди. 2018 йил 10 февралдан Туркия фуқароларининг Ўзбекистонга визасиз ташрифлари йўлга қўйилганлигини, Туркия 2007 йилдан бўён Ўзбекистон фуқаролари учун визасиз режимни қўллаётганлиги, икки мамлакат туризм ва иқтисодиёт соҳаларидағи ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, икки халқлар ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш учун замин яратмоқда.

Ўзбекистон-Туркия давлатларининг туризм соҳасидаги ҳамкорлик фаолияти амалий жиҳатдан ўз самарасини бермоқда. Яъни Туркиянинг “APEAS Engineering & Construction” компаниясининг молиявий кўмаги остида Самарқандда барпо этилаётган 130 ўринли меҳмонхона мажмуаси ёки Туркиянинг “Зираат” банкидан намунали уйлар куриш учун 200 миллион доллар кредит маблағлари жалб қилиниши икки давлат ҳамкорлигига муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, 2017 йилнинг октябрь ойидан бошлаб “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси томонидан илк бор “Самарқанд — Истанбул — Самарқанд” йўналиши бўйича мунтазам ҳаво қатнови йўлга қўйилганлиги икки давлат халқлар дўстлигининг яна бир амалий мисолидир. Туркиядан юртимизга келаётган туристлар сони қисқа муддатда бир неча баробарга ошди. Ўзбекистонда визасиз режим қарори имзоланмасидан аввал, 2016 йилда тахминан 40 минг, 2017 йилда эса 50 минг нафарга яқин туркияликлар Ўзбекистонга келди. Икки йиллик ўсиш суръати 22 фоиздан ортиқни ташкил этди. [13] 2018 йилнинг илк уч оидаги маълумотларга кўра, Туркиядан мамлакатимизга келаётган сайёхлар сони жиҳатидан биринчи ўринга кўтарилиган. Ҳозирги вактда мамлакатимизни зиёрат қилиш мақсадида ташриф буюраётган мусулмон ўлкалари сайёхларининг катта қисми ҳам Туркия фуқароларига тўғри келмоқда.

Ўзбекистон ва Туркия муносабатларида таълим, фан ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги алоқалар, маданиятнинг турли йўналишлари бўйича ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этди. Икки давлат ҳамкорлигининг дастлабки йилларида энг муҳим ва долзарб йўналишларидан бири бу таълим соҳаси бўлди. 1992 йили Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва Туркиянинг “Силм” ширкати ўртасида “1992–2000 йилларга мўлжалланган таълим соҳасидаги ҳамкорлик дастури” қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Туркия Республикаси (“СИЛМ” фирмаси) билан биргаликда Қорақалпогистон Республикаси, Бухоро, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Хоразм вилоятларида ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон-Туркия лицейлари ташкил этилди. Силм Аноним Ширкати томонидан 1993 йилда яна 11 та лицей очилиб, уларда жами 1065 нафар ўқувчилар билим олди. [14]

Мазкур ҳамкорликни олий таълим тизимида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Туркия Республикасининг 9 та университетида 1994–1995 ўкув йилида таҳсил олган 66 нафар ўзбекистонлик талаба ўқиши муваффакиятли тамомлаб Ўзбекистонга кайтди. Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатади, XX асрнинг 90-йиллари бошида ташкил этилган ўзбек-турк лицейлари мамлакатимиз таълим тизимида айниқса, ўрта мактаб ва касб-хунар таълимини ривожлантиришда замонавий кадрлар тайёрлашда самарали фаолият олиб борди. Биргина 1993 йилдан бошлаб Ўзбекистонда олий ўкув юртларига талabalар қабул қилишда тест синови усулида ўтқазиш Туркия тажрибасидан фойдаланилди. Шунингдек, ўзбек-турк лицейларининг моддий-техник жиҳозлар билан таъминлаш, ўқувчиларга турк ва инглиз тилларини ўргатиш, уларга етук малакали хорижий педагоглар томонидан дарс

<sup>1</sup> Бу ҳозирги вактда муқобил энергиядан фойдаланишини йўлга қўйишини назарда тутган ҳолда (куёш энергияси, шамол энергиясини тутунсиз кайта ишлаш) яшил иқтисодиётни бир бўлаги ҳисобланади. Ушбу атама туризм соҳасига нисбатан ҳам кенг қўлланилмоқда. Хориждан келадиган сайёхлар оқими мамлакатдаги ишлаб чиқариш саноат объектлари каби атроф-мухитга зиён етказмайди, атмосферага захарли тутун чиқармайди, лекин давлатнинг иқтисодиётiga катта фойда келтириши назарда тутилади.

ўтиши ижобий натижа берди. Жумладан, 1993 йили Тошкент ўзбек–турк лицей ўқувчиси Д.Камолов, 1997–1998 йилларда Намангандаги ўзбек–турк лицейи ўқувчиларидан Н.Хусаинов ва Д.Шамсиддиновлар Истанбулда ўтказилган Халқаро экология ва атроф-мухит масаласига бағишиланган олимпиадада олтин медални қўлга киритдилар. [15] Бирок 2000 йилдан кейинги йилларда уларнинг фаолиятида ўз вазифаларидан четлашиш, дин йўналишида ноконуний равишда ўқувчилар мағқурасини чалғитиш кабилар кўзга ташланади. Шу асосида, 2008 йилга келиб Ўзбекистонда ушбу лицейлар тармоғи фаолиятига барҳам берилиди.

Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, XX асрнинг 90 йиллари бошида ташкил этилган ўзбек–турк лицейлари мамлакатимиз таълим тизимида айниқса, ўрга мактаб ва қасб–ҳунар таълимини ривожлантиришда замонавий кадрлар тайёрлашда самарали фаолият олиб борди. Биргина 1993 йилдан бошлаб Ўзбекистонда олий ўқув юртларига талabalар қабул қилишда тест синови усулида ўтқазиш Туркия тажрибасидан фойдаланилди. Шунингдек, ўзбек–турк лицейларининг моддий-техник жиҳозлар билан таъминлаш, ўқувчиларга турк ва инглиз тилларини ўргатиш, уларга етук малакали хорижий педагоглар томонидан дарслар ўтилгани натижасида лицей ўқувчилари Республика ва халқаро фан олимпиадаларида муваффақиятларга эришдилар.

Ўзбек–турк лицейларининг Ўзбекистонда ва умуман бошқа давлатларда фаолиятини тўхтатилиши тўғрисида Туркияning Ўзбекистондаги фавқулодда ва муҳтор элчиси бўлган Аҳмад Башир Шен таъкидлашича, “Улар 2016 йил 15 июлда содир этилган давлат тўнтариши етакчиси Фетхуллаҳ Гулен номи билан боғлиқ. “Фетхуллоҳчи” террор ташкилоти ўзини бир пайтда таълим улашувчи бўғин сифатида кўрсатиб, дунёнинг 150-160 давлатларига жойлашиб олаётган бир даврда, Ўзбекистонда узокни кўра оладиган раҳбарлар унинг асл ниятини ўша ондаёқ сеза олишди. Унинг илдизини бутунлай қўпориб ташлашди. Биз буни миннатдорчилик билан айтишимиз лозим”. “ФЕТО” нафақат Туркияning, балки бошқа давлатларнинг ҳам тизимига жойлашиб олиб, давлатни қайта тузишни мақсад қилиб қўйган, махфийлик ва товламачилик устига қурилган янги авлод террорчи ташкилотидир. Туркиядаги 2016 йил 15 июль воқеалари ҳам айнан шундай ҳарбийлар томонидан амалга оширилган. Элчининг фикрига кўра, бугунги кунга қадар ўн минглаб давлат мулозимлари юқорида келтирилган сабаб туфайли ишдан олинган. [16]

Ўзбекистон–Туркия ўргасида маданий–гуманитар соҳаларда ҳам ўзаро ҳамкорлик ришталарини ривожланаётганини ҳам айтиб ўтиш ўринли. Масалан, мамлакатимизда 1997 йилдан ўтказиладиган анъанавий “Шарқ тароналари” халқаро фестивалида туркиялик ижодий жамоалар ўзларининг миллий куй–қўшиқлари билан доимий иштирок этиб келишмоқда. Туркияда ҳам ўзбекистонлик санъат ва маданият намояндлари иштирокида маданият тадбирларининг ўтказилиши анъанага айланган. 1992 йил 23 январда Тошкентда Турк маданий маркази очилди. [17] Икки давлат ўргасидаги маданий соҳадаги алоқаларда Ўзбекистон халқаро маданий–маърифий алоқалар Миллий ассоциацияси ташабbusi билан икки давлатнинг маданият ва санъат кунларини ташкил этиш, адабиёт ва санъат намоёндалари ижодини тарғиб этиш ва уларнинг юбилейларини ўтқазиш, шунингдек, Туркия Республикаси ташкил топган кун ва Мустакиллик куни ва Наврӯз байрамларини нишонлаш тадбирлари олиб борилди. Жумладан, 1995 йил апрель ойида Туркияда ўтказилган 23 апрель – Бутунжоҳон болалар куни фестивалида ўзбек ёшлари ҳам иштирок этишган. Мазкур халқаро фестивальда хоразмлик “Мерос” болалар фольклор жамоаси иштирокчилари миллий лапар, айтишувлар ижро этиб, турк тенгдошларига ўзбек миллий қадрият ва анъаналаримизни бадиий чиқишилар орқали номоён этишган. 2013 йили “Тантана” болалар фольклор ансамбли Измир ҳамда Истанбулда ўтказилган халқаро тадбирларда қатнашди. 2016 йил июнь ойида Анқарада Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди. [18]

Соғлиқни саклаш – маданий–гуманитар йўналишдаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Туркия билан тибиёт соҳасидаги ҳамкорлиги 1991 йил 19 декабрда имзоланган ҳукуматлараро битим ва протоколга мувофиқ йўлга қўйилди. Туркияning дори–дармон ишлаб чиқарувчи

“Эдзажибоши” компанияси Тошкентда 1993 йилда ўз ваколатхонасини очди ва шу иили қиймати 10 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 70 турдаги дори воситаларини келтириди. [19]

Тиббиёт соҳасида тадқиқотларни ривожлантиришда ҳам ўзбек-турк шифокорлари ўртасида самарали алоқалар ўрнатилган. Жумладан, 2002 йилдан бўён ўзбек шифокорларининг Туркияning энг замонавий тиббиёт марказларида тажриба алмашишлари анъанага айланган. Шунингдек, 2014 йили Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги билан биргалиқда мамлакатимиздаги Гематология ва кон куйиш илмий-тадқиқот институти қошида суюк илиги трансплантацияси марказининг фаолияти йўлга қўйилган. Мазкур марказ Марказий Осиёда ягона саналиб, бу ерда ўзбек-турк шифокорлари ўзаро тажриба алмашиб келишмоқда. 2015 йили эса Республика Гинекология ва акушерлик ихтисослаштирилган илмий маркази қошида Симуляция ўқув маркази ўз фаолиятини бошлади. 2009–2017 йиллар мобайнида Ўзбекистонда турк мутахассислари 760 нафар бемор болада жарроҳлик операцияларини ўтказди. [20]

2019 йили Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаси ташкилотига тўлақонли аъзо сифатида қўшилиши барча иштирокчи давлатлар томонидан юқори баҳоланди ва кўтаринки кайфиятда кутиб олинди. Ўз навбатида, бу ҳодиса нафақат туркий оламда биродарлик руҳининг мустаҳкамланишига, балки икки давлат ўртасида янги мунтазам ҳамкорлик формати пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлиги ўтган йиллар давомида турли кўринишда намоён бўлиб, алоқалар ўзаро битимларга мувофиқ амалга оширилди. Бугунги кунга келиб эса мазкур ҳамкорликнинг янги босқичга кўтарилганлиги, Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги ўзаро манфаатли сиёсий, савдо-иктисодий, инвестициялар, рақамли технологиялар, транспорт ва коммуникациялар, туризм, логистика, таълим, маданий-туманитар ва бошқа соҳалардаги кўп киррали муносабатларни ҳар томонлама янада кенгайишига олиб келмоқда ва мамлакатимиз иктисодий салоҳиятини янада ривожлантиришда ҳамда ташқи савдо экспорт ҳажмининг ортишига хизмат қилмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар**

1. Жалолов Ж. Бозор иктисодиёти: Туркия моделининг сири. – Тошкент: Адолат, 1994. – Б.14.
2. Бекмуратов Х.И. Ўзбекистоннинг Туркия билан иктисодий ва маданий ҳамкорлиги (1991–2000 йй.). Тарих фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент, 2001. – 25 б.
3. Норқулов Н., Жўраев У. Ўзбекистон тарихи (XVI-XIX аср биринчи ярми). – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 230.
4. Mehmet S. Özbek Türkleri Tarihi. – Istanbul: 1993. – S. 23.
5. Открытие посольства Турецкой Республики//Правда Востока.30 апреля 1992.
6. ЎзМА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 331-иш. 36-вараЕ.
7. Tokay haber ajansi. Yatirim Finansman & Diş Ticaret Dergisi. Türkiye-Özbekistan Ekonomik İlişkiler ve Türk firmalari. Ankara. Ekim 2017. – S. 60.
8. ЎзМА, М-37-фонд, 1-рўйхат, 1890-иш, 86-вараЕ
9. ЎзМА, М-37-фонд, 1-рўйхат, 3821-иш, 8-9-вараЕлар.
10. Ўзбекистон ва Туркия ишбилармонлари уюшмаси жорий архиви. 1995-2001 йиллар материаллари. – Б. 4.
11. Ўзбекистон –Туркия муносабатлари тарихида янги мулокот формати [https://xs.uz/uzkr/25056\\_19.02.2020](https://xs.uz/uzkr/25056_19.02.2020).
12. Türkiye-Özbekistan İkili İşbirliği: Güçlenen İlişkilerde Önemli Adım. 24.10. 2017. <https://ankasam.org/turkiye-ozbekistan-ikili-isbirligi-gulen-en-iliskilerde-onemli-adim/>.
13. Файзиев О. Ахмет Башар Шен: Шавкат Мирзиёевнинг ташабbusлари жаҳон миқёсида эътирофга лойик” // Халқ сўзи. 2018 йил 26 апрель.
14. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги мактаб – интернатлар ва янги турдаги ўқув юртлари бошқармаси жорий архиви // 1992–1998 йиллар материаллари. – Б. 2.
15. Istiklal Goncalari”, 1997-1998, – № 4. – С. 48.
16. Туркия элчиси: Ўзбекистон «турк лицейлари»нинг асл мақсадини ўз вақтида сезган. <https://kun.uz/news/2018/07/14/turkia-elcisi-uzbekiston-turk-licejlarini> 14.07.2018.
17. ЎзМА, М-7-фонд, 2-рўйхат, 34-иш, 124 -вараЕ.

18. Имамов Б.Х.. Ўзбекистон ва Туркия Республикалари ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар (1991–2018 йй.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент: 2022. – 147-148 бетлар.

19. ЎзМА, М-20-фонд, 1-рўйхат, 49-иш, 37-44-вараглар.

20. Қардош ҳалқлар фаровонлиги йўлидаги учрашув // Халқ сўзи. 2018 йил 28 апрель.

*Наширга т.ф.д. Г.Э.Мўминова тавсия этган*

## ЎЗБЕК ҲАЛҚИ МАРОСИМЛАРИДА АҚИҚАНИНГ ТУТГАН ЎРНИ (Қарши воҳаси мисолида)

**Очилова Х. (ҚарДУ)**

**Аннотация.** Ушбу мақолада Қарши воҳаси анъанавий маросимларида ақиқанинг тутган ўрни мавжуд манбалар ва тарихий-этнографик адабиётлар ҳамда этнологик дала материаллари асосида ёритиб берилган.

**Таянч сўзлар:** Қарши воҳаси, ислом, ақиқа, урф-одат, маросим, суннат, қурбонлик, мусулмон, ўзбек, оила, тарбия, зиёфат, анъана.

**Аннотация.** В данной статье на основе доступных источников, историко-этнографической литературы и этнологический материалов разъясняется место в обрядах Каршинского оазиса.

**Ключевые слова:** Каршинский оазис, исlam, akika, объчай, обрезание, жертивопримоашения, мусульман, узбек, семья, воспитания, угашения, традиция.

**Annotation.** In this article, based on available sources, historical and ethnographic literature and ethno-field materials, the place of agigi in the rites of the Karshinskogo oazisa people is explained.

**Key words:** Karshinsky oasis, islam, akika, tradition, custom, coremonu, sunnah, kurbanity, muslim, uzbek, family, education, party.

Қадимги даврдан ҳозирги кунгача инсоний ва диний тасаввурларининг шаклланиши, янгилалининг пайдо бўлиши ва кенг худудларга ёйилиши натижасида турли урф-одатлар, маросимлар аста секин пайдо бўлган. Инсонларнинг қайси динга эътиқод этиши мушкул, албатта. Инсоният жамияти даврлар ўтиши билан кўп худоликдан якка худоликка ўтган. Милодий VII асрда ислом динининг пайдо бўлиши ва бу диннинг кенг миқёсда Шарқ ва Фарбга ёйилиши натижасида бизнинг Марказий Осиё худудларимизга ҳам бу дин кириб келган. Ислом динини қабул қиласан мусулмон аҳоли билан араблар ўртасида маданий алмашинув бўлиб ўтган. Кўплаб мусулмон ҳалқлари ислом дини билан биргаликда бу динда мавжуд бўлган урф-одат, маросим ва байрамларни ўтказишган. Хусусан, мусулмонларда инсон дунёга келганидан то умрининг охиригача қадар бўлган даврни диний маросимларсиз тасаввур этиш жуда қийин. Энг аввало, оиласида янги фарзанднинг туғилиши катта шодиёна тантана билан нишонланди.

Одатда ислом одатларига кўра фарзандга исм қўйилади, қулогига аzon чакирилади ва энг асосийларидан бири ақиқа маросими ўтказилади. Бундай масъулияти маросимларни ташкиллаштириш, аввало, фарзанд оиласи аъзолари зиммасида бўлади. Жамиятимизнинг энг асосий негизи оиласи, гўдак дунёга келганидан сўнг биринчи тарбия оиласдан бошланади. Қадимги маданиятимизга, ва жамиятимизга бўлган хурматни бундан аввало ота-оналаридан ва жамоадан ўрганади, албатта.

Ўзбекларда ота-оналари фарзанд дунёга келиши билан ислом оламида мавжуд бўлган урф-одатларни амалга ошириб улғайтиради.

Ҳалқимиз оиласи турмуш тарзидаги миљий ва диний қадриятлар уйғунлашган бўлиб, бу қарашлар асосида оиласи мустаҳкамлигини сақлаш, оиласа барқарор муҳитни шакллантирган турли нопокликларни кетказиши, фарзандни соғ-саломат дунёга келганилигига шукронга сифатида уқтирилади. Ота-оналар фарзандни суюниб, гуё ислом одатларига кўра, элга ош беради ва бу маросим ақиқа куни фарзандга атаб жонлик сўйиш билан бошланади. Шу боисдан ҳозирги кунда ўзбек оиласи маросимлар туркумида ақиқа маросими кенг тарқалган даври бўлиб, турли худудларда тарқалиб бормоқда. Демакки,

ақиқа маросими ҳақида сўз борганда баъзи бир ҳолларда ниятнинг соғлиги қолиб кетиб обру-эътибор биринчи ўринга чиқиб бораётганини кўриш мумкин.

Биргина ақиқа удумидагина эмас, балки кўплаб удум ва анъаналаримизда никоҳ тўйи, суннат тўйи, инсон вафот этганидан сўнг мотам маросимлари ҳам катта дабдаба билан ўтказилаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, ақиқа, бешик, тўйларда дабдабозлик жуда оддий кечмоқда. Сўнгти даврда бундай маросимлар кўплаб исрофгарчиликка йўл қўйилиб ким ўзарига қилинмоқда.

Ўтмиш тарихига назар ташласак, асрлар давомида кишилик жамияти томонидан яратилган моддий ва маънавий маданият яхлит бир бутунликни ташкил этади. Дин, тарих, фалсафа, қадриятлар, урф-одат ва маросимлар шу муazzзам дараҳтнинг шоҳлари, халқ ижоди, дунёқараши ва фикрий қашфиётлари эса унинг илдизидир [1; 4].

Жаҳондаги ҳар бир халқнинг бошқаларидан ажralиб турувчи муҳим этнографик белгиларидан бири унинг маросимлари ҳисобланади. Маросим инсон ҳаётида моддий ва маънавий талаб ва эҳтиёж орқали юзага келадиган ижтимоий ҳодисадир. Ҳар қандай маросим у ёки бу халқнинг маълум бир тарихий тараққиёти босқичидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий ривожланиш даражасини кўрсатувчи асосий белгиларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда вужудга келади ва яшайди [2; 11].

Чақалоқ ҳаётга келганидан бошлаб вафот этгунга қадар бўлган давр мобайнида ўзи учун тааллуқли бўлган удум ва маросимларни бошидан ўтказади. Фанда қабул қилинган ўзига хос мезонларга кўра инсоният ҳаётининг муҳим бурилиш нуқталари билан боғлиқ тарзда ўтказиладиган тадбирлар оиласидан маросимлар деб юритилади [1; 73].

Маълумки, ўзбек хонадонларида янги туғиладиган фарзандни катта тантана билан кутиб олинади. Қадим замонлардан бошлаб янги туғилган чақалоқнинг биринчи сочини олиш катта маросим сифатида нишонланган. Шу куни палов пиширилиб, кариндош-урӯғ, қўни- қўшнилар, ҳурматли оқсоқоллар меҳмонга таклиф этилади. Республикализнинг баъзи жойларида (Фарғона водийси ва Тошкент воҳасида) бу маросим “акиқа” деб номланади [3; 14].

Баъзи худудларда, масалан, Қарши воҳасида бундай маросим “соч тўйи” деб ҳам аталади. Ушбу маросимда асосий ишни кексалар ёки шу қишлоқнинг сартароши бажаради. Ўзбеклар орасида бу маросим афсонага кўра, чақалоқни ўлимдан ва турли касалликлардан куткарган. Биринчи марта соч олинганда, бошида бир тутам соч қолдирилган. Айrim холларда, чақалоқнинг соч толалари қабристонларга ва муқаддас қабрларга кўмилган. Бу маросимни оиласа фарзанд кўрмаган, қиз ёки ўғил фарзанд амалга оширган, (4) (Дала ёзувлари, Касби тумани Қатагон қишлоғи 2021 йил)

Инсон бу ёруғ оламга келганидан сўнг дастлабки йирик ва эътиборга молик маросимларидан бири ақиқадир. Ақиқа ислом одатларига кўра ўтказиладиган маросимлар қаторига киради. Ўзбек маданиятида янги туғиладиган фарзандга атаб онасининг қорнидалигидан бошлаб турли иримлар ва маросимлар ўтказиш одати мавжуд. Бундан кўзланган максад эса она фарзандини соғ-саломат дунёга келтириб олиш деган қараш мавжуд. Республикаизда ақиқа маросимини ўтказишга ота-оналар тарафидан жиддий эътибор бериб, амалга оширилади, чунки фарзандини соғ-саломат улғайиши ақиқа қилинганлигига боғлиқ бўлади.

“Ақиқа” сўзига турли адабиётларда таъриф берилган. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да таъкидланганидек, “Ақиқа (а)-чақалоқ сочини олиш; қурбонлик қилиш; Оиласа “янги меҳмон”, яъни чақалоқ дунёга келиши муносабати билан унинг туғилганлигига 7, 14 ёки 21 кун бўлганда бажариладиган маросим. Луғатларда шунингдек “акиқа” кора рангли ярим қимматбаҳо тош, “акиқа”ларни қимматбаҳо тош деб ҳам изоҳланган.

Мабодо ўғил бола бўлса, 2та қўй сўйиб қиз бўлса 1та қўй сўйиб, туғилган кунининг еттинчисини ақиқа қилиш фарз ўтказиладиган зиёфат, маросим” [5; 126].

Ислом энциклопедиясида қайд этилганидек: “Ақиқа (араб.)- чақалоқ сочини олиш; жонлик сўйиш)- мусулмон оиласарда чақалоқ дунёга келиши билан Аллоҳ таолога шукронга сифатида қўй сўйиш билан боғлиқ маросим. Жаҳолат даврида боланинг бошига сўйилган жонликларнинг қонини суртиш одати бўлган, ислом эса уни бекор қилган. Ислом

анъанасида ақиқани чақалоқ туғилған қунининг 7 ёки 14 ёхуд 21 кунлари ўтказиш тавсия этилади. Бу қунларда ақиқа ўтказилмай қолинса, сұнг қайси қунда, қочон амалга оширилса ҳам, вазифа бажарылған ҳисобланади. Исломда ақиқа суннат амалдардан дир. Имом Бухорийнинг “Ал-Адаб-ал муфрад” (“Адаб дурдоналари”) китобида Мұхаммад (с.а.в.) набиралари Имом Хасан билан Имом Ҳусайнга биттадан қүй сўйиб берганлиги ривоят қилинади [6; 78].

Чақалоқ учун қурбонлик қилиш ақиқа дейилади. Ушбу маросимнинг асл номи “насиқа” деб номланған. Ақиқа ханафий фикхида мубох ва гўзал амалдир. Ақиқа баъзан ҳалқ орасида ном бериш маросими деб аталади [6; 269].

Ислом динигача бўлган даврда араблар орасида турли маъбуд ва маъбудаларга атаб қилинадиган қурбонликлар бўлган ва вақтлар ўтиши билан бунинг ўрнига мусулмон оиласида фарзанд туғилғанлигининг шукронаси сифатида бир қўй сўйиб (имкониятга қараб) “акиқа” маросимини ўтказиш жорий этилган. Қўй ўрнида баъзи оилалар моддий имкониятдан келиб чиқиб, эчки ҳам сўйиши мумкин, албатта. Курбонлик ақиқанинг муайян қисмидир. Қўй ёки эчкilar қурбонлик учун белгиланган ҳайвонлар бўлса-да, айrim худудларда сигир ёки туялар ҳам қурбонлик қилинади.

Аслида эса ақиқа қурбонлиги учун бир қўй сўйилиши етарлидир. Ўғил фарзанд учун иккита қўй сўйилиши керак деган қарашлар ҳам мавжуд. Улуғ мұхаддислардан Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Язид ибн Можа ар-Раби ал-Казвиний ўзининг 3163-хадисида “Расули Ақрам саллоллоҳу алайхи вассалам бизларга ўғил фарзанд учун иккита, қиз фарзанд учун бир қўйни ақиқа сифатида қурбон қилишимизни буюрдилар” деб ёзган.

Ақиқа ният ва маҳсус шартлар билан Аллоҳ таолога шукур сифатида фарзанд номидан сўйилған жонлиқдир. Ислом қоидаларига кўра янги туғилған боланинг сочи олинниб, шу соч оғирлигига кумуш садака қилиш тавсия этилган. Соч бошдан олингандиги учун бу маросим “акиқа” дейилади. Ҳозирда шу маъно кўп ишлатилганлиги боис ақиқа деганда фақат янги фарзанд туғилиш муносабати билан сўйиладиган қўй ва ташкил этиладиган маросим тушуниладиган бўлиб қолди [7; 318].

Ушбу маросимда сўйиладиган жонлиқни сони фарзанд жинсига ҳам боғлиқ, агар ўғил бола бўлса бир жуфт бир-бирига ўхшайдиган қўй, қиз фарзанд бўлса бир бош жонлиқ сўймоқлик тавсия этилади. Ақиқа учун атаб сўйиладиган қўй соғлом бўлиши керак. Агар ўғил фарзанднинг ота-онаси икки бош жонлиқка имкони бўлмаса, бир бош сўймоқлик ҳам зиён қилмайди. Лекин ҳозирда аксарият ҳолларда бир бош қўйни атаб сўйишади. Ақиқа учун фарзандга аталадиган жонлиқ сўйиши белгиланган қунлари мавжуд; Фарзанд туғилганидан сұнг еттинчи, ўн тўртинчи, йигирма биринчи ва йигирма саккизинчи қунлигига қилиш тасия этилади [7; 268].

Ўзбекларда агар шу вақт оралиғида имкон топиб маълум қила олмаса имкони топилганда ўтказса ҳам бўлади, деган қараш кенг тарқалган. Ақиқа учун сўйилған жонлиқни гўштини аксарият ҳолларда икки хил усул билан тақсимланади: **биринчиси** жонлиқ гўштини учдан бир қисмини доя аёлга, қўни-қўшни ва албатта яшаш шароити оғир инсонларга тарқатиш; иккинчиси эса ақиқа куни маҳаллани ёши улуғ инсонлар ва дин илмидан хабардор инсонларни меҳмон қилишади.

Энг мұхими ақиқа учун атаб сўйилған ҳайвоннинг гўштини асосий қисмини фарзанднинг онасига едириш керак деб ҳисобланади [8]. Онаси ўзини тиклаб олиши керак деб ҳисоблаганлар. Табиийки, она соғлом бўлса, фарзандини ҳам баркамол қилиб улғайтиради. Ақиқа бўлаётган хонадонга келган меҳмонлар чақалоқ учун Қуръон тиловат қилиб фарзанд хаққига дуо қилишади. Бундан кўзланган мақсад фарзанднинг ёши улуғ бўлишини ва мусулмон бўлиши ният қилинади.

Бу маросимни ўтказишда истрофгарчиликка йул қўйилмасдан ўтказишга алоҳида эътибор берилади. Ақиқа учун сўйилған жонлиқдан чиққан сұякларини фарзанднинг оила аъзолари бир ерга синдириласдан тўплаш ва мевали дараҳт остига қўмиш ирими мавжуд. Бу эса фарзанди вояга етгунга қадар турли оғатлардан холи бўлган холда улғайишига кафолат сифатида билгандар. Қарши воҳаси фарзанди чақалоқлик вақтида вафот этган болаларнинг ота-оналари фарзанди у дунёда ором олиши учун деб ният қилиб, бу

маросимларни амалга ошириш Қарши воҳасида олиб борилган. Этнографик изланишларимиз давомида ёшлигига ақиқа бўлмаган шахс вояга етганидан сўнг ўзи учун атаб жонлик сўйганлиги ҳақида ҳам баъзи маълумотлар олинди. [8].

Демакки, ақиқа килишнинг белгиланган кунлари бўлса-да, шахсий имқониятдан келиб чиқсан ҳолда ҳам амалга оширса ҳам бўлади. Агар инсонни ёши улғайган бўлса ҳам унга атаб ақиқа қилинмаган бўлса, ният қилиб кўй сўйса ҳам зиён қилмайди. Чунки ислом дини соф динлар қаторига киради. Ақиқа маросим шахсий имқониятлардан келиб чиқиб қилиниб, қарз олиб қилиш муҳим эмас. Қашқадарё воҳаси, жумладан, Қарши воҳасида ақиқа соч туйи деб аталган. Ўғил бола, тўнгич қизга соч тўйи ўтказилган. Кейинги 10-15 йилда ақиқа маросим ҳам воҳада расм бўла бошлади. Ҳаттоқи, Қарши шаҳрида ақиқа суннат тўйидек ўтказилиб, дабдабозлик ва исрофгарчилик ҳолатларига йўл кўйилмоқда.

Демакки, ўзбек ҳалқи оиласи маросимлари ранг-баранг бўлиб, улар орасида болалик даври билан боғлиқ ақиқа маросими ўзига хос тарихи ва урф-одатларга бойлиги билан ажralиб турган. Шўролар даври тарихимизда нафақат зиёлилар ва дин уламоларини йўқ қилиш учун қатағон сиёсати олиб борилган. Бундан кўзланган асрий мақсад илмсиз, ўз тарихини унугланган, маданиятини йукотган ҳалқни осон бошқариш эди. Лекин шундай шароитда ҳам ҳалқимиз ўз миллий қадриятга бўлган эътиқодини асло сусайтиргаган, албатта.

Хозирги глобаллашув даврида Ғарб маданиятини аста-секин кириб келиши оқибатида маданиятлар коришуви шароитида ўзбек маданиятига, эътиқод ва маросимларига бўлган ҳурматимизни янада оширишимиз лозим.

Албатта, бошқаларга тақлид қилиб яшаган инсон бир кун келиб ўзлигини йўқотади. Ҳар бир ҳалқ ўзи билан боғлиқ маросимларга бефарқ қарамаслиги керак. Айни даврда мустақиллик даврда диний эркинлик ва миллий ўзлигимизга бўлган ҳурматимизни ошиши натижасида унтулиб борилаётган маросимларимиз янада чуқурроқ кириб келмоқда.

Ўзбек ҳалқи орасида ақиқа ва шу каби ислом дини билан боғлиқ маросимларни ўтказилишни оммалашиб бораётганлигига бир неча омилларда кўришимиз мумкин: **биринчидан**, мустақиллик билан бирга диний эркинликни ҳам қўлга киритганимиз энг асосий сабаблардан; **иккинчидан**, жамиятимизнинг ўзида ҳам динга бўлган эътиборни кучайиши ва диний ўзликни англашга бўлган қизиқишиларнинг ортиши; **учинчидан**, ҳалқимизнинг иқтисодий жиҳатдан фойдаланиб бораётганлигини мисол қилиб кўрсатишнимиз мумкин.

Ушбу омиллар ўзаро бир-бири билан узвий алоқадорлиги туфайли бугунги кунда маросимларимизни қайта чуқур илдиз отишига замин яратяпти деб айта оламиз. Бугунги кунда ҳалқимиз бевосита ҳаётини дин билан бевосита боғлиқлигини ва диний ўзликни англаб ета бошлаганини кўрамиз.

Хуллас, мустақиллик даврида Янги Ўзбекистонда яна ҳалқимиз миллий ўзлигини чуқур илдизларини англаб етиши сабабли бу каби азалий эзгу маросимларимиз тобора оммалашиб бормоқда.

#### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар**

1. Аширов А. Ўзбек ҳалқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. –Т.: Миллий кутубхона нашриёти, 2007.
2. Саримсоқов Б. Маросим фольклори // Ўзбек фольклори очерклари. – Т., 1988.
3. Бўриев А., Раҳмонов Ф. Ритуаль и обряды детского возраста у узбеков Кашкадаринского оазиса. Гуманитарный трактт. – Кемерово: Плутон, 2019. – С. 17-20.
4. Дала ёзувлари. Касби тумани Қатағон қишлоғи, 2021 йил.
5. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. I-ж. –Т.: ЎзМЭ ДИН, 2006.
6. Ислом Энциклопедия. 2-нашри. – Т.: ЎзМЭ ДИН, 2017.
7. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Зикр аҳлидан сўранг. – Т., 2016.
8. Дала ёзувлари Қашқадарё вилояти Касби тумани Комилон қишлоғи, 2022 йил.

*Наширга проф. О.Бўриев тавсия этган*

## ТУРКИСТОНДА МОЛИЯ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ҲОЛАТИ

Тұхтаева Р. (ҚарДУ)

**Аннотация.** Мазкур мақолада Туркистан ҳукумати томонидан молия соħасини тартибга солиш ва яхшилаш борасыда амалға оширган табиерлар ва соħада кадрларини тайёрлаш ҳолатыда муаммо ва камчиликтер таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада молия соħасидаги муаммоларнинг ўлка ижтимоий, иқтисодий ҳаётга таъсири масалалари ҳам ёритилган.

**Таянч сұзлар:** Совет давлати, Туркистан, Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, молия, кадр, солиқ, газна, иқтисод, ижтимоий ҳаёт.

**Аннотация.** В данной статье анализируются меры, принимаемые правительством Туркестана по регулированию и совершенствованию финансового сектора, а также проблемы и недостатки в подготовке кадров в этом секторе. Также в статье освещены вопросы влияния финансовых проблем на социально-экономическую жизнь страны.

**Ключевые слова:** Советское государство, Туркестан, Ташкент, Сырдарья, Самарканда, Фергана, финансы, кадры, налоги, казна, хозяйство, общественная жизнь.

**Annotation.** This article analyzes the measures taken by the government of Turkestan to regulate and improve the financial sector, as well as the problems and shortcomings in the training of personnel in this sector. The article also highlights the impact of financial problems on the socio-economic life of the country.

**Key words:** Soviet state, Turkestan, Tashkent, Syrdarya, Samarkand, Ferghana, finances, personnel, taxes, treasury, economy, public life.

Совет ҳукумати учун Туркистан худудида молиявий соħа фаолиятини барқарорлаштириш жиддий муаммолардан бири эди. Бу, айниқса, кадрлар масаласыда яққол намоён бўлган эди. Республика молия муассасаларида асосан ҳеч бир тажрибага эга бўлмаган кишилар хизмат қилиб, соħа ишини жонлантириш учун 1920 йили 200 га яқин мутахассис талаб этилди<sup>1</sup>. Эски давр молия аппарати тугатилганидан сўнг янгисини тузиш зарурияти келиб чиқди. Аммо маъмурий тузилмаларнинг янги тизимини шакллантириш объектив қийинчиликлар билан ёнма-ён кечди.

Совет ҳукумати банк, газна муассасаларини эски ҳукумат қолдиқлари сифатида баҳолаб, асосий “саботаж” манба деб ҳисоблади. Уларда хизмат қилган ходимлар фаолиятига ҳам беписандлик билан қаралди. Совет молия бўлимларининг кўпчилик янги ходимлари касса, ҳисоб ва солиқ масалалари бўйича йўриқлар, қоидалар, декретлар бажарилишини назорат қилиш, даромадлар ва харажатларга оид хужжатлар ҳисоботларини тайёрлаш кўникмаларига эга эмас эди. Қолаверса, 1922 йил Туркистан Республикаси солиқ хизматчилари орасида Маҳаллий миллатга мансуб бирорта ҳам кадр йўқ эди. Жорий йилда Тошкентда солиқ ходимларини тайёрлайдиган курс очилди ва Москва Молия Халқ Комиссарлиги ўқув курсларини тамомлаган кадрлар ҳам ишга қабул қилинди. Кўрилган табиерлар натижасида соħада бир оз жонланиш кузатилиб, 1923 йил солиқ аппарати хизматчиларининг 6 фоизи, 1924 йил 11,6 фоизи маҳаллий миллат вакилларини ташкил этди<sup>2</sup>.

1923 йил апрелдан Туркистан АССР солиқ аппарати озиқ-овқат комиссарлигидан молия комиссарлиги тасаруфига ўтказилди. Вилоятларда ушбу вазифани амалға ошириш учун маҳсус комиссиялар ташкил этилди. Аммо солиқ аппаратини инвентарлари ва кадрларини озиқ-овқат комиссарлигидан молия комиссарлиги ихтиёрига ўтказишида турли муаммоли вазиятларга ҳам дуч келинди. Молия комиссарлигига солиқ идораларининг асосан тажрибасиз, ёш мутахассислари берилиб, солиқ ишини мукаммал ўзлаштирган дехқон хўжаликларини фаолиятини чуқур тушунган, солиқ ундириш усулларидан яхши хабардор тажрибали ходимлар молия комиссарлиги ихтиёрига ўтказилмади.

Озиқ-овқат комиссарлиги солиқ аппарати ходимларидан 202 нафари молия комиссарлиги ихтиёрига юборилди. Бу даврда ҳар бир вилоятнинг солиқ хизматида 1

<sup>1</sup> ЎзМА, 37-фонд, 1-рўйхат, 175-иш, 25-варак.

<sup>2</sup> Туркестанская правда, 1924. – №5.

нафардан ревизор-инструктор, Сирдарё ва Самарқанд вилояти молия бўлимида 17 нафардан, Фарғона вилоятида 16 нафар ходим фаолият олиб борди<sup>1</sup>. Таҳлиллардан кўриниб турибдики, ҳудудлар бўйича кадрлар тақсимотига бир хил ёндашилмади.

Туркистонда 1922-1923 хўжалик йилида 30 та шаҳар ва 456 та волостида 30 та молия инспектори учаскаси ташкил этилган бўлиб, 1 та инспекторга 1 та шаҳар 15 волост ёки 183000 аҳоли тўғри келди<sup>2</sup>. Жорий йилда Туркистон солик хизматида 51 нафар инспектор, 44 нафар ёрдамчи, шаҳарда 84 нафар, кишлоқ жойларида 490 нафар молия агентлари фаолият олиб борди<sup>3</sup>. Уларнинг деярли 95 фоизи бу соҳада ёш ва тажрибасиз кадрлар бўлиб, уларнинг аксарияти солик, соликка тортиш, солик қоидаларидан умуман бехабар эди.

Бундан ташқари молия бўлими ходимларининг яшаш ва иш шароитлари ҳам мақтанаарли даражада бўлмади. Масалан, молия инспекторлари ойига 65 рублдан маош олдилар. Уларнинг иш жойида канцелария анжомлари, шкаф, стол-стул, лампа каби жиҳозлар етишмади. Ҳужжатлар полда, очиқ ҳолда сақланган. Молия бўлими канцелария ходимлари кунига 10-12 соатлаб ишлади<sup>4</sup>.

Туркистонда саноат соҳаси ишчиларнинг ойлик маоши жуда паст эди. 1922-1923 йилларда эса 13-16 рубль атрофида эди. Масалан, ёқилғи саноати ишчиларнинг иш ҳаки ойига 1924 йил 30-40 рубль, виночилик саноатидагиларники 40 рубль атрофида эди<sup>5</sup>.

Туркистон Республикасидаги молиявий масалалардаги оғир аҳволнинг қатор сабаблари мавжуд эди: биринчидан, давлат аппаратини моддий таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини четдан сотиб олиш учун асосан етишмаган маблағларни пул эмиссияси йўли билан ҳал этилиши; иккинчидан, давлат эҳтиёjlари учун аҳолидан етиширилган кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ололмаганлиги; учинчидан, давлат бюджетининг асосий манбаи ҳисобланган солик тизимининг тўғри йўлга кўйилмаганлиги; тўртинчидан, муомаладаги пул миқдорининг товар фондидан ортиб кетиши кабилар<sup>6</sup>.

1918 йил 23 майда Туркистон Республикаси ХКС раиси Ф. Колесов Совет ҳукумати раҳбари Ленин номига телеграмма юбориб, унда Туркистон ўлқасининг оғир аҳволи, очарчилик, молиявий инқироз ҳақида маълумот беради. Телеграммада Ф. Колесов Туркистон Республикаси молия нозирлиги эҳтиёжи учун 700 млн рубль маблағ зарурлигини таъкидлайди. Жумладан, Туркистон саноатни тиклаш учун 225 млн рубль, озиқ-овқат учун 105 млн рубль, армия учун 20 млн рубль, холера эпидемиясига қарши кураш учун 50 млн рубль керак эди<sup>7</sup>.

Туркистон Автоном Республикаси ҳукумати қўлида турли йўналишлардан йигилган молиявий маблағлар тўпланди. Иттироқ давлат банки ҳамда хусусий банклардан тортиб олинган 8.716.262 рубль, эркин нақд пуллардан Совнарком учун ажратилган 11.789.788 рубль, Туркистон ўлқаси ихтиёрида сарфланиши режалаштирилган 1.452.346 рубль, ҳалқ университети ихтиёридаги 1.900.000 рубль, давлат банклари бўлимларидағи 2.500.000 рубль, Совнархоз кассаларидағи 7.000.000 рубль, озиқ-овқат бўлимларидағи 10.000.000 рубль, Бухородан контрибуция эвазига олинган 2.000.000 рубль маблағлари шулар жумласидандир<sup>8</sup>.

Туркистон ҳукумати молиявий маблағларни жамлашда режасиз, иқтисодий қонуниятларга амал қилмаган ҳолда иш олиб борди. Бу эса давлатнинг молия соҳасида ягона тизими ишлаб чиқилмаганлигидан далолат берди.

Махаллий ҳокимият органлари кўп ҳолларда солик хизмати ходимларига ёрдам бериш эмас, аксинча улар фаолиятига тўсқинлик қилиб келди. Масалан, архив ҳужжатларида таъкидланишича, 1923 йил Самарқанд шаҳрининг эски шаҳар қисми бозорлари фаолиятини текшираётган молия бўлими инспекторига сотувчилар томонидан турли тұхматлар уюштирилди. Уни мастиқда айблаб, сотувчилар бақир-чакир қилишди.

<sup>1</sup> ЎзМА, 17-фонд, 1-рўйхат, 1017-иш, 58-59-орка вараклари.

<sup>2</sup> ЎзМА, 20-фонд, 1-рўйхат, 358-иш, 113-варак.

<sup>3</sup> ЎзМА, 25-фонд, 1-рўйхат, 1690-иш, 77-78-вараклар.

<sup>4</sup> ЎзМА, 25-фонд, 1-рўйхат, 1690-иш, 78-82-вараклар.

<sup>5</sup> Ходоров И., Конюктурный обзор народного хозяйства Средней Азии // Народного Хозяйства Средней Азии. 1924, август. – № 1. – С. 30.

<sup>6</sup> ЎзМА, 37-фонд, 1-рўйхат, 175-иш, 1-варак орқаси.

<sup>7</sup> ЎзМА, 25-фонд, 1-рўйхат, 92-иш, 280-285-вараклар.

<sup>8</sup> Наша газета, 27-28 января, 1918 г., № 85 и 86.

Шаҳар ижроия қўмитаси молия инспектори фаолиятини чукур ўрганмасдан туриб, ҳатто уни вазифасидан ҳам четлаштириди. Ҳолбуки, молия инспекторининг саломатлиги яхши эмаслиги боис, врач унга спиртли ичимликни истеъмол қилишни таъкидлаган ва у хизмат вазифасини бажараётганда сог, хушёр ҳолатда бўлган. Шунга ўхшаш ҳолатлар бошқа шаҳарларда ҳам учраб турди. Масалан, Каттақўрғон уездиде савдо дўкони ижарачиларидан бири уезд ижроия қўмитаси раҳбарларидан бирининг қариндошлигидан фойдаланиб, солик йиғувчиларга таҳдид қилиб, уларни “мастлиқда” айблаб, қариндоши ёрдамида вазифасидан четлаштириди<sup>1</sup>.

Туркистон молия халқ комиссарлигининг маълумотларига кўра 1918 йили хўжаликнинг турли йўналишлари бўйича 21.338.621 рубль даромад олинди<sup>2</sup>. Аммо бу рақамлар номигагина келтирилиб, тизимдаги тартибсизлик ниҳоятда кучли эди.

Туркистон Автоном Республикаси хукумати имкон қадар молиявий маблағларни кўпайтишига ҳаракат қилиб, пул маблағларини хусусий шахслар мулкини национализация қилиш эвазига кўпайтириш йўлини тутди. Шу мақсадда Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг саноат корхоналари ва темир йўлларни национализация қилиш тўғрисидаги бир қатор декрет ва қарорлари эълон қилинди. Туркистон ХКС 1918 йил 25 февралда «Владимир Алексеев» саноат ва савдо ширкати, Мурғобдаги подшо ерлари, 18 марта нефть ва тошкўмир саноати корхоналари, 31 марта ўлқадаги барча типография ва литографиялар, Фаргона темир йўли давлат ихтиёрига ўтказилди<sup>3</sup>.

1918 йилнинг биринчи ярмида пахта тозалаш, ёғ-мой заводлари, пахта заҳиралари, босмахоналар, темир йўллар, банклар, конлар давлат ихтиёрига ўтказилди. Жами 330 дан ортиқ саноат корхонаси национализация қилинди<sup>4</sup>.

Албатта, бу жараён турли ижтимоий табақаларнинг кучли қаршилиги ва норозилигига сабаб бўлди. Ҳукумат хусусий мол-мулкни давлат ихтиёрига ўтказишни энг маъқул йўл деб хисоблади. Хусусий корхона ва ташкилотларнинг национализация қилиниши билан ўз ўрнида уларнинг пул маблағлари ҳам давлат мулкига ўтди. Саноат корхоналари, пахта заҳиралари билан бирга хусусий банклар ҳам давлат ихтиёрига ўтказилиб уларнинг маблағлари Туркистон Автоном Республикаси ХКС 1918 йил 8 майдаги декретига мувофиқ ташкил этилган Туркистон Халқ банкига топширилди.

Бундан ташқари Бухоро ва Хоразм Республикаларида Молия соҳасида тажрибали ва малакали кадрлар етишмовчилиги сабабли солик сиёсати тўғри олиб борилмади. Соликлар миқдорини белгилашда ҳар бир хўжаликнинг иқтисодий шарт-шароити, қуввати хисобга олиниши лозим эди.

ХХСР да 1923 йилга қадар ҳам давлат даромади ва харажатлари, умуман бюджет тўғрисида аниқ режа ишлаб чиқилмади. Шу боис, уларда дехқончилик экин майдонларининг аниқ миқдори, чорва моллар сони аниқ эмас эди. Шунингдек, пул муомаласида ҳам кўплаб ноаниклик мавжуд бўлиб, банк муассасалари қатъий фаолият юритмади ва валюта курслари маълум эмас эди. Бу бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб, бунда айниқса, хўжаликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш ишларини олиб борувчи мутахассис кадрлар йўқлиги ахволни янада оғирлаштириди. Архив хужжатларида таъкидланишича, бу даврда Хоразмда биронта олий маълумотли ўқитувчи, врач, муҳандис фаолият олиб бормади<sup>5</sup>.

Туркистонда молиявий соҳа фаолиятини барқарорлаштиришда энг жиддий муаммолардан бири бу кадрлар масаласи бўлди. Республика молия муассасаларида асосан ҳеч бир тажрибага эга бўлмаган кишилар хизмат қилди. Умуман бу даврда соҳа ишини такомиллаштириш учун етарли даражада мутахассислар жалб этилмади. Бу ўз навбатида соҳадаги турли муаммоларни келтириб чиқарди.

*Нашрга проф. О.Бўриев тавсия этган*

<sup>1</sup> ЎзМА, 25-фонд, 1-рўйхат, 1690-иш, 82-83-вараклар.

<sup>2</sup> Народное хозяйство Туркестана за 1919 год.– №21.–С.1-2.

<sup>3</sup> Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Туркестане // Сборник документов. Тошкент.: Уз Гиз, 1947.–С.169-185.

<sup>4</sup> Ўз МА, 17-фонд, 1-рўйхат, 375-иш, 33-варак.

<sup>5</sup> ЎзМА, 73-фонд, 1-рўйхат, 8-йигма жилд, 1-2-вараклар.

**БХСР НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИНИНГ СОВЕТ ТУЗУМИНИ  
МУСТАҲКАМЛАШИ ҲАМДА МУХОЛИФ КУЧЛАРГА  
ҚАРШИ КУРАШИ**

Зокиров Б.Ч. (БухДУ)

**Аннотация.** Мазкур мақолада Бухоро Халқ Совет Республикаси назорат органларининг Совет тузумини мустахкамлаши ва муҳолиф кучларга қарши олиб борган кураши масалалари ёритилган. Шунингдек, муаллиф мақолада БухЧК, Инқилобий трибунал, Қизил армия ва милиция ходимлари билан Совет тузуми қарши курашаётган кучлар ўртасидаги кураш масалаларга эътибор қаратган.

**Таянч сўзлар:** жамоат ҳавфсизлиги, БухЧК, Инқилобий трибунал, амир миришаблари, милиция, Қизил армия, жиноят-қидирув, қўриқхона, ҳисбхона, гарнизон.

**Аннотация.** В данной статье освещаются аспекты укрепления советского строя органами контроля Бухарской Народной Советской Республики и борьбы с оппозиционными силами. Наряду с этим автор в статье уделил внимание вопросам борьбы Бухарского Чрезвычайного Комитета, революционного трибунала, красноармейцев и милиционеров с силами, противостоящими советскому строю.

**Ключевые слова:** общественная безопасность, Бухарский Чрезвычайный Комитет, Революционный трибунал, ночной дозор эмира, милиция, Красная Армия, уголовный розыск, заповедник, следственный изолятор, гарнизон.

**Annotation.** This article highlights aspects of strengthening the Soviet system by the control bodies of the Bukhara People's Soviet Republic and the fight against opposition forces. Along with this, the author in the article paid attention to the struggle of the Bukhara Emergency Committee, the revolutionary tribunal, the Red Army and policemen with the forces opposing the Soviet system.

**Key words:** public security, Bukhara Emergency Committee, Revolutionary Tribunal, emir's night watch, militia, Red Army, criminal investigation department, nature reserve, detention center, garrison.

Бухоро Халқ Совет Республикасида шўро ҳокимиятини мустахкамлаш ва истиқлолчиларга қарши курашиш мақсадида большевиклар томонидан жазо органлари ва ҳарбий қисмлар ташкил этилган. Эски Бухоро, Янги Бухоро (Когон), Кармана, Янги Чоржуй, Эски Чоржўй, Карки, Термиз шаҳарларида 29 та ҳарбий қисмлар жойлаштирилган. БХСР пойтахти Эски Бухорода 8 та: Ҳарбий ишлар бўйича халқ нозирлиги, БХСР кўшинларининг таъминот бошқармаси, Ҳарбий – санитария бошқармаси, Ҳарбий инженерлик бошқармаси, Шарқий мусулмон полки, 1-Бухоро кавалерия полки, Бухоро Чекаси хузурида алоҳида кавалерия эскадрони, Бухоро Чекаси хузурида алоҳида пиёда рота; Янги Бухоро шаҳрида 4 та: Ҳарбий нозирликнинг уъезд бўлими, Всеобуч бўлими, Санитария қисми, Қоровул ротаси, каркида 5 та: Ҳарбий нозирликнинг уъезд бўлими, Қалъа артиллерия ротаси, Қоровул батальони, Қисқартирилган енгил батарея, Озиқ-овқат магазини; Термизда 7 та: Ҳарбий нозирликнинг район бўлими, Қалъа артиллерия ротаси, 1-Термиз дала батареяси, Отлик разветкачилар командаси (гурухи), Пулемёт командаси, Гарнizon мусиқачилар командаси, Ветеринария лазерети жойлашга бўлган [1].

Сиёсий биронинг қарори билан жойлардаги партия ташкилотларига “ЧК” ўрнига Россия ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги Бош сиёсий бошқарманинг жойлардаги бўлимларини ташкил қилиш ҳақида кўрсатма юборилган. Бундан мақсад ички ишлар вазирлиги шахсий таркиби хисобидан “ЧК” бўлимларини мустахкамлаб, унинг курдатини янада ошириш бўлган. 1922 йилнинг 13 августида Бухоро Халқ Совет Республикаси Нозирлар кенгаси “ЧК” ташкилотларини тугатиш ва унинг ходимларини милиция органлари шахсий таркиби билан бирлаштириб, шу аснода хукумат хузуридаги Республикани муҳофаза этиш бўлимини ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилган. Бир қарашда бу оқилона йўл бўлиб, гўёки ташқи ва ички ҳавфларга қарши кураш аппарати маҳаллий раҳбарларга берилгандай бўлиб кўринар эди. Амалда эса бу собиқ “ЧК” ходимларини республика бошқаруви таркибига киритиб, ундаги истиқлолчилик қайфиятларини ичкаридан туриб ёмириш ниятида кўрилган тадбир бўлган [2].

Туркистон ўлкасида совет тузумига қарши қуролли қаршилик кучайганидан сўнг, ишчи-дехқон милиция қизил армия ҳолатига ўтказилади. Ишчи-дехқон милиция

бўлимлари совет ҳукумати томонидан истиқлолчилик ҳаракатига қарши олиб борилаётган урушларда иштирок этди. Жумладан, БХСР Марказий Ижроия Кўмитасининг раиси Усмон Хўжа ихтиёрида бўлган 10-милиция бўлинмаси Кўлоб вилоятида (Болжувон, Ҳовалинг тумани атрофига) маҳаллий аҳоли ўртасида нуфузли бўлган ўн нафар оқсоқолни ҳибсга олиниб, барча маҳбуслар Термиз шаҳридаги қамоқхонага жўнатилади. Маҳбуслардан фақат уч нафари ўз туманларига тирик қайтарилади: бошқалари ё отиб ташланади ёки узоқ муддат тунқунлиқда сақланади. Ўша пайтлари Кўлобнинг Қорасув қишлоғига милиция кучлари томонидан ҳибсга олинган лақайларнинг энг ҳурматли оқсоқоли Абдуқаом парвоначи ва халқ ўртасида обрўли бўлган собиқ амир амалдори Чойхўр оталиқ келтирилади. Улар гўё очиқ суд қилиниб, халқ ўртасида тавбасига таянтирилади ва озодликка қўйиб юборилади. Бу ҳол келажакда Шарқий Бухородаги энг кучли қавлардан бўлган лақайларнинг кўрбошиси Иброҳимбек билан Бухоро миллий ҳукумати ўртасида кескин зиддият пайдо бўлишига замин яратади [3].

Шу билан биргаликда истиқлолчиларга қарши курашлар пайтида, адолатсиз урушлардан норози бўлган БХСРнинг ички ишлар яъни милиция ходимлари ва раҳбарларининг баъзилари “босмачилар” томонига ўтиб кетади. Жумладан, Шеробод вилоятининг ҳарбий нозири, собиқ турк полковниги Ҳасанов 85 кишидан иборат милиция ортряди билан 1921 йил ноябрь ойининг ўрталарида Қобадиён районида “босмачилар” томонига ўтиб кетади. БХСР Марказий Ижроия Кўмитасининг раиси Усмон Хўжа турк полковниги Али Ризо бошчилигидаги 700 кишидан иборат милиция ортяди билан бирга 1921 йил 8 декабрда Душанбеда “босмачимлар” томонига ўтиб кетади [4].

Бу ҳақда матбуотда шундай маълумот келтирилади: Амният умумия мудири Али Ризо Шарқий Бухорога кетган пайтида ўша ердан босмачилар тарафга ўтиб кетди. Унинг ўрнига Амният умумия мудири этиб Қарши вилоят муҳофаза бошлиғи вазифасини бажариб келаётган Хўжаев тайинланди. Амният умумиянинг раҳбари тўрт ойдан сўнг яна алмашиб, ушбу лавозимга Собир Юсупов қўйилди ва унинг биринчи муовини этиб, Юнус Махмудов тайинланди. Бирдан мана шу равишда Амният мумумия мудирлари алмашиб тургани, иккинчидан, Али Ризодек инқиlob душманларининг босмачилар томонига ўтгани, уччинчидан, Усмон Хўжа каби юрт сўймак ҳиссидан маҳрум шахслар ўзларининг хусусий манфаатлари йўлида қизил милициямиз (150 отлик отряд) ни алдаб ҳар хил вадалар билан ўзлари ортидан олиб кетганлари учун Марказ ва вилоят муҳофаза ишларимизга кўп зарба келди [5].

БХСР ички ишлар нозирлиги раҳбар ва милиция ходимларининг совет тузумига қарши курашаётганлар томонига ўтиб кетгандан сўнг қизил милиция сафига ихтиёрий равишида ёзилувчи кишилар камайиб қолади. Шундан кейин ҳукумат мамлакатнинг тинчлигини сақлаш ва “босмачилар”га қарши курашиш мақсадида қизил милиция сафига мажбурий равишида кишиларни жалб кила бошлайди.

Ғарбий Бухорода 1922 йил мартада совет тузумига қарши кураётган кучлар фаол ҳаракат қиладилар. Уруш ҳаракатларини кузатиб бориш ва совет режимига қарши курашаётган зарба бериш мақсадида юборилган Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси ҳарбий нозири Абдулхай Орипов “босмачилар” томонига ўтиб кетади. Ҳарбий нозир ўринбосари турк офицери Талъатзода, шунингдек, ички ишлар нозирининг ўринбосари Мулла Бобо ҳам Орипов билан бирга совет тузумига қарши курашувчилар томонига ўтади [6].

Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси раҳбар ходимларидан Қози ҳожи, қори Абдулла, Нурқул, Ботир, Дониёрбек каби бухоролик фидойилар советлар босқинига қарши курашиш, юрт мустақиллигини таъминлаш учун Афғонистонга ўтиб кетганлар. Улар бу ерда Усмонхўжа, амир Олимхон, Абдураҳим Юсуфзодалар билан учрашганлар. Бу истиқлол курашчиларининг Файзулла Хўжаев, Муинжон Аминов номига йўлланган мактубларининг бирида мана бу сатрлар бор эди: “Бухоро мустақиллиги факат сўзда эштиймоқда. Аслида эса у амалда ҳеч ўзини қўрсатмаяпти. Шунинг учун ҳам ёш бухоролик, кекса инқиlobчилардан бири – қаҳрамон Усмон Хўжа Бухоро Жумхурияти раиси бўлишига қарамасдан ўрис элчисига ва сизга қарши уруш эълон қилди. У барча зулмга қарши бардош беролмади. Шу боис Афғонистонга ўтиб кетишни афзал билдик...” [7]

1922 йил биринчи август кунидан бошлаб, БХСР қизил милицияси ўз фаолиятининг янги даврга кирганилиги тўғрисида матбуотда хабар берилади: Маълумки, инқилобдан сўнг муҳофаза ишларини бир тарафдан Амният умумия идораси курса, иккинчи тарафдан ўшал хизматларни яна Чека идораси назоратида бўлди. Мазкур икки идоранинг хизматлари бир бирига яқин ёки милициянинг бўлганидан иккинчи идорадан фақат биттаси қолса ҳам, жумхуриятимизнинг муҳофаза ишлари зарар келмайди. Яна бир ёқдан шуни эътиборга олиб, штат кам қилмоқ учун иккинчи жиҳатдан милиция ишларимзни тартиб солиш мақсадида 1922 йил биринчи август кунидан бошлаб Амният умумия ва Чека идоралари тутатилади. Жумхуриятнинг бутун муҳофаза ишлари раис – Қори Йўлдош, аъзоларлари – Олимжон Оқчурин ва Юнус Маҳмудовлар таркибли бир ҳайат қўлига топширилади. Доҳилий муҳофаза ишларимизни Юнус Маҳмудов, жумхурият муҳофазасига доир сиёсий ва тергов ишларини Олимжон Оқчурин бажарадиган бўлди. Вилоятларда яна шундай вилоят муҳофаза идоралари ташкил қилинади [8].

РКП (б) нинг Ўрта Осиё бюроси 1923 йил 23 январь куни ўтган мажлисида “Бухоро Халқ Совет Республикасидағи ҳарбий вазият тўғрисида”ги масалани кўриб чиқади. Узоқ мунозаралардан сўнг шундай қарорга келинади: республиканинг бундан буён сакланиб қолишига жиддий хавф тугдираётган “аксилоинқилобий” кучларнинг пайини қирқиши. Уларни яксон қилиш учун мавжуд ҳарбий қисмлар ҳамда отрядлар устидан якка қўмандонлик усулига ўтиши керак бўлди [9].

БХСРда милиция органлари фаолияти йўлга қўйилган бўлса-да, бир қатор муаммолар вужутга келганлиги ўша давр танқидчилари томонидан маълум қилинган. Милиция тизимини янада ривожланишда кўп масалада орқада қолинганлиги ҳамда бир қатор соҳада режалаштирилган ишлар ўйлаган натижалар бермаганлигининг сабаблари қуидагилар эканлиги қайд этилган:

- 1) милиция ташкил этилган дастлабки вақтларда соҳани мутахассис бўлмаган шахслар қўлига топширилгани;
- 2) маҳаллий аҳоли ичida яхши тажрибали ҳарбий ишчилар бўлганига кўра халқнинг фикри эътиборга олинмаганлиги;
- 3) халқда амир сарбозларига бўлган қарашни ўзгартиришга чин маъно билан мувваффақ бўлинмаганлиги;
- 4) Қизил аскарлар ва милицияга раста, кўча ва дўконларни қоровуллагувчи кўзи билан қараб, уларга бутун дунё инқилобий қизил аскарларининг бир қисми сифатида қаралмаганлиги;
- 5) бошқа соҳаларга ҳеч бир маъносиз милион ва миллиардлаб пулларни сарф этиб, аскар ва милиция таъминотига кераклиги маблағ сарф этилмаганлиги;
- 6) Қизил аскар ва милиция учун либос ва озуқа келтиrsак, уни бир кишига ўн хисса, ўн кишига бир хисса берилганини текшириб турилмаганлиги ва бошқалар ҳисобланади [10].

Шу ўринда соҳани ривожлантиришдаги энг катта камчилик бефарқлик бўлганлиги ўша давр матбуотида келтирилган: “Шунда ҳам “хукumat қизил аскар ва милицияни унутмайдир” деб қичқириб, халқни ҳам ўзимизни алдаган бўлдик. Аскар ва милициянинг вазифасини дуконларга боғлаб қўйиб, оғир дақиқаларимизда ёрдамга келишга ҳозир бўлган қўшнимиз Русия қизил аскарларини кўриб тинчландик. Аскар ва милициянинг тузилишини билганлигимиз, ҳолидан хабар олмаганлигимиз ва либоссизлиги учун ғам емадик. Мана шу юкорида кўрсатилган камчиликлар натижасида қизил аскар ва милициямиз тузишни ёлғиз ва ёрдамсиз хис этиб, кўп вақтларда устига юкланган вазифаларни бажара олмади. Лекин буни кўрган бўлмади, бўлса ҳам аҳамият бермади” [11].

БХСРнинг милиция тизимида рўй берган ушбу юкорида кўрсатилган камчиликлар хукumat раҳбарларининг хатоси деб топилган. Большевиклар томонидан 1923 йилнинг 23 июнида бир қатор миллий манфаатлар йўлида курашган хукumatдаги раҳбар кадрлар эгаллаб турган лавозимидан озод этилган эди [12]. Шунинг учун соҳадаги барча камчиликлар уларнинг номи ва фаолияти билан боғланди. Халқнинг ишончи энди янги сайланган хукumat қўлида эканлиги таъкидланади. Янги хукumat давлат аппаратини кўлга олмоги билан уч йилдан буён давом этган камчиликларни бартараф этилиши кераклиги

матбуотда шундай келтирилади: “Қизил аскар ва милициянинг моддий ва маънавий жиҳатларини таъмин этишга тегишлимизким, мундан кейин ишчи ва дехқонлар ҳокимиятининг таянчи бўлган қизил аскар ва милиция ходимлари оч қолмасин. Уларга дўкон коровули сифатида қаралмасун, исми бор жисми йўқ ходимлар хизматдан бўшатилсан. Тажрибалик ишчилар билан таъмин этилиб, ҳалқ билан аскар ўртасида мустаҳкам ва дўстона муносабат боғлашга тиришилсан. Натижада аскар ва милиция бошқаларнинг ёрдамига муҳтоҷлиқдан чиқиб, ўзи бошқаларга ёрдам этишга муктадир бўлсан” [13].

Совет ҳокимиятининг назорат органи ҳисобланган милиция адабиётларда “қизил милиция”, “ишчи дехқон милицияси”, “ҳалқ милицияси”, “қизил соқчилар” каби номлар билан учрайди. Қизил милициянинг Бухоро Ҳалқ Совет Республикасида ташкил этилган сана 23 март эканлиги ва шу муносабат билан жумхуриятда кенг байрам қилинганлиги ҳақида маълумотлар матбуотда учрайди [14].

Милиция ходимларининг яшаш шароити яхши бўлмаганлигидан ўз вазифасини тўғри бажара олмаганлиги тўғрида маълумотлар кўп учрайди. Бу ҳолат нафақат БХСРда балки, Туркистон АССР ва Хоразм Ҳалқ Совет Республикаларида ҳам мавжуд бўлган. Жумладан, Туркистон АССРда милиция ходимларининг ижтимоий аҳволи оғир бўлганлиги сабабли улар мардикорлик, тиланчилик ва ҳатто талончилик ҳамда ўғрилик билан шуғуллангани маълум бўлади. Милиция соҳада фаолият юритаётган маҳаллий кадрларнинг ижтимоий аҳволига етарлича эътибор қилинмади. Туркистон АССР милициясининг бошлиғи Асанбоев ўз маъруzasида ўлка милициясидаги моддий таъминотнинг аянчли аҳволини куюнчаклик билан қуидагича таърифлайди: “Туркистон милиционерлари камбағаллиқдан тиланчилик қилишмоқда. Уларнинг корни оч, бола-чақасини боқолмай қолганидан ўзларини ўлдиришга ҳам тайёрлар (ўлдирганлар ҳам бор). Узоқ муддат мобайнида корни тўйиб овқат емаганидан айрим милиция ходимлари кўчаларда ҳолдан тойиб, пул топиш массадида вагонлардан юк тушуришга мажбур бўлишмоқда” [15].

1923 йили 23 март куни БХСРда қизил милициянинг тузилишига икки йил тўлиши муносабати ўтказилган байрамда билдирилган табрик сўзларида республикада уч минга яқин милиция ходимлари фаолият юритаётганлиги таъкидланиб, қуидаги фикрлар айтилади: “Қизил милициямиз ўзининг ҳар жиҳатдан муҳтоҷлигига қарамасдан юрт ва ҳалқ учун кўп катта хизматлар қилди. Юртнинг тартибини, ҳалқнинг тинчлигини саклаш ва унинг молини талон қилган, хотин-қизларимизнинг иффат ва номусларига теккан ҳалқ душманлари “босмачилар” билан курашиб кўп қаҳрамонликлар кўрсатди ҳамда кўп курбонликлар берди. Шунинг учун милицияда ишловчи бизнинг болаларимиз биз учун энг қадрли ва энг муҳтарам кишилардир. Ҳалқнинг ўз орасидан ташкил этилган қизил милиция бу кунга қадар ўзининг бутун вақтидан кечиб, ҳалқ манфаати йўлида ўзига юклangan вазифани комил муваффақият билан адо этди. Ҳозирда қизил милициянинг шу қилган хизматларини тақдирлаш учун комиссия байрам ташкил қилди. Қизил милиция ўзининг ортида уч ярим милион ҳалқ борлигини онгли суратда англаб, юртнинг темир юрагли соқчисига айланди” [16].

Милициямизнинг тузилишига икки йил тўлган кунни ҳукumat факат ўзи қилмасдан балки ҳалқ билан баробар ўтказаётганлиги албатта республика бошқарувининг ишчи-дехқон қўлида эканлигини яна бир кўрсатиш эди. Шунингдек, мазкур байрамнинг кенг миқёда ўтказилиши маҳаллий ёшларни қизил милицияга қизиқтириш ва ҳалқни унга нисбатан обрўйини мустаҳкамлашни кўзда тутган.

Хулоса қилиб айтганда, большевиклар томонидан “бебараз ёрдам” никоби остида Бухоро ва Хоразмда совет ҳокимияти ўрнатилди. Ушбу республикалар тузилганидан сўнг, РСФСР ўртасида бир қатор сиёсий-иқтисодий шартномалар имзоланди. Мазкур шартномаларда ушбу республикаларнинг ички ва ташки сиёсатда мустақиллиги эътироф этилган бўлса-да, бунга амал қилинмади. Натижада баъзи раҳбар кадрлар совет бошқарувидан норози бўлиб, “босмачи”лар томонига ўтиб кетди.

### Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Мўминов Д. Шарқий Бухоро ва Ўрта Бухорода Қизил армияга қарши ҳарбий харакатларнинг бошланиши / “Тарихий хотира – маънавият асоси” мавзусидаги Республика илмий-назарий анжуман материаллари. – Бухоро, 2010. – Б. 76.
2. Наимов Н. Маърифатга бахшида умр (Тарихий қисса) – Бухоро: Дудона, 2018. – Б.137-138.
3. Иркаев М. История граждансской войны в Таджикистане. – Душанбе: Ирфон, 1971. – Б. 305.
4. Ўзбекистон ССР тарихи. Учинчи том. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг галабаси ва Ўзбекистонда социализм қуриш (1917 – 1937 йиллар). – Тошкент: Фан, 1971. –Б. 319.
5. Халил ўғли. Қизил милициямизнинг байрами муносабати билан // Бухоро ахбори. 1923 йил 25 март. 147-сон.
6. Ўзбекистон ССР тарихи. Учинчи том. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг галабаси ва Ўзбекистонда социализм қуриш (1917 – 1937 йиллар). – Тошкент: Фан, 1971. –Б. 322.
7. Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетгандлар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 64.
8. Халил ўғли. Қизил милициямизнинг байрами муносабати билан // Бухоро ахбори. 1923 йил 25 март. 147-сон.
9. Халқ хизматида 75 йил. Ғ.Раҳимов ва бошқалар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. –Б. 143.
10. Қизил аскарлар ва милицияга кўпроқ аҳамият бермоқ керак // Бухоро ахбори. 1923 йил 12 июль. 181-сон.
11. Қизил аскарлар ва милицияга кўпроқ аҳамият бермоқ керак // Бухоро ахбори. 1923 йил 12 июль. 181-сон.
12. Собиқ Бухоро нозирлари нима билан машғул бўлганлар // Озод Бухоро. 1923 йил 16 октябрь. 1-сон.
13. Қизил аскарлар ва милицияга кўпроқ аҳамият бермоқ керак // Бухоро ахбори. 1923 йил 12 июль. 181-сон.
14. Қизил милициямизнинг тузулишига икки йил тўлмоқ байрамини ўтказув комиссиясидан // Бухоро ахбори. 1923 йил 8 март. 140-сон.
15. Ерметов А. Туркистанда назорат органлари фаолияти (Ишчи-дехон милицияси ва Ишчи-дехон инспекцияси 1917-1924 йиллар). – Т.: Abu matbuot- konsalt, 2007. – Б. 137.
16. Қизил милициямизнинг тузулишига икки йил тўлмоқ байрамини ўтказув комиссиясидан // Бухоро ахбори. 1923 йил 8 март. 140-сон.

*Наширга проф. Б.Эшов тавсия этган*

## ОЛАМ МАНЗАРАСИ ШАКЛЛАНИШИДА МИЛЛИЙ ТАФАККУР, МЕЬЁР ВА СТЕРЕОТИПЛАР

Баҳронова Д. (ЎзДЖТУ)

**Аннотация.** Инсон тафаккури бу оламни билишда энг муҳим курол хисобланади. Шунингдек, тафаккур тарихий билим ва воқелик таъсирида ҳар бир инсонда ўзига хос ривожланади. Оламнинг барча манзаралари ҳосили инсоннинг изланишлари ва тажрибаси натижасидир. Бунда олинган билимнинг тажрибада синалиши орқали инсон илми сараланиб боради. Турли тилларга хос месъёр ва стереотиплар тадқики, уларнинг дунё ҳалқларида ҳар хил қабул қилингандиги ва турфа маъно-мазмунга эгалиги, номланиши бу миллатлар тезаурусида тафаккурнинг турлича шакллангандигидан дарак беради.

**Таянч сўзлар:** олам манзараси, тафаккур, стереотип, меъёр, тезаурус

**Аннотация.** Человеческое мышление — самый важный инструмент в познании этой вселенной. Также мышление развивается уникальным образом у каждого человека под влиянием исторических знаний и действительности. Все декорации Вселенной являются результатом человеческих исследований и опыта. Через проверку полученных знаний в эксперименте уточняются знания человека. Изучение норм и стереотипов, характерных для разных языков, неодинаковое их принятие у народов, также значения и наименования свидетельствует о разнообразном формировании мышления в тезаурусе во всех народах.

**Ключевые слова:** картины мира, мышление, стереотип, норма, тезаурус.

**Annotation.** Human thinking is the most important tool in the knowledge of this universe. Also, thinking develops in a unique way for each person under the influence of historical knowledge and reality. All the scenery of the universe is the result of human research and experience. By checking the acquired knowledge in the experiment, the knowledge of a person is clarified. The study of the norms and stereotypes characteristic of different languages, their unequal acceptance among peoples, as well as the meanings and names, testifies to the diverse formation of thinking in the thesaurus in all peoples.

**Key words:** pictures of the world, thinking, stereotype, norm, thesaurus.

Оламнинг лисоний ва илмий манзараларини ривожлантириш, бойитишда оламнинг фольклор ва мифологик манзараларининг ўрни катта аҳамиятга молик. Олам манзарасини ўрганган О.Корнилов оламнинг лисоний манзараси объектив дунёни етарли даражада акс эттириши мумкин эмас, деган хуносага келади<sup>1</sup>. Чунки унинг фикрича, бу оламнинг илмий манзараси вазифасидир. Бизнингча ҳам, воқелиқдаги барча ҳодисаларнинг моҳияти оламнинг илмий манзарасида ўрганилади ва таърифланади. О.Корнилов “инсон – нутқ тафаккури – идрок – объектив олам” моделини кенгайтириб, “тафаккур”, “хис қилиш”, “тақдимот”, “баҳолаш”, “хаёл/фараз қилиш” каби механизмларни ҳам “билиш” тоифасига киритади ва: лисон инсон онги ифодаловчисидир, унинг таркиби мантиқий-концептуал, сезиш-рецептив, ҳиссий-баҳоловчи ва мифологик компонентлардан иборат<sup>2</sup>, деб ёзади. Масалан, ўзбек, рус ва инглиз тилларида тулки (лиса, fox) пейоратив баҳолашга эга (тулкидек айёр, хитрый как лиса, sly as a fox). Демак, ўзбек, инглиз, рус лисоний манзарасида айёр ва маккор одам “тулки”га қиёсланади. Шундай сифатли одам ҳақида яна Тулки каби тумшуғидан илинди ёки Кўзбўямачи тулки бўлади, ҳалқ ичida кулги бўлади, каби ўнлаб мақол-маталларимиз ҳам мавжуд. Ушбу тушунчалар ҳалқ тафаккурида тайёр ҳолда мифологик ва фолклор манзара қаъридан етиб келаётган қолиплардир. Демак, инсон онг-шуурида объектив олам кўзгудагидек акс этмайди, балки алоҳида шакл ва тасаввурлардан иборат бўлади. Ҳар бир шахсда умри давомида тезаурус шаклланиб боради. Бу фикримизни ҳар бир индивид даражасида ёки миллат-элатлар миқёсида татбиқ этиш мумкин. Масалан, кўзгуда ҳайвон сифатида аксланаётган тулки қайсиdir этносда айёрлик белгиси бўлса, бошқасида зукколик рамзи хисобланади. Испан тилида бу метафоранинг “кув”, “ақли ўткир” маъноларда ишлатилиши испан ҳалқи олами

1 Корнилов О.А. Языковые картины мира как производные национальных менталитетов. – Москва: ЧеRo, 2003. – С. 181.

2 Корнилов О.А. Указ. соч. Там же. – С. 182.

манзарасида тулкининг табиатда ўзини тутиши хусусиятлари тилга қувлик, ақли ўткирлик, зукколик рамзи сифатида кўчишига сабаб бўлган: *sagaz y rapido como un zorro; tan astuto como un zorro*. Чунки тулкини айёр деб билишимиз бизнинг нуқтаи назаримиздан, бироқ унинг овчининг тузғига илинмаслиги, қопқонлардан кутулиб кетиши унинг ақллилиги белгисидир. Американинг машҳур “El Zorro” (Тулки) фильмсида де ла Вега образининг лақаби Zorro → Тулки бўлиб, бу образ ўз ақли, қувлиги, хийлакорлиги ва чаққонлиги билан оддий инсонларни золим босқинчилардан ҳимоя қилиш рамзи сифатида ёритилиши, душманига чап бериши бунга ёрқин мисол бўла олади, яъни Zorro → Тулки-одам қаҳрамони ҳалқ қалби, тасаввуридаги ижобий образ. Шу сабабли классика ҳисобланган бу фильм номи рус ва ўзбек тилларига таржима қилинмаган. Таржима қилинганда фильм мазмуни ва номи бизнинг менталитет нуқтаи назаримиздан тафаккуримизда қарама-қарши фикр пайдо бўларди, зотан ўзбек лисоний, фольклор ва мифологик манзарасида тулки ижобий образ сифатида гавдаланмаган. Агар ўзбек киноижодкорлари “Тулки” деган бадиий фильм ишласалар, бизнинг назаримизда фильмни кўрмасдан ҳам унда айёрлик, алдаб кетиш ҳақидаги фикрлар шаклланиши табиий ҳисобланади. Демак, ўзбек ва испан тилларида тулкининг айёр ёки ақли деб баҳоланиши бу ҳалқлар онгу-шуури, менталитетида шундай онтологик тасаввурнинг яшаб келганлиги туфайли воқеланган. Модел сифатида қўйидагича тасвирилаш мумкин:

ТУЛКИ → ТУЛКИДАЙ АЙЁР = АЙЁР ОДАМ;

ZORRO → SAGAZ Y ASTUTO COMO UN ZORRO = UN HOMBRE SAGAZ Y ASTUTO.

Умуман, олам манзараси дунё ҳақидаги оддий, лисоний ва илмий билимлар бирга мавжудлиги туфайли само ва коинот, инсон ва шахс, меҳр-мурувват, онг ва тафаккур ва ҳоказоларни таҳлил қилиш натижасида иккиласми маънолар – метафоралар, кўчма маъноларни воқелантиради. Шунингдек, омоним сўзлар оламнинг турли манзарапарнида ҳар хил ифодаланиши мумкин: **офиз** оламнинг содда манзарасида инсоннинг тана аъзоси, **офиз** лисоний манзарада янги түккан сигир сутидан тайёрланадиган таом ёки яна кўчма маънода оғиз қозоннинг оғзи; оламнинг илмий манзарасида (тиббиётда) эса бу бир қанча рецепторлар жойлашган организмнинг мураккаб аъзоси – *оғиз бўйлиги* ҳисобланади.

Ўзбек лисоний манзарасида **жигар** лексемаси ҳам кўп маъноли ҳисобланади. Ранг сифатида “жигарранг”, тиббиётда “инсон тана аъзоси”, кўчма маънода озиқ-овқат маҳсулоти (жигар кабоб) ёки яқин қариндош (ака-ука, опа-сингил)ни ифодалайди. **Жигарбанд**, **жигарпора**, **жигарсўхта**, **жигархун**, **жигарчилек** каби қўшма сўзларда, **жигари сув бўлмоқ**, **жигархун бўлмоқ**, **жигар-багридан урмоқ**, **жигар-багри кўймоқ** каби ибораларда учраши ушбу форсча лексеманинг ўзбек тилига сингиб ўзлашиб кетганлигини кўрсатади. Қуйидаги мисолларда ушбу сўз ҳам метафора, ҳам тана аъзоси сифатида қайд этилган: а) “*Ona, опажоним, жоним жигарим, дийдорингизга шунча зор қиласизми, сизни қидирмаган жойимиз қолмади-ку.* Ўша иблис эрингизга керак бўлмасангиз мана бизга кераксиз, опа. Мана, мени уринг, ўлдиринг, фақат кетиб қолманг опа, сизни топгунча жигарларим ситилиб кетди-ку”(Ш.Салимова. Сўқир аёл)<sup>1</sup>. б) Ука — жигар, тош отай деса, жигарчилек, отмай деса, хон туритти; ниҳоят, тўйидан увада юлиб отибди. (А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироклари)<sup>2</sup>. Шунингдек, ҳалқ орасида “пул жигардан бунёд бўлган/пайдо бўлган” ибораси ҳам кенг тарқалган: **Доно ҳалқимиз пул ҳақида кўплаб ривоятлар, турҳикмат мақоллар тўқиган: “Пул — белга қувват, бошга тож”, “Пул бўлса чангалда шўрва”, “Пул жигардан бунёд бўлар” ...<sup>3</sup>.**

Испан лисоний манзарасида **жигар** – *el hígado* лексемасининг ўзбек тилидагидек кўчма маънолари кузатилмайди. Яқин қариндош-уруғларни аташда испан тилида *sol* (қуёш), *cielo* (осмон), *corazón* (юрак) каби сўзлар кўлланади, аммо улар ўзбек тилидаги жигар лексемасининг маъно-мазмунини тўлиқ қамраб олмайди. Қизиги, пул ҳақида гап

1 Салимова Ш. Сўқир аёл. <https://uzhurriyat.uz/2021/12/31/sharifa-salimova-hayotiy-hikoyalar/>

2 Абдулла Қаҳҳор. Кўшчинор чироклари. – Тошкент, 1987. – 244 б.

3 Шодмон Отабек. Солихбой фалсафаси ёхуд пул ҳақида куюнчак мулоҳазалар <https://zjiyouz.uz/matbuot/hozirgi-davr-matbuoti/2009-sp-135389244/>

кетганда ўзбек лисоний манзарасида инсон тана аъзоси жигар қўлланса, испан тилида нарх-наво ҳақида гап кетганда *riñon* (буйрак) ишлатилади. Масалан, *Los pisos cuestan un riñón, los militantes de los partidos suelen cerrar filas en torno a sus dirigentes, la mayoría silenciosa de un país no tiene muchas ocasiones de expresar sus opiniones, y a los delincuentes se les somete a la máquina de la verdad para ver si mienten*<sup>1</sup>. (Квартиralар жуда қиммат (айнан: квартиralар бир буйрак нархида), партия фаоллари етакчилари атрофида саф тортишга интилишади, мамлакатнинг оғзига талқон солиб олган қўпчилиги бу ҳақда гапирмайди, жиноятчиларни эса ёлғон гапиряптими ёки йўқлигини аниқлаш учун ҳақиқат машинасига тортадилар.) Бу гапда квартиранинг қимматлиги буйрак лексемаси билан ифодаланган. Бизнингча, буйракнинг ушбу метафорик мазмунини тиб илми ривожланган Испанияда буйрак қўчириб ўtkазиш амалиётига боғлаш мумкин, чунки буйракнинг нархи жуда қиммат баҳоланади. Ўзбек тилида нарх-наво ҳақида гап кетганда “отнинг калласидек” компаратив фразеологик бирлиги ишлатилади: *Савдогарлар молини кифтига келтириб мақтайди, “білса ҳазыл, билмаса чин” қабилида отнинг калласидек нарх айтади* (С.Салим. Барча йўллар Пекинга элтади)<sup>2</sup>.

Испан тили лисоний оламида спиртли ичимликни қўп ичиб, қотиб ухлаётган одамга нисбатан *dormir la tona* ибораси қўлланилади. Манбаларда бу ибора XVI асрда вино ичимлиги сифатини аниқлаш учун маймунларга берилгани ва ичиб олган маймунлар қотиб ухлашидан келиб чиққанлиги ёритилган<sup>3</sup>. Ўзбек лисоний манзарасида эса орқа-олдига қарамай, меъёридан ортиқ даражада спиртли ичимлик истеъмол қилувчи пиёниста одамга нисбатан *итдай/молдай/чўчқадай ичмоқ* иборалари ишлатилади: *Сен бўлсанг, кунларнинг бирида молдек ичиб, маст ҳолда келгансан-у, уларга қўл кўтаргансан* (Газетадан. Гўр азоби)<sup>4</sup>. Демак, олам манзараси муайян халқ миллий маданиятини, ўша халқ томонидан меъёр сифатида қабул қилинган этalon, стереотипларни ёритишида ментал характер касб этади.

Ўзбек тилининг изоҳли лугатида **балиқ** зоолексемаси билан балиқнинг тириклиги сув билан; *кулнинг отини балиги чиқарар*; эшак минган от сўрамас, балиқ еган эт сўрамас мақоллари ҳамда лугатнинг **балиқкўз** II мақоласида қўзи чакчайган, чақчайма қўз маъносидан бошқа кўчма маънолар келтирилмаган (ЎТИЛ 2006. I Т, 148-149)<sup>5</sup>. Ўйлаймизки, *кимdir ўзини сувдаги балиқдек сезмоқ, кимdir нимадандир балиқдек (сиргалиб) қутулиб чиқиб кетмоқ* каби ўзбек тилининг миллий-маданий тил бойлиги ҳисобланган бу иборалар ЎТИЛнинг кейинги нашрларида **балиқ** мақоласида ўз аксини топса мақсадга мувофиқ. Бу лексеманинг энг қадимги туркий сўзлардан бири эканлигини ҳам эътиборга олиш керак. Зоро, изоҳли лугатларга энг қўп мурожаат қилиниши лугатчиликда янада масъулият билан ёндашувни тақозо этади. Жим туриш ҳақида сўз кетар экан, жимжитликни тасвирлаган Ф.Г.Лорка ижодида сукунат *un nido de silencios – учиб кетишига шай инга* (*nido* “қуш ини, уяси” маъносида) ташbih этилгани кузатилди:

Detrás de cada espejo  
hay una calma eterna,  
y un nido de silencios  
que no han volado.

Абадий жимжитлик бор  
ҳар бир қўзгу ортида,  
ва ҳали учиб кетмаган.  
сукунатнинг уяси (бизнинг таржима).

Халқнинг маданий коннотацияларини билиш оламнинг турли манзара ва концептларини тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади. Бир тилдаги баъзи миллий-маданий концептлар бошқа концептуал тизимга таржима қилинганда ўша маданиятнинг шунга мос концептига алмаштирилади. Ф.Г.Лорка ижодида факат испан лисоний ва миллий-маданий манзарасига тегишли қўплаб ташbihларни учратиш мумкин:

El concierto interrumpido (Buzilgan tomosha) шеърида

1 <https://www.elperiodicomediterraneo.com/sociedad/2010/08/06/expresion-costar-rinon-diccionario-42377931.html>

2 Салим С. Барча йўллар Пекинга элтади. <https://ziyouz.uz/yangiliklar/barcha-yullar-pekinga-eltadi/>

3 Guerrier H. Con dos huevos. – Bilbao: Astiberri 2014. – 96 p. <http://www.abc.es/cultura/20140609/abci-origen-estar-todos-fregados-201406091250.html>

4 <https://zamin.uz/hayot-tarzi/46938-gur-azobi-7-qism-mistikा.html>

5 Ўзбек тилининг изоҳли лугати. – Тошкент, 2006, I Т. – Б. 148-149.

6 Lorca F.G. CAPRICHO (Suite de los Espejos). <https://www.poetasandaluces.com/poema/2183/>

y un chopo solitario,  
el Pitágoras de la casta llanura,  
quiere dar con su mano centenaria un cachete a la luna  
ўзбек тилига  
Пифагор – ёлғиз терак,  
күттарди 100 йиллик қўлин  
Ойнинг ёноғига урмоқчи бўлиб (бизнинг таржима)  
Шавкат Раҳмонда:  
Пифагор – кекса терак  
күттарди улкан қўлин,  
адабсиз ой юзига тарсаки урмоқ бўлиб (Пифагор – кекса терак, қўл – улкан) деб  
ўгирилса, W.S.Merwinнинг инглиз тилига таржимасида ҳам 100 йиллик қўл учрамайди ва  
and a solitary poplar –  
Pythagoras of the pure plain –  
lifts its aged hand to strike at the moon 1 (Пифагор – якка терак, қўл – қари) тарзида кўриниш  
олади. Қисқаси, маданиятлараро мулоқотда бир-бирини англаш муаммоси тадқиқотларда  
маълум маданий ҳамжамият аъзолари бошқа маданият вакиллари билан ўзаро муносабатлар  
жараёнида бир-бирларини тушунишга интилиш қобилияти сифатида белгиланади.  
Маданиятлараро билимларга эга бўлиш хозирги мутахассиснинг асосий ваколатларидан  
биридир. Муайян тилгагина хос бўлган когниция ва миллий-маданий сўзлар тадқиқи ўзга  
жамиятнинг идрок тизими ва маданиятини тушуниш ҳамда маданиятлараро компетенцияни  
ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Ўзаро мулоқот жараёнида сўзлашувчилар томонидан  
қабул қилинган стереотиплар, ахлоқий меъёрлар ва қоидаларни ҳисобга олмасдан бир-бирини  
тўлақонли тушунишга эришиш мумкин эмас. Демак, турли тизимли тилларни чоғиштириб  
уларнинг мифологик, лисоний, миллий-маданий, фольклор ва ҳ.к. манзараларини таҳлил этиш  
бу тилларгагина хос бўлган кодларни очишига, тезаурусни бойишига олиб келади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар**

1. Абдулла Каххор. Қўшчинор чироклари. – Тошкент, 1987. – 244 б.
2. Корнилов О.А. Языковые картины мира как производные национальных менталитетов. – Москва: ЧеRo, 2003. – 394 с.
3. Салим С. Барча йўллар Пекинга элтади. <https://ziyouz.uz/yangiliklar/barcha-yullar-pekinga-eltadi/>
4. Салимова Ш. Сўқир аёл. <https://uzhurriyat.uz/2021/12/31/sharifa-salimova-hayotiy-hikoyalar/>
5. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. – Тошкент, 2006, I Т.
6. Шодмон Отабек. Солиҳбой фалсафаси ёхуд пул ҳакида куюнчак мулоҳазалар <https://ziyouz.uz/mathbuot/hozirgi-davr-matbuoti/2009-sp-135389244/>
7. Guerrier H. Con dos huevos. – Bilbao: Astiberri 2014. – 96 p. <http://www.abc.es/cultura/20140609/abci-origen-estar-todos-fregados-201406091250.html>
8. <http://www.brindinpress.com/pslorcon.htm>
9. <https://www.elperiodicomediterraneo.com/sociedad/2010/08/06/expresion-costar-rinon-diccionario-42377931.html>
10. <https://zamin.uz/hayot-tarzi/46938-gur-azobi-7-qism-mistika.html>
11. Lorca F.G. CAPRICHO (Suite de los Espejos). <https://www.poetasandaluces.com/poema/2183/>

**Нашрга проф. С. Чориев тавсия этган**

## **УЧЕБНИКИ И УЧЕБНО-МЕТОДИЧЕСКИЕ ПОСИБИЯ ДЖАДИДОВ ДЛЯ НОВОМЕТОДНЫХ ШКОЛ**

**Курбанова С.А. (ТГЭУ)**

**Аннотация.** В данной статье анализируется создание учебников и учебно – методических пособий для школ нового метода, а также мнения представителей туркестанских джадидов об новометодном образовании. Автор исследовал футурологические аспекты взгляды просвещенных

<sup>1</sup> <http://www.brindinpress.com/pslorcon.htm>

жадидов об эффективном использовании идей патриотизма, трудолюбия, образованности и толерантности для национального развития, а также факторы, развивающие страну через новаторское мышление.

**Ключевые слова:** Туркестан, современные просветители, народное образование, обучение, молодежь, наука, современные школы, Махмудходжа Бехбуди, Мунаввар Кори-Абдирашидханов, Абдулла Авлони, Хаджи Мuin, С.Айний.

**Annotation.** This article analyzes the creation of textbooks and teaching aids for the new method schools, as well as the opinions of representatives of the Turkestan Jadidism about education. The author explored the futurological aspects of the ideas of enlightened Jadids about the effective use of the ideas of patriotism, diligence, literacy and tolerance for national development, as well as the factors that develop the country through innovative way of thinking.

**Key words:** Turkestan, modern educators, public education, education, youth, science, modern schools, Mahmudhoja Behbudi, Munavvar Kori-Abdirashidkhanov, Abdulla Avloni, Hadji Muin, S. Ayniy.

**Аннотация.** Ушбу мақолада Туркистон жадид намоёндаларининг янги усулдаги мактаблар учун дарслик ва ўқув кўлланмаларининг яратилиши ҳамда уларнинг маърифатпарварлик ҳақидаги қарашлари таҳлил қилинган. Жадидларнинг жамиятни ижтимойи-иқтисодий ривожланиши, миллий тикланиш ва маънавий юксалиш учун ёшларга замонавий илм-фанни ўргатиш ҳақидаги қарашлари, шунингдек, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, саводхонлик, бағрикенглик фоялари ва инновацион тафakkur орқали Туркистонни ривожлантириш омиллари ҳақидаги қарашларининг футурологик жиҳатлари ўрганилган.

**Таянч сўзлар:** Туркистон, замонавий педагоглар, ҳалқ таълими, маориф, ёшлиар, илм-фан, замонавий мактаблар, Маҳмудхўјса Беҳбудий, Мунаввар Қори-Абдирашидхонов, Абдулла Авлоний, Ҳоджи Мuin, С.Айний.

## ВВЕДЕНИЕ

В начале XX в движение джадидов играло огромную роль в развитии просвещения, распространении знаний, привлечении к образованию представителей местного населения. В различных регионах Узбекистана возникали школы по инициативе просветителей.

Реформирование и преобразования в образовании сопровождались внедрением новых методов обучения, “усули савтия” (метод слуха), “усули жадид” (новый метод) - эти термины, понятия широко использовались и указывали на новые явления в общественной жизни.

Первый этап узбекского ренессанса начали в 20-е годы прошлого столетия представители движения джадидизма. Этот исторический процесс связан непосредственно с просветительской деятельностью и самоотверженностью Махмудходжи Бехбуди, Абдукадыра Шакури, Саидахмада Сиддики, Мунавваркары Абдурашидханова, Абдуллы Авлони, Чулпана, Исхокхона Ибрата, Абдуллы Кадыри и других. Они внесли огромный вклад в развитие и расцвет национальной печати, театрального искусства, новой литературы.

Узбекский народ внес достойный вклад в развитие эпохи Возрождения в IX-XII вв., второго этапа в XIV-XVI вв., следовательно, и в развитие всей человеческой цивилизации. В этой связи Президент Республики Узбекистан отмечал: «Третий Ренессанс в нашей стране мог быть реализован в XX веке нашими просвещенными современными предками. Они считали хадис «Нет спасения, кроме знания, и не может быть спасения» живой верой [2].

Реформаторство джадидов в народном образовании диктовало необходимость издания ими учебников и учебных пособий для новометодных школ. Успешная деятельность джадидских учебных заведений во многом зависела от наличия широкой учебно-издательской работы новометодников. Поэтому эта сфера деятельности джадидов приобрела жизненно-важное значение.

## АНАЛИЗ ЛИТЕРАТУРЫ

Зарубежные ученые, как Адил Халид, [3] Диудуаньон С, [4], Хисао Комацу, [5] и И. Бальдауф [6] посветили ряд исследований деятельности джадидов. Изучением произведений, джадидов их научное наследие, в странах Содружества Независимых Государств занимались, такие ученые как Р. Ходизода [7], Н. Гафаров [8], Я.Г.Абдуллин [9]. Следует отметить, что вышеупомянутые авторы в основном анализировали содержание идей джадидов в области искусства, памфлетов, по истории общества. Обществоведы, известные ученые И. Муминов, [10] Х. Вахидов,[11] Д. Алимова, [12] Б.Косимов, [13] Х.Болтабоев, [14] Ш.Мадаева, [15] Г.Махмудов, [16] Ш.Турдиев, [17] А.Худайкулов, [18] Р.Шодиев, [19] Ж.Яхшиликов, [20]

Д.Амридинова, [21] исследовали ряд трудов джадидов. На основе самостоятельного подхода изучено содержание исследований джадидов общественной и духовной жизни, их критические взгляды, концептуальные взгляды раскрывающих процесс развития общества.

### МЕТОДЫ

При подготовке статьи к публикации использовались исторический, критический, аналитический, синергетические методы философского исследования, использование научных источников, классификация материалов и обобщение самостоятельных выводов. Методологическую основу статьи составляют труды Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева, Указы, концептуальные идеи, выраженные в работе главы государства «Стратегия Нового Узбекистана». Решение Кабинета Министров Республики Узбекистан по углубленному анализу наследия джадидов, отечественной истории, духовной и научной истории страны, научных достижений Первого и Второго периода эпохи Возрождения. Монографии отдельных авторов является источником в изучении наследие джадидов, материалы научных конференций, научные статьи, также использована для анализа экономических взглядов представителей джадидского движения, для формирования самостоятельных выводов. Необходимо отметить, что для обобщения экономических взглядов джадидов в качестве научного источника были взяты статьи, опубликованные в престижных журналах, входящих в систему SCOPUS. Также было использована в сети интернет.

### ПОЛУЧЕННЫЕ РЕЗУЛЬТАТЫ

Вклад современной интеллигенции Средней Азии в развитие отечественного образования и науки, создание учебников и учебных пособий для школ нового образца, всестороннее изучение их духовного наследия, идеального поколения, индивидуальной духовности, их взглядов на образование исследованы в статье. Современные идеи древних можно использовать для воспитания подрастающего поколения как достойных преемников. В конце 19 – начале 20 века современные просветители Туркестана анализировали вопросы привития гуманитарных, патриотических, социально-экономических, научно-философских, духовно-этических взглядов в умах и сердцах молодежи и формирования культуры трудолюбия, интеллектуальности и новаторского мышления в их мировоззрении. Стремясь к овладению научно-теоретическим наследием передовых мировых просветителей, таких как Махмудходжа Бехбуди, Мунаввар Кори-Абдирашидханов, Абдулла Авлони, А. Шакури, Хаджи Муйин, С. Айний, учебники, учебные пособия, углубленное изучение современных знаний, применения этих идей в общественной жизни и нашей страны изучалось ее значение в развитии.

### ОБСУЖДЕНИЕ

Один из сторонников джадидов ташкентский учитель Сайдрасул Азизи (1886-1933) составил первый букварь «Устоди аввал» («Первый учитель») на староузбекском языке применительно к звуковому методу обучения. Это весьма популярное пособие появилось в 1900 году, затем за короткий срок выдержало 17 изданий разными тиражами. Так, в 1909 году этот учебник вышел в свет тиражом в 2000 экз. В свое время, окончив старометодную школу и медресе, автор первого учебника преподавал в русско-туземной школе. Представители духовенства относились к нему враждебно и дали ему прозвище «кофир» (неверный). Академик В.В. Бартольд называет Сайдрасула Азизи одним из местных преподавателей, внесшим некоторую реформу в педагогическую работу. Он пишет: «Самими учителями-туземцами вводились некоторые реформы в деле преподавания. Сейид-Расуль Сейид-Азизов (Сайдрасул Азизи – Н.Г.) составил букварь для обучения грамоте по звуковому методу (Устад-и аввал, «Первый учитель»)» [28]. В 1905 году газета «Русский Туркестан», отмечая достоинства учебника С. Азизи, признала его оригинальным и полезным [29].

Продолжение учебника С. Азизи под названием «Таълим-ус-сони» («Второе обучение») написал казахский джадид Алиаскар Байрамали ибн Калин (Калинин), хорошо владевший таджикским и узбекским языками. В дидактических целях автор и составитель использовал образцы русской классической литературы - рассказы Льва Толстого и басни Крылова.

Одним из первых учебников для новометодных школ на таджикском языке был букварь «Баён-ул-хуруф» («Разъяснение букв») Саидахмада Васлии Самарканди (1870–1925), который был издан в 1903 году. По словам С. Айни, «Муминлайх (названный автор, т.е. Васли – Н.Г.) составил учебник по грамматике арабского языка. Им же, по образцу арабского языка, была составлена грамматика персидского языка. После появления новометодных школ в Самарканде он составил несколько учебников для этих школ на персидском языке, написал также несколько научных и исторических сочинений» [30]. С. Васли был автором учебника по арабскому и персидскому языках «Мукаддимаи сарфу нахви араби хам намунаи сарфу нахви форси» для новометодных школ с таджикским языком обучения. По сведению литературоведа А. Махмадаминова, Саидахмаду Васли принадлежать еще несколько учебных пособий, таких как, «Нафъу-т-толиб», «Ал-фавоиду-л- мабсута», «Адаб-уд-дин», «Ал-калом-ул-афхам фи манокиб-ул-И мом-ул Аъзам», «Маданият ва вазоиф», «Шариати исломия ва тараккиёти мадания», персидский перевод «Ибодоти исломия», «Заджру-л-магрур» и др. на таджикском, узбекском и арабских языках [31].

Махмудходжа Бехбуди считается одним из первых авторов учебников и учебных пособий для учителей и учеников новометодных школ в Средней Азии. Он активно занимался издательской деятельностью и был автором таких учебно-методических книг, как «Алифбои мактаби исломия» («Азбука исламской школы» 1906), «Асбоби савод» ("Предмет знания", 1906), «Мунтахаби чугрофиёи умуми» («Избранное по общей географии», 1906), "Китобат-ул-атфол" ("Книга для детей", 1908), «Амалиёти исломия» («Исламское поведение», 1908), «Мухтасари таърихи ислом» ("Краткая история ислама", 1909), также Карта Туркестана, Бухары и Хивы (1913) и др. Эти учебники М. Бехбуди постоянно рекламировались на страницах газеты «Самарканда» и журнала «Ойина» [32].

Учебное пособие Махмудходжи Бехбуди «Китобат-ул-атфол», переизданный несколько раз на таджикском и узбекском языках, даёт элементарное, но необходимое этическое образование. Она состояла из материалов по правописанию и счету. Причем содержала не только образцы написания цифр и букв, но и материалы, необходимые в жизни даже взрослым. Ее содержание было обусловлено потребностями жизни и прежде всего активизацией делопроизводства и стремлением джадидов активнее вовлекать в управлеческий аппарат кадров из местной национальности. В то же время книга учила детей ведению деловой и личной переписки. И здесь автор придерживается позиции «Хайр ул-умури авсатухо» - «В каждом деле хороша золотая середина», то есть он призывает кдержанности, уравновешенности, объективности в письмах, где человек пытается дать характеристику событиям и людям.

Махмудходжа Бехбуди являлся издателем «Карты Туркестана, Бухары и Хивы» (1913), включающая в себе подробную информацию о географии данных стран, их населении, внутренних среднеазиатских железных дорогах, о движении пароходов и о достопримечательностях городов Туркестанского края, особенно Самарканда, в частности об обсерватории Улугбека с описанием ее истории, иллюстрациями плана и общего вида.

Учебные пособия М. Бехбуди, судя по объявлениям, помещенным подряд в нескольких номерах газеты «Самарканда», были очень недорогими. Несмотря на это, М. Бехбуди сообщил читателям, что созданные им учебники и пособия будут продаваться школам со скидкой в 25 % от указанной в газете цены. Сами объявления же были напечатаны очень ярко и на видном месте первой страницы газеты и перепечатывались в течение трех месяцев - с июля по сентябрь 1913 г. Объявления о продаже учебных пособий М. Бехбуди по доступным ценам также давал журнал «Ойина» в 1913-1914 гг.

Одним из первых учебников и учебно-методических пособий для новометодных школ Средней Азии являлись книги, составленным ташкентским джадидом Мунаввар-Коры Абдурашидхановым. Для своих новометодных школ в 1907 г. он написал учебники для обучения грамоте и языку «Адиби аввал» («Первый наставник») и «Адиби сони» («Второй наставник»), которые имели «большое распространение и приняты также в некоторых русско-туземных школах» [33].

Перу Мунаввар-Коры Абдурашидханова принадлежат и учебники на религиозную тематику. В частности, он явился автором пособия «Таджвид» («Правильность и чистота распевания духовных песен»), которое было призвано облегчить обучение правильному чтению Корана, и составлено в форме вопросов-ответов. Мунаввар-Коры также в 1912 г. подготовил для учеников джадидских школ такие книги, как «Хавоиджи диния» («Мусульманский катехизис»), «Таърихи анбиёй» («История пророков»), «Таърихи исломия» («История ислама») и др., чтобы в очень легкой и доступной форме дети смогли изучать истоки мусульмансства, жизнь Мухаммеда и истории распространения ислама [34].

Джадидский педагог из Самарканда Абдукадыр Шакури писал для своей школы учебники, на издание которых использовал свои средства. Примером может быть его учебник «Рахнамои савод» («Путеводитель грамоты») в соавторстве с Ходжи Муином Шукрулло. Также, перу А. Шакури принадлежат «Джомеъ-ул-хикоёт» («Сборник рассказов») [35], которое являло собой хрестоматию, составленную из коротких, но поучительных рассказов классиков мировой литературы - от Фирдоуси до басен Крылова и рассказа Льва Толстого и «Зубдат-ул-ашъор ё худ адабиёти миллии форси ва турки» («Сборник стихов или национальная персидская и тюркская литература») [36].

Ходжи Муин Шукрулло был составителем хрестоматии «Гулдастай адабиёт» («Букет литературы») [37] и автором учебных пособий «Хониш» («Чтение»), «Роҳбари савод» («Руководство грамотой») и др., которые были изданы в «Нашриёти Шакури». Отметим, что сведения об этих книгах приводятся в большинстве номеров журнала «Ойина», которых можно было приобрести в редакции. Например: «Гулдастай адабиёт» - напечатано недавно на бумаге высшего качества, на 25 страницах, почерком калами. Содержание: персидское и тюркское, стихи национальные, религиозные, назидательные. Поэт и составитель Ходжи Муин - учитель, сын Шукрулло. Можно приобрести в редакции «Ойина». Стоимость 13 копеек. Почтовые расходы от редакции, для школ и реализаторов предусмотрена скидка» [38].

Абдулло Авлони в период с 1909 по 1917 годы написал на узбекском языке такие учебники, как «Биринчи муаллим» («Первый учитель»), «Иккинчи муаллим» («Второй учитель»), состоящий из 6-ти частей, «Адабиёт ё худ миллий шеърлар» («Литература или национальные стихи») в 4-х частях, «Гулистони мактаб» («Цветник школы») и др. Книга «Первый учитель» предназначалась для начальных классов новометодных школ джадидов. Она была настолько необходимым эффективным учебником, что до 1917 г. переиздавалась 5 раз. Книга «Второй учитель», переизданная 3 раза, была направлена на развитие устной речи, правильной интонации и образного чтения учеников. В ней содержится более 50 поэтических и прозаических произведений, в том числе вольные переводы Л.Н. Толстого и И.А. Крылова.

Очень продуктивной была методическая деятельность одного из признанных лидеров джадидов Бухары Садриддина Айни. Он являлся автором таких учебников и книг, как «Тартил-ул-Куръон» («Правильное чтение Корана», 1909), «Заруриёти диния» («Религиозное предписание», 1914г.) и «Тахзиб-ус-сибён» («Воспитание юношества», 1910 г. - первое издание; 1917 г. – второе издание), составленные на таджикском языке. Эти работы имели большое распространение среди бухарских джадидских школ и приняты также в некоторых джадидских школах Туркестана, в частности в новометодной школе "Маориф" ("Просвещение"), организованной Мулло Шарифом под попечительством Исматулло Рахматуллозода в своём доме в квартале Ориф- ходжа города Самарканда. С. Айни в 1915 году преподнёс этой школе 7 экземпляров своей книги для чтения "Тахзиб-ус сибён" [39].

«Тахзиб-ус-сибён» Садриддина Айни - своеобразный учебник в форме переписки отца с сыном Мухаммадом Фаридом, последнего с матерью, братьями и сестрой. Письма призывают к овладению знаниями, воспитывают интерес к жизни, ко всему живому. Из писем видно, какое значение придавал С. Айни общности целей родителей и детей, связи семьи и школы. В этих письмах С. Айни создаёт прообраз культурной семьи. Примечательно, что мать Мухаммада Фарида и его сестра Зайнаб в указанных письмах

выступают как высокообразованные люди своего времени. Мать на письмо своего сына отвечает: «Учись. Будь человеком. Потом по силе возможности будешь служить своей Родине, своему народу и своей нации. Для меня это честь, что я воспитала одного деятеля культурной нации» [40].

Следует отметить, что в этой книге для юношества указаны следующие нормы морали: быть благовоспитанным, гуманным, стремиться к знанию, быть честным, умным, уважать и слушать родителей, быть аккуратным в быту, любить природу и жизнь на земле, оказывать помощь бедным, не быть расточительным и т.д.

### ВЫВОД

В заключение следует отметить, составление и издание учебно-методических книг и дидактико-педагогических пособий джадидами стали важной сферой их книгоиздательской деятельности, содействовавшее формированию светских и прочих европейских элементов в учебно-издательском деле в Средней Азии в начале XX века. В этом процессе заметный вклад внесли видные представители среднеазиатского джадидизма Сайдрасул Азизи, Сайдахмад Васли, Махмудходжа Бехбуди, Абдукадир Шакури, Садриддин Айни, Сиддикӣ Аҷзи, Ходжи Муин Шукрулло, Мунаввар-Кары Абдурашидханов, Исматулло Раҳматуллозода, Маджид Кодыри, Ҳамза Ҳакимзаде Ниязи, Абдулло Авлони и другие.

Все учебно-методические пособия и книги, написанными и изданными среднеазиатскими джадидами, пришли на смену очень мало понятным детям текстам средневековых авторов, давая теперь легкое и занимательное чтение. Правда, большинство составителей таких книг для школьного чтения подражали учебникам турецких и татарских педагогов, но некоторые (С.Айни) были самостоятельны и оригинальны. Подобные учебники, весьма успешно конкурировали с издававшимися в сокращенном виде произведениями, предназначавшимися для старометодных школ.

Джадиды внесли большой вклад в развитие науки, образования, искусства современного общества и национальной культуры. М. Бехбуди, М. Абдурашидханов, А. Фитрат, Зокиржон Фуркат, Саттархон Адугаффаров, Ахмад Дониш, А. Авлоний и многие другие отдавали все свои силы и знания для процветания своей родины, для воспитания и образования по-новому мыслящих людей нового поколения. Современный суверенный Узбекистан свято чтит своих славных отцов, самозабвенно и самоотверженно, служивших родине и народу, продолжает их лучшие традиции в новом глобализирующемся мире.

Как отметил Президент Шавкат Мирзиёев на открытии творческой школы искусств и музея имени Абдуллы Кадыри, наши предки – джадиды Фитрат, Чулпан, Кадыри, Бехбуди, Мунавваркори - не возводили дома и не искали себе богатства. Единственным сокровищем для них были библиотеки, которые они строили на деньги, заработанные тяжелым трудом. [2] В настоящее время во всех информационно-библиотечных учреждениях страны хранятся литературные творения этих авторов.

### Использованная литература

1. Мирзиёев Ш.М. Стратегия нового Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 2021. – 464 с.
2. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на торжественном мероприятии, посвященном Дню учителя // Народное слово, 1 октября 2020 г., – № 207 (7709).
3. Халид А. Политика мусульманской культурной реформы: джадидизм в Центральной Азии. – Беркли – Лос-Анджелес – Лондон: University of California Press, 1998. – 336 с.
4. Дюдуанъон С. Кадимизм: элементы социологии мусульманского традиционализма в татарском мире и в Мавераннахре (конец XVIII - начало XX вв.) // [http://www.kcn.ru/tat\\_ru/politics/pan/index](http://www.kcn.ru/tat_ru/politics/pan/index).
5. Комацу Хисао. Эволюция групповой идентичности у бухарской интеллигенции в 1911-1928 гг. // Воспоминания Исследовательского отдела Тойо Бунко, 1989. – №47. – С. 115-144.
6. Балдауф И. Джадидизм в Центральной Азии в плане реформизма и модернизма в мусульманском мире // Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, таравдиёт ва мустакиллик учун кураш (Жадидчилик, мухториятчилик, истиқдолчилик). – Т.: Маънавият, 2001. – С. 44-53.
7. Расул Ходизода. Чтобы звезды не падали: Восток. роман. – Душанбе: Адиб, 1991. – 431 с.

- 8.Гафаров Н. История культурно-просветительской деятельности джадидов в Бухарском эмирате (начало XX века). – Худжанд: Государственное издательство им. Рахима Джалила, 2000. – 176 с.
- 9.Гафаров Н. У. Джадидизм в средней Азии В конце XIX – начале XX вв. Диссертация на соискание ученой степени доктора исторических наук. – Душанбе. 2013. – 317 с.
- 10.Абдуллин Я.Г. Джадидизм, его социальная природа и эволюция // Из истории татарской общественной мысли. – Казань, 1979. – С. 91-117.
- 11.Муминов И.М. Из истории развития общественно-философской мысли в Узбекистане в конце XIX и начале XX в. – Ташкент, 1957. – 214 с.
- 12.Вахидов Х. Просветительская идеология в Туркестане. – Ташкент: Узбекистан, 1979. – 156 с.
- 13.Алимова Д.А. Джадидизм в Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость. – Ташкент: Узбекистон, 2000. – 24 с.
- 14.Алимова Д.А. Бухара конца XIX – начала XX века и зарождение джадидизма // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1997. – № 9–10-11. – С. 81-93.
- 15.Алимова Д., Раширова Д. Махмудходжа Бехбудий и его исторические взгляды. – Ташкент: Маънавият, 1998. – 40 с.
- 16.Косимов Б. Исмаилбек Гаспирали. – Ташкент: Литература и искусство. Гафур Гулом, 1992. – 48 с.
- 17.Болтабоев Х. Фитрат и джадидизм: Научно-исследовательские статьи. – Ташкент, 2007. – 286 с.
- 18.Мадаева Ш.О. Социально-философские взгляды Абдурауфа Фитрата: дисс. канд. филос. наук.: – Т.: 1995. – 158 с.
19. Махмудова Г.Т. Джадидское движение в Туркестане и его влияние на развитие нравственно-эстетической мысли: Автореф. дисс. канд. филос. наук. – Ташкент, 1996. – 26 с.
- 20.Худайкулов А.М. Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX – начало XX вв.): Дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1995. – 148 с.
- 21.Турдиев Ш. Направление джадидами молодёжи на учебу в Германию // История и самосознание II: Узбекистан и Германия в XX веке. – Ташкент, 2007. – С. 59-62.
- 22.Бехбудий М. Избранные произведения / Тупловчи, сузбоши ва изохлар Б.Косимов. – Ташкент: Маънавият, 1999. – 280 с.
23. Абдулла Авлоний. Избранные произведения. 2 тома. Том 2: Притчи, рассказы, жития пророков, драмы, статьи, воспоминания о путешествиях. – Ташкент: Маънавият, 2006. – 304 с.
- 24.Ходжи Муин. Избранные произведения. – Ташкент, Маънавият, 2005. – 176 с.
25. Амридинова Д.Т. Автореферат диссертации на соискание учёной степени (DSc) доктора философических наук. – Самарканд. 2021. – 67 с.
26. Амридинова Д.Т. Значение духовного наследия джадидизма в развитии отечественного образования // Зарубежная филология. – Самарканд, 2019. – №3. – С. 19-21.
- 27.Тиллаходжаева С., Просветительская деятельность Джадидов // "Народное слово", - №158 (7629) от 29 июля 2020 г.
- 28.Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана // Академик В.В.Бартольд. Сочинения. –Т. II., -4.1. – М.: Наука, 1966. – С. 309.
29. Русский Туркестан. –Ташкент, 1905. – № 198.
- 30.Расулов К. История культуры таджикского народа в первой четверти XX века: Дисс. докт. ист. наук. – Душанбе, 2010. – С. 137.
31. Махмадаминов А. Шинохте андар рисолаҳои арзишманд ва дастурҳои судмандю // Сайд Ахмади Васлии Самарканд. – Душанбе: Шуджоён, 2011. – С.15.
32. Самарканд, 1913, – №31-36, 38,41-45; Ойина, 1913. – № 1-10; 1914, – № 11-40.
33. ЦГА Республики Узбекистан. Ф.47. – Оп. 1. –Д. 1065. Лл. 346 об.
34. Андреев Г. Новометодные школы в Туркестане (Учебники для изучения мусульманской религии: священная история) // Туркестанские ведомости, – № 281. 17 дек. 1915 г.
- 35.Мулло Абдулкодир Шакури. Джомеъ-ул-хикоят. Табъи дуввум. – Самарканд, 1329 (1911). – 72 с.
36. Мулло Абдулкодир Шакурн. Зубдат-ул-ашъор ёхуд адабиёти миллий форси ва турки. – Самарканд, 1329 0911).
37. Ходжи Муин-муаллим ибни Шукрулло. Гулдастаи адабиёт. – Самарканд: Нашриёти Шакури, 1914. – 25 с.
38. Гулдастаи адабиёт // Ойина, 1914. – № 16. – С. 288.
39. Айни Х. Жизнь Садриддина Айни (краткий хронологический очерк). – Душанбе: Дониш, 1982. – С. 45.
40. Айни С. Тахзиб-ус-сибёи. Табъи дуввум. – Самарканд: Матбааи Газаров, 1336 (1917). – С. 44.

**Нашрга проф. С.Чориев тавсия этган**

## ЖАДИД АБДУҚОДИР ШАКУРИЙНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМГА ОИД ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Амридинова Д.Т. (Тошкент амалий фанлар университети)

**Аннотация.** Мақолада жадид Абдуқодир Шакурийнинг Самарқандда янги усулдаги жадид мактабини ташкил килгани, маърифатпарварлик гоялари, жамиятни ислоҳ килиш, инсон манфаатлари масалалари тўғрисидаги қараашлари, ижтимоий характери, фалсафий мазмуну ўз ифодасини топган. Абдуқодир Шакурийнинг янги усулдаги мактабдаги илфор гоялари, замонавий таълим усуллари, дарслик ва ўқув қўлланмалар ёзганлиги, фарзанд тарбиясида миллый ва умуминсоний қадриятлар, меҳнатпарварлик принципларига эътибор қаратганлиги таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** жадид, янги усулдаги мактаб, ўқув дастур, таълим-тарбия, таълим фалсафаси, зиёли шахс.

**Аннотация.** В статье рассматривается создание новогометодного джадидской школы в Самарканде Абдукадир Шакури, идеи просветительства, реформирования общества, взгляды на вопросы общечеловеческих интересов, социального характера, философского содержания. А также, современных методов обучения, написания учебников и учебных пособий, акцентирования внимания на национальных и общечеловеческих ценностях и принципах трудолюбия в воспитании детей.

**Ключевые слова:** джадид, новая школа, учебники, учебная программа, образовательное и просветительское направление учения джадидизма, гармонично развитой человек.

**Annotation.** The article discusses the creation of new method Jadid schools in Samarkand by Abdukadyr Shakuri, the ideas of enlightenment, reforming society, views on issues of universal interests, social characteristics, and philosophical content. And also, modern teaching methods, writing textbooks and teaching aids, focusing on national and universal values and principles of diligence in raising children.

**Key words:** jadid, new school, textbooks, curriculum, educational and enlightened direction of the teaching of jadidism, harmoniously developed person.

### КИРИШ

Мамлакатимизда буюк маърифатпарварларнинг, Туркистонлик жадидларнинг фалсафий-илмий меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш, ёш авлодни аждодларимизнинг анъаналари, миллый ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича ислоҳотлар олиб борилмоқда. Замонавий таълим соҳасидаги ислоҳотлар самарасини ошириш зарурати бу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишлари натижасида ёшларнинг онту тафаккури, дунёқарashi ўзгармоқда. Бу жараёнларда «Миллний тикланишдан — миллний юксалиш сари» гоясининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Янги тараққиёт босқичида ёшлар таълим - тарбияси, яъни баркамол инсоннинг шаклланишига оид, инсониятнинг бой маънавий хазинасидан муносиб ўрин олган тарихий, миллый, маънавий маданий меросимиз, урф-одатларимиз ва қадриятларимиздан самарали фойдаланиш, ёш авлодни ватанпарвар, фидокор, юксак маданиятли, замонавий билимлар ва маънавиятли қилиб тарбиялашнинг асосий омиларидандир.

Жумладан, мамлакатимизда жадид маърифатпарварларининг миллний уйгониш, илм-маърифат тараққиётига қўшган хиссасини аниқлаш, уларнинг маънавий меросини ҳар томонлама чукур ўрганиш, шахс маънавияти, иймон-эътиқод, таълим ва тарбияга оид қараашларини тадқиқ этиш, уларнинг замон руҳига мос гояларидан ёш авлодни муносиб ворислар қилиб тарбиялашда фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.“Биз жадидчилик харакати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чукур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётининг қадрини англаб етади”. Шу маънода, XIX аср охири XX аср бошларида миллатни маърифатли қилиш, жамиятни янгилаш ва барқарорликни таъминлашга қаратилган маърифатпарварлар қараашлари айниқса, Самарқанд жадид маърифатпарварлари Абдуқодир Шакурий томонидан ташкил этилган замонавий мактабдаги ўқитиш усуллари, ёшларда меҳнатсеварликни, бағрикенгликни шакллантиришдаги конструктив аҳамияти ҳар томонлама ўрганилмоқда.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Жадид Абдуқодир Шакурийнинг замонавий таълимга оид ижтимоий-фалсафий гоялари ва концептуал фикрлари ифодаланган меросини ўрганиш хусусан, хорижий олимлар америкаликлар Адіб Холид, [4] Э.Олворт, [5] германиялик И.Балдауф [6], Стефан А. Дюдуаньон [7] каби шарқшунос, тарихчи, файласуф олимлар томонидан олиб борилган. Жадидчилик ҳаракатининг намоёндалари ижоди, уларнинг илмий-маънавий меросига мансуб асарларнинг тадқиқи мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида Р.Ходизода, [8] Н.Гафаров [9] каби олимлар томонидан амалга оширилган. Шунингдек, Ўзбекистонлик жамиятшунос олимларидан Ш.Раджабов, [10] И.Мўминов, [11] М.Фаттоев, [12] Б.Қосимов, [13] Г.Махмудова, [14] Б.Эргашев, [15], Д.Алимова [16] Ш.Ризаев, [17] Қ.Назаров, [18], Ш.О.Мадаева [19] Баҳодир Карим [20], илмий тадқиқот ишларида жадидларнинг ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий, эстетик қарашлари, маориф ва замонавий таълимни ислоҳ қилишдаги жамият тараққиётига йўналтирилган концептуал фикрлар мазмуни мустақил ёндашув асосида ўрганилган.

## МЕТОДЛАР

Мақолани нашрга тайёрлашда, илмий манбалардан фойдаланишда, материалларни тизимлаштиришда ва хулосаларни умумлаштириш жараёнида фалсафий тадқиқотнинг тарихийлик, танқидийлик, анализ, синтез методларидан фойдаланилди. Мақоланинг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарлари, Фармонлари, давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида баён қилинган концептуал гоялар ташкил қиласди. Шунингдек, Самарқандлик жадид Абдуқодир Шакурийнинг ижтимоий-маънавий қарашлари, замонавий таълимга оид фикрларини таҳлил қилиш, мустақил хулосалар чиқариш учун, монографик тадқиқотлар, республика ва хориж миқёсида ўtkazilgan илмий-амалий конференция материаллари, илмий мақолалар, хорижлик олимлар асарларидан фойдаланилди. Шунингдек, жамият тараққиётининг янги даврида оммавий ахборот воситалари, жумладан, интернетда эълон қилинаётган, жадид намоёндаларининг ижтимоий масалалар мазмунини очиб беришга қаратилган фикрлар, Ўзбекистонлик ва хориждаги файласуфлар, тарихчилар, адабиётчиларнинг фикр-мулоҳазаларидан фойдаланилди.

## ОЛИНГАН НАТИЖАЛАР

Ушбу мақолада жадид Абдуқодир Шакурийнинг янги усулдаги мактаб ташкил қилганлиги ва ушбу мактабда замонавий таълим усулларидан фойдаланиш билан бир қаторда, янги ўкув дастурларини жорий қилганлиги келтирилган. Шунингдек, жамиятни модернизация қилиш, ислом маданияти ва қадрияларини тарғиб этиш, янги усул мактаблари тўғрисидаги қарашлари ҳақида тушунча берилган. Натижалар А.Шакурий ўз гояларини илгари суришда дуч келган қийинчиликларни ва уларнинг ўша даврдаги долзарблигини кўрсатади. Мақолада келтирилган таҳлиллар ўқувчиларга А.Шакурийнинг гоялари ва уларнинг замонавий мусулмон жамиятларига таъсирини яхшироқ тушуниш имконини беради. Ушбу маълумотлардан олимлар, файласуфлар, сиёсатчилар, интеллектуал ва сиёсий тарихига қизиқкан одамлар ўзларининг тадқиқотларида фойдаланишлари мумкин.

## МУХОКАМА

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида буюк алломалар ва мутафаккирларнинг илмий, маънавий мероси ўшларда ватанпарварлик, событқадамлик, бағрикенглик, маънавий огоҳлик, инсонпарварлик, комил инсонни тарбиялашда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек “Самарқанд тупроғида вояга етган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдуқодир Шакурий, Сиддиқий-Ажзий, Ҳожи Муин, Абдулҳамид Мажидий сингари ўнлаб маърифатпарвар фидойиларнинг қолдирган ўлмас мероси бугунги кунда ҳам маънавиятимизни юксалтириш, ўшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим манба”дир. Шу сабабли жадид Абдуқодир Шакурийнинг Самарқанд шаҳрида янги усулдаги биринчи мактабни ташкил қилиш гояси, ўзининг таржимаи ҳолида таъкидлашича, мадрасада ўқиб юрган йилларидаёқ, ҳар ёз таътил вақтларида ўз уйида эски усул мактабида ўқитувчилик қилганлиги, аммо таълим-тарбия усулининг қийинлиги, шунинг учун замонавий мактаблар қуриб, мусулмон болаларини

янгича усулда ўқитиш зарурлиги, лекин орзу-истагини амалга ошириш ниҳоятда мушкуллигини таъкидлайди. Умуман олганда, Самарқанд жадидларидан Сиддиқий-Ажзий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Хожи Муин, Сайид Ризо Ализода, Вадуд Маҳмуд, Исматулло Раҳматуллаев ва Абдулҳамид Мажидий кабилар эрк, истиқололга эришиш учун миллий онгни ўстиришда инновацион фоялар зарурлигини пайқадилар. Шу фоялар орқали миллий уйғониш, яъни жамиятни модернизация қилишга чорлаган.

Абдуқодир Шакурий ўз мақсадига эришиш учун бор куч-ғайратини аямади, шу саъй-ҳаракат натижасида, XX асрнинг дастлабки йилларидаёқ Самарқанднинг Ражабамин қишлоғида янги усулдаги мактаб пайдо бўлди. Бу даврнинг таникли олимларидан бири Турсунқул (Отажон Ҳошим) ўзининг «25 йиллик педагог» мақоласида Абдуқодир Шакурийнинг 1901 йилда «уч парта, бир лавҳа, бир устол, бир устули» бўлган янги усулдаги мактаб очиб, муаллимлик қилганлигини таъкидлаган эди. [1] Абдуқодир Шакурий мактаби эски усулдаги мактаблардан ўқитиш услублари билан тубдан фарқ қилган. Мактабда диний ва дунёвий илмлар бирга ўқитилиб, жуда қисқа вақт ичида савод чиқариш йўли танланган эди. Чор ҳукумати бу мактабнинг фаолият кўрсатишига расман моънелик қилмаса-да, аммо унинг маҳаллий амалдорлари томонидан ўқитиладиган фанларнинг дастури қаттиқ назорат қилинар эди. Уларни мактабда ўқитиладиган диний дарслар эмас, дунёвий фанлар ташвишга солган. Бунга сабаб М.Фаттоевнинг эътироф этишича, янги усулдаги бу мактабда арифметика, география, табиатшунослик каби фанларнинг ўқитилиши эди. Ҳукуматнинг маҳаллий маъмурлари Шакурийнинг мактабини тез-тез текширишар, ўқувчиларнинг китоб ва дафтарларини кўздан кечиришарди. [2]

Янги усулдаги мактабнинг пайдо бўлиши, унинг олти ой давомида болаларни саводли қилиб етиштириши мутаассиб қишиларни, эски мактаб домлалари ва маҳаллий амалдорларни ташвишга солди, улар бу мактабнинг изчил фаолият кўрсатишига ҳар қандай йўллар билан қаршилик қўрсатишига ҳаракат қилдилар. Бундай усуллардан бири муллалар томонидан ота-оналарга ўз болаларини бу мактабга беришни ман қилиш ҳақидаги ташвиқоти эди. Кўрқитиш мактабга қарши ташвиқотда фойдаланиладиган энг қулай восита бўлган. Айниқса, бу мактабга борган бола динсиз бўлиб етишади, деб шариат номидан қўрқитиш одатдаги ҳол эди. Ҳатто, мактаб муалими, шу мактабга боласини берган ота-она ҳам коғирга чиқарилган. Шунга ўхшаш қаттиқ тўйсунлик, таъкиб ва камситишлигарга қарамасдан Шакурий ўз педагогик фаолиятини сабр ва бардош билан давом эттириб, мактабни сақлаб қолиши ва унинг моддий базасини мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Шакурийнинг ҳикоя қилишича, у ўз мактаби учун эшак аравада доска ва парталар олиб келганида, газабланган қишлоқ муллалари «Энди уйингизга бирорта бутхона ҳам солинг» деб пичинг қилганлар. Фидойи муаллим Шакурий эса, «керак бўлса, уни ҳам соламиз» деб жавоб берган ва ишини бемалол давом эттирган. «Афсуски, қишилар бу ўқитиш усулининг фойда ва ҳақиқатидан воқиф эмас эдилар, – деб ёзади Абдуқодир Шакурий, - Менинг ўзим ва мактабим ҳақида баъзилар таъриф-тавсиф, баъзилар эса ёлғон хабарлар тарқатар эдилар. Болаларнинг мактабга келиши ва кетиши вақтсиз, тартибсиз эди. 3-4 та доимий шогирдларимдан ташқари, бошқа болалар сабрсизлик қилардилар, баъзилари бир ой, икки ой, уч ёки тўрт ой ўқиб хеч қандай руҳсатсиз мактабдан кетиб қолар эдилар». [3]

Марказий Осиёда замонавий ўқув дастурларини ишлаб чиқишида жадид намоёндаларининг шунингдек Абдуқодир Шакурийнинг фаолияти ҳам кўзга ташланади. Жадидлар жаҳонда рақобатлаша оладиган замонавий зиёли шахсларни тарбиялаш ва жамиятни ижтимоий-иктисодий томондан ривожлантиришга астойдил ҳаракат қилишган. Ушбу мақсадга эришиш учун Абдуқодир Шакурий дарслик, амалий ўқув дастурлар орқали ўқувчиларга замонавий билимларни ўргатган.

Жадид А.Шакурий томонидан яратилган ўқув дастурининг ўзига хос хусусиятларидан бири амалий кўнникма ва касб-хунарга ўргатиш бўлган. Бунда жамият билан ҳисоблашиш, ўқувчиларга кундалик ҳаётда фойдали бўладиган амалий кўнникмаларни ўргатиш зарур, деб ҳисоблаган. Натижада, улар замонавий иқтисодиётни ривожлантириш учун муҳим бўлган қишлоқ хўжалиги, муҳандислик ва тадбиркорлик каби

фанларни ўқитилишига эътибор қаратиши. Касб-хунар таълимидан ташқари, фан, математика ва техникага, шунингдек, хорижий тилга ҳам катта аҳамият берганлар. Уларнинг фикрича, ушбу фанлар замонавий илмий тафаккурни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга ва талабаларни танқидий фикрлаш ва ўзаро фикр алмашиш кўникмаси шакланади. А.Шакурий бу мавзуларга устувор аҳамият бериш орқали замонавий жамият ривожига ҳисса қўша оладиган билимли фуқароларнинг янги авлодини яратишга умид килган.

Абдуқодир Шакурий нафақат мактаб очиб, дарс берди, ташкилий ишлар билан ҳам шуғулланди, балки ўқувчиларга мос равишда китоблар яратди ва шулар асосида болаларни ўқитди. Муаллим томонидан ёзилган китоблар ўз маблағи ҳисобидан нашр қилинди. Бу эса янги усулда ўқиш-ўқитиш ишларининг самарадорлигини оширишга олиб келди. Шакурийнинг ана шундай дарслеридан бири алифбо китоби бўлиб, «Рахномойи савод» (“Савод чиқариш раҳбари”) деб аталади. Бу китоб сўзларни бўғинларга бўлиб ўқиш учун мўлжалланган кичик хрестоматия ҳисобланади. Муаллим Абдуқодир Шакурий томонидан 1907 йилда ёзилган иккинчи китоб «Жомеул-хикоят» (“Хикоялар тўплами”) бўлиб, бу дарслерда мумтоз ёзувчилар ва таржима асрларидан кизиқарли мавзу ва матнлар танлаб олинган. Буларни болалар зўр ҳавас ва қизиқиш билан ўқирдилар, чунки бу матнларнинг мазмуни тушунарли, тили равон ва содда эди. Шуниси диққатга сазоворки, келтирилган ҳар бир хикоянинг охирида муаллиф ахлоқ-одоб, хуллас, тарбияга оид қисқа-қисқа хуносалар келтиради. Китобда Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Жомий асрларидан олинган хикоя, газал ва масаллардан ташқари, рус мумтоз ёзувчиларининг асрларидан таржима килинган ўнта ҳикоя ва масаллар киритилган.

Абдуқодир Шакурий янги мактаб тажрибасини ўрганиш мақсадида нафақат Кўкон шаҳрига бориб, биринчи очилган мактаб билан танишган, балки қўшни Туркиядаги таълим-тарбия соҳасидаги янгиликлардан хабар топгач, 1912 йилда бу мамлакатга сафар қиласди. Туркияning Истамбул шаҳрида бўлиб, кўқонлик, тошкентлик, бухоролик талабалар билан танишади. Талабалардан бири Фитрат бўлиб, шу даврда у ўз асрлари билан зиёли ва талабалар орасида анча машҳур эди. Абдурауф Фитратнинг «Мунозара», «Ҳинд сайёҳи» асрлари ҳамда «Сайха» деб аталган биринчи шеърлар тўплами кенг тарқалган бўлиб, қўлдан-қўлга ўтиб ўқилар, китобхонлар оммасига анчагина манзур бўлган эди. Маърифатпарвар педагог Шакурий ўзининг бутун сайъ-харакатини янги усулдаги мактабни ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга сарфлади. Мактаб тизимиға ўқиш-ўқитишнинг янги, кўп йиллик тажрибалари асосида савод ўргатишнинг энг самарали усулларини қўллади, ҳатто ўзи ташкил қилган мактаб учун дастурлар тузди, дарслик ва ўкув қўлланмалар яратди, уларни нашр қилдирди. Янги усулдаги мактаб ташкил этиш, уни доска, парталар билан таъминлаш, она тилида ёзилган, маънавий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлган ҳикоялар, таржима қилинган китоблардан матнларнинг ўкув дастурига киритилиши Шакурийдан фидойиликни талаб қилди. Шакурий томонидан Самарқандда биринчи мактабнинг очилиши, янги услугга асосланган мактабларнинг кўпайиши ва маърифатпарварлик гояларининг кенг қанот ёйиши учун туртки бўлди.

## ХУЛОСА

XIX асрда Марказий Осиёда пайдо бўлган жадидчилик ҳаракати, янги усулдаги таълим ва маърифатпарварлик гоялари минтақадаги таълим тизимиға катта таъсир кўрсатди, жумладан, Абдуқодир Шакурий маънавий мероси илм-фан, рационаллик ва танқидий фикрлашни тарғиб қилиш орқали ислом таълимотини ислоҳ қилиш ва жамиятни модернизациялаштиришга интилди. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Марказий Осиёда замонавий таълимни ривожлантиришда, ўкув дастурларини ишлаб чиқишида жадидчиликнинг ўрни катта. Жадидлар амалий кўникмалар, илм-фан, тил ва маданиятга катта эътибор қаратиб, бугунги глобаллашув шароитида замонавий илм-фанларни яхши эгаллаган, билимли фуқароларнинг янги авлодини шаклантиришга ёрдам бердилар.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: O'zbekiston, 2021 йил. – 464 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020, 25 январь, – №19 (7521) сони.
3. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 178 б.
4. Khalid, Adeeb. The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia. Berkeley: University of California Press. 1998. <http://ark.cdlib.org/ark:/13030/ft8g5008rv>.
5. Edward A. Allworth. Evading Reality: The Devices of 'Abdalrauf Fitrat, Modern Central Asian Reformist. Boston.: Brill Leiden. 367 pages.
6. Baldauf Ingeborg. Jadidism in Central Asia within Reformism and Modernism in the Muslim World // Die Welt des Islams, New Ser. Vol.41, Issue 1. (Mar., 2001).
7. Стефан А. Дюдуанъон. Кадымизм: элементы социологии мусульманского традиционализма в татарском мире и в Мавераннахре (конец XVIII – нач XX вв.) – Казань: Институт истории АН Татарстана, 1997.
8. Расул Ходизода. К не звезды падают: Ист. роман. – Душанбе: Адиб, 1991. – 431 с.
9. Гафаров Н.У. Книготорговые товарищества джадидов в Средней Азии. Вестник РТСУ.
10. Раджабов Ш. Джадидизм и Туркестане (1905—1917 гг.). Тезисы на диссертации на соис. уч. ст. канд. ист. наук. – Ленинград, 1937.
11. Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924гт.). – М., 1960. – С. 259.
12. Муминов И.М. Из истории развития общественно-политической мысли в Узбекистане конца XIX – начало XX вв. – Ташкент, 1957.
13. Фаттоев М. Атоқли педагогларимиз. – Тошкент: Ўқитувчи, 1988. – 456 б.
14. Косимов Б., Юсупов Ш., Долимов Д., Ризаев Ш., Ахмедов С. Миллий уйгониш даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Маънавият, 2004.
15. Эргашев Б.Х. Из истории становления и развития общественно-политических идей джадидизма. Идеология молодобухарцев: дисс. на соис. уч. ст. док. фил. наук. – Бухара. 1993. – С. 314.
16. Алимова Д. Туркистон жадидларининг мусулмон маданиятига оид қарашлари // Имом Ал-Бухорий сабоқлари, 2001. – №3. – Б.206-208.
17. Ризаев Ш.Т. Ўзбек жадид драматургиясининг шаклланиши манбалари: фил. фан. номзоди... дисс. автореф. – Т., 1995. – 28 б.
18. Назаров К. Ўзбек фалсафаси. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2013. – 212 б.
19. Мадаева Ш.О. Абдурауф Фитратнинг ижтимоий – фалсафий қарашлари: фал. фан. номзоди... дисс. – Т., 1995. – 158 б.
20. Баҳодир Карим. Жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд. – Т., 2000. – 99 б.
21. Ингеборг Балдауф. Маҳмудхўжа Бехбудий Фаластинда // XX аср ўзбек адабиётига қизиғчилар. – Т.: Маънавият, 2001. – 30 б.
22. Баҳодир Карим. Янгиланиш соғинчи. – Тошкент: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт жамғармаси», 2004. – 80 б.
23. Абдуқодир Шакурий. Жомеул ҳикоят // Самарқанд, 1911. – Б. 64-65.
24. Маҳмудхўжа Бехбудий. Ўқувчиларга ёрдам керак // Ойина, 1914, 31-сон. – Б. 601-604.
25. Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 1997. – 280 б.
26. Фаттоев М. Атоқли педагогларимиз. – Т.: Ўқитувчи, 1988. – Б. 10-12.
27. Турсункул (Отажон Ҳошим). 25 йиллик педагог // Маориф ва ўқитувчи, 1926. 4-сон.
28. Амридинова Д.Т. Маҳмудхўжа Бехбудий фалсафий меросининг комил инсонни шакллантириш жарабёнидаги роли // НамДУ Илмий ахборотномаси. – Наманган, 2022. – №6. – Б. 308-313.
29. Амридинова Д.Т. Маҳмудхўжа Бехбудий ва Абдуқодир Шакурий ижодида тил, тарбия ва жамият ислоҳоти масалалари // Ҳозирги дунё лисоний қиёфаси ва тилшуносликнинг методологик асослари // Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд, 2007. – Б. 71-73.

**Нашрга проф. С. Чориев тавсия этган**

## ИМОМ АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ – КАЛОМ ИЛМИНИНГ ЕТУК МУТАКАЛЛИМИ

**Адашова М.М. (ТДИУ)**

**Аннотация.** Мазкур мақолада калом илмининг етук мутакаллими имом Абу Мансур Мотуридийнинг ҳаёт фаолияти, ижтимоий келиб чиқиши, шахс сифатида шаклланиши ва камол топишида устозларининг буюк хизматлари тўғрисида маълумотлар берилган. Шунингдек, олимнинг илмий фаолияти ва юксак салоҳиятини юксак баҳолаб, кўплаб уламолар томонидан берилган тавсифлардан намуналар келтирилган.

**Таянч сўзлар:** *Ином Абу Мансур Мотуридий, калом фалсафаси, ақида, мутакаллим, мотуридия таълимоти, фалсафа, ижтимоий муҳим.*

**Annotation.** This article provides information about the life activity, social origin, formation and maturity of Imam Abu Mansur Moturidi, a mature scholar of the word, and the great services of his mentors. Also, examples of the descriptions given by many scholars are given, highly evaluating the scientist's scientific activity and high potential.

**Key words:** *Imam Abu Mansur Moturidi, philosophy of the word, aqeedah, mutakallim, doctrine of Moturidi, philosophy, social environment.*

**Аннотация.** В данной статье представлены сведения о жизненной деятельности, социальном происхождении, становлении и зрелости имама Абу Мансура Мотуриди, зреющего ученого слова, и о великих заслугах его наставников. Также приведены примеры описаний, данных многими учеными, высоко оценивающими научную деятельность ученого и высокий потенциал.

**Ключевые слова:** *имам Абу Мансур Мотуридий, философия слова, ақида, мутакаллим, учение Мотуриди, философия, социальная среда.*

Абу Мансур Мотуридий – буюк мутакаллим, имом, фикҳ олими ҳамда ақида ва калом илмининг мотуридийлик йўналиши асосчисидир. Абу Мансур Мотуридий милодий 870 (хижрий 256) йилда Самарқанд вилоятининг Мотурид (ҳозирги Жомбой тумани) қишлоғида дунёга келади. Бу ҳақида шайх Абдулазиз Мансурнинг “Ақоид матнлари” номли асарида қўйидагича маълумот берилган: “Тўлиқ исми шарифлари — Мухаммад ибн Мухаммад ибн Маҳмуд ал-Мотуридий ас-Самарқандий. Мотурид — Самарқанд яқинидаги қишлоқлардан бирининг номи. У ҳозирда бузилган шаклда Матрит дея аталади. Аслида эса, манбаларда айтилишича, қишлоқнинг номи арабча “Мотурид” сўзидан олинган. Маъноси “Нима демоқчисан?” [1; 2] деган маънони англатади. Тарихчи олимларнинг маълумотларига қараганда, Имом Абу Мансур Мотуридий калом илмининг етук мутакаллими сифатида донг таратиб, калом фалсафасини ривожлантиришга ружу қилган вактларида, унинг шогирдлари жудаям кўпайиб кетган ва улар ўзаро мулоқот қилганларида бир-бирларига қараб, араб тилида кўпинча «Мотурид» деб мурожаат қилганлар. Шу сўз ерлик аҳолининг қулоғига тез-тез чалинавергач, Шайх шогирдларини “Мотуридийлар”, улар истиқомат қилаётган жой номини эса, “Мотурид” деб атай бошлиганлар. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бирорта ҳам тарихчи Имом Абу Мансур Мотуридийнинг таваллуд куни ҳусусида ҳанузгача аниқ маълумот бермайди. Бу тўғрисида олимларнинг илмий фаолиятида ҳатто бир қатор тортишувлар ҳам мавжуд. “Алломанинг таваллуд санаси ҳусусида ҳам турли ихтилофлар бўлган. Аксарият манбаларда 256/870 йил деб кўрсатилган. Бироқ, араб тадқиқотчиси Мухаммад Айюбнинг таъкидлашича, Мотуридий тахминан 238/853 йил атрофида туғилган. Унинг эътибор беришича Мотуридийнинг устозларидан Мухаммад ибн Муқотил ар-Розий 248/862 йили Нусайр ибн Яҳё ал-Балхий эса 268/881 йили вафот этган. Агар 256/870 йилда туғилганлиги тахмин қилинса, устози Мухаммад ибн Муқотил вафот этганида у ҳали дунёга келмаган, Нусайр ибн Яҳё вафот этган пайтда 11 ёшли бола бўлганлиги келиб чиқади. Бу эса, ҳақиқатдан йироқдир. Бизнинг фикримизга кўра, Мотуридийнинг 238/853 йил атрофида таваллуд топгани мантиқа яқинроқдир. Бунга юқоридаги статистик маълумотлар ҳам гувоҳлик бермоқда. Шунингдек, Мотуридийнинг яна бир асосий устози Абу Наср ал-Иёдийнинг (вафоти 275/889 й.) вафот этган санасига эътибор берсак, ўша пайтда Мотуридий энди 19 ёшга тўлган ўсмри бўлган. Бу ёшда унинг Иёдийдан калом илми бўйича тўлиқ сабоқ

олишга улгурганини тасаввур қилиш қийин” [2; 57]. Айрим олимлар томонидан алломанинг насл-насаби буюк ансорийларга бориб тақалади, деган фикрлар ҳам илгари сурилган. Бир қатор олимлар Имом Абу Мансур Мотуридийнинг насллари динимиз раҳнамоси Мухаммад (с.а.в.)нинг милодий 622 йилда Макка шаҳридан Мадинаи мунавварага ҳижрат қилганларида ўз уйидан жой берган машхур саҳоба - Абу Айюб Холид ибн Зайд ибн Кулайб ал-Ансорий ҳазратлариға бориб етади, деб маълумот берадилар. Бу холатни айрим муаррихлар буткул рад этганлар. Олимнинг таваллуд куни тўғрисида тарихий манбаларда аниқ ва қатъий маълумот йўқ, лекин тахминий ёки тақрибий саналар тақдим этилган. “Масалан, унинг аббосий ҳалифалардан Мутаваккил (232-247й.) даврида яшаганлари аниқ. Яна, Мухаммад ибн Муқотил ар-Розий (ваф. 248 й.) ва Насир ибн Яйё ал-Балхий (ваф. 268 й.) каби устозларидан сабоқ олганликлари назарда тутилса, Шайхнинг туғилган йилини 238 й. деб тахмин қилиш мумкин. Лекин бошқа манбада, аникроғи «Ислом» қомусида туғилган йиллари 870 милодий йил деб кўрсатилган. Шунга асосан 2000 йилда таваллудларининг 1130 йиллиги нишонланди. Бу ҳисобга кўра, Шайх таваллудлари 257 й. йилга тўғри келади” [1; 3].

Имом Абу Мансур Мотуридийнинг ҳаёти, ёшлиқ даврлари ва илмий фаолияти тўғрисида у қадар қўп маълумотлар берилмаган. “...асосан ўрта асрлар муаллифлари Хатиб ал-Боғдодий, Абдулкарим Саъд Самъоний, Абул Фидо Зайниддин Қосим ибн Қутлубғо, Мухитдин Қураший, Кафавий, Абул Муин Насафий, Ҳожи ҳалифа”[3;240] нинг асарларида олимнинг ёшлиқ йиллари, маънавий мероси ва илм-фанга қўшган улкан ҳиссаси борасида муфассал бўлмаган аммо қиймат жиҳатидан кимматли маълумотлар берилган. Имом Абу Мансур Мотуридийнинг ота-онаси ҳамда унинг туғишганлари тўғрисида эса бирорта ҳам манбада маълумотлар қайд этилмаган.

Абу Мансур Мотуридий фиқҳ олими ҳамда қалом илмининг етук олими сифатида ном қозониб, ўз давридаёқ ““Имом ал-худо”, “Имом ал-мутакаллимин” (“Ҳидоят йўли имоми”, “Мутакаллимлар имоми”) номлари билан улуғланган” [4; 162]. Шунингдек, “таникли муаррих ал-Кафавий ва бошқа қатор муаллифлар ёзишларича, Абу Мансур Мотуридий ўз замонасидаёқ “... “Қудват аҳл ас-сунна вал ихтидо” (“Суннат ва ҳидоят ҳалига ибрат зот”), “Рофиъ аълом ал ас-сунна ва-л-жамоа” (“Аҳли сунна вал жамоанинг байрогини баланд кўтарувчиси”), “Қолиъ азолийўл ал-фитна ва-л-бидъат” (“Хурофот ва бидъатга ботган уйдирмаларни илдизи билан кўпорувчиси”), “Имом ал-мутакаллимийн” (“Барча мутакаллимларни имоми”), “Мусаххиҳ ақоид ал-муслимийн” (“Барча мусулмонлар ақидаларининг тузатувчиси”), аш-Шайх ал-Имом каби юксак лақабларга ҳам сазовор бўлган аллома сифатида тан олинган” [5; 4]. Имом Абу Мансур Мотуридий Имом Ашъарий, Рудакий, Абул Ҳасан Балхий, Абу Наср Фаробий каби олимлар билан бир замонда яшаб, буюк мұхаддис – Имом Мухаммад ал-Бухорийни ўзининг маънавий устози, деб билган. “Машхур тарихчи олим, шоир ва истеъдодли саркарда Заҳириддин Мухаммад Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида ушбу тарихий ҳақиқатни ажойиб тарзда баён келтирган:” Ҳазрати Рисолат паноҳ (Пайғамбар алайҳиссалом) замонларидан бери Мовароуннахрда шунчалик миқдорда ислом имомлари пайдо бўлдиларки, дунёнинг ҳеч бир мамлакатида бунчалик кўп пайдо бўлмагандир.” Дарҳақиқат муқаддас заминимиз илм оламига энг забардаст, энг салоҳиятли алломаларни етказиб бердики, ҳозирги даврга келиб, бу ҳақиқатни бутун дунё илм ва маърифат аҳли бир сўз ила тасдиқ этишा�ётир” [6;9].

Абу Мансур Мотуридий дастлабки маълумотни отаси Мухаммад ибн Маҳмуддан олади, сўнгра Самарқанддаги Работи ғозий масжиди қошидаги ал-Аёзий мадрасасида таҳсил олиб, маҳаллий ҳанафий фақиҳларидан таълим олади. Имом Абу Мансур Мотуридийга Абу Бакр Аҳмад ал-Жузжоний, Абу Наср Аҳмад ибн ал-Хусайн ал-Иёдий, Нусайр ибн Яхё ал-Балхий, Мухаммад ибн Муқотил ар-Розий каби мударрислар устозлик қилишган. Абу Мансур Мотуридий устозлари қўлида илм бобида тақволи ва саҳоватли шогирдлик вазифасини ўтаб чиқиб, ўзининг буюк иқтидори ҳамда салоҳиятини намоён этади. Маълумот тариқасида келтириб ўтиш лозимки, Имом Абу Мансур Мотуридийнинг устозлари ёки шайхлари Имоми Аъзам Абу Ҳанифа Нўймон ибн Собит (699-769) нинг шогирдлари ҳамда шогирдларининг шогирдлари бўлганлар. Аҳли-сунна вал жамоа

акидалари ёзилган бир қанча муаллифларнинг асарлари бор эди. Лекин ушбу асарлар жуда ва етарли мукаммал даражада хужжатли далиллар инкор этиб бўлмайдиган саъвияда шаклланган эмас эди. Эътиқод масалалари у вактда, ўлда-жўлда бўлиб саҳих эътиқод белгилаб олган далиллар ва хужжатлар етарли ҳолда аниқланган эмас эди. Мана шу даврда илф-фан саҳнасига янги сиймо ўзининг қатъий далиллари ва рад этиб бўлмас ҳақиқатлари билан кириб келиб, илм ахлини караҳт ҳолатга келтиради. Буюк мутакаллим калом фалсафасини мукаммал тарзда, ўзига хос услугуб ва изчилликда ривожлантириб, ақида илми, дин ва шариат аҳкомларини асоссиз равишда бузиб, нотўғри хулосаларни баён этаётган, ҳалқ онгини ботил ғоялар билан тўлдираётган ҳамда турли ғаразлари мақсадларни кўзлаган гурухларнинг барча таълимотларига илмий асосланган раддиялар бериб, уларнинг соҳта илмий ғаразларини фош этишга муваффақ бўлади. Абу Мансур Мотуридий ўзининг мотуридия илмий мактабини шундай ташкил этдики, жамиятдаги барча ақидавий ҳамда фиқҳий масалалар ўз вактида тўла-тўқис ечимини топа бошлади. Олим ўз зиммасига жуда катта масъулиятни олиб, илм денгизидан ноёб жавоҳирлар топиб, ҳар қандай соҳта маълумотлар ва ёлғон тўқималардан ҳоли бўлган соф калом фалсафасини яратишга муваффақ бўлди. Шу ўринда савол туғилади. Калом фалсафаси нима? Унинг бошқа фалсафий таълимотлардан қандай фарқи бор?

Калом илми – ислом динининг асосий ғоявий-мафкуравий қарашларини баён этувчи, ақидавий масалаларни кенг доирада ёритиб, унинг назарий асосларини мантиқий далиллар воситасида тадқиқ этувчи ислом фалсафасининг муҳим соҳаси ҳисобланади. “Калом” сўзи араб тилидан таржима қилинганида, сўз, нутқ ёки баён қилиш деган маъноларни англатади. “Илмий тилда у мантиқ ва фалсафа қоидаларига асосланган ақл ва тафаккурнинг маҳсули ўлароқ алоҳида фан сифатида таърифланади”[7; 253]. Олимларнинг таъкидлашича, калом ақида ёки ақоид илмининг номларидан бири ҳисобланаби, “Илмул калом” бу номларнинг ичидаги ёнг машҳури саналади. ““Илмул калом” ақоиднинг ёнг машҳур исми ҳисобланаби, «ал-Фиқҳул ақбар» исми билан бир асрда, яъни II/VIII асрда юзага келган. Чунки бу исм Ином Абу Ҳанифа, Ином Шофиъий, Ином Молик ва бошқалардан ривоят қилинган”[8;8]. Даврлар ўтиб, илм-фан соҳалари янгича номлар билан атала бошлади. Хусусан, калом илми ҳам ғарблик олимлар ва турк шарқшунослари томонидан “Теология” ёки “Илоҳиёт” илми сифатида эътироф этила бошлади. Калом тушунчасига дунё олимлари ва файласуфлари томонидан кўплаб таърифлар берилган бўлиб, хусусан юонон файласуфлари томонидан ёзилиб, кейинчалик араб тилига таржима қилинган асарларда “калом” тушунчасини “сабаб”, “далил” ёки “сўз” маъноларини ифодаловчи “logos” атамасининг таржимаси сифатида кўлланилгани олимлар томонидан тадқиқ этилган. Яна бир олим Гарри Острин Вольфсон (1887-1974)-америкалик умумий ва яхудийлик фалсафаси тарихчиси ўзининг “Калом фалсафаси” номли асарида “калом” атамаси маъно жиҳатидан “жумла”, “сўз” деган тушунчаларни ифода этиши тўғрисида маълумотлар берган. Каломни ақоид илмининг номи сифатида ишлатилганилиги тўғрисида улуғ аллома Тафтазоний (1322-1390) шундай таъриф берган: ”У кўп ҳолларда қатъий далиллар устига нақлий далиллар билан курилган, у қалбда ёнг таъсири кучли илм бўлиб, “яралаш” ва “жароҳат” сўзлари ўзагидан олинган калом билан номланган” [9; 71]. Калом фалсафаси-ақлга таяниб, ислом динига мансуб мураккаб масалаларни исломнинг ишончли манбалари асосида шархлаш ва муқобил ечимини топиш учун мўлжалланган фан соҳаси ҳисобланади. Калом фалсафаси рационаллик тамойилини маҳкам тутиб, ислом динидаги онтологик, гносеологик, аксиологик, шунингдек, бир қатор фиқҳий масалаларни ҳамда фан соҳаларини ёритишида қатъий далилларга асосланиб эмас, балки ақлга таяниб, фикр ёки масаланинг рамзий-мажозий томонини шархлашга ёрдам берадиган фан соҳаси ҳисобланади. Ислом дини ғояларининг ер юзи бўйлаб ёйилиши ҳамда турли ҳалқлар, тиллар ва маданиятлар билан юзлашиши турфа хил фалсафий оқим ва йўналишларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Натижада ислом дини ғояларининг асл моҳиятини талкин этиш борасида қарама-карши фикрлар, ихтилофлар ва айрим масалаларда кескин зиддиятлар вужудга кела бошлади. Мазкур ҳолатни ҳам диний ҳам дунёвий илм негизида баён этиш, ислом динининг соф ақоид қоидаларини сақлаш, химоя қилиш ҳамда турли

фалсафий оқим ва гурухларнинг ислом дини эътиқодига зид бўлган масалалар юзасидан билдирган мухолиф фикрларига қарши раддия бериш мақсадида калом илми вужудга келди. Калом илмининг ислом фалсафаси доирасида пайдо бўлиши VIII асрда Араб ҳалифалигида фаолият юритган асосчилари Восил ибн Ато (699-748) ва Амр ибн Убайд (762 й. ваф. эт.) ҳисобланган мұтазилийлик (араб.-ажралиб чиққанлар, адашганлар) оқимининг вужудга келиши билан боғлаб ўрганилади. Мұтазилийлар – илоҳиёт оқимларидан бири бўлиб, “Қуръонни диний ҳақиқатнинг манбаи деб эътироф этади, уни сўзма-сўз эмас, мажозий талқин қиласидар, ривоятларга кўр-кўёна ишонишга қарши чиқадилар” [4; 27]. Улар “Қуръон махлукдир”, яъни у яратилган деган гояни илгари суреб, тарихда кўплаб ботил ишларни қилишга муваффақ бўлишган. Мұтазилийлар калом фалсафасини “соф диний-ақидавий таълимотларни шархловчи фан соҳаси” деган никоб остида халқ онгини заҳарлаб, ўзининг бидъатона мушоҳадаларини баён қилганлар. Мұтазилийларга қарши чиқиб, соф ақида ва калом илмини тадкиқ этиш мақсадида мутакаллимлар жамоаси етишиб чиқа бошлади. Фанда калом фалсафаси билан шуғулланувчи олимлар – мутакаллимлар деб номланган. “Мутакаллимлар – ислом илоҳиёт олимлари. Улар ислом диний-ақидавий таълимоти – каломни асослаб берган. Ҳозирги ислом руҳонийлари ва уламоларига нисбатан мутакаллим атамаси қўлланилмайди, у тарихий тушунчага айланган” [4; 206]. Мутакаллимлар диний-ақидавий масалалар билан боғлиқ барча нарса, воқеа, ҳодиса ва жараёнларни шархлашда мантикий ёндашув усулини афзал кўрган. Улар ўзининг фикр-мулоҳазаларини баён қилишда Қуръони Карим ва суннатда белгиланган қатъий коидалардан четга чиқмаган ҳамда уларга зид ҳаракат қилмаган. Мутакаллимлар калом фалсафасида киёслаш усулидан кенг фойдаланган ва билдирилган фикрларни муқаддас манбаларда келтирилган далиллар асосида, агар далили аниқ келтирилмаган ҳодиса бўлса, энг яқин ва муқобил ечимларни топишга уринганлар.

Калом илми фан сифатида мусулмонлар орасида фалсафа фани ҳали тўлиқ шаклланмасидан олдинроқ пайдо бўлган эди. Унинг назарий асослари аллақақочон ишлаб чиқилган эди. Калом илми VIII асрда ёз ўзининг предметига ва тадқиқот объектига эга эди. Гарчи бу даврда калом илми ва фалсафа алоҳида фан соҳалари сифатида тараққий этган бўлсада, XII асрга келиб, улар бир-бирини маъно жиҳатидан тўлдира бошлаган. Шунинг учун ҳам калом фалсафасининг намоёндалари унинг тарихий тараққиёт босқичини икки даврга бўлиб ўрганишни тавсия қилган.

**1-босқич:** VIII - XII асрлар – калом илми ва фалсафанинг алоҳида мустақил фан соҳалари сифатида тараққий этиши;

**2-босқич:** XII аср ва ундан кейинги даврлар – калом илми ва фалсафанинг бирлашуви ҳамда уйғунлашуви даври.

Имом Абу Мансур Мотуридий нафақат мутакаллим балки ақида ва калом илмининг моҳир муфассири ҳам ҳисобланади. Муфассир ким? Муфассир – ислом динининг муқаддас манбаси Қуръони Каримда нозил қилинган оятлар, яъни калималарнинг маънолари, мазмун-моҳияти, хукмлари ва тузилмаларини тушунтириб, шархлаб берувчи олим ҳисобланади. Яна бир маъноси Қуръон ояtlарида яширган ҳикматни очиб берувчи, маъноларни ёритиб берувчи шахс. Муфассирларнинг мазкур фаолияти тафсир қилиш деб аталади. Тафсир сўзи араб тилидан таржима қилганда очиб бериш, баён қилиш, равшан қилиш деган маънони англатади. Имом Абу Мансур Мотуридий Қуръони Карим ояtlарини баён қилишда ҳам тафсир ҳам таъвил усулларидан самарали фойдаланган. Имом Абу Мансур Мотуридийнинг буюк мутакаллим ва моҳир муфассир бўлганлиги, унинг ўзига хос шахсияти ва илмий қобилияти тўғрисида жуда кўп олимлар ўз асарларида фикр мулоҳазаларини баён қилишган. Хусусан, мотуридия таълимотининг энг йирик намояндларидан бири Абул-Муин ан-Насафий калом илмининг сultonи Имом Абу Мансур Мотуридий ҳақида шундай дейди: “Абу Мансур Мотуридий имомларнинг улуғи ва миллатнинг устуни эди. Унинг Қуръонга ёзган тафсири барча чигалликларни очиб берувчи, инсон қалбидаги шубҳали қора булатларни хайдовчи ҳамда ниҳоятда болиғ васф илиа яратилган асардир. Аллоҳ шундай китобни ёзган зотга ўз саломини йўлласин” [5; 45]. Манбаларда келтирилишича: “Мотуридий агар бирор бир мажлисда иштирок этмай қолса,

хатто унинг устози Абу Наср ал-Иёдий ўз шогирдига нисбатан чексиз ҳурмат ва муҳаббатининг изҳори сифатида ўша мажлисда бирор сўз ҳам айтмас экан. Агар у Абу Мансур Мотуридийни узоқдан кўриб қолса, таажжуб билан унга тикилиб турар ва “Роббинг сени ўзи хоҳлаган ва ихтиёр қилгандек яратган”, – деб жилмайиб кўяр эди” [5; 46]. Шеърият мулкининг султони Мир Алишер Навоий ўзининг “Насойим ул-муҳаббат” номли асарида шайх ҳазратларини шунда эҳтиром билан ёдга олади: “Шайх Абу Мансур Мотуридий ўз замонининг аълам уламоси эрмиш. Ул вақт уламоси аларни “Султону-л муиззин” дер эрмишлар. Зохир ва ботин улумлари била ораста эрмишлар.” [10; 7] Мана шундай юксак эҳтиром ва мақтовлар эгаси сифатида Имом Абу Мансур Мотуридий “аҳли сунна вал жамоа” йўналишининг соф ақидавий қоидалари ва шариатдаги меъёрларини оммага таништиришга, тушунтиришга ва илмий асосларда баён қилишга муваффақ бўлган олим бўлиб шаклланди.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳазрати шайх Абу Мансур ал-Мотуридийнинг буюк олим сифатида шаклланишида ул зот яшаган ижтимоий-маънавий муҳитнинг таъсири, оиласдаги мавжуд ахлоқий тарбия ва устозларининг бекиёс хизматлари шунингдек, Аллоҳ таоло инъом этган юксак иқтидор ва улкан салоҳият муҳим омил сифатида хизмат қилди. Гарчи улуғ аллома милодий IX-X асрларда яшаган ва шу даврлар оралиғида илмий фаолият олиб борган бўлсада, буюк аллома асос солган мотуридийлик таълимоти ва мазкур таълимот доирасида янада равнақ топган ислом фалсафаси, ақида ва қалом илми дурдоналари шунингдек, ислом фикҳшунослиги каби соҳалар бутун дунё мусулмонлари учун йирик фан тармоқлари сифатида бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари. – Тошкент: Ислом Университети нашриёти. – Т., 2006.
2. Оқилов С. Мовароуннахрда мотуридия таълимотининг шаклланиш тарихи. – Т.: Movarounnahr, 2012.
3. Ўрга аср Шарқ алломалари энциклопедияси. – Самарқанд: Имом Бухорий ҳалқаро маркази нашриёти, 2016.
4. Ислом энциклопедияси. – Тошкент: ”Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004.
5. Мухаммадиев Ф. Мутафаккирлар. – Т.: Мовароуннахр, 2011.
6. Имом ал-Мотуридий ва унинг ислом фалсафасида тутган ўрни” мавзусидаги ҳалқаро конференция материаллари. – Самарқанд: Фан, 2000.
7. Абдулазиз Мансур. Қалом илми тарихидан бир лавҳа // Имом ал-Бухорий сабоклари. – №4. – Т., 2004.
8. Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф. Сунний ақийдалар. – Т.: Мовароуннахр, 2005.
9. Уватов У., Оқилов С., Даминов Э. Мотуридия таълимоти ва Абу Муин Насафий илмий мероси. – Т.: Movarounnahr, 2018.
10. Ҳамидҷон Исломий. Султон ул-муиззин Абу Мансур Мотуридий ҳазрат Алишер Навоий наздида. – Т.: Мозийдан садо, 2000.

*Наширга проф. С. Чориев тавсия этган*

## **ЖИНСИЙ ТАРБИЯ: МАЗМУНИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Рузиев А. (ҚарДУ)**

**Аннотация.** Ёшларни никоҳ ва оила муносабатларига тайёрлашда тарбиянинг асосий шакллари ахлоқий тарбия, хуқуқий тарбия, ақлий диний тарбия, жинсий тарбия муҳим ўрин тутади. Ёшларни никоҳ ва оила қуриш билан боғлиқ муносабатларида ахлоқ, ахлоқий қоидалар, ахлоқий тамойиллар асосий ўринга эга.

**Таянч сўзлар:** тарбия, ахлоқий тарбия, хуқуқий тарбия, ақлий тарбия, эстетик тарбия, жисмоний тарбия, меҳнат тарбияси, мифология, ”Авесто”, ”Инжил” ва ”Куръон”.

**Аннотация.** В подготовке молодежи к брачно-семейным отношениям основными формами воспитания являются нравственное воспитание, правовое воспитание, духовное религиозное воспитание, половое воспитание. Этика, моральные правила и моральные принципы играют ключевую роль в отношении молодых людей к браку и построению семьи.

**Ключевые слова:** воспитание, нравственное воспитание, юридическое воспитание, умственное воспитание, эстетическое воспитание, физическое воспитание, трудовое воспитание, мифология, Авеста, «Библия» и «Коран».

**Annotation.** In preparing young people for marriage and family relations, the main forms of education are moral education, legal education, spiritual religious education, and sexual education. Ethics, moral rules and moral principles play a key role in the attitude of young people to marriage and family building.

**Key words:** education, moral education, legal education, mental education, aesthetic education, physical education, work education, mythology, Avesta, "Bible" and "Quran".

Ёшлар онгига ижтимоий фазилатларни шакллантиришда жинсий тарбия муҳим аҳамият касб этади. Чунки тирик мавжудотлар орасида фақат инсонгина ўзини ҳиссий ва ақлий жиҳатдан бошқариш, ҳис-тўйғуларини, кечинмаларини, биологик хоҳиш ва истакларини, биологик эҳтиёжларини ақлан бошқариш, назорат қилиш малакасига эга. Инсон ўзини ҳиссий ва ақлий жиҳатдан бошқариши унинг мия функцияси билан боғлиқ бўлиб, ўз англашининг шаклланганлигидир.

Инсоният тарихида асрлар давомида жинсий тарбия масалаларини талқин қилиш дин томонидан муқаддас килинган анъаналар билан белгилаб қўйилган. Мутахассисларнинг фикрига кўра фақат XX асрда жинсий тарбия муаммоларига илмий ёндашишга уринишлар бошланди. XX асрнинг 2-ярмида бу соҳада мутахассислар - ўқитувчилар, психологлар, физиологлар тиббиёт ходимлари илмий изланишлар олиб бордилар. Жинсий тарбия ҳақида бундай илмий изланишларни олиб борилишига сабаб кўплаб мамлакатларида аҳолининг турли қатламлари, хусусан, ёшлари ўртасида жинсий ҳаётдаги ҳар қандай чекловлар ва ахлоқий меъёрларни инкор етувчи қарашларнинг тарқалиши ( Масалан,"бирлашган жинсий муносабатлар - эркин севги " бир жинсли никоҳларни конунийлаштирилиши) каби ижтимоий муаммолар вужудга келди. Шу сабабли ёшларни жинсий жиҳатдан тарбиялаш зарурияти вужудга келди.

Жинсий тарбия ўз хусусиятига кўра мураккаб бўлиб, тарбия шакли сифатида тиббий, гигиеник, педагогик ва ижтимоий муаммолар билан боғлиқ. Жинсий тарбиянинг физиологик ва гигиеник, педагогик, ахлоқий ва эстетик жиҳатлари мавжуд. Жинсий тарбия - бу ота-оналар, болалар, ўсмирлар ва ёшларда гендер масалаларига тўғри муносабатда бўлишга қаратилган тиббий - педагогик чора-тадбирлар системасидир.

Бизнинг фикримизга кўра жинсий тарбия элементлари оила, мактабгача таълим муассаларида, бошлангич синфларда, балоғат ёшига ўтиш жараёнидаги ўғил ва қиз болаларда, вояга етган ўсмирларда, олий таълим муассалари талабаларида босқичмабосқич олиб борилиши мақсаддага мувофиқдир. Чунки жинсий тарбия ҳақидаги тушунча ва билимларни тушунтиришда, тарбия обьектларининг ёши, жинси, дунёқарашининг шаклланганлик даражаси асосий аҳамиятга эга. Жинсий тарбия аввало оиласида ота-оналар томонидан фарзандларини гигиеник жиҳатдан тана аъзоларини, тоза, озода сақлаш, кийиниш маданиятини элементларини шакллантириш воситасида олиб борилади. Оиласида ота-оналар, мактабгача таълим муассасаларида тарбиячилар, бошлангич синфларда ўқитувчилар, психологлар, тиббиёт ходимлари томонидан боланинг ўз вужуди, тана аъзолари ва атрофдаги болаларнинг вужуди, тана аъзолари билан боғлиқ одоб, ахлоқ қоидаларини сингдирилиши жинсий тарбиянинг илк сабоқлари ҳисобланади. Оиласида ўғил болалар билан ота томонидан, қиз болалар билан она томонидан жинсий тарбияга оид тушунчаларни фарзандларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб сингдирилиб бориши мақсаддага мувофиқдир.

Жинсий тарбия босқичлари кўйидагилардан иборат: биринчи босқич мактабгача ёшдаги ва бошлангич синф ёшидаги болаларни қамраб олади. Бу босқичда болаларга бошлангич гигиена кўникмалари ва хатти-ҳаракатлар қоидалари ўргатилган. Ота-

оналарнинг бу босқичдаги вазифалари болаларда тана аъзолари учун қулай кийимларни кийдириш билан бир қаторда, одоб қоидаларини болага тушунтиришдан иборат бўлади. Иккинчи босқичда болаларга нормал жинсий ривожланиш учун муҳим бўлган умумий ахлоқий, ақлий ва гигиеник қоидалар ўргатилиши лозим. Тарбиянинг бошқа босқичларида бўлгани каби, болаларнинг, ўсмирларнинг кун тартибини ва овқатланиш тартибини ташкил этиш, уларнинг иш вақтини (таълим олиш жараёни назарда тутиляпти) ва бўш вақтини ўқитувчилар ва ота-оналар томонидан оқилона ташкил этилиши яхши натижга беради. Учинчи босқич балогат ёшига тўғри келади. Бу ёшда ўсмир бола ва қизлар таналарида биологик гармонал ўзгаришлар содир бўла боради, балогат ёшига ўтиш даврида болаларнинг соғлиги билан ўзгаришлар кузатилади, яъни уларнинг вужудларини толикиши, тана аъзоларидаги табиий оғриклар, асабийлашиш, дикқатнинг пасайиб кетиши нормал ҳолат хисобланади. Бундай ҳолатларда ота-оналарнинг вазифаси болага ўсаётган организмнинг физиологик хусусиятлари ҳакида керакли маълумотларни бериш ва унга тегишли маҳсус гигиена қоидаларини ўргатишидан иборат. Аввало, ота-оналар ўғил фарзанд ва қиз фарзандларининг ҳолатига жиддий этибор қаратишлари, айниқса қиз фарзандларга она томонидан керакли гигиеник маслаҳатлар берилиши тарбиявий жараёнларнинг самарадорлигини оширишга асос бўлади. Жинсий тарбиянинг кейинги босқичларининг асосий вазифаси (тегишли равишида катта мактаб ёшидаги ўсмирлар ва мактабни тугатган ўғил – қизлар) гендер муносабатларига оид мураккаб масалаларни ахлоқий, ижтимоий ва гигиеник муаммо сифатида ёритиб бериш лозим. Ёшларда тасодифий жинсий алоқаларнинг мудхиш оқибатдари, жинсий йўл билан юқадиган касалликлар, режалаштирилмаган ҳомиладорлик ва абортлар мудхиш оқибатлари тушунтирилиши лозим. Ёшлар онгига никоҳ, оиласа оид ахлоқий меъёрларни, никоҳ ва оиланинг диний ва ҳукукий асослари сингдирилади. Оилада ота-оналар, тиббиёт ходимлари, тарбиячилар ва ўқитувчилар таълим муассасаларида ўкув ёки ўкув жараёнидан ташқари машғулотлар пайтида, меҳнат жамоаларида меҳнат килаётган ёшлар орасида маънавий, маърифий тадбирлар ташкил этиш, мавзуга оид маърузалар, давра сухбатлари, илмий-оммабоп фильмлар намойиш этиш жинсий тарбиянинг муҳим усуслари ва воситалари хисобланади.

Тарбия жараёнида оилада, мактабгача таълим муассасаларида, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабаларида бадиий адабиётни мутолаасига қизиқишини ривожлантириш, уларда бадиий асарлар ўқишга ундаш воситасида уларда инсоний кечинмалар, туйғулар, ўзаро хурмат, дўстлик, муҳаббат, меҳроқибатга асосланган самимий муносабатларни шакллантириш катта аҳамитга эга.

Ёшларни никоҳ ва оила муносабатларига тайёрлашда тарбиянинг асосий шакллари ахлоқий тарбия, ҳукукий тарбия, ақлий диний тарбия, жинсий тарбия муҳим ўрин тутади. Ёшларни никоҳ ва оила қуриш билан боғлиқ муносабатларида ахлоқ, ахлоқий қоидалар, ахлоқий тамойиллар асосий ўринга эга. Чунки ахлоқ инсоннинг ҳис-тўйғуларини, фаолиятини, хатти- ҳаракатларини, хулқ-авторини бошқариб турувчи мурватдир. Ақлий тарбия оилавий муносабатлarda ёшлар фаолиятини асосини ташкил этади. Чунки ўз дунёқарашига, турмуш тарзига мос келадиган, муносиб турмуш ўртоғини танлаш малакасига эга бўлган, оиланинг фаровонлигини таъминлаш учун муайян касб – кор малакасига эга бўлган, келажакда фарзандлар тарбиялаш малакасига эга бўлган инсон шахсини тарбиялашда ақлий тарбия муҳим аҳамият касб этади. Оиланинг ҳукукий аспектларига оид қонунларни, фарзандлар тарбиясига оид ҳукукий тушунчалар ва билимларга эга бўлишни ҳукукий тарбия таъминлайди. Диний тарбия жараёнида никоҳ ва оиланинг диний асослар ҳақида тушунчалар шакллантирилади. Ислом динининг муқаддас китоблари Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифдаги оила ва никохнинг муқаддаслиги, ҳақидаги сура ва оятлардаги гояларнинг моҳияти очиб берилиши тарбия жараёнининг самарадорлигини оширади. Имом Ғаззолийнинг (1058 – 1111) “Уйланиш одоби” китобида никоҳ масалалари, никохнинг шаръий қоидалари, никохнинг афзалликлари, никоҳ одоби ҳақидаги оятлар ва ҳадислар тўлиқ таҳлил қилиниб ўрганилади. “Уйланиш одоби” китобидаги никохга оид ҳадислар ва оятларни эътиборингизга ҳавола қиласиз:

**“Расулуллох (с.а.в.) марҳамат этадилар: «Никоҳ – менинг суннатим. Ким менинг суннатимдан юз ўғирса, мендан эмасдири».** Яна шундай марҳамат этадилар: **«Никоҳ – менинг суннатим. Ким менинг фитратимни севса, менинг суннатим билан суннатлансан».** (Абу Аъло Абдулло ибн Аббосдан (р.а.) ривоят этган. Яна шундай дейдилар: **«Уйланинг, кўпайинг. Чунки тушган бир бола билан бўлса ҳам, қиёмат куни ўзга умматлар олдида сиз билан фаҳрангайман».** (Абдулло ибн Умардан (р.а.) Байаий ривоят этган). Яна марҳамат этадилар: **«Тирикчиликдан кўркиб уйланмоқни тарқ этган киши биздан эмас».** (Анасадан (р.а.) Бухорий ва Муслим ривоят этганлар). Яна марҳамат этадилар: **«Сиздан уйланмоққа қодир бўлган уйлансан. Чунки бу кўзни тийдирувчи ва фаржни соғлом этувчи (бузукликдан сақловчидир. Йўқса, имкони етмаган киши рўза тутсин. Чунки рўза унинг учун кўрувчи бир қалқондир».** (Абдулло ибн Маъсуддан (р.а.) Бухорий ва Муслим ривоят этганлар).

Юқоридаги ҳадисларда инсон ҳаётида никоҳ табиийлиги, никоҳнинг афзалликлари, никоҳ ва оиланинг ижтимоий аҳамияти, уйланиш, ўзидан насл қолдириш исломнинг шаръий қоидаларидан бири эканлиги таъкидланади. Алломанинг китобида инсонни никоҳга ундовчи оятлар мисол келтирилган, улар қўйидагилардан иборат: “ Аллоҳ таоло марҳамат этади: **«Сизларнинг орангиздаги тул (эркак ва аёл)ларни ва чўриларингиздан яроқлиларини уйлантирингиз. Агар (улар) камбағал бўлсалар Аллоҳ уларни ўз фазли билан бойитур. Аллоҳ (фазлу карами) кенг ва доно Зотдир».** (Нур, 24/32). Бу ердаги буйруқ қатъий эмас, балки мандубдир, яъни қилса савоб, килмаса гуноҳкор бўлмайди ёки ижро этиш – савоб, тарқ этиш – мубоҳдир. Ҳанафий мазҳабига кўра, уйланиш уйланмасдан умрини ибодатда ўтказишдан афзal, балки суннатдир. Шофеъий мазҳаби бўйича уйланмай, умрини ибодатга бағишлиаш афзal. Яна марҳамат этилади: **«Дарҳақиқат, сиздан илгари ҳам (кўп) пайғамбарлар юборганмиз ва уларга хотинлар ва зурриётлар берганмиз».** (Райд, 13/38). Бу оятда пайғамбарларнинг васфи бор. Яна шундай марҳамат этилган: **«Улар: «Парвардигоро, хотинларимиздан ва зурриётларимиздан бизларга кўз қувончини баҳш этгин ва бизларни тақводорларга пешво қилгин», – дейдиган кишилардир».** (Фурон, 25/74). Бу оятда имтиҳон бор. Ва авлиёнинг мадхи бор. (Ва васфи бор – «бизларни тақводорларга пешво қилгин» дейилмоқда).<sup>1</sup>

Муқаддас китобимиз Куръоннинг оятларида никоҳ, никоҳланиш одоби, оила, фарзандларни дунёга келтириш билан боғлиқ шаръий қоидалар ифода этилади. Муқаддас оятларда инсонни турли ахлоқсизликлардан ўзини асрashi, химоя қилинишининг асосий омили никоҳланиш, оила куриш эканлиги таъкидланади.

Ўтра аср шарқ мутафаккирларидан Жалолиддин Румийнинг оиланинг муқаддаслиги, инсон ўзига умр йўлдоши танлаш имконияти бир иноят эканлигини, инсон умр йўлдошини қадрлаши асосий вазифаларидан бири эканлиги, оиласда вафо, садоқатнинг кўприги ўзаро ишонч, ўзаро хурмат эканлигини панду-насиҳатлар билан таъкидлаб, фарзанди Валадга уйланиш одоби битилган мактуб ёзади. “Бугун сенинг никоҳ айёмингда кўзим ва кўнглимнинг нури бўлмиш Фотимабонуни асраб-авайлагайсен, деб сенга топширдим, зеро, бу сен учун буюк синовдир; умид улким, ҳамиша унга адолат мақомида муомала қилгайсен. Отанг манглайи, ўз манглайнинг, фарзандларинг ному-номуси ёргу ва мусаффо бўлсин, десанг, хотининг билан кечган ҳар кунинг - тўй, ҳар тунинг никоҳ оқшоми бўлгай. Уни ҳамиша қалбинг тузоги ила овлагайсен, унга ҳеч қачон энди овлашга ҳожат йўқ бир ўлжа деб қарамагайсен, зеро, бундек қарагувчилар енгил-елпи назарли кишилар бўлиб, ўшалар ҳақида, улар фақат дунёning сувратини кўргайлар, деб бежиз айтилмаган”.<sup>2</sup> Буюк мутафаккирнинг ушбу мактубида отанинг ўз ўғлига оилавий муносабатлар инсон учун энг олий қадриятлардан бири эканлиги, келажакда фарзандларнинг тақдирни, ор-номуси ота-онага боғлиқлиги гўзал иборалар ифодаланади.

Хуллас, инсоният тараққиётида оила, никоҳ, оилавий муносабатлар, никоҳнинг диний, ахлоқий, хуқуқий асослари, оиласда фарзанд тарбияси масалалари долзарб аҳамият касб этган.

<sup>1</sup> Карап: Имом Газзалий. Уйланиш одоби. Тошкент ислом университети матбaa-нашриёти. – Тошкент, 2009. – Б. 3.

<sup>2</sup> Карап: Имом Газзалий. Уйланиш одоби. Тошкент ислом университети матбaa-нашриёти. – Тошкент, 2009. – Б. 3.

<sup>3</sup> Карап: Фиш Р. Жалолиддин Румий. – Тошкент: F.Ғулом номидаги адаб. ва санъат нашриёти. 1986. – Б. 9.

**Фойдаланилган адабиётлар**

- 1.Qur'oni Karim. Abdulaziz Mansur tarjimasi. – Т., 2001.
- 2.Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy. Hadis 4-jildlik. – Т., 1997.
- 3.Abu Iso at-Termiziyy. Sunnani Termiziyy. – Т., 1999.
- 4.Abdulla Sher. Axloqshunoslik. Darslik. – Т.: O'FMJ., 2010.
- 5.Abdulla Sher. Estetika. Darslik. – Т.: O'zbekiston, 2016.
- 6.Fitrat. Najot yo'li. – Т., 2001.
- 7.Ubaydullayeva S. Oila madaniyati. – Т., 2015.

*Нашрга проф. С.Чориев тавсия этган*

**ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ АДОЛАТЛИ БОШҚАРУВ ТҮГРИСИДА**

**Боратов Э. (ҚарДУ)**

**Аннотация.** Мақолада Шарқ мутафаккирларининг адолатли бошқарув түгрисидаги қарашлари илмий асосда ёритилган. Адолат давлатни бошқаришининг асоси эканлиги ахлоқий, хукукий, сиёсий, диний, ижтимоий жиҳатдан таҳлил этилган.

**Таянч сўзлар:** *адолат, қонун, давлат, жамият, сиёсат, тенглик.*

**Аннотация.** В статье на научной основе освещаются взгляды восточных мыслителей на справедливое управление. Тот факт, что справедливость является основой государственного управления, проанализирован с нравственной, правовой, политической, религиозной и социальной точек зрения.

**Ключевые слова:** *справедливость, закон, состояние, общество, политика, ровенство.*

**Annotation:** In the article, the views of Eastern thinkers on fair management are covered on a scientific basis. It has been analyzed morally, legally, politically, religiously, and socially that justice is the basis of state management.

**Key words:** *justice, the law, state, society, politics, equality.*

Адолат давлат ва жамият ривожини харакатта келтирувчи куч бўлиб, давлатни бошқаришининг асосидир. Одилликка асосланган жамиятнинг барча аъзолари, у хоҳ давлат бошлиғи бўлсин, хоҳ оддий фуқаро, ўзаро муносабатларини тенглик, адолат асосига қуриши, ўз ижтимоий - сиёсий мавқеи, бажараётган вазифаси, касб-кори хусусиятидан келиб чиқиб, бурчини ҳалол бажариши лозим. Адолат тушунчаликни барча даврлар учун долзарб бўлган. Унинг аҳамиятлилик даражаси ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳарбий, сиёсий, диний жиҳатдан тараққий этиш даражасига бевосита боғлиқ бўлган.

Адолат тушунчаликни умумисоний тушунча сифатида англаниб турли давр ва минтақаларда ўрганилган. Хусусан: адолатнинг мазмун – моҳиятини Шарқ алломалари ўзларининг асарларида идеал образлари ҳамда амалий бошқарувдаги фаолиятлари орқали шоҳларга, амалдорларга ва ҳалққа тушунтиришга ҳаракат қилганлар. Ҳар бир аллома ўзидан олдинги алломаларнинг асарларини ўргангандай, фикрларини ривожлантиргандай, бойитгандай. Маълум маънода ўз фаолиятида ҳам акс эттиргандай ҳолда ўз подшоҳларини бунга даъват этган. Шу тарика адолатнинг мазмун – моҳиятини ташкил этувчи ижобий хислатлар орқали маърифатли, адолатпарвар шоҳ гоясини олға сурғанлар.

Адолат идеал давлат ва идеал жамиятнинг асоси сифатида англашилган. Давлатни бошқаришда адолатнинг накадар муҳимлигини Шарқ мутафаккирларининг “адолатли давлат”, “одил ҳукмдор”, “фозил инсонлар шахри” каби концепцияларида кўришимиз мумкин.

Абу Наср Фаробийнинг фикрича ўзида 12 түгма хислатни бирлаштирган кишиларгина аклии ҳисобланар экан. Шулардан ўн биринчи ва ўн иккинчиси айнан адолатга тааллуқлидир. Унда “Табиатан адолатпарвар бўлиб, одил одамларни севадиган, истибодд ва жабр – зулмни, мустабид ва золимларни ёмон кўрувчи, ўз одамларига ҳам, бегоналарга ҳам ҳақиқат қилувчи, барчани адолатга чақирувчи, ноҳақ жабрланганларга мадад берувчи, барчага яхшиликни ва ўзи суйган гўзалликларни право кўрувчи бўлиши зарур. Ўзи ҳақ иш олдида ўжарлик қилмай, одил иш тутгани ҳолда ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатларга муросасиз бўлиши зарур. Ўзи зарур деб ҳисоблаган чора – тадбирларни

амалга оширишда қатыялти, саботли, журъатли, жасур бўлиши, қўрқоқлик ва ҳадиксирашларга йўл қўймаслиги зарур”<sup>1</sup> дейилади.

Фаробийнинг фикрига кўра, ижтимоий ҳаётда адолатсизликларга йўл қўймасликнинг асосий шарти — давлат ва жамиятни бошқаришнинг тўғри ташкил этилишида, унга ҳар томонлама етук, ўзида энг яхши инсоний фазилат ва гўзал хулқларни мужассам қилган кишиларнинг жалб этилиши эди. Фаробийнинг фикрича, “Давлат ва халқ муносабатларининг ўртасида адолат қонунлари ётиши, давлат бошқарувидаги ҳар бир инсоннинг фикрлари инобатга олиниши зарур”<sup>2</sup>. Айнан шу ҳолатда фуқароларнинг орзу-умидлари, истаклари амалга ошишига шароит яратилади дейди. Беруний адолатни давлатнинг бошқарув сиёсатидан, ҳозирги таъбир билан айтилса, политологик ҳамда ҳукмдор бурчи, масъулияти нуқтаи назаридан таърифлайди. Унинг баъзи фикрлари Президент Ш.Мирзиёевнинг давлат амалдорларига ва ҳокимларга қўяётган талабларига ҳамоҳангдир.

Абу Райхон Беруний жамият подшоҳга хизмат қилмай, подшоҳ жамиятга хизмат қилиши, одамларнинг ҳак-хукуqlари ва мол-мулкини ҳимоя қилиш кераклигини таъкидлаган. «Идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти балки бошлиқ золимлардан азият чекканларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш, бировларнинг тинчлиги йўлида ўз тинчлигини йўқотишдир. Бу уларнинг оиласини, уларнинг ҳаёти ва мол-мулкини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш йўлида бадан чарчашибдан иборат», «Одил ҳокимнинг асосий вазифаси олий ва паст табақалар, кучлилар ва кучсизлар орасида тенглик, адолат ўрнатишдан иборатдир»<sup>3</sup>. деб таъкидлайди.

Беруний табиатан бошқаришга мойил бўлган ҳоким ўз фикри ва қарорларида қатъий бўлиши, ўз ишларини амалга оширишда Искандар Арастунинг фалсафий донишмандлигига амал қилганидек, қонунларга бўйсуниши лозим: шоҳнинг ўзи ҳам «яратувчанлик «онгига» эга бўлмоғи лозим дейди.

Беруний билан бир даврда яшаб ижод қилган “Маъмун академияси”даги сафдоши Ибн Мискавайҳнинг адолат ҳақидаги қарашлари ҳам аҳамиятидир. Ибн Мискавайҳ адолат мазмуни моддий ва маънавий неъматларни тақсимлаш қандай бўлиши лозимлигига боғлаб талқин қилади. Яъни у адолатга гоявий, назарий жиҳатдан эмас, балки амалий, прагматик жиҳатдан ёндашади. Унинг фикрича, “Адолат шундай фазилатки, бу фазилат соҳиби ўзига ва ўзгаларга барча нарсаларни тенг бўлиб беради. Бунда у ўз манфаатидан келиб чиқсан ҳолда ўзига кўп, ўзгаларга кам бериш одатини тарқ этади. Аммо заарли нарсаларни беришда эса бунинг аксини кўришимиз мумкин. Яъни бунда ўзига кам, ўзгаларга кўп зарар беришни тарқ этади. Албатта, нарсалар ўргасидаги ўзаро боғлиқлик бўлмиш тенгликка қатъий риоя қилади. Бу маънодан эса унинг исми, яъни адолат, адл сўзлари келиб чиқади”<sup>4</sup>. Ибн Мискавайҳнинг бу фикридан келиб чиқадики, адолатли кишилар ҳар қандай вазиятда ҳам ўзининг манфаатидан бошқаларнинг манфаатини устун қўйиши лозимлиги аёнлашади.

Ибн Сино адолатнинг ахлоқий ва хукуқий меъёрларга риоя этилишида намоён бўлишига ургу беради. Адолатсиз ҳукмдорга нисбатан халқнинг уни алмаштиришга бўлган ҳаракатини ёқлади. Ибн Сино ҳақиқий ахлоқий фазилатларга ва идеал жамоага шу мавжуд дунёда эришув мумкин, жамиятда инсонлар ўзаро ёрдам асосида яшашлари керак деб таъкидлайди. Жамият кишиларнинг ўзаро келишуви асосида қабул қилинадиган адолатли қонунлар ёрдамида бошқарилиши лозимлигини айтади. Жамият аъзоларининг ҳаммаси бу қонунга итоат этишлари, қонунни бузиш ва адолатсизлик қатъий жазоланиши лозимлигини таъкидлайди. Агар подшонинг ўзи адолатсизликка йўл қўйса, халқнинг унга қарши қўзғолони тўғри ва жамият томонидан кўллаб-куватланмоғи керак, деб ҳисоблайди.

Шарқда ўрга асрларда жуда машҳур бўлган Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асарида “Адолат ва саҳоват, хайр-садақадан, ночор кишиларга мадад беришдан, бева – бечоралар,

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1983. – Б. 160.

<sup>2</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1983. – Б. 190 – 191.

<sup>3</sup> <https://e-tarix.uz/shaxslar/141-abu-rayhon-beruniy.html>

<sup>4</sup> Ahmad Ibn Miskawayh. Almuarrif al-bahis. – Bayrut. 1963. – Б 34.

майиб ва ногиронларга хазинадан нафақа ажратишдан ва инсонларнинг хуқуқларига риоя қилишдан иборатдир. Амалдорларни тўғри танлаб, уларга қўлларидан келадиган ишлар ва вазифаларни топшириш, бир кишига бир амал бериб, ундан итоат ва ижро фазилатини кутиш давлат бошқарувининг асосий талабларидандир"<sup>1</sup> деб кўрсатилган. Низомулмулк адолатга ижтимоий муҳофаза ва ижро интизомидан келиб баҳо беради.

Бадиий адабиётда адолат тушунчасига кенг кўламда, кенг қамровда образли – дидактик ёндашилган. Бу ёндашувлар чукур инсонпарварлик ва халқпарварлик билан йўғрилган. XVI асрда Ҳиндистонда яшаб ижод этган тарихчи олим Абулбарокат Қодирий Акбаршоҳ даврида “Качкўли Султоний” номли асарини ёзди. Унда шундай бир ибратли мисол келтирилади:

“Жамшид ҳам Анушервон каби тўртта узук ясатиб, унинг ҳар бирига биттадан сўз ёэзириб кўйган эди.

Биринчи узукда “Оҳисталик ва чора” деган сўзлар ёзилган бўлиб, бунинг маъноси: “Шошилиш ёмон хислат, барча ишларни шошилмай, чора-тадбирини топиб қилмоқ керак” демакдир.

Иккинчи узукнинг кўзига “Одиллик ва иморат” сўзлари ёзилган эди. Бунинг мазмуни: “Мамлакатда адолат билангира иттифоқлик ва равнақ иморатини тиклаш мумкин” дегани эди.

Учинчи узук кўзига: “Ростлик ва шошилиш” сўзлари ёзилган эди. Бунинг маъноси : “Дўстларга фақат рост сўзлаш, яхшилик қилишни пайсалга солмаслик керак” дегани эди.

Тўртинчи узук кўзига: “Жазо ва инсоф” сўзлари ёзилган бўлиб, бунинг маъноси: “Бирорни жазога тортаётган пайтда инсоф юзасидан иш кўриш керак” дегани эди.

Жамшид ҳар бир узукни шу узук кўзидағи сўзлар мазмунига оид ишга кўл урганида тақиб олар ва унга доим қараб туради”<sup>2</sup> . Демак, ҳар бир ишни адолатли ҳал қилиш учун инсон аввало ўз сўзи, кўнгли, қалби ва вижданни билан кенгашиб олмоғи, ҳовлиқмай, шошқалоқликка йўл кўймасдан ёндашмоқ лозим. Зоро, шошқалоқлик пушаймонликнинг синглисисидир, дейди донишманлар.

Юсуф Ҳос Ҳожиб ўз ижтимоий-сиёсий қарашларида Қорахонийлар давлатининг ижтимоий-сиёсий хаётини, социал-синфий тузилишини таҳдил қилди. У мамлакатни курол кучи билан узоқ бошқариб бўлмаслигини, бунинг учун яхши ташкиллаштирилган давлат бошқарув тизими бўлиши кераклигини яхши тушунади. Юсуф Ҳос Ҳожибга биноан, давлатни бошқариш, жамият ҳаёти фаровон бўлишининг энг ишончли ва самарали воситалари адолат, маориф ва фандир. Асарининг бош қаҳрамони қилиб Кунтуғди образининг олиниши ва унинг адолат рамзи сифатида идеаллаштирилишида чукур фалсафий маъно бор. Юсуф Ҳос Ҳожиб адолатнинг куни туғишини чин дилдан орзу қиласи. Бекни Қуёшга менгзайди. Зоро, Қуёшнинг сифатларида: ўзи куйиб бошқаларга ёруғлик улашиши, ҳамма нарсаларга бирдек нур сочиши, барқарорлиги, етуклиги, поклиги, мангалиги, ноёблигига адолатни кўради. Аллома фикрича, адолат – барча эзгу фазилатларнинг ўқ илдизи, бошқа барча ахлоқий тушунчалар, тамойиллар ва меъёрлар ундан озуқа олади.

Ҳокимиятнинг устунини – адолат деб ҳисоблаган мутафаккир бекни адолат билан сиёсат юритишга чакиради, унга маърифий таъсир ўтказишга ҳаракат киласи, давлат аъёнларини адолат меъёрларига қатъий риоя қилишга ундейди. Ўзининг “Қутадғу билиг” асарида шундай дейди:

*Адолат бекликнинг асос, мояси,  
Тўғрилик йўлидир томир – пояси.  
Тўғри сиёсатли, одил бўлса бек,  
Тилагин топар у истаганидек”<sup>3</sup>.*

<sup>1</sup> Низомулмулк. Сиёсатнома. – Тошкент: Янги аср авлоди нашриёти, 2017. – Б. 12.

<sup>2</sup> “Качкўли” гадойларнинг нарса соладиган идиши, гадойлар нима топса, качкўли идишига аралаштириб ташлайвергандар. Баъзи олим ва шогирдлар ҳам ҳаёлга келган фикрини ифодалаб ёки бошқа олимларни асарларидан ёқтириб колган ҳикмат ва ҳикоятларни тўплаб китоб шаклига келтиргандар ва уни “качкўл” деб атаганлар. Бу нарса Шарқда анчагача сақлануб колган.

<sup>3</sup> Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент: Академнашр. 2016. Б. – 79.

Үйдүлмиш (ақл) номидан Кунтуғдига панд беради: бекликни сенга худо ато этган, бунинг шукрини қил, меҳрибонлик билан халққа адолат қил, халкнинг дуосини ол, элда яхши хотира қолса, бу яна бир тириклик, яъни абадий ҳаёт бўлади. Ҳар ишни кенгаш билан қилиш керак, ҳамма қилинадиган ишлар учун кенгаш дори-дармондир. Юсуф Хос Ҳожиб ҳокимиятни бошқаришнинг мустабид усулига мутлақо қаршилигини очик-ойдин ёзади: адолат билан эл ривожланади, олам гулистон бўлади, зулм туфайли эл инқироз топади, олам бузилади дейди.

Алишер Навоий фикрича, давлат бошқарувида адолат бўлса юрт обод бўлади, халқ султондан рози бўлиб яшайди. Шунинг учун Навоий подшоҳларга қаратада бир ғазалида шундай дейди:

*Адл айлаки, ул халқ ҳаёти бўлмиши,  
Хуш ул кишиким, адл сифоти бўлмиши,  
Ҳам мулк ила адл жиҳоти бўлмиши,  
Ҳам адл ила мулк саботи бўлмиши.*

Навоий буюк гуманист мутафаккир сифатида ўз замонасииинг «жафоу дунлик»ларга тўла эканлигидан халқ бошига тушган жабру ситамдан беҳад азоблар чеккан. У ўзининг “Маҳбуб ул-кулуб” асарида бу ҳақда ғоят ёниб ёзган эди:

*Юз жафо қиласа манга, бир қатла фарёд айламон,  
Элга киласа бир жафо, юз қатла фарёд айларам.*

Навоий давлат бошқарувида адолатли қонунларни қабул қилиш ва уларни амалга оширишга чорлайди: “Ҳар бир ажрим ишида ҳақиқат ва адолат нимадан иборат эканлиги аниқлансанагина, адолатли қонунлар қабул қилиш имкони бўлур. Бироқ ер юзида одам қанча бўлса, бундай ишлар ҳам шунча кўпdir. Қози ҳар сафар масалани янгича ҳал этмоғи лозим. Шунинг учун ҳам қозининг вазифаси оғир, фахрлидир. Қозилик жуда мушкул иш, пайғамбаримиз “Қози тайинланган киши ўтмас пичноқ билан сўйилган жониворнинг азобини тортади”. “Муҳаммад алайҳисалом ўзлари ўттиз кун мулоҳаза қилгандан кейингина қозилик лавозимини тайинлашга қарор берган эканлар”<sup>1</sup> дейди. Яна қозиларга мурожаат қилиб “Кишилар орасидаги низони ажрим қилиш чогида адолат юзасидан иш тутинг. Бир соат адолат билан иш тутмоқ олло-таолуга олтмиш йил тоат-ибодат қилмоқдин афзаладир”<sup>2</sup> деганлар.

Маҳбуб ул-кулуб асарида таъкидланадики: “Қози қонун йулидан бир қадам ҳам тоймаслиги — тўғри йўлдан чиқмаслиги лозим. Ахир, тўғри чизиқ оғдирилса, эгри бўлади. Чолғу асбобининг тори созланмаган бўлса, овози бузилади. Модомики, ҳукми элнинг моли ва жонига тааллукли экан, қозини шиори тўғрилик ва адолат бўлмоғи лозим”<sup>3</sup>.

Алишер Навоийнинг шогирди ва дўсти Ҳусайн Воиз Кошифий асарларида ҳам адолатли бошқарув масалалари кенг кўламда ёритилган. Ахлоқ масалаларини ёритища Кошифийнинг “Аҳлоқи Муҳсиний” (Ҳусайн Бойқаронинг ўғли – Абдулмуҳсин Мирзога бағишиланган) асари энг машҳур ва муҳим аҳамият касб этади. Кошифий ўз асарларида сиёsat, давлатни бошқариш масалалари бўйича ҳам ўз даври учун муҳим фикрларни олға суради. У давлатни одилона бошқаришда сиёsatдан фойдаланиш кераклигини алоҳида таъкидлайди ва бир ғазалида шундай дейди:

*Жаҳонда пок сув ичмакка бўлмас ҳеч ким қодир.  
Агар шоҳлар сиёsat тигин элига қилмаса зоҳир.*

Бошқача айтганда, адолатни давлат (шоҳ) сиёsatи таъминлайди, юзага чиқаради. Агар давлат сиёsatи бўлмаса, ҳеч ким ҳалол луқма топиб, ейишга ҳам имкон тополмасди, – демоқда Кошифий.

Сиёsat мамлакатни бошқариш учун, у шахсий иш эмас, балки ижтимоий фаолиятдир. Сиёsat адолатли бўлса, халқ фаровон яшайди. Кошифий ахлоқли инсон деганда, илм-маърифатга интилевчи, ҳақиқат ва адолатни севувчи, адолатсизликка қарши курашувчи, мард, ҳаракатчан, олийжаноб, сахий инсонни тушунганди.

<sup>1</sup> Лидия Батъ. Ҳаёт бустони. – Тошкент: 2016. – Б. – 112 -174.

<sup>2</sup> Лидия Батъ. Ҳаёт бустони. – Тошкент: 2016. – Б. – 351.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. “Маҳбуб ул-кулуб”. – Тошкент: Фоғур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б. 23-24.

XVII асрда ўзининг ўткир ижтимоий – сиёсий фикрлари ва шеърлари билан танилган Турди Фарогий муҳим ўрин тутади. У адолатсизлик ва хунрезликлардан азият чекиб, шоҳ ва амалдорларининг нотўғри харакатларини хажвий шеърга солиб нола қилади. Турди давлатда тинчлик ва фаровонлик бўлиши учун тепадаги шоҳ адолатли сиёсат йўлини танлаб, уруг оқсоқоллари билан маслаҳат асосида амалдорларнинг устидан қаттиқ назорат қилсагина, халқ ундан рози бўлишини таъкидлаб, бир ғазалида шундай дейди:

*Шоҳлик улдур, они ҳукму сўзи бир керак,  
Адл ёйини қуруб, рост нишон тир керак.  
Рострав, дини дуруст, пешаси тадбир керак.*

Турди Фарогийнинг айниқса “Тор кўнгилли беклар” ғазалида:

*Тор кўнгиллик беклар ман ман деманг, кенглик қилинг,  
Тўқсон икки боевли ўзбек юртидир, тенглик қилинг.  
Бирни қичпоку хитойу, бирни юз, найман деманг,  
Кирқи юз, минг сон бўлиб, бир жон ойинлик қилинг<sup>1</sup>.*

Бу ғазалида шоирни туркий уруғларининг парокандалиги, бирлашмаслиги, ҳар бири ўзини ўйлаб уруш – жанжаллар келтириб чиқариб, халқнинг бошига кулфатлар келтираётганликларини ўқинч билан қаламга олади.

Турди Фарогийнинг замондоши шоир Бобораҳим Машрабнинг шахс ва жамият ҳақидаги дунёкараши ўз даври ва бугунги кун муаммоларини ечишда ҳам аҳамиятлидир. Машрабнинг адолат ҳақидаги қарашлари аввало адолатсизлик ва мутаассибликка қарши изчил курашчи, кўрқмас мубориз сифатида намоён бўлади. “Қиссаи Машраб” тадқиқотчиси, профессор В.Л.Вяткин мутафаккир шоирнинг Ўрта Осиё ҳалқлари орасида кенг шуҳрат қозонишининг бош сабабларидан бири «Машрабнинг мавжуд қалбакичилик, ҳақсизликка қарши бўлган кучнинг тимсоли сифат хизмат этишидир»<sup>2</sup>, - деган.

Машраб замондош амиру бекларни, шоху сultonларни инсоф ва адолатга чақирган. Баъзи инсофсиз ва адолатсиз, риёкору бадаҳлоқ амирлар, шаҳар қозисию уламоси Машрабни кўрганда, Аҳраман девни кўргандек қочган эканлар. Шоҳларга мурожаат қилиб у: «Лашкари хунрез бўлса, сабр-ором қайдা бор?!», «Шахид қонини сипқоргон шаҳаншоҳлардан орим бор», - деган. Машраб ҳеч кимни аямаган, ижтимоий нотенгликни ва адолатсизликни гоҳо заҳарханда кулгу, гоҳо ҳажв билан ошкор этган.

Шарқ мутафаккирлари адолатни сиёсий бошқарув маданиятининг асоси, деб билганлар. Ўз навбатида сиёсий бошқарув тадбиркорликни, эҳтиёткорликни, қатъият ва ҳақиқатпарварликни, нотиқликни талаб қилади. Бугун биз Ўзбекистонда демократик жамиятни шакллантириш йўлидан борар эканмиз, тарихий жараёнларни пухта таҳлил қилган ҳолда ўрганишимиз тегишли хуносалар чиқаришимиз, сабоқлар олишимиз зарур.

Президент Ш.М.Мирзиёевнинг ижтимоий адолатни таъминлаш (камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг муҳтож қатламларини муҳофаза қилиш, янги замонавий касбларни эгаллаш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спортни ривожлантириш, турмуш фаровонлигини юксалтириш мақсадида янги замонавий ишлаб чиқариш технологияларини жорий қилиш) борасида олиб бораётган сиёсати илмий асосланганлиги, ўтмиш алломаларимиз фикрлари ва ғояларининг замонавий шароитда ижодий ривожлантирилаётгани маълум бўлади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1983. – Б. 160.
2. Ahmad Ibn Miskawayh. Almuarrix al-bahis. – Bayut. 1963. – Б 34.
3. Низомулмулк. Сиёсатнома. – Тошкент: Янги аср авлоди нашриёти, 2017. – Б. 12.
4. Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. – Тошкент: Академнашр. 2016. Б. – 79.
5. Лидия Бать. “Ҳаёт бустони”. – Тошкент, 2016. Б. – 351.

<sup>1</sup> Воҳид Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т. 2017. – Б. 130 -131.

<sup>2</sup> Вяткин В.А. Ферганский мистик Дивана-и-Машраб. -Т. 1923. – Б. 29.

6. Алишер Навоий. “Махбуб ул-кулуб”. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б. 23-24.
7. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: 2017. – Б. 130-131.
8. Вяткин В.А. Ферганский мистик Дивана-и-Машраб. – Тошкент: 1923. – Б. 29.

*Нашрга проф. А.Эркаев тавсия этган*

## **ЯЪҚУБИ ЧАРХИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ ХОРИЖ ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ЎРГАНИЛИШИ**

**Зойиров Э. Х. (БМТИ)**

**Аннотация.** Ушбу мақолада Яъқуби Чархийнинг ҳаёт ва фаолияти ҳамда тасаввуф таълимотида тутган ўрни ҳақида турли даврларда мутасаввуф ҳамда олимлар томонидан маълумотлар келтирилган бўлиб, унинг фалсафа тарихидаги ўрнини, Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанснинг илдизларидан бири эканлигини асослаб беришдан иборат.

**Таянч сўзлар:** Яъқуби Чархий, нақибандия, тадқиқотлар, рисолалар, фалсафий таҳлил, Тафсири Яъқуби Чархий, силсила.

**Аннотация.** В данной статье сведения о жизни и творчестве Якуби Чархи, а также его места в учении суфизма представлены мистиками и учеными в разные периоды, и именно для обоснования его места в истории философии он является одним из корней Третьего Возрождения в Новом Узбекистане.

**Ключевые слова:** Якуби Чархи, Накибандия, исследования, трактаты, философский анализ, Тафсири Якуби Чархи, серия.

**Аннотатион.** In this article, information about the life and work of Yakubi Charkhi, as well as his place in the teachings of Sufism, is presented by mystics and scientists in different periods, and it is to justify his place in the history of philosophy that he is one of the roots of the Third Renaissance in New Uzbekistan.

**Key words:** Yakubi Charkhi, Naqshbandiya, studies, treatises, philosophical analysis, Tafsir Yakubi Charkhi, series.

Тасаввуф фалсафасидаги ворисийлик анъаналари давом этишида Яъқуби Чархий илмий меросининг ўрни юқори ҳисобланади. Накшбандия тариқатининг пирларидан бўлган Яъқуби Чархийнинг катта орифий илм соҳиби бўлганлигини факат унинг шогирдлари ва фарзандлари тўплаган маноқиблар тасдиқлаб қолмасдан, балки ўзи ёзган илмнинг турли соҳалари, айниқса, нақшбандия тариқатининг назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ этишга бағишлиган рисолалари ҳам тасдиқлаб турибди.

Шунингдек, хорижий мамлакатларда, Германия, Туркия, Эрон, Покистон, Россия, Тожикистанда Яъқуби Чархий Аъзам ҳаёти ва илмий меросига оид айрим тадқиқотлар амалга оширилган. Таҳлил қилиниши лозим бўлган масалаларни ёритишда ушбу тадқиқотлардан у ёки бу даражада фойдаланилди. Аммо ушбу тадқиқотлар тарих, шарқшунослик, манбашунослик фанлари предмети ва талаблари нуқтаи назаридан ёзилган бўлиб, уларда Яъқуби Чархий тасаввуфий қарашларининг фалсафий таҳлилига эътибор берилмаган.

Покистонлик олим Муҳаммад-Назир Ранджа Яъқуби Чархий ижодининг ихлосманди бўлган. Олим мутасаввуфнинг “Шарҳи Асмо ул-хусна”, “Хуроийя”, “Рисолаи абдолия”, “Рисолаи унсия” асарларини ўрганиб, “Расоили Яъқуби Чархий” номлаб тўпламни икки марта нашрдан чиқаради. Тадқиқотчи 2009 йилда нашр этган тўпламида “Рисолаи абдолия”, “Рисолаи унсия” рисолаларга кўпроқ эътибор берганлиги ва шу асарлари орқали мутасаввуф ижодининг ихлосманди бўлганлигини таъкидлайди<sup>1</sup>.

Эронлик тадқиқотчи Муҳаммад Амин Риёҳи Кубровия ва Накшбандия тариқатларини ўрганиб, мутасаввуфнинг “Тафсири Яъқуби Чархий” ҳамда Кубровия тариқати йирик вакили Нажмиддин Розийнинг “Мирсад ал-ибод” рисолаларини қиёси таҳлил қилган [1:488].

<sup>1</sup> Раса’ил-и хазрат-и Мавлана Йа’куб-и Чархи / Под ред. Муҳаммад-Назира Ранджха. Ханаках Сираджийа Накшбандия-Муджаддидийа, 1430 л.х./2009 (1-е изд.) — опубликовано пять посланий: Шарҳ-и асма ал-хусна, Хурайа, Тарика-ийи хатм-и ахзаб, Абдалийа, Унсия; Мавлана Йа’куб Чархи. Рисала-ийи абдалийа / Под ред. Муҳаммад Назира Ранджха. Исламабад; Марказ-и таҳқиқати фарси-ийи Иран ва Пакистан, 1398 л.х./1978.

Яъкуби Чархийнинг ҳаёти ва илмий мероси юзасидан Туркиялик олимлар томонидан ҳам баъзи тадқиқотлар олиб борилган. Топбош Осман Нури “Тасаввуф. Иймондан эҳсонгача” [2; 224] асарида тасаввуф тушунчаси, моҳияти, тариқатлар, нақшбандия таълимоти ва номоёндалари ҳақида маълумот бераб, Яъкуби Чархийнинг рисолаларида иймон, инсоннинг руҳий поклиги, юксак ахлоқий фазилатларни эгаллаш орқали Аллоҳни англаши мумкинлигини ирфоний таҳлил этган.

Туркиялик илоҳиётчи олим Наждат Тўсун “Олтин халқа. Нақшбандия тариқатининг олтин силсиласи” [3; 248] китобида Яъкуби Чархий “занжир аз-захабнинг” ўн еттинчи халқасида эканлигини таъкидлаб, Миср, Ҳирот ва Бухоро мадрасаларида илм олганлиги, Ҳиротда яшаган даврида ижтимоий муҳитнинг ёмонлиги ҳамда Абдулла Ансорий хонадонида бўлғанлигини келтиради. Жумладан, мутасаввифнинг Бухорода илм олиб Баҳоуддин Нақшбанд билан илк учрашуви тугагач, Даشت Кулакка Мавлоно Тожиддиннинг сұхбатида қатнашганлиги ҳақида маълумотни беради. Олим фикрича, Яъкуби Чархийнинг тушларида ёки кашфида Бухоро қалъасининг ёрилганини, қалъа деворларидағи коваклардан ўзига қараб нур таралганини, нурларнинг бир учи унинг бошида, қолгани эса учи арқон каби узайиб, Каъбага уланганини, бу нур ипларининг устида тугун бўлиб, ҳар бир тугунда мевали дараҳтлар ҳосил қилгани, инсонлар ва маҳлуқотлар шу мевалардан баҳраманд бўлганини кўради. Бу тушини устози Баҳоуддин Нақшбандга айтгандан сўнг, пири Яъкуби Чархийга халқни иршод қилишга ижозат беради [4; 135].

Ҳасан Комил Йилмаз ҳам ўзининг “Олтин силсила. Нақшбандия тариқати шайхларининг ворисийлик занжирни” [5; 64-82] китобида мутасаввифнинг тўлиқ исми Яъкуб ибн Усмон ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Чархий эканлиги ҳамда Хуросоннинг Фазна яқинидаги Чарх қишлоғида (ҳозирги Афғонистон Ислом Республикасининг Логар вилоятидаги қишлоқ) илоҳиётчи оиласида туғилганлигини батафсил маълумот бераб, Яъкуби Чархийни силсиладаги ўрнини Муҳаммад Порсадан кейин ўн саккизинчи халқада эканлигини таъкидлайди.

Турк тасаввуф олими Ҳазиний “Жавоҳирул-аброр” асарида Яъкуби Чархий ҳақида ўн байтдан иборат шеър ёзган. Шеърда Баҳоуддин Нақшбанд, шунингдек, Чархийнинг нақшбандия тариқатида тутган ўрни вафоти ва қабри Ҳалғатуда экани тўғрисида ёзади [6; 275].

Россиялик олимлар томонидан ҳам Яъкуби Чархийнинг илмий меросига оид тадқиқотлар олиб борилган. Алексей Хисматуллин мутасаввифнинг ҳаёти ва илмий меросига бағишлиланган “Ўрта аср чизмаларини чизиш усули. Яъкуби Чархийнинг “Рисолаи абдолия” асари мисолида” [7; 185] деб номланган мақоласида илк илоҳиёт илмини Хуросоннинг чеккасидаги қишлоқда ўрганланлигини, кейинчалик Ҳирот, Миср ва Бухородаги саёҳати тўғрисидаги маълумотни келтиради. Олим Яъкуби Чархийни Бухорода пири Баҳоуддин Нақшбанддан хуфия зикрини ўрганиб, Алоуддин Атторга мурид бўлғанлигини келтиради. Тадқиқотчининг фикрича, мутасаввифнинг “Рисолаи абдолия” асарининг илк нусхаси XX асргача Мисрда сақланган бўлиб, кейинчалик эронлик ҳамда покистонлик олимлар шу манба асосида тадқиқот олиб борганлар.

“Марказий Осиёда сўфийлик” Фритца Майер хотирасига бағишлиланган халқаро тўпламда Яъкуби Чархийнинг “Рисолаи абдалий” асарида Хизринг келиб чиқишини Марказий Осиё билан боғлаганлигини ҳамда биринчи кунясини Абул Аббос тўғрисида маълумотни беради [8; 34]. Жумладан, Ҳўжагон-Нақшбандия мутасаввифларининг рисолаларини таҳлил қилиб, Кошибий, Жомий ва Хожа Ахрорнинг кўп сонли асарлари борлиги билан бир қаторда Муҳаммад Порсо ҳамда Яъкубий Чархийнинг рисолалари алоҳида ўринга эга эканлиги таъкидланган.

Александр Книш “Мусулмон тасаввуфи” [9; 125] китобида Баҳоуддин Нақшбанднинг муридлари ҳақида тўхталиб, Алоуддин Аттор (ваф.802/1393 й.) куёви бўлиш шарафи билан тақдирланганлиги, Хожа Муҳаммад Порсо (ваф.882/1419 й.) кўплаб асарлар муаллифи бўлиб, нақшбандия тариқатининг адабий меросини яратганлиги, Яъкуби Чархий (ваф. 851/1447 й.) ва Хожа Убайдулло Ахрор (ваф.896/1490 й.) эса тариқатнинг жаҳонга тарқалишида муҳим аҳамиятга эга бўлғанлигини келтиради.

Чеченистонлик олим Эскарханов Гелани Лёмович “Шимолий-Шаркий Кавказда сўфийлик: пайдо бўлиши, мафкураси, амалиёти” [10; 26] деб номланган тадқиқотида нақшбандия таълимотининг Марказий Осиё, Эрон, Туркия, Ҳиндистон ва Шаркий Туркистонда ижтимоий-сиёсий ва фалсафий тафаккури ривожида катта таъсир кўрсатишида Алоуддин Аттор, Муҳаммад Порсо, Яъқуби Чархий ҳамда Хожа Ахори Валийларнинг оиласи, муридларининг саёҳатлари, кўчишлари натижасида кенг тарқалганини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Тожикистонлик олимлар С.Махмадуллаев, З.Наботов, Юсуф Жоландан Мансур ва бошқалар томонидан ҳам Яъқуби Чархий ҳаёти ва илмий мероси ҳақида тадқиқотлар олиб борилган. Тадқиқотчи, Сайдек Махмадуллаев “Яъқуби Чархийнинг айрим ахлоқий қарашлар” [11; 234] мақоласида нақшбандия тариқатининг йирик вакили Яъқуби Чархийнинг инсон ахлоқи, фано, қалб поклигига эришиш воситалари, фахш ишлардан халос бўлиш каби масалаларга алоҳида эътибор берган. Тадқиқотчи мутасаввуфнинг “Рисолай унсия”, ҳамда “Тафсири яъқуби Чархий” рисолаларидан унумли фойдаланган.

Зайниддин Наботов “Нақшбандия таълимотида инсон муаммоси” [12; 34] тадқиқотида нақшбандия таълимотининг ҳозирги кунгача ахоли орасида кенг тарқалганилиги, бунда Хожа Муҳаммад Порсо, Мавлоно Яъқуби Чархий, Хожа Ахори Валий, Фахриддин Али Сафий, Абдурахмон Жомий каби мутасаввуфларнинг инсоний фазилатларни юксалтириш, умуминсоний қадриятларни кенг ёйишга қаратилган илмий меросларининг ўрни муҳим эканлигига эътибор қаратган.

Юсуф Жалондан Мансур “Темурийлар давридаги Мовароуннаҳр ва Ҳурисондаги мозорлари: XIV-XV асрлар” [13; 18] бўйича олиб борилган тадқиқотида Мавлоно Яъқуби Чархийнинг мозори Душанбе шаҳар чеккасидаги Ҳалкати қишлоғида жойлашган. Тадқиқотчи мутасаввуфни 2 апрель 1477 йилда вафот этганлигини келтиради. Жумладан, Яъқуби Чархийнинг “Рисолай абдолия” асари ҳақида маълумотни беради.

Иброҳими Накош томонидан 456 бетдан иборат “Рисолаҳои Пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия” [14] (“Нақшбандия тариқати пирлари ва издошларининг рисолалари”) асари нашрдан чиқди. Асарда Мавлоно Яъқуби Чархийнинг “Рисолай унсия” асарининг тожик тилидаги таржимаси келтирилган. Тадқиқотчи томонидан яна “Мавлоно Яъқуби Чархий ва ҳафт пири нақшбандия” (“Мавлоно Яъқуби Чархий ва Нақшбандиянинг етти пири”) рисоласи ҳам чоп этилди. Бу рисоланинг 78-91 бетлари Яъқуби Чархийга бағишлиланган. Иброҳими Накош томонидан 456 бетдан иборат “Рисолаҳои Пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия” (“Нақшбандия тариқати пирлари ва издошларининг рисолалари”) асари нашрдан чиқди. Асарда Мавлоно Яъқуби Чархийнинг “Рисолай унсия” асарининг тожик тилидаги таржимаси келтирилган. Тадқиқотчи томонидан яна “Мавлоно Яъқуби Чархий ва ҳафт пири нақшбандия” (“Мавлоно Яъқуби Чархий ва Нақшбандиянинг етти пири”) рисоласи ҳам чоп этилди. Бу рисоланинг 78-91 бетлари Яъқуби Чархийга бағишлиланган.

Германиянинг Гамбург универсиети қўлёзмаларни ўрганиш маркази профессори Юрген Паул 2019 йилда чиқарилган 3 том лугатида [15] Яъқуби Чархийнинг ҳаёти, илмий мероси ҳамда Баҳоуддин Нақшбанд билан учрашганлари, устоз-шогирдлик мунособатлари ҳақидаги маълумотларни келтиради. Жумладан, “Баҳоуддин Нақшбанддан кейинги хожагон-нақшбандия таълимoti ва ташкилотлари” номли монографиясида нақшбандия тариқати намоёндалари ҳақида тўхталиб, Яъқуби Чархийнинг тариқатдаги ўрни ҳамда илмий мероси бўйича маълумотлар беради. Олим Яъқуби Чархийнинг зикрни устози Баҳоуддин Нақшбанддан ўрганиб, муриди Хожа Ахор Валийга бу масалада эътиборли бўлишини келтириб ўтилган. Юрген Паул фикрича, Яъқуби Чархий ҳозирги Душанбе яқинидаги Ҳалғату қишлоғига боргунга қадар бир-икки йил Алоуддин билан ёнма-ён яшаб, ўша ерда дағн этилган.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб, ўз тадқиқот ишимизни тадқиқотлардан келиб чиқкан ҳолда, Яъқуби Чархийнинг фалсафий ва ижтимоий – сиёсий қарашлари масаласига бағишлишга қарор қилдик. Ушбу муаммони муайян методологик асосларга таянган ҳолда таҳлил қиламиз, замон рухиятига мослаштирган ҳолатда, трансформацияга (қайта ўзгариш,

қайта ҳосил қилиш) учраб боргани ва ҳозирги вақтда ушбу масала ўз долзарблигини йўқотмай, аксинча жавоб топишга қизиқиши кучайганини кўрсатамиз. Демак, Яъқуби Чархийнинг фалсафий ва ижтимоий – сиёсий қарашлари масаласини тарихий – фалсафий нуқтаи – назардан ўрта асрдан бошлаб ҳозирги кунгача бўлган мутасаввуфлар, олимларнинг тадқиқотларни ўрганиб, унга теологик ёндашув ва фалсафий компаративистик (яъни қиёсий фалсафа) усуулардан фойдаланган ҳолда изчил таҳлилдан ўtkазилди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Topbash O.N. Sufizm from Iman to Ikhsan. Translation from Turkic. – M.: SAD, 2008. – 488 pp.
2. Наждат Тўсун. Олтин Силсила. Накшбандийлик тариқатининг олтин силсиласи. – Т.: Qamar – media, 2022. – 224 б.
3. Хасан Камиль Йылмаз. Золотая Сильсиля. Цепь Преемственности шейхов тариката Накшибандий-Халидийя. 1-е изд. – М.: ООО «Издательская группа «Сад»», 2009. – 248 с.
4. Ҳазиний. Жавоҳир ул-аброр мин анвожил биҳор. – Туркия: Кайзери, 1995. – Б.135.
5. Хисматуллин А. Метод компиляции средневековой рисалы на примере «Рисала-йиabdaliyia» Йа`куба Чархи. ИРАН-НАМЕ, № 4, 2009. – С.64-82.
6. Книш Александр. Мусулмон тасаввуф. Тарж. Қодиркул Рўзиматзода. –Т.: Фан, 2022. – Б.275.
7. Эскарханов Г.Л. Суфизм на Северо-Восточном Кавказе: возникновение, идеология, практика: Диссертация ... кандидата философских наук. – Грозный, 2011. – 185 с.
8. Махмадулаев С. О некоторых этических точках зрения Якуба Чархи. Вестник Таджикского государственного университета права, бизнеса и политики. Серия гуманитарных наук. – Душанбе, 2015. – Б. 34.
9. Наботов З. Проблема человека в Накшбандизме. Диссертации по философии. – Душанбе, 2002. – 125 с.
10. Юсефи Джонландан Мансур. Мазары Хорасана и Мавераннахра эпохи Тимуридов: XIV-XV вв. Автореферат дисс. на саискание ученой степени канд. ис.наук. – Душанбе, 2009. – 26 с.
11. Муҳаммадходжаев А. Идеология накшбандизма. – Душанбе: Дониш, 1991. – 234 с.
12. Махмадулаев С. О некоторых этических точках зрения Якуба Чархи. – Душанбе, 2015. – 34 с.
13. Juergen Paul. Encyclopedia of Islam-Three.Academica, 2019. – Р. 18.

*Нашрга проф. С.Чориев тавсия этган*

### ИМОМ ФАЗЗОЛИЙНИНГ САОДАТ ФАЛСАФАСИ

**Музafferov Ф.Д.** (БухДУ)

**Аннотация.** Ушбу мақолада Имом Фаззолийнинг диний-ирфоний фалсафаси таҳлил этилган. **Таянч сўзлар:** Илм, амал, саодат, нафс, баҳт, камолот, басират, идрок, хаёл, ихтиёр, ҳаракат.

**Annotation.** This article analyzes the religious and cognitive philosophy of Imam Ghazzali.

**Key words:** Science, action, happiness, nafs, prosperity, perfection, basirat, perception, imagination, will, movement.

**Аннотация.** В этой статье анализируется религиозно познавательная философия Имама Газзали.

**Ключевые слова:** Наука, действие, счастье, нафс, благополучие, совершенство, басират, восприятие, воображение, воля, действие.

Ислом тамаддунининг буюк алломаси, файласуфи ва тасаввуф таълимотининг намояндаси Имом Фаззолий 1058 йилда Хурросоннинг Тус шахри яқинидаги Фазола қишлоғида дунёга келади. Ироқлик олим ал-Азизий Фаззолийнинг исмидаги ташдид аззойи, яъни “з” ҳарфининг иккиланишини хато деб айтади [1:34]. Шуни таъкидлаш жоизки, тадқиқотчилар ўртасида анча йиллардан бери Фаззолийнинг исмидаги ташдид ҳақида ихтилофлар мавжуд. Рус шарқшунос олим А. А. Хисматулин “Ҳомиднинг отаси, Муҳаммаднинг ўғли Муҳаммад Тус шахри яқинидаги Фазола қишлоғидан ёки Туслик (ғаззола) ип йигирувчи бўлган” [2:46], деб таъкидлайди. Араб тилида “ғазала” – “ип йигириш”, “ғазал” – “калава ип” маъносини беради. Шундан келиб чиқиб, “ғазол” – “калава ип йигирувчи” деганидир. Монтгомери В. Вотт ҳам Фаззолий отасининг касби

жундан калава ип йигиругчилик [3:114] бўлганлиги ҳақидаги фаразни хато, деб таъкидлайди.

Ғаззолий ўзи тўғрисида шундай дейди: “Одамлар мени ташдид-аз-зойй қўшиб ал-Ғаззолий деб чакирадилар, лекин мен Ғаззолий эмасман. Ваҳоланки, мен Газола деб аталадиган қишлоққа мансубман” [4:82]. Бу ерда ироқлик арабларнинг хуросонлик форслар тилидан бехабарлиги ва Ғаззолий нисбасини ўзларининг талаффузларига мослаб олганликларини хулоса қисқас бўлади. Унинг жундан ип йигиргандиги ва бу отасининг касби бўлганлиги тўғрисидаги маълумотни ас-Субқий келтиради. Аллома Европада Abu Hamet [5:186], Algazel [6:103], Algazelis, ҳозирда эса Alghazali, Algazzali номлари билан танилган.

Мутафаккир инсоннинг баҳт-саодатга, ҳаловат ва қалб сокинлигига эришиш йўллари, усувлари ҳамда унинг самараси тўғрисида ўзининг “Мезон ул-амал” асарида баён килади ва қўрсатиб ўтади [7:1].

Имом Ғаззолий мулоҳазаларига кўра, яхши сўз ўрганиш илмдан пайдо бўлади ва юқорига кўтарилиб, ўз ўрнини эгаллади. Амал эса унинг хизматкори каби илмни кўтаради ва ташиб юради. Бу илмнинг юксак мавқеига (улувву рутбати-л-илм) ишорадир. Сўфийлар ва файласуфлар, Аллоҳ ва охират кунига ишонгандар, ундаги масалаларда ихтилоф қиссаларда, саодат - илм ва ибодатда, деб ҳисоблайдилар. Унингча, ҳар бир мавжудотнинг саодати, лаззати ва роҳати ўзига хос комилликка эришишида бўлиб, инсон камолоти (ал-камол ул-хосс) ақл ҳақиқати билан (идрок ҳақиқат ал-ақлийёт) барча нарсанинг моҳиятини, уларни ҳайвонларга тенглаштирадиган ҳис ва ўйлаб топилган хаёлларсиз идрок этишдир. Нафс аслида буларни билишга ташна ва англашни истайди, фитратига кўра ҳам бунга тайёр (бил-фитра мустаъида). Бироқ, уни бундан вужуд истаклари (шаҳавот ул-бадан) чалғитади, доимо унга халақит беради, нафс истаклари инсон устидан голиб келишни бошладики, инсон уни синдириши, у билан курашиши ва ақлини нафс асирилиги ҳамда куллигидан қутқариши лозим. Бунда инсон нафақат осмон ва ердаги мулкларни тафаккур ва мушоҳада қилиши, балки ўзида яратилган ажойиботларни фикр қилиши мухим. Бу билан у комилликка ва дунё ҳаётидаги баҳт-саодатга эришади, чунки саодатнинг маъноси имкон қадар комиллик даражалари (даражот ул-камол) саноқсиз бўлса ҳам, нафсни камол топтиришдир.

Ғаззолий эътирофига кўра, инсон токи бу оламда ҳислар, хаёллар ва нафснинг тўсиқлари (авориз ун-нафс) билан чекланган бўлар экан, бу қувончни билмайди [7:6]. Аллома илм олиш ва хайрли амалларни қилишда амалларнинг турлари қўплиги ва микдорига кўра фарқлаш лозимлигини таъкидлайди. Бу масалада одамлар икки гурухга бўлади:

1. Тақлид билан қаноат қиласиганлар (қониъу бит-тақлид) – улар изланишга муҳтож бўлмай, кимга тақлид этсалар ўшалар кўрсатган ўйлдан борадилар.

2. Ҳеч кимга тақлид қиласиганлар (ла юқаллидуна тақлид). Бу хатарли йўл бўлиб, кўп вақтни талаб қилади. Бунга шароит эса узок асрлар давомида, ягона ва тақрорланмас ҳолда бир мартагина яратилиши мумкин.

Ғаззолий қарашларига кўра, мақсадга эришиш учун аввал нафсни, унинг қуввати ва хусусиятларини билиш зарур. Инсон кўз билан кўриб бўладиган жисмдан, нафсини эса ақл ва басират билан ҳисларсиз билиш мумкин ҳолда яратилган. Аллоҳ инсон жасадини лойга, руҳини эса ўзига боғлади. Инсон нафси (ан-нафс ул-инсония) илоҳий ишлардандир. У тупроққа хос паст жисмлардан (ал-ажсом ул-хасисат ул-арзия) олийроқ ва юксакроқдир. Аллоҳ айтади “Эй инсон, нафсингни тани, Раббингни танийсан” (Иъраф нафсака, ёа Инсан, таъриф Раббака). Аллоҳнинг ўз бандаларига марҳамати инсон ҳажмининг кичиклигига қарамай унда бутун олам мўъжизалари (ажоиб кулл ул-олам) билан тенглашадиган мўъжизаларни жамлагани ҳисобланади. Инсон худди оламнинг кичик нусхаси (нусха муҳтасира мин ҳайати-л-олам) кабидир. Буни инсон тафаккур қилиб, Аллоҳни илм орқали билишга етишмоги учун қилгандир [7:7].

Шу ўринда мутафаккир ҳайвоний нафснинг икки қуввати борлигини ва улар:

1. Ҳаракатга келтирувчи (муҳаррика).
2. Идрок этувчи (мудрика) қувватлардан иборат эканлигини таъкидлайди.

Ҳаракатга келтирувчи (муҳаррика) нафсни икки турга бўлади:

1. Ҳаракатни бажарувчи (Мубошира лил-ҳаракат) – бу қувват асаб толаларида пайдо бўлиб, унинг вазифаси мушакларни ҳаракатга келтиришдир. У ундовчи ҳаракатнинг хизматкори саналади.

2. Ҳаракатга ундовчи (Боиса лил-ҳаракат) – ўз навбатида интилиш ва истак қуввати бўлиб, хаёлда пайдо бўлган нарсага бажарувчи ҳаракатни ишга солади. Ўз навбатида ҳаракатга ундовчи қувватни ҳам икки қисмга бўлади:

1. Истак қуввати (ал-қувват уш-шаҳвония) – инсонни фойдали ва зарур нарсаларга ундейди. У буларнинг фойдасини лаззатга эриштиришида деб ўйлади.

2. Фазаб қуввати (ал-қувват ул-ғазабия) – бу қувват ўз соҳибини унга зарар келтирадиган ёки мақсадига тўсиқлик қиласидиган нарсани олиб ташлаш учун ҳаракатга ундейди.

Идрок этувчи (мудрика) қувватларни ҳам икки турга бўлади:

1. Зоҳирий қувват (ал-қувват уз-зоҳира).

2. Ботиний қувват (ал-қувват ул-ботина).

Зоҳирий қувват беш хисдан (ал-ҳавос ул-хамса) иборат. Газзолий бу ҳақда тўхталиб ўтирамайди. Ботиний қувватнинг ҳам бешта таркибий қисмдан иборат эканлигини кўрсатади. Биринчиси хаёлий бўлиб, кўрилган нарсанинг сурати қолади, у жамловчи (хиссан муштарикан) деб аталади, чунки у бешта мудрика ҳис орқали англанган нарсани қабул қиласиди. Иккинчиси ҳофиза қувват, яъни қабул қилинган суратни ўзида сақлайди. Чунки инсон суратни қабул қиласидиган нарса уни сақлайдиган нарсадан фарқ қиласиди. Учинчи қувват англовчи қувватдир (ал-қувват ул-ваҳмия). Бу қувват аниқ бўлган нарсанинг ноаник маъносини (ғайра маҳсуса мин ал-маҳсусоти-л-жузъия) билади. У кўйга бўридан қочиши ва боласини яхши кўриш лозимлигини билдиради. Тўртингчи қувват ҳис қилиб бўлмайдиган бу маъноларни худди иккинчиси суратни сақлагани каби сақлайди. У маъно-мазмунни сақлайди (ҳофиза лил-маъно) ва хотира (зокира) деб аталади. Фикрлаш қуввати (ал-қувват ул-муфаккира) сурат ва маънолар сақланадиган маскан ўртасидаги мартаба бўлиб, у хаёлда мавжуд бўлган қисмларни ихтиёрига кўра бир-бирига боғлайди, баъзисидан эса айиради. У ҳаракат турини қўллаган ҳолда барча нарсани англайди, хаёлдаги нарсаларни бириттириб, ажратади.

Бу қувватлар инсон ва ҳайвонларда фақат фикрлаш қуввати (ал-муфаккира) дан ташқари бир хилда мавжуд. Ҳайвонларда инсондаги тафаккур қилиш қувватининг (куват ул-мутафаккира) чегарасига етиб борадиган тасаввур (ал-мутахайила) кучи бор.

Имом Газзолий инсон нафсининг қуввати (куват ун-нафси-л-инсония) ни икки қисмга бўлади:

1. Билувчи қувват (куват ул-олима).

2. Фаолият кўрсатувчи қувват (куват ул-омила).

Уларнинг иккисини ақл деб номлаш мумкин, дейди. Бироқ уларнинг номи умумийдир. Чунки, фаолият кўрсатувчи қувватни (ал-омила) ақл деб аташларининг сабаби у билувчи (ал-олима) қувватга хизмат қилиши туфайлидир. Омила қуввати нафснинг кучи ва маъноси ҳисобланади. У ақл ва тафаккур белгилаб берган у ёки бу фаолиятни бажаришга инсон тана ҳаракатнинг бошланиши ҳисобланади. Барча тана қувватлари бўйсундирилган ва итоат эттирилган бўлиши лозим, фақатгина фаолият қувватидан ташқари, чунки у (ал-омила) бирор бир таъсир остида бўлмаслиги зарур. Бошқа қувватлар эса ушбу қувват ишораси ва кўрсатмасига мувофиқ сокин туриши ва ҳаракатланиши лозим. Агар у бўйсунса, унда шаҳавот билан чекланган кўринишлар (ҳайъот) пайдо бўлади. Ушбу кўринишлар ёмон ахлоқ (ахлоқан радиъятан) деб аталади. Агар бошчилик килса, унда фазилат ва яхши хулқ (хулқан ҳасанан) устун келади [7:8].

Газзолий қарашларига кўра, нафс бешта ҳис билан билишдан баландроқдир, аммо уни ақл билан билиш мумкин. Бунга ундан сўнг қоладиган нарсалар ва амаллари далолат беради. У икки – ўзидан паст бўлган ва ўзидан юқори турган томонлар билан алоқага эга. Ҳар бир томон учун улар ўртасидаги алоқани бошқарадиган қувват мавжуд. Пастки томон билан алоқани бошқарадиган қувват – бу амалий қувват бўлиб, у тана ва унинг аъзоларини бошқаради. Назарий билувчи қувват эса нафсдан баландда турадиган томонга тааллуқли бўлиб, у билан боғланишга ва ундан фойда олишга мўлжаллангандир. Бу томон деганда,

инсонлар нафсига Илмни күйиш учун юборилган фаришталар назарда тутилади, чунки илмлар Аллоҳдан тұғридан тұғри келмайды. Яъни илм восита орқали ҳосил бўлади. Нафснинг икки томони, юзи бор: бири танага қараган бўлиб, тана ва истакларга (шаҳавот) бўйсунмай буйруқ бериши лозим. Бошқа томони эса олий ва юксак (ал-жанба аш-шарифа ал-олия) бўлиб, нафс ўша томондан доимо қабул қилиши, таъсирига тушиши лозим, чунки унда саодатнинг сабаблари мужассамдир. Ушбу назарий билувчи қувват (ал-қувват ан-назария ал-олима) умумий тушунчаларни, уларни жузъий ҳис (маҳсусат жузъия) этадиган қилувчи аъроз, белгиларга (ал-авориз) боғлиқ бўлмаган ҳолда қабул қиласди.

Илмга нисбатан бу қувват уч босқичга бўлинади. Биринчиси, боланинг ёзишга бўлган муносабатига ўхшайди. Унда қобилият бўлсада, бу харакатни қилишдан узоқдир. Иккинчи босқич, ўсиб улғайган ва баъзи нарсаларни англәтган болага ўхшайди. Бола сиёҳдон, қалам ва алоҳида ҳарфларни танийди, аммо уларни бирлаштириш қоидаларини билмайди. Учинчи босқич, касб этилган барча тушунчаларнинг амалиётда намоён бўлиши ҳисобланади. Улар инсонда сақланади, истаганида унга кайтади, қачон қайтса ҳам улардан яхши фойдалана олади. Бу моҳир котибнинг ҳозир ёзмайтган, аммо мукаммал ҳолатда бу ишга тайёр туришига ўхшайди.

Учинчи босқич охиргиси бўлишига қарамай, унда илмнинг қўплиги, шарафлиги ва пастлигига кўра бир қанча даражалари бор. Илм илоҳий илҳом билан ва ёки таълим, ёки тажриба орқали ҳосил бўлиши мумкин. Энг юқори босқич пайғамбарлар ва авлиёлар даражасидир, уларда сарфсиз ва меҳнатсиз, мashaққатсиз ёки қисқа муддатда ҳақиқатлар кашф бўлади. Ана шу Аллоҳга бўлган қурб саодат ҳисобланади. Яқинликдан (қурб) сўнг бирлашиш (иттиход) келади. Шунинг учун улардан баъзилар: “Менга шарафлар бўлсин, қандай ҳам мен буюкман!” (Субҳоний, ма аъзаму шаъний), бирори: “Мен Ҳақман!” (Анал-Ҳақ) дейди. Бу ерда Фаззолий авлиёлар Боязид Бистомий ва Мансур Халложни назарда тутаяпди.

Имом Фаззолий нафс қувватлари даражасига кўра фарқланишини айтади. Қувватларнинг баъзиси ўзидан ўзи яратилган, баъзиси бошқалари учун, баъзиси хизмат қилиши ва бошқалари эса уларга хизмат кўрсатилишлари учун яратилган. Инсон ҳайвонлар ва фаришталар ўртасидаги мартабани эгаллайди. Шу сабабли инсон қуввати ва сифатига кўра фарқланади. Озиқланиши ва кўпайшига кўра, у ўсимлик, ҳис қилиши ва ҳаракатланишига кўра ҳайвон, қомати ва суратига қаралса, деворга нақш этилган суратга ўхшайди. Аммо инсон ақл қуввати (қувват ул-ақл) ва нарсалар моҳиятини идрок этиш (дарку ҳақиқати-л-ашёъ) хусусиятига кўра, яратилгандир. Агар инсон жамики қувватини илм олиш ва ҳайрли амаллар қилиш учун ишлатса, у фариштага ўхшайди. Улар билан бирга бўлишга ҳақли, фаришта ва авлиё (малакан ва раббонийян) деб аталишга лойик бўлади.

Кимки ўз қувватини вужуд истакларини (ал-лаззат ул-бадания) қондиришга сарфласа, ҳайвон каби еса, ҳайвон даражасига тушади ва бука каби кутуради, чўчқа каби очофат, ит каби газабли, түя каби нафратли, йўлбарс каби кибрли, тулки каби айёр бўлади ёки ушбу барча сифатларни исёнкор шайтон каби ўзида жамлайди.

Фаззолий қувватларнинг ичида ақл ҳаммасидан юқори туради, дейди. Улар ажойиб ҳолда бир-бирига хизмат қиласди ва шундай яратилганки, Аллоҳ амрига қаршилик қилолмайди. Ақл бошқарувчи хукмдор, унга барча хизмат қиласди, унинг вазири ва ходими танани бошқарадиган амалий ақл (ал-ақл ул-амалий) ҳисобланади. Тана эса нафснинг воситаси ва уловидир (олат ўн-нафс ва марқабуха). Ҳислар воситасида амалий ақл илмлар бошланишини англатади, унинг ёрдамида эса нарсаларнинг ҳақиқати ва моҳияти тўғрисида хулоса қилинади.

Фаззолийнинг фикрича, илм ва амалнинг саодатга олиб бориши тўғрисида сўфийлар ва бошқа гурух назариётчи-тадқиқотчилари бир фикрга келганлар. Амалнинг барча кераксиз нарсалардан покланиш жараёнига таъсири ва илм олиш сари ҳаракати, яъни керакли нарсан олишга интилиш ва кераксиз нарсалардан кутулиш зарур нарсаларга жой бўшатишнинг шарти ҳисобланади. Шарт қилинган (ал-машрут) нарсанинг ўзи мақсад ва у шартдан кўра устундир. Фаззолий бу ерда шундай мисолни келтиради:

Масалан, кимдир касали туфайли туға олмайдиган аёл ҳомиладор бўлишини истаса, у икки ишни қилиши лозим: биринчиси, ҳомиладор бўлишга тўсқинлик қиласидиган иллатни бартараф этиш, иккincinnиси, бу касалликнинг олди олингандан сўнг уругни солишдир (ийдоъ ун-нутфа). Бунда биринчиси иккincinnисининг шарти хисобланади ва иккincinnиси эса у интиладиган мақсаддир (ал-ғоят ул-матлуба).

Агар занг босган ойнани фараз қылсак, унинг ёрқинлигини ғубор қоплаган бўлади ва унда ашёлар акс этмайди. Ойнани мукаммал ҳолатга қайтариш ва тасвирларни борича акс эттириш қобилиятини тиклаш учун икки ишни қилиш лозим. Биринчиси, ойнани тозалаш ва сайқаллаш, иккincinnиси, уни сурати акс этиши лозим бўлган нарсага йўналтириш. Худди шундай одам нафси (нафс ул-одамий) ҳақиқат томон юзланган ойна бўлишга тайёрdir. Улар худди бир нарсадек, аммо бошқа тарафдан улар ойна ва сурат каби фарқ қиласиди. Ушбу хусусият инсон нафсини ҳайвон нафсидан фарқлади. Ҳайвоний нафс инсонийдан паст даражада туради. Чунки инсондан ташқари барча ҳайвонлар бундай кувват ва қобилиятдан маҳрумдир. Бу худди ер ва дарахтлар тасвирларни акс этиши қобилиятига эга бўлмаганидек, улар учун ойна бўлолмайди. Бу қобилият доимо малоқаларда мавжуд. Соғ, тиник сувда ҳам бу хусусият мавжуд, чунки у тасвирларни акс эттиради. Бу инсонда ҳам ҳаракат (бил-фиъл) сифатида эмас, кувват (бил-кувва) кўринишида мавжуддир.

Хулоса қилиб айтганда, амалнинг маъно-моҳияти истакларни (шаҳавот) синдириб, уни илоҳий олий томонга йўналтиришдан иборат. Нафсни унинг паст, суфлий томони (бил-жанаба ас-софила) билан боғлайдиган нуқсон ва ёмон алоқалардан тозалаш лозим. Буни токи ушбу алоқалар йўқолгунча ёки хеч бўлмагандан заифлашгунча амалга ошириш керак. Сўнг нафсни илоҳий ҳақиқатларни ўрганишга йўналтириш зарур, шунда Аллоҳ томонидан пайғамбар ва авлиёларга юборилган юксак олий нарсалар (ал-умур уш-шарифа) юборилади. Хуллас, нафс саодати ва комиллиги илоҳий ишлар ҳақиқатини нақш қилишида бўлиб, бу фақат нафсни паст нарсалардан, нуқсон, шаҳват ва ғазабдан тозалаш орқали амалга ошириш мумкин. Бу эса ҳаракат ва хайрли амалларни қилиш орқали амалга ошади. Амал эса поклик учундир, комилликка эришишнинг шарти ҳам поклик ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Руқис бин Зоид ал-Азизий. Ҳужжат ул-Ислом. Мажаллат ан-нашот ас-сақафий ал-ироқий. 1957. – 160 б.
2. Хисматулин А. А. Суфизм. Санкт-Петербург, издательский дом “Азбука – Классика” “Петербургское Востоковедение”, 2008. – 320 с.
3. Watt W. Montgomery. Islamic Philosophy and Theology. Edinburgh, 1962, chap. 13, P. 260.
4. Абдулкарим ал-Усмон. Сийрат ал-Ғаззолий ва ақвол ал-мутақаддимин фихи. - Дамашқ, 1961. – 420 б.
5. Кулдтсихр И. (Игнац Голдциер). Ал-акида ваш-шариға фи-л-Ислам. Қохира. – С. 62-186.
6. Salman D., Algazel et Les Latin in: A.H.D.L.M.A., (1935-1936), р .5-103 АА.
7. Имом ал-Ғаззолий. Мизонул-амал. Захоирул-араб. Дор ул-маориф би-Миср, 1964. – 240 б.

**Нашрга проф. С. Чориев тавсия этган**

## **ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ МЕРОСИДА ИЛМ МАСАЛАСИ**

**Хантов Л.А. (БухДУ)**

**Аннотация.** Мазкур мақолада буюк ватандошимиз Ҳаким ат- Термизий илмий меросида илм- билим, ўқиши ва ўрганиш асосида ҳосил бўлиши таъкидланган. Асарларида илмнинг пайдо бўлиши, илмнинг нур эканлиги тадқиқ этилган.

**Таянч сўзлар:** илм, маърифат, билим, ҳикмат, Ҳакимия таълимоти.

**Аннотация.** В данной статье подчеркивается, что научное наследие нашего великого соотечественника Ҳакима ат-Тирмизи основано на знаниях, изучении и обучении. В его работах исследуется возникновение науки и то, что наука есть свет.

**Ключевые слова:** знание, просветление, знание, мудрость, учение Ҳакимия.

**Annotation.** This article emphasizes that the scientific heritage of our great compatriot Hakim at-Tirmizi is based on knowledge, study and learning. His work explores the emergence of science and how science is light.

**Key words:** *knowledge, enlightenment, knowledge, wisdom, Hakimiyya's teaching.*

Ал-Ҳаким ат-Термизий (820-932) ислом тарихида энг кўп ва улкан маънавий мерос қолдириган кам сонли шахслардан биридир. Мутассавуф ислом оламида илму фан ривожланган даврда дунёга келди ва ўзининг ноёб асарлари билан бир неча асрлар давомида ўзидан кейинги олимлар ижодига таъсир этиб қолди. Мутассавуфнинг тўлиқ исми Абу Абдулоҳ Мұхаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башир ал-Ҳаким ат-Термизий бўлиб, У Ҳакимия таълимотининг асосчисидир.

Ҳаким Термизий “Китоб баён ал-илм” (“Илм баёнида китоб”), “Илм ал-авлиёй” (“Авлиёлар илми”) “Ал-илм”, “Китоб ал-ҳуқук” (“Ҳуқук китоби”) “Китоб ал-ҳикма илм ал-ботин” (“Ҳикмат ва ботин илмлари китоби”) “Маърифат ул асрор” (“Маърифат сирлари”) каби асарларида илмнинг назарий асосларини таҳлил этиб, бу борада мутасаввуфларнинг илмга берган таърифлари ва қарашларини тадқиқ этиб, ўз фикрларини баён этган. Аллома илмнинг барча йўналишдаги вакиллари билан баҳсга киришар экан, ҳар бир таълимотдан ислом тафаккури учун фойдалари жиҳатларни ривожлантиришга ҳаракат қилган. У инсонга туғма ақл берилганлиги, ақл-идроқдан тўғри фойдалана олиши учун билим ва маърифат кераклиги, бу инсонни эзгулик сари етаклашини асослаб беришга ҳаракат қилган. Олим инсон қалбини илохий сир деб билиб, қалбни илм ўзгартиришини таъкидлаб, тасаввуф-бу илмдир деган фояни ёқлаб чиққан. У маърифат илм, уни эгаллаш, ўқиш, ўрганиш негизида ҳосил бўлишини, тасаввуфнинг илм мақомини олишини изоҳлаб берган.

Мутасаввуф ўзининг “Маърифат ул асрор” (“Сирлар маърифати”) асарининг еттинчи боби, тўққизинчи фаслида илмга қуидагича таъриф берган: “Илмнинг асли банда ва Аллоҳ таоло, унинг буйруғи ва қайтарифи ўртасидаги белги. Унинг кўриниши солиҳ амал. Илмнинг зидди жаҳолат, яъни нодонликдир” [1:69].

Таърифдан кўриниб турибдик, мутасаввуф илм-солиҳ амалда намоён бўлишини, қилинаётган амал қанча солиҳ бўлса илм шунча юксалишини изоҳлаган. Зеро, илм бўлмаган жойда, солиҳ амаллар бажарилмаганда, илм-жаҳолатга яъни нодонликка етаклашини, жаҳолат зулматлиги, у ўз соҳибини оҳири берк кўчага етаклашини таъкидлаган.

Мутасаввуфнинг юкорида келтирилган фикрлари бугунги кунда республикамизда маънавий-маърифий соҳада “жаҳолатга қарши маърифат” шиори остида олиб борилаётган ислоҳотларимизга тўлиқ ҳамоҳангдир.

Ҳаким Термизий ўзининг “Масоил ат-таъбир” (“Таъбирлар масаласи”) асарида илм ҳақида ”Кимки билимни саховатидан баҳра олишга сазовор бўлса, ул Аллоҳга яқин кишидир. Илм танҳоликда дўст, зеро, илм одамларга ҳамиша шерикдир. У ҳар қандай шароитда йўлчи юлдуз, дўстлар даврасида безак, билим жаннатга элтувчи раҳнамодир” деб ҳисоблади. [5:266].

Ҳаким Термизий асослаган Ҳакимия таълимотининг шаклланишида Хорис Мұхосибий (ваф.857) қарашларининг таъсири бўлган. Мұхосибий қаламига мансуб “Китоб ал илм” рисоласи Ҳаким Термизийнинг “Китоб ул баён ал-илм” асарининг юзага келишида илҳом манбаи бўлиб хизмат қилган. Шундан Ҳаким Термизий: “Тасаввуф-бу билим”, “Илм-бу нурдир”, “Нур-Ҳақни ноҳақдан ажратади”, “Нур-садик қулини иймонга етаклайди”, “Нур-Аллоҳ томонидан банда қалбига жойлаштирилган”, “Қалбларни мунаvvар этувчи нарса - Аллоҳ нури” деб ҳисоблади.

“Китоб ал-ҳуқук” (Ҳуқук китоби) асарида Ҳаким ат-Термизий илмни қуидагича изоҳлайди. “Илм бу нурдир. Инсонлар Аллоҳ таоло олдида қанчалик масъулият ҳис этса, шунчалик маърифатга эга бўлади. Инсон қалби ёвузиликдан қанчалик тозаланса, илм янада мукаммал бўлади ва нур таратади”. Мутафаккир қаерда нур бўлса, у жойдан, албатта, зулмат чекинишини таъкидлаб, илм олишга катта эътибор беришга чақирган.

Аллома илмнинг ҳаётдаги ўрнини белгилашда шу билан чекланиб қолмайди. Бу борада ўз фикрларини янада чуқурлаштириб шундай деб ёзади: “Аллоҳ таоло, энг аввало,

илмни яратган. Илмдан эса донишмандлик (ҳикмат)ни вужудга келтирган. Донишмандликдан бўлса адолат (адл) ни ва ҳақ (ҳақиқат)ни пайдо қилган”.

У “Масала фи-л-фарқ байн ал илм ва-л-фикх” (“Илм ва фикх ўртасидаги фарқлар масаласи”) китобида “Билим нарсаларнинг намоён бўлиши (тажаллиси)дир” деган холосага келади. Илм нарсалар моҳиятининг кашфиёти тарзида талқин этилиб, (“Маърифат ал-илм биллоҳ” -“Аллоҳни билим билан таниш” ғояси илгари сурилади. Бундай қарааш ўша давр учун чинакам фикрий қашшофлик, янгиланиш эди. Кейинги асрларда олимлар, жумладан, Фаридуддин Аттор (1146-1221) ҳам Ҳаким Термизий асос солган ҳакимия таълимотининг йўли илмга асосланганлигини таъкидлаган. [6:402-412]. Бугунги замон тадқиқотчилари аллома асарларини, меросини ўрганар эканлар Ҳаким Термизий танлаган йўлни мазҳаб [5:5]. -йўл, илм йўли деб ҳисоблайдилар. Бу илм йўли Ҳакимия номини олганлиги, унинг тарафдорлари, издошлари шогирдларига “Ҳакимлар” унвони берилганини ёритадилар. Янги давр шарқшунос олимлари алломанинг ўн икки нафар шогирди ҳақида маълумот берганлар. Шулардан бири авлиёлар муаллими номини олган Абу Бақр Варроқ Термизий бўлса, иккинчиси қалблар жосуси лақабига сазовор бўлган Ҳасан ибн али – Журжонийдир. [2:55]. Улар фаолиятларини амалиётга муридлар тарбиялашга қаратишган.

Ҳаким Термизий “Ал-Амсол Минал китоб вас сунна” асарида Олимнинг илмига амал қилмаслиги ва бошқаларга ўргатмаслиги масаласини таҳлил қиласди.

Мутафаккир фикрича.... илм ўрганиб, унга амал қилмайдиган ва одамларга ҳам ўргатмайдиган инсон худди кўп мол-дунё берилган кишига ўхшайди. У киши берилган шунча дунёни ер остига яшириб қўйиб, ундан ўзига ҳам, бошқаларга ҳам сарф қилмайди. Бу бойликтан ўзи ҳам, бошқалар ҳам манфаат олмайди. Қиёмат куни бундай бойлик ўша кишига бало бўлади.

Шунингдек, бу ҳолатда ҳашак устига ётиб олган итга ўхшайди. Ҳашак кўп, аммо уни ит ўзи ҳам өмайди, уни емоқчи бўлган чорвани ҳуриб ҳайдайди. Илмига амал қилмагани, бошқаларга ўргатмагани, ўзи ҳам амал қилиб, жаннатга йўл олмагани, бошқаларни ҳам тўғри йўлга йўлламагани учун бу илми икки дунёда ҳам унга манфаат бермайди.

Ҳаким Термизийнинг юқорида зикр қилган фикрлари кейинги давр олимлари меросида ўз аксини топган. Жумладан: Абдулқодир Гийлоний (Жийлоний 1079-1166) “Илм мисоли данак, амал эса унинг мағзидир” -деб уқтиради. Мағзиздан пуч бўлгани сингари, амалсиз илм ҳам ҳеч қандай таҳсинга сазовор бўлмайди. Илм-ҳикматдир, илм эгаллашдан мақсад ҳам ундан эзгу мақсадларда фойдаланишдир. Инсон олган илмларини ўз ҳаёти ва фаолияти(практиология)да намоён этиши лозим. Зоро ўрганилган ва эгалланган илм инсоннинг тўғри фаолият олиб боришидаги асосий воситалардан биридир. Инсон эгаллаган билимига амал қилмасдан, ўз илмини бошқаларга ўргатмасдан, беҳуда амалларга сарфласа у ҳеч қандай мақтовга ва ҳурматга лойиқ бўла олмайди деган. [3:26].

Дарҳақиқат, илмга амал қилмаслик кўп салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Чунки олим бўла туриб, илмини хор қилиш-еб турган нонини оёқ ости қилиш билан баробардир. Шундай нақл бор: “Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин”. Бу нарса илмига амал қилмаган олимга нисбатан берилган ҳалкнинг баҳосидир.

Ҳаким Термизий “Ал-Амсол Минал китоб вас сунна” асарида илмига амал қиладиган, илмини бошқаларга ўргатдиган олимларни таърифлайди. “.....Олимлар бамисоли хушбўйлик сотадиган аттордир. Унинг ёнидан ўтсанг, хушбўй хидни туясан, агар у билан бирга ўтиранг, унинг атридан оласан, агар у билан ҳамсұхбат бўлсанг, унинг хушбўй таъмидан баҳраманд бўласан. Уйингга ҳам шу ҳолда қайтасан” деб таъкидлайди. [4:247]. Ҳаким Термизий, олимлар ҳурматга, таҳсинга сазовордир, чунки улар инсоннинг ҳаёти давомида тўғри, эзгу мақсадлар сари фаолият юритишига сабабчи бўладилар деб ҳисоблайди. Зоро, олим бўлганлар (ал-уламо)- нафсни таниганлар, уларни алдашни умид қилиш учун шайтоннинг бу ўринда (қуввати) оз ва хордир деб таъкидлаб, инсонларни фойдали билимлар берадиган олимларга яқин бўлишга чақирган.

Ҳаким Термизий маърифат аҳлининг илмлари ҳақида фикр юритиб, бундай илмларни уч хил бўлади деб кўрсатади:

биринчиси: маърифат ахлининг ғалаба вақтида айтадиган илмлари. Уни билиш ибрат, ишораси эса иззатдир;

иккинчиси: маърифатдан баҳрамандлик тўхтаган вақтда айтадиган илмлари. Бу энг заиф илмдир;

учинчиси: маърифатга эришган вақтда айтган илмлари бўлиб, маърифат ахлига илмнинг аввали ва охирида ярайди.

Ҳаким Термизий асарларида илм ва ҳикмат ( донишмандлик) сўзлари маънодош сифатида ишлатилган. Аллома Ислом-илм, иймон- илм, тавхид-илм, маърифат-Аллоҳ илми дейди. Унинг фикрича, илм мутолаа давомида шаклланса, маърифат Аллоҳдан унинг бандаларига берилган буюк неъматdir.

Ҳаким Термизий “Наводир ал усул” асарида Аллоҳ таоло бандаларни турли тоифа қилиб яратгани, уларга зарур бўлган илмни бергани, улар илм билан Аллоҳни таниб, Унга ибодат қилишларини таъкидлаган. Унинг фикрича, Аллоҳ хузуридаги илм-денгиздир. Аллоҳ бу денгиздан расулларга дарё ато этади, расуллар бу дарёдан уламоларга анҳорни берадилар, уламолар эса оммага кичик ариқни улашадилар. Мутафаккир дунё изтиробларига берилиб, ўзини ожиз, нотавон, хўрланган деб билган кимсаларни қаттиқ танқид қилиб, “.....Аллоҳ сенга илм, ақл, хидоят берди, сен унинг тақдирига рози бўл, қисматингдан нолима ўзингнинг ёмон нафсингдан ўпкалан” дейди. Зоро, Аллоҳни таниган банда зинҳор умидсизликка тушмайди, тақдирдан нолимайди, банда қисматдан эмас, ўзининг ёмон нафсидан ўпкалаши лозим деб ҳисоблади.

Ҳаким Термизий “Наводир ал усул” асарида “Қалб ва нафс танада шериқдирлар. Қалб - маърифат, ақл, илм, фаҳм, зехн, фаросат, хифз ва ҳаёт кучидан қувват олади. Ҳар бир илм қалбдаги жойига кўра даражаси юқорироқ бўлади” деб ҳисоблади.

Ҳаким Термизий асарлари саҳифаларида сингдирилган илм ҳақидаги донишмандона ҳикматлар ва улар ташиган гоялар, илгари сурган муддаолар донолик намуналари бўлиб, инсонларни ҳамиша эзгулик сари даъват этади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий. Маърифатул асрор. (Сирлар маърифати). / Таржимон: Абдулхамид Муҳаммад Турсунов. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2017. – Б. 69.
2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн али Ҳаким Термизий. Мўминларнинг ибодатдаги даражалари. (Манозил ул-ибод мин ал-ибода) Таржимон Абдуқаҳҳор Шоший. Ўзбекистон мусулмонлари идораси. – Тошкент: Mavarounnahr, 2017. – Б.55.
3. Абдулқодир Жийлоний. Раббонийликни англаш. 1-китоб. – Т., 2005. – Б. 26.
4. Орифлар тасаллиси. Ҳаким Термизий асарларидан сайланма / Таржимон: И.Усмонов ва бошк. – Тошкент: Mavarounnahr, 2018. – Б. 247.
5. Турсунов С., Муртазоев Б. Термизийларнинг илмий тафаккури. – Т.: O’zbekiston, 2016. – Б. 266.
6. Фаридуддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. – Б. 402-412.

*Наширга проф. С.Чориев тавсия этган*

## YANGI O’ZBEKISTON YOSHLARIDA BAG’RIKENGLIK MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH MASALALARI

Xoliqov Y.O. (SDCHTI)

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada yoshlarda bag’rikenglik madaniyatini rivojlantirishning falsafiy mohiyati yoritilgan. Unda globallashuvning integratsiyalashgan jarayon kechayotgan bir davrda yoshlarda bag’rikenglik madaniyatini rivojlantirishning axloqiy asoslari ochib berilgan. Yoshlarda bag’rikenglik madaniyatini rivojlantirishda oila va davlatning o’rni, unda amalga oshirilayotgan ishlar tadqiq qilingan.

**Tayanch so‘zlar:** *bag’rikenglik, madaniyat, deklaratsiya, globallashuv, mentalitet, milliy qadriyat, urf-odat, ilm-fan, millat, elat, pragmatizm, fundamentalizm, ekstremizm, strategiya, plyuralizm, ommaviy madaniyat, xavfsizlik, ma’rifat, rezolyutsiya.*

**Аннотация.** В данной статье описывается философская сущность формирования культуры толерантности среди молодежи. В нем раскрываются нравственные основы формирования культуры толерантности среди молодежи в условиях, когда глобализация представляет собой комплексный процесс. Изучена роль семьи и государства в развитии культуры толерантности у молодежи, а также проводимая в ней работа.

**Ключевые слова:** толерантность, культура, декларация, глобализация, менталитет, национальная ценность, традиция, наука, нация, народ, pragmatism, фундаментализм, экстремизм, стратегия, плюрализм, массовая культура, безопасность, просвещение, резолюция.

**Annotation:** This article describes the philosophical essence of developing a culture of tolerance among young people. It reveals the moral foundations of developing a culture of tolerance among young people at a time when globalization is an integrated process. The role of the family and the state in the development of the culture of tolerance among young people, as well as the work carried out in it, has been studied.

**Key words:** tolerance, culture, declaration, globalization, mentality, national value, tradition, science, nation, people, pragmatism, fundamentalism, extremism, strategy, pluralism, mass culture, security, enlightenment, resolution.

Bugungi kunda globallashuv jarayonlarining tobora kuchayib borayotgan bir davrda dunyo miqyosida tinchlik, barqarorlikni saqlashda eng avvalo yoshlarda millatlararo bag'rikenglik madaniyatini rivojlantirish dolzarb muammolardan biriga aylangan. Dunyoda kechayotgan integratsiyalashuv jarayonida mutlaqo o'zgacha muhit, yangicha yashash talablari asosida kechayotgan xavf-xatarlar kuchaygan bir sharoitga to'g'ri kelmoqda. Jahonda turli millat vakillarining bir mamlakatda tinch-totuv yashashlari, umuminsoniy bag'rikenglik tamoyillarini rivojlantirishga intilishlari yangi asrga xos xususiyatdir. Biroq, madaniyatning notekis rivojlanish qonuniyatiga ko'ra ayrim jamiyatlarda madaniyat omili yetarlicha namoyon bo'lmayotganligi tufayli ularda mayjud siyosiy hokimiyatga qarshi turli destruktiv harakatlar vujudga kelib, bu boshqa xalqlar va davlatlarning barqarorligi hamda taraqqiyotiga ham o'z ta'sirini o'tkazmoqda. Mazkur holat yoshlar madaniyatining real va potensial imkoniyatlaridan samarali foydalanishga, ularning bag'rikenglik madaniyatini rivojlantirish bilan bog'liq ehtiyojlarni vujudga keltirmoqda.

Millatlararo bag'rikenglik madaniyatini yer kurrasining barcha xalqlari, elatlarida rivojlantirish asosida xalqlar va davlatlar o'rtasida munosabatlarni bir necha bor oshirishimiz mumkin. Chunki, yoshlarda millatlararo bag'rikenglik madaniyatini shakllantirmasdan turib, dunyoni turli xil halokatlardan asrashning iloji yo'q. Shuning uchun, YUNESKO 1995-yili Parijda «Bag'rikenglik tamoyillari Deklaratsiyasi»ni qabul qildi. Birlashgan Millatlar Tashkiloti tomonidan esa 1996 yildan buyon har yilning 16 noyabr sanasi «Bag'rikenglik kuni» deb e'lon qilindi. Ushbu deklaratsiyada diniy bag'rikenglikning ijtimoiy jihatlariga alohida urg'u berilgan. Xususan, unda shunday deyilgan: «Bag'rikenglik bugungi kunda har doimgidan ham muhimroqdir. Biz iqtisodiy globallashuv jarayoni, aloqa vositalari tez rivojlanayotgan, integratsiya va o'zaro aloqadorlik, katta miqyosdagi migratsiya va aholining ko'chishi, urbanizatsiya va ijtimoiy tuzilmalar qayta shakllanayotgan asnda yashamoqdamiz. Har bir mintaqaga serqirradir va shuning uchun murosasizlik va nizolarning ko'payishi dunyoning barcha nuqtalariga tahdid qiladi. Bu tahdid global xarakterga ega bo'lganligi sababli, uni milliy chegaralar doirasida cheklanib qolishi mumkin emas». [1.3-m. 1-ba]

Bizga ma'lumki, tarixdan bag'rikenglik (tolerantlik) qadrlanib kelingan. O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti I.A Karimov ta'kidlaganlaridek, «Ota-bobolarimiz necha asrlar mobaynida shu bepoyon mintaqada qanday hamjihat bo'lib, qanday qadriyatlar asosida yashab kelgan bo'lsa, bugun ham ta'bir joiz bo'lsa, tarix va hayot gardishi, tabiatning o'zi bizni – butun O'rta Osiyo xalqlarini aynan ana shunday do'stlik va hamkorlik ruhida hayot kechirishga da'vat etmoqdamiz. Bir so'z bilan aytganda, tarixiy voqelikka mana shunday qarash, jamuljam bo'lib yashash tuyg'usi biz uchun falsafasiga, yana ham aniqrog'i, hayot qoidasiga aylanib ketgan. Zamonaviy tilda aytadigan bo'lsak, bu milliy mentalitetimizning asosini tashkil etadigan, bizni boshqalardan ajratib turadigan shunday bir xususiyatki, uni sezmaslik, anglamaslik, ko'rmaslik umuman mumkin emas» [2; 10].

Shu o'rinda yoshlarda bag'rikenglik madaniyatini shakllantirish davlat va jamiyatning diqqat markazida bo'lib kelmoqda. Millatlararo totuvlik va bag'rikenglik madaniyati, eng avvalo,

boy tarixiy-ma'naviy meros, milliy qadriyat, urf-odat va an'analar asosida milliy o'zligini anglagan, milliy g'urur-iftixori yuksalgan, umuminsoniy qadriyatlar, ilm-fan yutuqlari asosida zamonaviy texnologiyalar, dunyoqarashi shakllangan yoshlarni tarbiyalash davr talabi bo'lib kelmoqda. Bu masalada biz bugungi kunda yoshlarni har tomonlama yetuk qilib tarbiyalashda ma'naviy, mafkuraviy tahdidlardan ularni himoya qilishimiz kerak bo'ladi.

XXI asr globallashuv jarayoni shundan dalolat beradiki, davlatlar, xalqlar va millatning xavfsizligi, barqarorligi va taraqqiyoti yoshlarga xavf solayotgan tahidni anglab yetishga bog'liq. "Tahdid" deganda inson hayotiy faoliyati, umuman, yashashini chigallashtiruvchi hamda tarixiy davr davomida aniq maqsad uchun yo'naltirilgan ijtimoiy tuzilmani, to'g'rirog'i, davlatning siyosiy asosini zaiflashtiradigan, qolaversa, yemirishga qaratilgan mahalliy, hududiy, mintaqaviy va nihoyat, umumsayyoraviy salbiy omillarning "kirib kelishi" tufayli yuz beruvchi makon va zamonda muayyan salbiy siyosiy ijtimoiy va tarixiy vaziyatni tushunish lozim [3; 7-8].

Shuning uchun O'zbekiston Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev "Yoshlarimizning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma'naviy salohiyatga ega bo'lib, dunyo miqyosida o'z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo'sh kelmaydigan insonlar bo'lib kamol topishi, baxtli bo'lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz" [4; 14], – deb ta'kidladi. Darhaqiqat, har bir yosh, jamiyat va millatlarning urf- odatlari, madaniyati va qadriyatlarini tan olib hurmat qilgan holda bag'rikenglik munosabatida bo'lishlari zarur. Mustaqillik sharofati bilan 130 dan ortiq millat va elat vakillari yashaydigan O'zbekistonda turli millat va elat vakillari farovon yashashi uchun qulay shart-sharoitlar yaratilgan bo'lib, rus, tojik, turkman, qozoq, qoraqalpoq, arab va boshqa millat va elat vakillari bilan birgalikda ularning turli xil urf-odatlari, qadriyatlar, an'analarini hurmat qilgan holatda tinch, osoyishta va farovon hayot kechirib kelmoqda. Shu o'rinda har bir millatning o'ziga xos bag'rikenglik madaniyatini shakllantirish va yuksaltirishda shubhasiz oilaning o'mi beqiyos.

Har bir yoshning eng pokiza tuyg'ulari, hayotiy tushunchalari birinchi o'rinda oilada shakllanadi. Jamiyatning ma'naviy yangilanishida, – deydi Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov, – "biz bir narsani yaxshi anglab olishimiz kerakki, umumiy va maxsus bilimlarga ega, ongli, tafakkuri har xil "izm"lardan ozod, zamonaviy dunyoqarash, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga voris bo'lgan insonlargina fuqarolik jamiyatini barpo etishga va uni yana-da takomillashtirishga qodir bo'ladi. Ta'lim modelidan ko'zlangan bir maqsad bor. Uning vositasida biz dunyodan munosib o'rin olishga, o'zbek nomini yana-da keng yoyib tarannum etishga erishamiz. Bugun xalqaro hayot, kishilik taraqqiyoti shunday bosqichga kirkanki, endi unda harbiy qudrat emas, balki intellektual salohiyat, aql-idrok, fikr, ilg'or texnologiyalar hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi. Amir Temur bobomizning "Kuch-adolatda" degan mashhur ta'biri bugungi kunga nisbatan qo'llab aytadigan bo'lsak, men unga qo'shimcha qilib «Kuch– bilim va tafakkurda» degan bo'lardim" [5; 80].

Yangi O'zbekiston yoshlarining axloqiy bag'rikenglik madaniyatini insonparvarlik, ma'rifatparvarlik, halollik tamoyillari bilan kamol toptirishga va ularni milliy mentalitetimiz negizida tarbiyalash jarayoniga alohida e'tibor qaratilmoqda. Zero, "Mamlakatimizda bag'rikenglik madaniyatini yuksaltirish, millatlar va konfessiyalararo o'zaro bir-birini tushunish va hamjihatlikni mustahkamlash, yosh avlodni shu asosda tarbiyalash davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biri sifatida belgilanadi ..." [6.80]. Shu nuqtai nazardan, yoshlarda bag'rikenglik madaniyatini rivojlantirish mezonlarini, tamoyillarini aniqlash hamda uni yuksaltirish tendensiylarining fundamental asoslarini falsafiy jihatdan tadqiq etish hayotiy zaruriyat bo'lib qolmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev ta'kidlaganidek, "Buyuk tarixda hech narsa izsiz ketmaydi. U xalqlarning qonida, tarixiy xotirasida saqlanadi va amaliy ishlarida namoyon bo'ladi. Shuning uchun ham u qadriyatlidir. Tarixiy merosni asrab-avaylash, o'rganish va avlodlardan avlodlarga qoldirish davlatimiz siyosatining eng muhim ustuvor yo'nalishlaridan biridir Yangi tahidlar, jumladan, «ommaviy madaniyat» xavfi va boqimandalik kayfiyati paydo bo'layotgan, odob-axloq, qadriyatlarning yo'qolish xavfi yuzaga kelayotgan hozirgi globallashuv sharoitida bu g'oyat muhim ahamiyat kasb etmoqda. Shu sababli, mening fikrimcha, inson ma'naviy olami, xalqlar madaniyatini belgilaydigan manbalarni asrab-avaylash va boyitish bugungi kunda har qachongidan ham muhimdir. Azaliy qadriyatlarimiz va axloqiy fazilatlarni

o‘zida mujassam etgan muqaddas dinimizni asrash va qadrlash har birimizning sharaflı burchimizdir. Islom - haqiqatni anglash demakdir, u odamzodni ezgu amallarni bajarishga undaydi, har birimizni yaxshilik va tinchlikka chorlaydi, haqiqiy inson bo‘lishni o’rgatadi”[7.29]. Hammamizga ma’lumki, O‘zbekiston Respublikasi aholisi son jihatiga ko‘ra ikkinchi guruhda kiradi, ko‘p millatlari mamlakatlar qatoriga kiradi. Bugungi kunda O‘zbekiston Respublikasida 130 dan ortiq elat va millatlar vakillari yashab kelmoqda. O‘zbekiston Respublikasi aholisining 75 foizdan ortig‘ini o‘zbeklar tashkil qiladi. Millatlarning urf-odatlari bilan birga o‘z qadriyatlar ham bor. Respublikamiz ko‘p millatli mamlakat hisoblanib turli millatlar urf-odatlari, qadriyatlarini uyg‘unlashtirish, ular orasida totuvlik, bag‘rikenglikni ta’minlash taraqqiyotni amalga oshirishdan biri hisoblanadi. Shuning uchun ham bugungi kunda mamlakatimizda bu masalaga ya’ni yoshlarda bag‘rikenglik madaniyatini rivojlantirishga mustaqillikning birinchi kunlaridan boshlab katta e’tibor berib kelinmoqda.O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev qayd etganidek: “Bizning davlatimiz ko‘p millatli va ko‘p konfessiyali davlat. Bugungi kunda mamlakatimizda 130 dan ortiq millat va elat vakillari bir oila farzandlaridek ahil va inoq yashamoqda. Bu borada, hech shubhasiz, xalqimizga azaldan xos bo‘lgan bag‘rikenglik an’analari muhim rol o‘ynamoqda” [7; 29].

Bu ham yurtimizda istiqomat qilayotgan millatlar va elatlar xavfsizligi, diniy bag‘rikenglikka berilayotgan ulkan e’tibordan dalolat beradi. Bugungi kunda Yangi O‘zbekiston dunyoga ochiqlik siyosati orqali tanilib, jamiyatimizda sezilarli darajada o‘zgarishlar yuz bermoqda. Ushbu islohotlarning pirovard maqsadi mamlakatimizda istiqomat qilayotgan barcha millat va elatlarda bag‘rikenglik madaniyatini rivojlantirish, erkin fuqarolik jamiyatini shakllantirish, shu orqali farovonlik va adolatni ta’minlashdan iborat. Bunday ulug‘vor maqsadlarga erishishda, avvalo, yoshlarning tarbiyasiga alohida e’tibor qaratish, ayniqsa, ularning bag‘rikenglik madaniyatini yuksaltirish muhim hisoblanadi. Yoshlar madaniyatining ajralmas qismi bo‘lgan bag‘rikenglik madaniyati ham islohotlarimizning samaradorligiga, yurtimizning dunyoga ochiqligiga ta’sir ko‘rsatuvchi asosiy omillardan biri hisoblanadi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh assambleyasining 72-sessiyasidagi nutqi mazmundorligi va ahamiyati, biz yashayotgan murakkab davrning eng dolzarb mavzularini qamrab olganligi bilan ajralib turadi. Jumladan, Prezidentimiz o‘z nutqida, dunyoda terrorizm tahdidlari, ayniqsa, so‘nggi yillarda kuchayib borayotgan ularga qarshi asosan, kuch ishlatish yo‘li bilan kurashish usuli o‘zini oqlamayotgani, bu borada ko‘p hollarda tahdidlarni keltirib chiqarayotgan asosiy sabablar bilan emas, balki ularning oqibatlariga qarshi kurashish bilangina cheklanib qolinayotganligiga e’tibor qaratdi. BMTning Oliy minbaridan turib butun jahon jamoatchiligiga islam dinining asl insonparvarlik mohiyatiga ega ekanligini bildirib, bizning muqaddas dinimizni zo‘ravonlik va qon to‘kish bilan bir qatorga qo‘yadiganlarni qat’iy qoralaymiz va ular bilan hech qachon murosa qila olmaymiz, deb islam dini bizni ezbegulik va tinchlikka, asl insoniy fazilatlarni asrab-avaylashga da’vat etishini ta’kidladi, yurtboshimiz BMT Bosh Assambliyasining “ma’rifat va diniy bag‘rikenglik” deb nomlangan maxsus rezolyutsiyasini qabul qilish taklifi bilan chiqdi[9].

Xulosa qilib shuni aytish lozimki, “Bag‘rikenglik - o‘zbek xalqining buyuk fazilati”, “O‘zbekiston - bag‘rikeng diyor”, “O‘zbekiston-umumiy uyimiz”, “Vatan yagonadir”, kabi iboralar bejizga aytilmaydi. Bu g‘oyalarni amalga oshirish shu yurtda yashayotgan har bir insonning hayotida mustahkam o‘rin egallaydi.

Mamlakatimizdagagi yoshlarda bag‘rikenglik madaniyatining rivojlanish tendensiyalarini va dinamikasini hamda bu jarayonda mavjud muammolarni muntazam ravishda tahlil qilib borish va yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan muammolarni bartaraf qilishga qaratilgan aniq amaliy takliflarni ishlab chiqishni amalga oshirish maqsadida “Baynalminal” madaniyat markazida muntazam ilmiy anjuman va konferensiylar tashkil qilish maqsadga muvofiq.

#### Foydalangan adabiyotlar

1. Bag‘rikenglik tamoyillari deklaratsiyasi. 3-moddasining 1-bandni.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
3. Пахрутдинов.Ш. “Таҳдид” тушунчаси: назария ва амалиёт. –Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1998.

4. Mirziyoyev Sh. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birligida barpo etamiz. – Т.: O'zbekiston, 2016.
5. Karimov I.A. Barkamol avlod orzusi. – Т.: Sharq, 1999.
6. Mirziyoyev Sh.M. Islom hamjihatligi: O'zbekiston va Ozarbayjon misolida” mavzusidagi xalqaro konferensiya ishtirokchilariga. – Toshkent shahri. 2017-yil. 18-oktyabr // Mirziyoyev Sh. Xalqimizning roziliqi bizning faoliyatimizga berilgan eng oliy bahodir. 2-jild. – Т.: O'zbekiston”, 2018. – B. 455.
7. Mirziyoyev Sh. Ta'lim va ma'rifat-tinchlik va bunyodkorlik sari yo'l. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. 1-jild. –Т.: O'zbekiston, 2017.
8. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning "Ijtimoiy barqarorlikni ta'minlash, muqaddas dinimizning sofligini asrash – davr talabi" mavzusidagi anjumanda so'zlagan nutqi. "Adolat", 2017-yil, – № 24. – B. 1-2-3.
9. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh assambliyasining 72-sessiyasidagi nutqi // "Xalq so'zi" gazetasi, 2017-yil 20-sentyabr.

*Nashrga prof. S.Choriyev tavsiya etgan*

## ҚОРАҚАЛПОҚ ЗАРГАРЛИК БУЮМЛАРИНИ НОМЛАШДА СЕМАНТИК ЁНДАШУВ

**Кудайбергенова Д.А. (ЎзР ФА Қорақалпостон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқод институти)**

**Аннотация.** Мақолада муаллиф томонидан қорақалпоқ халқи заргарлик буюмларининг номланиш хусусиятларига тұхталиб ўтилган. Аёллар безаниш буюмлари таснифлаш ва ҳар бир таснифланған тақынчоқ нега айнан бундай номланади? Мазкур саволга жавоб мақолада асосий олти бўлим томонидан очиб берилган. Безаниш буюмларини номлашда семантик маънолар, мазмунлар катта аҳамият касб этади. Тақынчоқларни бундай мезонлар билан номлаш қорақалпоқ халқи заргарлари орасида азалдан мавжуд бўлиб, бундай услубдаги номланишлар кўшни халқлар маданияти да ҳам учрайди.

**Таянч сўзлар:** заргарлик буюмлари, тақынчоқ атамалари, материал, шакл, анъана, ёши градацияси.

**Аннотация.** В статье автор затронул особенности наименования украшений каракалпакского народа. Классификация женских украшений и почему каждое классифицированное украшение названо именно так? Ответ на этот вопрос раскрывается в статье шестью основными разделами. Смысловые значения и содержание имеют большое значение при наименовании декоративных предметов. Наименования украшений по таким критериям существовала у ювелиров каракалпакского народа издавна, и этот стиль наименования встречается и в культуре соседних народов.

**Ключевые слова:** украшения, ювелирные термины, материал, форма, традиция, возрастная градация.

**Annotation.** In the article, the author touched upon the peculiarities of the name of the decorations of the Karakalpak people. Classification of women's jewelry and why is each classified jewelry named that way? The answer to this question is revealed in the article in six main sections. Semantic meanings and content are of great importance when naming decorative objects. Jewelers of the Karakalpak people have been naming jewelry according to such criteria for a long time, and this style of naming is also found in the culture of neighboring peoples.

**Keywords:** jewelry, jewelry terms, material, form, tradition, age gradation.

Ҳар бир халқ у ёки бу тарзда фарқ қилиб турадиган бинобарин бошқасига ўхшамайдиган давлатда яшаб, ўзининг мавжудлиги билан бошка бир халқ ифода этмайдиган ўз идеясини акс эттиради. Шунинг натижасида ҳар бир халқ ўзининг моддий, маданий бойликларига эга бўлади. Бундай моддий бойликлар қаторига зеб-зийнат буюмларини киритиш жуда ўринли. Демак, ҳар бир халқ, миллат ўзининг тафаккури, шакли, яшаш тарзи, хатти-ҳаракати, кийиниши, безак буюмлари ва бошқа хусусиятлари билан бошқа халқлардан фарқланади. Қорақалпоқ халқида санъат даражасига чиқкан ва ўзининг бетакрорлиги билан ажралиб турувчи соҳа - заргарликдир. Булар орасида қорақалпоқ халқи аёлларининг зеб-зийнат турлари бошқа халқлардан ҳар томонлама фарқланади. Улар нафакат хилма-хил, балки ранг-баранглиги билан ҳам бир-биридан

ажралып туради. Бизнинг аждодларимиз заргарлик буюмларини ясаш, тўплаш, тўй-ҳашамларда тақиши, безанишни ўзларига эп кўришган. Улар орасида асосан аёллар зеб-зийнатлари ҳамиша мураккаблиги билан диққатни тортади.

Қорақалпоқ заргарлик буюмлари орасида асосан аёллар зеб-зийнатлари ҳамиша мураккаблиги, шаклларнинг хилма-хиллиги билан диққатни тортиб келган. Уларнинг тақилиш хусусияти шундан иборатки, асосан инсон танасининг ҳаётий мухим жойларига тақилган. Бу ўз навбатида магик ва ҳимоя хусусиятларини акс эттиради. Қорақалпоқ аёллар заргарлик буюмларини тақилиш хусусиятига қараб З тоифага ажратиш мумкин:

*Бош безаниши буюмлари – бош, кулок, бурун, соchlарни безашга мўлжалланган тақинчоқлар: аребек, зирак, шашибаў, тақинчоқлари киради.*

*Кўкрак олди безаниши буюмлари – бўйин қисми, кўкрак олди, бел қисмларини безашга мўлжалланган тақинчоқлар: айшиқ, ҳайкел, тумар, шартуиме, айры тўйме, жалпақ тўйме, илгек тўйме, қарсы илгек, гилтишалғыш, өнирмоншақ тақинчоқлари киради.* (бу тур тақинчоқлари асосан кийимга тақилган)

*Кўл безаниши буюмлари – бармоқлар ва билакларни безашга мўлжалланган тақинчоқлар: узук ва билакузуклар айни ушбу турга мансуб тақинчоқлар сирасига киради.*

Мазкур қўринищда қорақалпоқ аёллари заргарлик буюмларини таснифлаш бир катор олимлар (1) томонидан илмий тадқиқот қилинган. Бундан ташқари заргарлар томонидан эркаклар ва болалар безаниш буюмлари ҳам моҳироналиқ билан ясалган.

Юқорида келтирилган ҳар бир тақинчоққа ўзига хос ва мос равища ном берилганлиги бизга маълум. Мазкур тақинчоқларни ўз номи билан аташда маълум бир буюм, шакл, ҳодиса, жараён, урф-одат, дастур, тана аъзоси туртки бўлиши мумкин. XIX аср охири XX аср бошига оид миллий заргарлик буюмлари нега айнан шундай номланади? Бу саволга оид айрим далил ва тахминларни кўриб чиқиш мумкин.

**1. Тақинчоқ турларини материалига қараб номланиши.** Яъни тақинчоқ қандай материалдан ёки тошлардан ясалган бўлса, айнан ўша ашё номи билан аталади. Мазкур жараёнда кўпинча тури кўп нарсаларнинг бирини биридан фарқланиши кўзда тутилади. Бизга маълум бўлганидек тақинчоқлар мис, бронза, кумуш, олтин металлардан тайёрланади. XIX аср охири XX асрга оид қорақалпоқ халқи тақинчоқлари асосан кумуш материалидан ясалган. Халқ бу материалнинг фойдали хусусиятларига ва унинг жарангдор овози ёвуз руҳларни ҳайдасига ишонган. Баъзи тақинчоқлар олтин материалидан ясалиб, улар тилла сўзи билан ҳам ишлатилади. Масалан: «мис соч тўғногич», «бронза билагузук», «кумуш зирак», «кумуш ҳайкел» ёки «тилла узук», «тилла аребек». Бундан ташқари тақинчоқларга қимматбаҳо тошлар билан жило берилган ва мазкур давр тақинчоқлари асосан ҳосил тош, феруза, маржон ёки шиша каби тошлар билан безатилган. Қорақалпоқ халқи тақинчоқларида ҳосил тош нисбатан кўп фойдаланилиб, аёллар орасида унинг хусусиятларига ишонч кучли бўлган. «Ким ҳосил тошли узук такса у доимо шодлик ва фаровонлиқда яшайди» (2: 96) дея ишонишган. Шунинг учун ҳам халқ орасида тақинчоқлар янада кўркамроқ ва қимматбаҳо қўриниши ёки эшитилиши учун тош номлари билан аталган. Масалан: «маржон тошли зирак», «ҳосил тошли айшиқ», «феруза тошли тумор» номлари бунга мисол. Халқ орасида бу билан боғлик иборалар жуда кўп ишлатилади. Масалан: «Буйнимга ҳосил тошли тумор тақиб олдим, кўз тегмаслиги учун», «Кумуш халолликка дейишади» бу каби иборалар тақинчоқ қийматини янада оширган холда намоён бўлади.

**2. Тақинчоқларнинг шакл ва кўринишига қараб номланиши.** Аксарият ҳолларда қорақалпоқ тақинчоқлари монументал шакл ва кўринишига эга. Тақинчоқлар формаларига қараб ном бериш айрим ҳолларда заргарнинг ўзи томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Яъни заргарнинг ўзи тақинчоқни маълум бир нарсага қиёслаб ёки ўхшатиб ҳам яратиши ехтимоли баланд. Мазкур жараёнда геометрик, ўсимликсимон, зооморф ёки маълум бир буюм шакллари асос қилиб олинади.

- Заргарлик буюмларини шакллантириш ва безашда геометрик шаклларнинг ҳиссаси жуда катта. Мазкур шакллар билан қуйидаги тақинчоқларга ном берилганлигини кўриш мумкин: «жумалақ тўйме» - юмалоқ шаклдаги тутма, «атанақ сырға» - хоч кўринишидаги зирак.

• Ўсимликсимон шакл заргарлик буюмларидан кенг фойдаланилиб улар күйидаги тақинчоқлар номида мавжуд: «жапырақ сырға» – япроқ шаклидаги зирак, «пахтагұл сырға» – пахта гули күренишини ифодаловчи зирак, «гозалы аребек» - ёнғоқ шаклидаги бурун тақинчоғи.

• Нафақат шакл ва күрениш балки ҳимоя ва сехр хусусиятларини үзида жамлаган айрим тақинчоқлар зооморф шакллари билан номланиб келинган. Масалан: «бақа түйме» - қурбака күренишини олган тұгма ёки «бақа сырға» - қурбака шаклидаги зирак, «құс тұмсұқ жұзик» - құш түмшүгини ифодаловчи узук, «жылан бас билезик» - илоннинг боши күренишидеги билагузук каби тақинчоқларни күрсатиши мүмкін. Бу ўринде айтиб ўтиш жоизки қорақалпоқ халқида илон боши билан безалған тақинчоқлар кучли ҳимоя хусусиятига эга.

• Заргарлик буюмларни номлашда самовий рамзларнинг тасвири құлланилған ҳолатлар ҳам мавжуд. Бунга мисол тариқасида күйидагиларни келтириш мүмкін: «жұлдыз сырға» - юлдуз шаклидаги зирак, «ай сырға», «айбалдақ сырға» - ой шаклидаги зираклар, «айшиқ» - кичкина ой маъносидеги аёллар ва болалар тақинчоғи, «нуршашар» - нур сочар маъносини берувчи зирак.

• Маълум бир буюм (предмет) номи билан тақинчоқларни номлаш ҳар томонлама қулайлық туғдиради. Масалан: «қоңыраұлы сырға» - құнғироқ предмети билан номланған зирак, «тенгели моншақ» - ҳақиқий муомаладаги танталардан ясалған тақинчоқ тури, Бу услугадаги номланиш құпчилик Үрта Осиё халқлари тақинчоқларыда мавжуд. Масалан: тожик халқида «найча» - най күренишидеги соч безаги, туркман халқида «ок-яй» - камон ва унинг ўқи күренишидеги болалар тақинчоғи, козок халқида «отау жұзик» - тепаси ўтов шаклида ясалған аёллар узуги.

**3. Бағсарадиган вазифасига қараб тақинчоқ турларининг номланиши.** Ҳар битта тақинчоқ аёлга эстетик гүзәллик беришден ташқары оддий ҳаётда маълум бир вазифани бажарып борған турларини ҳам учратып мүмкін. Аслини олиб қараганда тақинчоқларнинг вазифаси жудаим кўп, бу вазифаларни бажарувчи айрим тақинчоқларнинг номланиши ҳам ўз вазифаси билан боғлиқ. Масалан: «гилтишалғыш» аёллар сандиқларининг калитларини илиб қўйиш учун мўлжалланған. «Қарсы илгек» бу тақинчоқнинг вазифаси кийимни олд қисмини бир бирига маҳкамлаб қўйиш. «Шашбаў» сочни йиғиб, боғлаб ихчам ҳолатга келтириш васифасида фойдаланиладиган аёллар тақинчоғи. «Мұхұр узук» - амалдор ёки савдогарлар мұхр сифатида фойдаланған эркаклар узуги. Улар маълум бир вазифага эга бўлиши билан бир қаторда аёллар ва эркаклар зеб-зийнатлари қаторидан ўрин олган.

**4. Тақинчоқларнинг тана аъзоси билан биргаликда номланиши.** Тақинчоқларни ўз ўрнида кийимга тақадиган ва тана аъзоларига тақадиган тақинчоқлар сифатида ажратиш мүмкін. Мазкур тур тақинчоқлари айнан тана аъзосига тақилиб ва улар номи билан аталади. Масалан. «билагузук» - демак бу тақинчоқ тури билакка тақилғанлиги сабаб айнан шу номни олган. «Оңирие» - каштачилик услуги билан аралашып кетган ўнгирга тақиши учун мўлжалланған тақинчоқ тури. «Өңирмоншақ» - аёллар тақинчоғи ҳам ўнгир – тана аъзоси билан боғлиқ. Бу атама В.В. Радлов лугатида «онгулук» аёллар ўнгирига тақадиган нақшли безаниш буюми деб келтирилган (3). «Мойынтурмур» - бўйинга тақилғанлиги учун бу ном билан аталғанлигини кўришимиз мүмкін. «Кўзмунчок» - оқ, қора ёки кўк қора тусда бўлиб инсон кўзи билан аталиб келинади. Ўзбек аёллари тақинчоқлари орасида ҳам бундай номланишга мисоллар жуда кўп: «кўкрактумор» - бўйиндан осилиб кўкракка тўшиб тақилған, «томоқча» - томоқ қисмига тақилған бўлса, «манглайтўзи» - пешонага тақилған тақинчоқ ёки «тилла қош» - инсоннинг қоши шаклидаги пешона безаги. Бундан ташқары тақинчоқларга кўндирилган ҳар хил қимматбаҳо тошлар ҳам «қас», «көз» атамалари билан номланиши бизга маълум. Ҳаммаси инсон танасидеги тақилиш жойи билан номланғанлигини кўриш мүмкін. Тақинчоқларни бундай номлаш бир томондан қулайлық яратса иккинчи томондан аниқлик кирилади.

**5. Урф-одат, анъана ва маросим, билан боғлиқ тақинчоқ турларининг номланиши.** Улар асосан катта маросимнинг кичик бир қисми бўлиб, лекин ўша дастур амалга ошганлигининг яққол далили сифатида ҳизмат қиласи. Масалан: Ёш келин

куёвнинг никоҳ маросими, маросимнинг кичик ва аҳамиятли бир қисми сифатида, албатта, «никоҳ узуги» олиб қаралади. Бу эса ҳозирги кунда оила қурганликнинг рамзий белгиси маъносини англашиб маросим номи билан аталиб келинади. Қорақалпокларда тўй олди маросимларига тегишили «сырга салыў» дастури мавжуд бўлиб, дастурнинг маъноси ёшларнинг фотиха тўйи ҳисобланади. Ёки икки тамойил, икки оиланинг мустаҳкамланиши маъносида гарбий Козогистон халқи урф-одатларида кенг тарқалган, келиннинг онаси бўлажак кудасига «қудагай жузик» совға қилиши, тақинчоқ номи билан аталган дастур ҳисобланади (4: 100).

**6. Ёшга доир тақинчоқ турларини номлаши.** Заргарлик зеб-зийнатларини тайёрлашда кўпинча уларни ишлатувчи шахсларнинг ёшлари ҳам инобатга олинади. Аёл кишининг жисмоний ривожланиб бориши билан параллел равишда унинг ҳаётий кўнкимлари, қобилияти, оила ва никоҳ каби барча соҳалардаги тажрибалари инобатга олинади. Ваҳоланки, аёллар ҳаётидаги барча ўзгаришлар, ижтимоий ва оиласи ҳаётини ёш ўзгаришлари ўнинг заргарлик буюмларида ҳам акс етган (2: 95). З. Алиева маълумотларида аёллар тақинчоқларининг ёш градацияси 14-18 ёшгача бўлган қизлар тақинчоқлари, келин ва ёш келинчак (биринчи фарзанди туғилишидан олдин) даври тақинчоқлари ва фертил ёшдаги аёл (45 ёшгача) тақлидда ўрганиб чиқилган (5: 40-41). Аёл киши ёшни назарда тутган ҳолда тақинчоқларни номлаш халқ орасида сийрак учраб туради. Масалан: «қиз ҳайке», «қызы билезик», «кемтирижузик» - нақшли, тош қўндирилмасдан катта ёшдаги момолар учун ясалган узук.

Хулоса ўринида куйидагиларни кўриб чиқиши мумкин:

1. Тақинчоқларнинг хилма-хил турлари мавжуд, улар эстетик, магик, ҳимоя-халоскорлик хусусиятларини ўзида мужассамлаштириб келган.
2. Тақинчоқлардаги шакллар, нақшинкор безаклар ва рамзий белгиларда аждодларнинг эътиқоди, атроф-муҳит ҳақидаги мифологик қараашлари, табиат ва моддий олам билан боғлик тасаввурлари ўз ифодасини топган.
3. Тақинчоқларни номлашда семантик ёндашув унинг қийматини, халқнинг ўзига ҳос ва ноодатий хусусиятларини акс эттиради.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Алиева З. Ж. Женские ювелирные украшения Каракалпаков XIX начало – XX вв. дисс. канд. иск. наук. – Ташкент, 2004. – С. 168.
2. Сейтназарова И. Зайрова Қ. Каракалпақ тилиндеги тағыншақ атамалары. – Нукус, 2020. – Б. 78.
3. Алламуратов А. Мәнги мийрас. – Нөкис: Билим, 1993. 92 б.
4. Жданко Т.А. Этнография Каракалпаков. (XIX начало XX века). – Ташкент: Фан, 1980. – 203 с.
5. Пирназарова А. Зергерлик өнери // Эмиўдарья. – Нукус, 2021. №6.
6. Чыврь Л.А. Таджикские ювелирные украшения: Материалы к историко-культурному районированию Таджикистана. – М.: Наука, 1977. – 125 с.
7. Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Том I. 2-бөлим. – СПб, 1893.
8. Тохтабаева Ш.Ж. Семантика казахских украшений // Советская этнография, 1991, – № 1. – С. 8.
9. Алиева З. Ж. Женские ювелирные украшения Каракалпаков XIX начало – XX вв: Диссертация. 2004. – 168 с.

*Наширга проф. С. Чориев тавсия этган*

## ШАРҚ ФАЛСАФАСИДА “УСТОЗ-ШОГИРД” МУНОСАБАТЛАРИ ОРҚАЛИ КОМИЛЛИККА ЭРИШИШ МАСАЛАСИ

**Эшпулатов И. С. (БухДУ)**

**Аннотация.** Ушбу маколада Шарқ фалсафий тафаккурида комил инсон тўғрисидаги қарашлар устоз-шогирд муносабатлари орқали амалга оширилишига доир таълимотлар илмий-фалсафий жиҳатдан таҳлил этилган.

**Таянч сўзлар.** *Фаробий, Ибн Сино, Фаззолий, устоз-шогирд, комиллик, камолот, шахс, ўзликни англиши, ақл, рух, масаввуф.*

**Annotation.** In the following article the scientific philosophical views on the relations master-disciple as per weltanschauung of the Oriental philosophical heritage leading to perfect man.

**Key words:** *Farabi, Ibn Sina, Ghazali, master, disciple, perfection, person self cognition, reason soul, Sufism.*

**Аннотация.** В данной статье проанализируются научно-филофософские аспекты учений философского мышления Востока об совершенстве человека по отношениям наставника-ученика.

**Ключевые слова:** *Фараби, Ибн Сина, Газали, наставник, совершенство, личность, самосознание, разум, душа, суфизъм.*

Аслида том маънодаги “Комил инсон” сиймолари сифатида Аллоҳ таолонинг 99 гўзал “Асмохусна” исмларини ўзида намоён қилганлиги, пайғамбарлар ва Расууллоҳ-с.а.в! саҳобаи чаҳориёлар, азиз авлиёлар, мислсиз бариййат, илм-фан даҳолари халқимиз анъанаси, бой илмий-фалсафий мероси, бадииййати, ахлоқий тафакккурида қўплаб буюк шахслар, мутафаккирлар, уларнинг дурдона асарлари доимо бор эди ва улар тўғри йўл-ҳидоят йўлини кўрсатар, ҳақиқат комилликка етаклаб, ундан келар эди ва ҳозир ҳам шундай.

Аввало, янги инсон шахсини тарбиялаш муаммосини ҳал қилинча “Устоз-шогирд” муносабатлари талқинининг ўзига хос вариантини ишлаб чиқсан араб-мусулмон тафаккурининг ролини ва шунга мос равищда, “Устоз-шогирд” муносабатларини талқин қилишнинг ўрни ва ролини кўрсатиш зарур. Янги жамият “Инсон ҳақидаги фалсафий таълимот ҳақиқий одамларни ўз-ўзини такомиллаштиришга чорлайди. Бинобарин, у педагогик, тарбиявий турткини ўз ичига олади ... Шунинг учун, инсон фалсафий таълимотининг (айниқса, биз идеал ёки Комил инсон ҳақида гапирадиган нуқталарда) тарбиявий функцияси бундан ташқарида эмаслигини таъкидлаш мумкин. таълимот, у аллақачон ишлаб чиқилган ва “нурга киритилган” бўлса, унга ташқаридан киритилмайди, балки унинг моҳиятини ташкил қиласи” [1:8].

Форобий ўзининг “Фозил одамлар шахри” рисоласида устоз ва шогирд ўртасидаги муносабатларда шахс, жамият, билим, турмуш тарзи ва қадриятлар тизими ҳақидаги қарашларининг амалий тимсолини топишга ҳаракат қиласи. Форобий учун ибратли шахс, идеал ва устоз шаҳар ҳукмдори, эзгу фазилатларга эга бўлиши керак бўлган имом эди. Имом илм тарғиботига масъул бўлиши, ўзи ҳам илмни севиши, ҳам Устоз, ҳам Шогирд бўлиши керак эди. Шарқшунос Э.А. Фролова шундай таъкидлайди: “Муқаммалликка эришиш учун билим олиш керак, лекин одам уни ўз-ўзидан қабул қила олмайди, фақат тегишли туғма қобилиятга эга бўлган одамлар – пайғамбарлар бунга қодир. Оддий одам эса билимли бўлиши керак, унга устоз керак” [2:142]. “...“муаллим ва толиб” муносабати доирасида муқаммал билимларни очиб бериш мумкин эди, чунки бу муносабатлар ҳам таълимотни чуқурлаштириш, ҳам ойдинлаштириш учун зарур бўлган кўшма борлиқ шаклида таъминланган. Бундан ташқари, бирга бўлиш натижасида алоҳида ишонч, ёрдам пайдо бўлди. Шарқ перипатизмидаги “инсон ал-комил” таълимоти маъносини чуқурроқ англашга олиб келди” [3:28-29].

“Шунчалик муҳим ва долзарб масалаларда устоз ва тарбиячи ҳукмдор бўлиб, у шаҳарни унинг барча қисмлари ўзаро келишиб, одамлар бир-бирларига пок моҳиятларни ўйлаб, баҳтга эришишда ёрдам берадиган тарзда тартибга солишга интилади. Азалий Зот меҳрибон ва маҳбуб бўлганлиги сабабли, Оллоҳ томонидан кўрсатма берилган Ҳукмдор фуқаролар билан муомала қиласи, асосан ишонтиришга мурожаат қиласи, қолаверса, уларнинг рухини даволайди, бу эса ўз иродасига эркин, ихтиёрий ва онгли равищда амал килишга сабаб бўлади” [4:42].

Шарқ перипатетик фалсафасида Биринчи Мавжудликнинг ўзи муқаммалликдир, Биринчи Мавжудлик маконидаги ҳамма нарса энг юқори руҳий энергиялар – севги энергиялари устида яратилган ва яхшилик келтиради. Бундан кўринадики, ривожланишнинг умуминсоний тамойили бор ва баркамол ўсиш фақат комиллик нуқтаи назаридан юқорироқ мавжудотлар тарбияси остида бўлиши мумкин. Инсоннинг онги ҳам, унинг шахсияти ҳам индивидуал Устоз, инсоннинг маънавий йўлбошчиси ғамхўрлигига ривожланади, ана шундай маънавий устоз, устознинг ғамхўрлигига инсон ўз ақлини ҳам, шахсиятини ҳам ривожлантиради.

Шахснинг ривожланиши икки босқичга бўлинади: инсоннинг ўлик мавжудлиги босқичи; инсоннинг ўлмас, абадий мавжудлиги босқичи.

Инсоннинг ўлик шахсининг асосини унинг ўлик ақли – жисмоний танаси билан бирга мавжуд бўлишни тўхтатадиган инсоннинг руҳий танаси ташкил қиласи. Инсоннинг ўлмас шахсиятининг асосини Рух – инсоннинг ўлмас ақли ташкил этади. Инсоннинг руҳи – унинг ўлмас ақли ва инсоннинг ўлмаслигининг асоси инсон ва унинг Устоз, устознинг биргаликдаги фаолияти билан шаклланади. Инсоннинг ердаги ҳаётидаги асосий ва ягона муҳим вазифаси унинг ўлмас Рухини шакллантириш ва унинг шахсиятини мавжудликнинг иккинчи ўлмас босқичига ўтказишидир. Шахснинг ўлмас шахси камолотининг чўққиси – ўзининг ибтидоий, устози, устози билан шахсий мулоқот қилиш қобилиятига эришишидир.

Тарбиядан мақсад, Форобий фикрича, инсонни эзгу ишларга интилишни рағбатлантириш орқали шу яхшиликка етказишидир. Билим яхши ёки ёмон нима эканлигини тушунишга ёрдам беради. Форобий эзгу фазилатларни тарбиялаш усуллари тизимини таклиф қилган. Агар толиб ўрганиш, ишлаш ва яхши ишлар қилиш истагини намоён қилса, юмшоқроқ усуллар мос келади. Агар шогирд нотўғри бўлса, жазолар жуда оқланади. Аллома тарбиянинг мазмун-моҳиятини дўстона инсон камолотида кўрган. Форобий идеал устоз қандай бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритар экан, гапи фойдали нутққа эга, билимларни узатишни биладиган ва севадиган, таълим ва тарбия олдидағи вазифаларни ҳал этишда тиришқоқ олим ва устоз ҳақида кетаётганини таъкидлади.

“Устоз ва шогирд” муносабатларига ўзига хос талқинни киритган тасаввуфнинг ролини ҳам қайд этиш лозим. Дастреб тасаввуф, Ж.Тримингем фикрича, ўз тарафдорлари ўртасидаги барча фарқлар билан бирга, Худо билан бевосита мулоқот қилиш амалиёти эди [5:5]. Илк тасаввуфнинг устунларидан бири Абулқосим ал-Жунайд (ваф. 910) “Тасаввуф Худо билан боғловчи риштасиз бўлишдан иборатдир...” [6:231].

Демак, тасаввуф ходисасининг кўпқиррали ва кўп қатламлилиги, аввало, кўп сонли диний-фалсафий ва ахлоқий таълимотлар ҳамда уларни ҳаётта татбиқ этишининг амалий усулларидан иборатдир. Сўфийлик дунёкарашининг асосини худо ҳақидаги тасаввуфий билиш гояси ва зоҳидликни тарғиб қилиш ва дунёвий неъматлардан воз кечиш билан боғлиқ бўлган шахснинг ахлоқий камолоти ҳақидаги маҳсус тушунча ташкил этади.

XIV-XV асрларда аллақачон, устоз (шайх, муршид) ва шогирд (мурид) ўртасидаги алоқага асосланган қатъий ташкил этилган тасаввуфий тартиблар (тариқа) шаклланган. Тасаввуфдаги иерархия устозларга – шогирларнинг шайхларига бўйсунишга асосланган эди. Бу ерда асосий нарса шуки, йўлнинг ўтиши муриднинг ўз саъй-харакати билан муршид-устоз ёрдамида амалга оширилади.

Бу муттасил такомиллашиш ва ўз-ўзини такомиллаштириш йўли, Аслият сари ҳаракат ва яширин ҳақиқатни англаш йўли ва ниҳоят, умуминсоний бирлик йўли – маънавий ўлмасликнинг тавҳиди.

“Сўфийликнинг ўзига хос хусусияти муридни (шогирдни) тасаввуфий йўлда етакловчи, уни ҳақиқий, фидойи йўлга йўналтирувчи устоз (пир) ролини эътироф этишидир. Мураббий барча инсоний фазилатларни ўзида мужассам этган, адолат тимсоли бўлган шахс сифатида намоён бўлади. Унга масъул бўлган бундай устозсиз шогирд ҳақиқатни англаш йўлини тўлиқ бажара олмайди, чунки шогирд учун мураббий нафақат намуна, балки мўминнинг яна бир “мен”идир. Охири, устоз ва шогирд ўртасидаги чуқур садоқат ва алоқага розилик орқали “бошқа” бўлишни тўхтатади” [7:75].

Ғаззолий “Диний эътиқоднинг тирилиши” китобида инсоний хулқ-атворнинг янги ахлоқий тамойиллари ва меъёрларини ишлаб чиқишига интилган. Бу китоб ҳам ўзига хос таълим энциклопедиясидир. “Устоз ва шогирд” ўртасидаги боғлиқликка оид Ғаззолий томонидан илгари сурилган фикрларни қуидаги нуқтаи назарлардан келиб чиқиб айтиш мумкин. Биринчидан, Ғаззолий қарашларида тарбия тушунчаси “одамлар қалбидаги ёвуз ва ҳалокатли ахлоқни тузатиш, уларни саодатга етакловчи мақтовли ахлоқ йўлига ўргатиш” [8:23] дан иборат. Ғаззолий учун бу ерда таълим факат инсоннинг камолотга эришишига ёрдам берадиган воситадир. Шу муносабат билан у: “Билгинки, эзгу ишларни қилишда меҳнат ва меҳнатдан мақсад қалбни ислоҳ қилиш ва унинг ахлоқини яхшилаш учун уни поклашдан иборатдир” [8:43].

Иккинчидан, Газзолий таълим-тарбия мақсадларини рўёбга чиқаришда устозни энг муҳим омиллардан бири деб ҳисоблайди, бундан келиб чиқсан ҳолда мутафаккир Устознинг вазифасини куйидагича белгилаб берган: устознинг бурчи - шогирдларга илтифот кўрсатиш - кейинчалик уларнинг маънавий мураббийи бўлиш; устоз шогирдларни тўғри йўлга ўргатиши керак, бу эса билимнинг олий мақсадига эришишга олиб келади; устоз шогирдларнинг индивидуал хусусиятларини ва улар ўтрасидаги фарқларни англаб етиши, ҳар бир шогирднинг иқтидори ва ақлий қобилиятларини баҳолаши; ва ниҳоят, Устознинг ўзи ҳақиқий билимларни ўз шогирдларига тўғри етказиш учун билиши керак.

Газзолий шу тариқа инсонни ёшлигиданоқ ўргатиш зарурлигини таъкидлаган. Газзолийнинг фикрича, боланинг руҳи тарбиячилар, айниқса, ота-оналар муайян педагогик тавсияларга амал қиласалар, керакли шаклга эга бўладилар. Устоз болани ота-онадан қабул қиласди ва оиласвий тарбия анъаналарини давом эттиради.

Газзолийнинг фикрича, ахлоқий тамойил ўз-ўзини тарбиялаш ва доно устозларга тақлид қилиш орқали шаклланади. Интеллект тарбияланганни ва мустаҳкамланганни сари ўз-ўзини тарбиялашнинг роли ошади. Ўз-ўзини тарбиялаш ўз-ўзини кузатиш ва ўз-ўзини билишдан бошланади. Бошқаларнинг қилмишларини кузатиш орқали сиз ўзингизнинг камчиликларингизни кўришингиз ва улар ҳақида хукм чиқаришингиз мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Шогирд билимга интилиши керак, чунки тиришкоқликсиз керакли натижага эришиб бўлмайди. “Шогирдлар Йўл топиш учун Устозни излашарди. Аммо кўпинча улар бирини ёки бошқасини топа олмасдилар. Шогирдлик ва таълимотнинг маъноси изловчининг қалбида эди. Устоз ҳаммага билим бермаеди, бундан ташқари, уни Шогирднинг ўзи Устознинг ишларидан, сўзларидан, сукунатидан топиши керак эди. Агар у ҳақиқатан ҳам бу илм ва йўлни хоҳласа, у хоҳлаган нарсасига эришади. Шундай қилиб, шогирднинг тайёргарлиги сўфий устозлари томонидан тез-тез текширилган. Бу ҳақда Газзолий, Жалолиддин Румий ва бошқалар ёзадилар. Шогирд таълим мазмунини англаб олишдан аввал, алоҳида сабр билан ҳар бир мақомнинг маъносини эгаллаши керак. Мақомлар ўз-ўзини англаш учун хизмат қилган.

Ўрта аср рисолаларида файласуфлар кўпинча кўзгуга мурожаат қилишади: “Комил инсон ойнага ўхшайди”, деб таъкидлайдилар. Кўзгу тезислари мутафаккирлар орасида пайдо бўлган, чунки улар уни комил инсон, устоз Мухаммад билан тақрорлаганлар.

Айтилганлардан шундай тахмин қилиш мумкинки, инсон комил бўлиш учун Ҳақиқатни кўриш ва демак, ибтидоий Зотга яқинлашиш керак. Бинобарин, руҳий йўл – тариқат орқали нафс ва тафаккур “Мен”нинг Илоҳий нарсага айланиши амалга ошади: “Тасаввуфнинг мақсади илоҳийликни акс эттирувчи кўзгу бўлмиш Комил мавжудотларни етиштиришдир. Зеро, тасаввуфда комил тариқатгина комил инсондир. И.Шоҳ “Тасаввуф” китобида таъкидлаганидек: “... онгли ва жонли фаолият бўлгани учун сўфийлик эскирган ва нопок анъаналар билан боғлик эмас. Бугун яшаётган ҳар қандай сўфий ўтмиш ва келажакнинг барча сўфийларини ифодалайди. Маълум миқдордаги казармалар ҳар доим мавжуд ва ўлмас анъана бу сонни кўпайтирмайди, бу доимий бўлиб қолади” [9:109]. Бу гапда дастлаб “учрашув” маъносини билдирган “барака” атамасига эътибор қаратсак, барака ҳам нарсаларнинг асл моҳиятига кириб боришга ёрдам берувчи тасаввуфий маънога эга бўлиб, бевосита Устоздан Шогирдга – шу ҳолатга ўтади. Гипноз ва телепатик алоқани ифодалаш учун кўпроқ мос келади.

Сўфийнинг маънавий йўлида икки хил тасаввуфий ҳолатлар ажратилади: барқарорроқ, мурид-сўфийнинг ўзи саъй-ҳаракати билан қўлга киритилган ва у томонидан бошқариладиган – мақом (бекат) – айнан мана шу нарсага эга бўлиш керак.

Таникли сўфий тадқиқотчиси Ж. С. Тримингемнинг фикрича: “Сўфийлик маросими аллақачон калтакланган йўлга, ҳаётий қоидага айланган, унга амал қилган ҳолда янги муридлар Худо билан бирликка эриша оладилар... У тарбияни ўз ичига олади, бу жараёнда шогирд шайхнинг кўрсатмаларига амал қиласди; Ана шу даврда устоз қўлидаги солик ўликларни юувучининг қўлидаги мурдага ўхшайди, деган мақол машҳур бўлди”.

Бундай шароитда Ҳақиқатнинг манбаи комил инсон – мужассамланган пайғамбар Мұхаммад бўлган устоз бўлиб чиқди. Ҳақиқатга мурожаат қилиш эса устозга мурожаат қилишни англатарди.

Тасаввуфнинг буюк нуфузининг комил инсони – Ибн Арабий концепциясида яратилиш мақсади рўёбга чиқди, “дунёда комил инсон бор экан, дунё-ҳамиша мавжуд бўлади”, деб эътиқод қилган файласуф. Муқаддас комил инсонлар Куръонда мавжуд бўлмаган ваҳийларни олишлари мумкин. Авлиёлар иерархиясининг тепасида Мұхаммаднинг ҳақиқати тўлиқ очиб берилган комил тасаввуф туради. Ибн Арабийнинг фикрича, комиллик йўли инсоннинг учта саёҳатини қамраб олади: Бошлангичдан турли оламлар орқали дунёвий дунёга қадар барча одамлар томонидан истисносиз ижро этилади; илоҳийга руҳий саёҳат; ибтидоий борлиқнинг ўзида чексиз саёҳат, чексиз, фақат комил инсонни идрок этиш учун берилган абадий саёҳат [10:124].

Тасаввуф тадқиқотчиси Уилям К. Читик шундай ёзади: “Тасаввуфнинг амалий ёки фаол (амалий) томони бутунлай комил инсонга берилган абадий камолот ҳолатини амалга оширишга қаратилган” [10:138].

Суҳравардий устозлигига бағишлиланган баҳслар қизиқарли ва муҳим: Муридни пайғамбарга тақлид қилиш йўлидан етакловчи шайх-мураббийдир. Айнан у “янги одамни покланиш йўлига олиб боради”. Бу ерда биз кўзгу устоз ва янги бошловчи ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди, деган жуда оқилона тахмин қилишимиз мумкин. Ажам устозда аллақачон акс этган мукаммал шахсга қўшилиш учун мураббийнинг барча харакатларини аниқ тақрорлаши керак. Демак, сўфий тафаккуридаги ойнага ўхшаш категорияларни ўрганиш инсон камолотининг қиёсий таҳлилини бойитиб, инсоният маданияти ҳақидаги тасаввурларимизни ойдинлаштириши мумкин.

Сўфийлар фикрича, инсон ақл, сезги, тасаввур ёрдамида ҳақиқатга яқинлашади, унинг билиш қобилиятлари битмас-туганмас бўлиб, уларни доимо такомиллаштириб боришга мажбурдир, акс ҳолда унга факат шакллар, нарсаларнинг моҳияти очиб берилади. Ҳақиқатни билишга интилаётган инсон аввалдан унга эргашувчи устоз танлаб, комиллик йўлига кириши керак.

Тасаввуф тариқатлари амалиёти шуни кўрсатадики, шайхлар сўзсиз бўйсуниш муридларнинг хулқ-атвор нормасига айланган инкор этиб бўлмайдиган ҳокимият эди. Шу билан бирга, сўфийлик камолотга эришиб, белгиланган меъёрларга риоя қилишдан озод бўлган одамларнинг мавжудлигини тан олишга тайёр.

Сўфийлик тариқатларида қадамлар сони уларнинг ижтимоий ва этник-маданий таркибий қисмларига қараб ўзгариб туради. Тасаввуф даражаларини назарий жиҳатдан тушуниб бўлмайди, чунки улар инсоннинг ўзига хос кечинмалари ва дунёқарашлари билан мос келади, шунинг учун уларнинг ҳар бири унинг ҳолати, тажрибасидир.

Хулоса қилиб айтганда, турли ижтимоий-маданий шароитларда комил шахс ҳақидаги сўфийлик тушунчасининг турли шакллари ривожланиб, вужудга келган, аммо уларнинг аксарияти инсоннинг ахлоқий ҳаётига ижобий таъсир кўрсатганлигини инкор этиб бўлмайди. Тасаввуф камолот тушунчаси туфайли дунёнинг яхлит манзарасини яратди, бу ерда мутлак ва шахс ўртасида асосий алоқа ўрнатилади. Умумжахон конунлари инсон ҳаётининг нормасига, шахсий тажриба эса Ҳақиқат сари юксалиш амалиётига айланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Сагиқызы А. Проблема гуманизма в философии Конфуция // Актуальные проблемы философии и политологии глазами молодых учченых. – Алматы: Компьютерно-издательский центр ИФиП МОН РК, 2007. – 240 с.
2. Фролова Е.А. Средневековая арабская философия: проблемы решения. – М.: Восточная литература РАН, 1998. – 180 с.
3. Сейтахметова Н.Л. Проблема Камал (ун) в философии Абу Насра аль-Фараби // Наследие аль-Фараби и мировая культура: материалы Международного Конгресса Наследие аль-Фараби и мировая культура. 28–29 сентября 2000. Гл. редактор А.Н. Нысанбаев. – Алматы: Компьютерно-издательский центр ИФиП МОН РК, 2001. – 640 с.

4. Соловьева Г.Г. Учение аль-Фараби о счастье в контексте современного аксиологического дискурса // Мир ценностей аль-Фараби и аксиология XXI века. – Кн. 2. – Алматы, 2006. – 156 с.
5. Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе. – М.: Наука, 1989. – 380 с.
6. Игнатенко А. Зеркало как составляющая спекулятивной парадигматики в арабо-исламской мысли средневековья. – М.: Восточная литература РАН, 1998. – 165 с.
7. Коянбаева Г.Р. Ценности политической системы аль-Фараби в контексте современной политической мысли арабского мира // Мир ценностей аль-Фараби и аксиология XXI века. – Кн. 2. – Алматы, 2006. – 190 с.
8. Абу Хамид ал-Газали. Воскрешение наук о вере (Ихия улумад-дин). Избранные главы. Памятники письменности Востока. XLVII. / Пер. с арабского, исследование и комментарий В.В. Наумкина. – М.: Наука, ГРВЛ, 1980. – 240 с.
9. Шах Идрис. Суфизм. – Москва: Наука, 1994. – 180 с.
10. Смирнов А.В. Великий шейх суфизма (опыт парадигмального анализа философии Ибн Араби). – М.: Наука, 1993. – 240 с.

*Нашрга проф. С. Чориев тавсия этган*

## КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРИТИШ ОРҚАЛИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ҚУРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Мелибоев А. Н. (Қўқон ДПИ)**

**Аннотация.** Мақолада камбагалликни қисқаритиш орқали Янги Ўзбекистонда фаровон жамият қуриш истиқболлари ва йўналишлари, 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида камбагалликни қисқартириш стратегиясини вазифалари акс этган.

**Таянч сўзлар:** камбагалликни қисқартириши, аҳолининг эҳтиёжманд қатлами, ижтимоий ҳимоя тизими, темир дафтар, ижтимоий давлат.

**Аннотация.** В статье отражены перспективы и направления построения благополучного общества в Новом Узбекистане за счет сокращения бедности, задачи стратегии сокращения бедности в Республике Узбекистан на 2022-2026 годы.

**Ключевые слова:** борьба с бедностью, малообеспеченное население, система социальной защиты, железная четверка, социальное государство.

**Abstract:** The article reflects the prospects and directions of building a prosperous society in New Uzbekistan by reducing poverty, the tasks of the strategy for reducing poverty in the Republic of Uzbekistan in 2022-2026.

**Key words:** poverty alleviation, needy population, social protection system, iron notebook, welfare state.

Янги Ўзбекистон – демократия, инсон хуқуқ ва эркинликлари борасида умумэътироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган холда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланадиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон хаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатdir.

Янги Ўзбекистонни “ижтимоий давлат” тамойили асосида қуриш мақсад қилиб олинган. Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рӯёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносаб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш, камбагалликни қисқартириш, демакдир<sup>1</sup>.

Янги Ўзбекистонни ўз ҳаётидан рози, баҳтли инсонлар мамлакатига, ҳар томонлама ривожланган ижтимоий маконга айлантириш ушбу йўналишдаги ислоҳотларимизнинг асосий мақсадидир. Биз ушбу жабҳадаги эзгу ишларимизни давом эттириб, ижтимоий адолат тамойили асосида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, камбагалликни бартараф этишни давлат сиёсати даражасига кўттардик<sup>2</sup>, деган эди Президентимиз.

Давлат раҳбари бугун Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси жадал амалга ошираётганини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, Янги Ўзбекистон:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 20.12.2022. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O’zbekiston” нашриёти, 2021. – Б. 199.

ҳар бир фуқаронинг ҳаётини янада яхшилаш мақсадида давлат хизматларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар берадиган;

одамлар ўз муаммолари ҳақида очик гапириши ва уларнинг ечими учун биргаликда харакат қилишларига барча шароитлар мавжуд бўлган;

ҳамма учун адолатни сўзсиз таъминлаш имкониятини берадиган ҳамда фуқаролари ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенг бўлган;

тадбиркорликнинг ривожланиши учун зарур шароитлар яратилган давлатдир.

«Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистон деганда, ҳар бир фуқароси учун ғамхўрлик қиласидиган, очик ва адолатли жамият ҳам тушунилади», — дея таъкидлadi президент<sup>1</sup>.

Мамлакатимиз етакчиси барча давлат органларини халқ билан мулоқот қилиш ва маслаҳатлашишга, фуқароларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олишга ҳамда ижтимоий яқдилликка эришишга сафарбар этиб, жамият билан мулоқотининг шундай шаклини йўлга кўйди ва уни муваффақиятли амалга ошириб келмоқда.

Хозирги вақтда шундай ноёб тизим яратилди, Президентимиз Мурожаатномасининг мазмуни барчамиз учун давлат раҳбарининг мавжуд муаммоларга нисбатан нуқтаи назарлари йиғиндиси эмас, балки жамиятимиздаги барча долзарб масалалар ва муаммоларни қамраб олган, шу билан бирга, давлат ва жамиятни барқарор ривожлантиришга хизмат қиласидиган кенг кўламли вазифалар белгилаб берилган яхлит дастурий хужжатга айланди. Биз айнан Президентимиз Мурожаатномалари орқали жамиятимизни жисплаштиришга, жамоатчиликнинг, фуқароларнинг ва манфаатлар гурухларининг хоҳиш-истакларини энг юқори даражада хисобга олишга эришиш йўлидаги муҳим қадамларни ташлашга муваффак бўлдик<sup>2</sup>.

Дарҳакиат, муҳтарам Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида республикамизда камбағалликни қисқартиришни ечими кутаётган долзарб масала сифатида кун тартибига олиб чиқилди. Бу борада, Давлатимиз раҳбари шундай ўзига хос ёндашувни илгари сурдики, унга кўра “Камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйготиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак”<sup>3</sup>. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш вазирлигининг ташкил этилиши эса айнан ушбу вазифаларни ижросини тизимли таъминлашда амалий қадамгина бўлиб қолмасдан, юртимизда қамбағалликни қисқартириш борасида тарихий институционал ислоҳотлар амалга оширилаётганининг ёрқин ифодаси ҳамdir.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда бу соҳада қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Биринчидан, Ўзбекистонда камбағалликни қисқартиришнинг институционал асослари яратилиб, камбағалликни қисқартириш масалаларини мувофиқлаштирувчи вазирлик ҳамда ушбу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб борувчи илмий марказ ташкил этилди.

Ўтган давр мобайнida мамлакатда бевосита камбағалликни қисқартириш борасида халқаро ташкилотлар (БМТ Тараққиёт дастури, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқалар), молиявий институтлар (Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки) ҳамда ушбу йўналишда илғор тажрибага эга мамлакатлар илмий марказлари (Хитой Камбағалликни қисқартириш халқаро маркази) билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди.

Иккинчидан, пандемия шароитида эҳтиёжманд аҳолини моддий ва номоддий қўллаб-куvvatлаш мақсадида жойлардаги тўртта сектор, маҳалла органлари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда депутатлар билан биргаликда камбағал ва моддий ёрдамга муҳтоҷ оиласалар рўйхати - "Темир дафтар" тизими ташкил этилди.

<sup>1</sup> Янги Ўзбекистон деганда, ҳар бир фуқароси учун ғамхўрлик қиласидиган, очик ва адолатли жамият ҳам тушунилади. 31 август 2022. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/08/31/new-uzbekistan/>

<sup>2</sup> Исмоилов Н. Янги Ўзбекистоннинг янги истиқболлари. 13 январь 2021. <https://yuz.uz/news/>.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, – № 19 (7521).

Мамлакат миқёсида “Темир дафтар”га 2,5 миллионга яқин ахолини ўз ичига олган 594,3 минг оила киритилди. Бугунги кунда кам таъминланган оиласларнинг даромад манбанини яратиш орқали 2,2 миллион киши “Темир дафтар”дан чиқарилган.

Учинчидан, Жаҳон банки ва БМТ Тараққиёт дастури каби халқаро ташкилотларнинг таклиф ва тавсиялари асосида ахолининг минимал истеъмол харажатлари қийматини хисоблаш тартиби амалиётга жорий этилмоқда. Мазкур услубиёт Ўзбекистонда ахолини ижтимоий ҳимоя қилишда муҳим дастаклардан бири бўлиб, ижтимоий стандартларни белгилашда фойдаланилади.

Тўртинчидан, ўрта ва узоқ муддатларда камбағалликни қисқартиришнинг стратегик мақсадларини белгилаш мақсадида, Жаҳон банки ва БМТ Тараққиёт Дастури эксперталари билан бирга "2021—2030 йилларга қадар Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш стратегияси" умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Ҳужжатда республикада камбағалликни қисқартириш учун комплекс ёндашилиб, устувор йўналишлар доирасида чоратабдирларнинг самарадорлигини ошириш назарда тутилган.

Албатта, бугун мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш соҳасида амалга оширилаётган ишлар бу борадаги дастлабки қадамлар ҳисобланади. Бу борада ижтимоий, иқтисодий, маърифий-маданий соҳаларнинг ҳамкорликдаги фаолияти ҳамда амалга оширилаётган ишларнинг шаффоғлигини таъминлаш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади<sup>1</sup>.

Камбағалликни қисқартириш, инсонлар яшаш даражасини ва хаёт фаровонлигини ошириш ҳар бир давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида ушбу масалалар давлат раҳбарларининг кўплаб чиқишлирида ва халқаро ташкилотларнинг кун тартибида акс эттирилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблейсининг 75- ва 76-сессияларида қилган мурожаатида, айниқса, пандемия даврида ва ундан кейин камбағалликка қарши курашда глобал саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. 2020 йил бошида Президент камбағалликни қисқартириш масаласини давлат сиёсатининг асосий вазифаси сифатида белгилаб берди. Шу мақсадда олдимизга қўйилган вазифаларни самарали бажариш, яъни камбағалликни қисқартириш, инсонлар ҳаёти сифатини ошириш, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш юзасидан мамлакатимизда амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги режаларни дунё ва минтақа экспертлари билан биргаликда муҳокама қилиш ҳамда фикр алмашиш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алокаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида, 2022 йилнинг 26-27 май кунлари Бухоро шаҳрида ilk бор “Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш халқаро форуми” ўтказилди.

Ушбу форумда Ўзбекистоннинг навқирон шаҳри Бухорода бутун дунёдан келган иқтисодчилар глобал масала бўлиб турган камбағалликка қарши курашиш бўйича ўз фикрларини алмашиди. Жаҳон тажрибасини ўрганиш билан бир қаторда 2020 йилдан бери давлатимиз раҳбари томонидан камбағалликка қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ва унинг натижалари ҳам муҳокама қилинди<sup>2</sup>.

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш масаласи сўнгги йилларда давлат сиёсати кун тартиbidаги энг муҳим масалага айланганлиги, шунингдек, мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар ва қисқа даврда эришилган натижалар кўпчилик халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг Forumга қизиқишини уйғотди.

Соҳа юзасидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳамда истиқболдаги режалар муҳокамаси ва ўзаро фикр алмашиш мақсадида ташкил этиладиган “Ўзбекистон камбағалликни қисқартириш халқаро форуми”да 250 га яқин қатнашчилар, шу жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо, кузатувчи ва ҳамкор давлатлар, халқаро ривожланиш институтлари, академик доиралар ва бошқа хорижий мамлакат ва ташкилотларнинг жами 100 дан ортиқ вакиллари иштирок этдилар.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: O'zbekiston, 2021. – Б. 440-441.

<sup>2</sup> Обид Ҳакимов. Давлат маблагларини самарали йўналтириш бўйича камбағалликнинг кўп мезонли ўлчови жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга. 03.06.202. <https://review.uz/oz/post/>

Хусусан, форумда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури (БМТТД) Бош котиб ўринбосари ва ёрдамчи маъмури Уша Рао-Монари, Жаҳон Банкининг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Лалита Мурти, Турк сиёсатчиси, Туркияниг собиқ Молия ва ғазначилик вазири Лутфи Эльван, Жорж Вашингтон университети халқаро бизнес амалиёти профессори Денни Лейпцигер, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Бош котиби Чжан Мин, Камбағаллик ва инсон тараққиётини бўйича Оксфорд ташаббуси директори Сабина Алкайр, Хитой халқаро камбағалликни қисқартириш маркази директори Лю Жунвеннинг қатнашдилар.

Шунингдек, тадбирда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом тараққиёт банки, Халқаро валюта жамғармаси, ЮНИСЕФ, Франция тараққиёт агентлиги, Осиё тараққиёт банки, БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Глобал яшил ўсиш институти каби халқаро ташкилот ва молия институтлари вакиллари иштирок этди.

Камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, ушбу йўналишдаги ижтимоий кўллаб-куватлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш вазифаларини бажаришда юксак самарадорликка эришилмаганлиги сабабли тегишли аҳоли гуруҳлари билан амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини янада ошириш вазифаси долзарблигича қолмоқда<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш ва эҳтиёжманд оиласарни ижтимоий кўллаб-куватлаш борасидаги чора-тадбирларнинг натижадорлигини ошириш ва бунда аҳолининг мақсадли гуруҳини аниқлаш бўйича вазифалар аниқ бир мезон ва услугий ёндашувларнинг ишлаб чиқилишини талаб этади.

Ўз навбатида, ушбу услугий ёндашув ва базани шакллантириш аҳолининг турмуш шароити ва ижтимоий ҳолатини бевосита ўзида акс эттирувчи, яъни уларнинг истеъмол таркиби ва хусусиятлари бўйича реал ҳолатни ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш мұхим аҳамият касб этади<sup>2</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хусусан, мамлакатимизда аҳолининг камбағал қатламини аниқлаш услугуни амалиётга жорий этиш ва такомиллаштириб бориш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни кўллаб-куватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон ва «Кам таъминланган оиласарга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан курашиб кўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 11 августдаги ПФ-6277-сон Фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан Жаҳон банкининг техник кўмаги асосида минимал истеъмол харажатлари қийматининг дастлабки ҳисоб-китоблари тайёрланганлигини маълумот учун қабул қилиб, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитасининг минимал истеъмол харажатлари кўрсаткичидан камбағаллик мезони (ёки чегараси) сифатида фойдаланиш бўйича таклифига розилик берган<sup>3</sup>.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги қатор халқаро молиявий ташкилотлари билан ҳамкорликда 2022–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида камбағалликни қисқартириш стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқди<sup>4</sup>.

Шу билан бирга, қарор билан Ўзбекистон Республикасида камбағалликни қисқартиришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва амалга оширилишини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши тасдиқланади.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O’zbekiston” нашриёти, 2021. – Б. 131.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 27.08.2021 йилдаги 544-сон. <https://lex.uz/docs/5606697>.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 544-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5606697>.

<sup>4</sup> Ўзбекистонда 2022–2026 йилларда камбағалликни қисқартириш стратегияси ишлаб чиқилади. 31.05.2022. <https://xabardor.uz/kr/post/>

Қайд этилишича, мазкур қарор лойиҳаси 50 та вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан келишилган.

2022–2026 йилларга мўлжалланган мазкур стратегияни амалга ошириш натижасида (2020 йилга нисбатан):

- ЯИМ ўсиш суръатини 1,5 баробарга оширишга;
- Аҳоли жон бошига ЯИМни 1,4 баробарга оширишга;
- Камбағаллик чегарасини амалдаги 440 минг сўмдан 683,2 минг сўмгача кўтаришга (1,6 баробар);
- Ишсизлик даражасини эса 2 баробарга камайтиришга эришилиши назарда тутилмоқда.

“2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида камбағалликни қисқартириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори лойиҳасида стратегияни амалга ошириш доирасида қуидагилар камбағалликни қисқартиришнинг устувор йўналишлари этиб белгиланди:

- ижтимоий ҳимоя тизимининг инклозивлигини ошириш, кам таъминланган оиласарни қўллаб-кувватлаш ҳамда уларнинг даромадини ошириш ва турмуш шароитини яхшилаш;
- аҳолининг эҳтиёжманд қатлами томонидан таълим тизимининг барча босқичларидан ва соғликини сақлаш тизимидан бепул ёки имтиёзли фойдаланиш имкониятини кенгайтириш;
- аҳолининг эҳтиёжманд қатламиниң бандлик даражасини ошириш ҳамда уларга меҳнат бозорида юқори даромадли иш ўринларини топишига кўмаклашиш;
- тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳамда аҳоли эҳтиёжманд қатламиниң тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш имкониятларини кенгайтириш;
- худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бевосита камбағалликни қисқартиришга алоҳида эътибор қаратиш;
- муҳандислик-инфратузилма обьектларини қуриш ва улардан фойдаланишини стандартлаштириш, аҳолининг муқобил энергиядан ва замонавий алоқа коммуникацияларидан фойдаланиш имкониятларини янада ошириш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик барқарорликка эришишда халқаро стандартларни қўллаш орқали иқлим ўзгаришининг аҳоли саломатлигига салбий таъсирини юмшатиш;
- ижтимоий-иқтисодий соҳаларни эркинлаштиришга қаратилган таркибий ислоҳотларни давом эттириш орқали макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасида камбағалликни қисқартиришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва амалга оширишни мувофиқлаштирувчи республика кенгаши ташкил этилади.

Шунингдек, Кенгаш томонидан стратегияни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун нуфузли халқаро ташкилотлар, миллий илмий-тадқиқот муассасалари эксперталари ва мутахассислари жалб этилади<sup>1</sup>. Бундан ташқари, стратегияга кўра, ушбу мақсадга эришиш учун норасмий ишлаётган 2,5 млн фуқароларнинг бандлигини конуниjlаштириш, уларга ижтимоий кафолат ва имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини бериш, хотин-қизлар ўртасидаги ишсизликни икки баравар қисқартириш, 700 минг нафар ишсиз аёлларни давлат хисобидан ўқитиш, ногиронлиги бўлган одамлар бандлигини 3 баробар ошириш, Ижтимоий Кодексни қабул қилиш ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 20.12.2022. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: O'zbekiston, 2021. – Б. 199.

<sup>1</sup> Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш бўйича 4 йиллик стратегия ишлаб чиқилмоқда. 30.05.2022. <https://xabardor.uz/kr/post/>

3. Янги Ўзбекистон деганда, ҳар бир фуқароси учун ғамхўрлик қиласиган, очик ва адолатли жамият ҳам тушунилади. 31 август 2022. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/08/31/new-uzbekistan/>
4. Исломов Н. Янги Ўзбекистоннинг янги истиқболлари. 13 январ 2021. <https://yuz.uz/news/>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521).
6. Обид Хакимов: Давлат маблағларини самарали йўналтириш бўйича камбағалликнинг кўп мезонли ўлчови жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга. 03.06.202. <https://revue.uz/oz/post/>
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 27.08.2021 йилдаги 544-сон. <https://lex.uz/docs/5606697>.
8. Ўзбекистонда 2022–2026 йилларда камбағалликни қисқартириш стратегияси ишлаб чиқилади. 31.05.2022. <https://xabardor.uz/kr/post/>
9. Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш бўйича 4 йиллик стратегия ишлаб чиқилмоқда. 30.05.2022. <https://xabardor.uz/kr/post/>

*Нашрга проф. С. Чориев тавсия этган*

## ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ АСОСЛАРИ

Файзиев З.Б. (ЎзМУ)

**Аннотация.** Ушбу маколада Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик демократик жамиятнинг асосий тамойилларидан бири эканлиги, миллатлараро муносабатлар фуқаролар орасида тотувликни таъминлаши, жамиятда табиий равища учрайдиган ижтимоий фарқларнинг кескинлашувига, ижтимоий низоларнинг юзага келишига йўл қўймаслигини таъкидлайди. Миллатлараро муносабатлар нафақат юртимизда, балки бутун ер юзида ўзаро хурмат, бир-бирини тушуниш ҳаётнинг асосий тамойилига айланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча фуқароларнинг маданий ва диний ўзига хослигини таъминлашга, турли-туман маданиятлар ҳамда тилларни сақлаш ва ривожлантиришга қаратилган муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бу эса мамлакатимиздаги миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларининг яратилишига замин яратди.

**Таянч сўзлар:** толерантлик, миллатлараро муносабатлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, модда, қонун, чора-тадбир, қарор, фармон, тамойил.

**Аннотация.** В данной статье подчеркивается, что межэтническое согласие и религиозная терпимость являются одними из основных принципов демократического общества, что межэтнические отношения обеспечивают гармонию между гражданами, предотвращают обострение социальных различий, естественным образом возникающих в обществе, и предотвращают социальные конфликты. Межнациональные отношения становятся ключевым принципом жизни не только в нашей стране, но и во всем мире, взаимоуважение и понимание.

Следует отметить, что за годы независимости в нашей стране было принято важное законодательство, направленное на обеспечение культурной и религиозной самобытности всех граждан, сохранение и развитие различных культур и языков. Это заложило основу для создания правовой базы для обеспечения межнационального согласия и религиозной толерантности в нашей стране.

**Ключевые слова:** толерантность, межнациональные отношения, нормативно-правовые документы, статья, закон, мера, решение, указ, принцип.

**Annotation.** This article emphasizes that interethnic harmony and religious tolerance are one of the basic principles of a democratic society, that interethnic relations ensure harmony among citizens, prevent the aggravation of social differences that occur naturally in society, and prevent social conflicts. Interethnic relations are becoming a key principle of life, not only in our country, but all over the world, mutual respect and understanding.

It should be noted that during the years of independence, our country has adopted important legislation aimed at ensuring the cultural and religious identity of all citizens, the preservation and development of different cultures and languages. This laid the foundation for the creation of a legal framework for ensuring interethnic harmony and religious tolerance in our country.

**Key words:** tolerance, interethnic relations, legal and normative documents, article, law, measure, decision, decree, principle.

Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик демократик жамиятнинг асосий тамойилларидан бири саналади. Бағрикенглик фуқаролар орасида тотувликни таъминлайди, жамиятда табиий равища учрайдиган ижтимоий фарқларнинг кескинлашувига, ижтимоий низоларнинг юзага келишига йўл қўймайди. Бугун нафақат юртимизда, балки бутун Ер юзида диний бағрикенглик, диний конфессиялараро ўзаро хурмат, бир-бирини тушуниш асосий ҳаётий тамойилга айланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча фуқароларнинг маданий ва диний ўзига хослигини таъминлашга, турли-туман маданиятлар ҳамда тилларни сақлаш ва ривожлантиришга қаратилган муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бу эса мамлакатимиздаги миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари яратилишига замин яратди. Ўзбекистон - қўп миллатли мамлакат. Бугун унинг худудида 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қиласиди.

Мустақилликнинг ilk кунларидан бошлаб миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликка, Ўзбекистон худудида яшаётган барча халқлар ўртасидаги дўстликни

янада мустаҳкамлашга қаратилган милллий сиёsat ишлаб чиқилди. 1992 йилда ташкил этилган Байналмилал маданият маркази давлатимизнинг миллатлараро муносабатларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги нишонасидир.

Миллатлараро муносабатларнинг хуқуқий-меърий асослари яратилганлигини халқаро қонунларда ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1995 йил 16 ноябрда бўлиб ўтган 28-сессиясида “Бағрикенглик тамойиллари тўғрисидаги” Декларация қабул қилинган эди.<sup>1</sup> Шундан буён мазкур сана “Халқаро бағрикенглик куни” сифатида нишонлаб келинади. Бундан кўзланган асосий мақсад дунё халқларини бағрикенгликка, тинчликни асраб-авайлашга ҳамда ижтимоий-иқтисодий фаровонликка эришишга чорлашдир.

Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик тарихий илдиз ва мустаҳкам қонуний асосларга эга бўлиб, булар орасидаги муносабатларнинг хуқуқий асослари яратилган. Бу борада сўз борар экан, аввало, Конституциямизга назар ташлаш ўринлидир. Хусусан, Конституциямизнинг 4-моддасида Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари хурмат қилинишини таъминлаши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиши зарурлиги, 8-моддасида эса Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этиши, 18-моддасида барча фуқаролар бир хил хукуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чикиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенг эканлиги<sup>2</sup> белгилаб қўйилганки, бу халқимизга хос фазилат бўлган бағрикенгликнинг ва миллатлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликнинг замонавий сиёсий-хуқуқий ифодасидир. Бундан ташқари, Ўзбекистон худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг маданияти, тили, урф-одат ва анъаналари хурмат қилиниши қатор қонун ҳужжатларида ҳам акс эттирилган. Масалан, “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг “Билим олиш хуқуқи” деб номланган 5-моддасида Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чикиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, ҳар кимга таълим олиш учун тенг хукуқлар билан кафолатланади<sup>3</sup>. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларда, қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатларда инсон шаъни, эътиқод эркинлиги ва қадр-қимматини хурмат қилиш, унинг хукуқ ва эркинликларини энг олий қадрият сифатида эътироф этиш гояси ўз ифодасини топган. Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий мақсади ва тамойили ҳар бир фуқаронинг хукуқ ва эркинликлари, кафолатларини таъминлашга қаратилгани эътиборга моликдир.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг бешинчи “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташки сиёsat соҳасидаги устувор йўналишлар”и 5.1 бандида айни “Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар”,<sup>4</sup> деб белгиланган.

Миллатлараро ҳамда динлараро бағрикенглик мухитининг мустаҳкамлиги мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг узвий қисми эканлигини бугунги кунга қадар бир қатор норматив-хуқуқий ҳужжатларда кўришимиз мумкин. Охирги уч йиллиқда давлатимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада

<sup>1</sup> <https://religions.uz/news/detail?id=296>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон” 2012.

<sup>3</sup> “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Тошкент ш., 2020 йил 23 сентябрь, ЎРҚ-637-сон.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5046-сон Фармони,<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 ноябрдаги “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5876-сон Фармони,<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 декабрь куни “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 1018-сон қарори<sup>3</sup> ҳамда бошқа бир қатор ҳукукий хужжатларнинг қабул қилиниши катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони жамиятда барқарорлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш, фуқаролар онгидা катта, қўп миллатли ягона оиласи мансублик туйғусини мустаҳкамлаш, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш ва янада ривожлантириш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга қаратилган. Хусусан, Республика байнамилад маданият маркази ва Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши негизида 2017 йил 25 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур Қўмита зиммасига жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, тинчликсевар сиёсатни, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида эришилган ютуқ ва муваффақиятларни кенг тарғиб қилиш, ҳалқаро ҳамжамият, шу жумладан, чет элдаги ҳамюртларимиз диаспораси билан дўстликни мустаҳкамлашга доир давлат сиёсатини изчил амалга ошириш вазифаси юкланди. Қўмита миллатлараро тотувлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик тамойилларини қарор топтириш, миллатлараро муносабатлар маданиятини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий ташабbusларни қўллаб-кувватлаш, мувофиқлаштириш ва рағбатлантиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириши, миллий маданий марказларга амалий ва методик ёрдам кўрсатиши, уларнинг ташабbusларини қўллаб-кувватлаши, миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъий назар, фуқаролар онгидা қўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш, “Ўзбекистон — умумий уйимиз” тамойилини амалга ошириш чораларини кўриши назарда тутилган.

Хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатларни, чет элдаги ҳамюртларимиз ва турдош ташкилотлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий мамлакатларнинг ташкилотлари ва дипломатик ваколатхоналари, хорижий давлатларда фаолият қўрсатаётган турдош ташкилотлар билан самимий ва ўзаро ҳурматга асосланган алоқалар ўрнатиш ҳамда изчил ривожлантиришга қаратилган ишларни тизимли амалга ошириш вазифалари белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, қайд қилинган норматив-ҳукукий хужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатда миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича яхлит тизимни ривожлантириш, миллий маданий марказлар учун янада қулай ва кенг имкониятлар яратиш, уларнинг бунёдкорлик ташабbusлари ва интилишларини қўллаб-кувватлаш, фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқаларини янада ривожлантириш, “халқ дипломатияси” воситасида чет элдаги ватандошлар билан муносабатларни кенгайтиришга хизмат қиласи. Бизнинг жамиятимизда қўпмиллатлилик ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5046-сон Фармони.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 ноябрдаги “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5876-сон Фармони

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 декабрь куни “Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 1018-сон Қарори.

маданий хилма-хиллик халқимизнинг маънавий ҳамда маърифий бойлигининг тугалмас қисми ҳисобланади. Юртимизда миллатлараро ва давлатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотларни янги босқичга кўтарилиганини дўстлик ва ҳамжихатлик қўргонининг янада мустаҳкам бўлишига хизмат килади. Бинобарин, бағрикенглик масаласи ҳамиша тинчликсевар давлатимиз сиёсатининг асосини ташкил этиб келган. Зоро, бағрикенглик таъминланган юртда тинчлик, барқарорлик хукм суради ҳамда ўзаро ҳамжихатлик, ишонч, хурмат каби муносабатлар тўлиқ қарор топади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. <https://religions.uz/news/detail?id=296>.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
3. “Таълим тўғрисида”ти қонун. Тошкент ш., 2020 йил 23 сентябрь, ЎРҚ-637-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ти Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ти ПФ-5046-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 ноябрдаги “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ти ПФ-5876-сон Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 декабрь куни “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси хузуридаги жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ти 1018-сон Қарори.

*Нашир проф. Б.Эшов тавсия этган*

### **ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА МИЛЛИЙ ФОЯНИНГ ЁШЛАР ОНГИДА ТАЪСИРИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ**

**Мамадов Н.Ш. (ЎзМУ)**

**Аннотация.** Ушбу мақолада глобаллашув даврида миллий ғояга бўлган эҳтиёж, зарурият ва унинг ёшлар онгига таъсири таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада миллий ғояни ёшлар онгидаги ижобий тасаввурларни шакллантириш борасидаги фикр ва мулоҳазалар очиб берилган.

**Таянч сўзлар:** глобаллашув, миллий ғоя, миллий тикланиш, миллий юксалиш, ёшлар онги, ёшлар маънавияти, эътиқод, ишонч, экстремизм, терроризм.

**Аннотация.** В данной статье анализируется потребность и необходимость национальной идеи в эпоху глобализации и ее влияние на сознание молодежи. Также в статье раскрываются мысли и мнения о формировании национальной идеи в сознании молодежи.

**Ключевые слова:** глобализация, национальная идея, национальное возрождение, национальный подъем, молодежное сознание, молодежная духовность, вера, доверие, экстремизм, терроризм.

**Annotation.** This article analyzes the need and necessity of a national idea in the era of globalization and its influence on the minds of young people. Also, in the article, thoughts and opinions about the formation of the national idea in the minds of young people are disclosed.

**Key words:** globalization, national idea, national revival, national rise, youth consciousness, youth spirituality, faith, trust, extremism, terrorism.

Биз биламизки, глобаллашаётган дунёда миллий ғоянинг ёшлар онгидаги тутган роли жуда катта. Бугунги кун глобаллашув даврида, ёшларимиз жамиятимиз ривожланишида ўз ҳиссасини қўшмоқда. Ҳар қандай миллатнинг тараққиёти жамиятдаги ёшлар қатламининг миллий ғоя ва маънавий кадрияларга муносабати, унинг ёшлар онги, қалби ва ички дунёсига қандай таъсир этаётганилигига ҳамда амалий фаолиятларига қандай тарзда таянишларига бевосита боғлиқ. Бу борада давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг куйидаги фикрларини келтириш мақсаддага мувофиқ: “Диний экстремизм, терроризм, гиёхвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” каби таҳдидлар

қанча-қанча оиласлар, мамлакатлар бошига оғир кулфатлар олиб келмоқда, ғаразли күчлар ҳали онгу тафаккури тўла шаклланиб улгурмаган болаларни ўз ота-онаси, Ватанига қарши қўйиб, уларнинг ҳаётига зомин бўлмоқда. Шунинг учун биз – ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада ошириб, буюк маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат айтганидек, бу дунё ҳақиқатан ҳам кураш майдонига, соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ эса бу курашнинг куролига айланиб бораётганини чўқур англаб, шу борада жаҳолатга қарши маърифат асосида иш олиб боришимиз зарур”<sup>1</sup>.

Шундай экан, ёшларнинг миллий ғояни англаши, ишонч ва эътиқодига айланиши, қандай янги қадриятлар шакллантирилганлиги билан ҳам боғлиқ бўлади. Чунки миллий ғоя бир томондан ёшларни ўзининг объекти сифатида қараса, иккинчи томондан ёшлар миллий ғоянинг илғор ривожлантирувчилари ва келажак авлодга етказувчилари ҳисобланадилар. Ёшлар қанчалик миллий ғоя билан куролланган ва уни англаб олган бўлса жамият шунчалик тараққиётга эришади. Бу ҳолат миллий ғоя ва ёшларнинг ўзаро боғлиқлигини белгилайди. Замонавий тилда айтадиган бўлсак, миллий ғоя қанчалик мазмунли ва миллат келажаги учун хизмат қиласидиган ва ҳар бир кишининг узоққа мўлжалланган мақсад ва манфаатлари пировардида эса миллатнинг истиқболини белгилашга хизмат қиласидиган бўлса, уни ёшлар шунчалик тез қабул қиласи ва унга нисбатан ўзининг ижобий муносабати шаклланади. Шу билан биргалиқда, миллий ғоянинг ёшларга нечоғли таъсири, сафарбар этувчилик, илҳомлантирувчилик, буюк келажак сари чорловчилик соҳасидаги аҳамияти, таълим ва тарбияда тутган ўрни ва роли унинг ҳаёт ҳақиқатларига, реал борликка халқ турмушкига қанчалик мос ва мувофиқлигига қараб белгиланади.

Дарҳақиқат, ёшларда ҳақиқатга мойиллик юқори бўлади, соҳтакорлик, кўзбўймачилик, сўз билан амалиёти бошқа каби салбий ҳодисалардан жирканади, нафратланувчи руҳияти кучли бўлади. Ёшларнинг миллий қадриятга муносабати, миллий ғоя асосида "Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари" деган улуғ мақсад ва манфаатларини умумлаштирадиган, таҳлил этадиган, шу ғояларни бойитиш ва ишонч, эътиқодга айлантириш билан боғлиқ. Миллий ғоянинг кучи бир томондан маърифаттарғибот ишлари, унинг самарадорлигига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан ёшларнинг кундалик ҳаётда дуч келаётган муаммоларнинг тушунишлари, уларнинг муносабатларига фикрга фикр билан, ғояга ғоя билан жавоб бера олиш, уни қандай ҳал этаётганликларига бевосита боғлиқдир. Миллат равнаки, Ватанига керак бўлса жонини жабборга бериб фаолият кўрсатадиган ёшлар бўлмаса миллий ғоя мағкурасида кўзда тутилган мақсадларга эришиб бўлмайди. Бу ёшларда миллий ғуурни баланд бўлишини тақозо этади.<sup>2</sup> Жамиятда миллий ғоя соҳасини ривожлантириш янги технологияларни жорий этишни тақозо қиласи. Чунки, бу миллий ғояни ёшлар дунёқарашига таъсирини таъминловчи муҳим восита ҳисобланади. Шу боис ҳозирги вақтда миллий ғояни ёшлар дунёқарашига таъсирини оширишда фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Миллий ғояни тарғибот қилишда инновация шу соҳа сифатини яхшилашга йўналтирилган ҳолда амалга оширилади. Инновациялар долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, миллий ғоя тизимида шаклланган янгича ёндашувлардан иборат бўлади. Бу ёндашувлар эса ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, миллий ғоя тизимининг концептуал мазмунини ривожлантириш учун истиқболли асос бўлиб хизмат қиласи. Ёш авлодга "Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари" ва озод ва обод Ватанини мерос қолдирар эканмиз, улар мутафаккирларимизнинг, давлат раҳбарларининг улуғ ишларини давом эттиришларини ният қиласар эканмиз, ёшларнинг маънавий ўйғоқлигига аҳамият беришимиз лозим. Мустақиллик моҳияти ва аҳамиятини сарҳисоб қиласидиган бўлсак бу ижтимоий ўзгаришда ёшларнинг ўрни муҳим.<sup>3</sup> Мустақиллик туфайли ёшларнинг дунёқарashi ўзгарди. Уларнинг ғуур, орият, шаън ва номус туйғулари кучаймоқда. Ҳаётга

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. 2018 йил 30 июндаги ёшларга байрам табриgidаги нуткидан// <https://xs.uz/uzkr/post/shavkat-mirziyoev-ozbekiston-yoshlariga-bajram-tabrigi-jolladi>

<sup>2</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Ўзбекистон. – Т., 2000.

<sup>3</sup> Каримов И.А Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.

ва меҳнатга муносабати, Ватанга, она заминга меҳри, эгалик ва масъулият ҳисси кучайди. Бир сўз билан айтганда, ёшлар ўзлигини англай бошлади. Қандай заминда яшаёттанимизни хис қилиш, умуминсоний қадриятларга интилиш билан бирга, Шарқ фалсафаси, ўзбекона тафаккур нури барчанинг дилидан ўрин ола бошлади. Миллий анъаналаримиз ва удумларимизни тиклаш ва ривожлантириш тамойили кучайди. Ислом динимизни қадрлаш маънавиятимизни янги маънолар билан тўлдиришга олиб келди. Улуғ бобокалонларимиз маданий ҳазинасига ҳақиқий ворислик қила бошладик. Улардан фаҳрланиш имкониятига эга бўлдик. Юртимизда яшаётган барча миллат, элат вакилларининг тинч яшаши учун шароит яратилди. Бундан ёшлар баҳраманд бўлмоқда десам муболага бўлмайди.<sup>1</sup>

Янги жамиятнинг мақсад ва идеалларига биноан янги авлод дунёқараши шаклланмоқда. Янги жамиятнинг қарор топиши ва ривожланиши, ўз навбатида, маънавий янгилangan, ривожланган ва шаклланган авлодлар руҳининг покланишини ҳам тақозо этмоқда. Янги жамият аввал миллат орзусида, қалбида пишиб етилади. Сўнгра у объектив реалликка айланган, кенг жамоатчиликнинг ҳаёт ва тараққиёт тарзини ифодаловчи соя тарзида қарор топди. Худди шу жамият етиштирган кишилар, кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараши ва тафаккурига зарурат сезади. Бир-бирини тақозо этувчи ва бир-бирининг тараққиётини белгиловчи гоявий омиллар муштараклиги жамият ва мамлакатнинг миллий манфаатлари ва истиқболини кафолатловчи кучлардир. Ана шу маънода республикамида қарор топаётган фуқаролик жамиятини ва бу жамиятда истиқомат қилувчи ёшларнинг онгини, дунёқарашини ўзгarterиши ва инсонийлаштириши мақсадида ниҳоятда кўп чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ватанимизнинг Куролли Кучлари ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ўз уйи ва иш жойларида тинч, хотиржам бўлишлари бўйича чора-тадбирлар белгиланди; таълим тизимимиздаги ислоҳотлар замонавий лицей ва колледжлар таъсис қилинишига олиб келди; ёшларнинг билим ва салоҳиятларини юксалтириш мақсадида "Улугбек", "Умид", "Устоз", кейинчалик "Истеъод" жамғармалари тузилди; Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури асосида умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Улар янги жамиятнинг куч-кудратидан нишона бўлибгина қолмай, миллий онг ва янги дунёқараш шаклланишида, ёшларда миллий ғурурини мустаҳкамлашда жуда катта аҳамият касб этмоқда.<sup>2</sup> Ёшларнинг онги ва тафаккури ўзгариб, янгиланиб бормоқда. Тафаккур ва онгимизда мустақиллик ғоялари мустаҳкамланмоқда. Дунёни, ўзимизни ва ўзлигимизни англаш имконияти қўлга киритилди. Бу эса ёшлар тафаккурини мустақиллик тафаккури талабларига мос шакллантиրмокдадир. Тинч ва осойишта меҳнат қилиб яшашга даъват этувчи миллий ғояга таҳдид солиши мумкин бўлган ўрта асрларда мавжуд бўлган мусулмон халифалигини тиклашни ўз олдига мақсад қилиб кўйган муайян ташкилотлар мавжудки, улар катта маблағ ва мафкуравий таъсир воситалари ёрдамида ягона мафкуравий макон барпо қилиб, ислом динини сиёсийлаштириш ва шу асосда хукмронлик қилиш, ҳокимиятни қўлга киритишга ҳаракат қилмоқда. Улар мусулмонлар яшайдиган мамлакатлар ўртасида ҳеч қандай маъмурий чегаралар бўлмаслиги керак. Бу давлатларнинг барчаси ягона халифалик маркази томонидан бошқарилиши зарур, деган ғояларни ёшлар онгига тикиштиришга ҳаракат қилмоқда. Бундай экстремистик ҳаракатлар орқали мусулмон оиласарининг ёш фарзандлари онги, дунёқарашини забт этишга, пировардида миллий гоя, миллий мафкура тушунчалари ўрнини ўрта аср руҳидаги ислом ақидалари билан тўлдиришга ҳаракат қилмоқдалар. Миллий гоя, миллий тафаккур ва миллий мафкура йўлида ёшлар қанчалик бирлашса, жипслашса жаҳон халқлари кўз ўнгидага кучимиз, мавқеимиз ва ўрнимиз шунчалик баланд кўтарилиди.<sup>3</sup> Биз бошқа давлатларга суюниб, бошқа давлатларни паноҳ тутиб, уларнинг этагидан ушлаб юрадиган давлат, халқ эмасмиз, мустақил сиёsat, мустақил тафаккур ва мустақил ҳаракатларгина доимо

<sup>1</sup> Ташметов, Т. Х. (2020). Ёшларга берилаётган имкониятларнинг тарбиядаги аҳамияти. "Science and Education " Scientific Journal, 1(7), – Б. 617-624.

<sup>2</sup> Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамоилиллар. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.

<sup>3</sup> Миллий истиқлол гояси фанидан маъruzalар (бакалавриат учун). Ўқув қўлланма, 2007. – Б. 32.

бошқаларда ҳурмат ва эътибор уйғотган. Мутелик тобелик меваси ҳар қандай шароитда миллатнинг ривожланишига йўл бермайди. Ўзимизнинг кучимиз, қудратимиз, ўзимизнинг маслагимиз ва ўзимизнинг онгимиз туфайли биз буюк давлатга эришамиз. Ҳозирги шароитда кимда ким ўз мустақил Ватани, ўз мустақил фикри, мустаҳкам эътиқоди бўлсагина тенглар ичидан тенг бўлади. Ҳозирги давр учун долзарб ва асосий ҳисобланган миллий ғоя тамойиллари миллат тарихи ва уни идрок этиш даражасига боғлиқ бўлади. Чунки миллий ғоя осмондан тушмайди, у ерда юрган одамларнинг қалбида, шуурида етилиб, шу ер, шу замин, шу Ватан хизмати учун қаратилгандагина унинг аҳамияти ва мавқейи ҳам ортиб боради. Муайян даврдаги миллий ғоя, миллий мафкура, яъни жамиятнинг асосий мақсадини идеаллар, демократик тамойиллар билан уйғуллаштириш масаласи ҳам жуда муҳимдир. Бу жараён миллатни ўз қобиғида ўралашиб қолиш хавфидан озод этади, унга жаҳон миқёсида тафаккур юритиш имкониятини беради.<sup>1</sup> Ҳозирги пайтда кимнинг ғояси кучли, фикри тиник, мафкураси ҳаётий бўлса – ўша ғалаба қозонади. Бу – инсониятнинг XX аср тарихидан келиб чиқадиган муҳим хуносалардан биридир. Миллий истиқлол мафкураси ҳалқнинг туб манфаатлари ва мақсадларини ўзида ифода этади, жамият аъзоларини шу мақсад атрофида жипслаштиради. Демократик жамиятда ҳалқлар ўз миллий ғоясига таянади. Бу мустақил тараққиёт йўлидан ривожланишнинг муҳим шартидир. Шунинг учун ҳам, ёшларда миллий ғояга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш ва ривожлантириш тараққиётнинг муҳим шарти ҳисобланади. Ёшларнинг миллий ғояга дахлдорлик ҳиссининг шаклланиши ва ривожланиши жамиятнинг ғоявий-мафкуравий асослари, таълим-тарбия тизими, қадриятлар тизимига, ҳар бир инсоннинг онг ва тафаккури шакли, дунёқараси, ҳаётий мўлжалларига боғлиқ бўлади. Инсоннинг улғайиши, ижтимоий ҳаётда ўзининг ўрнини топиши, муайян мавқеига эга бўлиши, айни пайтда шахс, жамият ва давлат муносабатларида ҳам ўзаро ўрнатилган тартиблар, қабул қилинган қонунлар, маънавий-ахлоқий қадриятлар тизими, ёшларда масъулият-дахлдорлик ҳиссини уйғотади. Даҳлдорликни англаш юксак маънавият мезони сифатида намоён бўлиб, жамият олдида турган мақсад ғояларига бевосита боғлиқдир. Даҳлдорлик ҳисси ёшларни онг ва тафаккурини янгилашга, Ватан тараққиёти йўлида мустақиллик тафаккурига эга бўлиш, янгиликларни қабул қилиш, янги-янги ихтиrolар қилишга ўзини ундаш, ҳар бир киши ҳаётининг мазмунига, мақсадига ва ҳаётий майлига айланган бўлиши тараққиётнинг талабидир. “Ўз уйингни ўзинг аср!” деган шиор юртимизда яшаётган ҳар қайси инсондан ҳамон учраб турадиган лоқайдлик ва бепарволик қайфиятларидан холос бўлишни, энг муҳими, ён атрофимиизда бўлаётган воқеаларга даҳлдорлик ҳисси билан яшашни бугунги кунда энг долзарб масала сифатида олдимизга қўймоқда. Бу Ватан тараққиёти йўлида тинчликни аср-авайлашни, қадрлашни ва қадрига этишга, тинчлик учун курашга даҳлдорлик ҳисси доирасида намоён этади. Мамлакатнинг тараққиётiga хизмат қиласи. Даҳлдорлик ҳисси ёшларни эзгу мақсадлар, ғоялар билан яшашга ундаиди. Шунинг учун даҳлдорлик ҳиссини, айрим тор доирадаги манфаатлар тизими нуқтаи-назаридан эмас, балки миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғулиги, умуминсоний демократик қадриятлар нуқтаи-назаридан кенг англаш маданияти инсониятга, келажакка хизмат қиласи.<sup>2</sup> Бу турли ҳалқлар, миллатлар, динлар ўртасида ҳам ўзаро бағрикенгликни, тутувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Миллий ғоянинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш билан боғлиқ бош ғояси ҳар бир кишининг озодликка, Ватанинг обод ва фаровон бўлишига ҳиссасини қўшишга, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга бўлган даҳлдорлик ҳиссини шакллантиради. Миллий ғоянинг асосий ғоя ва тамойиллари “Халқ фаровонлиги”, “Ватан равнақи”, “Тинчлик”ни аср-авайлаш, “ижтимоий ҳамкорлик”, “динлараро бағрикенглик” ва “миллатлараро тутувлик”, “комил инсон” ғоялари ёшлар ҳаётига, уларнинг ҳаётий мақсад ва манфаатларига, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларда маъсулият ҳиссини, ҳуқуқ ва эркинликларини янада мустаҳкамлашга, тараққиётга хизмат қиласи. Бугун мамлакатимиз ижтимоий, сиёсий,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Манавият, 2008. – Б. 111.

<sup>2</sup> Эргашев И., Бердалиев Н., Давлетова М., Мухаммаджанов Ф., Бўтаёров О. Миллий ғоя тарғиботи технологиялари. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2008. – Б. 19.

иқтисодий, маънавий ҳаёти соҳаларида эришилган ютуқларни ёшларнинг миллий ғояга дахлдорлик ҳисси натижаси сифатида кўриш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, биринчидан, мустақаллик Ўзбекистон ёшлари ҳаётида буюк истиқболларни очди. Уларни ҳаётда ўз ўринларига, ижтимоий мавқега эга бўлишлари учун этарли шарт-шароит яратилди. Ёшларни ундан оқилона фойдаланишларини кафолатлади. Иккинчидан, ёшлар мамлакатнинг мустақил демократик тараққиёт йўлидан ривожланишда муҳим стратегик кучдир. Унга қарши қаратилган ҳар хил мафкуравий тазиикларга жавоб берга олишлари учун ҳам кучли билим ва тафаккурга эга бўлишлари лозим. Учинчидан, ёшларнинг ОАВ дан, ахборот коммуникатсия тизими, интернет орқали турли-хил “ижтимоий тармоқлар”дан фойдаланишда ижтимоий маъсулиятни ва маданиятни янада оширишга қаратилган маънавий-маърифий ишларга кенг жамоатчиликнинг эътиборини янада кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Тўртинчидан, ёшларнинг мафкуравий иммунитетини янада мустаҳкамлаш мақсадида уларнинг миллий ғояга дахлдорлик ҳиссни янада ошириш, миллий ғоя билан ёшларни узвий боғлаш ҳамда мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга хизмат қиласи. Миллий ғояга дахлдорликни англаш, тараққиётнинг муҳим шарти бу миллий ғоя мақсадларига, асосий тушунча ва тамойилларига ишонч ва эътиқод билан боғлиқдир. Миллий ғояга дахлдорлик, унинг негизларига миллий маънавий мерос, қадрияларга, умуминсоний демократик принципларга амал қилишни, унга масъулликни англатади. Миллий ғояга дахлдорлик, жамият мафкурасига, Ўзбекистонда яшаётган турли халқлар, миллатларнинг, аждод ва авлодларнинг ҳаётий орзу истиқболларига, мақсад ва майларига бўлган хурмат, уни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва янгилаб, бойитиб боришидир. Миллий ғояга дахлдорлик - Ўзбекистоннинг истиқболи ва келажаги тўғрисида қайғуриш, ижтимоий ҳаёт ривожида янги - янги ютуқларига эришиш, мамлакатни модернизатсиялаш – янада демократлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришдир. Миллий ғояга дахлдорликни ҳис этиш, уни ўзининг ғояси, халқи, миллатнинг ғояси - мақсадлари сифатида идрок этишига ундейди. Бу халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат қиласи. Глобаллашаётган дунёда миллий ғоя билан ёшлар узвий боғланганлиги маълум. Негаки, ҳар бир давлатнинг миллий ғоясини бош мақсади бўлади, масалан, “Озод ва обод Ватан – эркин ва фаровон ҳаёт кечирайлик”, ғояси бевосита ёшларни қамраб олади. Бунга сабаб эса ҳар бир ёш авлод яхши ҳаёта яшашни хоҳлайди, озод Ватанда истиқомат қилишни хоҳлайди, тинч юртда яшашни, оиласини боқишини истайди. Мана шу каби вазиятлар ёшларимизни миллий ғоя билан нафақат миллий ғоя билан балки миллий ғоянинг мақсади йўлида жипслаштиради аҳиллик билан бир йўлда бирлашишни талаб этади, десам муболага бўлмайди. Миллий ғоянинг ёшлар онгидан чуқур ўрин олганини аниқлашнинг яна бир асосий мезони шу азиз Ватанимиз, шу азиз халқимиз қадриялари барчамизники, бу Ватан, бу миллат учун яшаш ва унинг истиқболи учун ҳалол ва пок меҳнат қилиш баҳт эканлигини қанчалик ҳис қилишларидир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Ташибетов, Т. Х. (2020). Ёшларга берилаётган имкониятларнинг тарбиядаги аҳамияти "Science and Education" Scientific Journal, 1(7). – Б. 617-624.
4. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.
5. Миллий истиқлол ғояси фанидан маъruzalар (бакалавриат учун). Ўкув кўлланма. – Тошкент, 2007. – Б. 32.
6. Каримов И.А. Юқсан маънавият – енгилмас куч. – Т.: Манавият, 2008. – Б. 111.
7. Ергашев И., Бердалиев Н., Давлетова М., Маҳаммаджанов Ф., Бўтаёров О. Миллий ғоя тарғиботи технологиялари. Ўкув кўлланма. – Тошкент, 2008. – Б. 19.

*Нашрга проф. С. Чориев тавсия этган*

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТУШУНЧАСИНИНГ МАЬНО ВА МАЗМУНИ

Аметов А.Қ. (НДПИ)

**Аннотация.** Мақолада инсон хукуқлариниг вужудга келиши, маъно мазмуни кенг миқёсда ёритиб берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Инсон ва фуқароларнинг асосий хукуклари, эркинликлари ва бурчлари” ҳақидаги маълумотлар изчил таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, ҳалқаро шартномалар, конституция, қонун устуворлиги, демократия, декларация, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар.

**Аннотация.** В статье широко освещаются возникновение и значение прав человека, поэтому последовательно анализируются сведения об «Основных правах, свободах и обязанностях человека и гражданина» Конституции Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** права человека, свободы, международные договоры, конституция, верховенство права, демократия, декларация, гражданские и политические права, экономические, социальные и культурные права.

**Annotation.** In the article, the emergence and meaning of human rights are widely covered, therefore, the information about the "Basic rights, freedoms and duties of man and citizens" of the Constitution of the Republic of Uzbekistan is consistently analyzed.

**Keywords:** human rights, freedoms, international agreements, constitution, rule of law, democracy, declaration, civil and political rights, economic, social and cultural rights.

Бугунги глобаллашув ва интеграциялашув жараёнлари кечётган бир пайтда, дунё ҳамжамияти олдида турган энг асосий долзарб масалалардан бири бу инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш тизимининг барқарорлигини таъминлашдан иборатdir. Жаҳонда рўй берабётган кўплаб ихтилофлар, фавқулодда вазиятлар ва ҳалқаро ҳуқуқнинг кўпол бузилишларига қарамай, уларга қарши инсон ҳукукларига асосланган сиёсатни ишлаб чиқиш ва жавоб қайтариш ҳамда инсон ҳукуклари бўйича ҳалқаро шартномаларни ратификация килиш асносида давлатларнинг ўз зиммаларига олган шартнома мажбуриятларига қатъий амал қилиши янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Зўравон экстремизм, терроризм, одам савдоси тортиб қашшоқликни бартараф этишга қарши кураш ва миграция бошқарувигача бўлган ёндашувда, ҳалқаро инсон ҳукуклари ҳукуки масъулиятли ва барқарор сиёсат ишлаб чиқилишида муҳим асос ва қўрсатмалар беришга хизмат қиласи. Инсон ҳукуклари бу қонун устуворлиги ва демократия бўлган барча жамиятлар кўллаб-кувватлайдиган асосий тамойил ҳисобланади.

Инсон ҳукуклари ҳар бир шахсга таалукли бўлган ҳукуклар мажмуи бўлиб, ҳар бир одамнинг энг асосий ва ажралмас ҳукуклари ҳисобланади. Улар шахс ва ҳокимият идоралари, хусусан давлат муассасалари билан бўладиган муносабатларнинг моҳиятини белгилаб беради. Инсон ҳукуклари давлат ҳокимиятини чеклаш баробарида, давлат томонидан ҳар бир шахс инсон ҳукукларидан тўла-тўқис фойдалана олиши мумкин бўладиган муҳитнинг яратиб берилиши учун ижобий чора-тадбирлар кўрилишини тақозо этади. Бу ҳақда биринчи президентимиз Ислом Каримов “Аҳолида инсон ҳукуклари ва эркинликларига риоя қилиш борасида янги қадриятлар ва қўнималарни шакллантириш ва пировардида миллат даражасида инсон ҳукукларини хурмат қилиш ва уларга риоя қилишни ривожлантиришга қаратилган маданиятни шакллантириш лозимdir. Инсонларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини билишлари, шахс ҳукукларини конституциявий кафолатини амалга оширишнинг зарурий шарти бўлиши керак”<sup>1</sup> – деб таъкидлайди.

Инсон ҳукуклари давлатларнинг конституциялари ва ҳалқаро ҳукуқда белгилаб кўйилган шахсий ва жамоавий ҳукукларнинг йиғиндисидир. Иккинчи жаҳон урушига қадар инсон ҳукуклари асосан давлат томонидан ривожлантириб келинган бўлса, ундан сўнг инсон ҳукукларини ишлаб чиқиш ва унинг дунё миқёсида кенг қулоч ёйишида БМТ етакчилик қилиб келмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, инсон ҳукуклари кўплаб давлатлар

<sup>1</sup>Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлап давр талаби. 5-том. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 115.

томонидан ратификация қилинган бир қатор халқаро ва минтақавий ҳуқуқий ҳужжатларда бугунги кунда умумжаҳон миқёсида эътироф этилган қадриятлар тизимини акс эттиради.

Инсон ҳуқуқлари кўпкіррали ижтимоий ҳодиса сифатида инсон ҳаётининг барча жабхаларини қамраб олади. Инсон ҳуқуқларидан амалда фойдаланиш ҳар бир шахснинг ўз ҳаётини эркин қуриши ва ўз тақдирини ўзи белгилаши, тенглик ва инсон қадр-қимматини ҳурмат қилишга кўмаклашади. Инсон ҳуқуқлари фуқаролик ва сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар, шунингдек, жамоавий ҳуқуқлар мажмуудир. “Инсон ҳуқуқлари” тушунчасининг ўзи, аввалданоқ инсоннинг ижтимоий моҳиятини очиб берувчи, уни инсон сифатида жамиятда ўзини тута билишини кўрсатиб берувчи қадриятлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган табиий ҳуқукнинг пайдо бўлиши билан вужудга келди. Инсон ҳуқуқлари инсон табиатига оид шундай ҳуқуқлардирки, уларсиз инсон инсоний мавжудот сифатида мавжуд бўла олмайди. Ушбу ҳуқуқ ва эркинликлар инсонга ўзининг инсоний сифатларини, интеллектини, қобилиятини ривожлантириш, улардан фойдаланиш ҳамда руҳий ва бошқа эҳтиёjlарини қондириш имкониятини беради.

Инсон ҳуқуқлари қонун устуворлиги ва демократияга асосланган барча жамиятлар қўллаб-қувватлайдиган асосий тамоил ҳисобланади. Бундан 75 йил олдин қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тарихий муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий ҳужжат ҳисобланади. Декларация 1948 йилда қабул қилингандан кейин 500 дан кўпроқ тилга таржима қилиниб, жаҳонда энг кўп таржима қилинган ҳужжатга айланди ва кўпгина янги мустақил давлатлар конституциялари учун намуна бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини рафбатлантириш, уларга амал қилиш ва уларни ҳимоя қилиш масалаларига давлат сиёсатининг ҳамда халқаро шериклар билан ўзаро алоқаларнинг устувор мезонларидан бири сифатида қаралади. Бугунги кунда мамлакатда инсон ҳуқуқлари мезонларига жавоб берадиган барқарор сиёсий тизим шакллантирилган. Бу ҳақда мамлакатимиз президенти Шавкат Мирзиёев “Бизнинг устувор вазифамиз инсон салоҳиятини рўёбга чиқаришга ҳар томонлама кўмаклашиш, унинг асосий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат”<sup>1</sup> - деб таъкидлайди. Истиқлол туфайли Ўзбекистон мустақил халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида кўплаб нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО, Халқаро меҳнат ташкилоти, Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқи, Парламентлараро иттифоқ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар билан фаол халқаро ҳамкорликни йўлга қўйди. Бугунги кунда Ўзбекистон ўз мустақил тараққиётининг сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичига қадам қўйди. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётининг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти Фармони қабул қилинди. Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади - амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар тарафлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун, мамлакатни тубдан модернизациялаш ва ҳаётининг барча соҳаларини либераллаштириш учун шарт-шароитлар яратишдан иборатdir. Ўзбекистонда халқаро мажбуриятларни бажаришни ташкил этишнинг ички давлат механизмини такомиллаштириш ва халқаро стандартларни ҳаётга жорий этиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг роли ва ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Ҳаракатлар стратегияси дастурига мувофиқ Ўзбекистон парламентининг давлат ҳокимияти тизимидағи роли оширилди, мамлакат ички ва ташки сиёсатининг муҳим

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. „Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми иштирокчилари“ // Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фарновон бўлади. З-жилд, – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 363 б.

вазифаларини бажариш, ижроий ҳокимият фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатлари кенгайтирилди, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги роли кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Инсон ва фуқароларнинг асосий хукуқлари, эркинликлари ва бурчлари” деб номланган 2-бўлимида кўрсатилган хукуқ ва эркинликлар, у фуқаро бўладими, хорижлик ёки фуқаролиги йўқ шахс бўладими, Ўзбекистон худудида жойлашган ҳар қандай одамга тегишли эканлилигини эътироф этилишига ургу беради. “Шулар қаторида, Конституцияда, фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларига тегишли бўлган хукуклар ҳам биректириб қўйилган. Булар, асосан сиёсий хукуклар бўлиб: давлат ва жамоат ишларини бошқаришда, йигилиш, митинг ва намойишларда қатнашиш хукуки, сайлаш ва сайланиш хукуки ва бошқалардир”<sup>1</sup>.

Ҳар бир инсон, жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиши учун, унда бевосита қатнашиш учун, табиат ва жамият ҳақида у ёки бу даражада билимларга эга бўлиши, нутққа эга бўлиши ва мавжуд ижтимоий қоидаларни ўрганиши, касб эгаси бўлиши ва маданият ютуқлари билан танишиши лозим. Шундан сўнггина, у ижтимоий муносабатлар тизимига, маълум ижтимоий гурух, меҳнат жамоаси, жамоат ёки сиёсий ташкилот аъзоси, мулк эгаси, моддий ва маънавий бойлик ишлаб чиқарувчиси сифатида, бир сўз билан айтганда, ижтимоий борлиқнинг аниқ бир доирасида иштирок этади. Инсон хукуқларини тушунишда муҳим бўлган қатор хусусиятларни ажратиш мумкин: биринчидан, инсон хукуқлари - хукуқ бузилишига нисбатан жавобгарлик белгиловчи қоида ва тамойиллар мажмуи; иккинчидан, инсон хукуқлари - давлат ўзига маълум мажбуриятларни оладиган, давлат ва инсон ўртасидаги ўзаро муносабатлардир; учинчидан, инсон хукуқлари - давлат органлари томонидан риоя қилинади, таъминланади ва рағбатлантирилади; тўртинчидан, инсон хукуқлари тенгликни назарда тутади ва жинсий, ирқий ва эътиқод белгиларига кўра камситишини йўқотишини кўзда тутади; бешинчидан, инсон хукуқлари ҳам тинчлик, ҳам куролли можаролар пайтида риоя этилишини ва таъминланишини назарда тутади. Давлат ҳимоясининг кафолати бевосита давлатнинг мазкур хукуқларни тан олиши, риоя этиши ва қўриқлаши юзасидан мажбуриятлари билан боғлиқ. Шунинг учун қонунчилик фаолиятининг инсон хукуқларига мувофиқлиги Конституция томонидан ижро ва қонунчилик ҳокимиятига йўналтирилган муҳим шартдир. Бу ҳақда мамлакатимиз президенти Шавкат Мирзиёев “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”<sup>2</sup> - деб таъкидлайди.

Универсал қимматга эга бўлган инсон хукуқлари, Ўзбекистон Республикасининг жамият ҳаётининг ижтимоий сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг барча соҳаларидағи фаолиятининг концептуал асосини ташкил этади. Жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси сифатида Ўзбекистон Республикаси инсон хукуқлари устуворлигини сўзсиз тан олади ва инсон хукуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришни ўзининг стратегик муҳим вазифаси сифатида эътироф этади.

Инсон хукуқлари - инсонга ўзини инсон сифатида намоён қилиши, моддий, ижтимоий ва бошқа неъматлардан фойдаланиши учун тақдим этилган ижтимоий ва юридик имкониятдир. Ушбу ижтимоий ва юридик имкониятлар давлат ва жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий шароитлари ва даврнинг маълум тарихий хусусиятлари билан юзага келади. Айнан, шунинг учун ҳам инсон хукуқлари тараққиёти ҳақида турли тарихий даврларда ва инсон хукуқлари халқаро стандартлари мавжудлиги нуқтаи назаридан турли цивилизацияларда ва турли мамлакатларда инсон хукуқларини амалга ошириш шакллари ҳақида гапириш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, инсон хукуқларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас ваҳолангки, улар бир-бiri билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир. Инсон хукуқлари бир-бiri билан узвий боғлиқлиги боис шахснинг бирон-бир хукукининг бузилиши унинг бошқа хукуқлардан амалда самарали фойдаланишига таъсири

<sup>1</sup>Саидов А.Х. Инсон хукуқлари умумий назарияси. – Тошкент, 2012. – Б. 35.

<sup>2</sup>Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Миллый тикланишдан миллый юксалиш сари. 4-жилд, – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б. 10.

кўрсатади. Мисол учун, яшаш хуқуқи озиқ-овқат билан таъминланиш ва муносиб турмуш кечиришга бўлган хуқуқларга нисбатан хурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилади. Шахснинг умумий ўрта таълим олиш хуқуқидан маҳрум қилиниши унинг одил судлов ва давлат ҳаётида иштирок этиш имкониятиларига салбий таъсир кўрсатади. Қолаверса, фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар ҳамда иқтисодий, ижтимоий ва маданий хуқуқлар бир-бирини тўлдириб туришидан ташқари ҳар бир шахснинг обрў-эътибори, қадр-қіммати ҳимоя қилиниши учун бирдек муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, барқарор тинчлик хукм суриши ва тараққиётга эришиш учун эса барча хуқуқларга хурмат билан муносабатда бўлиш лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. – Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 115.
2. Мирзиёев Ш.М. Инсон хуқуқлари бўйича Осиё форуми иштирокчиларига // Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 363 б.
3. Сайдов А.Х. Инсон хуқуқлари умумий назарияси. – Тошкент, 2012. – Б. 35.
4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б. 10.
5. Рўзимуродов С. Глобаллашув даврида ёшларни соглом қилиб тарбиялашда маҳалла ва оиласнинг тутган ўрни // Journal of Social Sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 02. – С. 55-59.
6. Ruzimurodov S. M. Ethnomadanian, Ethnoesthetic Aspects Of The Formation Of A Healthy Lifestyle In Society // The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 05. – Р. 188-194.
7. Рўзимуродов С., Юсупов М. Ўзбекистонда фалсафий фикрлар ибтидоси хусусида // Проблеми та перспективи розвитку науки на початку третього тисячоліття у країнах СНД. – С. 253.
8. Яхшиликов Ж., Мухаммадиев Н. Миллий гоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. – Т.: Чўлпон ННМИУ, 2018. – 684 б.

*Наширга проф. С.Чориев тавсия этган*

## **ЮНЕСКО ВА ТУРКСОЙ – МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ВА ЯҚИН ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**Алишерхўжаева М.А. (ТДШУ)**

**Аннотация.** Ушбу мақола Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маҳсус муассасаси ЮНЕСКО ҳамда Халқаро Туркий маданият ташкилоти ТУРКСОЙ –ташкилотлари фаолиятидаги умумий жиҳатларини киёсий кўриб чиқишига, улар ўртасидаги ҳамкорликнинг шаклланиши ҳамда замонавий ҳолатини таҳлил қилиш натижасида илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқишига қаратилган. Икки ташкилотда Ўзбекистоннинг иштироки, кўп томонлама ҳамкорлиги кўриб чиқилади. Шунингдек, ТУРКСОЙ ва ЮНЕСКОнинг фаол ҳамкорлигини йўлга кўйиш, ЮНЕСКО ва аъзо мамлакатларнинг иштирокидаги тадқиқот марказини яратиш, унда турк дунёси илмий, тарихий меросини ўрганиши ишлари кўриб чиқилади.

**Таянч сўзлар:** ЮНЕСКО, ТУРКСОЙ, маданий дипломатия, кўп томонлама дипломатия, маданият, маданий мерос, илмий тадқиқот маркази, ахборот базаси.

**Annotation.** This article is aimed at a comparative review of the general aspects of the activities of UNESCO and the International Organization of Turkic Culture TURKSOY, the development of evidence-based proposals based on an analysis of the current state of cooperation. Participation and multilateral diplomacy of Uzbekistan in two organizations will be considered. Also, the establishment of active cooperation between TURKSOY and UNESCO, the creation of a research center under TURKSOY with the participation of UNESCO and member countries, the object of study of which will be the scientific and historical heritage of the Turkic world, will be considered.

**Key words:** UNESCO, TURKSOY, cultural diplomacy, multilateral diplomacy, culture, cultural heritage, research center, database.

**Аннотация.** Данная статья направлена на сравнительный обзор общих аспектов деятельности ЮНЕСКО и Международной организации тюркской культуры ТЮРКСОЙ, разработку научно обоснованных предложений на основе анализа текущего состояния сотрудничества. Будет рассмотрено участие и многосторонняя дипломатия Узбекистана в двух организациях. Также,

будет рассмотрено налаживание активного сотрудничества между ТЮРКСОЙ и ЮНЕСКО, создание исследовательского центра при ТЮРКСОЙ с участием ЮНЕСКО и стран-членов, объектом изучение которого станет научно-историческое наследие тюркского мира.

**Ключевые слова:** ЮНЕСКО, ТЮРКСОЙ, культурная дипломатия, многосторонняя дипломатия, культура, культурное наследие, научно-исследовательский центр, база данных.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимидағи маҳсус муассаса ЮНЕСКО жаҳонда маданият фан ва маориф соҳаларида давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш орқали олий мақсад – тинчлик, қолаверса, давлатлараро муносабатларда уйгунлик, дўстона муносабатларни доимий ўрнатилишини мақсад қилган. ЮНЕСКО устави преамбуласида, “Уруш инсонлар онгида пайдо бўлади, демак, тинчликни инсонларнинг онгига сингдириш керак” дея бошланади. Ҳозирги пайтда ҳалқаро муносабатларда кузатилаётган жадал жараёнлар, янги таҳдидлар ва муаммолар, пандемия келтириб чиқарган синовлар, қолаверса, экологик муаммо ва иқлим ўзгариши масаласи ҳамда дунё аҳолисининг сифатли ҳаёт кечириши билан боғлиқ тараққиёт муаммолари ҳар қачонгидан кўпроқ тизими ва ортга суриб бўлмас ечимларни талаб қилади. Шу билан бирга, санаб ўтилган масала ва таҳдидлар давлатларнинг ҳеч бирини танлаб ўтирмайди ва умумий муаммолар саналади –тегишлича – умумий ҳаракат ва ечимларни кўзда тутади.

Шу нуқтаи назардан, ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлик давр талаби ҳисобланиб, турли соҳаларда ЮНЕСКО фаолиятининг нечоғлик муҳим эканини кўрсатади. Агар ЮНЕСКО глобал равишида дунё маданиятининг хилма-хиллигини сақлаш, дунёга танитиш вазифасини адо этса, ТҮРКСОЙ ташкилоти ушбу мақсадга янада торроқ ёндашади, яъни – Евросиё ҳудуди бўйлаб жойлашган давлатларнинг маданиятини танитиш, кейинги авлодга сақлаш, бу соҳада ҳамкорлигини ривожлантириш йўли орқали аъзо давлатларнинг бирдамлигини таъминлайди. Демак, ЮНЕСКО ва ТҮРКСОЙ ташкилотлари инсоният ижодий маҳсулиниң энг нозик ва шу билан бирга кучли соҳаси ҳисобланган, асрлар давомида шаклланган ва ҳар бир ҳудуд ва миллатнинг ўзига хослигини ўзида жамлаган маданияти, маданий меросини асрашга мақсад қилган ташкилотлардир. Улар фаолиятини қиёсий таҳлил қилиш ва Ўзбекистоннинг ташкилотлардаги иштирокини кўп томонлама дипломатиясидаги аҳамиятини очиб бериш мавжуд камчиликлар ва муносабатлардаги яхшиланиши лозим бўлган жиҳатларини янада аниқ кўриш учун фойдали бўлади.

Ҳар бир маданий мерос инсониятга тегишли экани ва худди шундай инсоният ҳам ўз маданий меросига тегишли экани уни асраш ва танитишни ҳалқлар ва давлатларнинг келажак авлод олдидағи ўзига ҳос бурчи сифатида келтириб ўтиш мумкин. ЮНЕСКО ҳамда ТҮРКСОЙ ташкилоти айнан шу вазифани бажармоқда. Ўзининг 70 йиллик фаолияти давомида ЮНЕСКО дунёнинг энг кўзга ташлаган ва тарихий, тақрорланмас ва буюк маданий ҳамда табиий бойликларни ўз ичига олган “Бутунжаҳон мероси рўйхати” айни дамда 1154 обьектни ташкил қилмоқда<sup>1</sup>. Бу рўйхатнинг катта қисми эса ТҮРКСОЙ ташкилоти аъзолари ҳисобланмиш туркий давлатларнинг маданий ва табиий бойликлари ҳисобланади. Маданий ва табиий меросни сақлашда икки ташкилотнинг ҳам Ўзбекистон учун муҳим эканлигини кўриш мумкин. Ўзбекистон ЮНЕСКОга тўла ҳуқуқли аъзо сифатида 1993 йилда кирган бўлса, ТҮРКСОЙ ташкилоти ҳам 1993 йилда Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Туркманистон, Туркия ва Ўзбекистон Республикалари Маданият Вазирлари тарафидан имзоланган шартнома асосида ўз фаолиятини бошлаган<sup>2</sup>. Яъни, Ўзбекистон учун ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш айни бир хил даврдан бошланди. Икки ташкилот билан олиб борилган ҳамкорликнинг умумий даври деярли 30 йилни ташкил қилмоқда.

ЮНЕСКО – Ўзбекистон ҳамкорлиги ривожини (ташкилот билан имзоланган Меморандумга<sup>3</sup> кўра, таълим, маданият, аниқ ва табиий фанлар, ижтимоий ва гуманитар

<sup>1</sup> World Heritage List. Available at: <https://whc.unesco.org/en/list/?&mode=table>

<sup>2</sup> ТҮРКСОЙ ташкилотининг расмий сайти. TÜRKSOY HAKKINDA / <https://www.turksoy.org/tr/turksoy/about>

<sup>3</sup> ЎзР МДА. Ф. М-7, 11-рўйхат, 343-иш, 130–137-вараглар.

фанлар, ахборот-коммуникация ва информатика ҳамда Орол денгизи муаммосини бартараф этиш соҳаларида ҳамкорлик қилишга келишиб олинган) бугунга қадар эришилган натижаларда кузатилади. Аввалги тадқиқотлардан маълум бўлдики, Ўзбекистон ва ЮНЕСКО муносабатлари шаклланиши ва ривожини учта даврга ажратиб ўрганиш мумкин. Биринчи давр 1972 йилдан 1991 йилгача, иккинчи давр 1991 йилдан 2016 йилгача, учинчи давр эса 2016 йилдан хозирги давргача бўлган муносабатларни қамраб олади. Ўзбекистоннинг тўла хукукли, Халқаро муносабатларнинг суверен субъекти сифатидаги расмий ҳамкорлиги 1993 йилдан бошланган бўлса, давлатимиз бой маданияти, тарихий меросига Ташкилотнинг қизиқиши Совет давридан бошлангани аждодларимизнинг юбилейларини ЮНЕСКО шафейлигига нишонлангани билан кўрсатиш мумкин.

Дунё тарихида, инсоният тараққиётида турли даврларда юзага келган цивилизациялар, салтанатларнинг ўрни ва аҳамияти катта бўлган. Улар орасида туркий халқлар томонидан асос солинган қадимий давлатлар, уларнинг заминида ривож топган маданият ва тамаддуналар алоҳида ўрин тутади.

Олиб борилаётган тадқиқотлар ўтмишда туркий халқлар дунё тарихида мислсиз ўзгаришларга сабаб бўлганини кўрсатмоқда. Туркий халқларнинг муштарак ёдгорлиги санаалган Ўрхун-Энасой обидалари, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луготит-турк” асари ва бошқа кўплаб обидалар аждодларимизнинг нақадар юксак ақл-заковат, салоҳият ва идрок соҳиби бўлишганидан дарак беради. Халқларимиз даҳоси тимсоли бўлган Гўрўғли, Алпомиш, Дада Кўрқут, Манас, Эдигей сингари қаҳрамонлик эпослари асрлар оша инсониятни мардликка, ватанпарварликка, олийжанобликка ундан келмоқда. Туркий кенгликлардан етишиб чиқкан ал-Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Жалолиддин Румий, Юнус Эмро, Имодиддин Насимий, Мухаммад Фузулий, Насириддин Тусий сингари олим ва мутафаккирлар нафақат турк дунёси, балки жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса кўшганлар.

ТУРКСОЙ ва Ўзбекистон муносабатлари – аждодлари, маданияти ва умумий тарихга эга бўлган халқларнинг меросини янада чукур ўрганиш, тарғиб этиш бу орқали аъзо давлатлар ўртасида маданий дипломатияни кучайтиришга қаратилган. Ташкилот таъсис этилганидан то ҳозирга қадар бўлган давр мобайнода Ўзбекистон билан ҳамкорлик тўхтовсиз давом этганини келтириб ўтиш зарур. Ҳамкорлик, туркий оламнинг умумий-анъанавий байрами ҳисбланмиш “Наврӯз”ни халқаро миқёсда нишонлаш, жумладан, ЮНЕСКО штаб квартираси ва бир қатор Европа давлатларида “Наврӯз” байрамини нишонланиши, Ўзбекистон ва ТУРКСОЙга аъзо давлатларнинг буюк мутафаккирлари юбилей тадбирлари, маданий ва илмий меросни ўрганишга қаратилган тадқиқот ишлари, ҳар йили қадимий шаҳарларнинг “Турк дунёси маданияти пойтахти” этиб эълон қилиниши доирасидаги тадбирлар кабиларни қамраб олган.

Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО доирасида ҳам ТУРКСОЙ билан ҳамкорлик қилиши масалалари кўриб чиқилгани<sup>1</sup> ушбу икки ташкилотнинг умумий мақсадлари йўлида Ўзбекистоннинг фаол ҳамкор эканлигини кўрсатади. Давлат раҳбари Ш. Мирзиёевнинг Туркий Давлатлар Кенгаши (аввалги номи “Туркий тилли давлатлар Кенгаши”)нинг 8 саммитида сўзлаган нутқида, маданий ҳамкорлик соҳасида қўйидаги режаларни:

Биринчидан, “Турк дунёси туризми”, муқаддас масканларнинг “зиёрат туризми” лойиҳаларини амалга ошириш, маданий мерос объектларини асраш, тиклаш кабиларни ўз ичига олган “йўл ҳаритасини” ишлаб чиқиши;

Иккинчидан, Турк дунёсининг буюк намоёндалари нодир асарларининг инсоният цивилизацияси ва маданияти ривожида аҳамияти улкан эканлиги ва ушбу асарларнинг 200 мингга яқин қўлэзмаларини ўзида жамлаган Ўзбекистондаги фондни мисол келтиради. Уларни биргаликда ўрганиш, таржима қилиш ва ягона электрон маълумотлар базасини шакллантириб, ушбу соҳага рақамли технологияларни жорий этиш мақсадида туркий халқларининг тарихий, илмий ва маданий меросини ўрганиш илмий-тадқиқот марказини

<sup>1</sup> Перспективы укрепления контактов ТЮРКСОЙ и ЮНЕСКО обсудили в Париже//12.10.2020// Официальный сайт РУз // [https://dunyo.info/ru/site/inner/perspektivi\\_ukrepleniya\\_kontaktov\\_turksoy\\_i\\_yunesko\\_](https://dunyo.info/ru/site/inner/perspektivi_ukrepleniya_kontaktov_turksoy_i_yunesko_)

ташкил этишни таклиф қилди<sup>1</sup>. Бу таклифлар юқорида келтирилган, давлатларнинг мураккаб замонавий даврда ўзаро уйғунликда фаолият юритишлари ва ишончга асосланган – яқин ҳамкорликда иш олиб боришлари вазифаси учун айни муддао эканлигини қайд этиш лозим.

Ташкилотлар доирасидаги ҳозирги қадар олиб борилаётган яқин ҳамкорликлар, табиийки, камчиликларсиз эмас. Давлатлар, ташкилотлар доирасидаги муносабатлар томонларнинг домий тақомиллаштириш, янада яхшилаш ишлари билан ривожланади. Ўзбекистоннинг бугунга қадар глобал миқёсда дунёга танитилиши кутилаётган бой маданий мероси намуналари номзодномалари устида ишлаш муҳим вазифалардан биридир. Ёзма ёдгорликларнинг устида тадқиқот ишлари олиб бориш, таржима ишлари ва уларни сақлаш, бу тадқиқотлар бўйича ТУРҚСОЙ ташкилоти қошида ягона электрон базани яратиш шулар жумласидан ҳисобланади. Колаверса, Пандемия туфайли тўхтаб қолган лойиха ва тадбирларнинг ҳам аста-секин йўлга қўйишни ва янада жадаллаштиришнинг ҳам вақти келган.

Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг ташкилотлар фаолиятида ҳам муҳим ўрни бор эканлигини таъкидлаш жоиз. Марказий Осиё минтақасида жойлашган, демократик ислоҳотлар ва фаол ташкиси сиёсатни, ўзаро манфаатли муносабатлар олиб бориш йўлини танлаган навқирон давлат ЮНЕСКОга аъзо давлат бўлиши, турли соҳаларда ҳамкорликни фаоллаштириши ташкилотнинг олдига қўйган мақсадларини амалга оширишида ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

Худди шундай ТУРҚСОЙ ташкилотда ҳам Ўзбекистон муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон туркийзабон давлатлар ўртасидаги асрий мустаҳкам қардошлик ришталарини ўзида мужассам этган давлат экани – бу ташкилот аъзолари муносабатларида жисплаштирувчи, янада мустаҳкамловчи кучга эканлигини билдиради. Халқаро муносабатларнинг янги даври мураккаблиги, инсоният олдига янада ҳар тарафлама чукур ўйланган бирдамликни ва ечимларни талаб қилмоқда. Тинчликни, ўзаро дўстона муносабатларда ҳамкорликни ривожлантиришга давлатларнинг халқаро хуқук нормаларини, ўзаро хурмат тамоилилларини бузилиши тўқсенилик қилаётганини сўнгти воқеалар кўрсатиб қўйди. Бунда ягона мақсадлар устига курилган, энг муҳими дунёда тинчлик, барқарорлик ва ривожланишини фаолиятида мужассам этувчи халқаро ташкилотларнинг роли ниҳоятда бекиёсдир. Бирлаган Миллатлар Ташкилоти маҳсус муассасаси ЮНЕСКОнинг тузилишидан мақсад айнан инсоният онгидага таълим, фан ва маданият орқали тинчлик қадриятини ўрнатиш вазифаси қўйилгани унинг бугунги кундаги аҳамиятини, янада долзарблашганини кўрсатади<sup>2</sup>. Деярли 80 йиллик фаолияти давомида бир қатор вазифаларни бажарилишини илмий ўрганиш, Халқаро туркий маданият ташкилоти олдида турган режаларни амалга оширишда муҳим намуна бўла олади. Тили, дини, маданияти ва тарихи бир бўлган халқларнинг ўзаро уйғунликда яқин-дўстона ҳамкорлик олиб борилиши ва энг асосийси, ушбу худудларда доимий тинчлик хукм суринида ТУРҚСОЙ доирасидаги кўп томонлама дипломатиянинг ривожланиши кейинги барқарорликнинг омили бўлади.

ЮНЕСКОнинг глобал даражада маданий меросини сақлаш, ўрганиш ишлари инсоният олдида турган кейинги энг муҳим вазифалардан биридир. Худди шундай, дунё ривожига энг катта хиссадор бўлған туркий халқларнинг маданиятини, тарихий меросини ўрганиш, сақлаш борасида тадқиқотлар олиб бориш ва уни танитиш ТУРҚСОЙ ташкилотининг бугунги кунда олиб бораётган фаолияти, унинг тақомииллашиши, янада фаоллашиши муҳим аҳамият касб этади. Демак, икки ташкилотни илмий ўрганиш, мавжуд муасиммоларга ёним топиш нафақат аъзо давлатлар, балки дунё маданиятини ўрганиш ҳам ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ташкиси Конституциянинг V боби 17 моддасига кўра, Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро

<sup>1</sup> Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на саммите Совета сотрудничества тюркоязычных государств// 13 Ноябрь 2021// <https://xs.uz/ru/post/vystuplenie-prezidenta-respublikи-uzbekistan-shavkata-mirziyoeva-na-sammite-sotrudnichestva-tyurkoyazchnykh-gosudarstv>

<sup>2</sup> Сайфуллаев Д. Инициатива основанная на доброте. «Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида» номли илмий-амалий конф. материаллари тўплами. – Т.: ТДШУ, 2021. – Б. 86.

тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин<sup>1</sup>. Шу нүктаи назардан Ўзбекистоннинг замонавий даврда ташкилотлар доирасида турли соҳаларда ҳамкорлик ва кўп томонлама дипломатияни ривожлантириш давр талаби ҳисобланади. ЮНЕСКО ҳамда ТУРКСОЙ ташкилоти билан маданий, маориф, фан соҳаларидағи ҳамкорлик ҳар томонлама манфаатли экани бу ташкилотлар билан ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун сабаб бўла олади. Ташкилотларнинг тузилиб, то ҳозирги пайтдаги фаолиятларини ўрганиш натижасида қўйидаги назарий ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Юқоридаги вазифаларни амалга оширишда, *биринчидан*, халқаро ташкилотларнинг замонавий даврдаги ўрни, аҳамиятинини қайта кўриб чиқиш, уларнинг кенг қамровли эканини яъни, тарафларнинг манфаатларини тенг равища кўриб чиқиши хусусиятини мустаҳкамлаш бўйича тадқиқот ишларини олиб борилиши эҳтиёжи ҳар қачонгидан муҳим эканлиги маълум бўлди. *Иккинчидан*, маданий меросни сақлашда янада чукурроқ ёндашувни бажара олувчи ТУРКСОЙ ташкилоти ЮНЕСКО тажрибасидан фойдалана олиши мумкин эканлиги, шу билан бирга икки ташкилот ҳамкорлиги Ўзбекистон манфаатларига, қўйилган кейинги режаларни амалга оширишда айни муддаолигини кўриш мумкин. *Учинчидан*, ЮНЕСКО ташкилотининг туркий халқлар тарихий, маданий мероси, буюк шахслари қолдирган, янада изчил ўрганилиши лозим бўлган илмий меросни ўзида мужассам этган ТУРКСОЙ ташкилоти билан ҳамкорлигини янги босқичга кўтарилиши ТУРКСОЙ фаолиятининг асл мақсадларини очиб беради. Яъни ТУРКСОЙнинг турк олами ЮНЕСКОси эмас, балки ЮНЕСКОнинг тўла қонли ҳамкори, туркий тарих, маданият, мерос ва илмий манбаларини ўрганувчи, ахборот берувчи, дунёга танитиш фаолиятини олиб борувчи кучли халқаро ташкилот сифатида шаклланиши назарда тутиляпти. Айнан шу ҳақида ЮНЕСКО генерал директори К. Мацуура, 2009 йилда ТУРКСОЙ Бош мудири Д. Касениновнинг ЮНЕСКО қароргоҳига ташрифи чоғида ҳам таъкидлаб ўтган<sup>2</sup>. *Тўртинчидан*, маданий меросни ўрганиш, асрар ва танитишда аъзо давлатлар олимларини жамлаган, ҳамда ЮНЕСКО билан айнан шу соҳада яқин ҳамкорликни ўрнатган, улкан ахборот базасига эга ўзига ҳос илмий тадқиқот марказини яратиш муҳим қадам бўлиши мумкинлигини таъкидлаш мумкин. Бунда Ўзбекистон Республикаси салоҳияти, олимлари жалб этилиши ташкилотлар ишида ва шу билан бирга Ўзбекистон маданий дипломатияси ва илмий соҳаси олдига қўйилган мақсадларга тенг равища манфаатли бўлиши кўринади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси 09.02.2021 й.,03/21/671/0093-сон: <https://lex.uz/acts/20596>;
2. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на саммите Совета сотрудничества тюркоязычных государств// 13 Ноябрь 2021// <https://xs.uz/ru/post/vystuplenie-prezidenta-respublikii-uzbekistan-shavkata-mirziyoeva-na-sammite-sotrudnichestva-turkoyazychnykh-gosudarstv>;
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви Фонд М-7, 11-рўйхат, 343-иш, 130-137 варагълар;
4. Перспективы укрепления контактов ТЮРКСОЙ и ЮНЕСКО обсудили в Париже//12.10.2020// Официальный сайт РУз // [https://dunyo.info/ru/\\_site/inner/perspektivi\\_ukrepleniya\\_kontaktov\\_tyurksoy\\_i\\_yunesko](https://dunyo.info/ru/_site/inner/perspektivi_ukrepleniya_kontaktov_tyurksoy_i_yunesko) ;
5. World Heritage List. Available at: <https://whc.unesco.org/en/list/?&mode=table>
6. Сайфуллаев Д. Инициатива основанная на доброте. «Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида» номли илмий-амалий конф. материаллари. Т.ТДШУ, 2021. – Б. 86.
7. UNESCO'da anlamlı buluşma. TÜRKSOY 2009 faaliyet raporu. A.2009. S. 12.
8. ТУРКСОЙ ташкилотининг расмий сайти. TÜRKSOY HAKKINDA/ <https://www.turksoy.org/tr/turksoy/about>

**Нашрга проф. С. Чориев тавсия этган**

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси 09.02.2021 й.,03/21/671/0093-сон: <https://lex.uz/acts/20596>

<sup>2</sup> UNESCOda anlamlı buluşma. TÜRKSOY 2009 faaliyet raporu. A.2009. S.12.

## РАДИОМУЛОҚОТДА НУТҚИЙ ОДОБ-АХЛОҚНИНГ МИЛЛИЙ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Жабборова Ҳ.А. (ҚарДУ)

**Аннотация.** Муайян маданиятда нутқий этикет назарияси ижтимоий ҳаракатларнинг вазият, ҳудуд ва мулоқотнинг ким томонидан амалга оширилишига қараб лингвистик қурилмалардан фойдаланишини тахмин қилади. Башқа тиллар каби ўзбек тилида ҳам нутқий этикет формулаларининг қайсики хурмат маъносини ифодаловчи воситаларнинг тузилиши, вазифаси, семантик хусусиятлари ва қўллаш таҳлили лисоний воситаларга эга бўлган ижтимоий-ижобий субъектив маъно эканлиги ҳамда маданий мазмун моҳият касб этади.

**Таянч сўзлар:** радио, этикет, маданият, аспект, мулоқот, радиомулоқот, медиаматн, журналистика

**Аннотация.** В конкретной культуре теория речевого этикета предсказывает, что социальные действия используют языковые средства в зависимости от ситуации, области и того, кто осуществляет общение. Как и в других языках, в узбекском языке структура, функция, семантические свойства и анализ употребления формул речевого этикета, выражающих значение уважения, языковыми средствами имеют социально-позитивное субъектное значение, а культурное содержание приобретает сущность.

**Ключевые слова:** радио, этикет, культура, аспект, общение, радиосвязь, медиатекст, журналистика

**Annotation.** In a particular culture, the theory of speech etiquette predicts that social actions use language tools depending on the situation, area and who is communicating. As in other languages, in the Uzbek language the structure, function, semantic properties and analysis of the use of speech etiquette formulas expressing the meaning of respect, by linguistic means have a socially positive subjective meaning, and the cultural content acquires an essence.

**Key words:** radio, etiquette, culture, aspect, communication, radio communication, media text, journalism

Радио тилини таҳлил қилишда аксиологик ёндашув, бизни нафақат муаллифнинг, балки адресатнинг ҳам позициясини, қадрият йўналишларини, ўзаро таъсир, амалга оширишнинг семиотик режаси, мулоқотнинг оҳангдошлиги, таъсир этувчи белгиларнинг интилишини ҳисобга олган ҳолда, радиони функционал яхлитлик сифатида амалга оширишнинг кўп структурали ва қўп функцияли асосларини – коммуникаторлар онгидга шаклланадиган ўзаро таъсирлашиш ҳолатининг аксиологик моделини белгилайдиган фақатгина – дунё манзарасини очиб беришга имкон беради.

Радиоалоқа назарияси замонавий ОАВ тизимида радионинг вазифаларини, радиоалоқанинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди, коммуникатор учун радиога хос ифода воситаларининг назарий асосларини, замонавий адабий тилда тил воситаларидан фойдаланиш бўйича меъёрий тавсияларни ишлаб чиқади. Радиоалоқа назариясини яратишда ўз ҳиссасини қўшган илмий ишлар орасидан бир қатор тадқиқотларни ажратамиз [6;27].

Радио тилини ўрганишга бағищланган умумий илмий манбаларга мурожаат этилганда, уларни, асосан, уч тоифага ажратиш мумкинлиги аниқланган:

1) радиоэшиттиришлардаги тил амалиётининг меъёрий-стилистик жиҳатдан таҳлилига бағищланган мақола ва рисолалар;

2) радионутқининг бошқа нутқ турларидан фарқли хусусиятларини тавсифловчи нашрлар;

3) кундалик иш жараённида аниқланган радиодастурларнинг лисоний томонларини, радиожурналистларнинг қимматли маълумотларни ўзида жамлаган оммавий тушунарли тилда битилган очерклари [2].

Радиода ахборот етказиш зарурати бевосита мулоқотга кучли мойилликни келтириб чиқаради. Бу ҳам ҳар қандай коммуникатив акт қатнашчисининг нутқий фаолияти ахборот ва фактик бирликлардан иборат эканлигидан далолат беради. Биринчи ўринга нима чиқишига – ахборотми ёки мулоқот, қандай мулоқот доирасида бири иккинчисига

бўйсунади ёки бири иккинчисидан устун келади, шунисига қараб сўзловчи ва тингловчининг коммуникатив роли, уларнинг нуткий фаолият тури аниқланади[1;29].

Мутахассисларнинг фикрича, радиоматн мазмунан мураккаб ҳодиса, у, асосан, радиода ахборот етказувчи турли каналларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Мазмунига кўра ахборот ва универсал радиоканаллар матнида акустик ҳамоҳанглик овоз ва товушдан устувор туради [10].

Муаллифлар радионинг дискурс майдонини функционал яхлитлик сифатида намойиш этиш усулларидан бири моделлаштириш деб хисоблайдилар (лот. *modulu* – ўлчов, намуна, меъёр). Моделлаштириш жараёнининг моҳияти объектнинг мухим хусусиятларига асосланиб ўрганилаётган объектнинг маҳсус намунасини куришни ўз ичига олади. Модел ҳар қандай элементнинг бошқа компонентлар тизими билан алоқасини шаффоф равишда намойиш этиши керак.

Радиодан айтилган сўз катта таъсир кучига эга, чунки у овозли, демак, уни талаффуз қилган пайтда сўзловчи унга ўз хис-туйғуларининг ошкора ифодасини топган фикр-ўйларнинг бирор-бир қисмини жо этган бўлади. Эстониялик тадқиқотчи И. Трикkel айтганидек, «жонли сўз радиода энг мураккаб ифода воситаси, чунки унда фикр ва ҳаракатлар, хис-туйғулар, характеристер ва визуал борлиқ ўз аксини топган бўлиши керак»[5].

Маълумки, инсоннинг хулқ-атвори доимий мuloқot бўлиб, у маълум бир маданий ва лингвистик жамоада қабул қилинган меъёрларга риоя қилишин талаб қиласи. Нуткий этикет маънавий маданиятда, нуткий хулқ-атворда турли ҳалқлар орасида ҳам мухим ўринлардан бирини эгаллайди.

Б.Х. Раҳматиллаева: нуткий этикетга «диққат-эътиборини жалб қилувчи сўзлар» [3;18] сифатида қарайди.

«Нутк одоби формулалари бир ёки бир нечта лексемалардан ташкил топган, қисман фразеологик, қатъий ёки бўшашган вазиятга қараб белгиланадиган, оғзаки мuloқotда қўлланганда такрорланиш ва ифодалилик белгиларига эга бўлган турғун лисоний бирликлардир»[7;229].

Нуткий этикет формулаларини тил бирликларида ифодаси лисоний воситаларнинг бутун тизимини ташкил қиласи:

лугат ва фразеология даражаси	маҳсус сўзлар ва турғун иборалар
грамматик даражаси	сўроқ гаплар, буйруқ гаплар
стилистик даражаси	саводли, маданий нутққа талаб эфемистик воситалар қўллаш
интонацион даражаси	нутқ тоналлиги, темп, ритм, пауза
орфоэпия даражаси	мuloқot вазиятига мос равишида тил бирликларини танлаш
ташкилий ва коммуникатив даражада	мuloқot маданияти: баҳс-мунозара, сұхбат

Миллий одоб-ахлоқ қоидаларининг ўзига хос хусусиятларини ва унинг нутқ шаклларини билиш, шунингдек, муайян ҳалқ ёки мамлакатнинг ишлатаётган тилининг ўзига хос хусусиятларини тушуниш ўзаро алоқаларни ўрнатишга катта ёрдам беради. Ўзбек тилининг ўзига хос тилнинг миллий хусусиятларига: катталар ўртасидаги сұхбатга (ёки уларнинг рухсатисиз) аралашмаслик, доимо ҳурмат билан мурожаат қилиш, уларга тўлиқ жавоб беришга ҳаракат қилиш, ҳол-аҳвол сўраш ва х.к.

Инглизларда ҳаддан ошиқ муҳокама қилишдан ўзини тийиш яққол намоён бўлади, чунки бу нарса ўз фикрига эга бўлган шеригига нисбатан ҳурмат кўрсатишни англатади.

Кўриб туранимиздек, ҳар қандай тилда нуткий этикетининг миллий ўзига хослиги хушмуомалалик тамойилларини амалга оширади.

Турли тилда сўзлашувчи мамлакатлар маданиятда ҳам, шунингдек шарқ маданиятида ҳам хушмуомалалик тушунчаси умумбашарий бўлса-да, у турли маданиятларда турлича келиб чиқиши ва шунинг учун ҳам турли маъноларга эгалиги маълум.

Кўп жиҳатдан хушмуомалалик универсалдир. Уни барча маданиятларда ҳодиса сифатида кузатиш мумкин; турли тилларда сўзлашувчилар томонидан мақсадга эришиш воситаси сифатида мурожаат қилинади ва у барча жамиятларда норма сифатида эътироф этилади. Умумжаҳонлигига қарамай, хушмуомалаликнинг долзарб кўринишлари, хушмуомалаликни амалга ошириш йўллари ва мулоҳаза юритиш меъёрлари турли маданиятларда фарқланади. Бундай фарқларни турли маданиятларда хушмуомалалик тушунчасининг келиб чиқиши билан боғлаш керак. Нутқий этикетни ҳам.

Радио тилида нутқий этикетнинг аксиологик тадқиқи қуйидаги жиҳатлардан кўриб чиқилиши керак:

Радио бошловчи(радиожурналист)нинг маданият борасида тасаввuri. Умуман олганда, одам қанчалик ўқимишли бўлса, у ўзининг хушмуомалалигини бошқаларга кўрсатишга мойил бўлади. Инсон хушмуомалалик кўрсатишнинг мос усусларини қанчалик қўп билса, бошқаларга нисбатан хушмуомала бўлиш учун улардан шунчалик яхши фойдаланади.

Тадқиқотчилик, одатда, хушмуомалаликни бўшлиқда баҳолаб бўлмайди, деган фикрга келишади. Нутқий этикетда хушмуомалалик контекст билан боғлиқ ҳукмдир: «ҳеч қандай жумла табиатан мулоим ёки қўпол бўлмайди» [11]. Хушмуомалалик тилидан фойдаланишда назарда тутилган маъно тўғрисида ҳамма ҳам бир хил фикрда бўлавермайди. Ҳатто инглиз тилида сўзлашувчи давлатлар жамиятига эътибор қаратсан ҳам, мулоим хулқ-атворни ташкил этувчи умумий тушунчаларга киритилган нарсаларда жуда кўп фарқлар мавжуд. Тушунишлар «ижтимоий жиҳатдан «тўғри» ёки маъкул келадиган хулқ-атвордан, ўзига хос хатти-харакатдан, бошқаларга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишдан, ўзини ўзи қадрлаш феълидан, қарама-қаршилик, такаббурлик, носамимийлик ва бошқалар каби салбий сифатларни ўз ичига олади.

Мулоқот жараёнида узатиладиган ахборот фақат нутқий жумлалар мазмуни ва уларнинг таркибига кирувчи тил бирликларининг хусусиятига боғлиқлиги билан аниқланмайди. «Мулоқот акти иштирокчилари ўзларининг билимлари, ҳаётий тажриба ва шахслараро муносабатлари туфайли эга бўлган атрофдаги олам, мулоқот вазияти, ўз суҳбатдошлари ҳақидаги «фонли билимлар» деб аталадиган маълумотларни хисобга олган ҳолда бир-бирларининг коммуникатив ниятларини талқин этадилар» [4].

Ўзбекларнинг нутқий хулқ-атворидаги айrim ҳодисалар ислом динининг таъсири сифатида ҳам изоҳланади. Маълумки, «Миннатдорчилик» деб номланувчи тематик турухда хушмуомалалик, меҳрибонлик, миннатдорчилик маъноларини ўз ичига олган нутқий иборалар кенг кўлланилади. Улар норасмий нутқда жўяли ҳисобланади. Ўзбек менталитетида, *отанга раҳмат, онанга раҳмат, яша раҳмат!* каби

*«Манзилар, масофалар ҳеч гап эмас меҳр-мухаббат олдида. Азизлар, мана шу меҳр-мухаббат иўқолмасин. Самарқанднинг согинчи саломини бизга йўллаганлари учун Ҳадиҷаҳон аямизга каттакон раҳмат айтамиз»* («Олтин воҳа» 21.06.21).

Шукроналик тўйғуси: «Доим мени ёнимда бўлган дўстларимга раҳмат айтмоқчиман, борингларга шукур!» («Ёшлар» 2022.07.05).

Миннатдорчилик билан бирга тилак билдирилиши: «Биз билан қалбан бирга бўлган барча азиз юртдошларимизга **миннатдорчилик билдирамиз**, кунингиз файзли, барокатли ўтсин!» («Ёшлар» 02.06.22); «Сизни ишончингизни оқлаганимиздан **хурсандомиз хурматли мижоз**. Компаниямиз маҳсулотидан фойдаланишида давом этинг. **Дард кўрманг**» («Маҳалла» 23.06.22); «Тонг барча-барчага **хайрли бўлсин, азизлар**» («Ўзбегим таронаси» 30.06.21); «Сизга ҳам омад яна бир карра, энг **самимий дил изҳорлари, меҳр-оқибат доимо ёр бўлсин. Дўстлик доимо бор бўлсин**. Энг чироили бир дил изҳорлари сиз ва сизнинг оила аъзоларингиз томон юборилган» («Ўзбегим таронаси» 21.06.21); «Саломат бўлинг, сизга ҳам раҳмат. Мана шундай **самимият** сизга ёр бўлсин. **Оилавий баҳт, саодат асло сизни тарк этмасин** дея мен яна бир смс билан танишаман» («Наврӯз» 01.07.21).

*«Одилжон, шиларингизга ривож, нимаики ниятларингиз бўлса рўёбга чиқсин. Ўзбегим таронаси радиосидан ҳам кўпдан-кўп саломларимизни ўллаймиз. Ўзбегим таронаси радиосини тинглаётган ҳар бир ватандошларимизга **ниятларимиз чексиз**»* («Ўзбегим таронаси» 01.07.21); «Бошингиз тошдан бўлсин, қўшганингиз билан қўша

қаринг. Аллоҳум фарзандлар роҳатини кўриб юришингизни насиб айласин» («Ўзбегим таронаси» 28.08.21).

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, тиллардаги нутқ одоб-ахлоқи соҳасига хизмат қилувчи сўз бирималари алоҳида тузилма хисобланади. Улар маҳсус экспрессив-семантик функцияга эга бўлиб, мурожаат, жавоб, чакирув, илтимос, бўйруқ ва б. ролларни бажариши мумкин. Ундов сўзларнинг айрим маъноларини кўриб чиқамиз: «*Қўнгироқдек овозингизга қўз тегмасин!*» («Наврўз» 01.07.21).

Хайрлашув давомида, ўзбеклар жуда расмий ёки ўзини бироз узоқ олган ҳолда хайрлашув сифатида камдан-кам холларда «хайр» дейишади. Ўзбек маданиятида меҳмонлар кетишдан олдин «Мен энди бориишим керак», «Мен турақолай» ёки «Яхши қолинг» дейишни яхши қўрадилар, мезбонлар эса уларни кутиб олиш учун «Эҳтиёт бўлинг! Оқ ийл!», «Яна келиб туринг» дейишга одатланган. Икки дўст йўлда учрашгандан сўнг жўнаб кетса, бири «Энди мен кетиишим керак», иккинчиси эса «Кейинги сафар сұхбатлашамиз», «Бўши бўлганингда меникига кел» дейиши мумкин ёки «Иложим бўлганида, албатта, бораман». Фарбликларга келсак, улар хайрлашиш пайтида кўпинча «Goodbye», «See you again» дейишади.

Мулоқот охирида гўзал сўзлар ва эзгу ниятлар билан хайрлашиш ҳолатлари қўп учрайди. Бундай тарзда хайрлашиш миллатнинг одати хисобланади: Биз эса сиз билан ҳайрлашмаймиз, азиз тингловчилар. «*Эртага тонгга қадар. Ўзингизни эҳтиёт қилинг, эртага яна учрашамиз.* Мехр ва эътибор учун раҳмат» («Орият доно» 17.02.21); «*Майли хайр саломат бўлинг. Сизни шончингизни оқлаган бўлсак, биз хурсандмиз. Худо хоҳласа, дард кўрманг. Касал бўлманг. Биз билан алоқада бўлинг. Аллоҳ рози бўлсин раҳмат*» («Ўзбекистон» 26.06.22).

Ўзбек қадриятида ўзаро хурмат, садоқат, ғамхўрлик ва шу каби хислатлар мухим ўрин тутади. Юқорида ҳам салом борасида ўз фикр-мулоқазаларни келтирдик. Авваломбор, саломлашиш деганда кишиларнинг учрашган чоғда биринчи бир-бирларига тилак маъносида сўз айтишлари тушунилади. Айтиш жоизки, саломлашиш ҳамма миллатларда қадимдан мавжуд. Бугунги кунда ҳам дунёдаги барча ҳалқлар ўзаро муомала ва мулоқотни саломлашишдан бошлишади.

Яна бир этикет формулаларида аксиологик баҳога ва миллийлик хусусиятларини намоён бўлиши саломлашишдан олдин тилак билдириш, эзгуликни сингдириш кабилар билан белгиланади: «*Яхшилик қилинг, яхшиликка интилинг. Яна бир бор ассалом-у алайкум деймиз.* Бугун сизнинг хизматингизда эканимиздан бағоятда шодмиз» («Ёшлар» 30.06.22); «*Бу ҳаёт сизницидир. Уни ўзингиз истагандек баҳтга йўғрилган ҳолда яшашга интилинг. Яхшиликни ўзингизга касб қилинг дея радиоэшиштиришишимизни бошлаймиз.* Яна бир бор ассалому алайкум қалби қувноқ, хурматли радиотингловчилар» («Ёшлар» 02.07.22) ва ҳ.к. Ушбу формулаларда бадиий усуслан фойдаланилган. Хурмат ва хушмуомалаликни англатувчи бирликлар мавжуд.

Маълумки, миллий маданий ёндашув доирасида нутқий этикетнинг асосий негизи хисобланган саломлашиш ўзига хос аксиологик хусусиятга эга. Ҳар бир ҳалқнинг саломлашишдаги урф-одатлари, сўз ва ифодалари турлича бўлса-да, максад бир: бир - бирларига яхшилик, саломатлик тилаш. Мусулмонларда саломлашиш энг улуғ амаллардан хисобланади ва жуда ҳам мукаммал шаклда қўлланилади.

Шундай қилиб, ҳар бир ҳалқнинг нутқ одоб-ахлоқининг миллий ўзига хос хусусиятлари жуда ёрқиндир, чунки тилнинг ўзига хос хусусиятлари маросим, одатлар, хатти-харакатларда қабул қилинган ва қабул қилиниши мумкин бўлмаган барча нарсалар, ижтимоий этикетда тақиқланган хусусиятларга эга. Кўриниб турибдики, касбий одоб ахлоқни (эҳтимол, «норматив» хушмуомалалик сифатида қабул қилинганлиги яхширок) белгилаб берадиган лингвистик хатти-харакатлар ва унда «этикет» («стратегик» хушмуомалалик деб аталиши ҳам мумкин) деб таснифланган сиёсий хатти-харакатлар чегарасидан ташкарига чиқадиган лингвистик хатти-харакатлар ўртасидаги фарқни келтириб ўтади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Винокур Т.Г. Информативная и фатическая речь как обнаружение разных коммуникативных намерений говорящего и слушающего // Русский язык в его функционировании: Коммуникативно-прагматический аспект. – М.: Наука, 1993. – С. 5-29.
2. Левина Е. А. Сравнения в немецких радиотекстах: Семантика, структура, функции: Дисс. ... канд. филол. наук. – Саранск, 2006.
3. Рахматиллаева Б.Х. Этикетные формы обращения и привлечения внимания в современном русском языке (в сопоставлении с узбекским): Автореф. канд. филол. наук. – Ташкент, 1992. – 18 с.
4. Солдатова Л.А. Проблема преодоления лингвоэтнического барьера в межкультурной коммуникации. [www.lingvist.ru](http://www.lingvist.ru)
5. Трикель И. Некоторые вопросы теории репортажа // Радиорепортаж. – М., 1967. – С. 11.
6. Трикель И. Специфика радиокоммуникации, её выразительные средства и жанры: автореф. дисс. ... канд. фил. наук. – Тарту, 1967. – 27 с.
7. Тузлу А.М. Формулы речевого этикета в турецком языке. Ученые записки Казанского университета. Том 155, кн. 3, ч. 2. Гуманитарные науки, 2013. – С. 219-229.
8. Шерель А. А. Радиоискусство – проблемы эстетического анализа / А. А. Шерель // Методологические проблемы изучения средств массовой коммуникации. – М.: Наука, 1985. – 197 с.
9. Шерковин Ю. А. Психологические проблемы массовых информационных процессов / Ю. А. Шерковин. – М.: Мысль, 1973. – 215 с.
10. Язык радио. [www.stilistika.by.ru](http://www.stilistika.by.ru)
11. Fraser, Bruce and William Nolan. 1981. The association of deference with linguistic form. In Joel Walters (ed.). The Sociolinguistics of Deference and Politeness. The Hague: Mouton. 93–111.

**Наирга проф. Б.Бахриддинова тавсия этган**

**БОСМА МЕДИАМАТНДА МОДАЛЛИК КАТЕГОРИЯСИ:  
АКСИОЛОГИК ТАДҚИҚ**

**Ёдгорова З.Ф. (ҚарДУ)**

**Аннотация.** Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситалари нутқнинг энг таъсирчан ва мақбул шакли, жамоатчилик фикри, қарашлари ва кайфиятларини шакллантиришнинг самарали механизми сифатида намоён бўлаётганлиги эътироф этилмоқда. Дунёнинг публицистик манзараси оламнинг лисоний манзарасининг кўринишларидан биридир. Ушбу мақоланинг мақсади газета мисоллар ёрдамида публицистикада дунёнинг лисоний манзарасининг варианtlарини тақдим этиш орқали модаллик имкониятларини баҳолашдан иборат.

**Таянч сўзлар:** модаллик, газета, матн, медиаматн, олам манзараси, лисоний манзара, аксиология.

**Аннотация.** В настоящее время признано, что средства массовой информации являются наиболее эффективной и приемлемой формой выступления, действенным механизмом формирования общественного мнения, взглядов и настроений. Журналистская картина мира является одним из проявлений языковой картины мира. Цель данной статьи – оценить возможности модальности путем представления вариантов языкового ландшафта мира в журналистике на газетных примерах.

**Ключевые слова:** модальность, газета, текст, медиатекст, мировой ландшафт, языковой ландшафт, аксиология.

**Annotation.** Nowadays, it is recognized that the mass media is the most effective and acceptable form of speech, an effective mechanism for forming public opinion, views and moods. The journalistic view of the world is one of the manifestations of the linguistic view of the world. The purpose of this article is to evaluate the possibilities of modality by presenting variants of the linguistic landscape of the world in journalism using newspaper examples.

**Keywords:** modality, newspaper, text, media text, world landscape, linguistic landscape, axiology.

Дунё тилшунослигига оламнинг лисоний манзараси тавсифида тил эгаларининг дунёни қай тарзда идрок этиши, миллий-маданий қарашлари, тафаккури кабиларнинг ўрни, шунингдек, турли тилларда медиа оламининг лисоний манзарасини универсал жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Модаллик ва

баҳолаш категориялари ўзаро боғлиқлик томонлари, модаллик доирасидаги категориал бирликларнинг турлари ва дифференциал белгиларнинг семантик майдонда ўзаро кесишиш ҳолатлари мавжудлиги ҳамда модалликнинг бошқа семантик категориялар билан боғлиқлиги унинг универсал категория сифатида тадқики ва уларни миллий ўзига хослик жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб ва зарурий муаммолардан бири эканлигидан далолат беради.

А.А. Залевская фикрига кўра, «дунё манзарасини дунё образига ўхшатиб бўлмайди». Зеро теварак-атрофдаги олам инсоннинг онгода акс этади, дунёнинг образини, кейин эса унинг манзарасини шакллантиради. Дунёни “хариталаш”да асосий роль тилга тегишлидир. Нолингвистик билимни фақат дунёнинг концептуал ва лингвистик (лисоний) манзараси ўртасидаги яқин алоқаларни олдиндан белгилаб берувчи тил ёрдамида тасвирлаш мумкин, иккинчиси эса “дунёнинг концептуал моделининг муҳим таркибий қисми сифатида қаралади. шахс, яъни инсоннинг дунё ҳақидаги гоялари ва билимларининг йигиндиси [1;271]. Шунинг учун, “дунё образи шахснинг мулки сифатидаги тасвири бир вақтнинг ўзида симультли, голографик ва кўп қиррали бўлиб, “билим” ва “тажриба”нинг мажбурий комбинацияси билан турли хил онг миқёсларида ишлайди ва фақат вербал тавсифлашга тўлиқ мос келмайди.

С.Д. Смирнов дунё образини инсоннинг дунёдаги амалий “иштирокини” акс эттирадиган ва унинг ижтимоий ва индивидуал ҳаётининг реал шароитлари билан боғлиқлигини кўрсатувчи дунё қиёфасини ифодалаган дунёни идрок этишнинг мавхум инвариантни сифатида кўрган ҳолда, “хар қандай ҳиссий таассуротдан олдин пайдо бўладиган доимий ва ҳеч қачон йўқолмайдиган ва унинг ўша таассурот асосида фақат ташқи объектнинг ҳиссий тасвирининг таркибий қисми мақомини оладиган фон сифатида” тасаввур этади [2;63].

Дунёнинг лисоний манзараси оламнинг маҳсус (яъни кимёвий, физик ва б.) манзаралари билан бир қаторда турмаган, балки улардан олдин мавжуд бўлган ва уларни шакллантирган, чунки инсон бирор-бир ижтимоий-тариҳий, яъни умуминсоний ва умуммиллий тажрибани ўзида мужассам этган қайсиdir тил туфайли дунёни ва ўзини англай олишга қодир бўлади. Иккинчиси, яъни умуммиллий тажриба, тилнинг барча миқёсларидаги ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради. Тилнинг ўзига хос хусусиятлари боис унинг сўзловчилари онгда дунёнинг маълум лисоний манзараси пайдо бўлади ва одамлар унинг призмаси орқали оламни кўра оладилар [3].

“Хар бир инсон ўзида тўлиқ онги уйғонганида, шаклланишида ўзи иштирок этмаган тайёр дунёкарашни топади. У буни табиат ва маданият совғаси сифатида қабул қиласди” [4;243].

Дунё манзараси бу дунёнинг яхлит, глобал образи, қиёфаси бўлиб, у инсоннинг барча маънавий фаолиятининг натижаси ҳисобланади ҳамда инсоннинг дунё билан барча алоқалари ва дунё ҳақидаги гоялари жараённида пайдо бўлади [5;271].

Агар дунё бу ўзаро таъсирашувчи инсон ва атроф-муҳит бўлса, у ҳолда олам манзараси бу “атроф-муҳит ва одам ҳақидаги маълумотларни қайта ишлаш натижасидир” [6].

Дунёнинг публицистик манзараси оламнинг лисоний манзарасининг кўринишларидан биридир. Оламнинг лисоний ва публицистик манзаралари миллий ўзига хосликка эга, аммо улар инсон тафаккурининг умумбашарий конунларига ҳам бўйсунади, шунинг учун турли тилларда ўхшаш метафорик жараёнлар ва моделларни топиш мумкин [7;27].

Медиа - бу умумий ҳодиса. Оммавий ахборот воситаларининг умумийлиги инсоннинг ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларига уларнинг мажбуран татбиқ этилиши билангина эмас, балки инсоннинг уни ўраб турган барча нарсаларни ижодий, прагматик мотивацияланган тарзда идрок этиши билан ҳам белгиланади. Оммавий ахборотнинг нуфузи, аввалимбор, унинг кенг ҳалқ оммасига қаратилганлиги билан изоҳланади. Бунда аудиториянинг ўзи ҳам ОАВ ходимларининг профессионал билим ва малакага эга бўлишини тақозо этади [8; 61].

Ҳозирги вактда жамият сон-саноқсиз ОАВ орқали янгиликлардан тезда воқиф бўлишдек катта ва тезкор имкониятларга эга бўлди. Ахборот қандай тарзда қабул қилинмасин, у барибир, тил воситалари орқали ўз ифодасини топади.

Модаллик публицистик матнлардаги фаол компонент бўлиб, у хабар муаллифи томонидан ўйлаб топилган ва режалаштирилган самарага эришишни ва турли мақсадларда қабул қиливчига таъсир килишни таъминлайдиган универсал воситадир. Публицистикада фаол қўлланиладиган модал категориялар журналистик матн муаллифига керакли маънони жонли, образли ва қисқача тарзда етказиш имконини беради. Дунёнинг лингвистик манзарасининг турли хил вариантларини модал воситалар ёрдамида дунёнинг публицистик манзарасида тасвирлаш қизиши уйғотади.

Ҳар бир даврнинг ўзига хос ғоялари ва тамойиллари мавжуд бўлиб, уни концептуал ва услубий жиҳатдан таниб олиш имконини беради. Шубҳасиз, бугунги куннинг ўзига хос белгисига айланган назариялар замонавий инсоннинг асосий ахборий-коммуникатив ресурс бўлмиш оммавий ахборот воситаларини англаш асосида шаклланади.

Бугунги кунда ОАВ инсон ва жамият тарихининг асосий сюжетларини яратган маданиятнинг биринчи қаторига қўйиб ва ҳар сафар унинг у ёки бу энг муҳим параметрларини таъкидлаб, ўзларининг “саҳна ортидаги” маконини қатъий равишда тарк этдилар. Улар асосида медиа мазмуни ва технологик салоҳиятини, уларнинг ижодий амалиётларини шахснинг сифат жиҳатидан янги маданият ва тил воқелигига айлантиришга асосланган медиа лойиҳа ҳисобланади.

Медиа форматидан яратилган маданият ва тил бугунги куннинг ҳақиқатидир [9]. Э.Л. Вартанова, бу ғоя “ОАВ шахси ... унинг мавжудлиги бевосита воситалаштирилган маълумотни, медиа муҳитини қабул қилиш, истеъмол қилиш ва тушуниш жараёни билан шаклланади ... ҳар бир шахсда бу ғоя турлича амалга оширилади: кимdir қўпроқ медиавиyroқ, кимdir камроқ. Аммо умуман олганда, ахборотни ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган медиалаштириш жараёни шахсий ва ижтимоий тажрибанинг асосий жиҳатларидан бирига айланади” [10;103].

Тил инсондан, ижтимоий воқелик ва маданиятдан ажратилган мавҳум белгилар ва қоидалар мажмуи эмас, балки “ҳар доим алоҳида контекстда жойлашган тизимдир. У ўзига хос контекст ва вазиятлардаги муроқот эҳтиёжларидан келиб чиқадиган бир қатор амалиётлар” сифатида ҳам талқин этилиши мумкин [11;5]. Ҳар бир инсон ўзи улгайган маданиятнинг ташувчиси ҳисобланади. Кундалик ҳаётда у буни пайқамайди. Ҳар бир инсоннинг ўзига хос дунёга қарashi, дунё ҳақидаги тасавvuри бор. Шундай бўлса-да, буни англаб етган ёки етмаганлигидан қатъий назар, унинг дунё манзараси ўзининг она тилиси деб биладиган ўша тилда сўзлашувчиларнинг дунёга қарashi билан кўп умумийликларга эга. Дунё чексиз турфа хил, лекин биз бунинг фақат кичик бир қисминигина идрок эта оламиз. Бизнинг идрокимиз маданиятимиз, тилимиз, ўзига хос ноёб тажрибамиз, анъаналаримиз, қадриятларимиз, эътиқодларимиз билан филтрланади.“Ҳар биримиз ҳиссий (сенсор) таассуротларимиз ва шахсий ҳаётий тажрибамиз асосида қурилган ўзига хос ноёб воқеликда яшаймиз ва биз ўзимиз идрок қилган нарсамиз - дунё моделимиз асосида ҳаракатланамиз” [7; 21]

Модал сўзларнинг семантик хусусияти уларнинг гапга бўлган субъектив муносабатининг ишончлилиги, таҳминийлиги ёки мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан баҳоланади. Маъно жиҳатдан модал сўзлар номинатив вазифани бажарувчи нутқнинг бошқа мустақил сўз туркumlаридан сезиларли даражада фарқланади; бироқ маъно мустақиллиги нуқтаи назаридан улар, шубҳасиз, ёрдамчи сўз туркumlарига эмас, балки мустақил сўз туркumlарига тегишилди. Модал сўзлар алоҳида сўз туркumидир, кириш сўзлари ролида эса бошқа сўз туркumlари ва сўз бирикмалари, эргаш гаплар, инфинитивли конструкциялар ва бошқалар намоён бўлиши мумкин. Модал сўзлар сўз туркуми сифатида ҳар доим, ҳамма ҳолларда гапнинг кириш сўзлари сифатида қўлланадиган гап бўлакларни ўз ичига олади. Бундай сўзлар ўзининг ўзгармаслиги ва бошқа сўзлар билан бирикувчанлиги чекланганлиги билан ажralиб туради.

Модал сўзлар мустақил сўз туркumlari билан ифодаланадиган предметлар, белгилар ёки жараёнларни номламайдилар; улар гапни ташкил этувчи сўзлар билан грамматик боғланишдан маҳрум бўлиб, гап бўлаклари бўла олмайдилар.

Модаллик турли лисоний воситалар ёрдамида намоён бўлиб, сўзловчи (ёзувчи)нинг коммуникатив нияти, унинг гап мазмунига эмоционал муносабатини билдирувчи модаллик маънолари майл шакллари, феъл замонлари, шунингдек баъзи боғловчи ва юкламалар ёрдамида ифодаланади. Босма медиаматнларни таҳлил килишда ва уларнинг миллий-маданий хусусиятларини очиб беришда матн модаллиги катта роль ўйнайди.

Модал сўзлар лексик ва лексик-фразеологик бирликларнинг озми-кўпми маълум бир категориясини қамраб олувчи, грамматик мустақиллик билан ажralиб турадиган ва субъектив-модал маъноларни ифодаловчи лексик-грамматик категориядир.

Ўзбек тилида модалликни ифодаловчи лексик воситаларга *шак-шубҳасиз, керак, муҳим, шарт, лозим, даркор, мавжуд, мумкин, шундай, бўлса, афсус(ки), эҳтимол, балки, шунчалик, ниҳоятда, табиийки, умуман, яъни, хусусан, хўши, аниқланишича, ростдан, чиндан, кўринганидек, зеро, дарҳақиқат, албатта, аввало, демак, асосийси, жумладан, аммо, ахир, шунингдек, натижада* ва х.к. киритилади.

Инглиз тилида модалликни ифодаловчи лексик воситаларга: *certainly, indeed, perhaps, happily — unhappily, of course, evidently, maybe, luckily — unluckily, no doubt, naturally, probably, fortunately — unfortunately, surely, obviously, possibly, apparently, really, assuredly, actually, undoubtedly* лексик бирликларни келтириш мумкин.

Ўзбек ва инглиз тилларида юқорида келтирилган модал сўзлар маъносига кўра, воқелик фактларига билдирадиган субъектив муносабатига кўра қуидагиларга бўлинади:

1) тасдиқни ифодаловчи сўзлар: Ўзбек тилидаги газеталарида: *шак-шубҳасиз, шарт, мавжуд, (айтиши, таъкидлаши, кўрсатиши, назарда тутиши)* жоизки, аниқланишича, *ростдан* (ҳам), чиндан (ҳам), зеро, *дарҳақиқат, албатта, ахир* ва х.к. – инг.т.: *really, assuredly, actually, undoubtedly, certainly, of course, evidently, no doubt, surely, definitely, obviously, indeed* ва х.к.

Ўзбек тилидаги газеталарида: «*Aхир, маст қилувчи ичимликларни, тамаки чекишини ўзига одат қилиб олаётган ёшлар тақдирига бефарқ қараши мумкини?*» (Инсон ва қонун. №2. 2013); «*Давлат хусусий шерикликни ривожлантириши агентлигига ариза нусхаси (иловаларсиз) 2021-йилнинг 4июн куни соат 18 :00га қадар тақдим этилиши шарт*» (Халқ сўзи. №91 2021); «*Бунинг учун эса ота-оналарнинг ўзлари саводли бўлиши, турли техник қурилмалар ва Интернет билан яхши ишлай олиши керак*» (Даракчи газета. №-46. 2021); «*Чиндан ҳам, биз барпо этаётган янги, эркин ва демократик давлатда жасиятнинг ҳар бир аъзоси билим олиши, замонавий касб-ҳунарларни эгаллаш, ўз истеъодод ва қобилиятини рӯёбга чиқариш, меҳнат билан банд бўлиш учун зарур имкониятларга эга бўлиши шарт*» (Даракчи газета. №-46. 2021) ва х.к.

Инглиз газеталарида: «*They help whales and eels and flamingos in need. What's left unsaid, but certainly seems clear enough to me, is that the Octonauts have colonized the Vegimals, a species of squeaking underwater creatures who all resemble one sort of vegetable or another*» (The New York Times. 5.01.22); «*There's no real logic to this, of course*» (The New York Times. 5.01.22); «*Shion said he didn't really have any problem with two pies, which pleased the director*» (The New York Times. 5.01.22); «*He kept going over the events of the 6th — surely he could have done something more in the face of all that madness*» (The New York Times. 5.01.22); «*Of course, no one caught the rest of the words, but Billie Jean was right when she said it's the feeling of freedom people hear in the song that matters most*» (The New York Times. 4.01.22); «*Indeed, Hayhoe, who is 49 and whose most recent book is "Saving Us: A Climate Scientist's Case for Hope and Healing in a Divided World"* » (The New York Times. 4.01.22); «*As Christians, we're naturally suspicious of people who believe differently from us* — doesn't that seem like a recipe for a climate-change skeptic even before you add in political ideology? » (The New York Times. 4.01.22) ва х.к.

2) тахминни ифодаловчи сўзлар: Ўзбек тилидаги газеталарида: *мумкин, (бўлса) керак, балки, эҳтимол, афтидан* ва х.к. – инг.т.: *possibly, probably, perhaps, maybe* ва х.к.

Шунингдек, инглиз тилидаги газета матнларида асосан сарлавҳаларда кенгрок миқёсда фойдаланилади. Газета тили сарлавҳаларида ибораларнинг кўлланилиши ўкувчи (reader)нинг эътиборини қозониш ва кўнгилочар маъноларини ифодалаш дея айтишимиз

мумкин. Масалан, *The cold truth* (The Guardian, November 29, 2022. P-18); *Dron hunter* (New York times, November 24, 2022; p-11), *The person heart of gold* (The Guardian, November 29, 2022. P-); *SEEING THE UNIVERSE IN NEW LIGHT* (SCIENCE NEWS, December 17, 2021); *WINTER IS ALREADY HERE* (New York times, December 7, 2022) ва х.к.

Шундай қилиб, босма медиаматнда модаллик турлари акс этган лексик воситаларни аниқлаш медиа оламнинг лисоний манзараси воситаларини қай тарзда кўллашини аниқлаш билан бирга уларнинг аксиологик жиҳатларни ёритишга хам хизмат қиласди. Аксиологик мақоллар шулар жумласидандир. Модал маънога эга фразеологик бирликлар семантик жиҳатдан мураккаб ички шаклга эга бўлиб, унда турли даражалар, турли хил компонентлар, турли семалар иштирок этади. Таҳлилга тортилган ушбу воситалар, ўзининг хусусиятларига кўра медиа оламнинг лисоний манзарасини яратишда модаллик категориясининг намоён бўлишида ёрдамчи восита сифатида келиши мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Андреева И.В. Ценностная картина мира как лингвистическая и философская категория. Вестник РУДН. – М., 2011, – № 8. – С. 271.
2. Блерина Т.А. Лексические средства выражения модальности возможности в английском, албанском и русском языках. Вестник РУДН, серия Теория языка. Семиотика. Семантика, 2011, – № 4. – С. 63-70.
3. Вартанова Е.Л. Человек медийный» – новая ступень эволюции или приложение к гаджету? // Наука и жизнь, 2016. – № 7. Режим доступа: <https://www.nkj.ru/open/27523>. Дата доступа: 9 июля 2016 г.
4. Залевская, А. А. Психолингвистические исследования. Слово. Текст: Избранные труды / А. А. Залевская. – М.: Гnosis, 2005. – С. 243.
5. Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография. – М., 1976. – С. 271.
6. Полонский А. Медиалект: язык в контексте медийной культуры. [http://www.discourseanalysis.org/ada20\\_1/st156.shtml](http://www.discourseanalysis.org/ada20_1/st156.shtml)
7. Постовалова В.И. Картина мира в жизнедеятельности человека // Роль человеческого фактора в языке: Язык и картина мира. – М.: Наука, 1988. – С. 8-69.
8. Смирнов, С. Д. Психология образа: проблемы активности психического отражения. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 1985. – С. 61.
9. Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқики (Ўзбекистон республикаси ОАВ мисолида): Филол. фан. док. дисс. – Тошкент, 2012. – 330 б.
10. Уразова Е.А. Метафора в публицистике: презентация вариантов языковой картины мира Вестник ТвГУ. Серия "Филология", 2017, – № 4. – С. 102–108.
11. Цивьян Т.В. Лингвистические основы балканской модели мира. – М.: Наука, 1990. – С. 5.
12. Barton D., Unger J. W., Zappavigna M. Researching Language and Social Media. London and New York: Routledge, 2014. 202 p.

*Наширга проф. Б.Бахридинова тавсия этган*

### **REKLAMA MATNLARI LINGVISTIK TADQIQOT OBYEKTI SIFATIDA**

**Shamsiyeva Z. (QarDU)**

**Annotatsiya.** Maqolada reklama tili hamda reklama matnlari borasida umumtilshunoslikda olib borilgan tadqiqotlar tahlil qilingan. O'zbek tilshunosligida reklama matnlarining antroposentrik tadqiqi bo'yicha olib borilgan ishlarga munosabat bildirilgan.

**Tayanch so'zlar:** *reklama, reklama matni, antroposentrik tilshunoslik, ijtimoiy reklama, turizmga oid reklama, sotsiolingvistika, pragmalingivistika.*

**Annotation.** The article analyzes the research conducted in general linguistics on advertising language and advertising texts. There is a reaction to the work carried out on anthropocentric research of advertising texts in Uzbek linguistics.

**Key words:** advertising, advertising text, anthropocentric linguistics, social advertising, tourism advertising, sociolinguistics, pragmalinguistics.

**Аннотация.** В статье анализируются исследования, проведенные в общей лингвистике по языку рекламы и рекламным текстам. В узбекской лингвистике наблюдается реакция на работы по антропоцентрическому исследованию рекламных текстов.

**Ключевые слова:** реклама, рекламный текст, антропоцентрическая лингвистика, социальная реклама, туристическая реклама, социолингвистика, прагмалингвистика.

Reklama hayotning barcha sohalarda keng tarqalgan. Bu bevosita mijozlarni jalg qilishga va muayyan savdo maqsadlariga erishishga qaratilgan. Reklamaga iqtisodiy, siyosiy, ijtimoiy va boshqa ko'plab omillar ta'sir qiladi. Reklama ushbu omillarga bog'liq bo'lib, jamiyatdagi iqtisodiy, ijtimoiy hamda siyosiy o'zgarishlar reklamada aks etadi. Shu jihatda reklama ko'plab sohalarning, shu jumladan tilshunoslikning ham o'rganish obyekti hisoblanadi.

Jahon tilshunosligida reklama matni tilshunoslikning turli yo'naliishlarida tadqiq qilingan. G'arb tilshunosligi XIX-XX asrlar boshida reklamani nazariy umumlashtirish, lingvistik jihatdan o'rganishni boshlab berdi. Reklamani lingvistik jihatdan tadqiq qilish, asosan, XX asrning ikkinchi yarmidan boshlandi. Keyinchalik reklama matnlarining lingvistik xususiyatlariga bag'ishlangan (J. Lich, D. Bolinger, R. Lakof, A. Goddard), reklama tarixi va rivojlanishi (G. Sampson, B. Eliot, F. Presbury), psixologiya va reklama xabarlarining jamiyatga ta'siri (F. Jeffkins, C. Sandage, G. Freiburger, K. Rotzoll) kabi masalarda tadqiqotlar maydonga keldi.

Ruslarda ham reklamalar tadqiqi borasida bir qator ishlar olib borildi va reklama turli xil fanlarning tadqiq obektiga aylandi. Jumladan:

- lingvistik (D.V. Bekleshov, D.E. Rozental, N.N. Koktev, E.E. Starobinskiy, A.G. Xalatyan, N.K. Dementiyeva, E.E. Kornilova, I.V. Chetvertakova, A.V. Ulyanovskiy, N.V. Gordeeva, O.N. Rybakova, Ya.N. Romanenko);
- pragmatik (T.N. Livshits, S.N. Usacheva, Yu.N. Gorelova);
- tarixiy (V.V. Uchenova, N.V. Starix, E.V. Romat, O.V. Slyadneva, S.F. Galanin);
- psixologik (A.N. Lebedev-Lyubimov, O.A. Feofanov, V.I. Shuvanov, A.A. Vugman);
- ijtimoiy (L.N. Fedotova, L.V. Muzikant) [18, 8].

Shuningdek, rus tilshunosligida reklama matnlari tilshunoslikning turli yo'naliishlarida tadqiq qilingan. Jumladan, F.U. Galixanova, K.S. Baranov N.V. Mesheryakova S.V. Kobizeva, S.I. Kireyev, N.P. Traykovskaya, Y.S. Ivanova, L.V. Isayeva, T.A. Kozina va boshqalarning tadqiqotlarda reklama matnlari turli tomonlama tadqiqot obyekti bo'lgan [3; 2; 14; 8; 9; 17; 6; 10].

I.M. Nizomov tatar tilidagi reklamalarni lingvistik jihatdan birinchilardan bo'lib o'rgangan, u reklama matnlarini o'ziga xos xususiyatlariga e'tibor qaratdi, reklama matnining asosini tashkil etuvchi lingvistik va ekstralolingvistik vositalarni tahlilga tortgan. A.A. G'ofurova tadqiqotida reklama matnlarida tegishli nomlardan foydalanan xususiyatlari, tatar va ingliz tilidagi reklama matnlarida onomastik lug'atni tahlil qilishning o'ziga xos tomonlarini yoritib bergan [18, 8].

Olima G. N. Faxretdinova "Язык татарской рекламы" mavzusidagi tadqiqot ishida tatar tilidagi reklamalarning lingvistik xususiyatlariga e'tibor qaratib, leksik-stilistik, grammatic xususiyatlariga to'xtalib o'tadi [18].

Anglashiladiki, reklama matnlari turli tomonlama tadqiqot obyekti sifatida o'rganilgan va keyingi tadqiqotlarda asosan reklama matnlarining pragmalingvistik, sotsiolingvistik, kognitiv-diskursiv, kognitiv-pragmatik tomonlariga e'tibor qaratilgan.

Shuningdek, jahon tilshunosligida olib borilgan tadqiqotlarda iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy hamda internet reklama matnlari, alohida tadqiq qilingan ishlar ham mavjudligini ko'rish mumkin. N.V. Mesheryakova tadqiqot ishida ijtimoiy yo'naliishdagi rus va nemis tilidagi reklama matnlarining stilistik va pragmalingvistik xususiyatlarini tahlilga tortgan. Tadqiqotda tajriba asosida ijtimoiy reklama matnlarining samarali pragmatik ta'sir ko'ssatish shakllari tekshirilgan [14, 14].

Y. S. Ivanova ingliz tilidagi internet reklamalarining kognitiv-pragmatik jihatdan tadqiq qilgan [6]. Tadqiqotda internet reklamalari lingvistik, pragmatik hamda kognitiv jihatdan tadqiqot obyekti bo'la olishi mumkinligi hamda har birida o'ziga xos xususiyat mavjudligini yoritib

bergan. Xususan, internet reklamalarining pragmatik xususiyatlari tahlil qilinganda nutqiy vaziyat, adresant (so‘zlovchi), adresat (tinglovchi), intensiya (maqsad) hamda nutqiy akt kabi masalar tahliliga e’tibor qaratilishi lozimligini ta’kidlagan [6, 8].

Rus olimasi T. Matveyevaning rus tili, nutq madaniyati, uslubiyat va ritorika kabi sohalarni qamrab olgan o‘quv lug‘atida reklamaga shunday ta’rif beriladi: tilshunoslikda reklama bu nutq faoliyatining bir turi bo‘lib, uning maqsadi tovarlar va xizmatlarga talab va taklifni tartibga solishdir. Zamonaviy reklama maxsus matnli mahsulotlarni ishlab chiqarish bilan shug‘ullanadigan sohaning bir bo‘lagi (ko‘pincha polikod, ya’ni nafaqat tildan foydalangan holda, balki musiqa, vizual vositalar), uni ommaviy axborot vositalarida joylashtirish, samaradorligini o‘rganish hisoblanadi [11, 274-275].

O‘zbek tilshunosligida reklama va uning lingvistik xususiyatlari borasida O.Jumayevning ilmiy maqolalarini dastlabki ishlardan biri sifatida qarash mumkin. O.Jumayevning “Vizual reklama matnlarida neologizm va qisqartmalarning qo‘llanilishi”, “Reklamaning lisoniy xususiyatlari” [4, 5] nomli maqolalarida reklama tiliga munosabat bildirilgan.

Keyingi davrda esa reklama tilini o‘rganishda ham yangicha talqin – antroposentrik tahlil yo‘nalishi kirib keldi va bu borada tadqiqotlar qilindi.

Jumladan, S. Nazarovaning “Tibbiy reklama matnining pragmatik xususiyatlari” nomli maqolasida reklama va uning alohida turi sifatida tibbiy reklama matnining lingvopragmatik tahlili masalasi yoritilgan [15].

B.Abdullayevning “O‘zbek reklama lingvistikasi: nazariya va amaliyot” mavzusidagi dissertatsiyasida o‘zbek tilidagi reklamalarning tasniflanishi va turlarga ajratish nazariysi, reklama turlari tasnifi, reklama diskursining asosiy xususiyatlari, reklama va e’lonlarning farqlanishi, reklamaga ommaviy madaniyatning ta’siri masalasi, reklama lisoniy matnining tarkibiy qismlari (sarlavha, slogan, ktematonim), o‘zbek tili reklama matnidagi turli xil – fonetik (alliteratsiya, assonans), leksik (neologizm, metafora, metonimiya, sinekdoxa, personifikatsiya), sintaktik (konversiya, sintaktik adektivatsiya) vositalarning reklama ta’sirchanligi, o‘ziga xosligini ta’minlashdagi o‘rni, gapning ifoda maqsadiga va tuzilishiga ko‘ra turlarining reklama matnidagi uslubiy imkoniyatlari va reklama matnining asosiy va ikkilamchi kommunikativ funksiyalari tahlil qilingan [1].

Aytish mumkinki, B.Abdullayevning dissertatsiyasini o‘zbek tilidagi reklama matnlarining lingvistik va pragmatik xususiyatlari borasidagi dastlabki monografik tadqiqotlardan biri deyish mumkin.

A. Xolboboyevaning “Turizmga oid reklamalarda ritorik aspektning chog‘ishtirma tadqiqi (ingliz va o‘zbek tillari misolida)” mavzusidagi dissertatsiyasida ingliz va o‘zbek tillarida turizmga oid reklamalarda lingvistik va ekstralolingvistik vositalardan foydalanish uni diskursiv matn turiga aylantirishi hamda tilning fonetik, morfologik, sintaktik sathlarida sifatlarning orttirma darajasi, ritorik savollar, buyruq, shart ergash gapli qo‘shma gaplar kabi til vositalari orqali ifodalanishi, ingliz va o‘zbek tillari turizmga oid matnlarda fonetik sathda asosan tovushli, alliteratsiya, assonans, konsonans hamda leksik jihatdan anafora, epifora kabi har xil takrorlarning qo‘llanilishi, ularning reklama qilingan mahsulot nomi bilan to‘liq yoki qisman hamohang bo‘lishi, reklama diskursida ritorikaning lingvomadaniy xususiyatlarining allomorf va izomorf xususiyatlari ingliz tilidagi turizm reklama matnlarida individuallik, gedonistik xarakter, tajriba, muvaffaqiyat, qulaylik, sog‘lom fikr, foya hamda o‘zbek tilida baxt, xotirjamlik, mehr, mehmono‘stlik, bag‘rikenglik kabi tushunchalar asosida namoyon bo‘lishi hamda ingliz va o‘zbek tillarida turizmga oid reklamalarda stilistik vositalarning adresatni ma’lum bir faoliyatga undashda va ta’sir o‘tkazishda hamda realiyalarning madaniy-tarixiy aspektida stereotiplarni yaratishdagi imkoniyatlari tadqiq qilingan [19]. A. Xolboboyeva tadqiqotida turizm reklamalariga lingvokulturologik jihatdan yondashganligini ko‘rish mumkin.

D.Sobirova “Tibbiy reklamalarning sotsiopragmatik xususiyatlari” mavzusidagi dissertatsiyasida o‘zbek tilidagi tibbiy reklama matnlari sotsiopragmatik nuqtayi nazardan ilk bor tadqiq etilib, ushbu matnlarning sotsiolingvistik, pragmalingvistik, linvkulturologik xususiyatlari *adresant-matn-adresat*dan iborat uchlik asosida ochib berilgan. Tibbiy mahsulot reklamasi diskursida kommunikativ intensiya, uning eksplitsit hamda implitsit ifodalanishi, tibbiy reklamalarda

nutqiy akt, reklama matnida uning semantik, struktural xususiyatlari ko‘ra turlarining voqelanishi asoslanib, reklama matnida lokutsiya, illokutsiya, perlokutsiya yaxlit bir butunlik sifatida muhim ahamiyatga ega nutqiy faoliyat ekanligi aniqlangan va tibbiy reklama matnlarida qo‘llanuvchi adresatga ekspressiv ta’sir etish usullari tadqiq qilingan [16].

Reklama matnlari tarjimasining lingvomadaniy va uslubiy jihatlarini yoritishga bag‘ishlangan U.U. Mahmudovaning tadqiqotida reklama matni iste’molchini turli xil lisoniy va nolisoniy birliklar bilan mahsulot va xizmat haqida xabardor qilish, ilhomlantirish va ishontirish maqsadida yaratilgan maxsus matn ekanligi qayd etiladi [12, 24]. Tadqiqotchi asosiy e’tiborni reklamaning eng muhim tarkibiy qismi bo‘lgan reklama matniga qaratadi.

D.Mamirovaning “O‘zbek reklama matnlarining sotsiolingvistik xususiyatlari” mavzusidagi tadqiqot ishida o‘zbek tilidagi reklama matnlarining ijtimoiy, iqtisodiy, madaniy, savdo va tadbirkorlik jarayonida so‘zlovchi – matn – tinglovchidan iborat uchlik asosida tanlangan so‘zlarning uslubiy chegaralanganligi, chaqiriqlarning ahamiyati, reklama matnlari orqali axborot yetkazishning verbal va noverbal vositalarining etnosotsiopragmatik xususiyatlari, reklama matnidagi adresant va adresat munosabatining lisoniy va nolisoniy xususiyatlari hamda kognitiv-semantik jihatni pragmatik mazmunni aniqlashtiruvchi nutqiy ta’sir etish vositalaridan bo‘lgan fe’llarni ochib berishda buyruq, iltimos, va’da, ogohlantirish, minnatdorlik kabi mazmuniy shakllar lokutiv, illokutiv va perlokutiv nutqiy akt tamoyillari asosida muvaffaqiyatli bajarilishi hamda reklama matnlarida shaxs omili masalasi, ya’ni uni idrok etuvchi shaxs-tinglovchi yoki o‘quvchi omili asosida reklama matnlarining lingvistik va ekstralengvistik vositalar bilan uyg‘unlashgan zamonaviy reklama diskursida maqsadga yo‘naltirilgan til birliklari orqali segment va parsellyatsiv qurilmalarining diskursiv-pragmatik xususiyatlari, shuningdek, reklama matnlarini ixtisoslashgan kommunikativ funksiyalar, til birliklaridan maqsadli foydalanishda milliy mentalitet va ijtimoiy hayotga ko‘proq e’tibor berish, yosh avlod tarbiyasi va ularning savodli bo‘lishida reklamaning ta’siri masalasi, milliy-madaniy xususiyatlarini hisobga olgan holda yaratish kabi masalalar tahlilga tortilgan [13].

D.Mamirovaning tadqiqotida reklama matnlarining faqat sotsiolingvistik tadqiqi emas, balki sotsiopragmatik xususiyatlarini ham ko‘rish mumkin.

Ko‘rinadiki, o‘zbek tilshunosligida reklama matnlari tilshunoslikning turli yo‘nalishlarida tadqiq obyeti bo‘lgan. Keltirilgan tadqiqotlarda asosan ommaviy axborot vositalaridagi reklamalar tahlilga tortilganligini ko‘rish mumkin.

Umuman olganda, tilshunoslikda reklama matnlari keng o‘rganilgan va o‘ganilayotgan sohalardan biri hisoblanadi. Reklama matnlarining sotsiolingvistik jihatdan tadqiqi amalga oshirilgan bo‘lsa-da, hali yechimini kutayotgan muammolar talaygina, jumladan, gazeta va jurnallarda berilgan realamalarning ijtimoiy omillar hamkorligida tahlil qilish dolzarb masalalardan biri hisoblanadi.

#### Foydalilanigan adabiyotlar

1. Абдуллаев Б.Х. Ўзбек реклама лингвистикаси: назария ва амалиёт: Филол. фанлари ... фалсафа доктори (PhD)... диссер... автореф. – Андижон, 2020. – 51 б. [Текст] <http://library.ziyonet.uz/uz/book/112956>
2. Баранов К.С. Языковая игра в немецкоязычных рекламных текстах: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2011.
3. Галиханова Ф.У. Языковая моделируемость рекламных текстов (на материале русско-, англо- и турецкоязычных кинослоганов): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Казан, 2022.
4. Жумаев О. Визуал (кўрув) рекламаларининг лисоний хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти // –Тошкент: Фан, 2009. – №3. – Б. 88.
5. Жумаев О. Визуал реклама матнларида неологизм ва қисқартмаларни қўлланилиши. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2011. –Б. 105-109.
6. Иванова Е.С. Когнитивно-прагматические особенности текстов англоязычной интернет-рекламы: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2012.
7. Исаева Л.В. Языковая игра в поликодовом рекламном тексте: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тверь, 2011.
8. Кобызева С.В. Реализация модальности в рекламном тексте (на материале современного английского языка): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Уфа, 2012.

9. Киреев С.И. Дискурс и концептосфера социальной рекламы: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 2008.
10. Козина Т.А. Синтаксис рекламного объявления как средство реализации основных функций рекламы: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Саратов, 2008.
11. Матвеева Т. В. Учебный словарь: русский язык, культура речи, стилистика, риторика. – Москва: Флинта, 2003. – С. 274-275.
12. Маҳмудова У.У. Реклама матнлари таржимасининг лингвомаданий ва услубий жиҳатлари: Филол. фан. бўй. фалс. доктори дисс. – Қарши, 2021. – Б. 24.
13. Мамирова Д. Ўзбек реклама матнларининг социолингвистик хусусиятлари: Филол. фанлари ... фалсафа доктори (PhD)... диссер... автореф. – Самарқанд, 2022.
14. Мещерякова Н.В. Стилистические и прагмалингвистические особенности рекламных текстов социальной направленности (на материале текстов социальной рекламы на русском и немецком языках): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2012.
15. Назарова С. Тиббий реклама матнининг прагматик хусусиятлари // Сўз санъати. 4 жилд, 3-сон, – Тошкент. 2021. –Б. 169-178.
16. Собирова Д. Тиббий рекламаларнинг соционпрагматик хусусиятлари: Филол. фанлари ... фалсафа доктори (PhD)... диссер... автореф. – Қарши, 2022. – Б. 48.
17. Трайковская Н.П. Извлечение имплицитной информации в рекламном тексте с точки зрения его гендерных особенностей: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2016. – 31с.
18. Фахретдинова Г. Н. Язык татарской рекламы: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Казань, 2019. – С. 8.
19. Холбобоева А. Туризмга оид рекламаларда риторик аспектнинг ҷоғиштирма тадқики (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида): Филол. фанлари ... фалсафа доктори (PhD)... диссер... автореф. – Тошкент. 2022.

*Наширга проф. Б.Бахриddинова тавсия этган*

## DEFINING THE DIFFERENTIATION SYSTEM OF THE TERMS OF "BUSINESS AND ENTREPRENEURSHIP" FIELDS IN ENGLISH AND UZBEK

**Kamilova D.K.** (Institute of the State Customs Committee  
of the Republic of Uzbekistan)

**Annotation.** This scientific article tries to define the system of distinguishing the terms "entrepreneurship" and "business" in the Uzbek and English languages. For this purpose, a theoretical study of the works of our country and foreign scientists on this issue, and a scientific analysis of the terms will be carried out. The results of the research showed that business is a sustainable economic activity aimed at earning income and meeting social needs. The distinctive features of entrepreneurship are initiative, profit orientation, risk-taking and personal responsibility, satisfaction with activity, dynamism, mobility, ability to find professional solutions in conditions of uncertainty, and search for new ideas and methods of their implementation. The entrepreneurial process ends with the first profit from the idea's implementation. When the developed scheme starts again, the business cycle begins. The goal of entrepreneurship is growth (economic, social) and development of society based on innovations, and advanced ideas. Business is aimed at supplying society with necessary goods and services. Business means profit-oriented activity, entrepreneurship - creativity, innovation (economic, business). Both concepts are characterized by risk and personal responsibility, general personal characteristics of the subjects of activity (responsibility, self-motivation, decision-making ability), and in relation to entrepreneurship, they also distinguish different innovations.

**Key words:** *business; entrepreneurship; innovation; profit; economic activity; community growth and development; danger; responsibility.*

**Annotasiya.** Ushbu ilmiy maqolada o‘zbek va ingliz tillarida “tadbirkorlik” va “biznes” atamalarini farqlash tizimini ko‘rib chiqilgan. Shu maqsadda mamlakatimiz va xorij olimlarning ushbu masalaga oid ishlari nazariy jihatdan o‘rganilib, atamalarning ilmiy tahlili amalga oshiriladi. Tadqiqot natijalari shuni ko‘satdiki, biznes - bu daromad olish va ijtimoiy ehtiyojlarni qondirishga qaratilgan barqaror iqtisodiy faoliyat. Tadbirkorlikning o‘ziga xos xususiyatlari - tashabbuskorlik, foyda olishga yo’naltirilganlik, tavakkalchilik va shaxsiy javobgarlik, faoliyatdan qoniqish, dinamiklik, harakatchanlik, noaniqlik sharoitida professional yechimlarni topish qobiliyat, yangi g’oyalar va ularni amalga oshirish usullarini

izlash. Tadbirkorlik jarayoni g'oyani amalga oshirishdan olingan birinchi foya bilan tugaydi. Ishlab chiqilgan sxema yana boshlanganda, biznes sikli boshlanadi. Tadbirkorlikning maqsadi – jamiyatni innovatsiyalar, ilg'or g'oyalar asosida o'sishi (iqtisodiy, ijtimoiy) va rivojlanishi. Biznes jamiyatni zarur tovarlar va xizmatlar bilan ta'minlashga qaratilgan. Ishbilarmonlik - foya olishga qaratilgan faoliyat, tadbirkorlik - bунyodkorlik, yangilik (iqtisodiy, biznes) degan ma'noni anglatadi. Ikkala tushuncha ham tavakkalchilik va shaxsiy javobgarlik, faoliyat subyektlarining umumi shaxsiy xususiyatlari (mas'uliyat, o'z-o'zini rag'batlantirish, qaror qabul qilish qobiliyati) bilan tavsiflanadi va tadbirkorlik bilan bog'liq holda ular turli xil yangiliklarni ham ajratib turadi.

**Tayanch so'zlar:** *biznes; tadbirkorlik; innovatsiya; foya; iqtisodiy faoliyat; jamiyatning o'sishi va rivojlanishi; mas'uliyat.*

**Аннотация.** В данной научной статье делается попытка определить систему разграничения терминов «предпринимательство» и «бизнес» в узбекском и английском языках. С этой целью будет проведено теоретическое изучение работ наших отечественных и зарубежных ученых по данному вопросу, научный анализ терминов. Результаты исследования показали, что бизнес – это устойчивая экономическая деятельность, направленная на получение дохода и удовлетворение социальных потребностей. Отличительными чертами предпринимательства являются инициативность, ориентация на получение прибыли, готовность идти на риск и личную ответственность, удовлетворённость деятельностью, динамичность, мобильность, умение находить профессиональные решения в условиях неопределённости, поиск новых идей и способов их реализации. Предпринимательский процесс заканчивается получением первой прибыли от реализации идеи. Когда разработанная схема снова запускается, начинается бизнес-цикл. Целью предпринимательства является рост (экономический, социальный) и развитие общества на основе инноваций и передовых идей. Бизнес направлен на обеспечение общества необходимыми товарами и услугами. Бизнес означает деятельность, направленную на получение прибыли, предпринимательство – творчество, инновации (экономические, деловые). Оба понятия характеризуются риском и личной ответственностью, общими личностными характеристиками субъектов деятельности (ответственность, само мотивация, способность к принятию решений), а применительно к предпринимательству также выделяют разные инновации.

**Ключевые слова:** *бизнес; предпринимательство; инновации; выгода; экономическая деятельность; рост и развитие сообщества; обязанность.*

Today, in the period of development of science and technology all over the world, the attention to learning foreign languages is definitely increasing day by day. "On measures to bring the activities of popularization of learning foreign languages to a qualitatively new level in the Republic of Uzbekistan" Republic of Uzbekistan

The President's decision is a clear example of this. Nowadays, knowledge of foreign languages is essential not only for philologists but also for representatives of all fields. No matter what field you work in, it is definitely necessary to know at least 2-3 foreign languages in the 21st century.

is the need of the times. In today's Uzbekistan, knowledge of English and Russian, along with the mother tongue, will greatly help in the field of specialization and expand the study of achievements in the field. Especially in some cases, that is, when one country signs an economic agreement with another country, or when establishing various diplomatic relations and international relations, the field of knowledge of foreign languages representatives are needed.

It is known that the economy plays an important role in any society. Therefore, the words and terms related to the economy should be clear, concise and logically based.

The rapid development of science and technology cannot fail to have an impact on the economic sphere as well, as a result of which many new neologisms appear in the economic sphere.

In general, many aspects should be considered when adopting international economic words into the Uzbek language. When an economic term enters the Uzbek language, it is necessary to pay attention to its following aspects: compatibility of the term with the sound system of the Uzbek language; there is an Uzbek alternative to it - it doesn't exist; to the necessity of copying or translation; to the meaning of the economic term; it's simple and fluency; to its essence and correctness.

When analyzing literature, economic terms entering the Uzbek language from other languages should first be discussed by experts and terminologists, and then approved by the

relevant committee of the Oliy Majlis. Only then can such economic terms enter into legal force and be used freely.

The historical place of the entrepreneur in the world, undoubtedly, his idea and the content of this concept are changing. In particular, each country it can have its own content, which reflects the specific characteristics of the socio-cultural characteristics of the development of a particular society. The literature shows that the term "entrepreneur" originates from the famous English economist Richard Cantillon, who created one of the first concepts of entrepreneurship. According to his understanding, an entrepreneur is, first of all, "a person who acts at risk", because all categories of workers, which he calls entrepreneurs: merchants, farmers, and artisans, work at risk, they buy at a certain price and sell unknown things.

Today, interest in studying entrepreneurship has increased significantly in our country. And this is largely related to the development of market relations, the construction of civil society and, accordingly, changes in the system of social relations. And the amount of published literature is huge, with different interpretations of this phenomenon. The palette of definitions of the concept of "entrepreneurship" is very wide: from the everyday sign that any person working in the non-state sector of the economy can be considered an entrepreneur, to the "more complex definition" of entrepreneurship. a type of activity that successfully combines science, art, poetry, the rise of creative thoughts, moderate risk, sports and the lifestyle of an entrepreneur.

After gaining independence, our country is gradually transitioning to a market economy. The laws of the market economy are being introduced in society. Neologisms that serve the market economy are increasing. A specific part of them is Uzbekized based on the capabilities of our mother tongue, and a particular part is used as an international adaptation. Currently, special attention is paid to the development of small businesses and entrepreneurship in our republic is being given. Because the development of small businesses and entrepreneurship is considered a strategic task of our country's economic policy. Having studied in sufficient detail the concept of "entrepreneurship" introduced into scientific circulation by the representatives of classical socio-economic science, the term "business" is often used as a synonym along with entrepreneurship in modern studies. At the same time, the etymology of these concepts indicates their different semantic content. Thus, the term business is translated from English as a commercial activity, and according to the economic dictionary, entrepreneurship is an economic activity carried out with one's own funds or at the expense of one's own funds. The main goal is to make money and develop your business. There are no clear differences in the understanding of the terms. This academic study tries to separate the terms entrepreneurship and business as clearly as possible.

The following situations can be observed in the use of economic terms in Uzbek and English:

1. Many terms are translated based on the capabilities of our language. In this case, a group of terms is given with ready-made alternatives in Uzbek language, a certain part is translated and used, and a part is created based on the laws of the Uzbek language. For example: auction-auction, broker-broker, merchant-trader, commission agent-brokerage fee, economic economy, check or bearer-white check, impersonal check, shareholder-shareholder, businessman-businessman, etc.

2. Another method is used in most countries of the world

Uzbek language has its own version of international terms

is to be assimilated. At this point, it is necessary to emphasize that a new entry

it is difficult to find an Uzbek alternative to all the following terms. Therefore, most of them are used in their original form in the languages of most countries of the world, and this use is convenient for world businessmen to exchange information. For example: corruption, credit, export, grant, auditor,

currency, lease, manager, license, businessman, non-resident.

Below are some terms that are widely used in the field of economics. Some of them are Uzbek words, and some of them are directly imported from other languages and used in our language.

Differentiated term learning is a learning technology in the same group with different abilities. Creation of the most favorable conditions for the development of personality [3].

Differentiation is the organization of the educational process, taking into account the dominant characteristics of student groups [1].

A differentiated term is not a division of business and economics by levels, but a learning technology in one ability. Creation of the most favorable conditions for the development of terminology.

There is no doubt that in the real process of learning, knowledge is acquired individually by each term. However, the process of mastering knowledge can be the same, the same for the group. It is possible to identify the general in the individual in the process of learning terms. General can characterize the level of similarity of terms.

For this purpose, a theoretical study of the works of our country and foreign scientists on this issue, and a meaningful analysis of the terms were carried out. The results of the research showed that the true essence and meaning of the terms business and entrepreneurship are sustainable economic activities aimed at earning income and meeting social needs. The terms have their own characteristics in Uzbek and English languages - initiative, profit orientation, risk-taking and personal responsibility, job satisfaction, dynamism, mobility, ability to find professional solutions in conditions of uncertainty, and search for new ideas and methods of their implementation. The process of learning terms related to the field of entrepreneurship ends with the first profit from the implementation of the idea. The purpose of business activity is the growth (economic, social, etc.) and development of society based on innovations, and advanced ideas.[2]

They studied the concept of "entrepreneurship" in scientific circulation in sufficient detail. However, in modern studies, along with entrepreneurship, the term "business" is often used as a synonym. At the same time, the etymology of these concepts indicates their different semantic content. Thus, business (English business) is translated from English as a commercial activity, and entrepreneurship (from English entrepreneurship) - entrepreneurship, according to the economic dictionary, is an economic activity carried out with one's own funds or at the expense of one's own funds. at your own risk and responsibility. The main goal is to make money and develop your business. There are no clear differences in the understanding of the terms. This article tries to separate the terms entrepreneurship and business as clearly as possible. [4]

A number of modern scientists have paid attention to this issue in their works. Therefore, considering the terms entrepreneurship and business to be economic terms, their main differences stem from innovation. You can earn extra income by using business-related terms. Over time, the flow of capital into such an area, and the spread of innovations, will level the playing field for all market participants.

If we consider entrepreneurship in the narrow sense of the word, as most foreign economists do in the era of the industrial economy, there are differences between the words business and entrepreneurship. He developed the classification of the word entrepreneurship, distinguishing between classical, economic and speculative. Classical entrepreneurship - existing terms are words associated with many risks and aimed at obtaining profit and increasing (maximizing) the value of the company, and is a special type of innovative production activity. These are the highest level terms of entrepreneurs. A characteristic feature of the existing terminology in speculative entrepreneurship is the term "choosing the easiest and most profitable type of activity." Here, the author of the classification suggests that it may be business rather than entrepreneurship. According to scientists, the most common type of entrepreneurship is economic, which "is not characterized by innovative production and the creation of new combination factors." In our opinion, it is necessary to determine what the entrepreneurial function of the terms of economic entrepreneurship is if it does not imply both innovation and a new combination of production factors.

In English, we separate the term business from entrepreneurship and "does not express with each term", for example, auction-auction, balance-balance, there is nothing innovative in this business aimed at change, therefore it is not entrepreneurship. They are distinguished by attempts to create new and different things from existing terms, they change and change values. In his opinion, an entrepreneur identifies changes, quickly adapts to them, and uses them as an opportunity.

Scholars have cleverly defined the concept of entrepreneurship, and they say that entrepreneurship is characterized by "the pursuit of opportunities, regardless of the available resources at the moment." According to their research, the activity of an entrepreneur is initially

based not only on the ability to determine the existence of opportunities but also on the ability not to limit the freedom of choice with resources. In this regard, he proposed the concept of intellectual entrepreneurship.

Currently, the term entrepreneurship is defined from different positions: as a special activity aimed at maximizing profit; initiative activities for the production of goods and services aimed at making a profit; property realization function; introducing innovations for profit; actions aimed at increasing capital in order to increase profits, etc.

Most people focus on profit as the main goal of business. However, according to scientists, entrepreneurship as its main goal is not to make a lot of profit, but to continue the process of reproduction related to the reproduction of demand and to meet the ever-changing, ever-growing needs of an individual or a social group, society. In this regard, it should be defined as a process of constantly searching for changes in business needs, end-user demand for products and services, organizing production, sales, marketing, logistics, and management. [3]

We note a stable tendency to understand business as a sustainable economic activity aimed at generating income and meeting social needs.

Entrepreneurship, as one of the unique forms of manifestation of social relations, not only serves to increase the material and spiritual potential of society, not only creates a favorable ground for the practical realization of the abilities and talents of each person, but also leads to unity. . protecting the nation, its national spirituality and national pride.

Behind the word "entrepreneurship" there is a "business", an enterprise, the production of a product (a useful thing) or a service (an intangible product). Entrepreneurship is often called business.

Entrepreneurship is its own business, a private enterprise that produces certain goods and provides certain services to the population. This is the key to the successful development of the market economy, in particular, its small and medium-sized forms.

Entrepreneurship, regardless of its form, is a specific activity of the subject (entrepreneur), which is somehow associated with economic risks. The main task of an entrepreneur is not only to produce a product or provide a certain service but also to understand whether there is a demand for them and to provide an offer. In this context, entrepreneurship is always a certain risk.

This type of activity is universal, it can be carried out in various areas that are closer to the owner. Among them:

- ✓ industrial sector;
- ✓ scientific;
- ✓ information;
- ✓ consumer;
- ✓ service etc.

The word "business" is used all over the world. Modern economic theory distinguishes two concepts: "entrepreneurship" and "entrepreneurial activity". "Business" means business in English. Dictionaries clarify what kind of business they are talking about: it means an economic activity, a profitable occupation. "Businessman", in turn, is a businessman, a person seeking profit. It is not difficult to see that the words "business" and "businessman" are very close in meaning to the concepts of "entrepreneurship" and "entrepreneur".

In our opinion, the economic essence of entrepreneurial activity is the search for and implementation of new combinations of production factors (updating products, technologies, organizational approaches) to meet the needs of society. The process of entrepreneurial activity begins during the process of working on an idea and ends when the elements of the environment come together and they begin to function. At this time, the business is limited and handed over to the manager, and the entrepreneur continues to look for new ideas for implementation.[5] However, depending on the entrepreneur's experience and available resources, entrepreneurship and business processes can go in parallel: the less experience, the longer entrepreneurship and business are parallel, and vice versa, the more experience the entrepreneur has, the faster he works.

The process of combining entrepreneurship terms in Uzbek and English languages ends with the first profit from the implementation of the idea.[5] The developed plans are the result of

the applied terms of the activity to the business terms, developed, the main goal of the project implementation and the activity, may not require systematic changes in the future.

We have also established the following criteria for selecting terms in the glossary:

- semantic correlation with the concept or reality of business;
- regularity of use in the language for special business purposes (the term must be used at least three times in a special context in various sources);
- optionality of the term attestation factor;
- Possibility of stylistic variability.

At the moment, it is difficult to bring something new into the theory of bilingual lexicography that has practically developed to date. Nevertheless, the individual decisions we made in the process of compiling this term and demonstrated in this study take into account the openness, symbolism, mythology, expressiveness of the analyzed terms, as well as the constant interaction between the terminology sphere and common vocabulary. Taking into account all these factors allowed us to propose the structure of the dictionary, which is optimal for registering these terms.

In the Conclusion of the dissertation, the main conclusions are formulated regarding the concept of the compiled dictionary, the general results of the comparative study of terms in the Uzbek and English languages are summed up, and prospects for further research are outlined. It seems possible to study terms more broadly within the framework of compiling a dictionary, as well as to study the term in a cognitive-conceptual direction and in a cultural aspect.

In relation to our research, entrepreneurship terms in English and Uzbek languages see creativity and business as a function. Based on the above considerations, we emphasize that the main goal of entrepreneurship is the growth and development of society based on innovations and advanced ideas. Business is aimed at supplying society with necessary goods and services. For an entrepreneur, it means making a profit, and for society, it means meeting needs. Business process implies positive quantitative dynamics of production indicators. As the market becomes saturated, growth stops, but the business adjusts its performance to match market needs. This can lead to a reduction in production, the achievement of the stability of the volume of activity or the reduction of the project.

Based on the results obtained, differences between the terms entrepreneurship and business are highlighted depending on the approach used.

Thus, the table shows and contrasts the differences between the terms entrepreneurship and business according to certain criteria.

The results obtained in the course of the study correspond to the goals and objectives of the article, have scientific novelty and theoretical significance.

The most significant results of the study are the following:

- 1) compiled terms for economists, their subsequent registration in the dictionary, highlighted their linguistic characteristics;
- 2) the dynamic processes occurring within the terminology of business, the means and methods of its replenishment in both languages are determined;
- 3) analyzed the problems associated with the compilation of special and translation dictionaries in modern lexicography and consider the solutions proposed by domestic and foreign linguists;
- 4) methods of covering vocabulary material relevant to the terminology of business are determined;
- 5) the main problems associated with the dictionary translation of English business terms into Uzbek were considered.

#### References

1. Kamilova D.K. Features of borrowing economic terms in the Uzbek language // Integration into the world and connection of sciences International scientific and practical online conference. Азарбайжан. Баку. -January 2021. DOI [http://doi.org/10.37057/A\\_7](http://doi.org/10.37057/A_7). – C. 100-101.
2. Kamilova D.K. Comparative analysis of the terms in the sphere of "business and entrepreneurship" in English and Uzbek // Novateur Publications Journal NX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal ISSN No: 2581 – 4230 Volume 8, ISSUE 3, Mar. -2022. Journal Impact Factor: 7.223. P.9-12

3. Kamilova D.K. Lexicographic Analysis of the Terms "Business and Entrepreneurship" in English and Uzbek International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences | e-ISSN: 2792-3983 |www. openaccessjournals.eu | Volume: 1 Issue: 5//P. 57-59
4. Kamilova D.K. Important aspects of teaching business intercultural communication in a foreign language// Педагогика ва Психология инновациялар 2-сон, 4 жилд инновации// ISSN 2181-9513 Doi Journal 10.26739/2181-9513 № 2 (2021)//Б.19-24.
5. Комилова Д. Инглиз ва ўзбек тилларида "тадбиркорлик фаолияти шакллари" тизими ва унитаржима килиш усууллари. O'zbekiston milliy universiteti xabarlari, 2021, [1/4/1] ISSN2181-7324. – Б. 289-292.
6. Шомуродова Р., Сайдуллаева Х.У. Некоторые особенности научно- технического перевода / Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. – Москва, 2019 (78-83).
7. Шомуродова З.Р. Основное содержание перевода научной и технической литературы // Вопросы науки и образования. – Москва, 2020/11. – С. 70-74.
8. Bazarova U. M. Spiritual and moral education of students in the use of technology in the preparation of future professionals for innovative activities in foreign language classes // Архив научных исследований, 2022. – Т. 2. – №. 1.
9. Bakhtiyorovna Y.G. Degree and relationship of increasing the creative activity of students of technical higher education in the process of teaching foreign languages //American Journal of Interdisciplinary Research and Development, 2022. – Т. 10. – С. 152-156.
10. Yakhoeva G. Retrospective analysis of the development of student's creative activity in education and cognitive activity //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences, 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 92-94.
11. Y.G.Bakhtiyorovna Relationship of student activity with creative development in German language lessons - Thematics Journal of Social Sciences, 2021
12. Askarovna, I. M. (2022). Linguculturological Research of the Constep "Curse" in Paremas of German and Uzbek Languages. *Miasto Przyszlosci*, 87-89. Retrieved from <https://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/171>
13. Bakhtiyorovna Y.G. Degree and relationship of increasing the creative activity of students of technical higher education in the process of teaching foreign languages //American Journal of Interdisciplinary Research and Development. 10 (2022): pp.152-156.

*Published by prof. Recommended by B. Mengliyev*

## LINGUISTIC ANALYSIS OF KHUDOYBERDI TUKHTABOYEV'S WORKS

**Hasanova Kh.B.** (Navoi State Pedagogical Institute)

**Annotation.** In this scientific article, the issue of the fantasy genre in literature is given special attention as an important research object in the world and Russian literary studies. Much research has been conducted in this direction. Today, a number of our poets and writers are creating the genre of fantasy in literature, works dedicated to the study of fantasy are being written in literary studies, and monographs, pamphlets, and articles are being published. Here, in the works of our writer Khudoyberdi Tukhtaboev, the genre of fantasy, the illumination of its psychological aspects, the illumination of its unique aspects reflected in the artistic work, the author's concept and character traits, and the linguistic analysis of the hero's psyche are considered. From the point of view of the linguistic analysis of the writer's interpretation of the psyche of the heroes in the fantasy genre, it is revealed that in the work of the writer Khudoyberdi Tukhtaboev, the flow of thoughts and feelings and the internal monologue is the priority in this scientific article compared to the principle of linguistic analysis.

**Key words:** *linguistic analysis, Khudoyberdi Tukhtaboev, fantasy genre, fantastic works, children's works, character.*

**Annotatsiya.** Mazkur ilmiy maqolada adabiyotda fantaziya janri masalasiga jahon va o'zbek adabiyotshunosligining muhim tadqiqot ob'ekti sifatida alohida e'tibor berilgan. Bu yo'nalishda ko'plab tadqiqotlar olib borildi. Bugun bir qator shoir va yozuvchilarimiz adabiyotda fantaziya janrini yaratmoqda, adabiyotshunoslikda fantaziyanı o'rganishga bag'ishlangan asarlar yozilmoqda, monografiya, risola, maqolalar chop etilmoqda. Bu yerda adibimiz H.To'xtaboyev ijodida fantaziya janri, uning psixologik jihatlari yoritilgan, badiiy asarda aks etgan o'ziga xos jihatlari yoritilgan, muallif tushunchasi va xarakter

xususiyatlari, qahramonning lingvistik tahlili psixika hisobga olinadi. Fantaziya janridagi qahramonlar ruhiyatining yozuvchi talqini lingvistik tahlili nuqtai nazaridan, yozuvchi Xudoyberdi To‘xtaboyev ijodida fikr va tuyg‘ular oqimi, ichki monolog ustuvorligi ma’lum bo‘ladi. ushbu ilmiy maqolada lingvistik tahlil tamoyiliga nisbatan.

**Tayanch so‘zlar:** lingvistik tahlil, Xudoyberdi To‘xtaboyev, fantaziya janri, fantastik asarlar, bolalar asarlari, xarakter

**Аннотация.** В данной научной статье вопросу жанра фэнтези в литературе уделяется особое внимание как важному объекту исследования в мировом и узбекском литературоведении. В этом направлении было проведено много исследований. Сегодня ряд наших поэтов и писателей создают жанр фантастики в литературе, в литературоведении пишутся работы, посвященные изучению фантастики, издаются монографии, брошюры, статьи. Здесь в произведениях нашего писателя Х. Тухтабоева жанр фантастики, освещение его психологических аспектов, освещение его своеобразных аспектов, отраженных в художественном произведении, авторская концепция и черты характера, лингвистический анализ образа героя считается психика. С точки зрения лингвистического анализа трактовки писателем психики героев в жанре фэнтези выявлено, что в творчестве писателя Худойберди Тухтабоева приоритетным является течение мыслей и чувств и внутренний монолог. в данной научной статье сопоставлен принцип лингвистического анализа.

**Ключевые слова:** лингвистический анализ, Худойберди Тухтабоев, жанр фэнтези, фантастические произведения, детские произведения, персонаж.

In the study of world literature, it is studied that the unique way of life and spirituality of each nation is reflected in its art and literature. In this sense, literature is a reflection of the life of the nation, and the spirituality of the people. Artistic works mature in terms of form and content giving the reader not only aesthetic pleasure but also spiritual nourishment. Therefore, studying and researching works that are examples of high art is an important task for literary studies. New research methods were formed in world literary studies. Methods such as biographical, sociological, hermeneutic, and psychological analysis appeared as a product of human thinking. As the work of art is analyzed, the illumination of the psyche and inner world of the characters in it is expanding more and more in world literary studies. In this sense, the issue of artistic psychology is of great importance.

The psychological method was formed in world literary studies at the end of the 19th - beginning of the 20th century. Based on this method, the examination of works of art, and the problem of artistic psychology in general, came to the fore.

As proof of the wide-ranging study of the problem, the works of the world and Russian literary scholars such as Z.Freud, L.Chernyshevsky, V.Belinsky, L.Ginzburg, and A.Esin on artistic psychology were created.[2]

From a psychological point of view, a work of art is perfect in all respects only if it describes the nature of the characters, the psyche of the hero, and his inner experiences in addition to the beauty of the language and style. In this sense, it is necessary to study the mental state of the literary hero and the artistic interpretation of this mental state.

The place of children’s literature, especially works written in the genre of children’s fantasy, is of particular importance in the literature of the 20th-21st centuries. Children’s fantasy books are distinguished from other genres by their richness of adventure, interesting development of events, escape from real life problems and the use of magical elements. According to the results of the survey conducted among the students of the Navoi State Pedagogical Institute of our Republic on the trend of reading books, 80.8% of those who voted stated that they read fantasy works.

The genre of science fiction in Uzbek literature began to develop in the second half of the 70s and early 80s of the 20th century. At that time, Tahir Malik, H. Shaikhov, M. Mahmudov, S. Abdullaeva, R. Obidov, O. Mominov began to appear in the press with their works. Soon they were joined by artists such as Hasan and Husan Tursunov, M. Yoldasheva, M. Ibrahimova, A. Yoldashev.[2]

The works of these writers were translated into Russian and other related languages and published in various magazines, newspapers, and collections of fantastic works. By the 21st century, especially after the death of Hojiakbar Shaikhov, who had organizational skills and was a fantasist-writer, this trend began to fade, literary critics admit.

Attention to the fantasy genre is also beginning to wane. Few works were created in this direction. S. Abdullaeva, M. Yoldosheva, Hasan and Husan Tursunov, M. Ibrahimova, A. Yoldoshev and the new promising writer N. Ibrahimova's fantastic works were published. But they were not mentioned much in the world of literature.

This genre should be in our literature, discussed and developed. Because it is one of the factors that expands the way of thinking of a person and affects the development of society.

In contemporary linguistics, a new interpretation of the fantasy category and its scientific-theoretical importance are based on semantic classification. In the fantasy genre, the swing of the pen is distinguished by its complexity. Nevertheless, in our national literature there are a number of writers who created great works of fantasy. For example, Khudoiberdi Tukhtaboyev, Anvar Obidjon, Farhod Musajon and others. Among them, Khudoiberdi Tukhtabayev's prose works are remembered by many readers. [3]

Khudoiberdi Tokhtaboyev's works are distinguished by their richness of humour, the life of children, their unique nature, characteristics, and spiritual experiences, which are extremely lively, interesting and skillfully depicted. Adib is considered one of the creators who brought Uzbek literature to the world level. It is known that society, social environment is the main tool that shapes and creates the human psyche. Adolescent personality is a product of social relations, because it is always in the circle of people, within the framework of interaction with them. Therefore, the social environment plays an important role in his emotional and mental development.

Khudoiberdi Tukhtaboev's novels "Besh bolali yigitcha" and "Mungli Kuzlar" clearly describe the influence of the social environment on the child's psyche. For example, "Besh bolali yigitcha" describes the complexities of the Second World War. Naturally, children as well as adults have their own experiences within these complexities. "A Boy with Five Children" is a work based on biographical information. In it, the heart of a child who suffered from the horrors of war fully covered the author's psychology. The reason is that 12-year-old Khudoiberdi was among those who were sent to Tashkent from the Ko'kan orphanage and wandered in orphanages in the capital.

Khudoiberdi Tukhtaboev was among those who were thrown off the train, walked the road to Kogan, endured the pain of the road and hunger. Former orphanage members, those who suffered together, met later and kept in touch with each other. [1]

Some people find a poetic tone when they hear the sound of water. I create in children. If I don't see these four children today, if I don't hug them and talk to them, I won't be satisfied. It would not be an exaggeration to say that fairy tales do not have any means of developing imagination in a human child. Our people have told so many fairy tales for thousands of years that not a single facet of life was left out, and not a single edge of morals and decency norms was not overlooked by the storytellers. For thousands of years, our narratives have served as teachers and mentors, providing education and upbringing to children and adults alike. They contain the dreams and advice of our ancestors and have become a rare dictionary. It was a source of inspiration for artists. There is no creator who did not listen to fairy tales in his childhood and did not sharpen his imagination, there is no inventor whose fantasy did not start from childhood. From the great works of Navoi to the worldwide works of Aitmatov, we know that fairy tales have participated in one way or another in all of them, and we enjoy seeing that the genius of the people is concentrated in this fairy tale. We are happy to see that any writer who has made good use of fairy tales and legends that reflect the spirit of the nation has had great success.

During the analysis of Khudoiberdi Tokhtaboev's works related to the fantasy genre, we witnessed that a significant part of the works was written specifically for children, because the annotation part of the work contains notes about this. During our analysis, we found the following differences between children's fantasy and other genres:

1. In children's fantasy, the main characters are always children or teenagers;
2. In children's works, children's problems such as first love, adolescent problems are reflected;
3. In children's fantasy, a chain of adventures, actions and dialogues are often described;
4. Children's works are educational. [2]

In spite of living in our era, which has created all the opportunities for studying, achieving the heights of knowledge, and achieving one's dreams and good intentions, in "Riding the Yellow Giant", which came to the field under such a spirit, laziness, laziness, and light-heartedness in life Children-Hoshimjons who are looking for a way to live and are lost are laughed at:

Hoshimjon is a boy who comes from a peasant family, whose cheerfulness destroys the world. He wants to achieve many things in life in an easy way without hard work and difficulties. He thinks that even without work and knowledge, a person can achieve what he wants and gain a great reputation. Hoshimjon, who is determined in his opinion, goes in search of the magic cap from the fairy tale told by his grandmother, and after a long search, he finds a magic cap in an abandoned barn, which helps him to do what he wants without any effort. Now he feels that he will finally achieve his dreams, the headmaster who refused to remove the "superfluous" subjects from the curriculum, the teachers who give him various tasks to "freeze his brain", the owner of any profession, being able to be a celebrity, etc. He wants to show that it is possible to get fame and a great reputation with a chest full of badges, and for this purpose, he goes on a journey with a magic cap. Thus begins his adventure.

Unfortunately, the magic cap cannot help Hoshimjon in this regard. The opportunities provided by the magic cap always lead to unexpected and disappointing consequences. When Hoshimjon's happiness is about to smile, his work keeps coming out. The exercises wanted to travel the whole world as a traveler. But the lack of knowledge and experience everywhere makes things difficult. No matter where Hoshimjon goes or what he does, in the end, he will be ashamed. His agronomy and engineering "activities" lead to crime, he was almost imprisoned, he was disgraced for becoming a poet, and the "great artist" was expelled from the theatre. [6]

In the story, Hoshimjon witnesses many miracles during his journey and experiences interesting and funny adventures. He tries to achieve many things without studying, without working hard, without working on himself, but he cannot achieve anything. Because his lack of knowledge warns him.

The writer tried to reveal the image of Hoshimjon in all its aspects. Children's playfulness, simplicity and innocence, pride, correct speech, a little boasting, which even freezes a reasonable lie, separates himself from others. Habits of striving to show off, imitating children, brave, dexterous and mentally refreshing, resentment and lack of spiritual understanding are also characteristic of Hashimjon's character.

Khudoiberdi Tukhtaboyev's adventure novel "Death of the Yellow Giant" consists of three parts ("Comrade Colonel", "Chasing the Yellow Giant", "Death of the Yellow Giant or the World Becomes Gulistan"). This novel is also based on the adventures of Hoshimjon. After reading the book, you will get to know about his new adventures, the magic cap will come to your aid again, and it will show wonderful miracles. He helps Hoshimjon in serious matters - in exposing thieves, thieves, and free-eaters.

Now Hoshimjon is not the more playful Hoshimjon he used to be, but a young man who has graduated from nine years of school, grown up, become a bit more mature, and has come to know black and white. Now he seriously thinks about his life, destiny, becoming a person who will benefit the society, he is puzzled about getting a profession. There will be a hairdresser at the beginning. "You know, when I commit to something, I have a habit of not putting it down until I finish it. Even if it hurts my life, I will achieve my goal," he says, and is determined to serve people through this profession. Then he entered the police school, and after graduating, he went to work as a police officer. All the events and adventures in the book begin from the police station of Hoshimjon. All conversations continue in connection with this profession of the hero.

In the novel, police colonel Salimjon, his assistant Hoshimjon, and Adil Battal, as a symbol of evil and oldness, are embodied in the novel.

There is a fierce fight between them. Adil is extremely cunning, he made a lot of hard deals on Salimjon's head, set fire to his house, put a pistol in the hand of his only and only child, and led him to commit a crime.

At the end of the work, Adil Battal and his comrades, who were engaged in harming the people and good people all their lives, will be legally defeated, and truth, justice, and goodness

will win. In his novel, Khudoyberdi Tukhtabayev has the idea that if the whole nation unites as one person in the fight against thieves and swindlers, and if they take this work completely into their own hands, then the fair battles will be destroyed, and they will not even have a name. throws back.

One of the best qualities of the story "Riding the Yellow Giant" and the novel "Death of the Yellow Giant" is the sweetness and playfulness of its language. The author paid special attention to the language of the main character Hoshimjon. This language is characterized by its richness and vibrancy, and at the same time, it is simple, and suitable for children's language. The character of the hero is known only from his words.

The fantasy-adventure genre is one of the most interesting genres of children's literature. Such works have a strong impact on the minds and psychology of children, teach them to read, learn, search, and help educate active builders of our society.[5]

Khudoyberdi Tukhtaboyev's works are distinguished by their richness of humour, skilful depiction of children's lives, their unique nature, characteristics, and spiritual experiences in an extremely vivid, interesting and childlike manner.

Khudoyberdi Tukhtaboyev is one of the authors who brought Uzbek children's literature to the world level. His works have been translated into Tajik, Kyrgyz, Turkmen, Azerbaijani, Armenian, Russian, Ukrainian, Belarusian, Moldovan, Estonian, Latvian, Lithuanian, Finnish, Bulgarian, Hungarian, German, Czech, and Italian languages.

The child's heart and child's language in Khudoyberdi Tukhtabayev's works attract readers. Of course, it is not an exaggeration to say that the fact that the books were made into a film made children more interested in the work of Khudoiberdi Tukhtaboyev.

The character of the child is clearly shown in the writer's work. For example, their ability to understand adults, feel, think, be sincere, simple heart, and have optimism that can find joy in any situation, etc. are embodied.

In conclusion, linguistic analysis of any good work is deeply illuminating. This rule is typical for works of fantasy genre in literature. Khudoyberdi Tukhtaboev's work is one of the bright examples of today's Uzbek literature. The fact that his works reflect the human spirit at a high level, and in the writer's own language, the superiority of his fantasy is significant. The writer shows his worldview and concept in each work to some extent. This worldview and approach is certainly expressed in the psyche of the hero.[4] Khudoyberdi Tokhtaboev describes the changes in the world of a teenager, sometimes in harmony with his worldview, and sometimes beyond the author's control. The spiritual world of the writer is not always fully reflected in the young heroes, but there are places where the writer's genius prevails. In the process of writing Tokhtaboev's fantasy genre, Khudoiberdiev paid great attention to exposing vices and crimes, as a result of which he gained considerable detective experience. The author's concept is clearly visible in places such as substantiating events with logical consistency, especially with real facts. "Death of the Yellow Giant" reflects the writer's idea of rooting out crimes, creating a crime-free society of people with good conscience. [4]

2. Another feature of the writer's spiritual world - his love for the elderly - is vividly expressed in the works of "Riding the Yellow Giant", "A Boy with Five Children," and "Paradise People."

3. The worldview of each writer is reflected to a certain extent in the work of art. Khudoyberdi Tokhtaboev transfers humor in his nature - a light laugh, a penchant for humor to the nature of his characters. His characters show cheerfulness and purity of heart with the humor they use.

4. In addition, the fantasy of the writer, the world of fantasy, is in harmony with the adventurousness of the child's nature. The characters of Khudoyberdi Tokhtaboev are not depicted in any fantastic place, the spiritual world and identity of the hero is preserved in them. He makes good use of fantastic details and serves to illuminate the idea of the work. —Despite the fact that the land of sweet melons contains a lot of fictional elements, they all represent the world view of the hero.

Based on the linguistic analysis of the works of Khudoyberdi Tukhtaboev, the following conclusions were reached:

1. In literature, fantasy is considered a deep artistic study of the inner world of the genre. Linguistic analysis has principles, forms, and tools, each of which serves to shed light on aspects of a character's character. It has basic principles like dynamic and analytical principle. The dynamic principle reveals the mental images of the characters through their actions and actions, while the analytical principle reveals the inner world of the characters through their actions and actions, as well as the flow of thoughts and feelings, the dialectic. There are also tools such as linguistic literary portrait, monologue, dialogue, dream, psychological symbols, emotional movements, landscape, hallucination. [7]

2. In Uzbek literature, the character and nature of the hero is shown in its own way. In the novels of Khudoyberdi Tukhtaboev, the analytical view of psychologism is more leading, the writer describes the human spiritual world in the process of the flow of thoughts and feelings. Also, in Khudoyberdi Tukhtaboev's novels, tools of psychologism such as internal monologue and dialogue are given priority.

3. In Uzbek literature, it is linguistically inclined to the greatest feature, it describes any situation, and in any case, the writer in this situation. As a result, the analysis of the hero's monologue is reflected more vividly.

4. There are specific tools and methods for revealing the psyche of the hero, and each of them is useful in showing the aspects of the psyche. Being formed as a person, having individual ideas is expressed, and his inner world is more freely manifested in the relationship with his peers. In mutual relations, they exchange ideas with each other, and forms of communication such as mutual understanding and friendship show aspects of the child's psyche. In particular, the child communicates with his peers and adults in a state of mutual conflict or mutual understanding. Non-verbal communication and feelings of mutual friendship can be seen in the process of mutual understanding of children.

5. Mutual relations and the social environment are of great importance in opening the mind. During the relationship, the inner world comes to the surface. It serves as one of the main tools for highlighting monologist and dialogic forms of speech. It forms, develops and shows what it is in the social environment. Khudoyberdi Tukhtaboev's "Besh bolali yigitcha" and "Mungli Kuzlar" works show the expression of a child's psyche under the influence of two different social environments. First, wartime tragedies are an image of the inner psyche, and second, a linguistic situation brought up in a peaceful, abundant family environment is expressed. [3]

The writer's spiritual and spiritual world is fully reflected in some places and partially in other places. In some places, the psyche of the hero is described as disconnected from the writer's world. In the play "Sarik devni minib" "A young man with five children", the suffering of orphan hood, life difficulties and a special feeling of love for the elderly are fully reflected in the spiritual world of the beloved. The reason for this was that the spiritual and spiritual world of the writer was filled with respect and love for such people. In general, the spiritual and spiritual world of the writer is reflected in the young characters in a unique way. Sometimes the writer's spirit prevails in this phenomenon, the spiritual life of the society is perceived by the writer, and sometimes the hero manifests the linguistic situation beyond the control of the writer.

6. The writer shows his worldview and concept in each work to some extent. This worldview and approach is certainly expressed in the psyche of the hero. "Sarik devni minib" reflects the writer's idea of rooting out crimes, creating a crime-free society of people with good conscience.

7. Khudoyberdi Tukhtaboev's novels reflect the fantasy world of a child and the writer's fantasy in a unique way. Its uniqueness is that even though the heroes are surrounded by magic and wander in the world of fantasy, their unique nature and national characteristics are manifested. Incidents such as Hoshimjon's use of a magic cap, Akrom's strange adventures in the land of sweet melons did not prevent him from describing the world of the hero's psyche. So, the psyche of a child is also reflected in fantasy and mystical world.

In general, it is important how bright the spiritual world is in the works of the fantasy genre. After all, the role of his literature in raising his spirituality is incomparable. Every writer who writes works for children is in some sense a teacher who gives spiritual wealth, beauty and aesthetic pleasure to the soul.

**References**

1. Khudoiberdi Tokhtaboev Riding the Yellow Giant // 2013-240 New Century Generation.
2. Khudoiberdi Tukhtaboyev. The King of the Rabbit Kingdom (novel).
3. Khudoiberdi Tukhtaboyev. Country of sweet melons (novel).
4. Ursula Le Guin Volshebnik Zemnomorya-Earth Sea Wizard, 1968.
5. U.M.Bazarova Improvement of mechanisms of moral and aesthetic education of students in foreign language lessons of a technical university//Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities 11(11), 2021
6. Шомуродова Р., Сайдуллаева Х.У. Некоторые особенности научно-технического перевода / Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. – Москва, 2019. – С. 78-83.
14. Шомуродова З.Р. Основное содержание перевода научной и технической литературы // Вопросы науки и образования. – Москва, 2020/11. – С. 70-74.
15. Bazarova U. M. Spiritual and moral education of students in the use of technology in the preparation of future professionals for innovative activities in foreign language classes //Архив научных исследований, 2022. – Т. 2. – №. 1.
16. Bakhtiyarovna Y.G. Degree and relationship of increasing the creative activity of students of technical higher education in the process of teaching foreign languages //American Journal of Interdisciplinary Research and Development, 2022, T. 10. – P. 152-156.
17. Yakhoeva G. Retrospective analysis of the development of student's creative activity in education and cognitive activity //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences, 2022, T. 1. – №. 6. – P. 92-94.
18. Y.G.Bakhtiyorovna Relationship of student activity with creative development in German language lessons - Thematics Journal of Social Sciences, 2021
19. Askarovna, I. M. (2022). Linguculturological Research of the Constep "Curse" in Paremas of German and Uzbek Languages. *Miasto Przyszlosci*, 87–89. Retrieved from <https://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/171>
20. Bakhtiyarovna Y.G. Degree and relationship of increasing the creative activity of students of technical higher education in the process of teaching foreign languages //American Journal of Interdisciplinary Research and Development. 10 (2022). – P. 152-156.

*Published by prof. Recommended by B. Mengliyev*

## ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА ФЕЪЛ АСПЕКТИНИНГ ЛИСОНИЙ ИФОДАЛАНИШИ: ЗАМОН КАТЕГОРИЯСИ МИСОЛИДА

**Менглиева М. Б. (ТДЎТАУ)**

**Аннотация.** Аспектуаллик маъно кўлами ва таркибига кўра феълнинг энг йирик функционал-семантик майдони хисобланади. Ҳаракат ёки ҳолатнинг суръати, қайси босқичда эканлиги ҳакида маълумот берувчи ушбу майдон элементлари фонетик, морфологик, лексик ва синтактик сатҳларга ёйилган. Улар орасида морфологик сатҳ инглиз ва ўзбек тилларида симметрик жиҳатларининг кўплиги билан ажralиб туради. Инглиз ва ўзбек тилларида замон категорияси асосий аспект маънолари бошланиш, давомийлик, тугалланганлик ва нотўликликларни қамраб олади. Тарз категорияси эса нисбатан тор кўламли аспектуал маъноларни ифодалашга хизмат килади. Икки тилда аспектуал маънолар муштарак бўлгани ҳолда уларнинг ифода воситалари замон категорияси доирасида шаклан фарқланади. Инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам функционал семантик майдон ядроидан замон категорияси ўрин олган.

**Таянч сўзлар:** замон, тугалланганлик, бошланиш, давомийлик, феъл аспекти.

**Аннотация.** Аспектуальность – самое большое функционально-семантическое поле глагола по смысловому объему и содержанию. Элементы этого поля, дающие информацию о темпе и уровне завершенности действия или состояния, распределены по фонетическому, морфологическому, лексическому и синтаксическому слоям. Среди них морфологический слой отличается большим количеством симметрий в английском и узбекском языках. В английском и узбекском языках основными аспектами категории времени являются начало, продолжительность, завершение и незавершенность. Категория вида служит для выражения относительно узких аспектуальных значений. В то время как аспектуальные значения распространены одинаково в двух языках, их

средства выражения различаются по форме в пределах временной категории. И в английском, и в узбекском языке категория времени входит в ядро функционально-семантического поля.

**Ключевые слова:** категория времени, завершенность, начало, продолжительность, глагольный аспект.

**Annotation.** Aspectuality is the largest functional-semantic field of the verb according to the meaning scope and content. The elements of this field, which provide information about the pace and completion level of an action or state, are spread over phonetic, morphological, lexical and syntactic layers. Among them, the morphological level is distinguished by a large number of symmetrical points in English and Uzbek languages. In English and Uzbek, the main aspects of the tense category include beginning, duration, completion, and incompleteness. The manner category serves to express relatively narrow aspectual meanings. While aspectual meanings are common in two languages, their means of expression differ in form within the tense category. Both in English and in Uzbek, the category of time is included in the core of the functional-semantic field.

**Key words:** tense, completeness, inception, duration, verbal aspect.

Курраи замин икки кутбли шаклда яратилганидек, табиат ва, қолаверса, бутун коинотда барча яратилмиш феноменлар жуфт кўринишдадир. Тил ҳам шу аснода иккига ажралади: бир кутбни тилнинг барча элементлари, қолиплари ва механизмларини ўзида жамлаган лисон ташкил этса, иккинчи кутб ана шу воситалар ҳамда курилмаларни воқелантирувчи нутқидир. Лисон тилнинг фалсафий қиёфаси, нутқ амалий тажаллиси дейиш мумкин. Тилнинг фалсафий қиёфаси бўлган лисон ҳакида сўз борар экан, фалсафий диалектика борлиқни икки кутбга, яъни умумийлик – хусусийлик, моҳият – ҳодиса, имконият – воқелик, сабаб – оқибат паралелларига ажратишини таъкидлаб ўтиш лозим.<sup>1</sup> Ўз навбатида, лисон ана шу кутбларнинг биринчи қисми бўлиб, унда тил ҳодисалари умумлашиб моҳиятни ташкил этади. Элементлар жамланмаси тилнинг потенциали, яъни имкониятлари кўламини белгилаб беради. Имкониятлар эса сабабни тақазо қиласди. Бу дихтометриянинг иккинчи палласи нутққа оид бўлиб унда лисондаги умумийлик муайянлашади, моҳият ҳодисада ўз аксини топади, маълум бир лисоний имконият воқеликка айланади. Лисоний сабаб нутқий оқибатга етаклади. Бошқача айтганда, лисоний кўрсаткичлар субстанцияни хосил қилса, нутқий параметрлар аксиденцияга айланади. Лексик кўлами, морфологик қурилиши, имкониятлари ва семантик қамрови қай даражада бўлишидан қатъий назар ҳар бир тил субстанция сифатида алоҳида, аксиденция сифатида яна бир бўлак таассуротни шакллантиради.

Назарий жиҳатдан тил ҳодисаларини умумий призмада кўздан кечириш, ундаги бирликлар имконият кўлами ҳамда моҳиятини очиб беришга интилиш натижаси ўларок, субстанциал тилшунослик тармоғи шаклланди. Тилни функционал ҳамда лексик-семантик майдонларга ажратиб таҳлил қилинганда ҳам лисоний УМИСни тўлиқ идрок этиш мақсади ётади. Майдон назарияси фақат лингвистик тадқиқот усули бўлиб қолмай, фаннинг барча жабхаларида кўлланиши мумкин. Зеро борлиқ тизимий қонуниятларга кўра ҳаракатланиш хусусиятига эга, ушбу тизимнинг мукаммаллиги эса илоҳий тажаллидан дарак беради. Тизимий характерга эга оламда майдонлар икки кўринишда бўлиши маълум. “Материал системанинг субстанциясини системани ташкил этган материал элементлар йигиндиси ҳосил қиласди. Бу системада уни ташкил этган элементлар ўзларининг физик ҳоссалари билан муайян аҳамият касб этадилар. Идеал система эса маълум муносабатлар билан боғланган идеал объектлар бўлиб, улар инсон фаолиятидан ташқарида мавжуд бўла олмайди. Жумладан, илм-фандаги тушунчалар системаси идеал система хисобланади.”<sup>2</sup> Келиб чиқиши жиҳатидан илоҳиётга бориб тақалувчи, ривожланишига кўра ижтимоий характерга эга тил оламнинг идеал системаларидандир. Ана шу идеал системанинг аниқ, қолипдек умумийлашган кўриниши лисон бўлиб унда тил ҳодисалари мазмуний майдонларга ажралади, сатҳларга қаватланади. Тузилиши қандай бўлишидан қатъий назар айни тасниф барча тилларга хосdir. Тилни бир бутун, яхлитлик сифатида кўздан кечиравучи субстанциал ёндашув ундаги воситаларни анъанавий тилшунослик хулосалари

<sup>1</sup>Қаранг: Нематов X., Йўлдошева Д. Тилда имконият ва воқелик муштараклиги // “Маърифат”, 2013

<sup>2</sup>Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари. – Тошкент: Фан, 1998 – Б. 5.

асосида сатхларга ажратади. Фонетик, морфологик, синтактик, лексик ҳамда семантик сатх воситалари бир маъно атрофида умумлашганда функционал-семантик майдонни ташкил этади. Морфологик тилларда, хусусан, ўзбек тилида функционал-семантик парадигмалар ядроини муайян морфологик элементлар ташкил этгани холда, флексив-аналитик табиятга эга инглиз тили майдонлари ядрои кўпинча синтактик элементлардан хосил бўлган. Бироқ бундай апаралеллик феълнинг “аспектуаллик” функционал-семантик майдонида мавжуд эмас. Хар икки тилда ҳам “аспектуаллик” парадигмаси ядроини морфологик воситалар шакллантиради. Ўзбек ва инглиз тилидаги майдон элементларини сатхлар доирасида таҳлил қилишдан аввал феъл ва аспект парадигмаларининг ўзаро муносабатларини сифатлаш лозим.

Юқорида таъкидланганидек, жуфтлик феномени борлиқдаги ҳам материал, ҳам идеал системаларда кўзга ташланади. Тилнинг икки қутблилиги лисон ва нутқда намоён бўлади. Шунингдек, лисондаги ҳар бир феномен ҳам жуфтлашиш табиятига эга. Буни асосий мустақил сўз туркумлари от ва феъл доирасида ҳам асослаш мумкин. От семантик жиҳатдан предметни номлаш вазифасини бажаради. Ном эса ўз навбатида сифатланиш хусусиятига эга. Шундай экан лисонда номни сифатловчи қандай восита бўлса шуларнинг барчаси отнинг жуфти, мазмуний тўлдирувчисидир. От сифатловчилари унинг миқдорига, ранг-туси, ҳажми, келиб чиқиши тегишлилиги, абстракт хусусиятлари каби параметрларни кўрсатиб берувчи турли сатх воситаларидир. Феъл ҳам шундай йўлдошга эга – унинг йўлдоши ҳаракат ва ҳолатнинг содир бўлиш пайти, ўрни, йўналиши, қай тарзда амалга ошганлиги ҳақида маълумот беради. Шу ва шу каби бошқа сателлит маъноларни ифодалашга хизмат қилувчи воситалар лисонда умумлашиб феълнинг “аспектуаллик” парадигмасини хосил қиласди. Демак, фалсафий призмада аспект парадигмаси феълнинг жуфти, ҳаракат ва ҳолат хусусида тўлиқроқ маълумотни ўзида ташувчи, уларни сифатлаш вазифасини бажаувчи йўлдоши деб изоҳланиши мумкин.

Феъл сифатларини ўзида ташиган аспектуаллик парадигмаси инглиз тилида “замон” ва “тарз” маънолари атрофида шаклланган. Инглиз тилшунослигида “аспектуаллик” феълдан англашилган ҳаракатнинг кечиш тарзи ва усулини англатади деган қараш мавжуд.<sup>1</sup> Бу изоҳдан келиб чиқсан аспектологик парадигма ядроидаги гиперсема фақат “тарз” бўлиши лозим. Олимлар “тарз” маъносини гиперсема деб ажратса-да майдоннинг морфологик ядроини замон категорияси ташкил этади деган тўхтамга келишганлиги боис майдон мазмуний жиҳатдан биполяр, яъни икки гиперсемали бўлиб қолган. Агар инглиз тилидаги “аспектуаллик” парадигмаси гиперсемаси замон деб қарайдиган бўлсак унда майдон ядрои феълнинг *tense* категориясидир. Парадигма гиперсемасини тарз деб оладиган бўлсак ҳам морфологик ядро *tense* бўлиб қолаверади. Феълнинг тарз маъносини ифодаловчи феъл+предлог биркуви эса ёндош лекин марказий бўлмаган тил ходисасидир. Бир қарашда бу янгиш хулосадек кўринади, зеро замон категориясининг семантик вазифаси ҳаракат ёки ҳолатнинг кечиш тарзини эмас, кечиш пайтини ифодалашдан иборат. Шундай экан уни ҳам замонни, ҳам тарзни билдирадиган полисемик категория сифатида кўздан кечириб бўлмайди. Бироқ бу хулоса янгиш, зеро инглиз тилидаги *tense* категорияси ҳақида қиёсий тилшунослиқда муайян даражада янгиш тасаввур ҳосил бўлган. Инглиз тилидаги *tense* категориясини ўзбек тилидаги замон категорияси билан умумлаштириш мумкин бўлса-да ушбу икки феноменни айнанлаштириш имконсиз. Ўзбек тилида замон шакллари анализик курилишга эга бўлиб улар ҳозирги, ўтган ва келгуси иш-ҳаракат, ҳолатни ифодалайди. Ўрта мактаб дарслкларида деярли қамраб олинмайдиган узоқ ўтган, давомий замон шакллари ҳам анализик курилади. Инглиз тилида барча *tense* шакллари синтетик-аналитик кўринишга эга, уларнинг маънолари ҳам шундай курилиш сабаб аникроқ ифодаланади. *Tense* синтетик-аналитик қолиллари ҳаракат ва ҳолатнинг тўлиқлилик (тугалланганлик)

<sup>1</sup>Қаранг: Carlson L. Tense, mood, aspect, diathesis their logic and typology – Helsinki: University of Helsinki, 2009 – 632 p; Taylor B. Tense and continuity. Linguistics and Philosophy – 1977, 220; Vlach F. The semantics of tense and aspect. – Massachusetts: 1979; Маслов Ю. К основаниям сопоставительной аспектологии. // Вопросы сопоставительной аспектологии. – Л., 1978; Comrie B. Aspect – Cambridge: University Press, 1976

даражасига ҳам ишора қилиши мумкин. Инглиз тилидаги *tense* категорияси ҳаракат ва ҳолатнинг кечиш даврини аниқроқ ифодалайди. Кечиш даври аниқлашди дегани шу давр мобайнида ҳаракат ёки ҳолатнинг қай тарзда рўй берганлиги хусусида ҳам маълумот шаклланганини англатади. Албатта, *tense* қолиллари тарзнинг барча маъноларини қамраб олмайди. Лекин ушбу категория конструкциялари кечиш даври ва қўидаги асосий тарз маъноларини ифодалай олиши боис ҳақли равища “аспектуаллик” парадигмасининг морфологик ядроидан ўрин олади.

ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ TENSE КАТЕГОРИЯСИННИГ “АСПЕКТУАЛ” СЕМАЛАРИ	
<b>БОШЛАНИШ</b>	<b>Future indefinite:</b> <i>I will visit my grandmother tomorrow evening.</i>
<b>ДАВОМИЙЛИК</b>	<b>Present indefinite:</b> <i>Urbanization creates both challenges and opportunities.</i> <b>Past progressive:</b> <i>Tourists were looking through precious exponents.</i> <b>Present progressive:</b> <i>We are exploring wild nature of a deserted area.</i> <b>Present participle progressive:</b> <i>Researchers have been interviewing participants of different ages.</i> <b>Past participle progressive:</b> <i>Thomas had been painting the ceiling when the phone rang.</i> <b>Future progressive:</b> <i>Students will be practicing at laboratory on Friday afternoon.</i>
<b>ТУГАЛЛАНГАНЛИК</b>	<b>Past simple:</b> <i>Amelia chose to stay with her father.</i> <b>Past participle:</b> <i>Michael had visited the university library to get the list of books for preparation.</i> <b>Present participle:</b> <i>Paul has received dozens of emails with job offers.</i> <b>Future participle:</b> <i>Mary will have got her salary by the end of next week.</i>

Инглиз тилини хорижий тил сифатида ўрганувчи аудиторияга мўлжалланган аксарият ўкув қўлланмалари, рисола ва дарслкларда *tense* категориясининг замон маънолари қамраб олинади. Улардаги тарз семаси ҳақида маълумотлар келтирилмайди, яъни ушбу феноменнинг полисемик табиати хусусида сўз юритилмайди. Шу сабабдан *tense* категорияси ўзбек тилидаги замон категориясининг айнан аналоги деган нотўғри тушунча шаклланади. Бу хulosанинг янглишилиги эса *tense* категорияси нисбатан кенгрок семантик кўламга эга “аспектуаллик” парадигмаси марказида турганлиги билан асосланади.

Инглиз тилидаги моделга асосланган ҳолда ўзбек тилида ҳам “аспектуаллик” майдони ядроини феълнинг замон категорияси ташкил этади дейиш мумкин. Худди инглиз тилида бўлгани сингари ўзбек тилидаги замон категорияси аспектуаллик парадигмасининг иккинчи гиперсемаси бўлган тарз маъносини тўлиқ қамраб олмайди. Замон категорияси тарзнинг қўидаги асосий маъноларини қамраб олади.

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ TENSE КАТЕГОРИЯСИННИГ “АСПЕКТУАЛ” СЕМАЛАРИ	
<b>БОШЛАНИШ</b>	<b>Келаси замон:</b> <i>Интернет тараққиёти газета, журнallарга талабни кескин тушириб юборади.</i>
<b>ДАВОМИЙЛИК</b>	<b>Хозирги замон:</b> <i>Мулла Норқўзи ҳар куни бозордан қайтиб самоварга чиқади.</i> <b>Ўтган давомий замон.</b> <i>Кеча оқшом қизлар ариқ бўйида гаплашишаётганди.</i> <b>Хозирги давомий замон:</b> <i>Камта хонада оқсоқоллар тўй ҳаракатларини муҳокама қилишимоқда.</i> <b>Келаси давомий замон:</b> <i>Эртага шу пайтда поездда кетаётган бўламиз.</i>
<b>ТУГАЛЛАНГАНЛИК</b>	<b>Ўтган замон:</b> <i>Янги йил муносабати билан меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига байрам тадбири ююштирилди.</i> <b>Узоқ ўтган замон:</b> <i>Икки йил бурун ҳудди шу ерлардан анча кўп ҳосил олинганди.</i>

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, инглиз тилидаги *tense* категориясининг *perfect/participle* (тугалланган) шакли ҳаракат ва ҳолатнинг тўлиқлилик\нотўлиқлик, онийлик каби тарз маъносини ифодалагани ҳолда ўзбек тилида ушбу маънони ифодаловчи замон мавжуд эмас. Ҳаракат ёки ҳолатнинг ниҳоясига етганлиги, баъзи ўринларда онийлиги каби семалар бошқа бир морфологик восита, хусусан, феъл+равишдош шакли + бўлди\олди\килди конструкцияси ёрдамида ифодаланади. Бундан келиб чиқадики, ўзбек тилидаги замон категорияси аспектологик семалари кўламига кўра инглиз тилидаги *tense* категориясидин торроқдир.

Инглиз тилидаги аспектуаллик майдонини ўзбек тилидаги тарз категорияси билан мазмунан боғлаш учун асос мавжуд. Инглиз субстанциал тилшунослигига “аспектуаллик” жараён гиперсемаси атрофида умумлашган бошланиш, давомийлик ва тугалланганлик оралиқ маъноларини ифодаловчи бирликлардан ташкил топганлиги асосланган.<sup>1</sup> Ўзбек тилида ушбу тарз маънолари ҳаракат феъллари доирасида тадқиқ қилинган ва улар оралиқ грамматик маъно сифатида таснифланган. Тарз маъноларини аниқлашда ўзбек тилшунослиги инглиз лингвистикасидан кўра илдамроқ. Зоро бугунги кунга келиб ҳаракат тарзининг қатор хусусий маънолари аниқланган. Инглиз тилшунослигига эса “аспектуаллик” парадигмаси санаб ўтилган асосий маънолар билан чекланади. Демак, инглиз тилидаги феълларнинг аспектуал маъноларини идрок этишда ўзбек тилидаги тарз семалари таснифига суюниш ўринлидир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Binnick R. Time and the verb: a guide to tense and aspect. – Oxford: Oxford University Press, 1991 – pp. 135.
2. Carlson L. Tense, mood, aspect, diathesis their logic and typology – Helsinki: University of Helsinki, 2009 – 632 p.
3. Taylor B. Tense and continuity. Linguistics and Philosophy – 1977, 220; Vlach F. The semantics of tense and aspect. – Massachusetts: 1979.
4. Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари. – Тошкент: Фан, 1998 – Б. 5.
5. Ломов А. Аспектуальная характеристика действия и ее типы. // Вопросы русской аспектологии. – Воронеж, 1975.
6. Маслов Ю. К основаниям сопоставительной аспектологии // Вопросы сопоставительной аспектологии. – Л., 1978.
7. Нельматов Х., Йўлдошева Д. Тилда имконият ва воқелик муштараклиги // Маърифат, 2013.
8. Ордокова Р. Аспектуальность как лингвистическая парадигма в разносистемных языках: На материале русского, английского и кабардинского языков: Дисс. канд. филол. наук, 2004. – 123 с.

**Наширға ф.ф.д. Г.Тожиева тавсия этган**

#### **REFLECTION OF VIEWING THE WORLD IN COLORS IN PHRASEOLOGICAL UNITS**

**Juraqabilova H. (KarSU)**

**Annotation.** From birth, man sees the world in colors. Separation of colors is different in different cultures. There are different approaches to the study of colors in science. In French, the grammatical features of the words in the phraseological expressions, as well as the semantic features associated with the adjectives, are consistent. The relative complexity of the translation of such phrases into Uzbek can be seen in the comparative analysis of the phraseological phrases in French and Uzbek in this article.

<sup>1</sup>Қаранг: Binnick R. Time and the verb: a guide to tense and aspect. – Oxford: Oxford University Press, 1991 – pp. 135; Ордокова Р. Аспектуальность как лингвистическая парадигма в разносистемных языках: На материале русского, английского и кабардинского языков - дисс. канд. ф. н. – 2004 – 123 с; Ломов А. Аспектуальная характеристика действия и ее типы. // Вопросы русской аспектологии. – Воронеж, 1975.

**Key words:** phraseology, phraseological expressions, lexical meaning, comparative analysis, color adjectives, language styles, structural-semantic classification, lexical-grammatical features.

**Аннотация.** Inson tug‘ilgandan dunyoni ranglarda ko‘radi. Ranglarni ajratish turli xalqlar madaniyatida turlichadir. Fanda ranglarni o‘rganishga turlicha yondashuvlar mavjud. Fransuz tilidagi rang anglatuvchi frazeologik iboralar tarkibidagi so‘zlarda ham grammatik xususiyat, ham rang anglatuvchi sifatlar bilan bog‘liq semantik xususiyat uyg‘un tarzda bo‘ladi. Bunday iboralarning o‘zbek tiliga tarjimasi nisbatan murakkabligini mazkur maqoladagi fransuz va o‘zbek tillaridagi rang anglatuvchi frazeologik iboralarning qiyosiy tahlilida ko‘rish mumkin.

**Tayanch so‘zlar:** frazeologizm, frazeologik iboralar, leksik ma’no, qiyosiy tahlil, rang anglatuvchi sifatlar, til uslublari, struktur -semantik tasnif, leksik – grammatick xususiyat.

**Аннотация.** Человек видет мир в цветах. Разделение цветов неодинаково в культуре разных народов. В науке существуют разные подходы к изучению цветов. Во французском языке слова в компонентах фразеологических единицах, выражающих цвет, имеют как грамматическую, так и семантическую особенность, связанную с прилагательными, представляющими цвет. Относительную сложность перевода таких словосочетаний на узбекский язык можно увидеть при сравнительном анализе фразеологических оборотов французского и узбекского языков в данной статье.

**Ключевые слова:** фразеологизм, фразеологические единицы, лексическое значение, сравнительный анализ, прилагательные обозначающие цвета, языковые стили, структурно-семантическая классификация, лексико-семантическая особенность.

### Abstract

This research work is devoted to the comprehensive study of phraseological units meaning color in the French language on the structural-semantic, grammatical, functional-methodical basis. Phraseological expressions have been around for centuries and have been refined from language to language, giving it emotional appeal and beauty, and it is a tool capable of expressing any person’s desired thought. Emotional creativity in phraseological expressions never disappears, on the contrary, its creativity increased over the years. That is why every nation carefully preserves such linguistic resources and uses them effectively.

Phraseological units reflecting national-cultural identity are the beauty and art of language. Phraseologisms, by their nature, are a means of expressing imagery in the language, and serve to reveal the national culture, character, humor, protest, and concerns of the people. That’s why phraseology is the most important unit of speech used in the language to fully express an image, character, describing character totally, it is used to describe and exaggerate events, situations. Socio-historical events, moral and spiritual-cultural norms, spiritual and psychological conditions, religious ideas, national traditions of the people are expressed in the phraseological resources of each language.

### Introduction

Humans see the world in colors from birth. Differentiating colors varies in different cultures. Color has a universal classification function. In all analyzed languages, color combines the signs of various objects and phenomena of reality, human nomination, social and public, religious and moral, emotional and interpersonal relations, reveals a clear logic and a relatively strict system.

Colors have a great influence on human life. Their physiological, psycho-emotional effect is reflected in a person. For example, red color increases muscle tone, blood pressure, breathing rhythm and gives a person physical and mental strength. Differentiating colors varies in different cultures. There are many approaches to its study and many definitions of colors.

There are different approaches to the study of colors in science. Color is a wonderful gift of nature, a person’s ability to see the world with different colors and their shades. A set of complex events combined with a simple word that makes everyone feel the beauty of the world. People are so used to it that it doesn’t even surprise them. [11;163]

There are different approaches to the study of colors in science, and ancient philosophers Epidocles, Plato, Democritus and Aristotle distinguished white, black and red as the primary colors. Aristotle looked at the flame and concluded that fire is not red, but yellow. Based on the experimental method, he considers white as the color corresponding to water, air and earth, yellow

as the color of fire, and black as the color of transition or destruction. It can be noted that Isaac Newton studied colors as a physical phenomenon.

F.A. Tugusheva's research is devoted to the experimental and semantic analysis of color signs based on the materials of Bulgarian, Russian and French languages, in which synonymous groups of lexemes meaning color are selected and systematized and the model of word formation is studied. [10; 125].

M.G. Volkova analyzed the lexical-semantic methods of expressing color and light in works of art created in ancient French and the problems of their translation into modern French. She identified white, black, green, and red as the core of lexemes in the French language, and blue, blue, and purple as the periphery. [4;180]

Linguistic aspects of the ambiguity of color names in European languages have been studied by the universality of the basic color meaning in studies that approach the problem of ambiguity of color names. [8;125]

Lexemes meaning color as one of the main categories of the language were studied in the scientific research of L.R. Gataullina. Lexemes meaning color in the components of phraseological units were analyzed on a comparative level in the linguistic and cultural paradigm using the examples of related and non-related languages English, German, French, Russian and Tatar. [5;213]

Structural-semantic features of phraseological units meaning color in Spanish, French and Italian, which are closely related Western Romance languages are analyzed.

Color-meaning combinations that express vital concepts are not only responsible for the emergence of phraseological units, but everywhere plays a major role in the development of the phraseological system of the language.

The analysis of the structural-semantic features of the color-meaning phraseological units in Spanish, French and Italian, which are close relatives of the Western Romance languages. [9;230]

**Research methodology (Research Methodology).** The words in French color phraseological expressions have both a grammatical feature and a semantic feature related to color adjectives. Translation of such phrases into Uzbek is relatively complicated due to the fact that the two languages are far from each other.

It is known that, in addition to giving a certain lexical meaning, phraseological expressions have a wide range of lexical-grammatical and stylistic possibilities. Sometimes in the language it is possible to see cases where the meaning expressed by one phraseological expression is also expressed by other phraseological expressions.

The presence of a word in phraseological expressions or the possibility of using one word instead of another in them expands the possibility of their use in speech, literature and all language styles. This indicates that there are stylistic synonyms of words in phraseological expressions that can be substituted for them. For example, in French, "marker qn. à l'encre rouge" instead of "marker qn. au livre rouge" can also be used. Both expressions mean "to be blacklisted" in Uzbek. In the French language, the adjective "red" (rouge) in both phrases is expressed by the adjective "black" in the Uzbek language. This indicates the uniqueness of the use of words meaning color in phraseological expressions in each language.

In some cases, it is also possible to find cases where words in phraseological expressions can be replaced by other synonyms. For example, expressions such as "mettre dans le noir", "s'habiller de noir", "porter le noir", "être en noir" all express the meaning of "wearing black", "being in black clothes" in Uzbek.

Or if we pay attention to expressions formed with the adjective "blanc", which is the most used white color in all languages, the expression "blanc comme une mort" in Uzbek is "the color is white as a corpse", the expression "blanc comme un linge" is "the color is white as gauze", "blanc comme la neige" phrase "white as snow", "blanc comme un mur" corresponds to the Uzbek phrase "white as a wall". In all these phraseological expressions, the adjective "blanc" (white) is used to exaggerate comparative objects. But which of these phrases to use is chosen depending on the situation and speech process styles.

If we pay attention to the use of another phraseological expression in the French language, the translation of the expression "merle blanc" is "white crow", which is sometimes said in relation to some people who meet in society. In the Uzbek language, the expression "like a horse's eye" is used for such people.

In many languages, a phenomenon of metonymic meaning migration is observed with adjectives meaning white and red. For example, in the French language, adjectives denoting these colors can be found in phrases denoting the names of meat. For example, the phrase "la viande rouge" (red meat) refers to young lamb and veal, while the phrase "viande blanche" (white meat) refers to meat types such as pork and chicken.

We would like to draw your attention to another example, the French expression "le jour blanc lettre" literally means "days written in white letters", that is, working days written in black on the calendar, "le jour de la lettre rouge" in red letters on the calendar days to be written, i.e. holidays or weekends.

The syntactic connection in the phraseological expressions of color may also be different. We'll look at a few below:

1. Phrases formed by combining noun + adjective. For example:

- L'humeur noir - bad mood;
- Le chagrin noir - sadness;
- Le billet vert - dollar;
- La langue verte – the language of criminals;
- Les velours pourpres – velvet-colored fabric;
- La voix blanche – meaningless voice;
- La nuit blanche - sleepless night;
- L'arme blanche is a dangerous weapon.

2. Use of the adjective meaning color instead of a noun:

- La pourpre de ses lèvres - redness of the lips, pinkness of the lips;
- Les noirs d'Afrique - American Negroes.

3. Phrases formed from the combination of a verb + an adjective.

- voir tout en noir - despair;
- voyer dans le bleu - dreaming, flying in the sky;
- mettre qn. en blanc – to steal, rob someone;
- passer au bleu – to disappear;
- dire blanc et noir - to say one way or another, to speak differently;
- faire grise mine à qn. - welcome.

4. In the composition of expressions that mean comparison:

- Méchant comme un âne rouge - as stubborn as a donkey, stubborn as red;
- Il fait noir comme dans un four – pitch black, etc.

Phraseological expressions with the meaning of color, like other phraseological expressions, have peculiarities in terms of form, lexical structure and meaning. These peculiarities depend on the general characteristics of the language.

In the language, the following types of such phraseological expressions are distinguished based on the translation features:

1. Equivalence, i.e. expressions whose translation does not change, matches both in terms of form and meaning, and does not need to refer to the context. For example:

Le sot ne connaît ni le blanc ni le noir - A fool who does not distinguish between black and white.

Les mains noires font manger les lains blancs - Black hands grow white bread.

2. Compatibility of options. The fact that it is possible to give a number of suitable variants for this phraseological phrase. But they may differ in one of the lexical-semantic and stylistic aspects. For example:

La nuit, tous les chats sont gris - It's hard to tell good from bad at night.

Qui vole un œuf, vole un bœuf - He stole the needle, they also steal the cow.

3. Explanatory translations, that is, it is not possible to provide an equivalent or alternative. In this case, how this phraseological expression appeared and in what situations it should be used is only explained through the context.

As for the participation of color names in phraseological expressions, the above-mentioned phraseological expressions and proverbs formed from them include the names of colors and hues.

In phraseological expressions, the lexeme meaning color is used to give stylistic color in language, communication and literary works. The use of colors in literature is more often used to represent the struggle between good and evil, which is a constant literary theme. For example, in French, as in all languages, black has negative meanings such as evil, death, disorder of thoughts. Based on this, most of the expressions given with this color indicate negative thoughts. Let's pay attention to the following examples: "avoir des idées noires" - to have dark intentions, that is, both the French and the Uzbeks use this expression for people with bad intentions.

Or: "la peur noire" means fear of insanity. In the Uzbek language, the phrase "to be scared to death" is used. According to the stylistic feature of the French word "noire" (black), the word "o'laday" is used as a synonym, a close synonym in Uzbek.

In particular, Uzbek versions of phraseological expressions compared to a color may be more suitable, but these comparisons can be given in Uzbek with other variants. For example, the phraseological phrase "blanc comme un cygne" in French is translated literally into Uzbek as "white as a bird", but in Uzbek there are expressions such as "white as snow" or "white as cotton".

When translating phraseological expressions in French, you can choose phraseological options that express the same meaning in Uzbek. To be more precise, it is appropriate to choose phraseology in the Uzbek language that expresses the exact meaning of the French phraseology.

For example: Jamais paresse n'a acquis richesse - The lazy man's cup is empty.

La faim chasse le loup hors du bois - Hunger takes to the streets.

To make this type of translation more accurate, there are several options. The variety of phraseological expressions in these languages testifies to the breadth of expression.

#### **Summary. (Conclusion).**

As can be seen from the cited examples, the phraseological layer of the language is constantly enriched with phraseology and reflects the cultural-historical experience of the people, as well as the laws of historical development of a particular language.

Above, we partially thought about the syntactic connection in the composition of phraseological expressions meaning color in French and the problems related to their translation into Uzbek.

In conclusion, it should be noted that phraseologisms formed over the centuries are widely used as a sharp, impressive visual tool in oral speech, fiction and journalism. Writers make good use of phraseology in their works, and partially change existing phraseology in accordance with the spirit of the work, thereby creating new expressions. This serves to further enrich the lexical base of the language.

#### **List of used literature**

1. Abdushukurova L.A. *Stilistique du français moderne*. – Т., 2004. – Р. 160.
2. Балли Ш. Французская стилистика. 2-е издание. – Москва: Эдиториал УРСС, 2001. – 392 с.
3. Бушуй А. Терминалогическая проблематика в области паремиологии (в свете истории паремиологии). Стой языка и методы иностранному общению. Вып. – Самарканд. 1998. – С. 10-21.
4. Волкова М.Г. Способы обозначения цвета в художественных произведениях старофранцузского периода (XI–XIII вв.) и их переводах на современный французский язык. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – М., 2007. – 180 с.
5. Гатауллина Л.Р. Роль цветообозначений в концептуализации мира: На материале фразеологизмов английского, немецкого, французского, русского и татарского языков. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Уфа, 2005. – 259 с.
6. Назарян А. Curiosités de la phraséologie française. – Москва, 1978. – 159 с.
7. Назарян А.Г. Фразеология современного французского языка. –М.: Высшая школа, 1987. – 288 с.

8. Охрицкая Н.М. Лингвокультурологический аспект многозначности цветонаименований. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Челябинск, 2012. – 201 с.
9. Соколова К.А. Структурно-семантические особенности фразеологизмов с цветовым компонентом в западно-романских языках (на материале испанского, французского и итальянского языков). Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Санкт-Петербург, 2016. – 247 с.
10. Тугушева Ф.А. Семантика цветообозначений в разносистемных языках (на материале балкарского, русского и французского языков). Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Нальчик, 2003. – 125 с.
11. Филиппова Л.С. Эстетические и научные обоснования природы восприятия цвета // Вопросы психологии и воспитания, 2018. – С. 163-165.

*Published by prof. Recommended by B. Mengliyev*

## RASMIY NUTQIY MULOQOT VA UNING TURLARI

Lutfullayeva D., Narxodjayeva X. (QarDU)

**Annotatsiya.** Maqlada rasmiy nutqiy muloqot, uning rasmiylik va norasmiylik belgisiga ko‘ra turlaridagi farqlari olib berilgan. Shu bilan birga rasmiy nutqiy muloqotning lisoniy hamda nolisoniy omillar bilan bog‘liq holda sodir bo‘lishi kabi masalalar yoritilgan. O‘zbek tilida rasmiylik kategoriyasini hosil qiluvchi leksik, morfologik, sintaktik, intonatsion (rasmiylik ohangi) vositalari ko‘rsatib berilgan.

**Tayanch so‘zlar:** *muloqot, kommunikatsiya, nutqiy muloqot, kommunikativ aloqa, muloqot qoidalari.*

**Аннотация.** В статье выявляются отличия формального речевого общения от его видов по признаку официальности и неформальности. При этом освещаются такие вопросы, как возникновение формального речевого общения в связи с языковыми и неязыковыми факторами. Показаны лексические, морфологические, синтаксические, интонационные (тональность формальности) средства, образующие категорию формальности в узбекском языке.

**Ключевые слова:** *общение, общение, речевое общение, коммуникативное общение, правила общения.*

**Annotation.** The article reveals the differences between formal speech communication and its types according to the sign of formality and informality. At the same time, issues such as the occurrence of formal speech communication in connection with linguistic and non-linguistic factors are covered. The lexical, morphological, syntactic, intonation (tone of formality) tools that form the category of formality in the Uzbek language are shown.

**Key words:** *communication, communication, speech communication, communicative communication, rules of communication.*

Tilshunoslikda rasmiylik va norasmiylik belgisiga ko‘ra nutqiy muloqotning quyidagi turlari farqlanadi: 1) rasmiy nutqiy muloqot; 2) norasmiy nutqiy muloqot. Nutqiy muloqotning bu ikki turi kommunikativ kategoriyani hosil qiladi.

Rasmiy nutqiy muloqot rasmiy nutqiy aktlar orqali yuzaga chiquvchi, rasmiy muhitda amalga oshuvchi, jamiyatda turli rollarni bajarayotgan kishilar o‘rtasida ularning o‘zaro munosabatlaridagi rasmiylikni aks ettiruvchi va uni tartibga soluvchi muloqot shaklidir. Inson rasmiy nutqiy muloqotga kirishar ekan, suhbatdoshiga nisbatan rasmiy pozitsiyani egallaydi. Bu jihatdan muloqotning bu turi rasmiy pozitsiyani egallagan, boshqacha aytganda, rasmiy rollarni bajaruvchi kishilar o‘rtasidagi nutqiy munosabatni aks ettiradi. Demak, rasmiy nutqiy muloqot jamiyatdagi turli tuzilmalar: boshqaruv tizimi, ishlab chiqarish, san’at, madaniyat, ta’lim va boshqa sohalarda faoliyat yurituvchi rasmiy maqomga ega kishilar o‘rtasida amalga oshadi hamda ularning ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, madaniy, huquqiy, diniy masalalarda o‘zaro axborotma’lumot almashinuvi, kelishuvi, bitimi, qarori kabi rasmiy nutqiy harakatlarini anglatadi.

Har bir til jamiyatida rasmiy nutqiy muloqot belgilangan muayyan qoidalari, jumladan, odob-axloq qoidalariiga qat’iy amal qilinuvchi muloqot turi sifatida norasmiy nutqiy muloqotdan ajralib turadi. Norasmiy nutqiy muloqotda ham odob-axloq qoidalari amal qilinsa-da, ba’zan undan chekinish holatlari ham kuzatiladi.

Norasmiy nutqiy muloqot rasmiy bo‘lмаган мухитда, я’ни яқинлар, оила а’золари, юртшадарлар муносабатида амалга ошади. Ахамиятли жиҳати шундаки, norasmiy nutqiy muloqot shaxslarning maqomi, jamiyatda bajaradigan roli, yoshi, jinsi, kasb-kori kabilarga befarq. Turli maqomga ega kishilar yoki turli rollardagi kishilar o‘rtasida ham norasmiy nutqiy muloqot yuz berishi mumkin. Masalan, ota va o‘g‘il, ona va qiz o‘rtasidagi norasmiy nutqiy muloqot, boshliq va xodim o‘rtasida to‘y, sayohat, bayram, do‘stlar davrasi kabilarda sodir etiluvchi norasmiy nutqiy muloqot kabilari.

Anglashiladiki, rasmiy va norasmiy nutqiy muloqot rasmiylik va norasmiylik belgisiga ko‘ra, shuningdek, jamiyatning qaysi vakillari nutqiy muloqotida sodir etilishiga ko‘ra bir-biridan farq qiladi. Bu o‘rinda dissertatsiyaning tadqiq obyektidan kelib chiqqan holda rasmiy nutqiy muloqot xususiyatlarini yoritamiz.

Rasmiy nutqiy muloqot quyidagi lisoniy hamda nolisoniy omillar bilan bog‘liq holda yuzaga sodir etiladi:

**a) lisoniy omillar:** 1) muloqot matnining rasmiy nutqiy aktlardan tashkil topishi; 2) muloqot matnining sintaktik jihatdan yuqori darajada qoliplashgan sodda, ixcham jumlalardan tarkib topishi; 3) muloqot matnining markaziy va tayanch birlklari rasmiylik kategoriysi birliklaridan tashkil topishi; 4) muloqot matnida ortiqcha izohlarga, ehtiroslarga yo‘l qo‘yilmasligi, matnda noadabiy qatlama xos birlklarning qo‘llanmasligi; 5) muloqot matnining rasmiylik ohangiga ega bo‘lishi va hokazo;

**b) nolisoniy omillar:** 1) nutqiy muloqot uchun rasmiy pozitsiyani egallagan kommunikantlarning bo‘lishi; 2) nutqiy muloqot uchun muhitning yuzaga kelishi; 3) nutqiy muloqotda jamiyatda shakllangan rasmiy munosabat, odob-axloq qoidalari, nutqiy etiket me’yorlariga amal qilinishi; 4) nutqiy muloqot turining ijtimoiy shaxslar mavqeい, jamiyatda bajaradigan rollari hamda rasmiy muhit bilan bog‘liq holda tanlanishi; 5) rasmiy nutqiy muloqotning oldindan belgilangan reja, vaqt reglamenti asosida amalga oshishi va hokazo.

Rasmiy nutqiy muloqot matnining shakllanishida maxsus til birlklari muhim o‘rin tutadi. Bunday birliklar rasmiylik kategoriyasini hosil qiluvchi birliklar bo‘lib, ular ichida, ayniqsa, yuqori darajada qoliplashgan sintaktik konstruksiyalar ajralib turadi.

O‘zbek tilida rasmiylik kategoriyasini hosil qiluvchi vositalarni leksik, morfologik, sintaktik, intonatsion (rasmiylik ohangi) vositalarga ajratish mumkin.

**Rasmiylik kategoriyasini hosil qiluvchi leksik vositalar.** Bu turdagи leksik birliklar quyidagilardan tashkil topadi: *imzo chekuvchilar, qabul qilib oluvchi, hisob beruvchi, vasiyat qiluvchi, mudir, kotiba, hisobchi, soliqchi, buyurtmachi, ijrochi, javobgar, da‘vogar, merosxo‘r, mulkdor, ariza, bayonnomma, vasiyatnomma, bildirgi, buyruq, qaror, farmon, imzolamoq, tasdiqlamoq, konsullik, konsulxona, elchixona, diplomat, elchi, memorandum, qonunchilik, kodeks, jinoyat, jazo, javobgarlik kabilari*. Bu birliklar ma‘no-mohiyati, rasmiy matnning qaysi turida qo‘llanishiga ko‘ra bir-biridan farqlanadi. Jumladan, *imzo chekuvchilar, qabul qilib oluvchi, hisob beruvchi, vasiyat qiluvchi, mudir, kotiba, hisobchi, soliqchi, buyurtmachi kabi leksik birliklar rasmiy-idoraviy nutqiy muloqotni shakllantirishga xizmat qiladi. Konsullik, konsulxona, elchixona, diplomat, elchi, memorandum leksemalari diplomatik nutqiy muloqot matni tarkibida uchraydi. Qonunchilik, qonun, kodeks, jinoyat, jazo, javobgarlik kabi leksemalar esa qonunchilik uslubiga oid nutqiy muloqot birliklari hisoblanadi*.

**Rasmiylik kategoriyasini hosil qiluvchi morfologik shakllar.** Bu turga rasmiy uslubga xoslangan quyidagi morfologik shakllar kiradi: *tavsiya etilsin, tasdiqlansin, e’tiborga olinsin, jalg etilsin, ta‘minlansin, buyuraman, so‘rayman, so‘raymiz, iltimos qilaman, e‘lon qilinsin, yo‘lga qo‘yilsin* kabilari.

Xarakterlisi shundaki, bunday morfologik so‘z shakllari rasmiy-idoraviy uslub matnining tayanch birliklariga aylangan. Masalan, matn tarkibida kelgan *so‘rayman, iltimos qilamiz* fe’l shakllari iltimos nutqiy aktini shakllantirish bilan birga, unga rasmiylik tusini beradi. *E‘lon qilinsin, yo‘lga qo‘yilsin, jalg etilsin, ta‘minlansin* kabilari qaror, farmoyish nutqiy aktlarini shakllantirishga xizmat qiladi.

**Rasmiylik kategoriyasini hosil qiluvchi sintaktik vositalar.** Bunday vositalar so‘z birikmasi, gap shaklidagi sintaktik konstruksiyalardan tashkil topadi. Ularni o‘z ichida quyidagi guruhlarga ajratish mumkin:

**1) so‘z birikmalari:** *ishchi guruh, nomlari ko‘rsatilganlar, ish yuritish, yig‘ilish raisi, kengash raisi, kafedra mudiri, yig‘ilish kotibi, kengash kotibi, vazifasini bajaruvchi, javobgar shaxs, mansabdar shaxs, jismoni shaxs, diplomatik aloqa, diplomatik munosabat, rasmiy tashrif, ishonch yorlig‘i, qonunchilik asoslari, qonunchilik palatasi, davlat boshqaruvi, soatbay haq to‘lash, voyaga yetmaganlar bilan ishslash, boshqaruvi tizimi* kabilar. Bunday so‘z birikmalari bugungi kunda rasmiy muloqot egalari lisoniy ongidan yaxlit tarzda o‘rin olgan bo‘lib, nutq jarayoniga tayyor holda olib kiriladi.

“...Hech shubhasiz, ijtimoiy muammolarni aniqlash va ularni o‘z vaqtida hal etishda, boshqaruvi samarasini oshirishda opa-singillarimizning o‘rni va ta’siri juda katta. Shuning uchun biz xotin-qizlarning jamiyatdagi o‘rni va mavqeini oshirish, ularga turli mas’ul vazifalarini ishonib topshirishga qaratilgan siyosatni yanada faol davom ettiramiz”[1].

**2) ko‘makchili konstruksiyalar:** *arizasiga muvofiq, mehnatiga yarasha, mehnat bitimiga binoan, iltimosiga binoan, iltimosiga ko‘ra, shartnomaga muvofiq, davlatlararo bitimga ko‘ra, qonunchilikka ko‘ra, davlat qonunchilik asoslariga binoan tarzidagi ko‘makchili konstruksiyalar.* Bunday ko‘makchili konstruksiyalar rasmiy uslubda qo‘llanishga xoslangan bo‘lib, rasmiy idoraviy, diplomatik, qonunchilik uslubiga oid matnlarning shakllanishida muhim o‘rin tutadi.

*Endilikda inson huquq va erkinliklarini himoya qilish sohasidagi barcha huquqni muhofaza qilish organlari faoliyati qonunchilikka ko‘ra parlament tomonidan doimiy nazorat qilib borilmoqda....*

*Biz Markaziy Osiyo mamlakatlari bilan hech istisnosiz barcha masalalar bo‘yicha davlatlararo bitimga ko‘ra, oqilona murosa asosida hamkorlik qilishga tayyormiz”[2].*

**3) murojaat birliklari:** *xonimlar va janoblar, hurmatli deputatlar, muhtaram elchi, muhtaram xorijiy diplomatik korpus vakillari, hurmatli Senat a’zolari, muhtaram Prezident, qadrli vatandoshlar* kabilar.

Bu tipdagи murojaat birliklari rasmiy muloqot muhitida rasmiy shaxslarga nisbatan ishlataladi. Masalan, O‘zbekiston Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlis palatalari qo‘shma majlisida prezidentlik lavozimiga kirishish marosimida so‘zlagan quyidagi nutqiga e’tibor qaratamiz:

*Assalomu alaykum, muhtaram vatandoshlar! Hurmatli Senat a’zolari! Hurmatli Qonunchilik palatasi deputatlari! Xorijiy diplomatik korpus vakillari! Xonimlar va janoblar! Avvalo, menga ulkan ishonch bildirib, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti etib qayta saylagan barcha yurdoshlarimga chin qalbimdan minnatdorlik izhor etib, mehnatkash, olivjanob va bag‘rikeng xalqimizga farzandlik mehri va sadoqati bilan ta’zim qilaman. Siz, azizlarga, sizlar orqali butun el-yurtimizga tinchlik va salomatlik, oilaviy baxt-saodat va farovonlik tilayman. Jonajon Vatanimiz timsoli va mustaqilligimiz ramzi bo‘lgan davlat bayrog‘imiz, madhiyamiz va gerbimizga, menga topshirilgan Prezidentlik Oliy nishoni va bayrog‘iga yuksak hurmat bajo keltiraman.*

Ushbu rasmiy nutqda keltirilgan muhtaram vatandoshlar, hurmatli Senat a’zolari, hurmatli Qonunchilik palatasi deputatlari, xorijiy diplomatik korpus vakillari, xonimlar va janoblar murojaat birliklarini rasmiy muloqotda tayyor holatda uchraydigan birliklar qatoriga kiritish mumkin. Bunday birliklar nafaqat matnni shakllantirishga, balki jamiyatda shakllangan rasmiy muloqot odobini namoyish qilishga ham yordam beradi;

**4) qoliplashgan gap shaklidagi sintaktik konstruksiyalar:** “Meni ... -sh(-ish)gizni so‘rayman”, “Sizdan ... -sh (-ish)gizni so‘raymiz”, “...-ga .... vasiyat qilib qoldiraman”, “...-ni bekor qilaman”, “... menga tegishli merosdan voz kechaman”, “...-ga rozilik bildiraman”, “Arizamga .... ilova etildi” kabilar.

D.Lutfullayeva bugungi kunda rasmiy-idoraviy ish hujjatlari matnida bir xil qolipga tushib qolgan birikmalar (stereotip birliklar, klischelar) ko‘p uchrashi, ular rasmiy uslub tilining o‘ziga xosligini ta’minlashi haqida fikr yuritib quyidagilarni yozadi: “Sintaktik qoliplar ish hujjatlarining

faqat bir turiga xos bo‘ladi, boshqa turlari esa o‘zining shunday qoliplariga ega bo‘ladi. Masalan, yakka shaxs tomonidan yozilgan iltimos mazmunidagi ariza matnida “*Meni ... -sh(-ish)gizni so‘rayman // iltimos qilaman*”, “*Menga ... -sh(-ish)gizni so‘rayman // iltimos qilaman*” qoliplariga mos jumlalar kuzatiladi. Bunday ariza ko‘pchilik nomidan yozilganda jumla “*Bizni ... -sh (-ish)gizni so‘raymiz // iltimos qilamiz*”, “*Bizga ... -sh (-ish)gizni so‘raymiz // iltimos qilamiz*” qoliplari asosida shakllantiriladi. Bu sintaktik qolip boshqa ariza turlarida ham takrorlanadi. Ba’zi arizalar matnida “*Sizdan ... -sh (-ish)gizni so‘rayman*”, “*Sizdan ... -sh (-ish)gizni so‘raymiz*” qolipidagi jumlalar kuzatiladi. Bunday qoliplar shikoyat, iltimos mazmunidagi ariza matnlarida uchraydi. Ariza vasiyatnomasi shaklida bo‘lganda “...-ga .... vasiyat qilib qodiraman” qolipidagi gaplar tuziladi. Vasiyat bekor qilinganda “...-ni bekor qilaman” qolipidagi gaplardan foydalaniladi. Merosdan voz kechilganda “... menga tegishli merosdan (meros hissasidan) voz kechaman” qolipidagi gaplar ishlataladi. Rozilik aks ettirilgan arizalarda esa “...-ga rozilik bildiraman” qolipidagi gaplardan foydalaniladi. Shuningdek, “*Arizamga .... ilova etiladi*”, “*Arizamga .... ilova etildi*” qolipidagi gaplar ham arizalar matniga xos. ”[3].

**5) tayyor jumlalar:** “*Majlis qaror qiladi*”, “*Ilmiy kengash qaror qiladi*”, “*Yig‘ilish qaror qiladi*”, “*Diplomatik aloqalar yo‘lga qo‘yiladi*”, “*Qonun ustuvorligi taxminlanadi*” kabilar.

Bu jumlalar ham shu shakli va mazmunida rasmiy muloqot egalari lisoniy ongidan tayyor holda o‘rin olgan bo‘lib, rasmiy nutqqa ko‘chiriladi.

Xullas, o‘zbek tilida rasmiy muloqot matnining shakllanishida muhim o‘rin tutuvchi qayd etilgan leksik, morfologik, sintaktik, intonatsion vositalarni rasmiylik kategoriyasini shakllantiruvchi vositalar hisoblash mumkin. Rasmiy nutqiy muloqotda qo‘llanuvchi hamda rasmiylik kategoriyasini yuzaga chiqaruvchi mazkur til birliklarini tadqiq etish tilshunoslikning dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi. Rasmiy nutqiy muloqotning tayanch birliklari hisoblangan bunday birliklarning mohiyati kommunikatsiya jarayonida ba’zan rasmiy xatti-harakatlar, mimik ifodalar, ramzlarni ifodalovchi noverbal birliklar orqali ochib beriladi, axborot mazmuni ular yordamida to‘ldiriladi.

Rasmiy nutqiy muloqotda rasmiylik kategoriyasini hosil qiluvchi qaysi sintaktik konstruksiyalardan foydalansin, avvalo, o‘zbek tili me’yorlarining to‘g‘ri qo‘llanilishi, bugungi soha terminlarning nutqda to‘g‘ri ishlatalishi bilan ham belgilanadi [4].

Xullosa qilib aytganda, rasmiy nutqiy muloqot kishilar o‘rtasidagi rasmiy munosabatni aks ettiruvchi muloqot turidir. Uning turlari nutqiy muloqot xarakteri, maqsadi, qo‘llanish o‘rni, matnida qo‘llangan rasmiylik kategoriysi birliklariga ko‘ra bir-biridan farqlanadi.

#### Foydalilanigan adabiyotlar

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутки. <https://president.uz/uz/lists/view/3119>

2. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутки. 20.09.2017. <https://president.uz/uz/lists/view/1063>

3. Лутфуллаева Д. Мустақиллик даври расмий-идоравий иш услуби тараққиёти. – Тошкент: Нодирабегим нашриёти, 2020. – Б. 68.

4. Нарходжаева Х. Ўзбек терминологияси масалалари. – Карши: Intellekt, 2022.

5. Нарзиев Н. Мулоқот маданиятда проксемика масаласи (этнологик таҳлил) // Ўтмишга назар / Взгляд в прошлое / Look to the past №SI-2 (2021) – Б. 87-95. <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-2>

6. Сафаров Ш. Прагматингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – 396 б.

## ЎЗБЕК ТИЛИ ТОПОНИМЛАРИДА СЎЗ ЯСАЛИШИННИНГ БИНАР АСПЕКТИ

Жуманова З.С. (ҚарДУ)

**Аннотация.** Мақолада ўзбек тили топонимлариға синхроник ва диахроник аспектда ёндашиш бу ономастик бирликларнинг морфем асосларини тўғри белгилаш, бунинг натижасида тилда сақланиб қолган архаик лугавий бирликларнинг семантик структурасини тўғри ва аниқ ёритиш мумкинлиги борасидаги илмий фикрлар баён этилган.

**Таянч сўзлар:** бинар аспект, бинар оппозиция, топоним, тарихий-лисоний қолдик, сүгдча топоним, мўгулча топоним.

**Аннотация.** В статье высказаны научные мнения о возможности подхода к топонимам узбекского языка с синхронического и диахронического аспекта, чтобы правильно определить морфемные основы ономастических единиц, в результате чего семантическая структура архаичных лексических единиц сохранилась в языке можно правильно и понятно объяснить.

**Ключевые слова:** бинарный аспект, бинарная оппозиция, топоним, историко-лингвистический остаток, сүгдийский топоним, монгольский топоним.

**Annotation.** In the article, the scientific opinions about the possibility of approaching the toponyms of the Uzbek language from a synchronic and diachronic aspect are to correctly determine the morpheme bases of onomastic units, as a result of which the semantic structure of the archaic lexical units preserved in the language can be correctly and clearly explained.

**Key words:** binary aspect, binary opposition, toponym, historical-linguistic remnant, Sugdian toponym, Mongolian toponym.

Бинар сўзининг асоси *bin-* бўлиб, *-ar-i-* кўшимча ҳисобланади. Аслида бу сўз лотинча *binarius* “иккилик” маъносини англатади; *bini* асоси “хар бири иккитадан; жуфтлик” маъносига ҳам эга, баъзи манбаларда *bis* “икки марта; икки баробар” деган маънога эгалиги уқтирилади, хинд-европа тилларида *\*duwo* “икки” сонини билдирган.

Бинар лексемасига академик А.Хожиев томонидан изоҳ берилмаган, келтирилган таъриф сўз бирикмаси характеристида бўлиб, сўз бирикмасининг эргаш сўзи ёки аниқловчи аниқланмиш муносабатида аниқловчи вазифасида келган:

“**БИНАР ОППОЗИЦИЯ** (лот. *binarius* — икки қисмли +*orrositio* — қарама-қарши қўйиш). Бир турдага икки ҳодисанинг бир-бирига қарама-қарши ҳолда гурухланиши. Масалан, ундошларнинг жарангли-жарангизлик, унлиларнинг лабланган-лабланмаганлик асосида гурухланиши бинар оппозицияни ҳосил қиласди<sup>1</sup>.

“Ўзбек миллий энциклопедияси”да биологик ҳамда физик атамаларнинг изоҳловчиси бўлиб келиши қўйидагича тавсиф этиади:

“**1. БИНАР МЕТАЛЛАР** (бы... ва *metall*) – икки жинсдаги металл ёки қотишмалар (мас, пўлат ва алюминий, титан ва молибден, алюминий ва титан)нинг бирикнишидан ҳосил бўлган материал. Қимматбаҳо ва ноёб металларни тежаш мақсадида ёки дастлабки металлар хоссасига ўхшаш хосали материаллар олиш учун ишлатилади. Икки металлни бир вақтда прокатлаб ёки пресслаб, енгил эрийдиган металлни қийин эрийдиган металл сиртига қуйиб ёки қийин эрийдиган металлни суюкланган енгил эрийдиган металлга ботириб, гальваник усулда, электрик ёки плазмали қиздириб лента, сим, лист, пластиинка ва б. тарзида ишлаб чиқарилади. Икки компонент (металлар ёки металл ва металл мас материал)дан иборат материаллар бинар қотишмалар деб аталади.

“**2. БИНАР НОМЕНКЛАТУРА** (лот. *binarius* — кўш) — ўсимлик ёки ҳайвоннинг кўш ном — *туркум* (ҳайвонларда уруғ) ва *тур* номи билан аталиши. Лотин тилида ўсимлик ва ҳайвонларни кўш ном (Б.н.) билан аташ қабул қилинган. Mac, Tulipaferganica (фаргона

<sup>1</sup> Хожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати. – Тошкент: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2002. – Б. 21. (– 164 б)

лоласи): *Tulipa* — туркум, *ferganica* —тур. Қўш ном ўзбек тилида ҳам қадимдан бор, мас, *мирза терак, бақа терак, оқ тол, оқ тут, қора тут, шоҳ тут* ва ҳ.к.<sup>1</sup>

Професор А. Фуломовнинг “Ўзбек тили тарихий сўз ясалишининг муаммолари” номли сал кам 800 сахифали тадқиқот иши (1955) “Сўз ясалиши” баҳсига дахлдор жамики илмий-назарий, илмий-услубий, илмий-амалий ишларнинг асоси дейилса муболага бўлмайди. Зоро, ҳозирги сўз ясалиш муаммоларининг ёритилиши тарихий сўз ясалиши масалаларини ўрганишнинг мантикий давоми ҳисобланади.

Олим ишларида ишлаб чиқилган диахрон ва синхрон деривация муносабатлари, уларни белгиловчи тамойиллар, сўзни яратувчи ҳар бир маъноли қисмнинг ўзаро мотивацияси, бинар муносабат, сўз ясаш модели, сўз ясаш типи, сўз ясаш усули, сўз ясаш андозаси, ясалма, ясовчи асос, ясовчи восита, босқичли ясалиш каби тушунчаларнинг ўз моҳиятига кўра тавсифланиши синхрон сўз ясалишини бойитган, унинг таҳлил йўриклиарини белгилаб берган бетакрор тадқиқ наъмунаси, дастуруламалдир.

Бинар аспектда талқин этиш атамалар, хусусан, топонимларга ҳам тегишли бўлиб, бу ёндашув мазкур ономастик бирликларга синхрон ва диахрон ёндашув муштараклигидаги изланишлар олиб боришни талаб этади. Бунинг учун топонимнинг тарихий этимологик қатламга оидлиги, морфем таркиби, асоснинг замонавийлик ва тарихийликка муносабати ҳамда унинг семантик структурасига дикқат қаратиш заруратини зоҳир қиласи.

Топонимика, аввало, тилшунослик фанидир. Аммо топонимларнинг этимологиясини аниқлашда лингвистик таҳлил билан бир қаторда ҳалқ тарихи, географиясини, рельеф, шунингдек, ерларнинг хусусиятларини она тилида сўзлашувчи одамларнинг қарашларининг ўзига хослиги ва географик шароитларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Тарихийлик ва географик ўзига хосликни ҳисобга олинмасдан келтириб чиқарилган соғ лингвистик ёндашувдаги маълумотлар ҳар доим ҳам ишончли этимологияни таъминлай олмайди. Шунинг учун топонимика мавзуси нафақат тилшуносларнинг, балки тарихчилар ва географлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар ҳисобланади.<sup>2</sup>

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб топонимиканинг назарий ва амалий асослари ишлаб чиқилди ва бу соҳага оид соҳасида бир қанча тадқиқотлар майдонга келди. Бунда рус олимларидан В.А.Никонов, А.В.Суперанская, А.П.Дульзон, Э.М.Мурзаев, В.Н.Топоров, О.Н.Трубачев, ўзбек номшуносларидан Ҳ.Ҳасанов, Э.Бегматов, Т.Нафасов, С.Кораев, З.Дўсимов ва бошқаларнинг хизматлари катта бўлган бўлса-да, топонимларни рус тилшунослигига XVIII асрдан бошланганигини кўриш мумкин.

Россия подшолиги Фанлар академиясининг академиги Г.Ф. Миллер (1705–1783) 1733–1742 йилларда “Сибир экспедицияси”да иштирок этиб, Сибирдаги жой номларини синчиклаб ўрганиди, уларнинг тарихий-этимологик хусусиятлари билан қизиқади. Шунингдек, XVI–XVIII асрларга оид хужжатларни тўплайди, йигилган материаллар асосида ҳозирги Тобольск Кремли архивида сақланаётган “Сибир хонлиги” хужжатларининг тарихий-маданий, этнолингвистик хусусиятларини барпо этади. У оғзаки маълумотлар асосида минглаб дарё, кўл ва қишлоқ ва бошқа объекtlарлар ҳақидаги маълумотларнинг изохини келтиради. Олим бу билан туркий топонимиканинг асосини яратади.<sup>3</sup>

Топонимикани тадқиқ этишда география фани алоҳида аҳамиятга эга. С.Кораев ёзганидек, топонимиканинг географиядан ажралган ҳолда ўрганиб бўлмайди. Энг аввало, топоним — географик объектнинг аниқ адреси. Номлар жойнинг географик ўрнини аниқлаш учун ҳам, географик тушунчаларни ифодалаш учун ҳам зарурдир. Географик картада келтирилган бой ва хилма-хил маълумотлар орасида номлар мухим ўрин тутади.

<sup>1</sup> Ўзбек миллий энциклопедияси, 2-том. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2001. – Б. 26.

<sup>2</sup> Аюбов А.Р. Топонимы как ценнное наследие культуры. file:///C:/Users/877/Downloads/toponimy-kak-tsennoe-nasledie-kultury.pdf

<sup>3</sup> Рахимбакиев С.З. Историко-лингвистическое изучение тюркских топонимов Западной Сибири XVIII века (по материалам Г.Ф. Миллера): автореф. дисс...канд. филол. наук. – Казан, 2011. – 24 с.

Географик номларнинг “калити”ни кўпинча географик қонуниятлардан топиш мумкин. Географик қонуниятларни билмасдан туриб, топонимларнинг келиб чиқиши ҳақида фикр билдириш кўпинча хатоликларга олиб келади<sup>1</sup>.

Тилнинг лугат бойлиги ТЭКларга нисбатан ўз қатlam ва ўзлашма қатламларга бўлиниши қатор илмий адабиётларда тавсифланган. Ишимиз фақат туркий – ўзбек тилининг сатхларини тадқиқ қилишга бағищланган бўлса-да, биз сўғдча ва мўғулча лексик бирликларни ҳам ўз қатlam сўзлари сирасига киритиб талқин қиласми. Чунки ўзбек ҳалки тарихан сўғдлар билан ҳам мўғуллар билан ҳам бевосита алоқадорликда бўлган, қолаверса, бу тиллардан ўзлашган лисоний бирликларнинг сони чегараланган, бу тиллардан она тилимизга ўтган ўзлашмалар фақат тарихий-лисоний қолдиқ мавқеида ва мақомида истеъмол этилади. Шунинг учун ҳам бундай лексик ва морфологик унсурларни ўз қатlam доирасида таҳлил қилишга интилдик.

Сўғд ва яғноб тиллари тадқиқи устида қўпгина ишларни амалга оширган тилшунос А.Л.Хромов *авут* топоними устида тўхталиб, унинг сўғд тилининг қолдиги эканлиги ҳақида гувоҳлик беради. Форсийлар ва туркийлар истиқомат қиласми жойларда учровчи бу сўзниг *овут ~ -оват ~ ут* “жой” маъносини англатишини таъкидлайди. Аслида сўғд тилида *аут* сўзининг лугавий маъноси “ховли” дир<sup>2</sup>.

Туркий тилларда бўлганидек, ўзбек тилида ҳам сўзлар ташки томондан этник мансублик ва худудий хосликка боғлиқ равища ўз кўринишларини ўзгартириб туради. Шундай хосланиш ўзбек тилидаги топонимларга ҳам тегишли. Масалан, Китоб туманидаги Жовиз қишлоғининг номида ўзгариш содир бўлган. Жовиз сўзининг аналоги *йагыздир*. Йагыз архаизмига Маҳмуд Кошгариининг “Девону луготит турк” асарида “ўзлаштирилмаган, тупроқли ер” тарзида изоҳ берилган.<sup>3</sup> Қишлоқда қипчоқ элатининг вакиллари яшашлари сабабли бу ойконимнинг ж-лашган варианти – Жовизга ўзгарган.

Шунингдек, Қарши ҳамда Касби туманларидаги Жизза қишлоқларининг номланишида ҳам аслиятга нисбатан ўзгариш кўзга ташланади. Аслида сўғд тилида *диз* “кўрғон”, “қальба” маъноларини ифода этган, -а яsavчи кўшимча. Артикуляцион қулайлик ҳамда дистант, регрессив ассимиляция туфайли анлаутдаги жарангли, портловчи, соф д ундоши *ж* билан алмашган.

Мўғуллар билан этник жиҳатдан ҳам территориал жиҳатдан ҳам унчалик яқин эмас, лекин уларнинг қарийб икки юз ийлилк истибоди бизнинг топонимларида кам бўлса-да ўз муҳрини қолдириб кетган. Мўғул тилидан топонимик унсурлар сўзининг биринчи компоненти бўлиб ҳам, иккинчи компоненти бўлиб ҳам кела олган – позиция жиҳатдан уларда барқарорлик йўқ; у аниқловчилик ёки аниқланмишлик вазифасини бажара олади. Яъни Бошқоп, Оққапчиғай, Ёдгор топонимларида аниқланмиш, Аскартепада аниқловчи бўлиб келган. Бўллик, Ёмчи, Ирговул, Мугалтай ва Муғлон ва Мўғлон ойконимлари туркий ва мўғулча кўшимчалар билан ҳосил бўлган.

Мўғул тилидан *бош*, *қон/қан*, *асқар*, *бўр*, *йэти*, *ирғи* ва шу сингари кўплаб индикаторлар ўзбек тилига ўтган ва ҳозир ҳам тилнинг фаол лексик бирликлари саналади. Мўғулча сўзлар-у индикаторлар ўзбек тилининг ички структураси билан боғлана олиш имкониятига эга бўлмаса ҳам, улар алоҳида ономастик бирлик сифатида тилимизнинг лугавий структурасидан жой олади. Улар фаолияти чегараланган лисоний бирликлар даражасидаги койне вазифасини бажариб бораверади.

**Бошқоп** мўғул тилида *хан*, қадимги туркий тилда *қан* “дара”, бош – “кatta”, “улувъ,” демак, дастлаб дара номи бўлган атама кейин қишлоқ номига кўчган; катта қишлоқ дегани.

**Оққапчиғай** сўзидаги *ок* сўзининг маънолари кўп (биз юкорида бу ҳақда тўхталганмиз) *қапчиғай* – тоғли худуд тепасидаги текислиқдан пастда жойлашган кичик, жарсимон дара. Мўғул гуруҳига киравчи бурят, туркий тиллар гуруҳига мансуб бўлган қирғиз тилларида *қон* – чўққи, баланлик, дара деган маънога эга. Оққапчиғай тоғ тизмалари

<sup>1</sup> Кораев С. Географик номлар маъносини биласизми? – Тошкент, 1978. – Б. 5.

<sup>2</sup> Хромов А.Л. Сагдийская топонимия верховьев Зерафшана. ТВ, – М., 1969. – С. 87–99.

<sup>3</sup> Маҳмуд Кошгари. Девону луготит турк. I том. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. – Тошкент, 1960. – Б. 225.

ё қирлар орасидаги чуқур сойлик, сув оқадиган нисбатан кичик дара (ушелия). Бошқоп ойконими камунум бўлиб, факат чегараланган ҳудудда мавжуд бўлса, қапчиғай тогли ҳудудларда кўп учрайди, бир тоғда бир нечта қапчиғай бўлиши мумкин.

**Асқартепа** – асга ~ аска – мўғулча индикатор бўлиб тош уюми маъносини англатади, корақалпоқ тилидаги *асқар* баландлик, чўққи, қозоқ тилида *асқар* ўтиб бўлмас даражадаги баланд тоғ. Асқартепа эса жуда баланд тепалик. Бундай тепалар Ўрта Осиёнинг кўп жойларида учрайди, шунинг учун халқ достонларида Асқартоғ кўп таърифланади ва тилимизнинг фаол ономастик бирликларидан саналади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Хожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати. – Тошкент: «Узбекистон Миллий энциклопедияси» давлат илмии нашриети, 2002. – 164 б.
- 2.Ўзбек миллий энциклопедияси, 2-том. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2001. – Б. 26.
- 3.Рахимбакиев С.З. Историко-лингвистическое изучение тюркских топонимов Западной Сибири XVIII века (по материалам Г.Ф. Миллера): автореф. дисс...канд. филол. наук. – Казан, 2011. – 24 с.
- 4.Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми? – Тошкент, 1978. – Б. 5.
- Хромов А.Л. Сагдийская топонимия верховьев Зерафшана. ТВ, – М., 1969. – С. 87–99.
- 5.Махмуд Кошгари. Девону луготит турк. I том. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталибов. – Тошкент, 1960. – Б. 225.

*Нашрга ф.ф.д. Г.Тожиева тавсия этган*

## ШОИР ҲОЛ МУҲАММАД ҲАСАННИНГ СЎЗ ҚЎЛЛАШ МАҲОРАТИ

**Карамова Ш. (ҚарДУ)**

**Аннотация.** Мақолада шоир Ҳол Муҳаммад Ҳасаннинг шеърларида халқ оғзаки ижоди унсурларидан, шевага хос сўзлардан фойдаланиш маҳоратини, услубининг ўзига хослигини таҳлил қилишга ҳаракат қилинган.

**Калит сўзлар:** *сўз қўллаши маҳорати, индивидуал услугуб, бадший нутқ, ибора, мақол ва ҳикматли сўзлар, шевага хос сўзлар.*

**Аннотация.** В статье предпринята попытка проанализировать мастерство использования элементов народного творчества, диалектной лексики, своеобразие стиля стихов поэта Хала Мухаммеда Хасана.

**Ключевые слова:** *умение употреблять слова, индивидуальный стиль, художественная речь, словосочетание, пословицы и мудрые слова, диалектные слова.*

**Annotation.** In the article, an attempt was made to analyze the skill of using elements of folk art, dialectal words, and the uniqueness of the style of the poet Hal Muhammad Hasan's poems.

**Key words:** *skill of using words, individual style, artistic speech, phrase, proverbs and wise words, dialectal words.*

Бадиий адабиёт ва унинг таркибий кисми – шеърият инсон рухини, маънавий оламини бойитади ва камол топтиради. Поэтик асарларда инсоният ҳаёти, жамият ҳаётининг энг долзарб муаммолари лирик қаҳрамоннинг маънавий оламини теран, ҳаққоний, сирли, яширин, гўзал ёки хунук томонларигача тасвирилаш орқали кўрсатиб берилади, қашф этилади. В.Г.Белинский қайд этишича, “Ҳар бир санъат асари санъаткорнинг ўз идеалларини юзага чиқариш, ўз ички дунёсидан ташқарида гавдалантириш йўлидаги илҳом билан қилинган хатти-ҳаракатининг самарасидир”<sup>1</sup>

Демак, шеърда турли бадиий гўзалликлар муҳим бўлса-да, теран, бой салмоқли мазмун асосий ўринни эгаллаши керак. Унда ижтимоий мазмун, фикр, ғояга нисбатан, баъзиларга арзимас кўринган, лекин турли сиёсий, ижтимоий, тарихий муаммолардан

<sup>1</sup> Белинский В.Г. Адабий орзулар. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – Б. 112.

холи, инсон рухиятининг бир лаҳзали, бетакрор кайфияти ва ҳолатларининг тасвири муҳим аҳамият касб этади. Бу талаб ҳам, албатта, шеъриятнинг асосий вазифаси – инсонпарварлик, гуманизм, ҳаётпарварлик руҳидан, турли сиёсий найранг, низо, қирғин урушлардан кўра, жамият хаётидан четроқда, қишлоқда, тоғ этакларида, дала, боғлар, табиат қучогида бир лаҳзали инсоний қувонч ва ором муҳимроқдир, деган санъат талабидан келиб чиқкан.

Ана шундай ижодкор Қашқа воҳасининг танти фарзанди, шоири Ҳол Мұхаммад Ҳасан. Унинг ижоди бир қараганда Ватанини, воҳасини, қишлоғини севган фарзанднинг дил изҳорларидан иборатдек. Аммо ўша секингина жаранглаган мисралар замираиде ори осмон, бели боғлиқ жўмард воҳа кишисининг камтарин ва, айни чоғда, катта қалби мужассам. Самимий лирикаси билан адабиёт ихлосмандлари орасида суюмли бўлган бу шоирнинг ижоди бир қадар ҳайратли, бир қадар ҳаяжонли. Олис Дехқонобод тоғларидан таралган бу каби сархил садо шовқин тўла шаҳарларда, ёхуд ўзга қишлоқларда, дарёбўйи худудлар-у, қўйингки, саҳрои манзилларда яшайдиган кишиларнинг қалбига етиб бориши, ҳис-туйғуларини безовта қилиши сўзнинг қудрати, муаллифнинг маҳорати билан чамбарчас боғлиқдир.

Дарҳақиқат, Буало фикрича, ҳаёт ҳақиқатини ёзиш ўрнига, жимжимадор, мураккаб, туманли қилиб ёзиб, мен бошқалардай фикрламайман, деб мақтанган шоирларга эргашмаган маъқул. “Халққа севимли шоир бўлишни истасангиз, бир хиллиқдан, зерикарли ёзишдан қочинг, бундай шеърлар одамни ухлатиб қўяди”, – дейди у<sup>1</sup>.

Ҳол Мұхаммад Ҳасан ижодини жимжимадорликдан холи, Қашқа воҳасининг ўзига хос “хужжати” дейиш мумкин. Негаки ундаги қишлоқ лаҳжасидаги гўзал диалектларнинг жаранглаши, кундалик турмушдаги сиз-у бизга деярли ҳар куни учрайдиган ҳодисотлар, урф-у одатларнинг жонли тасвири, қишлоқча содда ҳаётнинг таъсирчан сўздаги чизгилари такрорланмасдир. Ватанин севган, уни жон қадар суйган ошиқнинг ошиқона ижодидир. Шеъриятда Ватан мавзуи бу ҳаёт қадар кўхна ва ҳаётдек навқирон. Шундай кезларда ҳар бир даврда шоирлар ушбу мавзуни ўзи кўра олган уфқларини, қирраларини очади, Ватан мавзуи талқинида орттирилган поэтик тажрибага маълум даражада ўз улушкини қўшади, дея яна бир бор ишонч ҳосил қиласан.

*Шафақ-у шафтоли гулидан хуширўй,  
андалиб навоси – тилидан хуширўй,  
назмегўй хоманинг йўлидан хуширўй  
хилқат бор –  
Бир азиз. Би-ир азиз...  
Беминнат яширган бор гуноҳимиз –  
Бу хилқат – муқаддас саждагоҳимиз.*

Ватан образини шоирларимиз “қиёсини топмаган”, “ўхшаши йўқ бир гўзал бўстон” деб атаган. Шундай бўлса-да баъзида қуёш нури, кимдир тупроқ тимсолида тасаввур этади. Шоир Ватан тимсолини кутилмаган, тутилмаган қиёслар билан атайди “шафтоли гулидан хуширўй”, “андалиб навоси, тилидан хуширўй”. Ҳислар жилваси, туйғулар манзараси, теран фикр ва мушоҳадалар ўзининг фалсафий психологик мисралар қатига жойлаб ўкувчи кўнглига сингдиради.

Ҳар кишининг қайси миллатга мансублигини қиёфасига қараб тахмин, тилига қараб тафаккур қилиш мумкин. Шоир ижодининг яна бир эътиборли жихати унда фольклор мотивларининг устуворлигидир. Шеърлари қатъий оҳангдан йироқ, балки тилга олиниши билан қўшик бўлиб жаранглайдиган ҳалқона изҳорлардир. Шоирнинг “Оҳува” шеъри фикримизнинг айни тасдифидир. Шеърда қўшиққа хос шўхлик, ҳалқ термаларига хос шижаат, бадиий файратни сезиш қийин эмас. Муаллиф гўё бир-бирини қувлаётган фикрлар, ҳис-туйғуларни айтиб олишга улгурмаётгандай ёзади. Танланган сўзлар сехри эса созланган создан таралаётган шўхчанг куй каби ёқимлидир. Унда миллий

<sup>1</sup> Буало Н. Поэтическое искусство. – М.: ГИХЛ, 1957. – С. 87.

анъаналаримиз, шарм-ҳаёга йүғрилган мұхаббатимиз, садоқатимиз акслантирилади. “Охува”нинг жарангиги гоят гүзал, бадий ифодаси гоят бежиримдир.

Ўтириб эдим-а ўй тортиб,  
 Бўй йигитга бўй тортиб.  
 Қайданам чиқди қотган чол  
 Қосогадан най тортиб.  
 Наймиди наво-я, охува,  
 Жабрми жафо-я, охува,  
 Ўтар бўлдим дунёдан  
 Кўрмай вафо-я, охува.

Ҳар қандай асар борки ундаги воқеа, сюжет, образ кабиларнинг ҳар бири асарда маълум бир вазифа ташийди. Ўқувчининг диққатини асарнинг гоявий ҳалқаларида тақсимлайди, ўрни келганда сергаклантиради ва асар сўнгидаги катта умумлашмалар яратади. Муаллифнинг маҳорати мана шу бўлиш, кўрсатиш ва яхлитлаш жараёнларини одилона бошқаришда намоён бўлади. Мақсади эса китобхоннинг юзида, сўзида ва қалбида гул очади. “Охува”да айни мана шу ҳолат яширмасдан, оширмасдан тасвирланган. Унда миллий менталитет масаласи устун. Мұхаббатга гарқ бўлган юрак, висолга интиқ, аҳдига содик аёл образи чизилган. Садоқат масаласи катта харорат билан битилган.

Хол Мухаммад Ҳасан ҳаёт воқеликлари ва замондошларимиз қалбининг янги қатламларини поэтик тадқиқ этиш йўлида кўп изланади. Бунинг учун у шеърнинг кенг ўкувчилар оммасига етиб боришини таъминлаш мақсадида янги ифода воситаларини топади, яъни шеър сатрларини фикрий ва эмоционал образлар билан бойитишга алоҳида дикқат қиласди. Шу боисдан ҳам унинг чукур кечинмалар ва қуюқ фикрлар уйғунлиги билан йўғрилган шеъри ўкувчида чукур ҳис-туйғулар уйғотади.

Ортқанинг норники, нор карвонники  
 «Танга – топқанники, от – минганиники».  
 Кўлкарида Кўҳна Дунё баковул:  
 «Юрганникимас, буюрганники».

Шоир ижоди ҳалқоналиктининг ижтимоийлик билан синкрет ҳолатда келиши ҳайратимизга сабаб бўлади. Айниқса шеърлари ичида мақол қўллаш ва уни айтган ва айтмоқчи бўлган фикрларининг исботи тарзида келтириш маҳорати айни ўринлидир. Мақоллар қадимдан ҳам сўз безаги, фикрнинг жимжимадор тасвир воситаларидан биридир. Уларнинг шеърий мисраларда моҳирона қўлланилиши эса янги фикрларнинг янада янгиланишига туртки бўлган.

“Колган шига қор ёгар” деди  
 Тун-кун шу ши ғамини еди.  
 “Бузоқнинг юрганни сомонхона” дейман мен,  
 Ҳайит ўтгунча, майли, қўйсин хино дейман мен.

Яна бир шеърида:

Бош айланиб,  
 Ё алданиб  
 Тутолмасанг.  
 Енг шимартиб,  
 Тўр кўтартиб  
 Юбор совчи.  
 “Қор ёнармиш”  
 Деган мииш-мииш  
 Ҳақиқатмиш,  
 Истағ шаҳар  
 Топсанг агар,  
 Зўр қаловчи.

Хол Мұхаммад Ҳасаннинг шеърларида ибара, мақол ва ҳикматли сўзлар кўп ўринларда ишлатилади. Унинг сўз қўллаш маҳорати, индивидуал услуби ва бадиий нутқининг ўзига хослиги унинг тил воситаларидан фойдаланиш маҳоратининг юксак эканлигидан далолат беради.

Хол Мұхаммад Ҳасан шеърларида шева ва лаҳжаларга хос сўзларнинг учраши ва уни китобхон мөъдасига тегмайдиган қилиб ёзиши нозикташ илм ахли олдида ҳам, қизикувчан китобхон олдида ҳам муаллифнинг юзини ёруғ қилган жиҳатлардан биттасидир. Айнан Қашқа воҳасининг жонли тилида келтирилган каломлар, қайноқ иборалар муаллиф лирикасининг ўзига хослигини таъмин этади.

*Кўганда габа қўзилар,  
Ийдириб бўйни чўзилар.  
Жамрашганида манграшиб,  
Эмача бовринг эзилар.  
Қоғаноқ, гилагай ичиб,  
Жегда – кебанагин ечиб,  
Чўлиги чалар сибизиқ  
Масирқаб, дунёдан кечиб.  
Бир тутам соқол иякда  
Така торигар киякда.  
«Бобов»ларингни бас қил-эй,  
Ҳали сенга рўз қаёқда.  
Ҳаволар ёгар тов-тovга,  
Туялар келар мотовга.  
Муртими суртиб «бой» ота,  
Кириблар ке-этди ўтovга.*

Шеърларида учрайдиган бу каби сўзларнинг этимологиясига қарасак, кўп ҳолларда Дехқонбод шевасига хос сўзлар эканлиги маълум бўлади. *Кўганда габа* (кўзиларни арқонга қатор боғлаб қўшиш), *Ийдириб* (сут келишини), *эмача бовринг* (кўкрак бағринг), *қоғаноқ* (биринчи кунги сут), *гилагай* (2 кунги сут), *кебанагин* (кеманосини (кийиздан тикилган қалин кийим), *масирқаб* (кайф қилиб), *сибизиқ* (чолгу асбоби), *така торигар киякда* (кийим маъносида) *рўз қаёқда* (кун қаерда), *ҳаволар ёгар тов-тovга* (тоғларда ёмғир ёғар), *мотов* (туяларни боғлаб қўядиган жой), *муртми* (мўйлови).

Хозирги кунда бу сўзларнинг барчасига тушуниш анчайин қийин. Лекин шоир шеърларида бу сўзлардан ўрни билан фойдалана оладики, бир томондан шоирнинг ўзига хос услубини, иккинчидан томондан, шеваларнинг яшаб қолишини кўрсатади. Шоир ижодидаги ҳалқ оғзаки ижодидан кўчиб ўтган унсуurlар ҳақида кўплаб ёзиш мумкин. Баъзан хориб, баъзан илҳомланиб, баъзан недир ахтариб адабиётга, шеъриятга мурожаат қиласиз. Мутолаа сабаб ҳоргинлик унутилиб, дардлар даво топади. Илҳомимиз аланга олиши турган гап. Айнан Ҳол Мұхаммад Ҳасан ижоди ҳам толиқкан кўнглимиз, чиниқкан тафаккуримиз, ҳоргин туйгуларимизга бир қатра шифо тутгувчи бадиий муолажа десак, айни ҳақиқатни топиб гапирган бўламиз.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Белинский В.Г. Адабий орзулар. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.– Б. 112.
2. Буало Н. Поэтическое искусство. – М.: ГИХЛ, 1957. – С. 87.

*Нашрга проф. Д. Тўраев тавсия этган*

## ИЖРОВИЙ ЛИРИКА ВА ИЖОДИЙ ХОТИРА СИНТЕЗИ

**Абдуллаева У.А. (КарДУ)**

**Аннотация.** Мақолада бадий адабиётдаги лирика тури, унинг субъект иштирокига кўра фарқланувчи кўринишлари, жумладан, ижровий лирика назарияси, шеърда ижодий хотиранинг ўрни ва бадий тасвир воситалари ҳақида маълумот берилган.

**Таянч сўзлар:** ижровий лирика, субъект, ижодий ният, ижодий хотира, синтез.

**Аннотация.** В статье представлены сведения о типе лирики в художественной литературе, ее различных формах в зависимости от участия субъекта, в том числе теория исполнительской лирики, роль творческой памяти в поэзии, средства художественной образности.

**Ключевые слова:** исполнительская лирика, сюжет, творческий замысел, творческая память, синтез.

**Annotation.** The article provides information on the type of lyrics in fiction, its different forms depending on the subject's participation, including the theory of performance lyrics, the role of creative memory in poetry, and the means of artistic imagery.

**Key words:** performance lyric, subject, creative intention, creative memory, synthesis.

Шеъриятда лирик қаҳрамон билан реал шоир тенг эмас, яъни, шеърни ёзиш учун шоирнинг, албатта, севгилисига етишолмаган ва ҳамон ўша севгисини қўмсаф юрган одам бўлиши шарт қилинмайди. Фикримизча, унда ўкувчи бу ҳолатни хис қиласди, шеърда тасвирланган ҳолатни англаб тушунади, гарчи ўзи реал ҳаётида бундай воқеликка дуч келган бўлмаса-да, ҳар бир инсон қалбидаги мавжуд бўлиши мумкин бўлган барча ўзгариш ва туйгулар имконият тарзида яшайди. Мазкур фикрлардан келиб чиқиб, адабиётшунос Д.Куронов ҳозирги шеърият жанрларини лирик кечинма субъекти ва обьекти нуқтаи назаридан қуидагича таснифлайди: 1) ижровий лирика; 2) персонажли лирика; 3) медитатив лирика; 4) тавсифий лирика (унинг кўринишлари: пейзаж лирикаси, воқеабанд лирика)<sup>1</sup>.

Ижровий лирика атамаси рус адабиётшунослигида “ролевая лирика” номи билан юритилади. Мазкур жанр назариясини олим Б.О. Корман ишлаб чиқкан. Профессор Б.О. Корман XX асрнинг 70-йилларида лирика манбалари асосида муаллиф онгининг субъектив шаклларини ишлаб чиқиб, тўртта субъектив шакл мавжудлигини асослади:

1)муаллифнинг ўзи; 2) муаллиф – ривоятчи; 3) лирик қаҳрамон; 4) рол ўйнайдиган қаҳрамон<sup>2</sup>.

Ўзбек адабиётшунослигида бунинг истилоҳи сифатида қўлланадиган ижровий лирика терминини адабиётшунос олим Д.Куронов киритган.

Шоир шахсияти билан лирик қаҳрамоннинг мос тушмаслиги очиқ кўриниб турган шеърлар **ижровий лирика** деб аталади. Ижровий лирикага хос ижод намуналарида шоир ўзга шахс руҳиятига киради, гўё унинг ролини ўйнайди ва ўкувчи кўз ўнгига унинг қиёфасини акслантиради. Яъни ижровий лирикада ҳам кечинма “мен” тилидан изҳор қилинади, бироқ бу “мен” энди шоирдан мутлақо бошқа, кечинма субъекти энди тамом “ўзга” шахсдир. Одатда, ижровий ҳарактердаги шеърларнинг сарлавҳаси, сарлавҳа остидаги изоҳи, эпиграфи ёки асосий матннинг ўзида кечинма эгасига ишора мавжуд.

Ижровий лирика тушунчаси жаҳон адабиётида турлича талқин этилади. Инглиз анъаналарида муаллиф актёр сингари ўзидан узокроқ образни ифодаласа, рус адабиётида аксинча бўлади: муаллиф ўзгалар никобида ўкувчига мурожаат қиласди ва у билан шахсий туйгуларини бўлишади. Ўзбек шеъриятида ҳам худди шундай, шоир бирор тарихий шахс, адабий қаҳрамон ёки наботовот, ҳайвонот олами ё бирор предмет тилидан ўз фикрларини ифода этади. “Мен Ватандан кетмаганман, Айри тушганман холос / Ажрагандек сув кечарда, Бир нафас тандин либос” (А.Орипов. “Фурқат нидоси” 1987 ), “О, Рус, сен – ёрим, сен – синглим, сен – онам / Қандай олиб чиқай мен сени тундан?” (Р.Парфи. “Александр Блок” 1981).

<sup>1</sup> Куронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2018. – Б. 318-319.

<sup>2</sup> Корман. В.О. Лирика и реализм. – Иркутск : Изд-во Иркут. Университета, 1986. – 93 с. :

Лирик жанрларнинг етакчи назариячиларидан бири бўлган Б.О.Корман ижровий лирикани “турли қаҳрамонлар номидан ёзилган, унинг онги лирик қаҳрамоннинг онги билан мос келмайдиган шеърлар” деб таърифлаган. Адабиётшунос ва танқидчи Антони Эстхоп эмперизм(юн.ертига – тажриба сўзидан ясалган, фалсафий оқим)ни инглиз менталитетининг асосий хусусияти эканлигини исботлади<sup>1</sup> ва шу мавзуда илмий асар ёзи. Британия шеъриятидаги ижровий лирика намуналарининг машхур тадқиқотчиси Роберт Лангбаум буни “адабиётда эмперизмнинг намоён бўлиши”, тажриба шеърияти”<sup>2</sup>деб тасниф қилди.

Жаҳон адабиётшунослигида ижровий лирика назарияси мукаммал ўрганилган. Валзелнинг фикрича, ижровий лирикада шоирнинг “мен”и орқага чекиниб, бошқа образнинг ҳислари очилади. Аммо бизнинг фикримизча, ижровий лирика намуналарида шоир ўз қарашларини ҳам ифода этади. Ижровий лирикада ҳикоя қилиш мавзуси, одатда, маълум бир давр ёки жанр анъаналарига хос бўлиб, уларда қаҳрамон характери шартли равишда ифодаланади: чўпон ёки чўпон аёл (“Амариллис”, милоддан аввалги 3-аср, Феокрит); подшоҳлар ёки саркардалар (“Тўньюқуқ” “Кул Тигин”, “Билга Ҳоқон” битиктошлари VI – VIII аср); саргардон маҳбус, у ёки бу экзотик маданият вакили, романтизм ва романтизмдан олдинги шеъриятдаги ўлик ошиқ (“Бўрондаги саргардон қўшифи” 1771-72, Гёте); маҳбусларнинг кўплаб лирик монологлари ва асиrlар В. А.Жуковский, Пушкин (Тутқун); эрксизлик курбонлари (“Шарқ қизи” Чўлпон 1922; “Қиз қўшифи” 1923); шоир, давлат арబблари ва бадиий асар қаҳрамонлари (“Байроннинг сўнгги сафари”, “Александр Блок”, “Сиёвуш фарёди” (Рауф Парфи), “Фурқат нидоси”, “Улугбек фарёди” (Абдулла Орипов) каби шеърлар бунга мисол.

Адабиётшунос Улугбек Ҳамдам ўзбек шеъриятида ижровий лириканинг пайдо бўлиш асосини шундай изоҳлайди: Жадид ижодкорларнинг янги адабиёт хақидаги тасаввурлари асосини “рўймонлар ва тиётру китоблари” ташкил қилганининг сабаби – олам ва одамии англашга бўлган эҳтиёж эди. Мазкур ҳол лирикадан ҳам ўзгаришни талаб этарди, бу унинг учун яшаб қолиш ва равнақ топиш шарти бўлиб қолди. Айтмоқчиманки, шеъриятнинг кўнгилдан воқеликка юз буриши энг аввал шу объектив зарурат туфайли содир бўлгандир. Зоро, давр шарт- шароитлари юзага келтирган талабни қондириш учун шеъриятнинг “рўймон ва тиётру” китоблари билан (яни лириканинг эпос ва драма билан) ракобатга киришиши, уларнинг имкон доирасидаги вазифаларни, қисман бўлса ҳам, зиммасига олиши зарур эди. Бунинг учун эса, шеърият чукур ички структур ўзгаришга учраши, энг аввал, субъектив ташкилланиш нуқтаи назаридан ислоҳ қилиниши лозим эди. Асрлар давомида лириканинг обьекти кўнгил бўлиб келди, шеър шоирнинг – лирик “мен”нинг кўнгил изҳори сифатида тушунилди. Воқеликка юз бурган шеърият эса энди шоирнинггина эмас, ўзга одамнинг кўнглига назар солмоққа, дилидагини идрок қилмоқ ва ифодаламоққа жазм этди. Ва бу ҳолда энди ўша ўзга одам шеърнинг лирик обьекти, шоир учун бўлса бадиий идрок обьекти сифатида намоён бўлади.

...Юқорида айтилганлар шоирнинг ўзга шахсга эврилиб олиб унинг кўнглидагиларни изҳор этиши воқеликни идрок қилиш, давр рух – кайфиятини ифодалашга интилиш натижаси, унинг усулларидан бири деган фикрни тасдиқлайди. Янги ўзбек шеъриятида рус адабиётшунослари “ролевая лирика” деб атайдиган, бизда “ижровий лирика” деб аташ урф бўлган бундай шеърлар Чўлпондан кейин кенг оммалашди<sup>3</sup>.

Ижодкор ўз тафаккури ва эстетик идеали воситасида бадиий ижод намуналарини яратади. Бу жиҳатни Абдулла Орипов ижоди мисолида кўриб ўтамиш.

Абдулла Орипов “Улугбек фарёди” ижровий лирикасини ёзиш жараёнида тарихий манбалар асосидаги ижодий хотирасига таянади. Бу ҳақда шоирнинг ўзи: “ Яратганга беҳад шукроналар бўлсинки, халқимизнинг пешонасига не-не даҳо инсонларни битибди. Ана шу бетимсол шоданинг энг йирик гавҳар доналаридан бири, шубҳасиз, Мирзо Улугбекдир. 40 йил подшоҳлик қилган бу алломанинг томирида Соҳибқирон Темур қони жўш уриб турар

<sup>1</sup> Easthope A. Englishness and National Culture. Lnd. – N. Y., 1991.

<sup>2</sup> Langbaum R. The Poetry of Experience. The Dramatic Monologue in Modern Literary Tradition. Lnd., 1957.

<sup>3</sup> Ҳамдамов У. Янги ўзбек шеърияти. – Тошкент: Адаб , 2012 . – Б . 252-254.

эди. Самарқанддаги Улугбек расадхонаси кишилик жамияти эришиши мумкин бўлган мўъжизалардандир. Ўрис космонавтларидан бири расадхонани кўргач, “Аслида, фазога парвоз мана шу расадхонадан бошланган экан”, - дейди. Афсуски, фалакка нарвон қўйган халкнинг бирор фарзандига космонавтликни раво кўрмадилар.

Буюк бобомиз Наврӯзи олам куни дунёга келган эканлар. Султоннинг қай йўсинда оламдан ўтганлигини эса одамзот ҳар лаҳзада кўзда ёш билан хотирлайди. Падаркуш фарзанднинг жойи дўзахнинг қоқ ўртасидадир!

*Дўстлар, кўкда юлдузлар эмас  
У Улугбек кўзидағи ёш*<sup>1</sup>

Абдулла Орипов “Улугбек фарёди” ижровий лирикасида шеър қаҳрамони Улугбекнинг фарёдини шундай ифодалайди:

*Фалак гумбазини ёрсин фарёдинг,  
Агар ўз фарзандинг бўлса жаллодинг*<sup>2</sup>.

Ушбу шеър тарихий ҳақиқатни инсон онгида гавдалантиришда муҳим аҳамият касб этади. “Ижод қилиш қобилияти табиатнинг буюк эҳсонидир, санъаткор руҳидаги ижодий жараён буюк сир-у – асрордир, ижод лаҳзалари буюк маросимдир, — деб уқтиради Белинский.

Санъаткор ижод қилишга эҳтиёж сезади. Бу эҳтиёж – истак унга бирдан, кутилмаганда, бесўроқ, мутлақо ва унинг иродасидан ташқари келади, зеро, унинг ўзи ижодий фаолият куни, соати, минутини тайинлай олмайди: ижод эркинлиги мана шу, мана унинг ижодкор шахсига дахлсизлиги! Ижод қилиш эҳтиёжи ўз ортидан гояни олиб келади, бу гоя санъаткор руҳига кириб, уни эгаллаб олади, унинг дардига айланади. Бу гоя азалдан маълум бўлган умуминсоний гоялардан бири бўлиши мумкин; аммо санъаткор уни ўзи танлаб олмайди, балки беихтиёр ҳис этади, у гояни мушоҳадакор ақл меваси сифатида эмас, балки ўзининг ҳис-туйғулари меваси сифатида қабул этади.<sup>3</sup>

Белинский таъкидлаган ижоднинг сирли оламидаги ҳислар ва воқеликлар ҳамда Т.Бобоев айтиб ўтган ижодкор ҳис қиласидан дард ва туйғулар йиғиндиси шоирнинг **ижодий хотирасини шакллантиради**. Йиллар давомида ижодкор кўрган, билган воқеликлари, улардан туғиладиган дард ва ҳислар унинг онгида “багаж” ҳосил қиласи. Айнан шу йиғинди туйғулар ва воқеликлар **ижодий хотира ҳисобланади**.

Абдулла Ориповни ижод қилишга ундейдиган, инсонларда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантиришга қаратилган омиллар кўп бўлган. Шундай эҳтиёж сабаб шоир ижодий хотира ёрдамида ўзининг бой ижодий лабораториясини яратган. Унинг “Мусоғир” ижровий лирикаси бунга мисол. Шеърда лирик қаҳрамон (А.Орипов) ижровий қаҳрамон (мусоғир)нинг дардини ҳис қилган ҳолда объектив воқеликни яратади. Мазкур воқелик мусоғирчиликнинг машаққатлари, эл-юрт соғинчи, дарбадарликнинг ситамларини баён этиб, халқимиздаги “Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл” мақолининг исботини кўрсатиб беради.

*Гарчи камим йўқдур, мол-у дунёдан,  
Ошёни омонат қушман, аслида.  
Йироқман, юрт деган меҳригиёдан,  
Ғарибман умримнинг қайноқ фаслида.* (“Мусоғир” 1992)

Шеърнинг ёзилиш тарихи шоирнинг ижодий хотирасида акс этади. Ижровий лириканинг мазкур намунаси шоирнинг Ҳаж сафаридан кейин ёзилган. Бу ҳакда шоир: “Оллоҳ насиб қилиб, Ҳажга бордим. Ҳожи бўлдим. Ва кўп ватандошларимиз – туркистонийлар билан узок сухбатда бўлдим. Шу ўринда бир гап айтмоқчиман.

Хорижда бизнинг жуда кўп ватандошларимиз истиқомат қилишади. Афғонистон, Туркия, Америка Кўшма Штатлари, айниқса, Арабистон ярим ороли давлатлари ва ҳоказо жойларда. Булар билан кўп гаплашганман. Ҳануз ҳайронман: шуларнинг орасида нега улкан ёзувчилар, катта олимлар, санъаткорлар пайдо бўлмади? Уларнинг 99 фоизи

<sup>1</sup> Орипов А. Танланган асарлар. Тўртинчи жилд. – Тошкент: F.Гулом НМИУ, 2001 – Б. 190-191.

<sup>2</sup> Орипов А. Танланган асарлар. Тошкент: Шарқ, 2019. – Б. 470.

<sup>3</sup> Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 65.

тижоратчилар. Тижорат ёмон эмас, лекин дунёда бошқа касб-у ҳунарлар ҳам бор-ку? Амир Темур жаҳонни босиб олиб энг яхши заргар-у энг зўр усталарни Самарқандга чақириб, улуг бинолар қурдирган. Нега Алишер Навоий ҳазратлари – бош вазир (вазири кабир) атрофларида Махмуд Музаххиб, Беҳзод сингари зотларни йигиб, уларга маош тайинлаб, миллатни кўтаришга харакат қилган? Демак, дунёнинг иши фақат қорин тўйдиришдан иборат эмас экан<sup>1</sup>.

Мусоғир қайга борса ҳам эркин, бемалол яшай олмайди. Бу – ҳаёт ҳақиқати. Шеърнинг ижорий қаҳрамони борган жойида қанча фидойилик қиласин, уни ҳеч ким тан олмаслигидан изтироб чекади. “Қўлда қурол билан жсанг қилдим мен ҳам, Афғон тупроғини босганида ёв / Ҳеч қурса бир нафас, ҳеч қурса бир дам, Босқинчи йўлига бўла олдим гов”.

Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул шеъриятга “Шеър–давр овози. Унда замон одамлари қалбидан чукур ўрин олган ҳақиқатлар акс этади”, – деб изоҳ беради. Абдулла Орипов “Мусоғир” шеърида юқорида айтилганидек, замон одамлари қалбидан жой олган ҳақиқатларни ўзининг қалб призмасидан ўtkазиб тасвиrlайди:

Жайхуннинг ортидан келган ўзбегим,

*Қурол кўтармишидир, ўртаниб жони.*

*Бугун мен оламга оишкора дегум,*

*У ҳам шўроларнинг бўлди қурбони.*

(“Мусоғир” 1992)

Шоир айтади: “Биз хориждаги ватандошларимиз юрагидаги яра, жароҳатни яхши тушунамиз. Бироқ ушбу жароҳат ва яра ўзимизда йўқмиди? Хориждагилар-ку, дилидаги гапларини очиқ айтадилар. Бизда-чи? Ўз Ватанимизда яшаб шу гапни айта билмасдик”. Абдулла Орипов ҳам жуда кўп шеърларини ўзгартиришга, фикрларини яширишга мажбур бўлган. 1966 йилда Тошкентда юз берган мудхиши зилзиладан сўнг “Ер ости тинч турсин дессангиз агар, сизлар ер устида сўзламанг ёлғон” деган хулоса билан тугайдиган шеърини ёзib олиб борганда, бизлар ёлғончи бўлдикми, матбуотда чиқармаймиз, шеърингни тузат, деган буйрукни олган ва шеърни

“Сизлар шеър устида сўзламанг ёлғон” деб ўзгартиришга мажбур бўлган. Бундан кўринадики, мусоғирлик, эрксизлик нафакат ватандан ташқарида, балки, мустамлакада яшаса, ватан ичида ҳам бўлиши мумкин экан.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ижорий лирика намуналарини яратища муаллиф ижорий хотираси негизида пайдо бўлган ижодий ният моддийлашади, синтез кўринишида намоён бўлади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 65.
2. Easthope A. Englishness and National Culture. Lnd.-N. Y., 1991.
3. Langbaum R. The Poetry of Experience. The Dramatic Monologue in Modern Literary Tradition. Lnd., 1957.
4. Корман. В.О. Лирика и реализм. – Иркутск : Изд-во Иркут. Университета, 1986. – 93 с.
5. Қурунов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2018. – Б. 318-319.
6. Орипов А. Танланган асарлар. Тўртингчи жилд. Тошкент: F.Фулом НМИУ, 2001. – Б. 190-191.
7. Орипов А. Танланган асарлар. Тошкент: Шарқ, 2019 – Б. 470.
8. Ҳамдамов У. Янги ўзбек шеърияти. – Тошкент: Адиб , 2012 . – Б. 252-254.

*Наирга проф. Н.Шодмонов тавсия этган*

<sup>1</sup> Орипов А. Танланган асарлар. – Тошкент: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б. 166-167

## СВОЕОБРАЗИЕ ТВОРЧЕСТВА В.М. ШУКШИНА

Каримов Б.П. (КарГУ)

**Аннотация.** Статья посвящена особенностям творческой лаборатории В. М. Шукшина. Шукшин самобытный художник слова. Его талант разносторонен: он писатель, режиссер и актер. В своих творениях он рисует, развивает, глубоко анализирует и раскрывает духовную красоту взятых из жизни персонажей. Знакомясь с его произведениями, невольно оказываешься в визуальном ритме явления.

**Ключевые слова:** литература, жизнь в деревне, отличительная черта, творчество, аллегория, юмор, душевная красота, писатель, самобытный, анализ, творение, ритм, рационализм.

**Annotation.** Maqola V. M. Shukshin ijodiy laboratoriyasining xususiyatlariga bag'ishlangan. Shukshin - so'zning asl rassomi. Uning iste'dodi ko'p qirrali: u yozuvchi, rejissyor va aktyor. U o'z ijodida hayotdan olingan personajlarni chizadi, rivojlantiradi, chuqur tahlil qiladi, ma'naviy go'zalligini ochib beradi. Uning asarlari bilan tanishib, siz beixtiyor hodisaning vizual ritmiga tushib qolasiz.

**Tayanch so'zlar:** adabiyot, qishloq hayoti, o'ziga xos xususiyat, ijodkorlik, allegoriya, yumor, ma'naviy go'zallik, yozuvchi, original, tahsil, ijod, ritm, ratsionalizm.

**Annotation.** The article is devoted to the features of the creative laboratory of V. M. Shukshin. Shukshin is an original artist of the word. His talent is versatile: he is a writer, director and actor. In his creations, he draws, develops, deeply analyzes and reveals the spiritual beauty of characters taken from life. Getting acquainted with his works, you involuntarily find yourself in the visual rhythm of the phenomenon.

**Key words:** literature, life in the village, distinctive feature, creativity, allegory, humor, spiritual beauty, writer, original, analysis, creation, rhythm, rationalism.

Шукшин – своеобразный художник слова. Его творчество должно оцениваться разносторонне: он автор художественных произведений, режиссер и актер. И вот эта триада накладывает отпечаток на все его творчество. Читая его произведения, невольно оказываешься в визуальном ритме происходящего, воображение улавливает интонацию, мимику и жесты героев произведения. Действительно, динамика изображения в рассказах Шукшина как в кино оживляет события и драматизирует происходящее: оно создает своеобразный живой диалог. Вторая отличительная черта творчества Шукшина в том, что он раскрыл в литературе народную жизнь деревни, далекую от города. До него, никто из писателей, не знал эти стороны действительности. Эта жизнь, имеющая разнообразные неизученные стороны социальной действительности оказалась очень интересной и привлекательной для читателя. Нацеленность жителей деревни на город и, при этом, тот сложный социально-психологический процесс, который оказывает на жизнь сельчан большое давление, с мастерством передается автором - знатоком сельской жизни.

Герои его произведений: сельские почтальоны, водители, трактористы, столяры – в силу своей специальности оказываются под постоянным влиянием городской культуры.

Любимыми героями Шукшина являются люди своеобразные, с «чудинкой». Им чужд рационализм, практичность. Они обычно говорят о правде жизни, о сердце, о смысле жизни. Чувство беспокойства, недовольство с повседневной жизнью, заставляет их делать непонятные поступки. Так, герой рассказа покупает микроскоп, и жизнь его наполняется высоким содержанием - мечтой избавить людей от смертельных микробов, второй, изобретает «вечный двигатель», что также является мечтой героя сделать жизнь людей богаче и разнообразнее, так ведь не хлебом единым богат человек. Душевность, ум, степень их научных знаний говорит о том, что они занимаются решением интеллектуальных проблем, вмешиваются в разные конфликты нарушения норм морали и поведения. Хотя автор не считает их смешными, но их изображение имеет комедийный оттенок народного юмора. Этот оттенок юмора у них от того, что их действия не похожи на действия и нормы поведения обычных людей. По словам автора «они не знают правил плохого тона». Юмор этот находит выражение в языке его героев: местные диалекты, книжные слова и выражения, городской жаргон, молодежный сленг воедино образуют сложную типичную культуру действия. Шукшин повторяет элементы речи миллионов колхозников, приближающих жизнь города и деревни.

Шукшин как писатель умело использует диалоги в своих произведениях, это оттого, что он не только талантливый исследователь, но и как автор, с детства вобравший в себя своеобразие народной речи. Именно этот аргумент позволяет ему войти в положение в описываемого персонажа, в «слова» героя в его мировоззрение с его своеобразными свойствами.

Шукшин старается охватить все стороны действительности. Его герои предстают перед нами со всеми сложностями характеров: нестандартностью мышления, несовпадением желаний и действий, и как живые существа постоянно удивляют нас.

Отношение Шукшина к своим героям тоже неординарно: одних он любит, других он жалеет, и все это через юмор. Но в его произведениях для настоящих «отрицательных» героев отношение категоричное: бессердечные предприниматели, самодовольные эгоисты подвергнуты беспощадной критике.

Среди современных писателей, мастеров малого жанра Н.В. Шукшин занимает одно из достойных мест. Его романистика светлое и своеобразное явление. С самого начала творчества он старался не впадать в оковы сюжета. В своих произведениях он пытается не впутывать своих героев в надуманные моральные действия. Так, в рассказе «Сельские жители» в письме бабки Маланы сыну в Москву раскрывает психологию, и мировоззрение жителей села: «Они нам рассказали, как летают на этих самолетах и мы с Шуркой решили поехать летом на поезде. Конечно, можно было поехать и сейчас, но у Шурки больно короткие каникулы», - пишет Маланья.<sup>1</sup>

В. Шукшин в коротких рассказах передает самые обыкновенные, недостойные внимания события. Сюжет у них простой, но вместе с тем, при чтении появляется второй план, который нельзя понять сразу. Основу его рассказов составляет аллегория о жизни людей.

Многообразие жанров Шукшина объединяет нравственная проблема и своеобразный стиль писателя, который делает его творение отличительным от произведений других писателей.

Творческой лабораторией Шукшина является современная родная деревня на Алтае. Любовь к своей земле, к заповеди старших жить по совести, тяга к прекрасному позволили ему создать неповторимый колорит эпохи. Вместе с тем, он сумел передать беспорядок, сплошную монотонность, скуку в селе, что является также постоянным атрибутом села. При раскрытии характеров Шукшин большое внимание уделяет накалу страстей. Судьба простых людей, свобода в действиях и решениях, жизненность, открытость и душевность героев Шукшина делают его рассказы неповторимыми в изображении. Автор рисует, развивает, глубоко анализирует и раскрывает духовную красоту взятых из жизни персонажей. В его новеллах большое внимание обращается богатству слова, автор в своем творчестве работает со словом и над словом, уместно использует языковой материал. Надо подчеркнуть, что речевая метафоризация Шукшина близка к народно - поэтической речи, и это очень сильно бросается в глаза в начале его творчества. Это мы можем пронаблюдать в автобиографическом рассказе «Далекие зимние вечера». Ванька встряхнулся, его мать затоптала вокруг снег. Затем, сняв перчатки, ударил топором один раз, затем второй раз, третий раз: хищническая холодная сталь топора каждый раз глубже кусает белую магистраль эластичной березы.

Метафорические эпитеты: « маленькими искрами», «горячий туман закрывает его глаза», «снежное облако»; метафоры: «тихо трепещет береза», «сталь топора кидается как хищник», « топор рвется из рук»; сравнения: « он свалился в снежную кучу как в мягкую постель», «хищная сталь топора развеивается как холодный огонь» - эти выразительные средства языка служат цели передать двенадцатилетний светлый душевный мир, - детство проходило в тяжелые годы войны, тяжелый труд и невзгоды приходилось преодолевать вместе со взрослыми.

<sup>1</sup> Горн В.Ф. Василий Шукшин. Штрихи к портрету. – М., 1993. – С. 27.

В этом рассказе Шукшина наравне с эпитетом и метафорой используется и сравнение «словно маленькие желтые кошки пятна света» выполняет важную роль в инструментальной работе описания, другой пример, «голубая волна тепла тендера рассеивается через избу». Сравнение передает светлый образ детства, помогает писателю почувствовать свое сердце, создает лирический мотив рассказа.<sup>1</sup>

Творческий язык Шукшина развивается подобно народному разговорному языку. Диалектизмы и жаргонизмы, неологизмы и разговорные слова в произведениях писателя так сплетены, что этот удивительный его язык в отличие от языка других авторов необычен, разнообразен и формируется в действии.

Констатация фактов позволяет дифференцировать несколько моментов уместного употребления диалектных явлений в речевой деятельности русского народа:

- устная речь в условиях бытового общения с носителями говора;
- обозначение этнических реалий, не имеющих эквивалентов в литературном языке;
- творческая работа (например, сочинение на материале рассказов Шукшина);
- анализ художественного произведения Шукшина, в процессе которого происходит уместность использования явлений диалекта как средства выразительности речи.

Словарный запас русского языка своеобразен в творчестве Шукшина, поэтому лексическая работа заслуживает не меньше внимания, чем грамматико-орфографическая: усеченные грамматические формы, лексика и фразеология жителей деревни делают произведение живой, близкой к народной речи. С целью выразить стремление видеть мир в многообразии национальные и социально-психологические типы, внимание к культурной и нравственной дифференциации современного общества, отражающей сложность происходящих жизненных процессов, Василий Шукшин в своем творчестве умело использовал лексику и фразеологию современного русского языка. Он мог уместно употребить просторечные слова, вроде шайка, горница, охламон, полати. В тексте можно найти выражения, фразы, которые присущи письму Шукшина: «хочу крестьянскую, хочу хвост дудкой», «наговорил сорок бочек», «дым коромыслом», «е-мое», «ни сном, ни духом», «хоть матушку - раку пой», «ядрана мать», «шел я лесом - просекой», «пятый угол искаль», «как собаке пятая нога», «елкина мать», «чудак человек», «пришей - пристегбай», «даю голову на отсечение», «кишмя кишело», «рубаха - перемываха», «баш на баш», «хватил лишка», «взятки гладки», «ушки топориком», «кудыкина гора» и многие другие.<sup>2</sup>

В языке писателя трудно разграничить повседневный и литературный язык – они дополняют друг друга. Это, в первую очередь относится ко многим его произведениям в стиле сказ. Особенности приема сказ – это широкое использование в речи однополых членов. С их помощью создается общая картина изображения, создается цельная картина, продвигается динамика действий, формируется большая выразительность и живой ряд эпитетов.

Живой разговорный язык персонажей Шукшина направлен на реалистическое изображение жизни и традиций жителей села, на раскрытие внутреннего мира современного «маленького человека».

Простота и краткость экспозиции рассказов писателя способно передать духовное богатство людей.

Синтаксис рассказов Шукшина отличается употребительностью синтаксиса устной речи. Отличительными в языке Шукшина являются:

- структуры письменной речи, в которых требуется использование постпозиции, используются зависимые структуры;
- инверсия основных названий;
- использование разных видов инверсии, каждая из которых имеет свой ритм, который используется писателем для правильного чтения и понимания произведения;

<sup>1</sup> Дедков И. Последние штрихи // Современник. – М., 1989. – С. 12.

<sup>2</sup> Агутина В.А. Проза Шукшина // Высшая школа, 1986. – С. 98.

-эти конструкции образуют открытый ряд и их невозможно сосчитать. Такие конструкции типичны для спокойной разговорной речи;

- в произведениях писателя, используемые главные члены предложения и второстепенные члены предложения, которые могут свободно отделиться от структуры предложения и, приобретая статус свободного предложения, могут использоваться для констатации основной мысли в рассказе;

- парцелям писателя вбирает в себя изменения ритма произведения. Оно направлено на краткость словесного выражения при богатстве мыслей. Автор повторяет интонацию живого разговорного языка, затем образ героя произведения;

- анализируя рассказы писателя, можно констатировать факт, что знаки препинания играют особую роль, они выражают силу и энергию синтаксиса Шукшина;

- автор в своем художественном произведении пользуется своей линией выражения и экспрессивной функцией отражения. Этот признак удобен для передачи экспрессивного груза, динамизма, быструю смену событий;

- используемые автором выделяющие знаки: эллипсис, тире – служат передаче экспрессивной стороны народного слова, его резкость и динамику;

-в его сказочном стиле диалогам отводится особая роль. Автор старается передать с помощью диалога своеобразие персонажей, простоту их предложений, эмоциональность диалогов. Реплики персонажей в предложении используются прямо, без обработки;

-все содержание диалога направлено на раскрытие темы произведения: безграничный талант людей из народа, душевная красота простых сельских жителей.

Таким образом, особенность языка и стиля В.М. Шукшина используется им для выражения характеров, мыслей и чувства простых людей из народа. Своебразное творчество Шукшина привлекало, и будет привлекать сотни тысяч читателей со всего мира. Ведь редко можно встретить такого мастера народного слова, такого искреннего почитателя родной земли, каким был Шукшин.

#### **Литература**

- 1.Горн В.Ф. Василий Шукшин. Штрихи к портрету. – М., 1993. – С. 27.
- 2.Дедков И. Последние штрихи // Современник. – М., 1989. – С. 12.
- 3.Агутина В.А. Проза Шукшина // Высшая школа, 1986. – С. 98.

*Рекомендовано к печати доц. Ё. Хамраевой*

## **ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ҲОЗИРГИ АДАБИЙ ЖАРАЁН**

**Тўраев Д., Рўзиева Ф. (ҚарДУ)**

**Аннотация.** Маколада “глобаллашув” атамасида маъно муносабати, унинг адабиётшуносликлар тутган ўрни, бугунги адабий жараёндаги моҳияти, хусусан, жаҳон ва ўзбек адиллари ижодида намоён бўлиши сингари долзарб муаммолар ёритилган.

**Таянч сўзлар:** глобаллашув, лирик қаҳрамон, бадиий адабиёт, ижодий концепция, генетика, бадиий талқин.

**Аннотация.** В статье освещается значение термина «глобализация», его роль в литературоведении, его сущность в современном литературном процессе, в частности, его проявление в творчестве мировых и узбекских писателей.

**Ключевые слова:** глобализация, лирический герой, вымысел, творческий замысел, генетика, художественная интерпретация.

Abstract. In the article, the meaning of the term "globalization", its place in literary studies, its essence in today's literary process, especially its manifestation in the works of world and Uzbek writers, are highlighted.

**Key words:** globalization, lyrical hero, fiction, creative concept, genetics, artistic interpretation.

Глобаллашув атамаси бугунги кунда умумбашар тасаввуридаги тушунчага айланди. Лотинча – “глобус” – Ер шари, Ер сайёраси, деган тушунча XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошида жаҳон тараққиётидаги шаклланган умумсайёравий алоқаларнинг кенгайиши интеграциялашув, халқаро миқёсидаги муаммоларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ҳамкорликда ҳал этилишини ҳам қамраб олади. “Глобаллашув“ атамаси дастлаб америкалик олим Т.Левиттнинг 1983 йили “Гарвард бизнесревью” журналида чоп этилган мақоласида тилга олинган эди. 1985 йилда яна бир таниқли америкалик олим Р.Робертсон бу сўзни илмий муомалага олиб кирди.

Дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб бораётган Мустақил Ўзбекистонимизнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётida ҳам глобаллашув жараёнининг жадал суръатларда ривожланиши қувонарли ҳолдир. Бунинг ёрқин мисолини мустақил Ўзбекистон адабий жараёнида ҳам кўришимиз мумкин. Адабиётнинг асосий муаммоси инсонни ўрганишдир. Инсон эса дунёдаги бутун борликни яратувчиси – бунёдкоридир. Бадиий адабиётда маълум халқнинг миллӣ руҳи ва маънавий оламгина эмас, умумжаҳон ва умуинсоний муаммолар ҳам талқин этилади. А. Навоий, Л.Толстой, М.Достоевский, А.Сольженещин, Ч.Айтматов асарлари бунинг ёрқин мисолидир.

Адабий жараёнимизда глобаллашув қандай бадиий талқин этилаётганини ўрганиш бугунги адабиётшунослигимиз олдида турган долзарб масалалардандир. Бу борада дастлабки тадқиқотлар бошланди. Хусусан, ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти жамоаси томонидан 2018 йил 9 – 10 август кунлари “Глобаллашув муаммоларнинг бадиий талқини ва замондош образзи” мавзуусида ташкил этилган Халқаро илмий конференцияда глобаллашув таъсирида ўзгараётган инсонни бадиий адабиёт қандай тасвирлайтгани ҳақида гап борди.

Глобаллашув муаммолари ёки глобал масалалар бу атама муомалага кирмаган собиқ совет мафкураси авж олган йиллардаёқ адабиётимизда акс этганини эътироф этишимиз керак. Хусусан, Ф.Гуломнинг бир қанча ҳажвий ҳикоялари ва шеърлари, П.Қодиров, А.Мухтор, Э.Вохидов, А.Орипов, Ш.Холмирзаев асарларида жаҳон адабиётининг илгор тамойиллариға ҳамоҳанг глобал масалалар талқин этилган эди.

Адабиётимизда, хусусан, шеъриятимизда лирик қаҳрамонлар талқинида умумбашарий глобал муаммолар, жумладан, уруш ва тинчлик, куролланишни тўхтатиши, Орол фожиаси, экологик ва маънавият масалалар етарли даражада кўтарилган эди. Атоқли шоирларимизFaafur Fуломнинг “Вакт”, Аскад Мухторнинг “Асрим”, “Найкамалак сизга спектрлар, холос...”, Зулфиянинг “Мушоира”, “Ўғлим, сира бўлмайди уруш”, “Шарқнинг ўзи она бўлган ҳамиша”, “Хотирам синиклари” умумжаҳон осмонида жаранглагани умумбашар ўқувчисига маълум.

Истиқлол даври ижодкорларимиз учун кенг уфқлар яратди. Улар жаҳоншумул ёзувчилар қаламга олган мавзулар ҳақида умумбашар муаммоларни кўтариб чиқмоқда. Улар ўз ижодий концепциясини жаҳон ижодкорлари миқёсидаги тамойилларга мос ҳолда намоён этишмоқда. Шу жиҳатдан X.Дўстмуҳаммаднинг қатор кисса ва ҳикоялари, айниқса, “Донишманд Сизиф” романи характерлидир. Маълумки, юонон мифологиясидаги Сизиф ривояти асосида Гомердан тортиб Жеймс Жойсгача бўлган ижодкорлар асарлар ёзган. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг бу романнда Гомер ва бошқа европалик ёзувчилар асарларидағи Сизиф образига хос муштараклар бўлса-да, ўзига хос ўзбекона тасвирни уйғунлаштирган. Адабиётшунослигимизда эътироф этилганидек, X.Дўстмуҳаммад ушбу романни билан жаҳон адабиёти хазинасига ўзбекона Сизиф образини олиб киргани ва юонон афсоналарининг бадиий талқини ҳақида гап кетса, XXI аср ўзбек адабиёти ҳам эсга олиниши учун ижодий замин яратгани эътиборлидир.

“Мураккаб дунёвий фожиалар” азал-абад инсониятни ташвишлантириб келган. Тарихдан маълумки, Рим папаси жаҳон бўйлаб диний урушларнинг сабабчиси эди. Протестантлар ва католиклар ўртасидаги зиддиятлар туфайли еритик (черков ақидаларига қарши чиққан) кишилар беайб инсонлар гулханда ёкилдилар. Буюк француз адиблари Оноре де Балзак ва Проснер Мориивлар ўз асарлари билан қонли қирғинларни фош этишди.

Буюк адид Ч.Айтматов “Касандра тамғаси” (С.Қораев таржимасида “Охир замон нишоналари”) романида ҳозирги глобализм даврида мансаб, бойлик, ҳокимият талашуучи сиёсатчилар келтириб чиқараётган оммавий қирғинлар туфайли инсон генетикаси эволюцияси ёвузык тарафга ўзгаришинининг социал-ижтимоий илдизларини бадий тадқиқ этган эди.

Маълумки, генетика олимлари барча топшириқларни сўзсиз бажарувчи манқуртлар-сунъий одамлар ҳосил қилишга, клонлаштиришга уринмоқдалар. Дунёнинг барча ўлкаларидаги руҳонийлар ва фозил инсонлар бундай қашфиётларни кескин қораламоқдалар. Истеъоддли ёзувчимиз Исажон Султон ўзининг “Боқий дарбадар” номли романида инсоният тарихи ва ҳаётнинг абадият хусусида ана шу ҳаёт аро маънисиз дайдиб, қилар ишлари “хеч нарса ва фақат хеч нарса” бўлиб қолган кишиларнинг “боқий дарбадар” га айланишини бадий талқин қиласди. Бугунги адабий жараённимизга глобаллашув ҳодисасини тасвирга олиб кирган ёзувчи ўз бадий талқинида миллий ва умумбашарий аҳамиятга молик муаммо-оламдаги барча нарсанинг ўткинчилигини фақат имон ва инсонийлик, меҳр-муҳаббат ва Ватан туйғуси муҳим эканлигини китобхон онги, шуурига етказиши мақсад қиласди.

И.Султоннинг романида олим бутун дунёга хукмронликни абадийлаштириш мақсадида Ғарбдаги яширин илмий марказларда сунъий инсонни яратади. Мукаммал ақл эгаси бўлган ўлмас инсон эса ақлий заковати билан бу оламни яратган Худонинг қудратини англайди ва лабораторияларда клонлаш, Худога қарши, гуноҳ иш деб, ёзув қашфиётчиларнинг қафасидан қочиб мангударга айланади.

Истиқлол даври адабий жараённимизда жиддий ҳодиса бўлган А.Йўлдошевнинг “Пуанкарे” ҳикояси эса ҳалқимиз орасида түғилаётган ҳалқаро миқёсидаги бир даҳо олимнинг истеъодди очилишига тўқсинглик қиласган, йўл бермаган ҳодисаларнинг сабабини, моҳиятини, илдизларини бадий тадқиқ этади. Асар қаҳрамони машҳур француз мутафаккири Пуанкаре тенгламасини ечишга доир гипотеза-фаразларини исботлашга уринади. Ҳалқаро Пуанкаре институти бу гипотезалардан биронтасини исботлаб еча олган олимга миллион доллар мукофот ваъда қиласди. Узбек олим мукофотга қизиқмайди, гипотезани исботлашга бутун умрини бағишлади. Аммо истеъоддли олимнинг орзуси ушалишига ўзбекчиликдаги баъзи урф-одатлар жиддий тўқсинглик қиласди. Бундай урф-одатлардан бегона россиялик ёш олим Перельман ўша машҳур жумбоқни ечиб муваффакиятга эришади. Ёзувчи тасвирлаган қаҳрамон адабиётимиздаги янги образдир. Бу образ талқинида миллат ва ҳалқаро миқёсидаги муаммолар масаласи очиб берилмоқда.

Истеъоддли ёзувчи Н.Арслон ўзининг катор новеллалари, қисса ва романлари билан истиқлол даври адабий жараёнидаги глобал масалалар талқинини анча бойитди. Фикримизнинг исботи сифатида унинг “Аннабель ва Азозил” номли новелласига қисқача тўхталиш кифоя. Новеллада бундан беш аср муқаддам – 1535 йилда руҳонийлар томонидан инсонга садоқат билан хизмат қилиб келган от – Аннабель қатл этилади. Новелладаги рамзий тасвирлар орқали бу фожианинг муҳокамаси бутун жаҳон отлари иштирокида бўлиб ўтади. Бу муҳокамада жаҳоннинг машҳур шахсларига тегишли, улар хизматида бўлган номдор тулпорлар иштирок этади. Ёзувчининг реалистик ва фантастик уйғунлигидаги тасвир услуги ўқувчиларни йиллар ўтган сайин руҳларни безовта қилиб келаётган бу фожей воқеага Муҳаммад алайҳиссаломни Арши аълога олиб чиқсан. Буроқ, Амир Темурнинг Кўнўғлони, Алпомишнинг Бойчибори, жаҳон фотиҳи Македонскийнинг Букефали, Лев Толстойнинг Дилери, Гўрўғлининг Фиркўки, Нобел мукофоти лауреати Фольклернинг Темпи, хуллас, 17 тулпорнинг муносабати билан таништиради. Жаҳон тарихидаги бу мудҳиш воқеани тулпорлар тимсолида тасвирланиши орқали Ер юзи – бутун сайёрадаги инсониятнинг фикр-мулоҳазалари акс этаётир. Бундай тасвир ёзувчининг бадий маҳорати билан бирга Янги Ўзбекистон адабий жараёнидаги жаҳоншумул муаммоларнинг талқинлари юзага чиқаётганини кўрсатади.

Хуллас, юқоридаги бадий талқинлар глобаллашув жараёнидаги миллий адабиётимизда ҳам жаҳоншумул муаммолар умумбашар нигоҳида тасвирланаётганини исботлайди.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Глобаллашув муаммоларининг бадий талқини ва замондош образи. – Т.: MUHARRIR, 2018. – 400 б.
2. Умаров Б., Жабборов Ш. Глобаллашув шароитида маънавий тарбия муаммолари. – Т.: Академия, 2011. – Б. 213.
3. Қаҳхорова Ш. Глобал маънавият глобаллашувининг ғоявий асоси. – Т.: Тафаккур, 2009. – Б. 19.

**ЛИРИКАНИНГ УМРБОҚИЙЛИК ТАБИАТИ****Эрназарова Г. Х. (ҚарДУ)**

**Аннотация.** Мазкур мақолада медитатив лиrikанинг умрбоқийлик табиатининг ўзбек шеъриятида намоён бўлиши тарихий ходиса эканлиги, унинг тарихий асослари талқин этилган. Ўзбек шеъриятияга жадидлар шеъриятидан таъсирланган ва шўро мафқурасининг босимлари остида бўлса-да миллийликнинг ўзига хос хусусиятларни олиб кирган авлод шоирлари Гафур Гулом, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Орипов ижоди мисолида таҳлил этилган.

**Таянч сўзлар:** ўзбек шеърияти, медитатив лирика, жадидлар шеърияти, Гафур Гулом, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Орипов, умрбоқий шеърият.

**Аннотация.** В данной статье проявление вечного характера медитативной лирики в узбекской поэзии является историческим явлением, и осмысливаются его исторические основания. Анализируется творчество поэтов Гафура Гулама, Максуда Шайхзода, Абдуллы Орипова, испытавших влияние поэзии модернистов и привнесших в узбекскую поэзию черты национализма под давлением идеологии шуры.

**Ключевые слова:** узбекская поэзия, медитативная лирика, современная поэзия, Гафур Гулам, Максуд Шайхзода, Абдулла Орипов, поэзия всей жизни.

**Annotation.** In this article, the manifestation of the eternal nature of meditative lyrics in Uzbek poetry is a historical phenomenon, and its historical foundations are interpreted. The work of poets Gafur Ghulam, Maqsud Shaykhzoda, Abdulla Oripov, who were influenced by the poetry of the moderns and brought the characteristics of nationalism to the Uzbek poetry under the pressure of the Shura ideology, is analyzed.

**Key words:** *Uzbek poetry, meditative lyrics, modern poetry, Gafur Ghulam, Maqsud Shayhzoda, Abdulla Oripov, lifelong poetry.*

Бадий ижоднинг, айниқса, шеърий асарларнинг пайдо бўлиш жараёни жуда ҳам мураккабдир. Шеърий кайфиятга мос сўзлар танлаш ва уни қоғозга тушириш, қоғозга тушган туйгуларни бафуржа таҳрир этиш ёки шу ҳолича қолдириш – буларнинг барчаси ҳар бир шоир ижод жараёнида турлича кечади. Шунинг учун ҳам В.Г.Белинский бу ходисага “соғ лирика бир лаҳзалик илҳомнинг меваси” сифатида қарайди. “Шоир руҳининг оний, бир лаҳзалик кайфиятининг меваси бўлган лирик асар, шоир руҳи бошқа кайфиятга бўйсунмасдан илгари қоғозга кўчмаса, у йўқолади, яна қайтмайди”.<sup>1</sup> Соғ лирик асарнинг шакли билан мазмуни бир лаҳзалик кайфиятнинг меваси сифатида ўзига хос мукаммаллик ҳам касб этади. Чунки шеърнинг шакли, мазмуни, ритм-оҳанглиги шоирнинг айни палладаги руҳий ҳолатини ифодалайди. Ҳамид Олимжоннинг умр йўлдоши Зулфия фикрича: “Шеър – туйгулар, ҳаётдан олинган таассурот ва тафаккурлар меваси!... Туйгулар! Шеър – туйгулар фарзанди. Чукур фикрлар, ёник, самимий ҳислар фарзанди бўлади шеър...”. Бу ёник ҳис-туйгуларга, руҳий кайфиятга баъзан замонанинг ўткир муаммолари, ижтимоий дардлари ҳам аралashiши мумкин. Барча даврларда жаранглаб турадиган шеърнинг умри узун бўлади. Яшовчан шеърлар тўғрисида филология фанлари доктори, профессор Хотам Умиров шундай зарурий фикрларни баён этади: “Умрбоқийлик асосида ўз замонасининг асосий дардларини, кўплаб замондошларининг уриб турган юраги шодликлари ва оғриқларини кашф этиш, умумлаштириш, уни ўзга авлодлар ҳис қиладиган даражада англатиш ётади”<sup>2</sup>. XX асрнинг 30-йилларида адабий ҳаётга аралашиб,

<sup>1</sup> Белинский В.Г. Мақолалар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1948. – Б. 93.

<sup>2</sup> Умиров X. Барҳаёт сулола. – Т.: Navro‘z, 2017. – Б. 32.

умр бўйи шундай шеърий кайфият билан самарали ижод қилган Faфур Fuлом, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Миртемир адабий меросида соф лирик асарларга мисол бўладиган намуналар кўплаб топилади.

*Ҳаёт шаробидан бир қултум ютай,  
Дамлар ганиматдири, умрзоқ соқий.  
Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди,  
Умримиз боқийдир, умримиз боқий.*

Faфур Fuломнинг машҳур “Вақт” шеърининг хотимасида шундай мисралар бор. Шоир ўзининг ҳам, шеърларининг ҳам боқийлигига ички бир ишонч билан ургу беради. “Шоир ижодидаги замонасозлик ҳақида гапириб, баъзан “Вақт” шеърини ҳам шу оқимга қўшиб юборишади. Замонасозлик замонга, давр талабига қараб иш тутишни, ижод қилишни англатса, унда “Вақт” шеъри бундай замонасозликдан анча юқори туради. Умуман, бу каби асарларга оддий мезон билан ёндашиб ҳам, бундай мезонларни “Вақт” каби шеърларга қўллаб ҳам бўлмайди. Шеърни замонасоз асарлар сирасига киритганларни унда жорий замонага оид воқеа-ходиса ва шахслар тилга олиниши чалғитган бўлиши мумкин. Лекин сиз ижодкор ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг, вақт ҳақида ёзиб, ўша вақтдаги, замонадаги ҳодисаларни тилга олмаслик мумкинми? Вақт фақат вақтдан улги олади, бошқа ҳеч бир нарсадан эмас. Шу боис замонасозлик билан замонавийликни фарқлаш лозим. “Вақт”га юксак замонавийлик, яъни замон билан, ўзи нафас олаётган он, лаҳза билан биргалик, ҳамнафаслик хос. Зеро, муайян бадиий даражага эришган асар ҳамма даврлар учун замонавий, барча даврларга замондош”<sup>1</sup>.

Зеро, Faфур Fuлом шеърлари ичida “Вақт” каби “Софиниш”, “Сен етим эмассан”, “Куз келди”, “Бизнинг уйга қўниб ўтинг дўстларим” каби фалсафий мазмунли шеърлар борки, уларни ҳар бир давр ва ҳар бир адабиётшунослар авлоди ўзича тушунади ва шарҳлайди. Зеро, улар моҳиятида инсоннинг қалбидаги меҳр-мурувват деган олий туйгуларни жўш урдирадиган жиҳатлар мужассамдир. Шуни эътиборга олган адабиётшунос Раҳимжон Отаули ёзади: “Софиниш” шеърининг кейинги бандларида, айниқса, “Сен етим эмассан” шеърида қуёш юксаклигига ифодаланган, баайни қуёшдек балқиб турган оталик ва мураббийлик меҳри энг бетаъсир, тўқимтабиат ўқувчини ҳам лоқайд қолдирмайди. Унинг ҳам кўнглида меҳр, мурувват, шафқат, саховат ҳисларини уйготиб, раҳмини келтира олади”<sup>2</sup>. Ҳақиқатан ҳам Faфур Fuломнинг умрбокий шеърлари моҳиятини инсонийлик, меҳр-мурувват каби жуда эзгу инсоний фазилатлар ташкил этади Шоирнинг “Бизнинг уйга қўниб ўтинг дўстларим” деган машҳур шеъри бор:

*Кекса шоир тилидан овозимиз,  
Шундай ўтсин ҳар баҳору ёзимиз.  
Кўп кўринсин кўзингизга озимиз,  
Дўстлар учун жонимиз, ниёзимиз.  
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим.*

Шеър Faфур Fuлом лирикасига хос фалсафий мазмун, чукур лиризм, ўйноқи оҳанг, “Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим” деган меҳмондўстона накорат билан таъминланган. Шоир шеърияти қўйма, поэтик санъатлар билан безатилган шеъриятдир. Шамолни жуда нафис тавсифлайди: “Шафтоли гулига қўнган арининг Қанот тагларини сийпалаб ўтди”. Бошқа бир шеърида: “Асалдан ажраган мумдай саргайиб, Ини йўқ аридек тўзгиганим йўқ”, деб соғинчнинг образини аниқ чизиб беради. Faфур Fuлом “Куз келди” деб номланган шеърида эса: “Урушдан қайтган ғолиб отадек Қўйни-қўнжи тўлиб сахий куз келди”, деб олтин фаслни худди инсондек жонлантириб кўрсатади. Бизнингча, Faфур Fuлом шеъриятининг эсда қоладиган қирралари ҳам айнан инсон дилига яқинлигига, ҳар қандай одамнинг ўй-кечинмаларига мос сўзлар билан ўз туйгуларини ифодалашидадир. Шоирнинг умуммиллий адабиётимиз олдиаги хизматлари бениҳоя катта. Шуни эътиборга олган туркий халқлар маданиятигининг фаҳри бўлган улкан қирғиз адиби Чингиз

<sup>1</sup> Мели С. Сўзу сўз. Sharq НМАК, – Т.: 2020. – Б. 329.

<sup>2</sup> Отаули. Сўз санъатидан сабоқлар. – Т.: Mumtoz so‘z. 2012. – Б. 215.

Айтматов: “Faфур Ғулом туркий ҳалқлар шеърияти ривожига буюк ҳисса қўшган, бутун кўпмиллатли адабиётимизнинг чўнг, кўркам вакилларидан бири, барчамизнинг гуруримиз бўлган ажойиб сўз санъаткоридир”, деб айтган эди<sup>1</sup>. Шоирлар бир бирларига эҳтиром изхорлари сифатида гўзал мақтovли бағишловлар ёзадилар. Аммо тақдир тақазосига кўра баъзан замондошлари учун марсия йўсинида видо айтиб ёзилган замонавий шеърлар ҳам ўзбек шеърияти тарихида кўплаб учрайди. Ўз вақтида Абдулҳамид Чўлпон рус адиби Максим Горький ўлими муносабати билан “Яхши бор, устоз!” деган тўрт мисрадан иборат шеър ёзгани маълум. Бир оз тарихга мурожаат қилган равишда эсланадиган бўлса, М.Ю.Лермонтов А.С.Пушкин вафоти муносабати билан “Шоирнинг ўлими” деган тарихий шеърини ёзган эди<sup>2</sup>.

Faфур Ғулом вафотида Абдулла Орипов “Алвидо, устоз” шеърини ёзди ва видолашув маросимида ўқиб беради. Бу тарихий воқеага гувоҳ бўлган Ўзбекистон Қаҳрамони Сайд Аҳмад шундай хотира ёзган эди: “Пушкин ўлганда рус шеъриятининг куёши ботди, деганларга жавоб ўларок ўша куни” Лермонтов шеърият дунёсига келганди.

Faфур Ғуломнинг мотами куни устознинг ўзидек оташин бир шоир пайдо бўлди. У даврага чиқиб алам, фарёд билан шеър ўқиди:

Сўқур, ёвуз ўлим, минг дод дастингдан,  
Зулматдан кирдингми шеър майдонига.  
Ажсал, сен найзанги санчдингми чиндан  
Ўзбек шеърияти паҳлавонига.  
Олис фазоларга кетган ҳам қайтар,  
Ботувчи қуёши ҳам чиқар билмай ҳад.  
Наҳот она ҳалқим алвидо айтар  
Бугун Faфур Ғулом бошида абад?

Бу Faфур Ғулом орзу қилган ва лекин суҳбати насиб қилмаган ёш Абдулла Орипов эди. Қаранг, нақадар буюк ўхшашлик. Пушкин оламдан ўтган кун Лермонтов, Faфур Ғулом кўз юмган кун Абдулла Орипов шеъриятга кириб келди ва шеърият занжирига битта олтин ҳалқа бўлиб уланди<sup>3</sup>.

Ҳақиқатан ҳам Абдулла Ориповнинг марсия йўсинида ёзилган бу шеъри шоирнинг изтиробга тўла юрагини намоён қиласи, ўқувчига маҳзунлик бағишлийди. Шеърнинг бошида Faфур Ғуломнинг икки мисраси келади ва давомидан А.Ориповнинг шогирдлик эҳтироми сифатида оригинал мисралар келади:

Зўр карвон ўйлида етим бўтадек  
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёши...”  
Сарбоним, кўлингдан кетдимикан эрк,  
Сарбоним, не учун кўтмармайсан бои<sup>4</sup>.

Шеърда ҳақиқатан ҳам устоз шоир бошига келган мусибатни шогирди изтироб билан қабул қилгани яққол сезилади. Шоир барчани ўзларининг шуҳратли, улуғ бир ижодкоридан ажралган лаҳзаларни тасаввур қилишга ундейди. Шоир вафотини энг катта мусибат, мотам, фам, андуҳ сифатида тавсифлайди. Аммо Абдулла Орипов ўз шеърини умидли мисралар билан тугатади:

Зор ииғлаб навосиз қолмагай дунё,  
Ўзи чора топмай ииғлагай алам.  
Шогирлар қўлидан тушибмагай асло  
Сенинг қўлларингдан тушиган шу қалам<sup>5</sup>.

Абдулла Орипов лирикаси мазмун моҳиятига синган фалсафий-медитатив хусусият ушбу “Алвидо, устоз” шеърида аниқ сезилади. Зоро, ўлим ҳодисаси баён қилинганди ёки

<sup>1</sup> Faфур Ғулом замондошлари хотирасида. – Т.: Faфур Ғулом НМИУ, 2003. – Б. 88.

<sup>2</sup> Ўтган бобда бу хусусда маҳсус таҳлиллар берилди. – Г.Э.

<sup>3</sup> Сайд Аҳмад. Елқасини пайғамбарлар силаган шоир. Faфур Ғулом замондошлари хотирасида. – Т.: Faфур Ғулом НМИУ, 2003. – Б. 31-32.

<sup>4</sup> Абдулла Орипов. Йиллар армони. – Т.: Faфур Ғулом НМИУ, 1984. – Б. 147.

<sup>5</sup> Ўша маңба. – Б. 147.

лирик қаҳрамон мусибат ёки мотам онларига рўбарў келганида, бутунлай бошқача фикрлай бошлайди. Бунда вафот этган инсон умрининг тарихига назар солинади. Аслида тадқикотнинг ушбу бу саҳифаларида хронологияга кўра истеъоддли шоир Мақсуд Шайхзода ижоди ва, хусусан, унингFaфур Гуломга бағишланган марсияси юзасидан таҳлиллар тақдим этиш ўринли бўлар эди. Чунки бу авлодга мансуб ижодкорлар орасида ўзининг инсоний фазилатлари, самимийлиги, одамохунлиги ва бошқа қатор гўзал фазилатлари билан Мақсуд Шайхзода алоҳида ажralиб туради. Унинг ижодий-лирик меросида “Кўллар”, “Шеър — чин гўзаллик синглиси экан...”, “Кўзлар”, “Яхшилар қадри” каби шеърлари, айниқса, “Faфурга хат” сарлавҳали марсия мазмунли шеъри медитатив-фалсафи мазмуни билан ажralиб туради:

*Буйруқни бажармоқ қўл ҳунаридир,  
Ҳа, қўллар – юракнинг навкарларидир.*

ёки

*Дўстлар, яхшиларни авайлаб сақланг!  
«Салом» деган сўзнинг салмогин оқланг.  
Ўлганда юз соат ийглаб тургандан,  
Уни тиригига бир соат йўқланг!*

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Белинский В.Г. Мақолалар. Ўзбекистон, – Т., 1948.
2. Умурев Ҳ. Барҳаёт сулола. – Т.: Navro‘z, 2017.
3. Мели С. Сўзу сўз. – Т.: Sharq HMAK, 2020.
4. Отаули. Сўз санъатидан сабоклар. – Т.: Mumtoz so‘z. 2012.
5. Faфур Гулом замондошлари хотирасида. – Т.: Faфур Гулом НМИУ, 2003.
6. Сайд Ахмад. Елкасини пайғамбарлар силаган шоир. Faфур Гулом замондошлари хотирасида. – Т.: Faфур Гулом НМИУ, 2003.
7. Абдулла Орипов. Йиллар армони. – Т.: Faфур Гулом НМИУ, 1984.

## НЕЪМАТ АМИНОВ ҲАЖВИЁТИНИНГ ШАКЛ ЖИҲАТДАН РАНГ-БАРАНГЛИГИ

Ризаев Б.Х. (ҚарДУ)

**Аннотация.** Маколада ҳажвий типлар яратиш ижодкорнинг воқеликка бўлган эстетик муносабати, ҳажвнависликдаги саркастик – аччиқ кулги, кучли истехзо, хаётнинг барча жабҳаларида инсон характерининг ранг-баранг қирралари, ҳаётда учрайдиган ҳажвий образлар талқинидаги турли-туман ҳажвий воситалардан фойдаланганлиги, жамиятнинг иллату камчиликларини ёритувчи манба эканлиги ёритиб берилган

**Таянч сўзлар:** ҳажв, юмор, ҳажвий асар, ҳажвий тип, характер, гоявий-эстетик идеал, ечим, эстетика, ижтимоий иллат, синкетик ҳолат, пафос, ҳажвий ҳикоя.

**Аннотация.** В статье рассматривается, что создание комических типов автором является его эстетическим отношением к действительности, саркастический - горький смех в сатире, сильная ирония, яркие черты человеческого характера встречающиеся во всех сферах жизни, использование различных комических средств в интерпретации комических образов, как источник освещения пороков и недостатков общества.

**Ключевые слова:** комедия, юмор, комическое произведение, комический тип, персонаж, идейно-эстетический идеал, развязка, эстетика, социальное зло, синкетическая ситуация, пафос, комический рассказ.

**Annotation.** The article describes the creation of comic characters as the author's aesthetic attitude to reality, sarcastic - bitter laughter in satire, strong irony, bright features of a human character found in all spheres of life, the use of various comic means in the interpretation of comic images as a source of highlighting vices and deficiencies of society.

**Key words:** comedy, humor, comic work, comic type, character, conceptual and aesthetic ideal, resolution, aesthetics, social evil, syncretic situation, pathos, comic story.

Ҳажвиётнинг турлари, усуллари ҳаётнинг ўзи каби, инсоннинг феъл-автори каби ранг-барангдир. Н.Аминов ҳажвиётига шакл жиҳатидан қарайдиган бўлсак, унда ҳам ранг-барангликни кўрамиз. Унинг “Педагогика”, “Табрикнома”, “Нусрат чаман”, “Думли юлдуз” каби хикоялари ҳажвий характер касб этса, бир катор кичик ҳажмдаги асарларига эса адебнинг ўзи “Ҳажвиялар” деб ном берган. “Сўргич”, “Мандарин пули”, “Қассоб бобонинг ити”, “Жигари тўкилди”, “Мақол одам” каби ҳажвияларида ҳам сатирик образларнинг қайсиdir жиҳати кулги остига олинади.

“Шудгордан тутилган балиқ” ҳажвияси остсарлавҳасига адеб “эртак” деб изоҳ қолдиради. Ўтмишда бўлиб ўтган воқеани эртакнамо қилиб тасвиrlайди. “Ақлли хўроз” эртак-хикояси эса масал тарзида ёзилган бўлиб, унда тулки билан хўроз ўртасидаги тортишув ва тулкининг айёрлиги иш бермаганлиги, хўрознинг ақли иш бергани кулги остига олинади. Қизиги шундаки, бу масал тарзида адеб ҳикоя қилиб берган эртакдан ҳар ким ўз касбидан келиб чиқиб: магазинчи, қассоб, ревизор, чойхоначи бола, ўқитувчи хулоса қиласи.

“Шўрлик тулки” ҳажвиясини ҳам адеб “ҳажвий эртак” деб белгилайди. Бизнингча, унинг жанрини “ҳажвий масал-эртак” деб белгилаш мақсадга мувофиқдир. Чунки унда ўрмондаги ҳайвонлар образи орқали ҳаётдаги турли-туман иғвогар, лаганбардор, хушомадгўй, жоҳил кимсаларга хос хусусиятлар фош этилади. Масалан, ўрмон шохи Арслонхоннинг “Лайлакларнинг тумшуғи қисқартирилсин”, “Қуён маҳсумни хафа қилгани учун Бўривойга огоҳлантириш эълон қиласан” тарзида бемаъни фармойишлар орқали адеб ҳаётдаги шунга ўхшаш кусурларга ишора қилиб ўтади. Ёки Арслон вафотидан кейин таҳтга ўтирган Қоплонбекнинг фармойишлари ундан ҳам кулгили: “Лайлакларнинг тумшуғи эмас, оёғи қисқартирилсин!” ёки “Ҳар бир хўрозга 300 тадан тухум туғиб, ҳазинага топшириш мажбурияти юклатилсин”, “Жониворларнинг туллаш мавсуми баҳордан кузга кўчирилсин” каби кулгили буйруқларни ўқир экансиз, адебнинг “коса тагида нимкоса” тарзида шўро замонидаги буйруқбозликлар, кўр-кўрана қофозбозликларни танқид остига олганини кўрамиз.

Адебнинг баъзи ҳажвиялари борки, уларда зўрама-зўраки кулги чиқаришга уриниш кўзга ташланади, масалан, “Топилдик” ҳажвиясида ароқхўр бир кимсаннинг бемаъни қиликлари кулги остига олинади, аммо ҳажвия тугалланмагандай таассурот қолдиради. “Хўроз”ни чўқиган “макиён” ҳажвияси ёзувчининг ўзи таъкидлаганидек, “бўлган воқеа” асосига курилган.

Адебнинг яна бир туркум ҳажвиялари борки, улар “Ғийбатулло архивидан” деб номланган. “Аъзолардан арзи дод” ҳажвиясида ғийбатчи ва “ёзувчи” шахснинг ўз ички аъзолари – кўл, кулоқ, тиш, ўпка, буйрак кабилардан шикоят қилиши кулги остига олинса, “Машқ” ҳажвиясида иғвогарлиги туфайли қамалиб чиқкан одамнинг ҳасрати кулги остига олинади. Ўнг ва чап қўлида иғво хатлари ёзган иғвогар оёғи билан ёзишга ўтгани, қулок, бурун тешиклари билан ёзишга ўтгани билан мақтанади. Адеб бу ҳажвияда бироз муболага ҳам кенг ўрин берадики, бу усул ҳам кулги чиқаришга, ҳажвий образнинг тўлиқ фош этилишига ёрдам беради.

Адебнинг баъзи қисқа ҳажмдаги ҳажвиялари монолог, мактуб шаклида ҳам яратилган. Масалан, “Муштипар монологи”да эса ношуд хотиннинг бефаросатлиги судъяга қилган монологи орқали фош этилса, “Шахсиятимга тегилмасин” ҳажвиясида иғвогар одам ўз тилидан (таҳририятга ёзган мактуби орқали) фош этилади.

Замонавий ўзбек адабиётида яратилган ҳажвий типлар асосида кулги ва фожеа уйғунлашгани кузатилади. Бу ижодий анъана, айтиш мумкинки, А.Қаҳҳорнинг “Тўйда аза” ҳикоясидан бошланган. Бинобарин, мазкур ҳикоя қаҳрамони доцент Мухторхон Мансуровнинг ўш қизга уйланиши, қиёфасини ҳам ўзгартириши, ёшига ярашмаган хатти-ҳаракатлар қилиши маҳалладошлар қалбida нафрат пайдо қиласи. Шунинг учун домланинг ўзини ўш қилиб кўрсатиши, йигитларга хос чаққонлик билан оғир чемоданларни кўтариши кулги уйғотади. Бироқ бу кулги ўрнини тезда фожеа эгаллайди. Чунки домла машина капоти очилиб, чемоданнинг учиб кетишини кўриши биланоқ, унинг тўхташини кутмасдан эшикни очиб, тушади ва югуриб бориб, чемоданларни кўтаради.

Кейин домла жон ҳолатда уни қайтиб ўрнига жойлайди ҳамда машинага ўтиради. Лаҳза ўтмай, ёш хотинининг вахимали овози эшишилади. Домла бу сунъий ҳаракатларни юраги кўтартмай, ўлиб қолган эди. Шу воқеликка ишора ёзувчи тожик халқининг “Зўри беҳуда миён мешиканад” (“Беҳуда зўр уришдан бел синади”) мақоли эпиграф килиб олинган. Бу Мухторхон домла учун айтилган, албатта. Бу каби воқеликлар тасвири китобхонда дастлаб кулги уйғотади. Вазиятнинг жиддий тус олиши натижасида кулги ўрнини фожеа эгаллай бошлайди. Чунки домланинг бундай ўлим топиши маҳалладошлари қалбида заррача ачиниш хиссини ҳам уйғотмайди. Сабаби, домла ўз талабасига уйланган қуни улар юрагида ўлган эди. Абдулла Қаҳҳорнинг санъаткорлиги, бадиий маҳорати кулги ва фожеани уйғун ҳолда, ишонарли қилиб тасвир этганида кўринади. Несьмат Аминовнинг юқоридаги ҳикоясидаги раққоса Тўтихон билан боғлиқ воқелик ҳам адабнинг улуғ салафларидан ижодий таъсирланганлигини кўрсатиб туради. Мазмун-моҳияти, характеристи жиҳатдан Мухторхон домла ва Тўтихонни бир тизимдаги ҳажвий тип дейиш мумкин.

Маълумки, М.Бахтин Н.В.Гоголнинг асарларидаги кулги ҳақида тўхталиб, бу кулги ўз илдизлари билан ҳалқ байрамлари карнавалларидағи кулгига бориб боғланишини кўрсатган эди<sup>1</sup>. Бу нарсани А.Қаҳҳор, Н.Аминов ҳикояларидағи кулги табиатида ҳам сезиши қийин эмас. М.Бахтиннинг ҳақли қайд этишича, Гоголнинг “Шинель”, “Ўлик жонлар”, “Хамелеон”, “Филофдаги одам” каби асарларидаги фожеали қисматлар ва кулгининг универсал характеристи, дунёни англашдаги улуғвор вазифаси асарга тушкунлик руҳидаги қайгуришни эмас, балки қайтадан жонланиш, янгидан туғилиш руҳини бағишлидайди.

М.Бахтин Франсуа Рабленинг “Гаргантюа ва Пантагрюэль” романидаги ўлим ҳақида тўхталар экан, асардаги бу образ ҳеч қандай фожеавий ва даҳшатли моҳиятга эга эмаслигини, аксинча, ўлим ҳалқининг маънавий тараққиётни ва янгилини жараёнидаги зарурий жиҳатлардан бири эканлигини, чунки ўлим туғилишнинг акси эканлигини алоҳида таъкидлайди<sup>2</sup>. Юқоридаги ҳикояларда ҳам шу хусусият кузатилади.

Шу билан бирга, олим сатирик ёки юмористик типларнинг бир-бирига зид хусусиятлар бирлигидан иборатлигини, уларда юксаклик ва пасткашлик, инкор ва тасдик, жирканч ва дилкаш хусусиятлар мужассамлашганлигини таъкидлайди<sup>3</sup>.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқилса, сатирик типлар қисматининг фожеали ҳал қилиниши, аммо бу фожеа ҳеч кимда ачиниш хиссини уйғотмаслиги ҳаётий асосларга эга. Уйғониш даври Европа адабиётида кулгининг илдизлари эса узок ўтмишдаги карнавалларга бориб туташишини шу жиҳатдан маъқуллаш мумкин. Адабиётда сатирик ҳамда юмористик типлар қайси даражада тасвирланмасин, уларнинг қисматини ижодкорнинг эстетик идеали ҳал қиласи. Чунки ижодкорнинг гоявий-эстетик идеали Тўтихонга ўхшаган типларнинг қисматини фожеали ҳал қиласи экан, уларнинг ҳаётда ортиқча, ўз умрини яшаб бўлғанлигига алоҳида ургу беради. Шу боис фожеали ўчим ҳеч кимда ачиниш хиссини уйғотмайди. Табиатан ҳажвга мойил ижодкор бу хилдаги ечимларга ўзи яшаётган ижтимоий давр воқеалари, кишилар турмуш тарзига жиддий нигоҳ ташлаши, уларнинг хатти-харакати, ҳаётдаги маънавий-ахлоқий андозаларга қай даражада мос келиши ёки келмаслигини мантиқий англаб этиши орқали йўл топади.

Несьмат Аминов ҳажвияларида замондошларимизга хос турли кусур ва иллатларни, хусусан, сохта обрў ортидан қувадиган, барча нарса ва ҳолатлардан ўз манфаати йўлида фойдаланадиган, майший бузук шахсларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини очища бевосита тақрор усулига мурожаат этади.

Адабнинг “Табрикнома” ҳикояси ҳам ана шундай услубда яратилган. Унда бир корхона раҳбарининг янги йил байрами муносабати билан таниш-билишларига табрикнома юбориши воқеалари тасвирланган. Несьмат Аминовнинг асосий мақсади –

<sup>1</sup> Бахтин М. Рабле и Гоголь // М.Бахтин. Творчество Франсуа Рабле и народьная культура средневековья и Ренессанса. – М.: ГИХЛ, 1990. – С. 526-536.

<sup>2</sup> Бахтин М. Рабле и Гоголь // М.Бахтин. Творчество Франсуа Рабле и народьная культура средневековья и Ренессанса. – М.: ГИХЛ, 1990. – С. 450.

<sup>3</sup> Бахтин М. Рабле и Гоголь // М.Бахтин. Творчество Франсуа Рабле и народьная культура средневековья и Ренессанса. – М.: ГИХЛ, 1990. – С. 453.

оддий табрикнома юборишдан ҳам манфаат изловчи, лаганбардор ва сохта обрў орттиришга интилувчи шахснинг қиёфасини очиб беришга қаратилган.

Ҳикояда тасвирланишича, Шоназар Қосимович ўз кабинетига кириб, бел оғриғидан азобланиб, пальтосини аранг ечади. Ўқувчи унинг кириб келиши ва ўзини тутишидан бирор жиддий юмушни бажаришга келган деб ўйлади. Аммо у котибаси олиб кирган табрикномалар билан танишиш, уларни юборган кишиларнинг ҳар бирига телефон қилиб, ўзи юборган табрикномани олган-олмаганлигини суриштириб билиш билан банд бўлади. Улар орасида мансаби ўзидан катталари бўлса, бел оғриғини ҳам унугиб, хушомад билан икки букилиб муомала киласди. Ҳар бирига юборилган открыткаларнинг суратларини суриштиришни ҳам унумайди. Юборилган табрикномалар ичida Нозимахон исмли ўйнаши ҳам бор эди. Шоназар Қосимович унга кўнғироқ қилас экан, суюқоёқ бу жувоннинг “ўзингизга ўхшаган бобойканинг сурати бор экан” деб қилган ноз-ишиваси унинг юрак-багрини ўргаб юборади. Аммо Шоназар Қосимович бу нарсани тан олмасликка ҳаракат қиласди. Ниҳоят, у котибадан барча ташкилоту шахслардан кимлар қолганлигини суриштирганида, онасига ҳали табрикнома юборилмагани билинади. Шундагина унинг ёдига онаси тушади. Катта мансабдаги кишиларга хушомад билан муомала қилган бу шахс эътиборсизлик билан котибасига бирор шоирнинг шеъридан бир-икки мисра келтириб, онасига табрикнома юборишни буюради. Ҳикоянинг шу жойи сунъий чиққан. Чунки ҳар қандай бошлиқ онаси билан бир шаҳарда яшаса, телеграмма юбормайди. Узок шаҳарда бўлса жўнатиши мумкин.

Ҳикояда адаб куни бўйи давлат идорасида ўтириб, ўз жамоасининг янги йил арафасидаги ҳол-аҳволидан хабар олиш ўрнига арзимас, бачкана ишлар билан банд бўлганлигини тасвирлайди. Адаб унинг манфаатпараст, хушомадгўй эканлигини хатти-ҳаракатидаги тақорорлар ёрдамида очишига эришади. У хизмат телефонидан уззукун ўз манфаати учун фойдаланади. Агар телефон шахсий ва ўзига қарашли бўлса, у барчага бу қадар кўнғироқ қилмаган бўларди. Қолаверса, у онасини хеч бўлмаганда янги йил арафасида бориб, совға-салом билан табриклаб келган бўларди. Афсуски, Шоназар Қосимович манфаат йўлида одамийликни, она олдидаги фарзандлик бурчини унуглан шахс. Унинг хақиқий қиёфасини фош этишда адаб тақрор усулига ўринли мурожаат этган.

Неъмат Аминов асарларида яратилган ҳажвий образлар жамиятда яшаб келган турли норасоликларни, жумладан, порахўлик, расмиятчилик, ўғирлик, ялқовлик, маданиятсизлик, майший бузуқлик, бачканалик, фаросатсизлик каби жамиятимизда учраб турадиган иллат ва нуқсонларни фош этишига хизмат қиласди.

#### **Фойдаланган адабиётлар**

1. Аминов Неъмат. Чинорлар қўшиғи. – Т.: Ёш гвардия. 1984. – Б. 80-84.
2. Аминов Н. Жигари тўқилди. «Муштум» кутубхонаси серияси. 34-сон. –Т., 1974. –Б. 3-5.
3. Аникст А.А. Теория драмы от Аристотеля до Лессинга. –М.: Наука, 1967. – С. 78.
4. Бальзак. Собр. соч. в 24- х томах. Т 23. – М.: Наука, 1960. – С. 279.
5. Бахтин М. Рабле и Гоголь // М.Бахтин. Творчество Франсуа Рабле и народная культура средневековья и Ренессанса. – М.: ГИХЛ, 1990. – С. 526-536.

*Нашрга ф.ф.д. Г.Эрназарова тавсия этган*

# **ҚарДУ ХАБАРЛАРИ**

**Илмий-назарий, услугбий журнал**

**Қарши давлат университети кичик босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: 180003, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17.**

**Индекс: 4071**

Теришга 13.04.2023 йилда берилди.  
Босишга 19.04.2023 йилда рухсат этилди.  
24.04.2023 йилда босилди.  
Офсет қофози. Қофоз бичими 60x84, 1/8.  
Times New Roman гарнитураси.  
Нашриёт ҳисоб табоғи 20,25.  
Буюртма рақами: № 84.  
Адади 100 нусха. Эркин нархда.